

# МИХАИЛ ШОЛОХОВ

АСАРЛАР  
ТЎПЛАМИ  
САККИЗ ТОМЛИК



ОЧИЛГАН ҚҰРИҚ

ИККИ КИТОБЛИ  
РОМАН



«ТОШКЕНТ» БАДИИЙ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ  
1965

# МИХАИЛ ШОЛОХОВ

АСАРЛАР  
ТЎПЛАМИ



ТОМ

ОЧИЛГАН ҚЎРИҚ

РОМАН  
БИРИНЧИ КИТОВ



«ТОШКЕНТ» БАДИИЙ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ

1965

Замонамизнинг буюк ёзувчиси М. Шолохов-  
нинг «Очилган қўриқ» романида мамлакатимиз  
ҳаётидаги муҳим бурилиш даври — коллектив-  
лаштириш даври акс эттирилган. Автор чуқур  
революцион ўзгариш, қишлоқда социализм қурили-  
шини зўр эҳтирос, юксак бадий маҳорат билан  
тасвирлайди.

*ВАҲОБ РЎЗИМАТОВ*

т а р ж и м а с и

Шолохов Михаил А.

Асарлар тўплами. 8 томлик. т. 6. (Ваҳоб Рўзиматов тарж.)

Т., «Тошкент». 1965.

Т. 6. Очилган қўриқ. Биринчи китоб. 400 бет.

Тиражи 15.000

Шолохов Михаил А. Собрание сочинений.

Т. 6.

Р2

## 1 Б О Б

Январь охирларида ҳаво юмшаб эндигина илиган пайтларда олчазорлар хушбўй ҳид таратади. Туш пайтида бирон овлоқроқ жойда (қуёш илтиб турган бўлса) олча пўстлоғининг сезилар-сезилмас ҳазин бўйи эрий бошлаган қорнинг ёқимли ҳиди, қор остидан, ҳазонлар остидан кўриниб қолган ернинг қудратли ва қадимий ҳиди билан аралшиб кетади.

Анво турли муаттар ва нафис ҳидлар боғлар устида мовий оқшомгача, яланғоч шоҳлар орасидан кўкиш ой камалаги кўрингунча, ўйноқи қуёнларнинг қорга изи тушадиган пайтгача аримай туради.

Кейин шабада адирлардан боғларга аёз қовжиратган ёвшаннинг латиф исини олиб келади, кундузги ҳидлар таралиб, садолар тинади, ниҳоят, шарқдан дашт бўйлаб судралиб келаётган оқшом кўланкаларини орқасида қолдириб, таҳожлар, бурганзорлар ва оқариб қолган анғизлар оша, ўнқир-чўнқир шудгор оша шарқдан ҳайбатли тун босиб келади.

---

1930 йил январь оқшомида даштга туташган тор кўчадан Гремячий Лог хуторига бир отлиқ кириб келди. У чови қиров босган ҳорғин отини анҳор бўйида тўхтатиб, эгардан тушди. Тор кўчанинг икки томони бўйлаб чўзилиб кетган тим қора боғлар, тўп-тўп терак-

зорлар устида кемтик ой муаллақ бўлиб турарди. Тор кўча қоронғи ва жимжит. Анҳорнинг нарёғида, қаердандир итнинг зўр бериб увиллаши эшитилар, чироқ милтиллар эди. Отлиқ муздек ҳавони ютиб нафас олди, шошилмасдан қўлқопини ечиб, тамаки чекди, кейин айилни қаттиқ тортиб, бармоқларини тўқим тагига тиқиб отнинг терлаган яғринидан бадани ҳўл ва қизиб кетганини пайқагач, катта гавдасини эпчиллик билан эгар устига олди. Сўнгра қишда ҳам музламайдиган саёз анҳордан кечиб ўта бошлади. Анҳор тагидаги шағалларни тақаси билан ғирчиллатиб ўтаётган от сув ичмоқчи бўлиб интилган эди, отлиқ уни ниқтади, от қорнини ғўрқиллатганича қия қирғоққа сапчиб чиқди.

Отлиқ гала-говур ва ғижирлаган чана товушини эшитиб, отини яна тўхтатди. От ҳам ҳуржиб қулоғини чимирди, бошини бурди. Ой нури тушган кумуш ўмилдириқ ва казакча эгарнинг кумуш қопланган баланд қоши тор кўча зулматида кўзни қамаштиргудек бўлиб ярқираб кетди. Отлиқ тизгинни эгар қошига ташлаб, шу вақтгача елкасида осилиб турган казакча тивит бошлиғини шоша-пиша кийди-да, юзини ўраб олиб, отини елдириб кетди. Чана ёнидан ўтиб кетгач, отини яна жой юргизди-ю, лекин бошлиғини ечмади.

Хуторга кириб келганидан кейин, қаршисидан чиққан аёлдан сўради:

— Ҳой, хола, Яков Островнов қаерда туради?

— Яков Лукичми?

— Ҳа.

— Унинг уйи анови теракнинг орқасида, томи черепицадан, кўрдингизми?

— Кўрдим. Раҳмат.

Черепица ёпилган катта уй олдида отдан тушиб, уни эшикдан етаклаб олиб кирди-да, қамчи дастаси билан деразани аста тақиллатиб, чақирди:

— Ҳой, хўжайин! Яков Лукич, бу ёққа чиқ-чи!

Бош яланг, пиджагини елкасига ташлаб олган уй эгаси зинапояга чиқди, келган кишига тикилганича пастга тушди-да, оқара бошлаган мўйлови орасидан кулимсираб:

— Бемаҳалда юрган ким?— деб сўради.

— Танимаяпсанми, Лукич? Уйингда тунаб кетсам деб келдим. Отни қўйишга иссиқроқ жой борми?

— Йўқ, азиз ўртоқ, танимадим. Сиз район ижрокомидан эмасмисиз? Ер-сув бўлимиданмасмисиз? Танигандай бўляпман... Назаримда, овозингиз танишдай...

Меҳмон мўйлови қирилган лабларини тириштириб иржайди-да, юзини очди.

— Половцев эсингдами?

Яков Лукич қўрқа-писа атрофига аланглади, ранги ўчиб, пичирлади:

— Жаноби олийлари!.. Қаёқдан сўраймиз?.. Жаноби ясовул!.. Отингизни ҳозир жойлаштирамиз... Отхонага олиб кирамиз... Озмунча вақт ўтдими, а...

— Ҳой, секинроқ! Қўп вақт ўтди... Ёпиғинг борми? Уйингда бегона одам йўқдир-а?

Меҳмон тизгинни мезбонга берди. Бегона қўлнинг амрига истар-истамас итоат қилган от бўйинини чўзиб бошини баланд кўтарганча, орқа оёқларини судраб отхонага йўл олди. У остидаги тахтани туёғи билан қаттиқ тўқиллатди, бегона отнинг ҳидини сезиб пишқирди. Бегона бир қўл тумшугини ушлаб, бармоқлари эҳтиётлик ва эпчиллик билан шилинган милкларини сувлиқнинг чучук темиридан халос қилгач, от яйраб ўзини пичанга урди.

— Айилини бўшатиб қўйдим, эгарлоғлиқ тура турсин, сал совуса эгарини олиб қўяман,— деди мезбон, отнинг устига авайлаб совуқ ёпиқни ташларкан. Ўзи эса эгар-жабдуқни пайпаслаб кўриб, устки айилнинг қаттиқ тортилганидан, узанги қайишлари узайтириб қўйилганидан меҳмоннинг узоқдан келганини ва бугун озмунча йўл босмаганини аллақачон пайқаб олган эди.

— Еминг бордир-а, Яков Лукич?

— Топилади. Суғорамиз, ем ҳам берамиз. Қани, уйга кирайлик, исми-шарифингизни нима деб чақиришни ҳам билмайман... Эскичасига атай десам эриш кўринадиди, ўнғайсизроқ ҳам шекилли...— ийманиб жилмаярди мезбон қоронғида, гарчанд табассуми кўринмаётганини билса-да.

— Ўз номим ва отамнинг номи билан чақиравер. Эсингдан чиқиб кетган эмасми?— деб жавоб берди меҳмон, отхонадан олдин чиқаркан.

— Унутиб бўларканми? Бутун герман урушини бирга ўтказдик, бунисини ҳам... Мен сизни тез-тез эслардим, Александр Анисимович, Новороссийскда ажралишиб кетганимиздан бери сиздан дарак йўқ эди. Мен сизни казаклар билан Туркияга ўтиб кетган бўлсангиз керак, деб юардим.

Ут ёқилавериб исиб кетган ошхонага киришди. Меҳмон бошлиғи билан оқ барра папағини ечди, сийрак малла ранг сочли бесўнақай катта калласи очилиб қолди. Тақир бўлиб келаётган бўри тахлит тик пешанаси остидан хонага тез кўз югуртириб олди-да, чуқур косаларида мўлтираб турган чағир кўзларини табасум билан сузиб, катда ўтирган хотинларга — қайнана билан келинга таъзим қилди.

— Саломат бормисизлар, ойилар!

— Худога шукур,— одоб билан жавоб берди унга қайнана. Қандай одамни олиб келдинггу, у билан қандай муомала қилиш керак? деган савол назари билан эрига тикилиб жавоб кутди.

— Овқат олиб келинглар,— деб буюрди мезбон, меҳмонни меҳмонхонадаги столга таклиф қиларкан.

Меҳмон чўчқа гўштли карам шўрвани ичаркан, хотинларнинг олдида об-ҳаво ва хизматдошлари ҳақида гапириб ўтирди. Унинг тошдан йўнилгандек каттакон пастки жағи аранг қимирлар, кўтаранг бўлиб қолган ҳўкиздек аста-аста кавшанар эди. Овқатдан кейин ўрнидан туриб, чанг босган қоғоз гуллар орасидаги иконага ибодат қилди-да, елкаси тор эскигина толстовкасидан нон ушоқларини қоқиб, деди:

— Нону тузинг учун раҳмат, Яков Лукич! Энди гаплашайлик.

Келин билан қайнана столни наридан-бери йиғиштиришди; мезбоннинг имоси билан ошхонага чиқиб кетишди.

## И Б О Б

Район партия комитетининг секретари — кўзлари хира ва анча сусткаш одам — стол ёнига келиб ўтирди, Давидовга кўз қирини ташлаб қўйди-да, қовоқлари салқиган кўзларини қисиб унинг ҳужжатларини ўқий бошлади.

Ташқарида, телефон симларида шамол ғувиллар, нўхтаси билан қўра ёғочига боғлаб қўйилган отнинг яғринида бир ҳакка юрар, ниманидир чўқир эди. Шамол унинг думини қайирав, учириб юборар, лекин қариб, ориқлаб кетган, мунғайиб турган қирчанғига яна қўниб олар, очофат кўзлари билан атрофига чақчайиб назар ташлар эди. Станица устида увада-увада булутлар пастлаб сузиб юрарди. Аҳёнда булутлар орасидан қуёш нури қиялаб тушар, мовий осмон парчаси худди ёздагидек ярқираб кетар, шунда деразадан кўриниб турган Доннинг тирсаги, унинг нарёғидаги ўрмон ва олисдаги доvon, уфқ билан туташган ерда кичкинагина бўлиб кўриниб турган ел тегирмон ажойиб гўзал манзара касб этар эди.

— Шундай қилиб, Ростовда касал бўлиб ётиб қолдим дегин? Ҳа, майли... Қолган саккиз йигирма беш мингчи<sup>1</sup> уч кун бурун келди. Митинг бўлди. Уларни колхозларнинг вакиллари кутиб олишди.— Секретарь ўй сургандек, лаблари билан тамшанди.— Бизда ҳозир вазият ниҳоят мураккаб. Бутун районда коллективлаштириш проценти ўн тўртта ўнда саккиз. Кўпроғи ТОЗ<sup>2</sup>. Бой-кулак хўжаликлари ғалла мажбуриятларини ҳали ҳам тўлаб бўлгани йўқ. Одамларга жуда ҳам муҳтожмиз. Колхозлар қирқ уч ишчи сўраб заявка беришган эди, тўққизтагина киши юборишибди.

Гўё бу одам қандай ишга қодир экан, деб чамалаётгандек, салқиган қовоқлари орасидан Давидовнинг кўз қорачиқларига аллақандай ўзгача синовчан назар билан узоқ тикилди.

— Шундай қилиб, азиз ўртоқ, слесарман дегин? Жуда яхши! Путиловскийда<sup>3</sup> қачондан бери ишлайсан? Ол, чек.

---

<sup>1</sup> Колхоз қурилишининг бошланғич даврида партия 25 минг энг яхши коммунист ишчини қишлоққа юборган эди.

<sup>2</sup> ТОЗ — Товарищество по совместной обработке земли — ерни биргалашиб ишлаш ширкати.

<sup>3</sup> Путилов заводи — революциядан сўнг Краснопутиловский номи берилган, ҳозир С. М. Киров номидаги завод. Ленинграднинг революцион традициялар билан машҳур бу шонли заводида биринчи совет тракторлари чиқарилган эди.



— Ҳарбий хизматдан бўшаб келганимдан бери тўққиз йил бўлди.— Давидов папиросга қўл чўзган эди, унинг қўлидаги билинар-билинемас кўкиш татуировкага секретарнинг кўзи тушиб қолди, дўрдоқ лабининг бир чеккаси билан жилмайиб қўйди.

— Шунинг ҳам кўрк деб ифтихор қилсанг керак? Флотда хизмат қилган кўринасан-а?

— Ҳа.

— Лангарчангни кўриб айтяпман...

— Ёш эдим, бир чеккаси... гўрлик қилиб игна билан санчтириб қўйибман-да...— Давидов ғижиниб енгини пастга туширди-да, ўйлади: «Ола, нокирак нарасага дарров кўзинг туша қолганини қара-я, ғалла тайёрлашни бўлса-ку, кўздан қочирай дебсан!»

Секретарь индамай турди, салқиган заҳил юзидаги бемаъни мулозимат ифодаси йўқолди.

— Сен, ўртоқ, шу бугуноқ райкомдан вакил бўлиб ялписига коллективлаштириш ўтказиш учун жўнайсан. Ўлка комитетининг охири директивасини ўқиган чиқарсан. Танишдирсан-а? Гап шу, сен Гремячий қишлоқ советига жўнайсан. Дамингни кейин оларсан, ҳозир вақт зиқ. Юз процент коллективлаштиришга алоҳида эътибор берасан. У ерда кичкина бир артель бор, ҳолбуки биз гигант колхозлар тузишимиз керак. Агитколonna ташкил қилишимиз биланоқ сизларга ҳам юборамиз. Ҳозирча боратур, кулакларни эҳтиёт бўлиб чеклаш йўли билан колхоз туз. Ҳамма камбағалу ўртаҳол хўжаликларни колхозга тортишинг керак. Шундан кейин, бир минг тўққиз юз ўттинчи йилда бутун колхоз экин майдонига экиш учун умумлашган уруғ фонди ҳам барпо қиларсизлар. Ишқилиб, эҳтиёт бўл. Ўртаҳолга тақила кўрма! Гремячийда уч коммунистдан иборат партиячейка бор. Ячейка секретари билан қишлоқ советининг раиси яхши йигитлар, қизил партизанлардан,— яна тамшаниб, қўшиб қўйди,— шунга қараб азмойиш олавер. Тушундингми? Сиёсий саводлари чала, хато қилиб қўйишлари ҳам мумкин. Борди-ю, бир ишқал чиқиб қолса, районга тушиб келавер. Эҳ, ҳалигача телефон ўтказилмаган, шуниси ёмон-да! Ҳа, айтгандай, ячейка секретари Қизил Байроқ орденли, ўт-олов, жуда сержаҳл, чўртке-

сар.— Секретарь портфелининг қулфини бармоқлари билан чертди, Давидовнинг тураётганини кўриб, тез-тез гапирди:

— Шошма, шу гапни ҳам айтиб қўяй; ҳар куни отлиқ чопар билан маълумот юбориб тур, у ерда йигитларни ишга сол. Ҳозир ташкилот бўлимимизнинг мудирига учрашгину жўнаб қол. Айтиб қўяман, сени райижрокомнинг отларида олиб бориб қўйишади. Гап шу, коллективлаштиришни юз процентга чиқармагунча тинмайсан. Ишингга ҳам процентга қараб баҳо берамиз. Ун саккиз қишлоқ советидан иборат гигант колхоз тузамиз. Ҳазилакам эмас-а? Баайни қишлоқ хўжалик Краснопутиловскийи,— ўхшатиши ўзига ҳам ёқиб кетиб, жилмайиб қўйди.

— Сен ҳали менга кулақлар масаласида эҳтиётроқ бўлиш керак деяётувдинг. Буни қандай тушунсам бўлади?— сўради Давидов.

— Шундай деб тушуниш керак,— секретарь меҳрибонлик билан жилмайди,— галла топшириш мажбуриятини бажарган кулак бор, бажаришдан бўйин товлаётган кулак ҳам бор. Бажармаган кулак билан бўладиган муомала равшан: бир юз еттинчи моддани<sup>1</sup> қўясан, вассалом! Лекин бажаргани билан муомала қилиш мушкулроқ. Қани, айт-чи ўзинг, уни нима қилардинг?

Давидов ўйлаб кўрди...

— Мен унга янги мажбурият юклардим.

— Э ҳа! Йўқ, ўртоқ, бундай қилиш ярамайди. Бунақада бутун тadbирларимизга ҳеч қандай ишонч қолмайди. Унда ўртаҳол нима дейди? «Ана, совет ҳукумати шунақа экан. Деҳқонни минг оҳангга соляпти?» дейди. Ленин бизга, деҳқонларнинг кайфиятларини жиддий ҳисобга олиш керак, деб таълим берган эди. Сен бўлсанг «иккинчи мажбурият» дейсан. Бу, болалик, ошна.

— Болалик?— Давидовнинг юзи бўриқиб кетди.— Бўлмаса, Сталин... янглишган экан-да, сенингча, а?

<sup>1</sup> Бир юз еттинчи модда — Жиноят кодексининг 107-моддаси. Совет ҳокимияти давлатга галла топширишдан бош тортган кулақларнинг саботажига жавобан уларни шу модда билан жазолаган эди.

— Бунга Сталиннинг нима дахли бор?  
— Унинг конференцияда... ҳалиги, оти нима эди...  
Ер масаласи билан шуғулланадиганлар бор-ку... Ҳаҳ,  
ерчилар шекилли?

— Аграрчиларни айтяпсанми?

— Ҳа-ҳа, ўша аграрчи марксистлар конференция-  
сидаги нутқини ўқиган эдим...

— Хўш, нима эди?

— Ўша нутқ босилган «Правда»ни сўраб олгин.

Ишлар мудирини «Правда»ни олиб кириб берди. Да-  
видов диққат билан кўз югуртира бошлади.

Секретарь унинг юзига тикилганча илжайиб, кутиб  
турарди.

— Мана. Бунга нима дейсан?.. «...Чеклаш нуқтаи  
назарида турган чоғимизда... кулакларни тугатиш  
мумкин эмас эди». Хўш, пастроғини ўқийлик-чи... Ҳа,  
мана: «Ҳозир-чи? Ҳозир бошқа гап. Ҳозир биз кулак-  
ларга қарши қатъий ҳужум олиб бориб, уларнинг  
қаршилигини синдириш, уларнинг синф бўлиб яшаши-  
ни тугатиш... имкониятига эгамиз». Синф бўлиб яша-  
шини, тушундингми? Нима учун ғалла юзасидан  
иккинчи мажбурият бериш мумкин эмас экан? Нима  
учун мажақлаб ташлаш мумкин эмас?

Секретарьнинг юзидаги табассум йўқолиб, жиддий  
тус олди.

— Пастроғида, кулакларни колхозга кираётган  
камбағал-ўртаҳол омма тугатади, дейилган. Шундай  
эмасми? Ўқи.

— Вой, сени қара-ю!

— Бунақа гапингни қўй!— деб ғижинди секретарь,  
унинг ҳатто овози ҳам қалтираб кетди.— Ўзинг нима  
таклиф қиляпсан? Суриштирмай, ҳар бир кулакка  
нисбатан маъмурий чора кўравериш керак, дейсан.  
Атиги ўн тўрт процент коллективлаштирилган, ўрта-  
ҳол ҳали эндигина колхозга кираман деб турган  
районда-я! Бу ишда бирпаснинг ўзидаёқ қулоғинг  
остингда қолиши ҳеч гап эмас. Маҳаллий шароитдан  
беҳабар бўлган мана шунақа одамлар келади-да...—  
Секретарь ўзини босиб, аста давом этди.— Шу қараш-  
ларинг бўладиган бўлса, бир жаҳон ғалва орттириб  
беришинг ҳеч гап эмас.

— Лаббай?..

— Ҳа, хотирингни жам қил! Агар шу чоранинг мавриди келган бўлса, у зарур бўлса, ўлка комитети бизга тўғридан-тўғри: «Кулак битирилсин!» деб буйруқ берган бўларди. Ана ундан кейин марҳамат! Ҳашпаш дегунча бир ёқлик қилардик. Милиция, бутун аппарат хизматимизда... Биз ҳозирча кулакни қисман, ғаллани яширгани учун бир юз еттинчи модда билан халқ суди орқали иқтисодий жиҳатдангина жазолаяпмиз.

— Нима, сенингча батрақлар, камбағаллар, ўртақоллар кулажларни битиришга қарши экан-да? Кулақларга ён босар экан-да? Уларни кулақларга қарши бошлаш керак-ку, ахир!

Секретарь портфелининг қулфини зарда билан шарақлатиб, совуққина гапирди:

— Сен доҳийнинг ҳар бир сўзига ўзингча маъно беряпсан. Лекин район учун, райком бюроси, шахсан мен жавобгарман. Биз юбораётган жойда, ўзинг ўйлаб чиқарган йўлга эмас, марҳамат қилиб, биз тутган йўлга амал қил. Менинг эса, кечирасан, сен билан тортишиб ўтиришга вақтим йўқ. Бундан бошқа ҳам ишларим бошимдан ошиб ётибди,— деб ўрнидан турди.

Давидовнинг ёноқларига яна қон қуйилиб келди-ю, лекин ўзини босиб гапирди:

— Мен партия йўлини қўллайман, сенга, ўртоқ, ишчиларча гапнинг пўскалласини айтиб қўя қолай. Сен тутган йўл хато, сиёсий томондан нотўғри, факт!

— Мен ўз тутган йўлимга ўзим жавоб бераман... Бу, «ишчиларча» деганинг шундай эски гапки..

Телефон жиринглаб қолди. Секретарь трубкага ёпишди. Хонага одамлар йиғила бошлаган эди, Давидов ташкилот бўлими мудирининг олдига чиқиб кетди.

«Ўнг томонга шох ташлаяпти!.. Факт!— деб ўйларди, у райкомдан чиқаркан.— Аграрчиларга сўзланган нутқни яна бир бошдан ўқиб чиқаман. Наҳотки, мен янглишаётган бўлсам? Йўқ, ошна, кечирасан! Бўшбаёвлик қилиб кулакни талтайтириб юборгансан. Окружкомдагилар «ишчан йигит» дейишган эди-ю, ҳали кулақлар ғалла мажбуриятини узмаган экан. Кулакни

чеклаш бошқа гапу, зараркунанда сифатида илдизи билан суғуриб ташлаш бошқа бир гап. Нега оммани олдинга бошламайсан?»— мунозарани хаёлида давом эттириб, секретарга мурожаат қиларди у. Одатдагидек, энг асосли далиллар мясига кейин кела бошлади. У райкомда қизишиб кетиб, ҳовлиққанича оғзига келиб қолган гап билан эътироз билдираверган экан. Совуққонроқ бўлиши керак экан.

У яхлаган кўлмакларни шалоплатиб, музлаб қолган ҳўкиз тезакларига қоқина-қоқина бозор майдо-нида кетмоқда эди.

— Аттанг, дарров тугатиб қўя қолдик-да, бўлмаса мен сенинг дамингни чиқартирмай қўярдим,— барала гапириб юборди Давидов ва тўқнаш келиб қолган хотин ёнидан кулимсираб ўтиб кетаётганини кўриб, хижил бўлди-ю, дами ичига тушиб кетди.

\* \* \*

«Казак ва деҳқон уй»га чошиб кирган Давидов чамадончасини оларкан, бор-йўқ юки икки сидра ич кийим, пайпоқ, костюмдан ташқари, Ленинграддан ола келган ўзига тегишли отверткалар, ясси омбур, рашпиль, крейцмессель, кронциркуль, швед ключи ва бошқа оддий асбоблар эканини эслаб кулди. «Буларни ишлатиб бўпман! Тракторларни тузатарман девдим, бу ерда трактор йўқ экан. Афтидан, вакил бўлиб районда дайдиб юраман шекилли. Биронта колхоз темирчисига совға қиламан бу савил қолгурларни»,— деб аҳд қилди у, чамадонни чанага ташларкан.

Райижрокомнинг семиз отлари суянчиғи олачипор қилиб бўялган таврияча чанани физиллатиб олиб кетди. Станицадан чиқишлари биланоқ Давидов совқотди. У кепкасини бостириб, юзини пальтосининг тақир барра ёқаси билан ўради; ёқасидан, энгидан ҳувиллаб кирган нам ва совуқ изғириндан дилдиради. Айниқса эскигина «Скороход» ботинка кийган оёқлари ушиди.

Гремячий Лог билан станицанинг орасидаги йигирма саккиз километрлик катта йўл кимсасиз адир усти-

дан ўтади. Эриган тезак унга қўнғир тус берган. Тева-  
рак-атроф кўз илғаган жойгача қор кўрпаси билан  
қопланган, йўлнинг икки ёқасида учларини қор босган  
таҳож ва қушқўнмас мункайиб туради. Сойларнинг  
ён бағирларидан ернинг қумоқ бағри очилиб қолган,  
шамол учиравериш бу ерларда қор тўхтамаган, аммо  
сойлар ва жарларнинг ўзанларида қор чўкиб уюлиб  
ётади.

Давидов оёқларини иситиш учун чананинг суянчи-  
гини ушлаганча анча жойгача чопиб борди, кейин  
чанага сакраб чиқиб, гужанак бўлиб олди-ю, мудраб  
кетди. Қўшқароқнинг қирралари ғарчиллар, от тақа-  
лари ботганда қор ғирчиллар, шотининг ўнг томони-  
даги отнинг валёги шиқирлаб борар эди. Баъзан Дави-  
дов момиқ қиров қўнган мижжалари орасидан, йўл  
устидан гуриллаб кўтарилган қораялоқларнинг қанот-  
лари қуёшда бинафша тусга кириб ярқираб кетишини  
кўриб қолар, яна ширин мудроқ босиб, кўзларини  
юмар эди.

У суяк-суягидан ўтиб кетган совуқнинг заптидан  
уйғониб кетди, кўзини очиб, камалакдек алвон рангда  
товланаётган кўз ёши орасидан тафти йўқ қуёшни,  
жимжит, бепоеён, бийдай даштни уфқнинг бир чеккаси-  
даги кул ранг қўрғошин осмонни ва яқин орадаги  
тепанинг оппоқ чўққисидан туклари оловдек товлана-  
ётган қизғиш сариқ тулкини кўрди. Тулки сичқон  
овламоқда эди. У тик турар, бурилиб ҳавога ирғиш-  
лар, кейин олдинги оёқларига ётиб оларди-да, ярқироқ  
кумуш қорни титиб-тўзитиб юборар, думи эса бир  
маромда аста биланглаб, қорга қизил аланга ёлқи-  
нидек ёстанар эди.

Гремячий Логга кечга яқин етиб боришди. Қишлоқ  
советининг кенг ҳовлисида қўш от қўшилладиган чана  
бўш ётарди. Зинапоя олдида казаклардан етти киши  
тўпланиб, тамаки чекиб турарди. Жунлари тердан  
яхлаб, ғадир-будур бўлиб қолган отлар зина олдида  
тўхтади.

— Салом, граждандар! Отхонаси қаерда?

— Саломат бўл,— ҳамма учун жавоб берди ўрта  
ёшли казак қўлини папоғининг четига олиб бориб.—  
Отхона ҳов ана, ўртоқ, ўша қамиш том.

— Уша ёққа бур,— деб буюрди кучерга гўлабир ва курч гавдали Давидов. Чанадан сакраб тушди-да, ёноқларини қўлқоплари билан ишқалаганча чананинг орқасидан кетди. Казаклар, «г»ни россиячасига қаттиқ талаффуз этадиган, кўриниши «хизматчиман» деб турган бу меҳмоннинг нима учун қишлоқ Советига кирмай, чана орқасидан кетаётганига ҳайрон бўлишиб, улар ҳам отхона томон йўл олишди.

Отхона эшигидан иссиқ гўнг буғи паға-паға бурқиб чиқар эди. Кучер отларни тўхтатди. Давидов валёкни бамайлихотир ён қайиш тугунидан бўшата бошлади. Яқинида тўпланиб турган казаклар бир-бирларига қараб олишди. Оқ заифона пўстин кийган кекса бобо мўйловидаги сумалакларни уқалаб тушираётиб, кўзларини айёрона сузди:

— Тепиб олмасин тагин, ўртоқ!

Отнинг думидан қуюшқонни чиқариб олгач, Давидов бобога ўгирилиб, қорайган лаблари билан жилмайди, шунда олдинги битта тиши йўқлиги кўринди.

— Мен, отахон, пулемётчи бўлганман, бундан ҳам зўрроқ отларни кўрганман!

— Тишинг қани, ё биронта байтал тепиб синдирганми?— деб сўради, бурун катакларигача жингалак соқол босиб кетган қораялоқдек қоп-қора киши.

Казаклар беғараз кулишди, хомутни чаққонлик билан чиқараётган Давидов ҳам ҳазил аралаш жавоб берди:

— Йўқ, тишимдан анча бурун, ичкиликбозлик маҳалида ажраганман. Шуниси ҳам дуруст: хотин-халаж, тишлаб олади, деб қўрқмайди. Тўғрими, бобо?— Ҳазил казакларга маъқул келди, бобо ачинган бўлиб бошини чайқади.

— Тишим ўтмай қолган, йигитча. Неча йил бўладики майишиб ётибди.

Қора соқол казак оқ тишли оғзини катта очиб уюлдаги айғирдек ҳайқириб кулди, гўё кулгидан узилиб кетадигандек, нуқул чакмони устидан таранг тортиб боғланган қизил белбоғига ёпишарди.

Давидов казакларга папирос тутди, ўзи ҳам чекиб, қишлоқ Советига қараб юрди.

— Ҳа, раис ўша ерда, киравер. Партиямизнинг сек-

ретари ҳам ўша ерда,— дерди бобо, Давидовнинг изидан қолмай.

Казаклар папиросларини икки тортишдаёқ тугатиб, ёнма-ён келишарди. Одатда районнинг катталаридан биронтаси келганда чанадан сакраб тушарди-ю, одамлар ёнидан ўтиб, портфелини қўлтиқлаганича қишлоқ советига кириб кетарди. Янги келган одамнинг кучерига ёрдам бериб, от билан муомала қилишда уқувли ва эпчил эканлигини кўрсатиб, отларни ўзи чанадан чиқаргани уларга ёқиб қолди. Лекин бу нарса уларни айтиб бир вақтда таажжублантирар ҳам эди.

— От билан овора бўлишни нечук эп кўрасан, ўртоқ? Ахир, бу хизматчилар қиладиган иш эмас-ку? Кучер бор-ку?— сабри чидамай сўради қора соқолли казак.

— Бу нарса бизга жуда ғалати кўриняпти,— очини айтиб қўя қолди бобо.

Давидов ҳали жавоб бергунича йўқ эди.

— Ҳе, бу тақачи экан-ку!— хитоб қилди ҳафсаласи пир бўлган сариқ мўйловли ёш казакча, Давидовнинг ҳадеб темир-терсак ушлайверганидан кафт териси унниқиб, қайишга ўхшаб қолган, тирноқлари синиб, қайнаб битиб қолган қўлларини кўрсатиб.

— Слесарь, дегин,— унга луқма ташлади Давидов.— Хўш, сизлар сельсоветга нима учун келяпсизлар?

— Қизиқиб турибмиз,— ҳамма учун жавоб бера қолди бобо, зинапояннинг пастки босқичида тўхтаб.— Билмоқчимиз, бизга нима иш билан келдинг? Борди-ю, яна ғалла топшириш важдан бўлса...

— Колхоз хусусида.

Бобо ҳафсаласи пир бўлиб, узун ҳуштак чалди-да, зинадан биринчи бўлиб изига қайтди.

Пастак уйда яхдан тушган калта қўй тери пўстинлар ва ўтин кулининг ачимсиқ илиқ ҳиди анқирди. Стол олдида Давидовга юзма-юз, кифтлари тўғри, бўйдор одам чироқ пилигини бураб турарди. Унинг пистоқи ранг кўйлагига Қизил Байроқ ордени чўғдек ярқирарди. Давидов Гремячий партиякеасининг секретари худди шу киши эканлигини фаҳмлаб олди.



— Мен райком вакилиман. Сен ячейка секретаримисан, ўртоқ?

— Ҳа, мен ячейка секретари Нагульновман. Утиринг, ўртоқ, Совет раиси ҳозир келади.— Нагульнов мушти билан деворни дукиллашиб, Давидовнинг олди-га келди.

У кўкракдор, оёқлари суворийларникидек маймоқ эди. Қора мунчоқдек қорачиғи ниҳоятда катта сарғиш кўзлари устидаги ўсиқ қора қошлари туташиб кетган. Уртачароқ қирғий бурни катакларининг бичими ҳаддан ташқари баҳайбатлиги-ю нурсиз кўзларининг сузилиб кетишини айтмаганда, кўзга ташланиб турмайдиган, лекин эсда қоладиган мардона кўрки бор эди.

Кўшни хонадан бурул эчки тери папоғини орқага суриб қўйган, шинель мовутидан тикилган сюртук ва почаси оқ жун пайпоққа тиқилган лампасли казакча чолвор кийган миқти бир казак чиқиб келди.

— Қишлоқ советининг раиси Андрей Размётнов шу киши бўлади.

Раис жилмайганча жингалак малла мўйловини қўли билан силаб қўйди-да, ўзини сипо тутиб, Давидовга қўл узатди.

— Ўзингиз ким бўласиз? Райком вакилими? Хўп. Хужжатларингизни кўрсатинг-чи... Сен кўрдингми, Макар? Сиз колхоз масаласида келган бўлсангиз керак?— У ёз осмонидек тиниқ кўзларини пирпиратганича тортинмай Давидовни соддадиллик билан кўздан кечирди. Унинг пешанасидан қия кўкиш чандиқ ўтган, кўпдан бери устара тегмаган қорамағиз юзидан нима-нидир сабрсизлик билан кутаётгани ошкора сезилиб турарди.

Давидов стол ёнида ўтириб, ёппасига коллективлаштириш соҳасида партия қўйган вазифалар ҳақида гапириб берди, эртагаёқ камбағаллар билан активларнинг мажлисини ўтказишни таклиф қилди.

Нагульнов аҳволни тушунтириб, Гремячий ТОЗидан гап очди.

Размётнов қўнғир-қизғиш ёноқларидан қўлларини олмай ўтирар, аҳён-аҳёнда луқма ташлаб, унинг га-пига ҳам диққат билан қулоқ солар эди.

— Бизда ерни биргалашиб ишлаш ширкати деган нарса бор. Мен сизга айтсам, ишчи ўртоқ, бу коллективлаштиришга ҳақорату Совет ҳоқимиятига кони зиёндан бошқа нарса эмас,— деди Нагульнов, хийлагина қизишиб.— Унга ўн саккиз хонадон аъзо — ҳаммаси ҳам бориб турган қашшоқ. Оқибати нима денг? Кулги бўлишдан бошқа нарса эмас. Бор-йўқларини ўртага солишди, ўн саккиз хонадоннинг ўртасида тўртта оту, бир қўш ҳўкиз, нонхўрлар бўлса бир юз еттита. Ўзларини қандай эплашлари керак? Машина билан улов сотиб олиш учун уларга узоқ муддатли қарз бериляпти, албатта. Улар қарзни олишга олишяпти-ю, лекин уни ўша узоқ муддат ичида ҳам тўлашолмайди. Ҳозир сабабини ҳам айтаман: тракторлари бўлганда бошқа гап эди, уларга трактор беришмади, ҳўкиз ишлатиб дарров бойиб кетишинг амри маҳол, шунисини ҳам айтиб қўяйки, улар нотўғри иш тутишяпти, менга қолса, уларни аллақачон тарқатиб юборардим, негаки, узала тушиб олганларича Совет ҳоқимиятини мечкай бузоқдай эмишга эмишади-ю, ўсишларидан дарак йўқ. Уларнинг орасида: «Э, бизни қуруқ қўйишармиди! Қарзимизга нима мизни олишади!» деб ўйлаётганлар ҳам бор. Ана шунинг учун уларда интизом бузилган, ТОЗ бугунмас эртага жон беради. Ҳаммани колхозга йиғиш керак, деган фикр жуда тўғри. Жуда соз бўларди-да! Аммо, мен сизга айтсам, казаклар ғирт гўл халқ, уларни машаққат билан йўлга солишга тўғри келади...

— Сизлардан биронталарингиз шу ширкатга аъзомисизлар? — суҳбатдошларига кўз югуртириб сўради Давидов.

— Йўқ,— деб жавоб берди Нагульнов.— Мен йигирманчи йилда коммунага кирган эдим. У кейинчалик манфаатпарастлик касофатидан барбод бўлди. Мен хўсусий мулкдан воз кечдим. Хўсусий мулк деса, кўнглим гум-гум кетади, шунинг учун ҳўкизларим билан асбоб-ускуналаримни қўшни олтинчи коммунага бердим (у ҳозир ҳам бор), хотиним икковимизнинг ҳеч нарсамиз йўқ. Размётновдан ўрнак олиб бўлмайди: ўзи сўққабош, битта кампир онаси бор. Кирса маломатга қолади. «Лўлига онасини ортмоқлагандек,

кампирины бизга дардисар қилиб қўйди, ўзи бўлса далада ишламаяпти» дейишади. Бу — нозик иш. Ячейкамизнинг учинчи аъзоси ҳозир бир ёққа кетган — қўлсиз. Қўлини молотилка олиб кетган. У, менсиз ҳам у ерда нонхўрлар кўп, дегандек артелга киришга истиҳола қиляпти.

— Ҳа, ТОЗимизнинг иши расво,— деб таъкидлади Размётнов.— Унинг раиси Аркашка Лосевичи, нўноқ одам. Топиб сайлашган одамларини қара-я! Ростини айтганда, бу ишда ўзимиз хатога йўл қўйдик. Уни бу вазифага йўлатмаслигимиз керак эди...

— Нега?— деб сўради Давидов, кулак хўжаликларнинг мол-мулк рўйхатини кўздан кечираркан.

— Чунки,— деди жилмайиб Размётнов,— у дарди бедаво одам. Тутган ишига кўра савдогар бўлиши керак эди. Шундай бир дард-ҳаринага мубтало бўлганки, бор нарсани айирбошлаб, олганини қайта сотаверади, ТОЗни хонавайрон қилди. Зотдор буқа сотиб олган эди, мотоциклга айирбошламоқчи бўлиб қолди. Аъзоларини лақиллатибди, биз билан маслаҳатлашмабди. Қарасак, станциядан ўша мотоциклни олиб келяпти. Ҳанг-манг бўлиб, бошимиз қотди. Хайр, олиб келишга келипти-ю, биронта одам ҳайдашни билмайди. Уни бошларига урадимиз? Кулишингни ҳам билмайсан, йиғлашингни ҳам. Уни станицага олиб борди. У ерда биладиган одамлар кўриб: «Улоқтириб ташлашдан бошқа чораси йўқ» дейишибди. Баъзи қисмлари етишмас экан, фақат заводда ясалар экан. Аслида уларга Яков Лукич Островнов раис бўлса соз бўларди. Жуда мияли одам! Краснодардан ҳар қандай қурғоқчиликка туриш берадиган янги буғдой олади, шудгориди муттасил қор тутади, доим яхши ҳосил олади. Молларини ҳам зотдор қилиб олган. Солиқ билан қисиб қолгудек бўлсак, сал-пал инқиллаб қўяди-ю, аммо лекин ўзи омилкор хўжайин, мақтов қоғози бор.

— У бизнинг одамларимиз орасида бамисоли ёввойи ғоздай, эл бўлмай, нуқул овлоқда юради.— Нагульнов гумон билан бош чайқаб қўйди.

— Йўғ-э! У ўз кишимиз,— деди Размётнов ишонч билан.

Яков Лукич Островновникига унинг собиқ сотня командири ясовул Половцев келган кечаси улар узоқ суҳбатлашишди. Яков Лукич хуторда жуда ақлли, тулкидек эҳтиёткор одам ҳисобланса-да, хуторлар бўйлаб шиддат билан авжланаётган курашдан четда қололмади, воқеалар уни ўз гирдобига тортди. Уша кундан эътиборан Яков Лукичнинг ҳаёти хавфли жар ёқасида қолди.

Уша кечаси кечки овқатдан кейин тамаки халтасини қўлига олган Яков Лукич жун пайпоқли оёғини йиғиб, сандиқ устида чордана қуриб ўтирганича, гапга тушиб кетган — йиллар давомида юрагига йиғилиб қолган аччиқ дардини тўкиб солган эди:

— Нимасини айтай, Александр Анисимович! Турмушнинг ҳузур-ҳаловати қолмади. Қазаклар эндигина хўжаликларини сал-пал тузатиб, бойишаётган эди. Йигирма олтинчи ё йигирма еттинчи йиллардаги солиқлар ҳам баҳарнав экан. Ҳозир иш яна чаппасидан кетди. Сизнинг станицангизда қалай, коллективлаштириш тўғрисида гап борми ё йўқми?

— Бор,— деб қисқа жавоб берди меҳмон қоғозни ҳўллаб, мезбонга қошлари остидан диққат билан тикиларкан.

— Бундан чиқди, ҳамма ерда ҳам шу мотам бор экан-да? Хўп, энди сизга ўз тўғримда гапириб берай: йигирманчи йилги чекинишдан кейин қайтиб келдим. Қора денгиз бўйида икки жуфт отим билан бор будшудим қолиб кетди. Шипшийдам уйга қайтиб келдим. Ушандан бошлаб кечаю кундуз ишлайман. Биринчи марта ўртоқлар озиқ-овқат разверсткаси билан хафа қилишди: бор ғалламни шипириб кетишди. Кейин бу дилзорликларнинг ҳисобидан адашиб кетдим. Лекин ҳисобини олса ҳам бўлади: дилимни оғритишиб, эсидан чиқмасин, деб патта ёзиб бериб кетишади.— Яков Лукич ўрнидан туриб, ойнанинг орқасига қўлини тикди-да, қисқа дукартланган мўйловлари остидан кулиб бир боғлам қоғоз олди:— Мана, булар йигирма биринчи йилда нималар топширганим тўғрисидаги патталар: мен ғалла ҳам, гўшт ҳам, мой ҳам, тери ҳам, жун ҳам,

парранда ҳам топширганман, тайёрлаш конторасига бутун бошли ҳўкизларни ҳам етаклаб олиб борганман. Мана булари ягона қишлоқ солиғи, ўзаро солиқ тўлов варақалари, мана бу патталар суғуртаники... Мўримдан чиққан тутун учун ҳам, қўрамда омон турган молим учун ҳам тўладим... Ҳадемай бу қоғозларни бир қоп қиламан. Хуллас, Александр Анисимович, шундай кун кечирдимки, мени ер боқди, мен одамларни боқдим. Теримни бир неча марталаб шилишган бўлса ҳам, менга яна эт битаверди. Дастлаб бир жуфт новвос орттирдим, улар катта бўлди. Биттасини давлатга, гўштга топширдим. Хотинимнинг тикув машинасини сотиб, яна битта новвос олдим. Вақт ўтиб, йигирма бешинчи йилга келганда ўз сигирларимдан яна бир жуфт ҳўкиз орттирдим. Икки жуфт ҳўкизлигу иккита сигирли бўлдим. Ҳўқуқдан маҳрум қилишмади, бундан бу ёғига бақувват ўртаҳоллар қаторига тиркашди.

— Отларинг борми?— деб қизиқиб сўради меҳмон.

— Озгина сабр қилинг, отларни ҳам гапириб бераман. Мен қўшни хотиндан зотдор дон биясидан туғилган тойчоқ сотиб олдим (бутун хуторда битта қолган эди), ўсиб шундай бия бўлдики, худди онасининг ўзи. Бўйи пастроқ, ҳарбийга ярамайди, ярим вершок етмайди, лекин шундай ўйноқики, мисли йўқ. Наслдор от бўлгани учун округдаги қишлоқ турмуши кўрғазмасидан мукофот билан ёрлиқ олдим. Агрономларнинг маслаҳатларига қулоқ солдим, ерни касал хотинни парвариш қилгандек, парвариш қила бошладим. Жўхоридан хуторда ҳаммадан юқори ҳосил оламан. Уруғни дорилайдиган, еримда қор тутадиган бўлдим. Лалмини шудгорга сепаман, ерни бошлаб шудгор қиламан денг. Хуллас, маданий деҳқон бўлиб қолдим, бу тўғрида округ ер бошқармасидан мақтов қоғозим ҳам бор. Ана, кўринг.

Меҳмон Яков Лукич бармоғи билан кўрсатган томонга, икона яқинидаги Ворошилов портрети ёнида осяғлиқ турган ёғоч рамкадаги сурғуч печатли қоғозга қараб қўйди.

— Ҳа, ёрлиқ юборишди, агроном менинг сара буғ-

дойимдан бир дастасини ҳукуматга кўрсатиш учун ҳатто Ростовга ҳам олиб борди,— гурур билан гапида давом этди Яков Лукич.— Дастлабки йиллари беш десятина экардим, ўнглиниб олганимдан кейин қаттиқроқ ҳаракат қила бошладим: уч, беш, етти кругдан<sup>1</sup> экдим, ҳа, шундай! Мен ўзим, ўғлим билан келиним ишладик. Ишнинг қизиган пайтида икки мартагина қарол ёлладим. Совет ҳокимияти ўша йилларда нима деб буюрарди? Мумкин қадар кўпроқ эк, дерди! Зўр бериб экардим, пўконим чиқиб кетай дерди, худо ҳақи! Ҳозир, валинеъматим Александр Анисимович, ростини айтсам, қўрқяпман! Етти круг учун игнанинг тешигидан ўтказишиб, кулакка чиқаришмаса деб қўрқяпман. Мени бу балога гирифтор қилган Советимизнинг райси қизил партизан ўртоқ Размётнов, падали қусур! «Иложинг борича кўпроқ экавер, Яков Лукич,— дегувчи эди,— Совет ҳокимиятига қараш, ҳозир унга ғалла жуда зарур». Тараддудда юрган эдим, энди қарасам, кўп экканим худо уриб оёғимни осмондан келтирадиганга ўхшайди!

— Сизларда одамлар колхозга ёзилишяптими?— деб сўради меҳмон каравот ёнида қўлини орқасига қилиб. У яғриндор, калладор, тўла бўлгани учун дон солинган вазмин қопга ўхшарди.

— Колхозгами? Ҳозирча унча қисташгани йўқ, эртага камбағаллар мажлиси бўлармиш. Қоронғи тушмасдан одам хабарлаб юришган эди. Ўзимизникилар рождестводан бери «кир-чи, кир» деявериб қулоқмиямизни битиришди. Аммо одамлар оёқларини тираб олишди, ҳеч ким ёзилмади. Ким ўзига ўзи ёмонлик тилайди? Эртага ҳам ташвиқот қилишса керак. Бугун кечқурун райондан бир ишчи келганмиш, ҳаммани колхозга ҳайдаб киритармиш. Қунимиз битай деяпти. Мол-дунё орттиргунча қўлим қавариб, белим букилди, энди бор-йўғимни: молимни ҳам, ғалламни ҳам, паррандамни ҳам, уйимни ҳам ўртага ташлашим керак экан-да? Хотинингни бировга бер, ўзинг бўлсанг тошингни тер, қабилдан бўларкан-да. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Александр Анисимович, мен колхозга бир

<sup>1</sup> Круг — тўрт гектар.

жуфт хўкиз (бир жуфтини Гўшт союзига сотиб юборганман), тойи билан биямни етаклаб олиб борсам, бор асбоб-ускунамни, ғалламни топширсаму, биров бир иштон бит билан кирса. Боримизни ўртага ташлаб, топганимизни баб-баравар бўлсак. Менга алам қилмайдими, ахир? У умри бўйи печкадан тушмай, ширин томоқ хаёлини суриб ётган бўлса, мен бўлсам... Э, нимасини айтай! Гап шу!— Яков Лукич гудур қўлининг ёни билан кекирдагини кесиб кўрсатди.— Келинг, бу гапни қўяйлик. Ўзингиз қалайсиз? Ҳозир бирон маҳкамада ишляяспизми, ё бирор ҳунар билан машғулмисиз?

Меҳмон Яков Лукичнинг олдига келиб, табуреткага ўтирди-да, яна тамаки ўрай бошлади. У диққат билан тамаки халтасига, Яков Лукич эса унинг кекирдагининг икки томонидаги қора қон томирлари ўйнаб чиққан йўғон қорача бўйинини қисиб турган нимдош толстовкасининг ёқасига тикилар эди.

— Сен менинг сотнямда хизмат қилардинг, Лукич... Эсингдами, бир вақт, Екатеринодардан чекинаётганимизда бўлса керак, мен казаклар билан совет ҳокимияти тўғрисида суҳбатлашган эдим? Ёдингдами, мен казакларни ўша вақтдаёқ огоҳлантирган эдим? «Қаттиқ янглишяспизлар, йигитлар! Коммунистлар сизларни сиқиб, жингиртоб қилиб ташлайди. Кейин ҳушларингга келиб, пушаймон қилиб юрасизлар» деган эдим.— У гапдан тўхтади, чағир кўзларининг мунчоқдек кичкина қорачиқлари ингичка тортди, кейин жилмайди.— Менинг айтганим келмадими? Мен Новороссийскдан ўзимизникилар билан бирга кетолмадим. Иложи бўлмади. Бизга хиёнат қилишди, қўнгиллилар билан иттифоқчиларимиз бизни ташлаб кетишди. Мен Қизил Армияга кирдим, Польша фронтига кетаётганда эскадронга командирлик қилдим... Уларнинг эски офицерларни текширувдан ўтказиш комиссияси деган бир комиссияси бор эди... Уша комиссия мени вазифамдан четлатиб, қамоққа олиб, ревтрибуналга жўнатди. Ўртоқлар мени отиб ташлашлари ёки концентрацион лагерга тиқиши турган гап эди-я. Сабабини билаётгандирсан? Менга ҳамқишлоқ бўлган аллақайси бир итвачча казак, бу Подтелковни қатл

этишда қатнашган, деб чақибди-да. Трибуналга олиб кетаётганларида қочдим... Узоқ яшириниб юрдим, бировнинг фамилиясида яшадим, йигирма учинчи йилда станицамга қайтиб келдим. Бир вақтлар эскадрон командири бўлганим тўғрисидаги ҳужжатни сақлаб юрган эдим, яхши йигитларга дуч келдим, хуллас, омон қолдим. Бошда мени округдаги Дончека сиёсий бюросига чақиравериб безор қилишди, бир амаллаб чап бердим, муаллимлик қила бошладим. Сўнгги вақтгача муаллимчилик қилиб келдим. Хўш, ҳозир бўлса... Ҳозир иш бошқа. Усть-Хоперскаяга иш билан кетаётган эдим, сени эски полкдошим деб кирдим.

— Муаллимчилик қилдингизми? Жуда соз... Сиз ўқимишли одамсиз, илмдан хабардорсиз. Хўш, энди бу ёғи нима бўлар экан? Қолхоз бизни оқибатда қаерга олиб борар экан?

— Коммунизмга, коммунизмнинг худди ўзига олиб боради, биродар. Мен Карл Марксни ҳам, ўша машҳур Коммунистик партия Манифестини ҳам ўқиганман. Колхознинг оқибати нима бўлишини биласанми? Аввал колхоз, кейин коммуна бўлади, хусусий мулк батамом битирилади. Ҳўкизларингигина эмас, ҳатто болаларингни ҳам давлат тарбиясига олиб қўйишади. Ҳамма нарса: хотин, бола-чақа, қозон-товоқ ўртада бўлади. Сен роз гўштли угра ичмоқчи бўлиб қолсанг, сенга квас ичиришади. Ерга боғлаб қўйган крепостной бўласан.

— Агар мен буни хоҳламасам-чи?

— Сендан сўраб ўтиришмайди ҳам.

— Нега энди?

— Негамиш-а!

— Ажойиб-ку!

— Ажойиб бўлганда қандоқ! Энди менга айт, бунга тоқат қилиб бўладими?

— Йўқ, тоқат қилиб бўлмайди.

— Тоқат қилиб бўлмаса ҳаракат қилиш керак. курашиш керак.

— Нима деяпсиз, Александр Анисимович! Уриниб ҳам кўрганмиз, курашиб ҳам кўрганмиз... Ҳеч иложи йўқ. Ақлим ҳам бовар қилмайди!

— Сен уриниб кўр.— Меҳмон, суҳбатдошига яқин-



роқ бориб, зич ёпилган ошхона эшигига қараб қўйди-да, бирдан ранги оқариб, пичирлашга ўтди:— Мен сенга очигини айтай: сенга ишонаман. Бизнинг станицада казаклар қўзғолон кўтаришмоқчи. Сен буни шунчаки гапдир, деб ўйламагин. Биз Москва билан, ҳозир Қизил Армияда хизмат қилаётган генераллар билан, фабрика ва заводларда ишлаётган инженерлар билан, ҳаттоки, чет мамлакатлар билан ҳам боғланганмиз. Ҳа, ҳа! Агар биз аҳиллик билан уюшиб, худди ҳозирнинг ўзида бош кўтариб чиқсак, унда ажнабий давлатларнинг ёрдами билан Дон баҳоргача тозаланиб қолади. Шудгорингга ўз донингни сепасан, ўзинг учун сепасан... Шошма, гапингни кейин айтасан. Районимизда бизга хайрихоҳ кишилар кўп. Уларни бирлаштириб тўплаш керак. Мен Усть-Хоперскаяга шу иш билан кетяпман. Сен бизга қўшиласанми? Бизнинг ташкилотимизда уч юздан ортиқ ҳарбий казак бор. Дубровскийда, Войсковойда, Тубянскойда, Малий-Ольховацкийда ва бошқа хуторларда бизнинг жанговар гуруҳларимиз бор. Ана шундай гуруҳни сизларнинг Гремячийларингизда ҳам тузиш керак... Хўп, гапир.

— Одамлар колхоздан, ғалла топширишдан нолишяпти...

— Тўхта! Гап одамлар ҳақида эмас, сенинг ҳақингда. Мен сендан сўраяпман, хўш?

— Бундай ишни бирдан ҳал қилиб бўлармиди?.. Жондан кечиш керак-а?

— Ўйлаб кўр... Буйруқ бўлиши билан ҳамма хуторлардан бараварига кўтарилиб чиқамиз. Район станицаларингизни, милициянгизни қўлга киргизиб, коммунистларни битта-биттадан уйларида териб оламиз, у ёғи шамолсиз ҳам гуриллаб кетаверади.

— Нима билан?

— Топилади! Ўзингда ҳам бордир.

— Қим биледи... Аллақерда ҳам бир кесма милтиқ ётган эди шекилли. Австрияники бўлсамикан...

— Биз бошлаб олсак бўлгани, бир ҳафта ўтмай чет эл пароходлари тўплар ҳам, винтовкалар ҳам олиб келади. Ҳатто аэропланлар ҳам бўлади. Хўш?

— Уйлаб кўрай, жаноби ясовул! Дарров қистаманг...

Ранги ҳали ҳам ўзига келмаган меҳмон катга суяниб, бўғиқ овоз билан деди:

— Биз колхозга даъват қилаётганимиз йўқ, ҳеч кимни қистамаймиз ҳам. Ихтиёринг ўзингда, борди-ю, оғзингдан... эҳтиёт бўл, Лукич! Олтитаси сенга, еттинчиси билан...— бармоқлари билан чўнтагидаги наганининг ўқдонини секингина тириллатиб бураб қўйди.

— Бу тўғрида хотиржам бўлинг. Лекин сизнинг бу ишингиз жуда қалтис-да. Очигини айта қолай: бундай ишга жазм қилишга одамнинг ваҳми келади. Шуниси борки, кун кўролмай қолдик.— Шундай дегач, бир оз сукут қилиб турди.— Агар бадавлат кишиларни таъқиб қилишмаса, ажаб эмаски, мен ўз саъйи ҳаракатим билан хуторда биринчи одам бўлармидим. Эркин турмуш бўлганда ҳозир мен ўз автомобилимга эга бўлсам ҳам ажаб эмас эди!— деди алам билан мезбон, бир дақиқалик сукутдан сўнг:— Бундай ишга якка ўзинг жазм қилсанг... ўша заҳоти бўйнингни суғуриб олишади.

— Нега якка ўзинг?..— гаши келиб унинг гапини бўлди меҳмон.

— Ҳа, энди бир омади гап-да, хўш, бошқалар-чи? Юрт нима дейди? Халқ юрармикан?

— Халқ — қўй подасидай гап. Уни етаклаш керак. Хўш, бир қарорга келдингми?

— Мен айтдим-ку, Александр Анисимович...

— Нима қарорга келганингни аниқ билишим керак.

— Бошқа иложим йўқ, қўшилишга жазм қилдим. Шундай бўлса ҳам рухсат беринг, уйлаб кўрай. Қолган гапни эртага эрталаб айтаман.

— Сен, бундан ташқари, ишончли казакларни ҳам кўндиришинг керак. Совет ҳокимиятига хусумати бор кишиларни қидир,— буйруқ бера бошлади Половцев.

— Тирикчилик шу бўладиган бўлса ҳаммада ҳам бор.

— Ўғлинг қалай?

— Тирноқни этдан ажратиб бўлармиди? Мен нима бўлсам, у ҳам шу-да!

-- Дуруст йигитми, қатъийми?  
— Яхши казак,— гурур билан жавоб берди мез-  
бон.

Меҳмонга меҳмонхонадаги тахта каравот ёнига кул ранг босма кигиз билан пўстин солиб беришди. У этигини ечди-ю, кийимини ечмади, юзи пат ҳиди келиб турган муздаккина ёстиққа тегиши биланоқ ухлаб қолди.

...Тонготарда Яков Лукич ён ҳужрада ухлаб ётган саксон яшар кампир онасини уйғотди. Собиқ сотня командирининг нима мақсад билан келганини қисқагина сўзлаб берди. Кампир бўғинларини, бод ишдан чиқарган кўк томирли оёқларини тахта каравотдан осилтириб ўтирганча, кафтини сарғиш қулоғи устига қўйиб тинглади.

— Оқ фотиҳа берасизми, онажон?— деб Яков Лукич тиз чўкди.

— Бор. болагинам, бединларни чоп! Худо сенга ёр бўлсин! Черковларни бекитишяпти... Попларга кун бермай қўйишди... Бор!..

Эрталаб Яков Лукич меҳмонни уйғотди.

— Бўлди. Буйруғингизни бераверинг.

— Уқиб, қўл қўй.— Половцев кўкрак чўнтагидан қоғоз олди.

«Бизга худо ёр! Менким, Буюк Дон қўшинининг казаги «Жонажон Донни озод қилиш иттифоқи»га кирман, ўз бошлиқларимнинг буйруғига итоат қилиб, бутун кучим ҳамда воситаларим билан христиан динининг ашаддий душманлари ва Россия халқининг золимлари — коммунист-большевикларга қарши охириги қатра қоним қолгунча жанг қилишга ваъда бераман. Бошлиқларимга ва командирларимга сўзсиз итоат қилишга ваъда бераман. Бутун мол-мулкимни православ ватаним саодати учун фидо қилишга ваъда бераман, деб қўлим қўйдим».

#### IV Б О Б

Гремячий актив ва камбағалларидан иборат ўттиз икки киши бир ёқадан бош чиқаришди. Давидов ўт-

кир нотиқ бўлмаса ҳам, бошда унинг сўзини энг печан эртақчининг сўзини тинглагандай тинглашди.

— Мен, ўртоқлар, ўзим Краснопутиловский заводининг ишчисиман. Колхоз ташкил қилишда ва умумий душманимиз бўлган қонхўр кулакларни тугатишда сизларга ёрдам бериш учун мени олдингизга Коммунистик партиямиз билан ишчилар синфи юборди. Мен гапни чўзиб ўтирмайман. Сизлар ҳаммаларингиз колхозга уюшиб, ерларингиз, асбоб-ускуналарингиз билан молларингизни умумлаштиришларингиз керак. Нима учун колхозга уюшишларингиз керак? Шунинг учунки, бундан кейин ҳам шу хилда яшаш мумкин эмас! Ғалла шунинг учун танқиски, кулак уни ўрада чиритяпти, ундан ғаллани ур-сур билан олишга тўғри келяпти! Сизлар жон деб топширардинглару, ўзингларда ҳам камчил. Ўртаҳолу камбағалларнинг ғалласи билан Совет Иттифоқини тўйдириб бўлмайди. Кўп экиш керак. Омочу бир тишли плуг билан кўп экиб бўлармиди? Фақат тракторгина жонга ора кириши мумкин. Факт! Мен Донда куз палласи бир плуг билан қанча ер шудгор қилишларингизни билмайман...

— Тонг қоронғисидан тун қоронғисигача плугнинг қулоғини ушласанг, қишга довур ўн икки десятинагача ҳайдайсан.

— Ол-ҳа! Ун икки десятина дейсанми? Заранг ер бўлса-чи?

Бир аёл кишининг:

— Нима деб валақлаяпсанлар!— деган ўткир овози эшитилди.— Плугга қўшиш учун уч, ҳаттоки тўрт жуфт бақувват-бақувват ҳўкиз керак, бизда қаёқда дейсан? Борликка бир қўшдан тирр... ҳўкизимиз бору, у ҳам ҳар кимда эмас, кўпроқ елинли ҳўкиз билан ҳайдаймиз. Сен айтганлар бойларда бўлади, шунинг учун ишлари жойида-да...

— Гап бунда эмас! Этагингни босиб, индамай ўтирсанг-чи,— деди хирқироқ йўғон овоз билан аллаким.

— Оғзингга қараб гапир! Хотинингга ўргат, менга ўргатгандан кўра!

— Трактор билан-чи?

Одамлар тинчигач, Давидов жавоб берди:

— Трактор билан чунончи бизнинг «Путиловец» ни олсак, уста тракторчилар ҳайдашса, икки смена бўлиб суткасига ўн икки десятина ҳайдашлари мумкин.

Мажлисдагилар «ух!» деб юборишди. Кимдир:

— Вой онангни...— деб юборди.

— Ана холос! Қани энди шунақа айғирда ер ҳайдаб кўрсанг,— ҳасад билан хўрсиниб қўйди кимдир.

Давидов ҳаяжонланиб кетганидан қовжираган лабларини кафти билан артиб, давом эттирди:

— Мана, биз заводда сизлар учун трактор ясаёмиз. Камбағал билан якка хўжалик ўртаҳолнинг трактор олишга қўрси етмайди: тиши ўтмайди! Демак, трактор сотиб олиш учун батрақлар, камбағаллар, ўртаҳоллар коллектив бўлиб уюшишлари керак. Трактор, ўзларингизга маълум, шундай машинаки, уни бир парча ерда ишлатсанг зиён кўрасан. Унга катта ер керак. Кичкина артеллардан фойда кутиш ҳам тақддан сут тама қилиш билан барабар.

— Ундан ҳам баттар,— деб юборди, орқа қатордагилардан сири йўғон овоз билан.

— Демак, нима қилиш керак?— сўзини давом эттирди Давидов, унинг луқмасига эътибор бермай.— Партия, сизларни трактор ёрдами билан муҳтожликдан қутқазиш учун ёппасига коллективлаштириш ўтказишни лозим топди. Уртоқ Ленин вафоти олдидан нима деган эди? Меҳнаткаш деҳқон фақат колхоздагина қашшоқликдан қутулиши мумкин. Бўлмаса унинг ҳолига вой. Очкўз кулак қонини сўриб тамом қилади. Сизлар кўрсатилган йўлдан дадил қадам ташлаб боришларингиз керак. Қолхозчилар ишчилар билан иттифоқ бўлиб, ҳамма кулақлару душманларни улоқтириб ташлайдилар. Мен гапнинг сирасини айтяпман. Энди ширкатларингизга ўтаман. У жуда ушоқ, кучсиз, шунинг учун аҳволи ҳам ниҳоятда ночор. Бу бировларнинг тегиригига сув қуяпти... Хуллас, у эмас—бу эмас—турган-битгани зиён! Лекин биз бу ширкатни колхозга айлантириб, ўзак сифатида қолдирайлигу, унинг атрофига ўртаҳоллар уюшсин...

— Шошма, гапингни бўламан!— деб ўрнидан тур-

ди бир вақт ширкат аъзоси бўлган сепкил башара, ғилай Демка Ушаков.

Стол олдида Давидов ва Андрей Размётнов билан ёнма-ён ўтирган Нагульнов:

— Сўз олиб, кейин гапир,— деди жиддий.

— Сўз олмасдан ҳам гапиравераман,— қўлини силтади Демка, у кўзини шундай олайтирдикки, бир кўзи президиумга, бир кўзи мажлис аҳлига қараб тургандай туюлди.— Нима сабабдан, маъзур кўрасизлар, зиёнга ботиб, совет ҳокимиятига товон бўлдик? Айтинглари-чи, нима сабабдан ширкатга ўлигимизни ортиб олдик? ТОЗимизнинг мўътабар раиси дастидан! Айирбошчи Аркашанинг дастидан!

— Ет унсурга ўхшаб ёлғон гапиряпсан!— жингиллаган овоз эшитилди орқадаги қатордан. Аркашка орани тирсаги билан ёриб ўтиб президиум столи томон ошиқди.

— Исбот қиламан!— Оқариб кетган Демканинг кўзлари шифрайиб кетди. Размётновнинг йўғон мушти билан столни муштлаётганига эътибор бермай, Аркашкага ўгирилди.— Овора бўлма! Қолхозимизнинг камбағалчиликдан боши чиқмаганлигига сабаб — озлигимиз эмас, сенинг айирбошларинг. «Ет унсур» деганинг учун қаттиқ жазога торттираман ҳали. Буқани ҳеч кимдан сўрамасдан мотоциклга айирбошладингми? Айирбошладинг! Ким ўйлаб чиқарган эди сертухум товуқларни айирбошлашни...

— Яна ёлғон айтяпсан!— шу томон келаркан, ўзини мудофаа қиларди Аркашка.

— Учта қўчқор билан гунажинни тачанкага алиштиришга кўндирган сенмасмидинг? Гандахўр савдогар! Ҳа, ҳа, шунақа!— деди баланд келиб Демка.

— Ўзларингни босиб ол! Нега мунча хўрозга ўхшаб тепишмасанглари!— деб гап уқтирарди Нагульнов. аммо қизариб кетган териси остидаги ёноқ мушаклари ўйнай бошлаган эди.

— Тартиб бўйича менга сўз беринглари!— илтимос қилди стол олдида етиб келган Аркашка.

У гапирмоқчи бўлиб қўнғир соқолини тутамлаган ҳам эдики, Давидов уни тўхтатиб:

— Мен сўзимни тамомлай, барака топкур, хала-

қит бермай тургин... Шундай қилиб, такрор айтаман-ки, фақат колхоз бўлиш билан...

— Ҳа, бизни ташвиқот қилма! Биз бор лаш-лушимиз билан колхозга қирамиз!— деб унинг гапини бўлди, эшикка яқинроқ ўтирган қизил партизан Павел Любишкин.

— Колхозга розимиз!

— Кўпчилик бўлсанг, отанга ҳам кучинг етади.

— Лекин хўжаликни билиб бошқариш керак.

Шовқинни ҳам ўша Любишкиннинг овози босиб тушди: у стулдан туриб, хунукдан-хунук қора папоғини бошидан олди-да, яғриндор барваста гавдаси билан эшикни тўсди.

— Нега бизни Совет ҳокимияти учун ташвиқот қиласан, тентак. Биз уни урушда ўзимиз оёққа тургазганмиз, қалқиб кетмасин деб елкамиз билан суяб қолганмиз. Биз колхоз нималигини биламиз, унга кирамиз ҳам. Машина беринглар!— У қадоқ босиб кетган қўлини чўзди.— Трактор маъқул нарса, бунисига сўз йўқ. Лекин сиз ишчилар уни кам чиқардинглар, сизларни шунинг учун сўкяпмиз. Қўлимиз калта, ҳамма бало шунда. Бир қўлингда гаврон ушлаб, бир қўлинг билан кўзингни артганча хўкиз билан ер ҳайдаш учун колхоз бўлиш шарт эмас. Ўзим ҳам колхозчилик ўзгаришигача, Калининга хат ёзиб, қандай бўлмасин, янгича ҳаёт бошлаш учун деҳқонларга ёрдам берилишини сўрамоқчи бўлиб юрган эдим. Дастлабки йилларимиз, худди эски замондақа — солиғингни тўла-ю, кунингни ўзингча кўравер. Хўш, РКП нима учун? Хўп, ҳокимиятни қўлга киритдик, бу ёғи-чи? Яна ўша-ўша плугнинг орқасидан юраверайликми, шунда ҳам плугга қўшадиган нарсанг бўлса. Ҳеч нарсаси йўқлар-чи? Бутхона тагида қўлини чўзиб турсинми? Еки ёғоч игна билан кўприк тагида тикувчилик қилиб, совет савдогарлари билан кооперативчиларининг ёқасини йўрмаб ўтирсинми? Бойларга ерни ижарага олишга изм берилди, хизматкор ёллашга изм берилди... Ўн саккизинчи йилда революция шундай деб амр қилган эдими? Сизлар унинг кўзини беркитиб қўйдинглар! «Нима учун курашдик» деб қолсанг, димоғига ўқ-дори ҳиди кирмаган хизматчилар, бу сўзни

масхара қилиб кулишади, унинг панасида турган ҳар қандай оқ аблаҳлар тиржайиб ҳиринглайди! Йўқ, сен бизга қуруқ гап сотмай қўя қол! Қизил сўзларни жуда кўп эшитганмиз. Сен бизга қарзгами, ғалла бадалигами машина бер, аллақаяёқдаги букарми ё запашникни<sup>1</sup> эмас, расмона машина бер! Ҳали таъриф қилган тракторингдан бер. Мен буни нима учун олганман?— у скамейкаларда ўтирганларнинг оёқлари устидан ҳатлаб ўтиб, стол томонга қараб юрди, йўл-йўлакай оғи йиртиқ чолворининг тугмасини ечди. Стол ёнига боргач, кўйлагининг этагини кўтарди-да, ияги билан кўкрагига босиб турди. Қорамағиз қорни ва сониди терисини тириштириб битиб қолган чандиқлар бара-ла кўриниб кетди.

— Кадетларнинг бу қўша-қўша совғасини нима учун олганман?

— Ҳа, уятсиз! Ундан кўра шимингни биратўла ечиб қўя қол!— жаҳл билан чинқирди Демка Ушаковнинг ёнида ўтирган бева хотин Анисья.

— Сенга ёқармиди?— Демка унга нафрат билан кўз қирини ташлаб қўйди.

— Жим тур, Анисья хола! Бу ерда яраларимни ишчи одамга кўрсатсам айби йўқ. Кўрсин! Бундан кейин ҳам шу тахлитда яшайдиган бўлсам, ярамни ҳам ёполмай қоламан. Шим ҳам номигагина. Кундуз куни қизларнинг олдидан ўтиб қолсанг, нақ ўтакалари ёрилиб кетади.

Орқадагилар хохолаб кулиб юборди, ғовур-ғувур кўтарилди, лекин Любишкин атрофига қаҳрли назар ташлади, яна чироқ пилигининг чирсиллаб ёнаётгани эшитила бошлади.

— Кадетлар билан урушганимда, бойлар мендан яна яхши яшасин, улар ширин-ширин луқмаларни есину, мен аччиқ пиёз билан нон кавшай, деб жонбозлик қилган эканман-да? Шундайми, ўртоқ ишчи? Сен, Макар, менга имо қилмай қўя қол. Мен йилига бир марта гапираман, менга йўл бор.

— Гапиравер,— деб бош ирғади Давидов.

— Гапираман. Мен бу йил уч десятина буғдой

---

<sup>1</sup> *Букаръ, запашник* — ерни юза ҳайдайдиган асбоблар.



эккан эдим. Учта ёш болам бор, синглим майиб, хотиним касалванд. Мен ўзимнинг ғалла планимни топширдимми, Размётнов? .

— Топширдинг. Ҳадеб шовқин солаверма.

— Солавераман! Кулак Фрол Тиртиқ бўлса, лаънати...

— Ҳой-ҳой!— Нагульнов муштуми билан столни дукиллатди.

— Фрол Тиртиқ ўзининг планини топширдими? Йўғ-а?

— Ахир, суд унга штраф солди-ку, ғаллани ҳам ундирдик,— деб луқма ташлади Размётнов, шўх кўзларини чақнатиб. Любишкиннинг сўзларига завқ билан қулоқ солаётгани кўриниб турарди.

«Ҳаҳ сусткаш, қани энди шу ерда бўлсанг!»— деб райком секретарини эслади Давидов.

— У бу йил ҳам Фрол Игнатич бўлиб олади! Кўк-ламда яна мени ёллагани келади!— Любишкин Давидовнинг оёғи остига қора папоғини иргитиб юборди.— Менга колхоздан гапириб нима қиласан?! Кулакнинг томирини қирқинглар, ўшанда кирамиз! Бизга унинг машиналари, ҳўкизлари, кучларини беринглар, ўшанда тенглик бўлади! Нуқул «кулак битирилсин-битирилсин» деган гап кўпу, у йилдан-йилга қариқиз япроғидек ўсиб, биздан куннинг юзини ҳам тўсиб қўйяпти.

— Бизга Фролнинг мол-мулкини берсанг, Аркашка Айирбошчи уни аэропланга айирбош қилиб беради,— гап қистирди Демка.

— Воҳ-ҳа-ҳа-ҳа!

— Ер искатмайди

— Ҳақорат қиляпти, гувоҳ бўлинглар!

— Ҳой! Гапни эшиттирмаяпсан, жим!

— Сенларга даво борми ўзи?

— Жим бўлинглар-э!

Давидов кўтарилган шовқин-суронни аранг босди.

— Партиямизнинг сиёсати ҳам худди шу-да! Масала равшан, нега бунча дағдаға қиласан! Кулакларнинг синф бўлиб яшаши тугатилади, мулклари колхозларга берилади, факт! Сен, ўртоқ партизан, папоғинини стол тагига чакки иргитдинг, у ҳали ўзингга керак бўлади. Энди ерни ижарага олиш, батрак ёллаш йўқ

қилинади. Муҳтожлигимиздан кулакка ҳам индамай келардик: у ғаллани колхозларга қараганда кўпроқ берарди. Энди бўлса аксинча. Уртоқ Сталин бу арифметикани аниқ ҳисоблаб чиқиб, айтдики, кулакларнинг бахридан ўтилсин! Уларнинг мол-мулклари колхозларга берилсин... Сен машина деб дод солаётувдинг... Колхозларга, ўзларини ўнглаб олишлари учун, беш юз миллион сўлкавой бериляпти, бунга нима дейсан? Шунини эшитганмидинг? Нега бекордан-бекорга миямизни қоқиб қўлга беряпсан? Аввал колхоз қуриб, кейин машиналарнинг ғамини ейиш керак-да, сен бўлсанг, олдин бўйинча олиб, кейин бўйинчага қараб от сотиб олмоқчисан. Нега куласан? Рост-да.

— Любишкин ишни оёғидан бошлаяпти!

— Хо-хо...

— Биз колхозга жон деб кирамиз!

— Лекин бўйинча дегани... жуда кетди...

— Шу кечаданоқ бўлса ҳам майли!

— Шу топдаёқ ёза қол!

— Қани бошланглар, кулакларни яксон қилайлик.

— Ким колхозга ёзиламан деса, қўлини кўтарсин,— таклиф қилди Нагульнов.

Кўтарилган қўллар саналганда ўттиз учта чиқди. Кимдир эсида йўқ, иккала қўлини ҳам кўтариб юборибди.

Димликдан Давидов пальтоси билан пиджагини ечиб ташлади, кўйлагининг ёқасини очди; жилмайганча шов-шув босилишини кутиб турди.

— Жуда онгли экансизлар, факт! Лекин колхозга кирамизу, шу билан иш тамом деб ўйлайсизларми? Йўқ, бу кифоя қилмайди! Сиз, камбағаллар, Совет ҳокимиятининг таянчисизлар. Хуварилар, ўзларингиз колхозга киришларингиз билан бирга, иккиланаётган ўртаҳолни ҳам орқаларингиздан эргаштиришларингиз керак.

— Хоҳламаса сургаб олиб кирасанми? У ҳўкизмидики, шохидан арқонлаб олиб кетаверсанг?—сўради Аркаша Айирбошчи.

— Йўлга сол! Бошқаники шу ҳақиқат йўлига соломмасанг, ким айтади сени ҳақиқат йўлимизнинг

жангчиси деб? Мана эртага мажлис бўлади. Узинг ҳам овоз бер, ўртаҳол қўшнингни ҳам йўлга сол. Ҳозир биз кулакларни муҳокама қилишга киришамиз. Биз уларни Шимолий Кавказ ўлкасидан сургун қилишга қарор чиқарамизми, ё бошқа фикрлар борми?

— Қўл қўямиз!

— Томири чопилсин!

— Йўқ, чолиш эмас, таг-томири билан суғуриб ташлаш керак,— тузатди унинг гапини Давидов, кейин Размётновга деди:— Кулакларнинг рўйхатини ўқиб бер. Ҳозир уларни тугатиш масалсини овозга қўямиз.

Андрей папкасидан бир варақ қоғоз олиб Давидовга берди.

— Фрол Дамасков. У пролетариатнинг шундай жазосига сазоворми?

Қўллар бараварига кўтарилди. Лекин қўлларни санаганда Давидов бир кишининг бетараф қолганини пайқади.

— Сен қўшилмайсанми?— У қатра-қатра тер босган қошларини чимирди.

— Холис қоламан,— қисқа жавоб берди қўл кўтармаган кўримсизгина ювош казак.

— Нима учун?— деб суриштириб қолди Давидов.

— Шунинг учунки, у менинг қўшним, ундан мен кўп яхшилик кўрганман. Шу сабабдан унга қарши қўл кўтара олмайман.

— Ҳозироқ мажлисдан чиқиб кет!— буюрди қалтираган овоз билан Нагульнов, худди узангига оёғини тираб тургандек ўрnidан туриб.

— Йўқ, бундай қилиш ярамайди, ўртоқ Нагульнов!— деб унинг гапини шартга бўлди Давидов.— Кетма, гражданин! Нега бундай қилаётганингни тушунтириб бер. Сенингча, Дамасков кулакми, ё кулак эмасми?

— Мен бунга тушунмайман. Мен оми одамман, мажлисдан жавоб беришларингизни сўрайман.

— Йўқ, марҳамат қилиб бизга тушунтириб бер, ундан қандай яхшиликлар кўргансан?

— У менга доим қарашиб келган, ҳўкизларини берган, уруғ қарз бериб турган... озмунчами... Лекин

мен ҳукуматга хиёнат қилмайман. Мен ҳукуматга тарафдорман...

— Ё у сенга, ёнимни ол, дедими? Оғзингни пул билан мойладими, ё дон биланми? Очигини айтавер, қўрқма!— гапга аралашди Размётнов.— Қани, айт, нима ваъда қилди?— У, ана шу киши учун ори келгандай ва ўзининг саволларидан ўзи уялгандай жилмайиб қўйди.

— Балки ҳеч нарса ваъда қилмагандир, сен қаёқдан биласан?

— Фирт ёлғси гапиряпсан, Тимофей! Сен сотилган одамсан, кулакларнинг думи экансан!— деб қичқирди ўтирганлардан кимдир.

— Нима десанглар деяверинглар, ихтиёрларинг... Давидов унинг томоғига гўё пичоқ тақагандек шартта сўради:

— Сен Совет ҳокимияти тарафдоримсан, ё кулак тарафдоримсан? Сен, гражданин, камбағаллар синфига иснод келтирма, мажлисга тўппа-тўғрисини айт, кимга тарафдорсан?

— У билан пачакилашиб ўтирамизми?— аччиқлашиб унинг гапини бўлди Любишкин.— Уни устидаги кўсқиси билан бир шиша ароққа соғиб олиш мумкин. Одам сенга қарагани ҳам ҳазар қилади-я, Тимофей.

Қўл кўтармаган Тимофей Боршчев охири муросага келгандай жавоб берди:

— Мен ҳукуматга тарафдорман, мунча ёпишавермасанглар! Тушунмаганлигим бошимга бало бўлди...— Лекин иккинчи овозга қўйишда қўлини истаристамас кўтарди.

Давидов блокнотига қисқагина ёзиб қўйди: «Тимофей Боршчевни синфий душман гангитган. Тарбиялаш керак».

Мажлис яна тўрт кулак хўжалигини бир овоздан тасдиқлади.

Лекин Давидов:— «Тит Бородин. «Ҳа» деганлар қўл кўтарсин»,— деганда, мажлис оғир сукут сақлаб индамай қолди. Нагульнов хижил бўлиб, Размётнов билан кўз уриштирб олди. Любишкин папоғи билан хўл пешанасини арта бошлади.

— Нега чурк этмайсанлар. Нима гап ўзи?— Да-

видов ҳайрон бўлиб, қатор-қатор ўтирган одамларни кўздан кечирди-да, ҳеч кимнинг кўзини учратмагач, Нагульновга қаради.

— Гап шуки, иккиланиб сўз бошлади Нагульнов,— бу Бородин, биз уни кўча-кўйда Титок деб чақирамиз, ўн саккизинчи йилда биз билан бирга кўнгилли бўлиб қизил гвардияга кетган. Камбағаллардан бўлгани учун қаттиқ туриб курашган. Ярадор бўлган, мукофотланган, ҳам революцион хизматлари учун кумуш соат олган. У Думенков отрядида хизмат қилган. Шундай одам, ишчи ўртоқ, юрагимизни пора-пора қилди-я? Уйга қайтиб келиши билан, ит ўлимтикка ёпишиб олгандек, хўжалигига тиш-тирноғи билан ёпишиб олди... Бизнинг огоҳлантиришларимизга қарамай, бойиш пайдан бўлди. Туну кун ишлади, ҳамма ёғини жун босиб кетди, бир каноп шимда қиш қишлаб, ёз ўтказди. Уч қўш ҳўкиз орттирди, оғир юкларни кўтараверганидан дабба орттирди. Шунда ҳам кўзи тўймади! Иккитадан, учтадан қарол ёллай бошлади. Ел тегирмон орттирди, кейин беш от кучли буғ двигатель сотиб олди-да, мойжувознинг ҳаракатига тушди, мол олиб сотадиган бўлди. Ўзи емаганга яраша, қаролларини очдан сирди, гарчи улар узун кун йигирма-соат ишлаб кечаси билан беш марта туриб отларга ем бериб, уларнинг тагини супуриб-сидирсалар ҳам. Биз уни бир неча марта ячейкага ҳам, Советга ҳам чақириб, роса уялтирдик. «Қўй, Тит, жонажон Совет ҳоқимиятимизнинг йўлига кўндаланг тушма! Сен Совет ҳоқимиятини деб фронтларда оқларга қарши урушда қанчалар жафо чеккан эдинг-ку...»— дедик.— Нагульнов хўрсинди, қўлларини кериб қўйди.— Улар-тириларига қарамай молу мулкка ҳирс қўйган одамни нима қила олардинг? Қарасак, уни мулкпарастлик еб қўйяпти! Биз яна чақириб олиб, жангларни, бирга азоб чекканларимизни эслашдик: насиҳат қилдик, йўлимизга гов тушиб буржуй бўляпсанми, жаҳон революциясини кутинг келмаяптими, нақ ер билан яксон қилиб юборамиз-а, деб пўписа ҳам қилиб кўрдик.

— Қисқароқ қил.— илтимос қилди Давидов, тоқати тоқ бўлиб.

— Буни қисқагина гапириб бўлмайди. Бу қон туф-

латадиган дард... Хўш, у, яъни Титок, бизга қандай жавоб қайтарди дегин: «Мен совет ҳокимиятининг буйруғини бажаряпман, кўп дон эяпман, хизматкор ишлатаётган бўлсам қонун йўл беради: хотиним касалванд. Сонда йўқ эдим, одам бўлдим, ҳамма нарсага қурбим етади, шунга етишай деб жанг қилганманда! Совет ҳокимиятини суяб турган ҳам сизлар эмас сизлар-ку. Мен унга ўз қўлим билан егулик нон беряпман, сизлар портфель кўтариб юришни биласизлар, сенларни назаримга ҳам илмайман». Унга уруш, бирга чеккан машаққатларимизни гапириб қолганимизда баъзан кўзига ёш келади-ю, сездирмай, дарров ўлкасини босиб, ўгирилиб олади: «Ўтган ўтди-кетди!» дейди. Шундай қилиб, биз уни гражданлик ҳуқуқидан маҳрум қилдик. У ёқ-бу ёққа югуриб кўрди, ўлкага, Москвага ёзди. Лекин мен биламанки, марказий муассасалардаги бош вазифаларда эски революционерлар ўтиришади, улар яхши билишадикки, хиёнат қилдингми, душмансан, сенга омон йўқ!

— Гапни қисқа қилсанг бўларди...

— Ҳозир тамом қиламан. У ерда ҳам ҳуқуқини тиклашмади, у мана ҳозиргача ўша аҳволда. Аммо лекин қаролларининг жавобини берган...

— Нима демоқчисан бўлмаса?— Давидов Нагульновнинг юзига қаттиқ тикилди. У эса кўзини қуёшда жижғанақ бўлган киприклари остида яшириб жавоб берди:

— Мажлис шунинг учун ҳам нима деярини билмай турибди-да, мен, ҳозир кулак бўлиб қолган Тит Бородиннинг шонли ўтмишда ким бўлганини тушунтириб бердим, холос.

Давидов лабларини қимтиди, тутақиб кетди:

— Нега мунча ачиниб гапирмасанг! Партизан бўлган бўлса унисига шон-шараф, кулак бўлиб, душманга айланиптими — янчиб ташлаймиз! Бошқа гап-сўзнинг нима ҳожати бор?

— Мен унга ачинганимдан айтаётганим йўқ. Сен менга беҳуда таъна қилма!

— Қимки Бородин кулак сифатида тугатилсин деса, қўл кўтарсин,— деб Давидов қаторларни кўздан кечирди.

Қўллар, олдинма-кетин бўлса ҳамки, кўтарилди.

Мажлисдан сўнг, Нагульнов ётиш учун Давидовни ўз уйига таклиф қилди.

— Эртага сизга квартира топиб берамиз,— деди у Советнинг қоронғи даҳлизидан пайпасланиб чиқаётиб.

Улар ғарчиллаган қорда ёнма-ён борардилар. Нагульнов калта пўстинининг ёқасини очиб оҳиста гап бошлади:

— Мен, қимматли ишчи ўртоқ, хусусий мулкчи ғаллакорларни ёппасига колхозга тортиш керак, деган гапни эшитганимдан бери енгил тортиб кетдим. Хусусий мулкни болалик вақтимданоқ кўрарга кўзим йўқ. Ҳамма бало хусусий мулкдан, олим ўртоқларимиз. Маркс билан Энгельс тўғри ёзишган. Бўлмаса, совет ҳокимияти даврида ҳам одамлар шу касофат маразни деб, тоғора устида талашган чўчқалардек туртиниш-япти, бир-бирларининг этларини ейишяпти! Хўш, бурунги вақтда, эски режим замонида қандай эди? Эсласанг ваҳминг келади. Менинг отам ўзига тўқ казак эди, тўрт қўш ҳўкизи-ю, бешта оти бор эди. Ғаллани жуда кўп экардик, олтмиш-етмиш, ҳатто юз десятинагача. Оиламиз катта, ҳамма ишлар эди. Ҳамма ишни ўзимиз эплардик. Нега десанг, учта акам бор эди, учови ҳам уйланганди. Ҳали-ҳали эсимда, бир воқеа бўлди-ю, шу-шу хусусий мулкка қарши бўлиб қолдим. Бир вақт қўшнимизнинг чўчқаси полизимизга кириб қолиб, бир неча туп картошкани пайҳон қилди. Онам уни кўриб қолиб, қозондан бир кружка доғ сув олди-ю, менга: «Ҳайдаб чиқ уни, Макарка, мен эшикнинг орқасида тураман» деди. Мен у вақтда ўн иккиларда эдим. Шу билан мен ҳам у бадбахтни ҳайдаб чиқдим. Онам устига ҳалиги қайноқ сувни сепиб юборса борми, куйиб парт бўлиб қўя қолди. Ёз пайти денг, чўчқа қуртлаб кетди, ахир ҳаром ўлди. Қўшнимиз кекини кўнглига тугиб қўйган бўлса керак, бир ҳафтадан кейин қирда йигирма уч ғарам буғдойимиз ёниб кетди! Отам бу кимдан чиққан иш эканлигини биларди, чидаб туролмай судга берди. Ораларига шундай хусумат тушдики, бир-бирларини кўрарга кўзлари қолмади! Сал ичиб қолишдими — муштлашишади. Беш йилгача довлашиб юришди, оқибат шу бўлдики,

бир одамнинг боши кетди... Масленица байрамида қўшни ўғлининг ўлигини хирмондан топиб олишди. Аллаким кўкрагининг бир неча жойига паншаха санчибди. Фаҳмладимки, бу акаларимнинг иши. Тергов бўлди, ким ўлдирганини топиша олмади. Мастбозликда ўлганга чиқариб, акт тузишди. Ушандан кейин мен ота уйимни ташлаб чиқиб, хизматкор бўлиб кетдим. Урушга ҳам бордим. Қимир этмай ётасану, немис оғир снаряд отиб, тўпга тутади, осмонга қора тупроқ аралаш тутун учади. Ётган жойингда: «Бу ерда ким учун, кимнинг мол-мулки учун ажалга қалқонман?» деб ўйлайсан. Отишманинг зўридан, қани энди мих бўлиб олсаму, қалпоғимгача ерга кириб кета қолсам, деб турасан! Эҳ, мени туққан шўрлик онам! Газ ҳам ҳидладим, заҳарландим. Энди сал тепаликка чиқдим дегунча нафасим қисилиб, миямга қон тепади-да, тушолмай қоламан. Ақлли одамлар фронтдалигимдаёқ кўзимни очдилар, большевик бўлиб қайтдим. Гражданлар урушида бўлса газандаларни роса чопдим-а! Касторная яқинида контузияланиб, тутқаноқ касалига мубтало бўлиб қолдим. Энди мана бу нишоним бор.— Нагульнов орденга каттакон кафтини қўйди ва унинг товушида ғалати бир самимият оҳанги янгради:— Ҳозир ундан юрагимга илиқ бир нарса югуряпти. Мен ҳозир, қимматли ўртоқ, ўзимни худди гражданлар уруши кунларидагидай сезяпман, худди позицияда тургандайман. Улсак ўлайликки, ҳаммани колхозга тортайлик. Ҳарна жаҳон революциясига яқиналашганимиз.

— Тит Бородинни яхши танийсанми?— қадам ташлаб борар экан, ўйчанлик билан сўради Давидов.

— Бўлмаса-чи, биз у билан дўст эдик, хусусий мулкка ўлгудек ҳирс қўйганидан ажралишиб кетдик. Игирманчи йилда биз у билан Донец округининг волостларидан бирида кўтарилган қўзғолонни бостиргани борган эдик. Икки эскадрон билан ЧОН атакага кирди. Қасаба ташқарисида анча-мунча хохол чопилган эди. Титок квартирага кечаси қайтиб, уйга тугун кўтариб кирибди. Тугунни очиб силкитган экан, ерга саккизта оёқ тушибди. «Эсингни едингми, фалону пиставон...— дебди унга ўртоғи.— Йўқот буларни!» Ти-



ток унга: «Иккинчи қўзғолон кўтаришмайди, ж...лар! Тўрт жуфт этик кунимга ярайди. Бутун уй ичимнинг оёғини бутлайман» дебди. Уларни печкада эритиб, оёқлардан этикларни шилиб ола бошлабди. Қўнжларни чокидан қилич билан тилиб, ечиб олаверибди. Оёқларни олиб чиқиб похол ғарамига тиқибди. «Кўмдим»,— дебди. Агар биз ўшанда билган бўлсак, газандани отиб ташлардик. Уртоқлари сирини очмабди. Кейинчалик мен, шу ростми, деб суриштирдим. «Рост,— деди,— ечиб ололмадим, оёқлар совуқда таёқдай қотиб қолибди, қилич билан чопдим. Этикдўз одам бўлганим учун шундай пухта этикларнинг ерда чириб кетишига ачиндим. Аммо ҳозир ўзимнинг ҳам ваҳмам келади,— деди.— Баъзан ҳатто кечалари уйғониб кетаман, хотинимга, девор томонга ўтиб ётай, четда ётгани қўрқяпман, дейман...» Мана, менинг квартирамга ҳам келдик.— Нагульнов ҳовлига кириб, эшик ҳалқасини тақиллатди.

#### У Б О Б

• Андрей Размётновни ҳарбий хизматга 1913 йилда кузатишган эди. Уша вақтдаги тартибга кўра, у хизматга ўз отида бориши керак эди. Отгина эмас, казак учун зарур бўлган анжомни сотиб олишга ҳам пули йўқ эди. Марҳум отасидан бобосининг қини тўзиб оҳори кетган қиличигина мерос қолган эди. Андрей бу хўрликларни умрбод эсидан чиқармайди. Станица йиғинида чоллар уни хизматга қўшин ҳисобидан жўнатишга қарор қилишди: унга арзонгина жийрон от, эгар, иккита шинель, иккита чалвор, этик сотиб олиб беришди... «Сени жамоат маблағига шайлантиряпмиз, Андрюшка, яхшилигимизни унутма, станицанинг шаънига доғ туширма, подшога ҳалол хизмат қил!..»— дейишган эди чоллар Андрейга.

Бадавлат казакларнинг ўғиллари пойгаларда Корольков заводининг юз сўмлик отлари ёки Провалье айғирлари зотидан бўлган отларини, қимматбаҳо эгарлари, кумуш юганлари, яп-янги кийимларини кўз-кўз қилар эдилар. Андрейнинг чекига тушган ерни

станица маҳкамаси ўз тасарруфига олди, Андрей бировларнинг бойлигини, бировларнинг тўқ турмушини ҳимоя қилиб, фронтма-фронт саргардон кезиб юраркан, уни ижарага бериб турди. Андрей герман урушида учта Георгий крести олишга муваффақ бўлди. «Крест» пулларини хотини билан онасига юборарди. Кампир келини билан шунга кун кечирди. Аламситам билан қариган кампир Андрейнинг роҳатини жуда кеч кўрди.

Урушнинг охирида Андрейнинг хотини кузда дон янчишга ёлланиб, пул жамғарди, эрини кўриб келгани фронтга жўнади. У ерда бир неча кун яшади (Андрей хизмат қилаётган 11-нчи Дон казак полки дам олмоқда эди), эрининг оғушида ётди, ўша тунлар ёз кунлардаги яшин сингари ялт этиб ўтди-кетди. Қушнинг гуноҳга қолиши, хотин кишининг бахтиёр бўлиши учун кўп вақт керакми? У ердан кўзлари равшан бўлиб қайтди, ой-куни етгач, туйқусдан, дод-войсиз, худди шудгорнинг ўзида, Андрейнинг ўзига ўхшаш ўғил туғди.

Ун саккизинчи йили Размётнов қисқа муддатга Гремячий Логга келди. Хуторда узоқ турмади. Чириб қолган омочини ва омборнинг том ёғочини тузатди, икки десятинача ер ҳайлади, кейин бир куни ўглини кун бўйи ўйнатди, уни солдат ҳиди уриб қолган гирдиғум бўйнига миндириб меҳмонхона ичида чолиб юрди, кулди, хотини жаҳл билан ўқрайиб қарайдиган кўзларининг четида филт-филт ёш кўрди-ю, оқариб кетди. «Кетасанми, Андрюша?» «Эртага. Озиқ-овқат тайёрла».

Эртасига ўзи, Макар Нагульнов, атаманчи Любешкин, Тит Бородин билан фронтчи казаклардан саккиз киши эрталабданоқ Андрейнинг уйи олдига тўпланишди. Турли тусдаги эгарлоғлиқ отлар уларни ел тегирмондан нарёққа олиб ўтиб кетди, ёзлик таққа қоқилган отларнинг туёқларидан кўтарилган енгил кўклам тўзони йўл устида узоқ айланиб юрди.

Уша куни Гремячий Лог устидан, тошқин сўвлар устидан, дашт устидан, борлиқ мовий олам устидан жанубдан шимолга қараб юксак ва бепоён фазо бўй-

лаб қора қанот ғозлар ва ёввойи ғозлар сассиз, садосиз учиб ўтдилар.

Андрей Каменскаяда ўртоқларидан ажралиб қолди. Ворошиловчи қисмлардан бири билан Морозовскаяга, Царицинга қараб юрди. Макар Нагульнов, Любишкин ва бошқалар Воронежга бориб қолишди. Уч ойдан кейин граната парчаси билан енгил яраланган Андрей Кривая Музга яқинидаги яра боғлаш пунктида тасодифан тўқнаш келиб қолган станицадошидан, Подтелковнинг отряди тор-мор қилингандан кейин, Андрейнинг ҳамқишлоқлари бўлган оқ казаклар Гремячий Логда унинг қизилларга ўтиб кетганига қасос олиб хотинининг номусига текканларини, бу ҳодиса бутун хуторга ёйилганини, Евдокиянинг бу шармандан шармисорликка чидай олмай ўзини ўлдирганини эшитди.

...Аёз кун. Декабрнинг охирлари Гремячий Логдаги уйлар, қўралар, четанлар, дарахтларни оқ момиқ қиров босган. Узоқдаги тепалик орқасида жанг бормоқда. Генерал Гусельщиковнинг тўплари гумбурламоқда. Андрей терлаб кетган отда кечқурун хуторга чопиб келди. Кўзини юмиб ўтмишни хотирласа, ҳаммаси кўз ўнгида жонланаверади. Эшик ғичирлаб очилди. Андрей ҳарсиллаб, тизгиңни тортганича ҳорғинликдан кзлавланаётган отни ҳовлига олиб киради. Онаси очиқ-сочиқлигича даҳлиздан югуриб чиқади.

Унинг марҳумани эслаб овози борица йиғлагани Андрейнинг қулоқларини тешиб юбораёзган эди!

— Болажонгинам! Шўрликкинам кўзларини юмиб кетди!..

Размётнов бировнинг ҳовлисига кириб қолгандек эди: тизгинни зинапоя панжарасига боғлаб, ўзи уйга кирди. Ўликнинг кўзларидек ичига тушиб кетган кўзлари билан ҳувиллаб ётган меҳмонхонани, бўш ётган беланчакни тимирскилаб чиқди.

— Бола қани?

Онаси юзни пешгири билан яширганча, оқара бошлаган сийрак сочли бошини чайқарди.

Кампир Андрейга зўрға жавоб бера олди:

— Қўзичоққинамни эҳтиёт қилолмадим! Дунюшкадан икки ҳафта кейин... бўғмадан...

— Дод-вой қилаверма... Қани энди! Қани энди кўзимга ёш келса! Евдокияни ким зўрлади?

— Уни Аникей Девяткин хирмонга судради... Мени қамчи билан урди... йигитларини хирмонга чақирди. Оппоқ қўлларига қиличнинг қини билан урибди, кўм-кўк мўматалоқ бўлиб қайтиб келди... Кўзларигина қолибди...

— Ҳозир уйдами?

— Қочиб кетган.

— Уларнинг уйида ҳеч ким борми?

— Хотини билан чол отаси. Андрюша! Уларни қақшатма! Улар бировнинг гуноҳи учун жавобгар эмас.

— Менга ақл ўргатмоқчимисан?!— Андрейнинг нафаси тиқилиб бўриқиб кетди. Шинелининг илгақларини юлиб, гимнастёркаси билан ич кўйлагининг ёқасини йиртиб юборди.

Сув турган қозон устига қовурғалари саналиб қолган ялангтўши билан энгашди-да, унинг четларини тишлаб-тишлаб сув ичди. Кейин бошини кўтариб, кўзини ердан узмай сўради:

— Ойижон! Ўлими олдидан менга нима деб васият қилди?

Онаси тўрдаги бурчакка югуриб, икона турадиган жойдан сарғайиб кетган бир парча қоғоз олди. Васият сўзлари қадрдон овоздек эшитилди: «Меҳрибоним Андрюшенька! Лаънатилар мени ҳаром қилишди, менинг сенга бўлган севгимни ҳақорат қилишди. Энди юзингга қаролмайман, ёруғ дунё ҳам кўзимга қоронғу. Расво дард билан яшашга виждоним йўл қўймайди. Андрюшенькагинам, жоним! Мен бир неча кунлардан бери мижжа қоқмай ёстигимни жиққа ҳўл қилиб чиқяпман. Иккаламизнинг ишқ-муҳаббатимиз эсимда, уни нариги дунёда ҳам унутмайман. Фақат бир нарсага — бола билан сенга, бирга кечирган умримиз билан ишқ-муҳаббатимизнинг қисқа бўлганига ачинаман. Уйга бошқа хотин олиб келарсан, худо хайрини берсин, йигитчамизнинг бошини силасин. Етимгинамдан сен ҳам меҳрингни аяма. Ойимга айт, менинг юбкаларим, рўмолларим, кофточкаларимни синглимга берсин. Бўйи етган қиз, кунига яратар...»

Девяткинларнинг ҳовлисига Андрей отини чопти-

риб бориб эгардан тушди-да, қиличини қинидан суғуриб зинадан югуриб чиқди. Аникей Девяткиннинг отаси, новча мўйсафид чол уни кўриши билан чўқниб, икона тагига тиз чўкди.

— Андрей Степанич!— деди-да, Андрейнинг оёқларига таъзим қилди. Бошқа ҳеч нарса демади, ярғоқ қизил бошини ердан кўтармади.

— Ўғлинг ўрнига сен жавобгарсан! Тоат қилган худойингу крестларинг билан..— Андрей чолнинг оппоқ соқолини чап қўли билан тутамлаб, эшикни тепиб очди-да, Девяткинни зинапоядан сургаб тушди.

Кампири печка олдида беҳуш бўлиб ётарди, лекин Девяткинларнинг келини — Аникейнинг хотини болаларини тўплаб (улар олтига эди), йиғлаганча зинапояга югуриб чиқди. Шамол ялаб қурутган суякдек оқариб кетган Андрей энгашиганича чолнинг бўйнини чопиш учун қиличини кўтариб турган ҳам эдики, катта-кичик мишиқи болалар чуввос кўтариб, йиғи-сиғи билан оёгига ёпишишди.

— Ҳаммасини чопиб ташла, ҳаммаси Аникушкандан тарқаган итваччалар! Мени ҳам чоп!— деб қичқирди Аникейнинг хотини Авдотья ва пушти кўйлагининг ёқасини ечиб, тиришган, қурушқоқ кўкракларини шалвиратганича Андрейга қараб кела бошлади.

Андрейнинг оёқлари остида эса бир-биридан кичик чурвақалар ўралишарди... .

У кўзи олазарак бўлиб тисарилди, қиличини қинига тиқиб, текис ерда бир неча бор қоқилганича отига томон юрди. Қувончидан ва бошидан кечирган даҳшатдан йиғлаётган чол то эшиккача орқасидан эргашиб борди, у нуқул энкайиб узангини ўпишга интиларди, лекин Андрей ҳазар қилгандек ижирганиб, оёғини тортиб олди-да, ҳирқиради:

— Бахтинг бор экан!.. Болалар..

Уйда уч кечаю кундуз сурункасига самогон ичди, маст бўлиб йиғлади, иккинчи кечаси Евдокия ўзини осган омборга ўт қўйиб юборди, тўртинчи суткага ўтганда юзлари салқиган, даҳшатли бир ҳолда онаси билан аста-секин хайрлашди, онаси унинг бошини кўксига босар экан, илк бор ўғлининг қўнғир сочларидаги чаловдек оқ толаларга кўзи тушли.

Икки йилдан кейин Андрей Гремячийга поляк фронтидан қайтиб келди. Бир йилча озуқа отряди билан юқори Дон округи бўйлаб айланиб юрди, кейин эса рўзгор ишларига берилиб кетди. Онасининг уйла-ниш тўғрисидаги маслаҳатларига гик этмасди. Аммо бир кун онаси жавоб беришни талаб қилиб оёғини тираб туриб олди.

— Уйлан, Андрюша! Қозон-товоқни эплломай қолдим. Сенга ҳар қандай қиз жон-жон деб тегади. Қим билан қуда бўлсак экан?

— Уйланмайман, ойижон, хиралик қилма!

— Топган гапинг шу! Қарасанг-чи, бошингга қиров тушиб қолибди. Қачон уйланмоқчисан ўзи? Соч-соқолинг оппоқ бўлгандами? Онангни ўйлагинг ҳам келмайди. Мен бўлсам, невараларимга қарайман, деб юрган эдим. Иккита эчкининг тивитини йиғиб қўйган эдим, болаларга пайпоқ тўқиб берарман, деб... Невараларни чўмилтирсам, гарасам — менга шу иш тузук. Сигир соғолмай қолдим. Қўлим келишмаяпти.—Шундай деб кампир йиғлашга тушди.— Сен яшамагур кимга тортдинг-а! Шумшайганингча пишиллаб тураверасан. Нега индамайсан, ахир, юзи қора!

Андрей бош кийимини олиб индамай уйдан чиқиб кетарди. Аммо кампир тинмасди: қўшнилари билан гаплашар, шивирлашар, маслаҳатлашар эди...

— Евдокиядан кейин ҳеч кимни уйга келтирмайман,— деб тундлик билан оёғини тираб олди Андрей.

Онаси энди марҳума келинига аччиқ қилиб:

— Ўзига ром қилиб олган экан у илон!— дерди кампирларга, улар билан дарвозахонада учрашиб қолганда ёки кечқурун ҳовлисининг олдида ўтирганида.— Ўзини осгани осган, унинг умрини ҳам хазон қиляпти. Бошқасига уйланмасмиш, менга осонми? Вой ўргилиб кетай, эгачи! Бировларнинг невараларини кўрганамда йиғлаб хун бўламан. Бошқа кампирлар хурсанд, овунчоғи бор, мен бўлсам инда ётган юмронқозиқдай ёп-ёлғизман...

Уша йили Андрей Новочеркасск яқинида ўлган вахмистр Михаил Поярковнинг беваси Марина билан топишди. Уша йили кузда у қирқдан ошган бўлса-да, тўла ва дуркун гавдасида, қорамағиз юзида даштда-

гиларга хос кўзга ташланмайдиган гўзаллигини сақлаган эди.

Октябрда Андрей унинг томини қўга билан ёпиб берган эди. Қош қорайганда Марина уни уйига чақирди-да, елиб-югуриб дастурхон ёзди, бир товоқда карам шўрва қўйди, Андрейнинг тиззасига кашта тикилган озода сочиқ ташлаб, кафтларини суяклари туртиб чиққан ёноқларига тираганича унинг рўпарасига келиб ўтирди. Андрей кўз қири билан унинг турмаклар қўйилган қора тўсдек сочли мағрур бошига индамай қарарди. Унинг сочлари қалин, сиртдан қараганда, отнинг ёлидек қаттиқ кўринса-да, жажжигина қулоқларининг олдида болаларнинг сочидек майин жингалак бўлиб турар эди. Марина қоп-қора қийиқ кўзларини сузганича Андрейга қаттиқ тикиларди.

— Яна сузиб берайми?— сўради у.

— Хўп, майли,— деб кўна қолди Андрей ва кафти билан оқиш мўйловини артди.

У яна карам шўрвани тушира кетди, рўпарасида ўтирган Марина олазарак бўлиб, унга муштоқлик билан қараб турарди, лекин бир вақт Андрей туйқусдан унинг йўғон бўйнидаги лўқиллаб уриб турган кўк томирни кўриб қолди-ю, негадир хижил бўлиб, қошиқни қўйди.

— Ҳа, нима бўлди?— таажжуб билан сўради Марина қалдирғоч қанотидек қора қошларини учириб.

— Тўйдим. Раҳмат. Қолганини эрта билан келиб ёпаман.

Марина стол атрофидан айланиб ўтди. Аста-секин жилмайиб, зич тишларининг оқини кўрсатиб, катта юмшоқ кўкрагини Андрейнинг кўксига тираганича шивирлаб сўради:

— Меникида ётиб қолмайсанми?

— Шундай қилсам ҳам бўлади,— Андрей шундан бошқа сўз тополмай гангиб қолди.

Марина эса бу аҳмоқона сўзи учун дашном бергандек, тўлишиб келаётган гавдасини букиб таъзим қилди.

— Раҳмат-э, валинеъматим! Шўрлик беванинг сўзини ерда қолдирмадинг... Мен ўлгур, тагин йўқ деса-я, деб қўрқиб ўтирибман...

У исчиरोқни «пуф» деб ўчириб қоронғида жой солди, даҳлизнинг илгагини солиб келди, нафрат ва сезилар-сезилмас гаассуф билан шундай деди:

— Сенда казак қонидан бир томчи ҳам йўқ. Сени тамбовлик челаксоз ясаган.

— Нега энди?— хафа бўлди Андрей, ҳатто этигини ечишдан тўхтади.

— Бошқалар қатори ясаб ташлаганда; кўзларингга қараганда кўзларинг шўх, хотин кишидан илтимос қилишга юрагинг бетламайди. Тагин урушда крестлар олган-а!— Тўғнағичларни тишлаб, сочларини ёзар экан ғудурлаб гапирди.— Менинг Мишам эсингдами? Бўйи мендан кичик эди. Сен мен билан баб-бараварсан, у сал кичикроқ эди. Мен уни журъати учунгина яхши кўрардим. У қовоқхонада энг зўр одамга ҳам бўш келмас эди, бурни қонаса ҳамки, бўш келмасди. Шунинг учун ҳам ўлган бўлса керак. У биларди нима учун яхши кўришимни...— ғурур билан гапини тугатди хотин.

Андрей Михаилнинг ўлимини кўрган хутордаги казакларнинг ҳикояларини эслади: рекогносцировка вақтида у ўз взводини сон жиҳатдан икки баравар кўп қизил аскарлар разъездига қарши атакага олиб борибди, қизиллар эса буларни «Льюис»дан ўққа тутиб қочишга мажбур қилишибди, қувиб етиб тўртта казакни эгардан туширишибди. Михаил Поярковни эса қолганлардан ажратиб, унга етиб олишга ҳаракат қилишибди. У эса чопиб кета туриб, таъқиб қилиб келаятган уч қизил аскарни шартта отиб ўлдирибди, ўзи эса, полкда энг яхши чавандоз бўлгани учун, ўқларга чап бериб вольтижировка қила бошлабди, қочиб қутулиши ҳам мумкин экану, лекин отининг оёғи чуқурга тушиб кетиб йнқилаётганида эгасининг оёғини синдирибди. Шундан кейин абжир вахмистрнинг куни битибди...

Андрей Поярковнинг ўлими ҳақидаги ҳикояни эслаб, жилмайди.

Марина ётди; тез-тез нафас олиб, Андрейга сурилди.

Ярим соатдан кейин Марина бошлаган гапини давом эттириб:



— Мишкани журъати учун яхши кўрардим,— деб шивирлади,— лекин сени... ўзим, шундай яхши кўрдим.— Андрейнинг кўкрагига ловиллаётган кичкина қулоғини маҳкам босди. Андрейнинг назарида, гира-шира қоронғиликда Маринанинг кўзлари эгар урилмаган асов отнинг кўзларидек чақнаётгандек туюлди.

Марина тонготарга яқин:

— Эртага томнинг чаласини ёпгани келасанми?— деб сўради.

— Ҳа, бўлмасам-чи?— таажжубланди Андрей.

— Келмай қўя қол...

— Нега энди?

— Бе, сен том ёпишни билармидинг! Шчукаръ бобо сендан яхшироқ ёпиб беради,— қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди Марина.— Сени жўрттага чақирган эдим!.. Бошқа иложим йўқ эди. Менга роса зиёнинг тегди! Томни барибир янгилаш керак...

Икки кундан кейин томни Шчукаръ бобо қайтадан ёпди, Марина олдида Андрейнинг ярамас ишини роса ёмонлади.

Ушандан бери Андрей ҳар кун кечаси Маринаникига бориб турадиган бўлди. Ўзидан ўн ёш катта хотиннинг ишқи унга, илк совуқ урган кечпишар олмадек ширин туюлди...

Уларнинг алоқаси хутордагиларга тез орада маълум бўлиб қолди, буни ҳар ким ҳар хил тушунди. Андрейнинг онаси йиғлаб, қўшниларига: «Шарманда! Кампир билан топишибди!» деб ҳасрат қилди. Лекин, кейин тақдирга тан бериб индамай қўя қолди. Кези келганда Андрей ҳазиллашиб, тегишиб юрадиган қўшни қиз Нюрка ундан анчагача қочиб юрди, лекин бир куни ўтин кесгани чиққанларида сўқмоқда юзма-юз тўқнаш келиб қолиб оқариб кетди.

— Кампир бўйнингга миниб олдимми?— деб сўради у титраган лаблари билан жилмайиб, киприклари остида йилтираб турган ёшларини яширмай.

— Кўз очирмай қўйди!— ҳазил билан қутулмоқчи бўлди Андрей.

Нариоқ бориб:

— Ешроғи топилмасмиди?— деб сўради Нюрка.

— Үзимни кўрсанг-чи,— Андрей папоғини ечиб, қўлқопи билан оқ оралаган сочини кўрсатди.

— Мен аҳмоқ сочингга оқ оралаган бўлса ҳам кўнгил қўйиб юрибман! Хўп, хайр бўлмаса,— деб ға-риб бошини қуйи солганича кетди қиз.

Макар Нагульнов гапнинг лўндасини айтди-қўйди:

— Мен маъқул топмайман, Андрюха! У сени вах-мистр ва майда хусусий мулк эгасига айлантириб қўяди. Қўй, қўй, ҳазиллашяпман, кўрмаяпсанми, ахир?

— Уни никоҳлаб олиб қўя қол,— деди бир куни онаси ийиб кетиб.— Келиним бўлиб юра қолсин.

— Ҳожати йўқ,— деди Андрей.

Марина йигирма ёш яшариб кетгандек бўлди. Тун-лари қийиқ кўзлари билан жилмайиб Андрейни қар-ши олар, уни сақувват қўллари билан қучоқлар, су-якдор қорамағиз ёноқлари тонг отгунча қип-қизил олчадек парпирар эди. Гўё қизлик даври қайтиб кел-гандай эди! У Андрейга шойи лахтаклардан қуроқ гулдор тамаки халталар тикиб берар, унинг ҳар бир имосини пайқаб олар, хушомад қилар эди, кейин унда даҳшатли куч билан рашк ҳисси уйғонди. Андрейдан ажраб қолишдан қўрқа бошлади. У ёш жувонларга айланишмаяптими, битта-яримтасига қарамаяптими деб, уни кузатиш учунгина мажлисларга ҳам боради-ган бўлди. Бошда, қўққисдан бошланган бу пойлоқ-чилик Андрейга малол келди, у Маринани сўкди, ҳат-то бир неча марта тутиб олиб урди ҳам, кейин эса кўникиб кетди. Бу нарса эркаклик иззат-нафсига ҳат то ёқа бошлади. Маринанинг меҳрибонлиги тутиб, ун-га эрининг ҳамма кийимларини берди. Шу вақтгача юпун юрган Андрей, меросхўрдек, вахмистрнинг мо-вут чалвори, ёқаси тор ва энглари калта қўйлақларида уялмасдан Гремячийда савлат тўкиб юра бошлади.

У хушторига рўзғор ишларида ҳам ёрдам берар, овдан унга қуён ёки бир боғлам каклик олиб келар эди. Лекин Марина ортиқча зуғум қилмас, гарчанд ичида Андрейнинг онасига адовати бўлса-да, уни қу-руқ қўймас эди.

Маринанинг ўзи ҳам рўзғорини эркакларнинг ёр-дамисиз тебратиб турар эди. Андрей унинг печак чул-ғаган уч пудлик бир ғарам буғдойни айри билан қан-

дай кўтаришини, ёки лобогрейкада ўтириб ғириллаб турган парраклар тагидан тўқ донли қучоқ-қучоқ арпани ирғитиб ташлашини зимдан завқ билан кузатар эди. Унда эркакларга хос абжирлик ва куч-қувват бор эди. У ҳатто аравага отни ҳам эркакчасига қўшар, оёғини хомутга тираб боғични б.л.р тортишда боғлаб қўя қолар эди.

Йиллар ўтиши билан Маринага бўлган туйғуси суягига сингиб, кўнглига ўрнашиб қолди. Андрей биринчи хотинини аҳён-аҳёндагина эслар, эслаганда ҳам илгаригидек изтироб чекмас эди. Баъзан Францияга қочиб кетган Аникей Девяткиннинг катта ўғли билан тўқнашиб қолгандагина ранги оқариб кетарди: ўғли отасининг худди ўзгинаси эди.

Кейин яна иш билан, бир парча нон учун кураш билан, кундалик ташвиш билан кеки тарқалиб кетар, бир вақтлар мажор офицерининг қиличи қолдирган хотира — пешанасидаги чандиқнинг зирқираб оғришига ўхшаган алами босилиб қолар эди.

Андрей камбағаллар мажлисидан тўғри Маринанинг олдига кетди. У жун йиғириб, Андрейни кутиб ўтирар эди. Пастаккина хонада чарх аллалаб ғўнғиллар, уй ўт ёқиб иситилган эди. Барра шўх улоқча каравотга сакраб чиқишнинг пайдан бўлиб, жажжи туёқчалари билан ерни тақиллатиб юрар эди.

Размётнов ғижиниб ижирғанди:

— Чархингни тўхтат!

Марина чархнинг тепкисидан чориқ кийган оёғини олди, отнинг сағрисидек кенг яғринини кериб ҳузур билан керишди.

— Мажлисда нима бўлди?

— Эртага кулакларнинг оёғини осмондан келтирамиз.

— Ростданми?

— Бугун мажлисдаги ҳамма камбағаллар колхозга кирди.— Андрей пиджагини ечмасдан каравотга чўзилди-да, бир тутам иссиқ тивитдай улоқчани ушлаб олди.— Сен эртага ариза олиб бор.

— Қанақа ариза?— таажжубланди Марина.

— Колхозга қабул қилинг деб.

Марина қизариб кетди, чархни печнинг ёнига итариб юборди.

— Эсингни едингми дейман? У ерда менга пишириб қўйибдими?

— Қўй, Марина, бу тўғрида баҳслашмай қўя қолайлик. Сен колхозга киришинг керак. «Одамларни колхозга тортяпти-ю, Мариначини четда олиб қолади» деб мени гап қилишади. Уятга қоламан.

— Мен кирмайман! Барибир кирмайман!— Марина каравотнинг ёнидан ўтиб кетди, Андрейнинг димоғига тер ва қизишган бадан ҳиди келиб урилди.

— Ундай бўлса, ажрашиб кетишга тўғри келиб қолади.

— Қўрқитяпсанми?

— Қўрқитаётганим йўқ, лекин менга бошқа йўл йўқ.

— Хўп, боравер! Уларга сигиримни олиб бориб бериб, ўзим нима қиламан? Ўзинг келиб овқат сўрайсан-ку!

— Сут ўртада бўлади.

— Балки хотинлар ҳам ўртада бўлар. Шунинг учун ҳам мени қўрқитаётгандирсан?

— Сени дўппослардиму, ҳафсалам келмай турибди.— Андрей улоқчани ерга тушириб юборди-да, папоғини олиб, тивит шарфчасини сиртмоқдек тортиб бўйнига боғлади.

«Ҳар бир таъвияга ёлвориб, илтимос қилиш керак! Ҳатто Маришка ҳам сапчиб тушяпти. Эртага умумий мажлис нима бўлади? Қаттиқроқ қиссак дўппослашди»— жаҳл билан ўйларди у, ўз уйига кета туриб. Анча вақтгача ухлаёлмади, у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб, онасининг хамирдан хабар олиш учун икки марта турганини эшитди. Омборда овози ўткир хўроз зўр бериб қичқирарди. Андрей эртаги кун ҳақида, қишлоқ хўжалигини қайта қуриш масаласи устида ўйлаб, ташвиш тортар эди. Тўнг ва қуруқ Давидов (назарида у шундай эди) бирон эҳтиётсиз иш қилиб қўйиб ўрта-холларни колхоздан чўчитиб қўймаса эди, деб хавотир қиларди. Аммо у Давидовнинг яғринли миқти гавда-

сини, ақлли кўзлари кулиб турувчи, ёноқларининг ёнларидан йирик чизиқлар тушган, тумтайган жиддий юзини, Любишкин сўзлаётган вақтида Нагульновнинг орқасидан унга энгашиб, кемшик оғзидан юзига бола-ларникидек соф, ўткир шароб ҳидини буруқситиб: «Партизан яхши йигит экан, аммо сизлар уни тарбия қилмасдан ташлаб қўйибсизлар, факт! Уни парвариш қилиш керак» деганини эслади. Эслади-ю, қувониб: «Йўқ, бу шарманда қилмайди, Макарни, ҳа, унинг жиловини тортиб қўйиш керак!— деган фикрга келди.— Қони қизиб кетганда яна бирон ҳунар кўрсатиб қўймасин тагин. Думининг тагига ён қайиш тушиб қолса борми, унда арава ҳам тилка-пора бўлади. Ҳа, тилка-пора бўлади... Нима тилка-пора бўлади? Аравалар... Аравага бало борми? Макар... Титок... Эртага...» Уйқу элтиб, ҳушини туман чулғай бошлади. Андрейнинг кўзи кетиб, япроқ ўртасидан шабнам томчиси думалагандек, лабларидан аста-секин табасум тарала бошлади.

## VI БОБ

Давидов эрталаб соат еттида қишлоқ советига келса, у ерда Гремячий камбағалларидан ўн тўрт киши йиғилишиб турган экан.

— Биз сизни анчадан бери кутяпмиз, наҳордан бери,— жилмайди Любишкин баҳайбат кафтлари орасига Давидовнинг қўлини олиб.

— Сабримиз чидамаяпти...— деб тўпланишларининг сабабини уқтирди Шчукаръ бобо.

Давидов дастлаб келган куни у билан қишлоқ совети ҳовлисида ҳазиллашган заифона оқ пўстинли одам шу киши эди. Уша кундан бери ўзини Давидовнинг яқин таниши ҳисоблаб, бошқаларга қараганда у билан дўстона ва беғараз муомала қиларди. Унинг келишидан олдин шундай деган эди: «Давидов икковимиз нима десак, шу бўлади. У мен билан ўтган куни узоқ ҳангамалашди. Хўш, жиддий гаплар орасида ҳазил аралаш гаплар ҳам бўлди-ю, лекин кўпроқ у билан колхозни қандай қуриш режаларини муҳокама қилдик. У ҳам менга ўхшаш хушчақчақ одам экан...»

Давидов Шчукарни оқ пўстинидан таниб, ўзи билмаган ҳолда уни қаттиқ хафа қилиб қўйди.

→ Э сенмисан, бобо? Мана кўрдингми: ўтган куни менинг нима учун келганимни билиб ранжигандек эдинг, мана бугун ўзинг колхозчисан. Балли!

— Вақтим йўқ эди... вақтим йўқ эди, шунинг учун кетиб қолган эдим...— деб ғудуллади Шчукаръ бобо, ёни билан юриб, Давидовдан узоқлашаркан.

Икки группага бўлиниб, кулакларни бадарға қилгани борадиган бўлишди. Биринчи группа хуторнинг юқори томонига, иккинчиси эса, қўйи томонига бориши керак эди. Бироқ Давидов биринчи группага раҳбарлик қилишни Нагульновга таклиф этган эди, у бу таклифни қатъиян рад қилди. Ҳамманинг кўзи тикилиб турганини кўриб, хижолат чекди-да, Давидовни четга тортди.

— Бу нима қилиқ? — совуққина сўради Давидов.

— Мен иккинчи группа билан паст томонга бора қолай.

— Нима фарқи бор?

Нагульнов лабини тишлаб юзини ўгирди-да, деди:

— Аслида бу тўғрида... Хўп, барибир эшитасан! Менинг хотиним... Лушка... Фрол Дамасков деган кулакнинг ўғли Тимофей билан ўйнашиб юради. Бормайман! Гап-сўз бўлади. Паст томонга бораман, биринчи группа билан Размётнов бора қолсин...

— Э, оғайни, гап-сўздан қўрқасанми?.. Ҳа, майли, қистамайман. Юр мен билан, иккинчи группа билан.

Давидов бугун эрталаб Нагульновнинг хотини уларга овқат олиб келаётганида унинг қоши устида сарғиш кўкиш мўматалоқ доғ кўрганини эслаб қолди; гарданига похол тўпони тушиб қолгандек ижирғаниб ва бўйнини қимирлатиб сўради:

— Уриб кўкартирган сенмидинг?

— Йўқ, мен эмас.

— Ким бўлмаса?

— Анови.

— «Анови»нг ким?

— Тимошка-да... Фролнинг ўғли.

Давидов ажабсиниб, бир неча дақиқа туриб қолди, кейин ғижиниб:

— Кел, қўй шу гапларни! Бошимни қотирмай! Қани кетдик, бу тўғрида кейин гаплашармиз,— деди.

Нагульнов билан Давидов, Любишкин, Шчукарь бобо яна учта казак қишлоқ советидан чиқдилар.

— Кимдан бошлаймиз?— деб сўради Давидов Нагульновга қарамасдан. Бояги гапдан кейин иккови ҳам ўзича қандайдир хижолат ичида қолган эди.

— Титокдан.

Кўчада индамай кетиб боришарди. Деразалардан хотин-халаж уларга қизиқсиниб қарарди. Бола-бақра эргашмоқчи бўлган эди, бироқ Любишкин четандан хивич суғуриб олиши билан зийрак болалар орқага қайтишди. Титокнинг уйига етгандан кейин Нагульнов ҳеч кимга қарамасдан, шундай деди:

— Бу уйни колхоз правлениеси банд қилади. Кенгина. Омборларни эса колхозга отхона қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам уй анча кенг эди. Титок уни очарчилик ҳукм сурган йигирма иккинчи йилда қўшни Тубянской хуторидан бир қисир сигир ва уч пуд унга сотиб олган эди. Уй эгалари оиласи билан қирилиб кетган эди. Бундай инсофсизлик билан олди-сотди қилган Титокни судга берадиган одам йўқ эди. Уйчи Гремячийга кўчириб келиб, томини ёпди, ҳарилардан омборхона ва отхона солди, умрбод ўрнашиб олди... Сариқ бўёқ билан бўялган пирамоннинг кўча томонига бўёқчи славян ёзуви билан жимжимадор қилиб: «Т. К. Бородин. М. И. 1923 сана» деб ёзиб қўйган эди.

Давидов уйни мароқ билан кўздан кечирди. Эшикдан биринчи бўлиб Нагульнов кирди. Эшик зулфининг шарақлаганини эшитиб, омборхона тагидан баҳайбат занжирбанд бўри тусли катта ит югуриб чиқди. У во-вилламасдан сапчиди, оқ мўмиқ тўшини йилтиратганича орқа оёқларида туриб, бўйнини сиқиб турган қайишдан бўғилиб ириллади. Бир неча марта олдинга ташланиб, чалқанчасига йиқилиб, занжирини узишга интилди, аммо кучи етмай отхона томонга югурди, тепасида отхонага тортилган темир сим бўйлаб сирғаниб кетаётган занжир ҳалқаси жиринглаб борарди.

— Бу иблиснинг панжасига тушиб қолсанг борми, соғ қутулмайсан,— феб жавради Шчукарь бобо қўрқа-

писа аланглаб ва ҳар эҳтимолга қарши четан деворга яқинроқ сурилиб.

Уйга тўп бўлиб киришди. Титокнинг новча, ориқ хотини тоғорада бузоқни суғормоқда эди. У кутилмаган меҳмонларга зарда аралаш шубҳа билан қаради. Саломга «изғимай ўлинглар» дегандай ғудуллаб жавоб қилди.

— Тит уйдами?— сўради Нагульнов.

— Йўқ.

— Қаерда бўлмаеа?

— Билмайман,— қўрслик билан жавоб берди уй бекаси.

— Бизнинг нима учун келганимизни биласанми, Перфильевна? Биз...— Шчукаръ бобо сирли оҳангда гап бошламоқчи бўлган эди, аммо Нагульнов унга ялт этиб қараб қўйди, бобо тупугини аранг ютиб томоғини қирди-да, ошланмаган оқ пўстинининг барларини савлат билан йиғиштириб сўрига ўтирди.

— Отлар шу ердами?— сўради Нагульнов, гўё уларни совуқ қарши олганларига парво қилмагандек.

— Ҳа.

— Ҳўкизлар-чи?

— Йўқ. Нимага келдинглар ўзи?

— Биз бу масалада сен билан...— деб яна гап бошламоқчи бўлган эди Шчукаръ бобо, бу гал эшик томонга тисарилиб кетаётган Любишкин унинг баридан тортди; даҳлизга тортқилаб олиб чиқиб кетилган бобонинг гапи оғзида қолди.

— Ҳўкизлар қаёқда?

— Тит қўшиб кетган.

— Қаёққа?

— Билмайман дедим-ку!

Нагульнов Давидовга кўз қисиб, ташқарига чиқди. Йўл-йўлакай муштини Шчукарнинг тумшугига ниқтаб, ўгит берди:

— Биров гап сўрагунча индамай тур!— Давидовга ўгирилди:— Ишлар чатоқ! Ҳўкизларни қаёққа гумдон қилди экан, билиш керак. Уларни бир ёққа жўнатган бўлмасин-да...

— Бўлмаса ҳўкизларсиз...



— Нима деяпсан?— қўрқиб кетди Нагульнов.— Унинг ҳўкизлари хутордаги энг зўр ҳўкизлар. Шохларига қулочинг етмайди. Қўлдан чиқариб бўлармиди! Титокни ҳам, ҳўкизларни ҳам қидириш керак.

Любишкин билан шивирлашиб, улар мол қўрасига, у ердан омборхона билан хирмонга қараб кетишди. Беш минутчадан кейин Любишкин қўлига сўйил олиб итни омборхонанинг тагига киргизиб юборди, Нагульнов эса отхонадан бўйдор кўк отни олиб чиқиб, эгарлади, ёлидан ушлаб минди.

— Сен нега бировнинг қўрасида ўзингдан ўзинг хўжайинлик қиласан?— деб қичқирди остонага югуриб чиққан хотин қўлларини биқинларига тираганча.— Шошмай тур, эрим келсин!.. У сен билан бир гаплашиб қўйсин.

— Шанғиллама! Агар уйда бўлганида у билан ўзим ҳам гаплашиб қўярдим. Уртоқ Давидов, бу ёққа кел-чи!

Нагульновнинг хатти-ҳаракатидан ҳанг-манг бўлиб қолган Давидов унинг олдига борди.

— Хирмондан кўчага чиққан янгигина ҳўкиз излари кўриняпти. Афтидан, Титок ис билиб, ҳўкизларни саранжом қилгани кетганга ўхшайди. Чанаси омборнинг тагида турибди, хотини ёлғон айтяпти! Боринглар, сизлар Кочетовни бир ёқли қила туринглар, мен Тубянскойга от чоптириб бораман. Ушандан бошқа ёққа олиб бормайди. Менга хивич синдириб бер-чи!

Нагульнов хирмондан тўғри йўлга чиқди. Унинг орқасидан оқ тўзон кўтарилиб, четанлар ва бурган шохларига кўз қамаштирувчи ялтироқ биллур кумушдек аста-секин кўнарди. Ҳўкиз излари билан унинг ёнидаги от туёғи излари катта йўлгача бориб, кейин ғойиб бўлди. Нагульнов Тубянской томон юз сажень жойгача чопиб борди. Йўл устидаги шамол учириб келган қорда ўша изларни кўрди, уларни қор босган эди. Тўғри йўлга тушиб олганини билиб хотиржам бўлгач, жойроқ юра бошлади. Бир ярим чақиримча юрган эди, тақир ерда излар яна кўринмай қолди. Отни шартта буриб эгардан сакраб тушди-да, изларни қор босмадимикан, деган ўй билан ерни диққат билан

кўздан кечира бошлади. Шамол учириб келган қор уюми бузилмаган эди. Тагида ҳақкаларнинг излари кўриниб турарди. Нагульнов сўкиниб, атрофга аланглаганича аста юриб изига қайта бошлади. Изни тез орада топиб олди. Ҳўкизлар катта йўлдан анғиз яқинида бурилган экан. Нагульнов отини тез елдириб кетаётганида уларнинг изини кўздан кечирди. У Титокнинг тепаликдан ошиб ўтиб, Войсковой хуторига қараб кетганини пайқади. «Танишларидан биронтасиникига кетган бўлса керак» деб ўйлади отининг бошини тортиброқ из қувиб бораркан. Тепаликнинг нарёғидаги Мёртвий жар яқинида қор устидати ҳўкиз тезагига кўзи тушиб тўхтади: тезак янги, уни яқингинада изғириндан юпқа муз қоплаган эди. Нагульнов калта пўстинининг чўнтагидаги наганининг совуқ дастасини пайпаслаб қўйди. Жарга жой юриб тушди. Ярим чақирим юргач, яқин орадаги яланғоч эман дарахтининг нарёғида отлиқ одам билан бир жуфт бошвоқсиз ҳўкизни кўрди. Эгарда мункайиб ўтирган одам ҳўкизларни бошвоқ билан ҳайдаб кетмоқда эди. Кўм-кўж тамаки тутуни унинг елкаси оша чиқиб, ғойиб бўлар эди.

— Қайтар!

Титок кишнаб юборган биясини тўхтатиб, орқасига қаради, тамаки ўраган қоғозни туфлаб ташлаб, ҳўкизлар олдига ўтди-да, оҳиста деди:

— Нега энди? Дирр, ҳўк, тўхта!

Нагульнов етиб борди. Титок уни узоқ тикилиб қарши олди.

— Қаёққа кетаётган эдинг?

— Ҳўкизларни сотмоқчи эдим, Макаар. Гапнинг очиги.— Титок бурнини қоқди. Енги билан мўғулнуса салқи, сариқ мўйловларини яхшилаб артди.

Улар отдан тушмай бир-бирларига қарама-қарши турардилар. Отлар бир-бирини искашишарди. Нагульновнинг шамол қовжиратган юзи тажанг, ғазабли эди. Титок зоҳиран осойишта ва хотиржам эди.

— Ҳўкизларни қайтариб, уйга ҳайда!— деб буюрди Нагульнов, четга чиқиб.

Титок бир лаҳза иккиланиб турди. У кўзларини юминқираб, мудрагандек бошини қуйи солиб тизгин-

ни ўйнар, капюшони жулдур папоғи устига ташланган хонаки кул ранг зипунида мизғиётган қарчиғайга ўхшар эди. «Агар зипунининг қўйнида бирон нарса бўлса, ҳозир илгагини ечади» деб ўйларди Нагульнов, қимир этмай турган Титокдан кўзини олмай. Лекин у худди ҳушига келгандай бошвоқни силкиди. Ҳўкизлар изига қайта бошлади.

— Тортиб оласизларми? Кулак сифатида тугатасизларми?— узоқ суқунатдан кейин сўради Титок, қошигача бостириб кийилган капюшони остидан Нагульновга кўкиш кўзларини олайтириб.

— Ҳолингга вой! Сени газанда асирдек олдимга солиб ҳайдаб олиб кетаман!— Ўзини тутиб туролмай қичқириб юборди Нагульнов.

Титок ғужанак бўлиб олди. Тепаликка етгунларича индамади. Кейин:

— Мени нима қиласизлар?— деб сўради.

— Бадарға қиламиз. Зипунинг тагида дўппайиб турган нима?

— Кесма милтиқ,— Титок Нагульновга кўз қирини ташлаб қўйиб, зипунининг барини кўтарди.

Сюртугининг чўнтагидан наридан-бери йўнилган, кир бўлиб кетган кесма милтиқнинг қўндоғи кўриниб турарди.

— Қани, менга бер-чи.— Нагульнов қўлини чўзди, Титок эса совуққонлик билан унинг қўлини четга сурди.— Йўқ, бермайман!— деб жилмайди, салқи мўйловлари остидан тамакидан қорайган тишларини кўрсатиб. Нагульновга сассиққузаннинг кўзларидек ўткир, лекин қувноқ кўзлари билан тикилди.— Бермайман! Мол-мулкимни тортиб олганларинг олган, охири кесма милтиғимни ҳам оласизларми? Газеталарда ёзилганидек, кулакнинг кесма милтиғи бўлиши керак. Албатта кесма милтиғи бўлиши шарт. Мен бу билан нон-насибамни топиб есам-чи? Менинг қишлоқ мухбирлари билан ишим йўқ...

У бошини чайқаганча кулар, қўлини эгар қошидан олмас эди, Нагульнов, кесма милтиқни берасан, деб унча қистамади. «Хуторга борайлик-чи, ўша ерда тортиб оламан» деган қарорга келди у.

— Сен, бу нега кесма милтиги билан йўлга чиқди экан, деб ўйлаётгандирсан, Макар?— давом эттирди Титок.— Дардисар бўлди... Бу матах менда қачонлардан бор, ўша хохоллар қўзғолонидан олиб келган эдим, эсингдами, хўш, ётавериб занглаб қолибди, олиб ҳафсала билан тозаладим, мойладим — йиртқич ҳайвонми, ёмон одамми даф қилса асқатар, девдим. Кеча сизларнинг кулакларни тити-пити қилишга тайёрланаётганингизни эшитиб қолдим... Бугунданоқ ишга киришишларингизга ақлим етмапти... Бўлмаса ҳўкизларни кечасиёқ олиб жўнаб қолган бўлардим.

— Кимдан эшитдинг?

— Сенга айтармидим! Тешик қулоқ эшитади-да. Ҳа-ҳа, кечаси хотин билан маслаҳатлашиб ҳўкизларни ишончли одам қўлига топширадиган бўлдик. Кесма милтиқни ола чиққаним — қўрадан топиб олишмасин, даштга яшириб қўяй деганим эди, кўзим қиймади, бир томондан — сен келиб қолдинг! Тиззамнинг кўзи қалтираб кетди!— дерди хушчақчақлик билан у кулиб турган кўзларини ўйнатиб, Нагульновнинг отини биясининг ўмгани билан суриб келар экан.

— Ҳазилингни кейин қиласан, Титок! Ҳозир бачканалик қилма.

— Ҳа! Ҳозир ҳазиллашмасам қачон ҳазиллашман. Ширин турмуш учун курашиб уни қўлга киритдим, адолатли ҳокимиятни ҳимоя қилдим, у бўлса менинг гирибонимдан оляпти...— Титокнинг бирдан уни ўчди. Шу пайтдан бошлаб Макардан ақалли бир қадам орқада қолишга интилиб, отининг бошини жўрттага тортганича индамай кета бошлади, лекин униси ҳам ҳавотир олиб тисарилар эди. Ҳўкизлар улардан анча узоқлашиб кетди.

— Имиллама, имиллама!— дерди Нагульнов Титокка жиддий тикилиб, чўнтагидаги наганини чангалларкан. У Титокнинг феълени яхши биларди! Уни ҳаммадан кўра яхши биларди.— Орқада қолма! Отмоқчи бўлсанг, барибир улгуролмайсан.

— Қўрқоқроқ бўлиб қолибсан-ку!— илжайди Титок ва отни бошвоқ билан қамчилаб олдинга қараб чопиб кетди.

Андрей Размётнов ўз группаси билан Фрол Дамасковникига келганда, у оиласи билан тушлик қилмоқда эди. Стол атрофида Фролнинг ўзи — бурнининг чап катаги тиртиқ (болалигида олмадан йиқилиб афтини бадбашара қилиб олган, Тиртиқ лақаби ҳам шундан қолган эди), чўққисоқол, чуваккина чол, унинг тўла ва савлатли кампири, йигирма икки ёшлардаги йигит — ўғли Тимофей, бўйга етган қизи ўтирарди.

Онасига ўхшаш қомати келишган кўркам Тимофей ўрнидан турди. Сабза урган мўйловлари остидаги қизил лабини латта билан артиб, хутордаги қизлар севган энг яхши гармончига хос беиболик билан беор чағир кўзларини қисиб қўли билан кўрсатди:

— Тўрга чиқинглар, ўтиринглар, азиз улуғлар!

— Ўтиришга вақтимиз йўқ, — Андрей папкасидан бир варақ қоғоз олди. — Гражданин Фрол Дамасков, камбағаллар мажлиси сени уйингдан кўчириб ҳамма мол-мулкингни мусодара этишга қарор қилди. Шунинг учун тезроқ бўл, овқатлану, уйингни бўшат. Ҳозир биз мол-мулкни хатлаймиз.

— Нима сабабдан? — қошиқни ташлаб ўрнидан турди Фрол.

— Сени кулак синфи сифатида тугатамиз, — деб уқтирди унга Демка Ушаков.

Фрол тагига чарм солинган пухта пиймасини фарчиллатганича меҳмонхонага кириб у ердан бир қоғоз олиб чиқди.

— Мана ўзинг қўл қўйиб берган справка, Размётнов.

— Қанақа справка?

— Ғалла мажбуриятимни бажарганим ҳақидаги справка.

— Бу ишга ғалланинг дахли йўқ.

— Бўлмаса мени нега уйимдан ҳайдаб чиқариб мол-мулкимни мусодара қилмоқчисизлар?

— Сенга тушунтирдим-ку, камбағаллар қарор қилишди деб.

— Бунақа қонун йўқ! — қичқариб юборди Тимо-

фей.— Сизлар талон-торож қилмоқчисизлар! Дада, мен ҳозир райижрокомга бораман. Эгар қани?

— Райижрокомга бормоқчи бўлсанг яёв борасан. Отни бермайман.— Андрей стол ёнига ўтириб қалам, қоғоз олди...

Фролнинг тиртиқ бурни кўкариб кетди, боши қалтиради. Унниқиб кетган тили оғзига сиғмай гўлдираганча турган жойига ўтириб қолди.

— Итввв-вач-чалар!.. Итваччалар, таланглар! Қиринглар!

— Дадажон, худо ҳақи, ўрнингиздан туринг!— йиғлаб юборди қиз, отасининг қўлтиғидан кўтариб.

Фрол ўзини ўнглаб ўрnidан турди-да, сўрига чўзилиб, Демка Ушаков билан уятчан новча Михаил Игнатенокнинг Размётновга айтиб туриб ёзидарётганини лоқайдлик билан эшитиб ётди:

— Оқ қуббали темир каравот, пар тўшак, учта ёстиқ, яна иккита ёғоч каравот...

— Идиш-товоғи билан жавон. Идиш-товоқларнинг ҳам ҳаммасини номма-ном айтаманми? Машмашасидан ўргилай!

— Ун иккита стул, битта суянчиғи узун стул. Пардали уч қатор гармонь.

— Гармонни бермайман!— Тимофей уни Демканинг қўлидан тортиб олди.— Ёпишма, шиграй, уриб бурнингни абжағ қиламан!

— Мен шундай абжағингни чиқарайки, онанг саришта қилиб ололмасин!

— Сандиқларнинг калитини бер, кампир.

— Берманг, ойнажон! Ҳақлари бўлса бузиб кўришсин-чи!

— Бузишга ҳақимиз борми?— жонланиб сўради Демид Индамас; у шу одати билан машҳур эдики, жуда зарур бўлган вақтлардагина гапирар, бошқа вақтларда эса индамай ишлар, байрам кунлари тор кўчага йиғилган казаклар билан индамай чекишар, мажлисларда ҳам чурқ этмай ўтирар, аҳён-аҳёндагина ҳамсуҳбатининг саволларига жавоб бериб, айбдор кишидек кулиб қўяр эди.

Демид қаршисида очилган дунё беҳад қаттиқ шовқин-сурон билан тўлган эди. Улар тоқатни тоқ қилар.

тунлари ҳам тинмай сукунатга қулоқ солишга халал берар, кузакда дашт билан ўрмонни чулғаб оладиган сукунатни бузар эди. Демид ғала-ғовурни ёқтирмасди. У хуторнинг этагидаги овлоқ жойда яшар, ўзи меҳнаткаш, шу атрофда энг кучли одам ҳисобланар эди. Лекин, негадир, тақдир унга кулиб боқмас, ўғайдек ризқини қияр эди... У Фрол Дамасковнинг қўлида беш йил хизматкор бўлиб турди. Кейин уйланиб, ўзи рўзғор қилиб чиқиб кетди. Уйи битай деганда куйиб кетди. Бир йилдан кейин уйига яна ўт тушиб қўрасида ўртанган омочинигина қолдириб кетди. Тез орада хотини ҳам: «Сен билан икки йил туриб, икки оғиз гап эшитмадим, бир ўзинг турақол! Ўрмондаги бўри билан турсам бунчалик диққинафас бўлмас эдим. Сен билан турсам жинни бўладиганга ўхшайман, ўзим билан ўзим гаплашадиган бўлиб қолдим...» деб кетиб қолди.

Бўлмаса хотини Демидга кўникиб келаёзган эди. Рост, дастлабки ойлари йиғлаб-сиқтарди. Эрига: «Демидушка! Мен билан гаплашсанг-чи. Ақалли бир оғиз гап айтақолсанг-чи!» деб ёпишиб оларди. Демид жундор кўкрагини қашиганча ёш боалардек кулиб қўя қоларди. Хотинининг хархашаси жонига текканда йўғон овоз билан тўнғиллаб: «Нақ олашақшақнинг ўзисан-а!» деб чиқиб кетарди. Демид нима учундир эл оғзида, мағрур, айёр одам, «ичидан пишганлардан» деб ном олган эди. Умр бўйи шанғи одамлар билан қаттиқ овозни ёқтирмаганидан шундай бўлдимикан?

Шунинг учун ҳам Андрей тепасида Демиднинг тўнғиллаган овозини эшитиб дарров бошини кўтарди.

— Ҳақимиз дейсанми?— қайталаб сўради у, Индамасга худди энди кўриб тургандек тикиларкан.— Ҳақуқуқимиз бор.

Демид эскирган ҳўл чориқлари билан полда из қолдирганича лапанглаб меҳмонхона томон кета бошлади. Жилмайганича, дарахтнинг бутоғини итариб ташлагандек, эшикда турган Тимофейни қўли билан енгилгина четга суриб қўйди-да, қадам ташлашидан ичидаги идиш-товоқ зорлангандек жиринглаб кетган жавон олдидан ўтиб, сандиқ олдига борди. Чўнқайиб ўтириб, залварли қулфни бармоқлари билан айлан-

тирди. Бир дақиқадан кейин банди синган қулф сандиқ устида ёгарди. Аркашка Айирбошчи бўлса, Индамасни ошкора ҳайрат билан кўздан кечириб, завқ билан хитоб қилди:

— Қани энди, кучни шундай одамдан қарз олсанг!

Андрей ёзиб улгуролмасди. Меҳмонхонадан, залдан, Демка Ушаков, Аркашка ва Андрейнинг группасидаги бирдан-бир хотин киши — Василиса хола галма-гал турли овозлар билан қичқиришарди:

— Донча заифона пўстин.

— Катта пўстин.

— Уч жуфт янги этик, калишлари билан.

— Тўрт кийимлик мовут!

— Андрей! Размётнов! Бу ердаги мол бир аравага сифмайди. Чит дейсанми, қора сатин дейсанми, ҳар ба-ло бор...

Меҳмонхонага қараб кетаётган Андрей даҳлиздан қиз боланинг йиғлаб-сиқтаётганини, хотин кишининг дод-фарёдини, уларни тинчитмоқчи бўлган Игнатенонинг овозини эшитди. Андрей эшикни очди.

— Нима гап ўзи?

Уй эгасининг йиғлайвериб хун бўлиб кетган пучуқ қизи эшикка суянганича уввос тортмоқда эди. Унинг ёнида онаси гирдикапалак бўлиб вайсамоқда, қизариб кетган Игнатенок эса жилмайганича ийманиб қизнинг этагидан тортмоқда эди.

— Нима қиляпсан?!— Нима гаплигини билмай Андрей тутақиб кетиб, Игнатенокни куч билан итариб юборди. Игнатенокнинг чўлтоқ пийма кийган узун оёқлари осмондан келиб чалқанчасига йиқилиб тушди.— Ҳамма сиёсий иш билан машғул! Душманга қарши ҳужум олиб бориляпти, сен бўлсанг, бурчак-бурчакларда қизларга ёпишиб юрибсан?! Бу ишинг учун судга...

— Э шошма, ҳовлиқмасанг-чи!— Игнатенок қўрқापиса ўрнидан сапчиб турди.— Бошимга ураманми... бу қуриб кеткурни! Ёпишиб нима қиламан! Қарасанг-чи, тўққизинчи юбкани кийиб оляпти! Мен бунга йўл қўймайман десам, сен мени туртиб йиқитяпсан.

Андрей гала-говурдан фойдаланиб меҳмонхонадан кийимлар тугулган бўхчани олиб чиққан қизнинг ҳа-



қиқатан ҳам бир дунё жун кўйлақларни кийиб олганини шундагина кўрди. Бурчакка биқиниб олган қиз этагини тортиб тўғрилар, эркин ҳаракат қилишига йўл бермаётган қават-қават кийимлари уни бақбақалоқ, бесўнақай қилиб қўйган эди. Унинг қуённинг кўзларидек қип-қизил жиққа ёш кўзларини кўриб Андрей ҳам ачинди, ҳам нафратланди. У эшикни тарақлатиб ёпаркан Игнатенотка шундай деди:

— Ечинтирмай қўя қол! Қийиб олгани устида қола қолсин, тугунни олиб чиқ.

Уйда бор мулкни рўйхатга олиш тугаб қолаёзди.

— Омборнинг калитини бер,— деб талаб қилди Андрей.

Чала куйган тўнкадек қорайиб кетган Фрол қўл силтади.

— Калит йўқ!

— Бор, бузиб оч,— деб буюрди Андрей Демидга.

Демид омборга кета туриб араванинг киндигини суғуриб олди.

Беш қадоқли тошдай қулфни аранг болта билан бузиб очишди.

— Эшикнинг тепадорини чопма! Омбор энди ўзимизники, орқа-ўнгинга қара. Эҳтиёт бўл! Эҳтиёт бўл!— деб маслаҳат берарди Демка ҳарсиллаётган Индамасга.

Ғаллани ўлчай бошладилар.

— Ҳозирнинг ўзида элаб қўяқоламизми? Ана ҳамбада ғалвир ҳам ётган экан,— деди қувончи ичига сигмаган Игнатенотка.

Уни кулги қилишди ва салмоқдор буғдойни челакларга тўлатишар экан, узоқ ҳазиллашишди.

— Бундан ҳали икки юз пудчасини ғалла мажбуриятига топширса бўлади,— дерди Демка Ушаков тиззасигача донга ботиб юрар экан. У буғдойни курак билан хамбанинг новига ирғитар, қўли билан чангаллар, бармоқлари орасидан ўтказар эди.

— Назаримда, тош босиши керак.

— Қаёқда! Қизил тиллага ўхшаган буғдой, лекин ерга кўмилганга ўхшайди: кўрдингми, жийий депти.

Аркашка Айирбошчи билан группадаги яна бир йигит қўрада иш кўрмоқда эдилар. Аркашка малла со-

қолини силаб, хўкиз тезагидан чиқиб турган бутун-бутун жўхори донларини кўрсатарди:

— Булар ишламай ким ишласин? Ғалланинг сарасини ейишса, бизнинг ширкатимизда эса хашакни ҳам ялатма қилиб сочиб берамиз.

Омбордан ғала-ғовур товушлар, қаҳқаҳа садо-лари, хушбўй ғалла гарди, баъзан эса қулоқни қизартириб юборадиган сўзлар ҳам келиб турар эди... Андрей уйга қайтиб кирди. Кампир билан қизи қозон-товоқ ва идиш-оёқларни қопга солиб қўйишган эди. Фрол кўллларини ўликдек кўксига қовуштирганча пайпоқли оёғини чўзиб катла ётарди. Попуги пасайиб қолган Тимофей нафрат билан қаради-ю, деразага ўгирилиб олди.

Андрей меҳмонхонада чўнқайиб ўтирган Индамасни кўрди. У Фролнинг, тагига чарм тикилган янги пиймасини кийиб олган эди. Андрейнинг кириб келганидан беҳабар Индамас тунука бакдан ош қошиқ билан бол олиб емоқда эди, у кўзларини сузиб қўяр, тамшанар, соқолига сап-сарик шира томчилари тўкилмоқда эди...

### VIII БОБ

Нагульнов билан Титок хуторга тушда қайтиб келишди. Бу вақтгача Давидов иккита кулак хўжалигидаги мулкларни рўйхатга олди, эгаларини уйдан кўчириб чиқарди, кейин Титокнинг қўрасига қайтиб келиб, Любишкин билан бирга гўнг тагидан топилган ғаллани ўлчаб тортди. Шчукаръ бобо қўйларнинг охурига нушхўрд ташлади ва келаётган Титокни кўриши билан қўй қўрадан эпчиллик билан чиқиб кетди.

Титок чакмонининг олди очиқ. бош яланг ҳолда ҳовлида юрарди. У ғарам томонга кетаётган эди, Нагульнов унга қичқирди:

— Ҳозир қайт, бўлмаса омборга қамаб қўяман!..

У тажанг, ҳаяжонланган, юзи ҳар вақтдагидан кўра тез-тез учиб турар эди. У Титокнинг кесма милтигини қаерда ва қандай қилиб ташлаб юборганини кўролмай қолган эди. Ғарамга яқинлашиб келаётганида, Нагульнов:

— Милтиқни берасанми?— деб сўради.— Бўлмаса тортиб оламиз-а?

— Ҳазилингни қўйсанг-чи!— деб кулди Титок.— Кўзингга кўринганга ўхшайди дейман?..

Милтиқ чакмонининг қўйнида ҳам йўқ экан. Қайтиб бориб қидиришнинг ҳам маъноси йўқ эди: қалин қорда, бурганлар орасида барибир топиб бўлмас эди. Нагульнов ўзидан ўзи хуноб бўлиб, буни Давидовга гапириб берди. Титокка қизиқсиниб кўзини олмай қараб турган Давидов унинг олдига борди.

— Сен қуролни бергин, гражданин! Ўзингга яхши бўлади.

— Менда қурол йўқ эди! Нагульнов менга ўчакишганидан шундай деяпти.— Титок сассиққузаннинг кўзларига ўхшаган кўзларини ўйнатиб илжайди.

— Бўлмаса, сени қамоққа олиб районга жўнатишга тўғри келади.

— Мени-я?

— Ҳа, сени. Нима деб ўйловдинг? Ўтмишимни назарга олишади, деб ўйловдингми? Сен ғаллани яшир-япсан, бунинг устига...

— Мени-я?..— ҳамла қилмоқчи бўлгандек букча-йиб, ҳарсиллаб деди яна Титок.

Бу пайт унинг риёксрона қувноқлигидан ҳам, дадиллигидан ҳам, сиполигидан ҳам асар қолмади. Давидовнинг сўзлари шу вақтгача тийиб турган қаҳри-ғазабининг тугён этиши учун туртки бўлди. У тисарилган Давидовга қараб ташланди-ю, ҳовли ўртасида ётган бўйинтуруққа қоқилиб кетди ва энгашиб темир қулоқчўпни суғуриб олди. Нагульнов ва Любишкин Давидовга қараб югуришди. Шчукаръ бобо ҳовлидан қочиб чиқиб кета бошлади. Аксига олиб узун пўстинининг этакларига ўралашиб йиқилиб тушди, зўр бериб:

— Войдод, бормисизлар! Улдик!— деб чинқира бошлади.

Чап қўлини Давидов ушлаб қолган Титок ўнг қўли билан унинг бошига бир урган эди, Давидов гандираклар кетди-ю, лекин йиқилмади. Ярасидан отилиб чиққан қон қуйилиб, кўзини тўсиб қўйди. Давидов Титокнинг қўлини қўйиб юбориб, гандираклаганича кўз-

ларини кафти билан тўсди. Иккинчи зарбадан қорга йиқилди. Шу пайт Любишкин Титокни белидан қучоқлаб олди, лекин бақувват бўлишига қарамай уни ушлаб туролмади. Титок унинг қўлидан қутулиб чиқди-ю, ирғишлаб фарамга қараб югурди. Дарвоза олдида унга Нагульнов етиб олди, наганининг сопи билан сержун ясси гарданига туширди. Тўс-тўполонни Титокнинг хотини зўрайтириб юборди. Любишкин билан Нагульновнинг эрига қараб югураётганини кўриб омборга чопиб борди-да, занжирдаги итни қўйиб юборди. Теват темир бўйинбоғини шалдиратганича ҳовлини гир айланиб чиқди-да, қўрқиб кетган Шчукаръ бобонинг чинқириғини эшитиб ва унинг қорда ёйилиб ётган пўстинини кўриб қолиб, унга ёпиша кетди. Оқ пўстин тариллаб, чанг аралаш тери парчалари ва қўй жунлари уча бошлади. Шчукаръ бобо ўрнидан сапчиб туриб, итни жонҳолатда оёғи билан тепаркан, четан девор қозиғини суғуриб олиш ҳаракатига тушди. У гарданига ёпишиб олган қутурган занжирбанд итни судраб, унинг зўр бериб юлқинишларидан гандираклаганча итни икки саженча жойга олиб борди. Ниҳоят, жон-жаҳди билан ҳаракат қилиб, қозиқни суғуриб олишга муваффақ бўлди. Ит вангиллаганича қочди, аммо бобонинг пўстини икки бўлак бўлган эди.

— Менга ливольвертингни бер, Макар!— кўзларини чақчайтириб овозининг борича бақирди дадилланган Шчукаръ бобо.— Ҳовримдан тушмасимдан бер! Мен уни бекаси билан қўшмозор қилиб қўяқолай!..

Бу орада Давидовни уйга олиб киришди, ҳали ҳам қорақон сизиб турган ярасининг атрофидаги сочларини олишди. Любишкин ҳовлида қўш отли чанага Титокнинг отларини қўшмоқда эди. Нагульнов стол ёнида ўтириб, шоша-пиша ёзмоқда эди:

«ГПУнинг район вакили ўртоқ Захарченкога. Кулак Тит Константинович Бородинни контрреволюцион газанда унсур сифатида ҳузурингизга ҳавола қилаётирман. Бу кулакнинг мол-мулкини хатлаётганимизда у бизга юборилган йигирма беш мингчи ўртоқ Давидовга расмий ҳужум қилди ва унинг бошига темир қозиқ билан икки марта урди.

Бундан ташқари маълум қиламанки, Бородиннинг қўлида русча нусха милтиқ кўрдим, тепаликда бўлганим ва қон тўкилишидан қўрққаним учун милтиқни тортиб ололмадим. Милтиқни сездирмасдан қорга ташлаб юборди. Қидириб топсак моддий далил сифатида олиб бориб берамиз.

*ВКП(б) Гремячий ячейкасининг секретари ва Қизил Байроқ орденли М. Нагульнов».*

Титокни чанага ўтқазишди. У сув беришларини ва Нагульновни чақирришларини илтимос қилди. Нагульнов зинапоядан туриб:

— Нима дейсан?— деб қичқирди.

— Макар! Эсингдан чиқарма!— боғланган қўлларини силкитганича мастлардек бақирди Титок.— Эсингдан чиқарма: тўқнаш келмай қолмаймиз! Сен менинг устимга чиқиб тепдинг, ўшанда мен сени тепкилайман. Барибир ўлдираман! Дўстлигимиз тамом бўлди!

— Жўна, контра!— Нагульнов қўлини силтади.

Отлар ҳовлидан елиб чиқиб кетди.

## IX БОБ

Кечга яқин Андрей Размётнов ўзи билан бирга ишлаган камбағаллардан иборат кўмакчилар группасига жавоб бериб, хўжалиги тугатилган Гаевнинг ҳовлиси-дан сўнгги арава мусодара молларни Титокнинг ҳовлисига юборди (ҳамма кулакларнинг бор-будлари Титокникига ташилаётган эди), ўзи қишлоқ Советига қараб кетди. У эрталаб Давидов билан у ерда умумий мажлисдан бир соат олдин учрашишга ваъдалашган эди. Мажлис қоронғи тушиши билан бошланиши керак эди.

Андрей даҳлизданоқ қишлоқ советининг бурчагидаги хонасида чироқ ёниб турганини кўрди, эшикни ланг очиб кирди. Эшик тақиллаганини эшитган Давидов оқ лахтак билан боғланган бошини қўйин дафтарчасидан кўтариб жилмайди.

— Мана, Размётнов ҳам келди. Утир, биз кулаклардан қанча ғалла топилганини ҳисоблайпмиз. Хўш, сенда қандай ўтди?

— Дуруст... Бошингни нега боғлаб олдинг?

Газетадан чироқ учун қалпоқ ясаётган Нагульнов истар-истамас деди:

— Уни Титок шундай қилиб қўйди, қулоқчўп билан. Титокни ГПУга, Захарченкога жўнатдим.

— Шошма, ҳозир айтиб берамиз.— Давидов стол устидаги чўтни суриб қўйди.— Сол, бир юз ўн беш. Солдингми? Бир юз саккиз...

— Шошма! Шошма!— ташвиш билан шошиб гапирди Нагульнов, чўт доналарини бармоқлари билан эҳтиёткорона сураркан.

Андрей уларга қараб лаблари титраганча бўғиқ овоз билан деди:

— Бошқа ишламайман.

— Бошқа ишламайсан? Қаерда?— Нагульнов чўтни четга суриб қўйди.

— Энди кулакларни тугатгани бормайман. Нега бунча бақраясан? Тутқалоғинг тутай деб туриптими дейман?

— Мастмисан?— Давидов Андрейнинг кескин қатъийликни ифодаловчи юзига ташвиш билан синчиклаб тикилди.— Сенга нима бўлди? Ишламайман деганинг нимаси?

Унинг хотиржам овозидан Андрейнинг жини кўзиб кетди, дудуқланганича ҳаяжонланиб қичқирди:

— Мен ўрганган эмасман! Мен... мен болалар билан уришишга ўрганган эмасман!.. Фронтда бошқа гап эди! У ерда дуч келганни қилич биланми, ҳар ба-ло билан даф қилиш мумкин... Тошларингни теринглар!.. Бормайман!

Андрейнинг овози таранг тортилаётган торнинг товушидек, борган сари кўтарилиб борар, ҳозир узилиб кетадигандек туюлар эди. Аммо Андрей хириллаб хўрсинди-ю, кутилмаганда шивирлашга ўтди:

— Шу ҳам иш бўлдими? Мен нимаман? Жаллодманми? Ё менинг юрагим тошданми? Уруш жонимга теккан...— У яна қичқиришга тушди.— Гаевнинг ўн битта боласи бор! Қириб боришимиз билан шунақанги

чувиллашдики, нима қилишимизни билмай қолдик. Сочларим тик бўлиб кетди! Уларни уйдан ҳайдаб чиқара бошладик... Шундан кейин мен кўзимни чирт юмиб қулоғимни беркитдим, қўранинг орқасига қочиб чиқдим. Хотин-халаж азадагидек уввос тортди, келинларини сув сепиб ҳушига келтиришди... болаларни... Худо урсин ҳаммангларни!..

— Йиғлаб ол! Енгил тортасан,— деб маслаҳат берди Нагульнов лип-лип қилиб учиб турган юзининг гўштини кафти билан оқариб кетгунча қаттиқ босиб, Андрейдан чақнаган кўзларини узмай.

— Йиғласам йиғлавераман! Мен ўзимнинг ўғлимни...— Андрей тишларини тиржайтириб тўхтаб қолди, столга шартта орқасини ўгириб олди.

Орага жимлик чўкди.

Давидов стулдан аста турди... Боғланмаган бир юзи ҳам мурданинг этидек аста-секин кўкара, қулоғи оқара бошлади. У Андрейнинг олдига бориб кифтидан қучоқлади, аста ўзига томон бурди. Катта-катта бўлиб кетган кўзларини Андрейдан узмасдан, ҳарсиллаб гапира бошлади:

— Сен уларга ачиняпсан... Уларга раҳминг келяпти. Улар бизга ачинганмиди? Болаларимиз ёш тўкканда душманларимиз йиғлаганмиди? Ўлдирилганларнинг етим қолган болаларига йиғлаганмиди? А? Менинг отамни забастовкадан кейин заводдан бўшатиб, Сибирга ҳайдашди... Онамнинг қўлида тўрт бола қолдик. Энг катгаси мен ўшанда тўққиз ёшда эдим... Егани овқатимиз йўқ эди, онам мажбур бўлди. Кўзимга қара! Очимиздан ўлмаслигимиз учун онам ёмон йўлга юришга мажбур бўлди! Хонамизга — биз ертўлада яшардик — одам бошлаб келарди... Битта каравот қолган эди... Биз бўлсак, парданинг орқасида... ерда ётардик... Мен тўққиз ёшда эдим. Баъзан мастлар ҳам бошлашиб келарди. Сингилларим овоз чиқармасин деб оғилларини бекитардим... Ким бизнинг кўз ёшимизни артипти? Эшитяпсанми дейман?.. Эрталаб ўша лаънати бир сўмни...— Давидов қадоқ босган кафтини Андрейнинг юзига олиб борди, тишларини изтироб билан ғижирлатди,— ойим ишлаб топган бир сўмни олиб, нонга борардим...— Бирдан қўлини қўта-

риб қора мушти билан столни уриб қичқирди:— Ҳой! Ачинишга нима ҳақинг бор?!

Яна жимлик чўқди. Нагульнов стол тахтасини чангаллаб, уни ўлжа ушлаган калхатдек ушлаб турарди. Андрей индамасди. Давидов ҳарсиллаб, энтикиб нафас оларкан, бир минутча хона ичида айланиб юрди-да, кейин Андрейнинг кифтидан қучоқлаб у билан бирга сўрига ўтирди, сўнг қатъий овоз билан гапирди:

— Вой тентаг-эй! Кела солиб: «Ишламайман... болалар... ачиняпман...» деб бақирришга тушдинг-а?! Нималар деб вайсадинг, эсингни йиғ! Кел, гаплашиб олайлик. Кулакларнинг оилалари бадарға қилинаётганига ачиниб кетдингми? Ола! Биз уларни янги ҳаёт қуришимизга халал бермасликлари учун... келажакда бундай ишлар такрорланмаслиги учун бадарға қиляпмиз... Сен Гремячийдаги совет ҳокимиятисан-а, нима, мен сени ташвиқот қилишим керакми?— зўрма-зўраки илжайди Давидов.— Лаънати кулакларни бадарға қиламиз, Соловкига бадарға қиламиз. Улиб кетишмас дейман? Ишлашса овқат берамиз. Қуриб бўлганимизда, бу болалар кулакларнинг болалари бўлмайд қоладилар. Ишчилар синфи уларни тарбиялаб олади.— У бир қути папирос олди ва қалт-қалт қилиб турган қўллари билан папиросини илиб ололмади.

Андрей Нагульновнинг бўзариб келаётган юзидан кўзларини узмай турарди. Нагульнов дарҳол ўрнидан туриб, шу ондаёқ трамплин кўтариб ташлагандек ирғиб тушди. Давидов буни кутмаган эди.

— Газанда!— деб юборди ғурунглаб, муштларини сиқиб.— Революцияга шундай хизмат қиласанми? Ачиняпсанми? Мен, мен... Ҳозир рўпарамга минглаб чол, бола-чақа, хотин-халажни териб қўйиб... ҳаммасини қириб ташла дегин... Революция учун керак дегин... Мен уларни пулемётдан... ҳаммасини қийратиб ташлайман!— бирлан даҳшат билан қичқириб юборди Нагульнов, унинг кенгайиб кетган катта кўз қорачиқларида ғазаб ўти чақнади, оғзининг четлари кўпира бошлади.

Давидов ташвишланиб:— Бақирмасанг-чи! Утир!— деди.



Андрей стулни ағдариб юбориб, шоша-пиша Нагульновга томон югурди, Нагульнов эса деворга суяниб бошини орқасига ташлаб, кўзлари олайганча чўзиқ овоз билан:

— Чопиб ташлайман!..— деб қичқирди. Ҳзи эса қилич қинини қидириб чап қўлини ҳавода айлантитар, ўнг қўли билан йўқ қиличнинг сопини пайпаслаганича ёнбошга йиқилмоқда эди.

Андрей уни ушлаб қолди, у гавдаси оғирлашган Макарниг ҳамма мускуллари таранг тортилганини, пўлат пружинадек қотиб қолган оёқларини чўзганини сезиб турарди.

— Тутқалоғи тутиб қолди... Оёғини ушла!..— деб Давидовга қараб қичқирди Андрей.

Улар мактабга келганларида мажлисга келган халқ тиқилиб кетган эди. Бино ҳаммани сиғдиролмасди. Қазаклар, хотин-халаж ва қизлар йўлакда, эшик олдида тирбанд бўлишиб турарди. Ланг очиқ эшиклардан тамаки тутуни аралаш бурқираб буғ чиқмоқда эди.

Ёрилган лабида қон қотиб қолган рангсиз Нагульнов йўлакда, ҳаммадан олдинда келмоқда эди. Унинг шахдам қадамлари остида семичка пўчоқлари қирсилларди. Қазаклар унга сиполик билан қараб, йўл беришарди. Давидовни кўришлари билан пичирлаша бошлашди:

— Давидов деганлари шуми?— баланд овоз билан сўради гулдор рўмолли қиз, тўлатиб семичка тугилган рўмолчаси билан Давидовни кўрсатиб.

— Пальто кияркан... жуссаси унча катта эмас экан.

— Катта эмасу, зуваласи пишиқ экан, уни қара, бўйни худди яхши буқанинг бўйнига ўхшайди. Бизга насл кўпайтириш учун юборишган,— деб кулди биттаси, Давидовга қуралай кўзларини сузиб.

— Йигирма беш мингчинг анча яғриндор экан, яхши қучоқласа керак,— деди беҳаёлик билан бева Наталья, бўялган қошларини учуриб.

Овози хириллаб қолган бир йигит ачитиб:

— Бизнинг Наталька баднафсга чолвор кийган одам бўлса бас,— деди.

— Қалласини чўқиб қўйишиптими дейман? Боғлаб олипти...

— Тиши оғриган бўлса керак...

— Йўқ. Титок...

— Қизлар! Дўндиқлар! Мунча энди келган меҳмонга қараб анқайиб қолдинглар! Е мен ярамай қолдимми?— соқоли қиртишланиб олинган, юзи кўкариб кетган ўрта яшар казак хоҳолаганича бир тўда қизни узун қўллари билан қучоқлаб, деворга қисди.

Қий-чув кўтарилди. Қизлар казакнинг елкасига муштлири билан ура бошладилар.

Давидов синф эшигига етиб олгунча терлаб кетди. Одамларнинг оғзидан семичка мойи ҳиди, пиёз, маҳорка, буғдой нон ҳиди келиб турарди. Қизлар ва жувонлардан сандиқларда ётган кийимларнинг хушбўй ҳиди, упа-элик ҳиди анқирди. Мактаб арининг уяси-дек гўнғилларди. Одамларнинг ўзлари ҳам бир тўп бўлиб уяси бўзилган асаларига ўхшаб қимирлашар эдилар.

— Қизларингиз бало экан-ку,— деди хижолат чекиб Давидов, саҳнага чиқаётганларида.

Саҳнада ёғоч билан туташтирилган иккита парга турарди. Давидов билан Нагульнов ўтиришди. Размётнов мажлисни очди. Тездан президиум сайланди.

— Колхоз ҳақида район партия комитетининг вакили ўртоқ Давидовга сўз берилади,— Размётнов жим бўлиб қолди, ғала-ғовур бирдан пасайиб, секин-аста тинди.

Давидов ўрнидан турди, бошидаги латтасини тўғрилаб олди. У ярим соатча гапириб охири хирллаб қолди. Мажлисадагилар индамасди. Залдагилар борган сари димиқиб кетмоқда эди. Давидов икки хира чироқ ёруғида биринчи қатордагиларнинг тердан ялтираётган юзларини кўрар, нарёғи эса ним қоронғилик ичида эди. Сўзлаганда унга ҳеч ким халақит бермади, лекин гапини тугатиб стаканга қўл чўзиши билан саволлар ёғила бошлади:

— Ҳамма нарсани умумлаштириш керакми?

— Уйлар-чи?

- Колхоз дегани вақтинча бўладими ё умрбодми?
- Якка хўжаликлар нима бўлади?
- Уларнинг ерлари тортиб олинмайдими?
- Ҳамманинг овқати бир бўладими?

Давидов узоқ ва бамаъни жавоб қилди. Гап қишлоқ хўжалигининг мураккаб масалаларига келганда унга Нагульнов билан Андрей ёрдамлашдилар. Намуна устав ўқиб берилди, лекин шунга қарамай саволлар тўхтамай ёғилаверди. Ниҳоят, ўртадаги қатордан тулки қулоқчинли ва олди очиқ қора нимча пўстинли бир казак ўрнидан туриб сўз сўради. Осма лампанинг тулки қулоқчинга нури тушиб турар, унинг қизғиш жунлари товланиб, чақнаётгандек бўлар эди.

— Мен ўртаҳол ғаллакор деҳқонман, шуни айтмоқчиманки, граждандар, сўз йўқ, колхоз деганимиз, шубҳасиз, яхши нарса, лекин яхшилаб ўйлаб кўриш керак! Наридан-бери, юмалоқ-ясси қилиб, иш битди дейиш ярамайди-ку, ахир. Партиядан вакил бўлиб келган, ўртоқ, чунончи: «Кучларингни бирлаштириб ишласаларинг ҳам фойда кўрасизлар. Ҳатто ўртоқ Ленин ҳам шундай деган» дейди. Вакил ўртоғимиз қишлоқ хўжалиги ишларига оз тушунади, ишчи бўлиб, плугнинг қулогини ушламаган ҳам бўлса керак, хўкизга ҳам қайси томондан яқинлашишни ҳам билмаса керак. Шу сабабдан сал янглишиб қолди. Менинчга, колхозга одамларни шундай олиб кирилса: ишлайдиган ва моли борларни — бир колхозга, камбағалларни — бир колхозга, бадавлат деҳқонларни нима қилиш ўз-ўзидан маълум, ўтакетган ялқовларни сургун қилиш керак, ГПУ уларни ишлашга ўргатсин. Одамларни бир тўпга уюб ташлаган билан барибир иш чиқмайди: бамисоли эртактагидай — оққуш қанотини силкитиб учишга интилади, қисқичбақа бўлса унинг думидан тишлаб орқага тортади, чўртан балиқ бўлса сувга судрайди...

Мажлис аҳли сипо кулги билан жавоб қилди. Орқароқда ўтирган бир қиз қийқириб юборган эди, шу ондаёқ кимдир зарда билан бақириб берди:

— Ҳой енгилтаклар! Ҳовлига чиқиб қитиқлашинглар. Йўқолинглар бу ердан!

Тулки қулоқчинли киши пешанаси ва лабини даст-  
рӯмоли билан артиб, сўзида давом этди:

— Одамларни яхши деҳқон ҳўкиз хиллагандек,  
хиллаш керак. Тадбирли деҳқон ҳўкизларни кучига,  
бўйига қараб хиллайди. Пойма-пой ҳўкизларни қўш-  
га қўшиб кўр-чи, нима чиқаркин? Кучлироғи судраб  
кетеди, кучсизи юрмайди, шу сабабдан зўри ҳам бе-  
ҳудага тўхтайверади. Бу аҳволда улар нима иш қи-  
либ берарди? Бу ўртоғимиз: кулаклардан бошқа бу-  
тун хутор бир колхоз бўлсин, деди... Ҳамма нарса  
айқаш-уйқаш, ҳамма қирпичоқ бўлади-ку!

Любишкин ўрнидан турди, шопдай қора мўйлови-  
ни жаҳл билан қимирлатди, сўзлаётганга ўгирилди:

— Баъзан шундай ширин, шундай ёқимли гапирасанки, Кузьма! Агар хотининг бўлсам умрбод гапингга қулоқ солардим! (Ҳиринглаган кулги товуши эшитилади.) Сен мажлис аҳлини Палага Кузьмичевани аврагандек авраяпсан...

Бараварига қаҳқаҳа кўтарилди. Чироқдан илондек ўткир олов тили отилди. Мафҳумида ножўя ва қизиқ бир воқеа ётган бу ишора бутун мажлис аҳлига тушунарли бўлса керак. Ҳатто Нагульнов ҳам кўзлари билан жилмайиб қўйди. Давидов ундан эндигина кулгининг сабабини сўрамоқчи бўлиб турган эди, Любишкин баланд овози билан ғала-ғовурни босиб тушди:

— Овозинг ўзингники-ю, лекин қўшиғинг бегонаники! Сенга одамларни шундай хиллаш қулай бўлса керак. Сен буни Фрол Тиртиқнинг машина ширкатида аъзо бўлиб турганингда ўрганган бўлсанг керак. Двигателларингни бултур тортиб олишди-ку, ҳозир бўлса, Фролингни ҳам тилка-порасини чиқардик! Сизлар Фролиннинг двигатели атрофига йиғилган эдинглар, ўзларингча колхоз бўлган эдинглар, кулак колхозни тузган эдинглар. Ғалла янчиб бериш ҳақиға қанчадан шилганларинг эсингдан чиққани йўқми? Етти пудига бир пуддан олмасмидиларинг? Сен ҳозир ҳам бадавлатроқ тўпга қўшила қолсам деб ўлиб тургандирсан...

Шундай шовқин кўтарилдики, Размётнов аранг тартиб ўрнатди. Яна анчагача заҳарли сўзлар ёғилиб турди:

- Артель бўлиб роса бойиган эдинглар.
  - Битимизни трактор билан қиролмайсан!
  - Кулақлар юрагингни олиб қўйипти-да!
  - Товонларини яла!
  - Бошингда ёнғоқ чақиш керак, хомкалла!
- Навбатдаги сўзни камқувват ўртаҳол деҳқон Николай Люшня олди.
- Сен музокара қилиб ўтирма. Масала равшан,— деб уни огоҳлантирди Нагульнов.
  - У нима деганинг? Мен этироз билдирмоқчидирман. Ёки мен сенинг фикрингга қарши гапира олмайманми? Мен шундай деб ўйлайман: колхоз — бу ихтиёрий нарса, хоҳласанг — кир, хоҳламасанг — четдан қараб томоша қилиб тур. Хуллас, биз четдан қараб томоша қилмоқчимиз.
  - «Биз» деганинг кимлар?— сўради Давидов.
  - Ғаллакор деҳқонлар-да.
  - Сен ўзинг учун гапир, отахон. Ҳар кимда ҳам тил бор, ўзи айтади.
  - Ўз тўғримда гапиришим ҳам мумкин. Ҳозир ҳам ўз тўғримда гапиряпман. Мен колхозда турмуш қанақа бўлишини четдан туриб томоша қилмоқчиман. Агар яхши бўлса — ёзиламан, яхши бўлмаса — суқилиб нима қилдим. Балиқ аҳмоқлигидан ўзини тўрга уради-да...
  - Тўғри!
  - Кирмай тура турамиз.
  - Майли, янги турмушни бошқалар тотиб кўрсин!
  - Таваккалига киравер! Қизмидики у тотиб кўрасан?
  - Сўз Ахваткинга берилади. Гапир.
  - Мен ўз хусусимда шундай дейман, азиз гражданданлар: мана биз бир туғишган укам Пётр билан бирга турдик. Муросамиз келишмади: гоҳ хотинларимиз юмдалашиб қолишади, сув сепиб ҳам ажратолмайсан, сочларидан тортиб ажратардим, гоҳ Пётр икковимиз чиқиша олмай қоламиз. Энди бўлса, бутун хуторни бир жойга тўп қилмоқчилар! Бунақада иш ишқалга айланиб кетади-ку. Даштга ер ҳайдашга чиқсак, албатта жанжал чиқади. Иван менинг ҳўкизларимни уринтириб қўяди, мен унинг отларига бепарво қарай-

ман... Бу ерда доим қимирламасдан милиция туриши керак бўлади. Ҳамма ташвишга тушиб қолади. Биров кўп ишлайди, биров оз, ишимиз ҳар хил, бу завод дастгоҳи олдида туриш эмас. У ерда саккиз соат навбатингни ўтказдингми, ҳассангни ўйнатиб чиқиб кетаверасан...

— Сен ҳеч қачон заводда бўлганмисан?

— Бўлганим йўқ, ўртоқ Давидов, лекин биламан.

— Сен ишчилар ҳақида ҳеч нарса билмайсан! Бўлмаган бўлсанг, кўрмаган бўлсанг гап сотиб нима қиласан! Ҳассали ишчилар ҳақидаги гаплар кулакларнинг гапи!

— Хўп, ҳассаси йўқ дейлик: ишлаб бўлдингми, кетаверасан. Бизда-чи, тонг қоронғисида туриб ер ҳайдашга тушасан. Қоронғи тушгунча қора терга ботиб шалаббо бўласан, оёғингда товуқнинг тухумидек қон-талаш шишлар қавариб чиқади, кечаси бўлса, ухламасдан ҳўкиз боқасан: ҳўкиз тўймаса — плугни тортолмайди. Мен колхозда тиришиб ишлайман, мана бизнинг Қолибага ўхшагани эгатга чўзилиб уйқуни уради. Совет ҳокимияти, камбағаллар ичида дангасалар йўқ, бунини кулаклар ўйлаб чиқарган, дейди, лекин бу нотўғри. Қолиба умри бини бўлиптики, печ устидан тушган эмас. Ҳамма билади: бир қиш печда жон сақлайман деб у эшикка оёғини чўзиб ётипти. Эрталабгача оёқларини қиров босиб, ёнбошини фишт куйдирпти. Хуллас, бу одам шундай танбаллашганки, печдан тушиб ҳожатга чиқишга ҳам эринган... Мен бундай одам билан қандай қилиб ишлай оламан? Мен колхозга кирмайман!

— Сўз Қондрат Майданниковга берилади. Гапир.

Орқадаги қаторлардан кул ранг чакмон кийган ўрта бўйли бир казак саҳнага имиллаб келарди. Ўнгиб кетган будённовча шлемининг чўққиси папоқлар ва қулоқчинлар, хотин-халажнинг ранго-ранг рўмол ва дурралари устида липиллаб келмоқда эди.

Етиб келгач, президиумга орқасини ўгириб, шошилмасдан чолворининг чўнтагига қўл солди.

— Нутқингни ўқиб берасанми?— сўради Демка Ушаков кулиб.

— Қалпоғингни ол!

— Ёдакасига шариллатавер!

— Бу кўрган-кечирганини қоғозга битиб юради.

— Ҳа-ҳа! Са-вод-хо-о-он-эй!..

Майданников кир бўлиб кетган қўйин дафтарчасини олиб, ажи-бужи хатлар ёзилган бетларини шоша-пиша қидира бошлади.

— Кулмай тура туринглар, балки, йиғлашга тўғри келиб қолар!..— жаҳл билан деди у.— Ҳа, кечирганларимни ёзиб юраман. Мана ҳозир сизларга ўқиб бераман. Бу ерда ҳар хил гаплар бўлди, лекин биронтаси ҳам тўғри эмас. Турмуш тўғрисида кам ўйлайсизлар...

Давидов зеҳн солиб ўтирди. Олдинги қатордагилар илжайишди. Мактаб ичи шивир-шивирга тўлди.

— Менинг хўжалигим ўртаҳол,— дадил гап бошлади Майданников.— Бултур беш десятина ерга экин экдим. Ўзларингизга маълум, қўш хўкизим, отим, сигирим, хотиним билан учта болам бор. Ишчи қўллар — ёлғиз шулар, холос. Экканимдан тўқсон пуд бундой, ўн саккиз пуд жавдар, йигирма уч пуд сули олдим. Узимга оиламни боқишим учун олтмиш пуд керак, паррандалар учун ўн пудча керак, сули отга қолади. Давлатга нима сота оламан? Ўттиз саккиз пуд. Ўрта ҳисоб билан бир сўму ўн тийиндан бўлса, қирқ бир сўм нақд даромад. Хўш, паррандаларни сотаман, ўрдакларни станицага олиб бораман, бундан ҳам ўн беш сўм тушади.— Кўзларини ҳасрат босди, овози баландлашди:— Шу пулга усти-бошимизни бутлаб, чироғмойи, гугурт, совун олаоламанми? Отни тақалатиш учун пул керакми? Нега индамайсизлар? Бундан буён ҳам шундай яшашим мумкинми? Озми-кўпми ҳосил бўлиб турса-ку яхши-я. Лоп этиб ҳосил бўлмай қолса-чи? Унда мен нима бўламан! Чол! Мени колхоздан совутиб, унга йўлатмасликка нима ҳақларингиз бор, оналарингни эмгурлар! Наҳотки колхозда бундан ёмон кун кўрсам? Бекор айтибсизлар! Бу ўртоқларнинг ҳаммасига ҳам тааллуқли гап. Сизларнинг қаршилиқ кўрсатиб, ўзларингни ҳам, бошқаларни ҳам калака қилаётганларингизни ҳозир сабабини айтиб бераман.

— Хумпарларни бопла, Кондрат!— завқланиб қичқирди Любишкин.

— Боплайман ҳам, эсларини йиғиб олсинлар! Сизлар шунинг учун колхозга қаршисизларки, ўз сигирларинг билан каталак ҳовлиларингдан бошқа ҳеч нарсани кўрмайсизлар. Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига дегандек. ВКП(б) сизларни янги ҳаётга ундаяпти, сизлар бўлса кўр бузоққа ўхшайсизлар: уни сигирнинг эмчагига олиб борсалар, тепиниб бошини бермайди. Бузоқ эмчак эммаса, ёруғ дунёда туролмайди-ку! Гап шу. Мен шу бугуноқ колхозга ариза ёзаман ва бошқаларни ҳам шунга даъват этаман. Хоҳламайдиганлар бошқаларга халал бермасин.

Размётнов ўрнидан турди:

— Масала равшан, граждандлар! Чироғларимиз ўчай деяпти, алламаҳал бўлиб қолди, колхозга тарафдорлар қўлини кўтарсин. Хонадон эгаларигина қўл кўтарадилар.

Мажлисда ҳозир бўлган икки юз ўн етти хонадон эгасидан олтмиш еттитасигина қўл кўтарди.

— Қим қарши?

Биронта қўл кўтарилмади.

— Қолхозга ёзилишни хоҳламайсизларми?— сўради Давидов.— Демак, ўртоқ Майданников тўғри айтган экан-да?

— Хоҳламаймиз!— деди бир хотин киши тўнғиллаб.

— Бизга Майданниковинг ҳукмрон эмас!

— Ота-боболаримиз шу тариқа яшаб келган-ку...

— Сен бизни зўрлама!

Қичқириқлар босилгач, орқадан, чекилаётган тамакилар лахчаси билан гоҳо ёришаётган қоронғи қаторлардан кимнингдир серзарда овози эшитилди:

— Бизни лақиллатиб колхозга ҳайдаб киргизишининг ҳожати йўқ! Титок бир марта қонингни тўқдимиз, яна тўқишимиз мумкин...

Давидов гўё қамчи егандек бўлди. У кемшик оғзини очиб бўзарганича даҳшатли сукунат ичида бир минутча индамай тик турди, кейин хириллаб қичқирди:

— Ҳой! Душманнинг карнайи! Қоним кўп тўкилгани йўқ! Мен ҳали сенга ўхшаганларнинг ҳаммасини йўқ қиладиган кунимгача яшайман. Аммо керак бўл-



са, мен партия учун... ўз партиям учун, ишчилар синфининг иши учун қонимни ҳада қиламан! Эшитяпсанми, кулак газандаси? Охирги томчи қонимгача!

— Бақирган ким?— Нагульнов қаддини ростлади.

Размётнов саҳнадан сакраб тушди. Орқадаги қаторда скамейка қарсиллаб синди, йнгиригматача киши говур-говур қилиб йўлакка чиқди. Ўртадагилар ҳам қўзгала бошлади. Қирсиллаб ойна жаранглади: кимдир деразанинг кўзини синдирди. Туйнукдан совуқ шамол елиб кирди, оппоқ буғ буруқсаб кетди.

— Бақирган Тимошкага ўхшайди! Фрол Тиртиқнинг ўғли...

— Улар хутордан сургун қилинсин!

— Йўқ, Акимнинг ўғли! Бу ерда Тубянскойдан келган казаклар ҳам бор.

— Тухуминг қирилгур ғаламислар. Ҳайдаб чиқарилсин!..

Мажлис тун яримдан оққанда тугади. Қолхозни ёқлаб ҳам, унга қарши ҳам овозлари бўғилгунча, кўзлари тиниб кетгунча гапирдилар. Баъзилар ҳақ эканликларини исботлаш учун ҳатто саҳнанинг олдида ҳам айтишиб бир-бирларининг ёқаларига ёпишиб қолишарди. Кондрат Майданниковнинг қадрдон куми<sup>1</sup> ва қўшниси унинг кўйлагини киндигигача йиртиб юборди. Муштлашиш бошланиб кетишига сал қолди. Демка Ушаков скамейкалар, ўтирганларнинг бошидан ошиб Кондратга ёрдамга югурган эди, Давидов кумларни ажратиб қўйди. Демканинг ўзиёқ биринчи бўлиб Майданниковни узиб олди:

— Қани, Кондрат, бир ҳисоблаб кўр, йиртилган кўйлагинг учун неча соат ер ҳайдашинг керак экан!

— Ўзинг ҳисоблаб кўр-чи, хотинингни...

— Ҳой-ҳой! Бунақа ҳазилларинг учун мажлисдан чиқариб юбораман.

Демид Индамас, ўзини шовқин-сурондан опқочиб, бошини зипунининг этаги билан ўраб олганича эшик тагидан эсаётган елгезакда, орқа қатордаги скамейка тагида бемалол ухламоқда эди. Тўқиб бўлмаган пай-

---

<sup>1</sup> Кум — боласини чўқинтирган отахон.

поқларини мажлисга ҳам кўтариб келган кекса хотинлар ип ва игналарини тушириб юбориб, қўндоқдаги товуклардек мудрамоқда эдилар. Кўплари чиқиб кетди. Бир неча марта сўзга чиққан Аркашка Айирбошчи колхозни ёқлаб яна нимадир демоқчи эди, томоғидан аччиғланган ғознинг вашиллашига ўхшаш овоз чиқди. Аркашка томоғини силади-ю, зарда билан қўл силтади. Лекин барибир сабри чидамай жойига ўтираётганида, колхозга ашаддий қарши бўлган Николай Ахваткинга унинг ёппасига коллективлаштиришдан кейин нима бўлишини кўрсатди: бошмалдоғининг тамакидан сарғайиб кетган тирноғига иккинчи тирноғини қўйиб қирсиллатди! Николай эса тупуринди-да, шивирлаб сўкинди.

### Х Б О Б

Кондрат Майданников мажлисдан қайтиб келмоқда эди. Унинг тепасида Хулкар сўнмас машъалдай милтирамоқда. Шу қадар жимжит эдики, узоқдан, аёздан чатнаётган ернинг чирсиллаши, ушиётган новдаларнинг шитирлаши эшитиларди. Кондрат уйига боргач, қўрадаги ҳўкизларининг олдига кирди, уларнинг охурига бир тутамгина хашак ташлади; эртага уларни умумий қўрага олиб бориши эсига тушиб қолиб, бир қучоқ пичан олиб келди-да, овоз чиқариб шундай деди:

— Мана ажралишадиган вақтимиз ҳам келди... Нарироқ сурил, қирчанғи! Тўрт йилдан бери сен мен казакка хизмат қилдинг, мен сенга... Нажот чиқаролмадик. Сизлар ҳам тўймадинглар, менинг ҳам ҳасратдан бошим чиқмади. Шунинг учун сизларнинг баҳрингиздан ўтиб, умумлашган турмушга кўняпман. Хўш, нега бунча қулоғингни диккайтириб қолдинг, худди гапимни тушунадигандек?— У чап томонга қўшиладиган ҳўкизни оёғи билан итариб, кавшанаётган сўлаккли оғзини қўли билан бурди, ҳўкизнинг бинафша ранг кўзига кўзи тушаркан, бирдан, бундан беш йил бурун унга қандай мунтазир бўлганини эслади. Ушанда қари сигирнинг буқадан қандай қочиб қолганини подачи

ҳам, Кондрат ҳам кўрмай қолишган эди. Кузда унинг қочгани анчагача сезилмай юрди. «Қисир қолди-я, лаънати!» дея ачиниб ўйларди Кондрат сигирга қараб. Аммо, сигир ҳамма қари сигирлардек, туғишидан бир ой олдин ноябрнинг охирларига бориб белги берди. Филипповканинг<sup>1</sup> охирларида совуқ кечалари Кондрат сапчиб уйғонарди-да, пийма кийиб иштон билан иссиқ оғилга югурарди: туғиб қолмадимикин экан? Аёз авжига чиққан, бузоқ яхлаб қолиши мумкин, онаси ялаб ҳам улгурмас... Рўзанинг оёғида Кондрат сира ухламади. Бир куни хотини Анна хурсанд бўлиб, ҳатто тантана қилиб кириб келди:

— Сигиримизнинг бўғинлари бўшашипти. Кечаси тугса керак.

Кондрат кечқурун чироғни ўчирмай ечинмай ётди. Сигирдан хабар олгани етти марта чиқиб келди. Саккизинчи марта, тонготарда чиққанидагина, молхона эшигини очар-очмас чуқур ва ҳасратли мўнграшни эшитиб ичкарига кирди: сигир йўлдошини ташламоқда, аллақачон ялаб тозалаган, жуни ҳурпайган, қалтираб турган, тумшуғи оппоқ жажжи бузоқча совқотган лаблари билан елин қидирмоқда эди. Кондрат тушган йўлдошни сигир еб қўймасин деб<sup>2</sup> дарров олди, кейин бузоқни кўтариб уни нафаси билан иситиб, зипунининг барига ўраганича югуриб олиб кирди.

— Буқача!— севиниб қичқирди у.

Анна чўқинди.

— Худога минг қатла шукур! Муҳтожлигимизни кўриб бизга ҳам шафқат қиладиган куни бор экан.

Ёлғиз отлиқ Кондратнинг муҳтожлигидан пичоқ суюгига бориб тақалган эди. Бузоқ ўсиб ҳўкиз бўлди, ёзда ҳам, қаҳратон қишда ҳам йўллар, шудгорларда туёқлари ўсиб кетган оёқларини битта-битта босиб, ҳоримай плуг ва арава тортди.

Кондрат ҳўкизга қараб тураркан, бирдан томоғига бир нарса тиқилиб, кўзлари ачишди. Йиғлаб оғилдан чиқиб кетди, тирқираб кетган ёш дардини енгиллаш-

<sup>1</sup> *Филипповка* — русларнинг мавлуд байрами арафаси, икки ҳафта чўзилади, 14 ноябрда бошланади.

<sup>2</sup> Юқори Донда, агар сигир йўлдошини еб қўйса сутини икки кунгача ичиб бўлмайди, деган ирим кенг тарқалган.

тиргандек бўлди. Кечаси билан ухлаёлмади, чекиб чиқди.

«...Колхозда турмуш қандай бўлар экан? Колхозга кириш бирдан-бир йўл эканини, бу нарса муқаррар эканини ҳамма ҳам Қондратдай англармикан, тушунармикан? Болалари билан бирга уйда думалаб катта бўлган молларини олиб бориб ўртага ташлашга қанчалик кўзи қиймасин, олиб бориши кераклигини тушунармикан? Ўз мол-ҳолингга ачинишдек ярамас ҳисга йўл бермаслигинг керак, унга юрагингдан жой бермаслигинг керак...» Хуррак тортаётган хотинининг ёнида ётган Қондрат қоронғиликда ҳеч нарса кўрмай қолган кўзларини зулмат қаърига тикар экан, шуларни ўйларди. Яна: «Қўзилар, улоқларни қаерга олиб бориб берамиз. Ахир уларга иссиқ жой, яхши парвариш керак-ку,— деб ўйларди.— Лаънатиларни қандай қилиб бир-биридан ажратиб бўлади, ҳаммаси бир-бирларига ўхшайди-ку? Уларни оналари ҳам, одамлар ҳам таниёлмай қолса керак. Сигирлар-чи? Ем-хашакни қандай ташиймиз? Қанчасини исроф қиламиз? Одамлар машаққатдан қўрқиб бир ҳафтадан кейин тўзиб кетса-чи? Унда Гремячийни умрбод тарк қилиб, шахтага кетишга тўғри келади. Унда тирикчиликка ҳеч нарса қолмайди».

Тонготарда мудраб кетди. Қийинчилик ва машаққат уйқусида ҳам тинч қўймади. Қондратнинг колхозга кириши осон бўлмади!

У ўз мулки, ҳўкизлари, чекига тушган қадрдон ерининг баҳридан ўтар экан, бағри қон бўлар эди.

Эрталаб нонушта қилди. У зўр бериб офтобда қорайган серажин пешанасини тириштирганча, узоқ ўтириб ариза ёзди. Ариза шундай чиқди:

*«Гремячийдаги коммунистик партия ячейкаси ўртоқ*

*Макар Нагульновга*

### **А р и з а**

Менким, ўртаҳол деҳқон Қондрат Христофоров Майданников, мени хотиним ва болаларим билан, мулким билан ва барча мол-ҳолим билан колхозга қабул

қилишингизни сўрайман. Менга янги ҳаётга йўл беришларингизни сўрайман, сабабки, мен уни батамом маъқуллайман.

К. Майданников».

— Кирдингми?— сўради хотини.

— Кирдим.

— Молларни обориб топширасанми?

— Ҳозир обораман... Нега бунча дод-вой қиласан, гупсанги, аҳмоқ? Шунча гапириб ялингларим етмаганмидики, яна бошидан бошлаяпсан? Рози бўлган эдинг-ку!

— Розиману, сигиримни кўзим қиймаяпти, Кондраша... лекин юрагим жуда ачишиб кетяпти...— дерди у жилмайиб, пешгири билан кўз ёшини артар экан.

Онасини кўриб тўрт ёшли қизи Христишка ҳам йиғлаб юборди.

Кондрат қўрадан сигир билан ҳўкизларни ҳайдаб чиқарди; отни юганлаб, уларни сойга ҳайдаб кетди. Суғорди. Ҳўкизлар уй томонга бурилаётган эди, юраги аламга тўлган Кондрат оти билан уларнинг йўлини тўсди, қишлоқ совети томон ҳайдади.

Хотин-халажлар деразалардан, казаклар эса кўчага чиқмай четан орасидан мўралашар эди. Кондратнинг феъли айниди!

Лекин муюшдан бурилганидан кейин, Совет олдида, худди ярмаркадагига ўхшаш каттакон ҳўкизлар, отлар, қўйлар сурусини кўрди. Қўшни тор кўчадан Любишкин чиқиб қолди. У бошвоқланган сигирни сургаб келмоқда, сигирнинг орқасидан эса бўйнидаги арқонини судраганча бузоқча чопиб келмоқда эди.

— Кел, думларидан боғлаб қўшоқлаб ҳайдай-миз,— деб ҳазиллашмоқчи бўлди Любишкин, ўзи эса ўйчан ва жиддий эди. У ҳам сигирини машаққат билан олиб чиққан, юзидаги янги тирноқ изи бундан далолат бериб турар эди.

— Қим юмдалади сени?

— Яшириб нима қилдим: хотиним! Лаънати хотиним сигирга ёпишиб олди.— Любишкин мўйловининг учини оғзига олиб бориб тишлаб норозилик билан гапирди:— Танкдек бостириб келди. Молхонанинг олди-

да шундай жиққамушт бўлишдикки, минбаъд қўшнилари юзига қаролмайдиган бўлдик. Чопқини олиб юурса бўладими? «Ҳа, ҳа,— дедим,— қизил партизанни урмоқчимисан? Биз,— дедим,— генералларнинг ҳам таъзирини берганмиз!»— шарақлатиб чаккасига тўширдим-ку. Четдан қараб турганларга роса текин томоша бўлди.

Қишлоқ советидан Титокнинг ҳовлисига қараб кетишди. Кечаси билан ўйлаб чиққан ўртаҳоллардан яна ўн иккитаси эрталабданоқ ариза кўтариб, молларини ҳайдаб келган эди.

Нагульнов Титокнинг ҳовлисида иккита дурадгор билан зирк ёғочини ўйниб охур ясамоқда эди. Гремячий Логдаги умумлашган моллар учун биринчи охур ясамоқда эди.

## XI БОБ

Кондрат яхлаб қолган ерни лўм билан ўймоқда, қоziқлар учун чуқур қазимоқда эди. Унинг ёнида Любишкин зўр бериб ишламоқда эди. Павелнинг қора булутдек ҳурпайиб турган қора папоғи остидан тер қуйилмоқда, юзи ачишмоқда эди. У оғзини очганича жон-жаҳди билан лўм урар, музлаган кесак ва тупроқлар ҳар томонга сачраб, деворга бориб урилар эди. Охурни наридан-бери ясашди, комиссия баҳосини белгилагач, йигирма саккиз жуфт ҳўкизни омборга ҳайдаб киргизишди. Сабза ранг кўйлаги терлаган куракларига ёпишиб қолган Нагульнов омборга кириб келди.

— Бирпас болта чопганингга кўйлагинг жиққа ҳўл бўлиб кетипти-ку! Ишга йўқ экансан, Макар!— Любишкин бошини чайқади.— Менинг ишлашимни қара! Ҳиқ! Ҳиқ!.. Титокнинг лўми соз экан... Ҳиқ!.. Пўстинингни тезроқ кийиб ол, тагин шамоллаб, оёгингни чўзиб қолмагин.

Нагульнов елкасига калта пўстинини ташлади. Юзидаги тарам-тарам тўқ қизиллик аста-секин йўқола бошлади.

— Бу газнинг касри. Бир оз ишлаб қолсам ёки

тепаликка чиқсам, дарров нафасим тиқилиб, юрагим ўйнайди... Охирги қозиқми? Жойида! Хўжалигимизни бир кўриб қўй!— Нагульнов янги пайраҳа ҳиди келиб турган янги охур бўйлаб тизилиб кетган ҳўкизлар сафини ўтдек ёниб чақнаб турган кўзларидан кечирди. Очиқ кўрага сигирларни жойлаштираётганларида Размётнов Демка Ушаков билан келиб қолди. Нагульновни бир четга чақириб қўлини олди.

— Макар, дўстим, кечаги гапимга хафа бўлма. Болаларнинг йиғи-сигисини эшитиб, ўғлим эсимга тушиб кетди-ю, юрагим эзилди.

— Сен лаънати раҳмдилнинг ўзини бир узволиб ачитиш керак эди-я!

— Ҳа, албатта! Мендан кўнглинг совуганини кўзларингдан ҳам кўриб турибман.

— Қўйсанг-чи, эзма! Қаёққа кетяпсан, хашак ташиш керак. Давидов қаерда?

— У Советда Айирбошчи билан колхозга берилган аризаларни кўриб чиқяпти. Мен кетяпман... Менда яна бир бутун бошли кулак хонадони, Семён Лапшиновнинг хонадони бор.

— Бориб яна ўша қилиғингни қиласанми?..— деб Нагульнов кулди.

— Қўйсанг-чи! Одамлардан кимни олиб кетсам экан? Шундай ишлар қилиняптики, ҳамма нарса жангдагидек аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Мол етаклаб келишяпти, хашак ташиб келишяпти. Баъзи бировлар ҳатто уруғлик ҳам олиб келишяпти. Мен уларни қайтариб юбордим. Уруғ билан кейин шуғулланамиз. Ёрдамга кимни олиб кетсам экан?

— Ҳов, Кондрат Майданниковни. Кондрат! Қани бу ёққа кел-чи. Раис билан Лапшиновнинг хўжалигини тугатгани бориб келгин. Қўрқмайсанми? Бу ишга хуши йўқлар ҳам бор, Тимофей Боршчевга ўхшаш уятчанлар ҳам бор... Ялоқхўрлик қилишга уялмайди-ю, талаб олинган молларни қайтариб олишга ор қилармиш...

— Йўқ, нега бормас эканман? Бораман. Жоним билан бораман.

Демка Ушаков ҳам келиб қўшилди. Учовлари кўчага чиқишди. Размётнов Кондратга қараб, сўради:

— Нега шумшайиб қолдинг? Қувониш керак, уни қара, хутор худди ҳаракатга келган чумоли индек қайнайди.

— Қувонишга ҳали вақт бор. Осон эмас,— деб қўйди Кондрат.

— Нимаси?

— Экишда ҳам, молларга қарашда ҳам. Кўрдинги: уч киши ишлаб, ўн киши четаннинг тагида чўнқайганча тамаки чекиб ўтирипти.

— Ҳамма ҳам ишлайди! Ҳозирча шундай. Егани нарсалари қолмаса, чекишни ҳам хушламай қўйишди.

Муюлишда ёнбошига ағдарилган чана ётарди. Унинг ёнида ерга сочилган бир уюм хашак, синиб кетган шоти ёғочлари кўринарди. Чиқариб қўйилган ҳўкизлар қорда тўкилиб ётган буғдойиқ пичанни чайнамоқда. Колхозга кирган Семён Куженковнинг ўғли — ёш бир йигит — эринчоқлик билан хашакни уч тишли айрида йиғмоқда эди.

— Нега мунча жонсиз одамдек имилламасанг? Мен сендайлигимда ерга урса кўкка сапчирдим! Одам деган ҳам шунақа ишлайдими? Қани, айрини бу ёққа бер-чи!— Демка Ушаков қимирлаб турган йигитнинг қўлидан айрини тортиб олди-да, томоғини қириб қўйиб, бир уюм хашакни даст кўтариб кетди.

— Нима қилиб ағдарилиб тушдинг?— чанани кўздан кечириб туриб, сўради Кондрат.

— Қияликдан тушиб келаётиб ағанаб кетди, нима қилиб дейди-я?

— Хўп, болтага югур, Донецковларникидан олиб кела қол.

Чанани ўнглаб қўйишди, шотини қоқишди. Демка хашакни яхшилаб ортиб, хаскаш билан қашлади.

— Эҳ, Куженков, Куженков! Сени ҳўл гаврон билан унингни чиқармасдан бир саваш керак эди-я, ҳўкизларга қанча хашакни пайҳон қилдириб қўйибсан! Бир қучоқ пичанни четан девор тагига обориб қўймайсанми, еганича еявермайдими! Бошвоқсиз қўйиб юбериб ҳам бўладими?

Йигит кулди-да, ҳўкизларни ҳайдаб кетди.

— Энди бизники эмас, колхозники.



— Итваччани кўрдингларми?— Демка олайиб кетган кўзлари билан Кондрат ва Размётновга қараб беҳаё сўзлар билан сўкинди.

Лапшиновнинг мол-мулкини хатлашар экан, ҳовлига ўттизгача одам тўпланиб қолди. Кўпчилиги қўни-қўшни хотин-халаж бўлиб, эркаклар кам эди. Мўйсафид чўққисоқол новча Лапшиновга уйдан чиқиб кетишни таклиф қилганларида, уйда тўп бўлиб турган халойиқ орасидан шивир-шивирлар эшитилди.

— Шу-да! Улиб-тирилиб топиб, энди мозорга бор.

— Уринсиз гап...

— Кўзи қиймаётган бўлса керак! А?

— Ҳар ким ўз дардини тортади.

— Энди ўзига ёқмаётгандир, бўлмаса, золимнинг замонида Трифоновнинг мол-мулкини қарзи учун тортиб олганида буни ўйламаган бўлса керак.

— Қилмиш-қидирмиш...

— Эчки соқол иблиснинг қилмишига яраша бўлди! Човига чўғ тикишиди.

— Бировнинг бошига келган офатдан кулиш гуноҳ бўлади, эгачилар. Балки бу бизнинг бошимизга ҳам тушар.

— Бўлмаган гап! Ҳовли-қўрамиз — кулба ўрамиз! Давлатимиз бор деб мақтанолмаймиз!

— Ёзда ўроқ машинасини икки кунга бериб турганига ўн сўлкавойимни шилиб олди... Шу инсофданми?

Лапшиновни илгаридан пулдор одам деб билишар эди. Урушгача ҳам анча-мунча давлати бўлган бу чолнинг катта ижара эвазига пул қарз беришдан ҳам, ўғирлик молларни хуфия сотиб олишдан ҳам ҳазар қилмаганлиги маълум эди. Бир вақтлар, унинг молхонасида ўғирлик отлар боқилиб ётганмиш, деган гаплар ҳам тарқалган эди. Баъзида уникига кўпинча кечалари асб жаллоб лўлилар келиб туришарди. Отлар Лапшиновнинг йўғон қўлларидан катта ўғрилар карвон йўли бўйлаб Царицин, Таганрог ва Урюпинскаяга жўнатилиб турарди. Лапшиновнинг эски вақтда йилига уч марта юз сўмлик қоғоз пулларни станицага олиб бориб олтин пулга алиштириб келганини хутор яхши биларди. 1912 йилда ҳатто «ҳамёнини пайпас-

лаб» кўрмоқчи ҳам бўлишган, бироқ абжир ва зўр чол Лапшинов шалди роқ араванинг темири билан қароқчилардан қутулиб қочган эди. Аммо ўзининг ҳам қўли эгри: ёшлигида бировнинг ғарамидан ғалла ўғирлаб неча бор қўлга тушган, қариганидан кейин эса бировнинг нарсасидан ҳазар қилмайдиган бўлиб қолганди — дуч келиб қолган нарсани илиб кетаверарди. Шундай хасис эдики, черковда Никола Мирликийский иконаси олдига бир тийинлик шам ёқиб қолгудек бўлса, сал ўтар-ўтмас бориб дарров ўчиради-ю, чўқина-чўқина чўнтагига тикарди. Шундай қилиб, битта шамни бир йил ёқар, унинг ўтакетган бу зикналигини, худога қилган ихлоссизлигини юзига солишса, шундай дерди. «Худо сиз аҳмоқлардан ақллироқ, худога шам эмас, садоқат керак. Худо менинг зарар қилишимни раво кўрмайди. У черковда савдогарчилик қилгани уриб ҳайдаган...»

Лапшинов хўжалиги тугатилиши ҳақидаги хабарни бепарволик билан қарши олди. Унинг кўрқадиган жойи йўқ эди. Ҳамма қимматли нарсаларини олдинроқ яшириб, ишончли одамларга топшириб қўйган эди. Мол-мулкни хатлашга ўзи ёрдамлашди, йиғлаб-сикхтаётган кампирига зарда билан пўписа қилиб қўйди. Бир дақиқадан кейин эса ювошланиб шундай деди:

— Йиғлама, онаси, чеккан азиятларимиз худонинг даргоҳида мақбул бўлади. Унинг шафқати зўр, ҳамма нарса ўзига аён...

— Унга янги қўй тери пўстинни қаерга яширганини аён эмасми?— уй эгасининг гап оҳангида жиддий сўради Демка.

— Қанақа пўстин?

— Ўтган якшанба черковга кийиб борган пўстининг-да.

— Менда янги пўстин йўқ.

— Бор, ҳозир қаергадир яшириб қўйгансан.

— Нима деяпсан, Дементий, азбаройи худо, йўқ!

— Худонинг ғазабига қолма, отахон! Жонингни суғуриб олади!

— Исо ҳақи, беҳуда гапиряпсан...— Лапшинов чўқинди.

— Гуноҳга ботяпсан!— Демка халойиққа им қо-  
қиб, хотин-халаж ва эркакларни жилмайишга мажбур  
қилди.

— Худо олдида гуноҳим йўқ, рости!

— Пўстинни яшириб қўйибсан-ку! Қиёматда жа-  
воб берасан!

— Ўзимнинг пўстиним учун-а?!— чолнинг ғазаби  
қўзиб кетди.

— Яширганинг учун жавоб берасан!

— Худо сен лақмага ўхшаш аҳмоқ бўлмаса керак!  
У бундай ишларга аралашмайди ҳам!.. Пўстин йўқ!  
Кекса одамни калака қилгани уялмайсанми? Худо ва  
халойиқ олдида уят!

— Сендан икки челак уруғлик тариқ олганимда  
уч челак қилиб қайтариб олган эдинг, шундай қилга-  
ни уялмаганмидинг?— деб сўради Кондрат.

Унинг овози паст ва хирқироқ эди, шунинг учун  
ҳам ғала-ғовурда унча эшитилмади, аммо Лапшинов  
унга йигитлардек эпчиллик билан ўгирилди:

— Кондрат! Отанг эътиборли одам эди, сен... ақал-  
ли унинг арвоҳи хотираси, гумроҳлик қилмасанг бў-  
ларди! Инжилда: «Йиқиладельнинг итарма» дейилган,  
сен нима қиляпсан? Қачон мен сендан икки челак  
қарзга уч челак олибман? Худо-чи? Унга ҳаммаси аён-  
ку!..

— Бу иштонсиз лаънатига тариқни бекорга бери-  
шинг керак экан!— деб жонҳолатда қичқирди кампири  
Лапшиниха.

— Дод-вой қилаверма, онаси! Парвардигор бар-  
дош қилиб, бизга ҳам бардош қилишни амр қилган.  
У жафокаш азият чекиб, қон-қон йиғлаган...— Лапши-  
нов хира кўз ёшини енгил билан артди.

Гангур-гунгур қилиб гаплашиб турган хотин-ха-  
лаж тўхтаб хўрсинди, Размётнов ёзиб бўлиб, қаҳр би-  
лан гапирди:

— Қани, Лапшинов бобо, туёғингни шиқиллатиб  
қол. Кўз ёшинга ачинмаймиз. Сен қанчадан-қанча  
одамларни хафа қилгансан, энди биз худосиз ҳам жа-  
зангни берамиз. Чиқинглар.

Лапшинов тили чучук, овсар ўғлининг қўлидан  
етаклаб, унинг бошига қулоқчин кийдирди-да, уйдан

чиқди. Халойиқ унинг кетидан ёпирилиб чиқди. Қў да чол қорга пўстинини ёзиб, тиз чўкди. Тиришган ба шарасини чўқинтириб, тўрт томонга таъзим қилди.

— Жўна! Жўна!— деди Размётнов.

Халойиқ ичида ғала-ғовур кўтарилди, қичқириқлар эшитилди:

— Ҳеч бўлмаса қадрдон қўраси билан хайрлашиб олсин!

— Бемаънилик қилма, Андрей! Бир оёғи гўрда турган бўлса, сен эса...

— Қилмишига яраша икки оёғи ҳам гўрда туриши керак!— қичқирди Кондрат.

Унинг гапини черков қироатхони Гладилин бўлди:

— Ҳукуматга ўзингни яхши кўрсатяпсанми? Сенга ўхшаганларни дўппослаш керак!

— Сен мунофиқни шунақа дўппослайманки, уйингни тополмай қоласан!

Лапшинов таъзим қилар, чўқинар, ҳамма эшитсин деб қаттиқ гапирар, кўнгли бўш хотинларнинг хўрлигини келтирар эди.

— Яхши қолинглар, православ диндошлар! Хайр, яхшилар! Худо жонларингни саломат қилсин... Машаққат билан топганларим кунларингга ярасин. Ҳалол меҳнат қилиб яшаган эдим...

— Ўғирлик молларни сотиб олар эдим, дегин!— зинапоядан сўз отди Демка.

— ...Ризқи-рўзимни пешана тери билан топиб ердим...

— Одамларни хонавайрон қилардинг, судхўрлик қилардинг, ўғирлик қилардинг, тавба қил! Сен итдан туққан ҳаромини ҳиқилдоғингдан бўғиб ерга уриш керак!

— ...Мана энди қариган кунимда...

Хотин-халаж пиқиллади. Дастрўмолларининг учларини кўзларига тутди. Размётнов Лапшиновни эндигина турғизиб ҳовлидан итариб чиқармоқчи бўлиб: «Сен ташвиқот қилма, бўлмаса...» деб бақирган ҳам эдики, Демка панжарасига суяниб турган зинапояда бирдан ғала-ғовур, тўполон кўтарилиб қолди...

Лапшиниха бир қўлида ғоз тухумлари бостирилган сават, иккинчи қўлида қор ва қуёшдан кўзи қа-

машиб, ювош бўлиб қолган ғозни кўтарганча ошхонадан югуриб чиқди. Демка ундан саватни осонликча олди, аммо Лапшиниха ғозга икки қўли билан ёпишиб олди.

— Тегма, ҳароми! Тегма!

— Энди ғоз колхозники!..— деб бақирди Демка, ғознинг чўзилган бўйнига ёпишиб.

Лапшиниха ғознинг оёқларини ушлаб турарди. Улар ғозни ҳар қайсиси ўз томониغا тортар, зинапоя устида бир-бирларини жон-жаҳдлари билан сургаб юришарди.

— Бер, ғилай!

— Бермайман!

— Қўйвор дейман!

— Колхознинг ғози бу!..— нафаси тикилиб қичқирарди Демка.— У бизга баҳорда... жўжа очиб беради!.. Қоч, кампир, бўлмаса оч биқинингга тепаман... жўжа... очиб беради! Насибаларингни еб бўлгансанлар...

Хурпайиб кетган Лапшиниха тупукларини сочиб, пиймасини остонага тираганича ғозни ўзига қараб тортарди. Аввалига қулоқни қоматга! келтириб чинқирган ғоз, афтидан, Демка бўғиб қўйди шекилли, индамай қолди, аммо қанотларини тез-тез силкитарди. Зинапоя устида оппоқ пар ва патлар паға-паға қордек айланарди. Яна бир лаҳзадан кейин Демка зўр келиб чалажон ғозни кампирнинг серсуяк қўлларидан тортиб оларди-ю, лекин, шу лайт ғознинг нозик бўйин суяги қирс этиб узилиб кетди. Этаги бошига илиниб қолган Лапшиниха зинапоядан гумбурлаб йиқилиб туша бошлади. Бир қўлида ғоз бошини ушлаганича, бу кутилмаган ҳодисадан ҳанг-манг бўлиб қолган Демка орқасида турган тухумли саватга йиқилиб тушиб, бостирилган тухумларни пачақлаб юборди. Қулоқ эшитмаган қаҳқаҳа садосидан бўғотлардаги сумалаклар узилиб тушиб кетди. Лапшинов ўрнидан туриб, қулоқчинини кийди. Ҳамма нарсадан парвойи фалак, анқов ўғлининг қўлини забти билан силтадида, уни ҳовлидан елдириб олиб чиқиб кетди. Алам ва оғриқдан кўкариб кетган кампир ўрнидан турди. Юбкасини қоқиб, остона тагида типирчилаб ётган бош-

сиз ғозга қўлини чўзмоқчи бўлган эди, зинапоя атрофида изғиб юрган малла този ит ғознинг ҳалқумидан отилиб чиқаётган қонни кўриши билан жунларини ҳурпайтириб, бирдан сапчиди-да, ғозни кампирнинг тумшуги остидан тортиб олиб, уни бола-бақранинг ҳуштак ва чуввоси остида ҳовли бўйлаб сургаб кетди.

Демка оламга ҳамон таажжубланувчи қизғиш кўзлари билан боқаётган ғознинг бошини кампирнинг орқасидан улоқтириб юборди-да, уйга кириб кетди. Ҳар хил овоздаги кулги ва қаҳқаҳа қуриган шох-шаббалардаги чумчуқларни ҳуркитиб, учуриб юборар, қўра ва тор кўча устида анчагача янграб турарди.

## ХИ Б О Б

Гремячий Логдаги ҳаёт тўсиққа дуч келиб қолган асов отдай бесаранжом бўлиб қолди. Қазаклар кундузлари тор кўчалар ва уйларга тўпланишиб, колхоз ҳақида баҳслашишар, мунозаралашишар, ўз тахминларини айтишар эди. Тўрт кундан бери сурункасига ҳар кун кечқурун мажлис чақирилар, улар саҳархез хўрозлар қичқиргунча давом этар эди.

Нагульнов шу кунларда узоқ касал бўлиб ётган одамдек ориқлаб кетди. Аммо Давидов илгаригидек, зоҳиран хотиржам эди. Фақат ўжарликдан лабларнинг устида, ёноқларининг четида чуқур излар пайдо бўлганди. У одатда беҳудага ловиллаб кетаверадиган, беҳуда ваҳимага тушаверадиган Размётновда ҳам ишонч туғдиришга муваффақ бўлди. Андрей хуторни айланиб жамоат моллари жойлаштирилган қўраларни кўздан кечирав, унинг серзарда кўзларида истеҳзо ўйнар эди. Колхоз правлениеси сайлангунгача колхоз маъмуриятига бошчилик қилган Аркашка Айирбошчига кўпинча шундай дегучи эди:

— Биз уларнинг шохини қайириб ташлаймиз! Ҳаммаси колхозга киради.

Давидов райкомга отлиқ чопар билан, ҳозирча колхозга ўттиз икки процент киши тортилди, аммо колхозга жалб қилиш иши зарбдор суръатлар билан давом қилмоқда, деган хабар юборди.

Уйларидан ҳайлаб чиқарилган кулаклар қарин-

дош-уруғлари ва яқин кишилариникига жойлашди. Тимофейни тўппа-тўғри округ прокурорига юборган Фрол Тиртиқ ошнаси Боршчевникида яшарди. Бу бир вақт камбағаллар мажлисида овоз беришдан бош тортган Боршчев эди. Унинг тор уйчасида кулак активлари йиғиларди.

Биров эшитмасин ва кўрмасин деб эҳтиёт билан кундузи Боршчевникига битта-иккитадан йиғилишар, одамларнинг кўзига ташланмаслик, қишлоқ советининг диққатини тортмаслик учун қўраларнинг орқалари ва хирмонлардан ўтиб келишар эди. Давид Гаев ва хўжалиги тугатилгандан кейин «худо йўлига хайр сўрайдиган девона» бўлиб олган ашаддий айёр Лапшинов келар, баъзан ўсмоқчилаб Яков Лукич Островнов ҳам келиб қолар эди. «Штаб»га, колхозга қарши кескин бош кўтарган баъзи ўртаҳоллар ҳам, чунончи Николай Люшня ва бошқалар ҳам қатнаб турарди. Ҳатто камбағаллардан Боршчевдан ташқари яна икки киши бор: булардан бири — соч-соқолини қирдириб юрадиган, боши тухумдек тақир, доим индамайдиган, новча, қоши йўқ казак — Василий Атаманчуков, иккинчиси эса — Подтелковнинг хизматдоши, гражданлар уруши йиллари доим хизматдан бош тортиб, лекин барибир, 1919 йилда қалмоқ полковник Аштимовнинг жазо отрядига хизматга кириб қолган гвардия батареясининг тўпчиси — Никита Хопров эди. Бу нарса Хопровнинг Совет ҳокимияти давридаги келажак ҳаётини белгилаб берди. Хутордаги уч одам — Яков Островнов билан ўғли ва чол Лапшинов 1920 йили Кушчевкада, чекиниш вақтида подхорунжийларга хос кўндаланг оқ тасмали погон таққан Никита Хопровни Аштимовнинг жазо отрядида кўрган эдилар, унинг қамоққа олинган темир йўл депоси ишчиларини учта қалмоқ казак билан биргаликда Аштимовга сўроққа олиб кетаётганини кўрган эдилар... Хопров Новоросийскдан Гремячий Логга қайтиб келиб Островновлар билан Лапшиновнинг омон қолганини эшитганидан кейин озмунча даҳшатли кунларни бошидан кечирдим! Контрларни жазолашда аёвсиз бўлган йиллар давомида бу кўкракдор гвардиячи батареячи озмунча ваҳимага тушдим! Ҳар қандай отнинг ҳам орқа оёғидан

даст кўтариб тақалайдиган, унга бас келадиган шундай одам маккорона илжаядиган Лапшиновга дуч келса, совуқ урган эман япроғидек қалтирайдиган бўлиб қолди. У Лапшиновдан ҳаммадан кўра кўпроқ кўрқарди. Дуч келиб қолса лабларини аранг қимирлатиб хириллаб гапирарди.

— Бобожон, бир казакнинг жонига жабр қилма, сирни айтиб қўйма!

Лапшинов жўрттага норози бўлиб уни тинчитарди:

— Нима деяпсан, Никита! Худо ҳақи! Бўйнимдаги крестни нима учун осиб юрибман? Пушти-паноҳимиз нима деб таълим берган: «Яқин кишинга ўзингдек мурувват қилгил». Хаёлингга келтира кўрма, айтмайман! Жоним чиқсин агар. Мен шундай одамман. Лекин сен ҳам бирон гап бўлса менга кўмаклашиб турсанг... Мажлисда биров менга қарши чиқиб гапирсами, ё ҳукумат жабр қилиб қолсами... Ҳар эҳтимолга қарши ҳимоя қил... Қарс икки қўлдан чиқади... Қилич кўтарган ўз бошини ейди. Шундаймасми? Яна, еримни ҳайдашга қарашворсанг девдим. Худо менга бир эси йўқ фарзанд берган. У қарашолмайди, бировни ёллай десам — қиммат тушиб кетади...

Никита Хопров Лапшиновга йил сайин «қарашиб» келар: текинга ерини ҳайдаб, моласини босиб, кўмакчи сифатида Лапшиновнинг молотилкасига Лапшиновнинг буғдойини ташлаб бериб турар эди. Сўнгра уйига келиб столга ўтирарди-да, қизғиш мўйловли юзини темирдай кафтлари орасига олиб, ўй сурарди: «Қаёнгача шундай бўлади, ахир? Ўлдираман».

Яков Лукич Островнов илтимослар билан хиралик қилавермас, пўписа қилмас, бир шишагина ароқ эмас, каттароқ нарсаларни сўраганда ҳам Хопровнинг рад этишга журъат қила олмаслигини билар эди. Яков Лукич уникига тез-тез кириб, ароқ ичиб турар, ҳамиша: «Меҳмондўстлигинг учун раҳмат» деб миннатдорчилик билдирар эди.

«Ичиб ўл!» деб ўйларди Хопров нафрат билан стол остида қадоқтошдек муштларини қисиб.

Половцев эса ҳамон Яков Лукичникида, илгари Островниҳа кампир турган кичкина меҳмонхонада яшарди. Кампир печкага кўчиб ўтган, Половцев эса



сертомир яланг оёқларини қизиган ғиштга тираганича калта каравотга чўзилиб, устма-уст чекарди. Кечаси уйқуда ётган қўрани айланиб юрарди. (Ошиқ-мошиқларига яхшилаб роз ёғи суртиб қўйилган эшикларнинг биронтаси ҳам ғижирламасди). Баъзан тамакисини ўчириб, калта пўстинини кифтига ташларди-ю, сомонхонага яшириб қўйилган отидан хабар олгани чиқарди. Боқувдаги от хурсандчилигини барала изҳор қилишнинг мавриди эмаслигини билгандек, уни эшитилар-эшитилмас титроқ овоз билан кишнаб қарши оларди. Эгаси уни қўллари билан силаб, оёқларининг бўғинларини темирдай бармоқлари билан пайпаслар эди. Бир марта, жуда ҳам қоронғи кечаси, уни сомонхонадан олиб чиқди-да, даштга қараб елдириб кетди. Тонг отмасдан қайтиб келди. От терга пишиб кетган, биқини кириб-чиқиб турар, аҳён-аҳёнда титраб қўяр эди. Эрталаб Половцев Яков Лукичга шундай деди:

— Станицамга бориб келдим. Мени қидиришаётган экан. Казаклар тайёр, буйруқ берилишини кутиб туришибди.

Гремячийда колхоз масаласи юзасидан иккинчи марта чақирилган умумий мажлисда Яков Лукич унинг маслаҳати билан казакларни колхозга киришга даъват қилиб сўзга чиққан ва Давидовни ўзининг маънили, ижобий нутқи билан хурсанд қилган, хуторда обрўли одам бўлган Яков Лукич ўзининг колхозга кирмоқчи бўлганини айтганида бирданига ўттиз битта ариза берилгани уни беҳад қувонтирган эди.

Яков Лукич колхоз ҳақида бамаъни гап гапирди, эртасига эса қўраларни айланиб, колхозга қарши кайфиятдаги ишончли ўртаҳолларни Половцевнинг пулига меҳмон қилди, ўзи ҳам бир оз ичиб олгандан кейин бошқачароқ гапларни айтди:

— Тентак экансан, оғайни! Менинг аҳволим сеникдан мушкулроқ, колхозга киришим керак, қарши гапирмаслигим керак. Мен тўқ яшаб келганман, хўжалигимни тугатишлари мумкин, сен кириб нима қиласан? Бўйинтуруқни кўрмаганмисан? Колхозга кирсанг, бўйнингга шундай сиртмоқ солишадик, оғайни, дод деб юборасан!— Шундан кейин бўлажак кўзғолон ҳақида, хотинларнинг ўртада бўлиши ҳақидаги ёдлаб

олган гапларини аста-секин гапира бошлар, агар суҳбатдоши ён берадиган, ҳамма нарсага тайёр аламзада чиқиб қолса, ёлворар, «ўзимизникилар» чет элдан келса жазолаймиз, деб пўписа қилар, ниҳоят ниятига етар: «иттифоқ»қа киришига розилигини олиб қаноат ҳосил қилгач, чиқиб кетар эди.

Ҳамма ишлар жойида эди. Яков Лукич ўттизга яқин казакни жалб этди, «иттифоқ»қа кирганингизни, мен билан гаплашганингизни ҳеч кимга айтманг, деб пишиқтирди. Лекин бир куни кулаклар штабига (кулак сифатида хўжалиги тугатилган ҳамда уларнинг атрофига уюшганлардан у билан Половцевнинг жуда кўнгли тўқ эди, шу важдан уларни жалб қилишни ўнғай иш деб энг кейинга олиб қолинган эди) ишни тугаллагани келганида биринчи марта панд еб қолди... Яков Лукич кечқурун зипунига ўралиб, Боршчевникига кириб келди. Истиқомат қилинмайдиган меҳмонхонада пастаккина печь ёқилмоқда эди. Жамоат жам эди. Мезбон Тимофей Боршчев чўккалаганича печга майдаланган шох-шабба тикмоқда, сўриларда, бурчакка уйиб қўйилган, худди Георгий крестининг ленталаридек тўқ сариқ ва қора йўлли ошқовоқлар устида — Фрол Тиртиқ, Лапшинов, Гаев, Николай Люшня, Василий Атаманчуков ва батареячи Хопров ўтирардилар. Деразага орқасини ўгирганича шу бугун округдан қайтиб келган Фрол Тиртиқнинг ўғли Тимофей турарди. Прокурор уни жаҳл билан қарши олганини, шикоятини кўриш ўрнига қамоққа олиб, районга қайтариб юбормоқчи бўлганини гапириб бермоқда эди. Яков Лукич кириши билан Тимофей индамай қолди, лекин отаси унга далда берди:

— Бу ўзимизнинг одам, Тимоша. Ундан қўрқма.

Тимофей ҳикоясини тамомлади-да, кўзларини ялтиратиб:

— Турмуш шундай жонга тегдики, агар шу топда банда бўлганда отланиб коммунистларни чопишга тўшардим!— деди.

— Турмуш қийин бўлиб кетди, қийин бўлиб кетди...— тасдиқлади Яков Лукич ҳам.— Иш шу билан тугаса-ку гўрга-я...

— Бундан каттароқ фалокат ҳам борми ҳали?—

ғижинди Фрол Тиртиқ.— Сен омон қолдинг, ҳузур қилиб юрибсан, менинг ичимни ит таталаяпти. Подшо замонида сен билан биз бир хил турмуш кечирардик, мана сен ҳозир худди оҳори тўкилмагандексан, менинг охирги пиймамгача шилиб олишди.

— Мен уни айтаётганим йўқ, яна бирон кори ҳол бўлмасайди деб қўрқаман.

— Нима?

— Мабодо... уруш...

— Ўзинг ярлақа, худои таоло! Авлиё Егорий, ўзинг ёр бўл! Кошкийди ҳозир бўла қолса! Инжилда айтилганки...

— Вёшенскаяликлар ўн тўққизинчи йилда бош кўтариб чиққандек, калтак кўтариб ҳам чиқардик!

— Тириклай қонларини ичар эдим, эҳ, ҳм-м-м!..

Филоновская станицасида томоғидан яраланган Атаманчуков худди подачилар бурғусини чалаётгандек, ғўнғиллаб, ингичка овоз билан гапирарди:

— Халқнинг ғазаби қўзиган, тиши билан ғажиб ташлайди!

Яков Лукич эҳтиёт билан шама қилиб, қўшни станицалар нотинч эканлигини, гўё ҳатто баъзи ерларда казакчасига коммунистларнинг эсини киргизиб қўяётганларини айтди... Ўтмишда Москвага интилган номатлуб атаманларнинг эсини шундай киргизишар, таъзирини шундай беришар, қопга солиб сувга ташлаб юборишар эди, деди. У ҳар бир сўзни ўйлаб, салмоқлаб гапирарди. Гап орасида, Шимолий Кавказ ўлкаси бўйлаб ҳамма ёқ нотинч эканлигини, оёқ томондаги станицаларда хотинлар аллақачоноқ умумлаштирилиб, бошлаб коммунистлар бировларнинг хотинлари билан очиқдан-очиқ ётаётганини, баҳорга десант тушиши кутилаётганини айтиб ўтди. Бунинг унга бундан бир ҳафта бурун Гремячийдан ўтиб кетган полкдош таниш офицер айтганмиш. Лекин Яков Лукич ўша офицер уникида ҳамон бекиниб ётганини айтмади.

Шу вақтгача индамай ўтирган Никита Хопров сўраб қолди:

— Яков Лукич, сен шу нарсани айтиб берсанг: хўш, қўзғолон ҳам кўтарармиз, коммунистларимизни ҳам қириб ташлармиз, кейин-чи? Милицияни ҳам бир

ёқли қилармиз, устимизга станциядан армия қисмларини юборишса-чи, унда нима бўлади? Бизни уларга қарши ким бошлаб боради? Офицерларимиз бўлмаса, ўзимиз қора халқ бўлсак, йўлни юлдузга қараб топсак... Ахир, урушда қисмлар таваккалига кетавермайди-ку, улар планга қараб йўл қидиради, штабларда карталар чизишади. Қўлларимиз-ку бор-а, бошимиз йўқ-да.

— Бош ҳам топилади!— жон-жаҳди билан гап маъқуллади Яков Лукич.— Офицерлар келишади. Улар қизил командирлардан кўра ўқиганроқ. Эски юнкерликдан катта мартабаларга кўтарилишган, илми ҳикматни таҳсил қилишган. Қизилларнинг командирлари ҳам командирми? Мана, чунончи, бизнинг Макар Нагульновни олайлик! Қалласини чоп десаинг чопади, лекин сотняга бошчилик қила олармиди! Ҳеч бир! У картага тушунадими?

— Офицерлар қаёқдан келади бўлмаса?

— Хотинлар туғиб беради—ғижинди Яков Лукич.— Қўйнинг қуйруғига ёпишган тикандек, менга нега бунча ёпишиб олдинг, Никита? «Қаёқдан, қаёқдан!»... Қаёқданлигини мен қайдан билай?

— Чет эллардан келишади. Албатта келишади!— деб уқтирди Фрол Тиртиқ ва бўлажак тўнтариш— қонли қасосдан ҳузурланиб, бутун қолган бурун каттагини керганича тамаки тутуни тўлган ҳаводан пиқиллаб нафас олди.

Хопров ўрнидан туриб қовоқни оёғи билан тепди-да, шопдай сариқ мўйловини силаб, салмоқ билан гапирди:

— Шундайликка шундайку-я... лекин ҳозир казакларнинг кўзи очилиб қолган. Қўзғолон кўтарганлари учун уларни ўласи қилиб дўппослашган. Улар бош кўтаришмайди. Кубань ҳам қўллаб-қувватламайди...

Яков Лукич оқ туша бошлаган мийиқлари остидан кулиб, таъкидлади:

— Бир ёқадан бош чиқариб кўтарилишади! Кубань ҳам аланга ичида қолади... Муштлашишда шундай бўлади: ҳозир курагим ерга ботганча мен душман тагида ётибман, бир муддат ўтгандан кейин қарабсанки, мен унинг устига чиқиб олиб тепкиляяпман.

— Йўқ, оғайнилар, нима десанглар денглару, мен бунга қўшилмайман!— Хопров борган сари дадилланиб, гап бошлади.— Мен ҳукуматга қарши бош кўтармайман, бошқаларга ҳам маслаҳат бермайман. Сен, Яков Лукич, халқни бу бемаъни ишга ундаб беҳуда иш қиляпсан. Сеникида тунаган офицер бегона, номаълум одам. У сувни лойқатади-ю, ўзи четга чиқиб тураверади. Балоба биз қоламиз. Бу урушда улар бизни Совет ҳокимиятига қарши гиж-гижлашди, казакларнинг погонларига лента чатиб, уларни бирпасда офицер қилиб қўйишди, ўзлари бўлса, орқа томондаги штабларга ўтиб олишиб, нозикоёқ хонимчалар билан айш-ишрат қилишди... Эсингдами, қасос пайти келганда бунинг ҳамма жабрини кимлар тортди? Новоросийскда қизиллар пристанларда қалмоқларнинг бошини чопди, офицерлар билан бошқа жаноблар парохонларда иссиқ мамлакатларга равона бўлишди. Бутун Дон армияси Новоросийскда худди қўй сурусидай ғуж бўлди, генераллар-чи?.. Эҳ! Мен сендан шу нарсани ҳам сўрамоқчи эдим: сеникида тунаган ўша «жаноби олийлари» ҳозир ҳам уйингда жон сақлаяптими? Бир-икки марта сомонхонага челақда сув олиб кириб кетаётганингни кўриб қолдим... Лукич у ёққа нега сув ташиб юрибди экан, нима балони суғораётган экан деб ўйладим. Бир вақт от кишнаганини эшитиб қолдим.

Хопров Яков Лукичнинг юзи оқиш мўйловининг тусига ўхшаб оқараётганини ҳузур билан кузатиб турарди. Ҳамма саросимага тушиб, қўрқиб кетди. Хопровнинг аччиқ қувончи ичига сиғмас, у тап тортмай сўзлар, ўзининг овозини четдан эшитгандай бўлар эди.

— Меникида ҳеч қандай офицер йўқ,— деди бўғиқ овоз билан Яков Лукич.— Кишнаган ўзимнинг биям, сомонхонага сув ташиганим йўқ, баъзан ювинди олиб кираман... У ерда чўчқам бор...

— Бияннинг овозини яхши танийман, мени алдаёлмайсан! Менга нима? Мен сизларнинг ишларингизга аралашмайман, билганларингни қилинглар...

Хопров папоғини кийиб, атрофига алаанглаганича эшикка қараб юра бошлади. Лапшинов йўлини тўсди. Унинг оппоқ соқоли селкилларди, у ғалати бир тарзда букчайиб, қўлларини кериб, сўради:

— Чаққани кетяпсанми, хоин? Сотилганмисан? Сенинг жазо отрядида қалмоқлар билан қилган ишларингни айтсак-чи...

— Сен ҳовлиқаверма, бобо!— совуққонлик билан ғижиниб деди Хопров, қурч муштини Лапшиновнинг тумшуғи тагига олиб бориб.— Аввал ўзим тўғримда хабар бераман, жазо отрядида бўлганман, подхорунжий бўлганман, суд қилинглар, дейман...— Аммо сизлар ҳам огоҳ бўлинглар, билиб қўйинглар! Сен ҳам, шум чол... сен ҳам...— Хопровнинг нафаси тиқилар, кенг кўкрагида темирчининг дамига ўхшаб нимадир хириллар эди.— Сен менинг қонимни сўриб ичдинг! Мен ҳам сенинг ҳолингни томоша қилиб, бир ҳузур қилай!

Қулочини ёзмай Лапшиновнинг юзига зарб билан бир урди-да, эшикни тарақлатиб ёпганча чиқиб кетди, пешбурун олдига йиқилиб тушган чолга қарамади ҳам. Тимофей Боршчев бўш челақ олиб келди. Лапшинов чўккалаб челақка энгашди. Ёрилиб кетган қон томиридан қандай қон оқса, бурун катакларидан ҳам худди шундай қора қон отилиб чиқа бошлади. Бузилган сукунат ичида Лапшиновнинг пиқиллаши, тишларини ғижирлатиши, соқолидан оқиб тушаётган қоннинг тизиллаб челақнинг четига тегишигина эшитилди.

— Мана энди бутун хароб бўлди!— деди хўжалиги тугатилган, бола-чақаси кўп Гаев.

Шу пайт Николай Люшня ўрnidан сапчиб турди, хайрлашмасдан, бош кийимини киймасдан уйдан югуриб чиқиб кетди. Атаманчуков унинг кетидан эранқаран чиқиб кетаётиб хайрлашаркан, ингичка ва хирқироқ овоз билан:

— Тарқалиш керак, бирон фалокат юз бермасин,— деди.

Яков Лукич бир неча минут индамай ўтирди. Унинг юраги шишиб, бўғзига келиб тиқилгандек бўлди. Нафас олиши қийинлашди, миясига лўқиллаб қон қуйилиб гуарди, пешанасини совуқ тер босди. У кўплар кетгандан кейин ўрnidан турди; челақка энгашиб турган Лапшиновдан йирганиб четлаб ўтаркан, Тимофей Тиртиққа оҳиста деди:

— Юр, мен биламан, Тимофей!

Тимофей индамасдан пиджаги билан шапкасини кийди. Кўчага чиқишди. Хуторда сўнгги чироқлар ўчмоқда эди.

— Қаёққа борамиз?— деб сўради Тимофей.

— Меникига.

— Нима қиламиз?

— Кейин биласан, тезроқ бўл.

Яков Лукич жўрттага қишлоқ Советининг олди-дан ўтди, у ерда чироқ йўқ, деразалари қоронғи эди. Яков Лукичнинг қўрасига киришди. У зинапоя олдида тўхтаб, Тимофейнинг пиджаги енгини ушлаб деди:

— Шу ерда бир оз тура тур. Сени ўзим чақираман.

— Хўп бўлади.

Яков Лукич тақиллатди, келини тамбани олди.

— Дада, сенмисан?

— Ҳа.— У эшикни зич ёпиб кирди; меҳмонхона-нинг эшигини тақиллатди. Хирқироқ йўғон овоз:

— Ким?— деб сўради.

— Мен, Александр Анисимович. Мумкинми?

— Кир.

Половцев қора шол рўмол тутиб қўйилган дераза тагидаги столда ниманидир ёзмоқда эди. Ёзилган варақни бесўнақай сертомир кафти билан беркитиб, кенг пешанали бошини ўгирди.

— Хўш, нима гап? Ишлар қалай?..

— Ёмон... Фалокат!..

— Нима-нима? Тезроқ гапирсанг-чи!..— Половцев ўрнидан сапчиб турди, ёзилган қоғозни чўнтагига солиб, толстовкасининг ёқасини шоша-пиша тугмалади, қизариб кетди, юзига қон қуюлиб, ҳамла қилишга тайёр турган катта йиртқич ҳайвондек букчайиб олди.

Яков Лукич бўлган воқеани унга наридан-бери сўзлаб берди. Половцев чурқ этмай тингларди. Унинг мовий кўзлари чуқур косаларидан еб юборгудек бўлиб Яков Лукичга тикилиб турарди. У аста-секин қаддини ростлар, муштларини сиқиб ёзиб юборар эди, ниҳоят, мийиқсиз лабларини даҳшат билан буриштирди-да, Яков Лукич томон қадам ташлади.

— Аб-лаҳ! Нима, мени хароб қилмоқчимисан, фалокат чол?! Ишимизни чиппақка чиқармоқчимисан?

Аҳмоқона эҳтиётсизлигинг билан ярмини чиппакка чиқардинг. Мен сенга нима деб буюрган эдим? Сенга нима деб бу-юр-ган э-дим? Дастлаб ҳаммасининг кайфиятини битта-биттадан ўсмоқчилаб билиш керак эди. Сен бўлсанг — нафси бузуқ ҳўкиздай... — Унинг дўриллаган бўғиқ, титроқ овоз билан пичирлаши Яков Лукичнинг рангини оқартириб юборди, яна ҳам қўрқитиб саросимага солиб қўйди. — Энди нима қилиш керак? Аллақачон бориб чаққандир дейман бу Хопров? А? Чақмаганмикан? Гапирсанг-чи, Гремячийлик галвор! Йўқми? Қаёққа кетди, пайқамадингми?

— Йўқ... Александр Анисимович, валинеъматим, энди хароб бўлдик! — Яков Лукич бошини чангаллади. Ёш томчиси қўнғир ёноғини қитиқлаб, оқ оралаган мўйловига думалаб тушди.

Половцев эса тишларини ғижирлатибгина қўя қолди.

— Ҳой! Хотинчалиш... ҳаракат қилиш керак, бунақа... Ўғлинг уйдами?

— Билмадим... бир одамни бошлаб келганман.

— Кимни?

— Фрол Тиртиқнинг ўғлини.

— Ҳа-ҳа. Нега бошлаб келдинг?

Уларнинг кўзлари кўзларига дуч келиб, бир-бирларининг мудаоларини сўзсиз англашди. Яков Лукич олдин кўзини четга олиб, Половцевнинг: «Ишонса бўладиган йигитми?» деган саволига индамасдан бош силкиб қўя қолди. Половцев қозиқдан калта пўстинини шартта юлиб олди, ёстиқ тагидан янги тозаланган наганини олиб, барабанини айлантириб кўрди. Уларнинг тешигидан гильзаларга жойланган ўқларнинг никелли учлари доира шаклида жилоланиб турарди. Қалта пўстинини тугмаларкан, Половцев худди жангдагидек аниқ команда берди:

— Болта ол. Энг яқин йўлдан бошла. Неча минутлик йўл?

— Ораси яқин, саккиз ҳовли нарида.

— Оиласи борми?

— Битта хотини бор.

— Қўшнилари яқинми?

— Бир томони хирмон, иккинчи томони бор.



— Қишлоқ Совети-чи?

— Уникидан узоқда...

— Кетдик.

Яков Лукич болта олиб келгани ўтинхонага кетгач, Половцев Тимофейнинг тирсагини чап қўли билан сиқиб оҳиста гапирди:

— Сўзларимни икки қилмай бажарасан! Борганимиздан кейин, йигитча, овозингни ўзгартириб, қишлоқ советидаги навбатчи пойлоқчиман, сенга қоғоз бор, дегин. Эшикни ўзи очиши керак.

— Биласизми, ўртоқ, отингиз нима эди... сизни танимайман ҳам. Бу Хопров деганимизнинг ҳўкиздай кучи бор, ғафлатда қолсангиз борми, қуруқ мушти билан ҳам бир уриб, ҳатто...— деб бетакаллуф гап бошлади Тимофей.

— Жим!— деб унинг гапини бўлди Половцев ва Яков Лукичга қўлини чўзди:— Бу ёққа бер-чи. Бошла.

Яков Лукичнинг кафтида қизиб нам бўлиб қолган ясси сопли болтани калта пўстини ичига тиқиб, чалвори липасига қистириб қўйди-да, ёқасини кўтарди.

Улар тор кўча билан индамай боришарди. Жусса си катта, тўла Половцевнинг олдида Тимофей ўспирин боладек бўлиб қолган эди. У олдинга энкайиброқ қадам ташлаб кетаётган ясовул билан ёнма-ён бораркан, зўр бериб унинг юзига тикиларди. Лекин қоронғилик ва кўтарилган ёқа юзини кўришга халал берарди.

Четан девордан ошиб хирмонга тушишди.

— Изимдан юр, из битта бўлсин,— шивирлаб буюрди Половцев.

Босилмаган қордан бўриларга ўхшаб кетма-кет, изма-из кета бошладилар. Қўраинг орқа эшиги олдида Яков Лукич кафтини чап биқинига тираб қайғунамо шивирлади:

— Худойим-эй...

Половцев эшикни кўрсатди.

— Дукиллат!..— Тимофей эшитмаса ҳам, унинг лаб ҳаракатларидан буни пайқаб олди.

Ҳалқани аста тиқиллатаркан, шу ондаёқ эшикнинг ўнг томонда турган оқ папоқли бегона одамнинг бармоқлари калта пўстиннинг илгакларини жаҳл билан

юлқиб ечаётганини эшитди. Тимофей яна бир марга тақиллатди. Яков Лукич очиқ қўрада турган сўқа остидан чиқиб келаётган кучукка ваҳима билан қараб турарди. Жунжиккан кучук эса паст овоз билан акиллаб, ғиншиди-да, қамиш билан ёпилган ертўлага кириб кетди.

Йўл юриб бир оз тинчиб қолган Хопров ўй ўйлай бериб калласи шишган ҳолда уйига кириб келди. Хотини олдига овқат олиб келиб қўйди.

У истар-истамас овқатланиб, ғамгинлик билан:

— Мен ҳозир, Мария, тузланган тарвуз бўлса ердим,— деди.

— Бош оғриғидами?— деб жилмайди хотини.

— Йўқ, мен бугун ичганим йўқ. Эртага ҳукуматга бориб, жазо отрядида бўлганимни айтаман, Машутка. Бундай юриш жонимга тегди.

— Вой, топган гапингни қара-я! Бугун нега довдираб қолдинг? Тушунолмай гарангман.

Никита жилмайди, йўғон малла мўйловини қимирлатиб қўйди.

Ётаётганида эса яна жиддий оҳангда гапирди:

— Сен менга қоқ нон тайёрла, ё бўлмаса тўқоч ёпиб бер. Қамоққа бораман.

Кейин эса хотинининг ёлворишларига ҳам қулоқ солмай, анчагача кўзини юммасдан, ўйланиб ётди: «Ўзимни ҳам, Островновни ҳам айтаман, у иблисларни ҳам қамашсин! Мени нима қилишар экан? Отишмас-ку? Уч йилча ўтириб, Уралда ўтин кессам, у ёқдан мусаффо бўлиб чиқаман. Шундан кейин ҳеч ким ўтмишимни юзимга солмайдиган бўлади. Гуноҳим учун бошқаларга ишлаб ҳам бермайман. Аштимовнинг қўлига қандай қилиб тушиб қолганимни холисанлилло айтиб бераман. Шундай дейман: «Фронддан қочган эдим, ким ўзини ўққа тутиб беради? Суд қила қолишсин, эскириб кетгани учун енгилроқ жазо беришади. Бор гапни айтаман! Одамларни ўзим отган эмасман, хўш, қамчи масаласига келсак... Гапнинг очиғи, қоқоқ казакларни ҳам, большевизм тарафдори бўлган баъзиларни ҳам савалаганман... Мен унда ўтакетган нодон эдим, оқ-қорани ажратолмас эдим».

У ухлаб қолди. Кўп ўтмай дукиллаган овоздан уй-қуси бузилди. Индамай ётаверди. «Кимнинг нима қис-таланг иши бор экан?» Товуш такрорланди. Никита хуноб бўлиб, инқиллаганича ўрнидан тура бошлади, чироқни ёқмоқчи эди, Мария уйғониб шивирлади:

— Яна мажлисгадир-да? Ёқма! На кундузи ҳаловат бору, на кечаси... Ҳадларидан ошиб кетишди, қуриб кеткурлар!

Никита оёқ яланг юриб даҳлизга чиқди.

— Ким у?

— Менман, Никита амаки, Советдан келдим.

Нотаниш бола овози... Никита безовталаниб ташвиш аралаш:

— Кимсан ўзинг? Нима ишинг бор?— деб сўради.

— Мен Николай Куженковман. Сенга раис қоғоз бериб юборди, ҳозир Советга бораркансан.

— Эшик тагидан узата қол.

Эшикнинг нарёғида бир секундча жимлик ҳукм сурди... Оқ барра папоқ остидан боқиб турган омирон назарни кўргач, бир лаҳза саросимада қолган Тимофей дарров гап топа қолди:

— Қўл қўйиб олишинг керак, эшикни оч.

У Хопровнинг сабрсизлик билан депсиниб, яланг оёқлари билан даҳлизнинг тақир ерида шипиллаб келаётганини эшитади. Эшик ҳалқаси ширқ этади. Эшик оғзида, қоронғиликда Хопровнинг оқ гавдаси кўринадди. Шу пайт Половцев чап оёғини остонага қўйиб болтани қулочкашлаб Хопровнинг пешанасига уради.

Никита сўйиш олдидан болға билан уриб гангитилган буқадек чўккалаб қолади-да, чалқанчасига йиқилиб тушади.

— Киришлар! Эшикни тамбаламлар!— эшитилар-эшитилмас команда беради Половцев. У эшик тутқичини пайпаслаб топиб, болтасини қўлидан қўймай уй эшигини очади.

Бурчакдаги каравотдан шолча шитирлаб, безовталанган хотин овози эшитилади:

— Бир балони ағанатиб юбордингми?.. Қимсан, Никитушка?

Половцев болтани ташлаб, қўлларини чўзганича каравотга югуради.

— Вой, халойқи!.. Ким бу?.. Дод...

Тимофей бошини эшик тепасига қаттиқ уриб олиб уйга киради. У бурчакдан хириллаган, бўғиқ товушларни эшитди. Половцев хотинни босиб олиб, унинг юзига ёстиқ ёганича, қўлларини бураб сочиқ билан боғлайди. Унинг тирсақлари хотиннинг билқиллаган юмшоқ кўкракларига тегиб сирғанади, тирсақлари остида хотиннинг кўкраги майишади, у хотиннинг қутулишга интилиб типирлаётган кучли гавдасининг иссиғини, ушлаб олинган қушнинг юрагидек тез-тез ураётган юрагини ҳис этади. Унда туйқусдан ва бир лаҳзагина ўткир истак пайдо бўлади. Аммо у пишқириб шиддат билан қўлини ёстиқ остига тикади-да, хотиннинг оғзини отнинг оғзини йиргандек йиради. Унинг чангадек бармоқлари хотиннинг лабини аввал резинадек чўзиб, кейин йиртиб юборади, бармоғи — иссиқ қонга беланган, хотин эса бўғиқ овоз билан қичқиролмай қолади: у хотиннинг гижимланган юбкасини ҳикилдоғигача тикиб қўяди.

Половцев боғланган хотиннинг олдида Тимофейни қолдириб, манқа отдек хириллаганча йўлакка чиқади.

— Гугурт!

Яков Лукич гугурт чақади, хира нур ёруғида Половцев чалқанчасига тушиб ётган Хопров устига энгашади. Оёғи буралиб қолган тўпчи юзини тақир ерга қўйиб ётибди. У нафас олмоқда, унинг ўмровли кенг кўкраги баланд-паст кўтарилиб тушиб турмоқда, ҳар гал нафас чиқарганида сариқ мўйлови қизил қон халқобига келиб тегади. Гугурт ўчади. Половцев Хопровнинг пешанасидаги зарба тушган жойни пайпаслаб кўради. Бармоқлари остида майдаланиб кетган кўмирчак қисирлади.

— Мени маъзур тутасизлар... Қонни кўришга юрагим йўқ,— деб шивирлайди Яков Лукич.— У дағ-дағ титрайди, оёқлари қалтирайди, Половцев эса жавоб бермай, буюради:

— Болтани олиб кел. Болта у ёқда... Каравотнинг олдида. Сув ҳам.

Сув Хопровни ҳушига келтиради. Половцев тиззасини кўкрагига тираб, шипшиб сўрайди:

— Чақдингми, сотқин? Гапир! Ҳой, гугуртни чақ!

Гугурт Хопровнинг юзини, унинг чала юмуқ кўзларини яна бир неча секунд ёритиб турарди. Яков Лукичнинг қўли қалтирайди, кичкина гугурт шуъласи ҳам қалтирайди. Даҳлизда томдан осилиб турган қамишларнинг попилдириқларида сарғиш жилолар ўйнайди. Гугурт ёниб бўлиб, Яков Лукичнинг тирноқларини куйдиради, у эса оғриқни сезмайди. Половцев саволини икки марта такрорлаб, сўнгра Хопровнинг бармоқларини қайира бошлайди. Хопров эса бирдан қорнига ётиб олади, машаққат билан аста эмаклаб ўрнидан туради. Половцев зўриққанидан инқиллаб, уни чалқанчасига йиқитмоқчи бўлади, аммо хирсдек кучли тўпчи ғоз туриб олади. Чап қўли билан Яков Лукични белбоғидан, ўнг қўли билан эса Половцевни бўйнидан ушлаб олади. Половцев бўйнини қисиб, Хопровнинг совуқ бармоқлари чўзилаётган томоғини яшириб, қичқиради:

— Гугурт чақ!.. Минг лаънат! Гугурт чақ, дейман!— у қоронғида қўли билан болтани пайпаслаб тополмайди.

Ошхонадан бошини чиқазган Тимофей ҳеч гапдан беҳабар, баланд овоз билан шивирлайди:

— Ҳой, менга қаранглар! Оч биқинига туширинглар... Оч биқинига болтанинг тиғини тўғри қилинглар, дарров айта қолади!

Болта Половцевнинг қўлида, Половцев Хопровнинг қўлидан аранг қутулиб чиқиб, уни болта тиғи билан икки марта уради. Хопров йиқилади, йиқилаётиб боши сўрига тегиб кетади. Сўри силкиниб, унда турган челак тушиб кетади. Унинг тарақлаши ўқдай эшитилади. Половцев тишларини ғижирлатганча ерда ётган Хопровни саранжомлайди; оёғи билан унинг бошини пайпаслаб топади, болта билан чопади ва қоннинг пишқириб отилиб чиқаётганини эшитади. Сўнгра Яков Лукични зўр билан уйга итариб киргизиб эшикни беркитади-да, паст овоз билан:

— Сен лаънати... Лапашанг!— дейди.— Хотиннинг бошидан ушлаб тур, биз билишимиз керак. Эри чақиб улгурганми, ё йўқми? Сен оёғидан босиб тур, йигитча.

Половцев боғланган хотинни кўкраги билан бо-

сади. Половцевдан аччиқ тер ҳиди анқимоқда. Ҳар бир сўзни дона-дона қилиб сўрайди:

— Эринг кечқурун келганидан кейин Советгами, ё бирон бошқа ёққа бордими?

Ним қоронғи хонада у даҳшатдан ола-кула бўлиб кетган, йиғламай қизарган кўзларни, бўғилиб, қорайган юзни кўради. Половцев беҳузур бўлиб, бу ердан тезроқ очиқ ҳавога чиқиб кетгиси келади... У қаҳрли бир нафрат билан хотиннинг қулоқлари орқасини бармоқлари-ла босади. Хотин қаттиқ оғриқ азобидан типирчилайди. Бир лаҳза ҳушини йўқотади. Сўнгра ўзига келиб, бирдан сўлакдан шилта бўлиб кетган латтани тили билан чиқариб ташлайди-да, бақирмасдан, энтика-энтика шивирлаб илтижо қилади:

— Айланайлар!.. Ўргилайлар, раҳмларинг келсин! Ҳаммасини айтиб бераман!— у Яков Лукични танийди. Ахир, у отахони-ку, у билан бирга бундан етти йил бурун синглисининг ўғлини чўқинтирган. Худди тили сучук одамлардек, йириб-йиртилган дабдала лабларини аранг қимирлатади:— Отахон!.. Ўргилай!.. Нима учун?..

Половцев қўрқа-писа унинг оғзини катта кафти билан тўсади. Хотин шафқат умиди васвасасида бу кафтни қонли лаблари билан ўпмоқчи бўлади. У яшамок истайди! У ваҳимада!

— Эринг бирон ёққа бордими, ё йўқми?

Хотин бошини чайқайди. Яков Лукич Половцевнинг қўлига ёпишади:

— Жаноби... Жаноби... Ксан Анисимович!.. Унга тегма... Унга пўлиса қилсак айтмайди!.. Ўлса ҳам айтмайди!..

Половцев уни итариб юборади. Шу оғир минутларда илк бор юзини қўлининг орқаси билан артиб, ўйлайди: «Эртагаёқ чақади! Ахир, бу — хотин-ку, казачка-ку, мен офицер одамга бундай қилиш уят... Арвоҳ урсин!.. Юзини беркитай. Охирги дақиқада шармандалигимни кўрмай қўя қолсин...»

Унинг бошини каноп кўйлагининг этаги билан ўради, ҳали туғмаган ўттиз яшар хотиннинг соз бада-нига бир секундча тикилиб қолади. Хотин ўқ теккан катта қушдек оёқларини йиғиштириб ёнбошлаб ётиб-

ди... Половцев ним қоронғиликда бирдан хотиннинг кўкрагидаги чуқурчани, қорамағиз қорнини бирпасда майда тер босиб, йилтирай бошлаганини кўриб қолади. «Бошини нега ўраганимни пайқади. Жин урсин!..» Половцев болтанинг тиғини юзни яшириб турган кўйлакка зарб билан туширади.

Яков Лукич узоқ давом этган талвасадан аёлнинг танасини чангак бўлиб типирчилаганини дарҳол сезди. Димоғига бадхўр янги қон ҳиди урилди... Яков Лукич каловлаганича печка олдиғача борди, ичидан жуда ёмон ўқчиқ келиб, ичак-човоғини ағдариб юборай деди.

Зинапояда Половцев мастлардек гандираклаб кетди. Панжарага лаби билан ёпишиб, янги ёққан момиқ қорни ялай бошлади. Орқа эшикдан чиқишди. Тимофей Тиртиқ орқада қолди; бир квартални айланиб ўтиб, мактаб томондан келаётган майин қўшпарда гармонь овози томон қараб кетди. Мактабнинг олди сайилгоҳ. Тимофей қизларни чимчилай-чимчилай даврага кирди-да, гармончининг гармонини сўраб олди.

— Тимоша! Бизга циганкани боплаб чалиб бер,— деб илтмос қилди қандайдир бир қиз.

Тимофей гармонни эгасининг қўлидан олаётиб тушириб юборди. Оҳиста кулиб қўйди, яна қўлини чўзиб, қайишни чап елкасига илиб бўлмасданоқ яна тушириб юборди. Бармоқлари қовушмас эди. Бармоқларини қимирлатиб кўриб, кулиб юборди, гармонни қайтариб берди.

— Аллақаёқдан ўлгудек ичиб келибди!

— Уни қаранглар, қизлар, мастми дейман?

— Пиджагига ҳам қусворибди! Баракалла!..

Қизлар ўзларини Тимофейдан четга тортишди. Гармоннинг эгаси унинг қатларидаги қорни норозилик билан пуфлаб туширар экан, билар-билмас «циганочка»ни чала бошлади. Қизлардан энг новчаси, хуторда «гвардиячибоп» деб ном олган Ульяна Ахваткина қўлларини обкашдек эгиб, чориқларининг паст пошналарини ғарчиллатиб айлана кетди. «Эрталабгача ўтириш керак,— бегона одам тўғрисида ўйлагандек ўйлади Тимофей,— тергов бўлиб қолгудек бўлса, ҳеч ким тагига етолмайди». У ўрнидан турди, энди жўрттага

маст кишининг ҳаракатларига тақлид қилиб, гандираклаганича мактаб остонасида ўтирган қизнинг олдида борди-да, унинг иссиқ тиззасига бошини қўйди:

— Боқиб қўй-чи, жонгинам!..

Ранги карам баргидек кўкариб кетган Яков Лукич эса уйга кириб ўзини каравотга ташлаганича бошини ёстиқдан кўтармади. У, Половцевнинг тоғора устида қўлини совунлаганини, сувни шапиллатиб пишқирганини, сўнг ўз хонасига кириб кетганини эшитиб ётди. Половцев ярим тунда уй бекасини уйғотди:

— Қиём сувдан борми, бекача? Қуйиб берсанг.

Ичди (Яков Лукич унга ёстиқ остидан бир кўзи билан қараб турган эди), пишиб кетган олмурутни олди-да, чапиллатиб чайнади. Тамакисини тутатиб, хотинларникидек юмшоқ яланғоч тўшини силаганча кетди.

Меҳмонхонада Половцев яланг оёқларини совуман печга узатди. У кечалари боддан сирқирайдиган оёқларини иситишни яхши кўради. 1916 йилда император ҳазрати олийларига ишонч ва садоқат билан хизмат этиб, ватанни ҳимоя қилиб, қишда Бугдан сузиб ўтаётганида оёғини совуққа чалинтириб қўйган. Ўшандан бери ясовул Половцев иссиқни, иссиқ босма пойафзални хуш кўради...

### XIII Б О Б

Давидовнинг Гремячий логга келганига бир ҳафта бўлиши билан олдида бир қанча масалалар кўндаланг бўлди... Кечалари, қишлоқ советидан ёки Титокнинг кенг уйига жойлашган колхоз правлениесидан қайтиб келгач, Давидов хона ичида узоқ айланиб юрар, чекар, сўнгра почтальон олиб келган «Правда», «Молот» газеталарини ўқир, кейин ўйи яна Гремячий кишиларига, колхозга, ўтган кун воқеаларига кўчар эди. Қуршовда қолган бўридай, колхоз билан боғлиқ бўлган уйлар доирасидан чиқиб олишга интилар, ўз цехи, ошналари, ишини эслар, бир оз юраги эзилар эди: ҳозир у ерда кўп нарсалар ўзгаргандир, бу ўзгаришлар



унинг иштирокисиз юз берган; энди тезлик коробка-сини қайтадан қуриш учун янги йўл топишга уриниб, кечаси билан сурункасига катерпиллер моторининг чертёжлари устида бош қотириб ўтирмайди, унинг қунт билан ишлашни талаб қиладиган инжиқ станогида бошқа одам — эҳтимол, ўша ўзига бино қўйган Гольдшмидт ишлаётгандир, жўнаётган йигирма беш мингчиларни кузатиш вақтида яхши, самимий нутқлар сўзлаб, энди уни эсдан ҳам чиқаришгандир. Гўё биров мулоҳазаларига янги йўналиш бераётгандек, миясидаги рубильникни дадиллик билан суриб қўйгандек, кўққисдан хаёли яна Гремячийга кўчарди. У қишлоққа анойи Сир шаҳарлик сифатида ишга келган эмас, аммо синфий курашнинг миқёсини, унинг чигал тугунлари ва кўп ҳолларда яширин шаклларини Гремячийга келган дастлабки кунларида кўрганларидан мураккаброқ деб тасаввур этмаган эди: колхоз хўжалигининг катта афзалликларга қарамай, кўпчилик ўртаҳолларнинг колхозга кирмаймиз, деб оёқ тираб туриб олишига у ҳеч тушунмас эди. Кўпгина одамлар ва уларнинг ўзаро муносабатларини тушунолмай ҳайрон эди. Титок — кечаги партизан ва бугунги кулак ва душман. Тимофей Боршчев — кулакларни очикча ҳимоя қиладиган камбағал. Колхозга онгли равишда кирган маданий деҳқон Островнов ва Нагульновнинг унга бўлган душманларча эҳтиёткорона муносабати. Гремячийдаги ҳамма одамлар Давидовнинг хаёлидан Сирма-бир ўтар эди... Уларнинг кўп жиҳатлари Давидовга тушунарли эмас, аллақандай сезилмас, кўринмас парда билан чулғангандек. Унинг назарида, хутор — янги конструкциядаги мураккаб мотор бўлиб, Давидов уни диққат билан синчиклаб билиб олишга, ўрганишга, ҳар бир деталини пайпаслаб кўришга, кун сайин узлуксиз ҳаракат билан юриб турган бу аломат машинанинг ҳар бир зарбини эшитишга уринарди.

Камбағал Хопров билан хотинининг сирли ўлдирилиши унинг кўнглида, бу машинада қандайдир яширин пружина ҳаракат қиладиган бўлса керак, деган гумон туғдирди. У, Хопровнинг ўлими — коллективлаштиришга, майда хўжаликнинг чирик пойдеворини шитоб билан емириб келаётган янгиликка дахлдор

эжанини сал-пал сезиб турарди. Хопров билан хотинининг ўликлари топилган куни эрталаб у Размётнов ва Нагульнов билан узоқ гаплашди. Улар ҳам гумон ва тахминлардан нарига ўтолмадилар. Хопров ўтмишда оқлар қаторида бўлган, жамият ҳаётига пассив, нима учундир кулак Лапшиновга суянган бир камбағал эди. Кимнингдир, молини таламоқчи бўлиб ўлдиришгандир, деган тахмини очиқ-аён бемаъни эди, чунки буюмларидан ҳеч нарса олинмаган, Хопровнинг оладиган нарсаси ҳам йўқ эди. Размётнов қўл силтади:

— Афтидан, битта-яримтани хотин важидан хафа қилганга ўхшайди. Бировнинг хотинига кўз олайтирган бўлса, ўлдиришгандир.

Нагульнов индамасди, у ўйламай гапиришни ёмон кўрарди. Аммо Давидов, бу қотилликка кулақлардан биронтаси дахлдор бўлса керак, уларни дарҳол хутордан бадарға қилиш керак, деб таклиф этганда, Нагульнов уни қувватлади:

— Хопровни ўшаларнинг гуруҳидагилар ўлдирган, вассалом! Газандаларни совуқ ўлкаларга бадарға қилиш керак!

Размётнов кулиб, кифтини қисиб қўйди:

— Уларни бадарға қилиш керак, буниси тўғри. Улар халқнинг колхозга киришига халақит беришяпти. Лекин Хопров улардан жабр кўрган эмас. Уларга дахли йўқ. Лекин унинг Лапшиновга суяниб, доим уникида ишлагани ҳам тўғри, аммо бу ҳам тўқлигидан бўлмаса керак. Азбаройи йўқчилик эзганидан Лапшиновдан паноҳ изларди. Ҳамма ишни кулақларга тўнкайвериш мумкин эмас-ку, сал эви билан-да, оғайнилар! Йўқ, нима десанглар денглару, лекин бу машааша хотин касридан бўлган!

Райондан терговчи билан врач келди. Улдирилганларнинг жасадларини ёриб кўришди. Хопровнинг қўшнилари билан Лапшиновни сўроқ қилишди. Аммо терговчи қатлининг иштирокчилари ва сабабларини очишга, калаванинг учини топишга муваффақ бўла олмади. Эртасига, 4 февраль куни, колхозчиларнинг умумий мажлиси кулак оилаларини Шимолий Кавказ ўлкаси доирасидан сургун қилиш ҳақида бир оғиздан қарор

қабул қилди. Мажлис вакиллар сайлаган колхоз правлениесини тасдиқлади. Унинг составига Яков Лукич Островнов (унинг номзодини Нагульновнинг эътирозларига қарамай, Давидов билан Размётнов эътиқ туриб қувватлашди), Павел Любишкин, Демка Ушаков сайланди, Аркашка Айирбошчи эса қийинчилик билан ўтди, бешинчи бўлиб эътирозсиз, яқдиллик билан Давидов сайланди. Бунга бир кун бурун район ер-сув союзидан олинган қоғоз сабаб бўлди. Унда, район партия комитети район ер-сув союзи билан келишган ҳолда колхоз правлениеси раислиги вазифасига райпартком вакили, йигирма беш мингчи ўртоқ Давидовни тавсия этади, дейилган эди.

Давидов ҳамон Накульновларникида яшарди. Эрхотиннинг каравотидан пастак чит парда билан тўсиб қўйилган сандиқ устида ётарди. Биринчи хонада уй бекасининг ўзи — боласиз бева хотин турарди. Давидов Макарга малоллик келтираётганини фаҳмлар, аммо дастлабки кунларнинг ташвиш-ғами билан бўлиб квартира қидириб топишга вақти бўлмаган эди. Нагульновнинг хотини Лушка Давидовга ҳамиша очиқ чеҳра билан боқар, лекин шунга қарамай, гапдан гап чиқиб Макар унга хотини Тимофей Тиртиқнинг ўйнаши эканлигини айтгандан кейин, бу хотинни очиқ-ошкор ёмон кўриб қолган, уларникида вақтинча яшаётганидан ҳам сиқилар эди. Эрталаблари Давидов Лушка билан гаплашмай, унга ўқтин-ўқтин кўз қирини ташлаб кўярди. Кўрган одам Лушкани йигирма бешларда дерди. Чўзинчоқ юзини майда селкил босган, юзи ҳакка тухумини эслатар эди. Унинг тим қора кўзларида, хипчагина келишган қоматида қандайдир жозибадор ва қандайдир нопок гўзаллик бор эди, бир қувончли ҳодисани кутаётгандек, ёқимтой қайрилма қошлари доимо сал-пал кўтарилиб турар, ярим доира шаклида зич терилган дона-дона тишларини яширолмай очилиб турган ёқут лабларининг четларида табассум ўйнаб турар эди. Юрганда ҳам ҳозир орқасидан биров келиб қизларникидек хипча елкаларини қучоқлаб оладигандек, қия тушган кифтларини учириб юрарди. Гремячийдаги ҳамма казак хотинлар қатори кийинарди, эҳтимолки, улардан бир оз озодароқ эди.

Бир кун эрта тонгда Давидов ботинкасини кияётиб парда орқасидан Макарнинг овозини эшитиб қолди:

— Калта пўстинимнинг чўнтагида резинка бор. Семёнга сен буюрган эдингми? Кеча станицадан келган экан, сенга бер деб айтди.

— Макарушка, ростданми?— Лушканинг уйқу аралаш ёқимтой овози қувончдан титраб кетди...

У ёлғиз ич кўйлақда каравотдан сакраб туриб, эрининг қозикда осилиб турган калта пўстинига ёпишди, чўнтагидан болдирни сиқиб турадиган юмалоқ резинка эмас, шаҳарликлар тақадиган мовий ҳошияли, белбоғли резинка олди. Давидов ойнада унинг аксини кўрди: у тик турган ҳолда болаларникидек озгин бўйинини чўзиб, харидни тиқмачоқдек оёғига ўлчаб кўраётган эди. Давидов ойнада унинг чарақлаган кўзларидаги табассум жилосини, сепкилдор ним ранг қизил ёноқларини кўрди.

Лушка оёғида таранг тортилиб турган қора пайпоққа ҳавас билан боқиб, юзини Давидовга ўгирди. Кўйлагининг ёқасидан эчкининг эмчакларидек пастга қараб икки ёққа тарвақайлаб турган қорамағиз тиқмачоқ кўкраклари титраб кетди, у Давидовни парда орқасида кўриб қолиб, чап қўли билан аста-секин ёқасини тутамлади-да, юз ўгирмасдан, кўзларини сузиб жилмайиб қўйди. «Менинг чиройимни кўрдингми!»— деб гуларди унинг тап тортмайдиган кўзлари.

Давидов ғижирлайдиган сандиққа ўзини гурс этиб ташлади-ю, қизариб кетди, беш панжаси билан тўсдек қора соч тутамларини пешанасидан юқорига олди: «Оббо фалокат-эй! Мўралади деб ўйласа-я... Туриб нима қиларканман! Ҳаваси келяпти, деб ўйласа ҳам ажаб эмас...»

— Бегона одамнинг кўз ўнгида яланғоч юрма-санг-чи,— деб норозилик билан пўнғиллади Макар, Давидовнинг хижолат билан томоқ қираётганини эшитаркан.

— Унга кўринмайди.

— Йўқ, кўринади.

Парда орқасида Давидов йўталди.

— Кўринаётган бўлса маза қилиб томоша қила қолсин,— деди у лоқайдлик билан юбкасини бошидан

княр экан.— Бегона одам йўқ, Макарушка. Бугун бегона, хоҳласам эртага ўзимники қилиб оламан,— деб кулиб юборди-да, югуриб бориб ўзини каравотга ташлади.— Ўзимнинг ювошгинам! Беозорим! Беозоргинам! Бузоқчам!..

Нонуштадан сўнг дарвозадан чиқишлари биланоқ Давидов шартта айтди:

— Хотининг расво экану!

— Бунинг сенга дахли йўқ...— деб секин жавоб берди Нагульнов, Давидовга қарамай.

— Аммо сенга дахли бор! Мен бугуноқ бошқа квартирага кўчаман, қарасам, кўнглим айнийди! Ўзинг дуруст йигитсану, у билан пачакилашиб юрибсан! Ахир, ўзинг айтмовдингни, Тиртиқнинг ўйнаши деб!

— Нима, тутиб олиб урайми?

— Уриш керак эмасу, таълим бериш керак! Аммо мен сенга гапнинг очигини айтиб қўя қолай: мен ўзим коммунистман, лекин бунга асабим чидамайди. Шахсан мен дўппослаб ҳайдаб юборардим! У бўлса омма олдида сенинг эътиборингни туширяпти, сен бўлсанг индамаяпсан. Кечаси билан қаёқларда адашиб-улоқиб юради? Биз мажлисдан келсак ҳамки, ундан дарак йўқ! Мен сизларнинг ички ишларингизга аралашмайман...

— Уйланганмисан?

— Йўқ. Сенинг оилангни кўрганимдан кейин ўлаўлгунимча уйланмасликка қасд қилдим.

— Сен хотинга хусусий мулкдек қараркансан.

— Э, жиң урсин сени! Оғмачи анархист! Хусусий мулк, хусусий мулк дейди-я! У ҳали битмаган-ку? Уни нега инкор қилмоқчисан? Оила мавжуд-ку, ахир? Сен бўлсанг... хотинингни тортқилашяпти... фаҳшга йўл қўйиб, чидаб келяпсан. Мен бу тўғрида ячейкада масала қўяман!.. Деҳқон сендан ўрнак олиши керак. Шу ҳам ўрнак бўлдимми?

— Хўп, бўлмасам ўлдираман уни.

— Бекор айтибсан!

— Хўп, менга қара... Ҳозир бу ишга аралашма...—

кўчанинг ўртасида тўхтаб илтимос қилди Макар.— Бу ишни ўзим бартараф қиламан, ҳозир бунинг мавриди эмас. Кеча бошланган гап бўлса ҳам майли эди, анча кўникиб қолганман... Бир оз сабр қилай-чи, кейин.. ундан кўнгил узолмайман... Бўлмаса аллақачон... Сен қаёққа кетяпсан, Советгами?— деб у гапни бошқа ёққа бурди.

— Йўқ, Островновникига кирмоқчиман. У билан ўз уйида гаплашишга иштиёқманд бўлиб юрибман. У ақлли деҳқон. Уни хўжалик мудури қилмоқчиман. Сен нима дейсан? Қолхознинг тийинини ярақ-ярақ сўмга айлантирадиган тадбиркор одам керак. Островнов шунақа одамга ўхшайди.

Нагульнов қўлини силтаб аччиқланди.

— Яна беҳуда гап қиляпсан! Андрей икковларингиз Островновга ёпишиб олдинглар-да! У колхозга худди чит кўйлакка жун жиякдек керак! Мен қаршиман. Уни колхоздан чиқартирмасдан қўймайман. Икки йил қишлоқ хўжалик солиғини қўшимча процент билан тўлаб келди, хирсдек тўқ газанда, урушгача кулак бўлган одамни кўтарамизми?

— У маданий деҳқон! Нима, сенингча мен кулакка ҳомийлик қиляпманми?

— Агар қанотини қирқиб турмаганда аллақачон кулак бўлиб кетарди.

Улар бир фикрга келишолмай, бир-бирларидан қаттиқ хафа бўлиб ажралишди.

#### XIV БОБ

Февраль...

Аёз ерни сиқиб жингиртоб қилмоқда. Қаҳратон совуқдан оппоқ оқариб кетган қуёш кўтарилмоқда. Қорини шамол ялаб кетган жойларда кечалари ер қарсқурс чатнайди. Даштдаги тепаликларни — пишиб кетган тарвуздек илон изи сингари ёриқлар қоплаган. Хутор орқасидаги кузги шудгор яқинидаги қор уюмлари кўзни қамаштириб, ялгирайди. Анҳор устидаги теракларнинг ҳаммаси нуқрадан нақшлангандек. Уйларнинг мўриларидан эрталаблари тўқ сариқ тутун чиқиб, тик устун сингари ҳавога бўй чўзди. Хирмон-

ларда аёздан буғдой похоли ўткир ҳид таратади, ундан мовий август ва гармселнинг иссиқ нафаси, саратон осмонининг ҳиди келади...

Совуқ қўраларда эрталабгача буқа ва сигирлар санғиб юради. Тонгга бориб охурларда биронта бурган нушхўрдини ҳам гополмайсан. Қишда туғилган қўзичоқ ва улоқларни қўраларда қолдиришмайди. Уйқусираган хотин-халаж кечалари билан уларни оналарига олиб чиқиб, сўнг яна этакларига солганларича дуд босган иссиқ уйларга олиб киради, шунда улоқлардан, уларнинг жингалак жунларидан аёзли ҳаво, турли ўт-ўланлар, тотли эчки сутининг нафис ҳиди таралади. Оёқ остидаги қор — дона-дона, худди майда туздек қисирлайди. Ярим тун шу қадар соқитки, сон-саноқсиз титроқ юлдузлар сочилган аёзли осмон шу қадар ҳувиллаб ёгадики, бу оламни тирик жон тарк этгандек. Мовий даштда бўри янги қорни босиб ўтади. Қорга юмшоқ панжаларининг изи тушмайди, тирноқлари яхлаб қолган қорни юлиб олган жойда эса жилоланувчи дурдонадек из қолади.

Агар кечаси қора тўсдек елинига сут ийиб келаётганини сезган қулунли бия оҳиста кишнаса бир неча қақирим наридан эшитилади.

Февраль...

Саҳар чоғидаги мовий сукунат.

Бўм-бўш сомон йўли хиралашади.

Уйларнинг қоронғи деразаларида олов шафақларининг қизғиш алангалари кўринади; бу — ўт ёқилган печкаларнинг шуъласи.

Лўм остида анҳордаги муз қирсиллаб, жаранглайди.

Февраль...

Яков Лукич тонг ёришмасданоқ ўғли билан аёлларни уйғотди. Печга ўт ёқишди. Яков Лукичнинг ўғли Семён қайроқда пичоқларни чархлади. Ясовул Полóвцев пайпоғи устидан ҳафсала билан пайтава ўраб, пийма кийди. Семён билан бирга қўй қўрасига қараб кетишди. Яков Лукичнинг ўн еттита қўйи ва иккита эчкиси бор эди. Семён қайси қўй бўғоз, қайсинисининг қўзиси бор эканлигини биларди. У қўчқорлар, шишақлар, тўқлиларни пайласлаб танлади-да, уларни иссиқ

қўйхонага ҳайдаб киргизди. Оқ папоғини пешанасига бостириб олган Половцев қўчқорнинг буралиб кетган жимжимадор совуқ шохидан ушлаб ерга алдарди, узала тушиб ётган қўчқорни кўкраги билан босиб, унинг бошини қайирди-да, бўғзига пичоқ тортиб юборди-ю, қора қон оқиб кетди.

Яков Лукич мудаббир одам. У қўйларининг гўшти-ни аллақердаги фабрика ошхонасида ишчи ёки қизил аскар ейишини истамайди. Улар — совет кишилари, Совет ҳокимияти эса Яков Лукични ўн йилдан бери солиқ ва ўлпонлар билан қисиб келди, хўжалигини равнақ топтиришига йўл қўймади, тўқ, хирсдан тўқ яшашига йўл қўймади. Совет ҳокимияти Яков Лукичга, у эса унга қарама-қарши душман. Яков Лукич чироққа интилган боладек, умр бўйи бойликка интилиб келди. Революциягача ўзини тутиб олган, ўғлини Новочеркасскдаги юнкерлар мактабида ўқитмоқчи, мойжувоз сотиб олмоқчи бўлиб пул ҳам жамғариб қўйган, учта хизматкор ҳам асрамоқчи бўлган (ўшанда ақл бовар қилмайдиган келажак ҳаётини ўйласа севинчи ичига сиғмай кетар эди), савдогарчилик қила бошласа, омади кетган помешчик — қўшин оқсоқоли Жоровдан ярим ташландиқ вальцовкасини сотиб оламан, деб ўйлаган эди... Яков Лукич хаёлида ўзини шайтон тери чолворда эмас, қорнида олтин соат занжири кўндаланг турган жужун костюмда кўрар, қўлларини эса қадоқли эмас, кирдан қорайган тирноқлари илоннинг пўстидек тушиб кетган оппоқ ва юмшоқ қўллар деб тасаввур этар эди. Уғли бўлса, полковникликкача кўтарилиб, ўқиган бекачга уйланса, кунлардан бир кун Яков Лукич уларни қарши олгани станцияга бричкада эмас, помешчик Новопавловникига ўхшаган ўз шахсий автомобилида чиқиб борса... Эҳ-а, шалдироқ янги юз сўмликдек ҳаёт унинг қўлида ўйнаган ўша унутилмас кунларда Яков Лукич ўнгида озмунча тушлар кўрдими? Революция ҳамма нарсани мислсиз даражада ларзага келтирди. Яков Лукичнинг оёғи остидаги заминни титратди, лекин у гангиб қолмади. Ўзига хос ҳушёрлик ва қувлик билан яқинлашиб келаётган мусибатни узоқдан дарҳол кўриб, қўшнилари ҳамда ҳамқишлоқларига сездирмасдан топган-



ларини тезликда пуллади... 1916 йилда сотиб олган буғ двигателини сотди, қутичада ўттизта ўн сўмлик тилла ҳамда чарм халтада кумуш кўмди, ошиқча қорамолини сотди, экин майдонини қисқартирди. Шай бўлиб турди. Революция, уруш, фронтлар унинг тепасидан ўт-ўлан устидан ўтган дашт қуюнидек ўтиб кетди: эгишга эгди-ю, аммо синдирилмади ҳам, шикаст ҳам етказолмади. Довул, тераклар билан эманларнигина синдириб, томири билан қўпориб кетади, чайир бурган эса, ер бағирлаб букилиб, кейин эса қаддини ростлаб олади. Аммо Яков Лукич қаддини ростлаб ололмади! У Совет ҳокимиятига шунинг учун ҳам қарши, шунинг учун ҳам бичилган буқадек, завқсиз умр кечиради: на зурриёт ярата олади-ю ва на ундан лаззатлана олади, шунинг учун ҳам энди Половцев унга хотинида қўра яқинроқ, ўз ўғлидан қўра ардоқлироқ. Шалдироқ янги юз сўмликдек жилоланган илгариги ҳаётни қайтариш учун у билан бирга бўлиши керак, ёки унинг баҳридан ўтиши керак! Гремячийдаги колхоз правленнесининг аъзоси Яков Лукич шунинг учун ҳам ўн тўртта қўйини сўймоқда. «Душман ҳокимиятини боқиш учун семириб кўпайсин деб қўйларни колхоз подасига қўшгандан қўра, нимталанган тўшларни ясовул Половцевнинг оёқлари остида ҳоври чиқаётган қонни ютоқиб ялаётган мана бу қора итга ташлаган афзалроқ!— деб ўйлайди Яков Лукич.— Билимдон ясовул тўғри айгди: «Молларни сўйиш керак! Большевикларга кун бермаслик керак, ҳўкизлар қаровсизликдан қирилсин, ҳокимиятни қўлимизга олгач, ҳўкиз топиб оламиз! Бизга Америка ва Швециядан ҳўкизлар юборишади. Уларни очлик, вайронлик, қўзғолонлар билан бўғамиз! Бияннга ачинма, Яков Лукич! Отларнинг умумлаштирилгани яхши. Бу биз учун қулай ва фойдали... Қўзғолон кўтариб хуторларни эгаллай бошлаганимизда отларни қидириб қўрама-қўра изғиб юргандан қўра, умумий отхоналардан олиб чиқиб эгарлаш ўнғай бўлади». Олтинга бергусиз сўзлар! Ясовул Половцевнинг калласи ҳам қўллари-дек яхши ишлайди...»

Яков Лукич омбор олдида туриб Половцев билан Семённинг харига осилган қўйларнинг териларини

қандай шилаётганларини томоша қилиб турди. Қўл фонари оппоқ қўй терисини ёритиб турарди. Териларни осонгина шилмоқда эдилар. Яков Лукич бўйни пастга осилган, териси кўм-кўк, қорнигача шилинган қўйга, унинг тоғора олдида ётган қора калласига қараб, тақимига биров ургандек сесканди-да, оппоқ оқариб кетди.

Қўйнинг ҳали сўнмаган катта қорачиқли сариқ кўзларида ўлим даҳшати кўриниб турарди. Яков Лукичнинг эсига Хопровнинг хотини, унинг чучук тил билан даҳшатли шивирлагани тушди: «Отахон!.. Ургилай! Нима учун?» Яков Лукич бинафша пушти қўй тўшига, унинг шилинган почалари ва мушак тугунларига жирканиб қаради. Яков Лукич омбордан шоша-пиша чиқиб кетди. Ўткир қон ҳиди худди ўшандагидай кўнглини айнитиб, гандираклатиб юборди. У омбордан шоша-пиша чиқиб кета бошлади.

— Гўшт кўнглимга тегибди... Худойим-эй!.. Ҳидига ҳам туrolмайман.

— Қелиб нима қилардинг, жин ургур? Сенсиз ҳам эплаймиз, жони ширин!— деб жилмайди Половцев ва қонга беланган, қўй ёғининг ҳиди уриб қолган бармоқлари билан тамаки ўрай бошлади.

Нонуштагача аранг саранжом қилишди. Шилинган нимталарни омборга осишди. Хотинлар думбаларни эритишди. Половцев хонасига кириб олди (кундуз кунлари у ердан чиқмас эди). Унга қўй гўшти солинган карам шўрва билан жизза олиб кириб беришди. Келин у бўшатган товоқни олиб чиққан ҳам эдики, қўра эшиги гичирлади.

— Дада! Давидов келди,— деб қичқирди Семён қўрага кирган Давидовни ҳаммадан олдин кўриб.

Яков Лукич оппоқ оқариб кетди. Давидов эса аллақачон даҳлизда ботинкасини супурги билан тозалаб, қаттиқ йўталиб, дадил қадам ташлаб кириб келмоқда эди.

«Тамом бўлдим!— деб ўйлади Яков Лукич.— Ит-ваччанинг юришини қара! Гўё ер юзи ўзиникидай! Гўё ўз уйига кириб келаётгандек! Шўрим қуриди! Никита учун қамагани келаётган бўлса керак, билиб қолганга ўхшайди, лаънати».

Эшик дукиллаб, кучли овоз эшитилди:

— Кирсам мумкинми?

Яков Лукич баланд овоз билан:

— Кириг,— деб айтмоқчи эди, лекин овози чиқмай шивирлади.

Давидов бир оз тургач, эшикни очди. Яков Лукич столдан турмади (туролмади! Чоригининг пошналари полга дириллаб урилаётганлиги эшитилмаслиги учун ҳатто қалтираётган мажолсиз оёқларини кўтарди).

— Салом, хўжайин!

— Салом, ўртоқ!— бир овоздан жавоб беришди Яков Лукич ва унинг хотини.

— Ташқарида аёз...

— Ҳа, аёз.

— Жавдарни уриб кетмасмикин, нима деб ўйлайсан?— Давидов чўнтагига қўл солиб, яғир бўлиб кетган дастрўмолини олди, уни кафтида яшириб туриб, бурнини қоқди.

— Бу ёққа ўтинг, ўртоқ, ўтириг,— деб таклиф қилди Яков Лукич.

«Нега қўрқиб кетди экан, тентак?»— таажжубланди мезбоннинг оқариб кетганини, титроқ босган лабларини зўрға қимирлатаётганини кўрган Давидов.

— Жавдар нима бўлади, дейман?

— Йўқ, урмайди... Қор кўмиб кетган... Қори яланиб кетган жойлардагиларини уриши мумкин.

«Гапни жавдардан бошлаяпти, ҳозир: «Қани, отлан!» деб қолса ҳам ажаб эмас. Битта-яримта Половцевни бориб чақдимикан? Тинтирмикан?» ўйларди Яков Лукич. У ўзини аста-секин ўнглаб ола бошлади, юзига бирдан қон югурди, баданидан тер чиқиб, пешанасидан юмалади-да, оқ оралаган мўйловига, тиканакдек соқол босган энгагига келиб тушди.

— Меҳмон бўлинг, меҳмонхонага кириг.

— Мен сен билан гаплашгани келдим. Отинг билан отангинг оти нима эди?

— Яков Лука ўғли.

— Яков Лукичми? Гап шу, Яков Лукич, сен қолхоз мажлисида жуда яхши, бамаъни гапирдинг. Қолхозга мураккаб машина керак деганинг тўғри, албат-

та. Аммо меҳнатни уюштириш масаласида хато қилдинг, факт! Сени хўжалик мудирини қилиб қўтармоқчимиз. Мен сенинг маданий деҳқон деган таърифингни эшитганман.

— Бу ёққа ўтсангиз-чи, қимматли ўртоқ! Гаша, самовар қўйвор. Ё карам шўрвадан тотиб кўрасизми? Ё тузлаган тарвуз сўяйликми? Бу ёққа ўтинг, азиз меҳмон! Бизни янги турмуш томон...— Яков Лукичининг қувончи ичига сиғмай кетди, елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди.— Хўжаликни маданий йўсинда олиб бордим, тўғри айтдингиз. Оми одамларимизни ота-боболаримизнинг расмларидан қайтармоқчи эдим... Ерни қандай ҳайдашади! Қунпаякун қилишади. Оқруғ ер бошқармасидан мақтов қоғозим бор. Семён! Рамкага солиб қўйилган мақтов қоғозини олиб кел. Узимиз кирамиз, кераги йўқ.

Яков Лукич меҳмонни меҳмонхонага бошлаб, Семёнга сездирмасдан имо қилиб қўйди. Семён буни тушуниб, Половцев ўтирган хужрани қулфлаб қўйиш учун йўлакка чиқди, хужрага мўралаб қўрқиб кетди: хужра бўш эди. Семён залга югурди. Половцев ёлғиз жун пайпоқда, меҳмонхонага кириладиган эшик олдида турарди. У Семёнга, чиқиб кет, дегандек ишора қилди, йиртқич ҳайвоннинг қулоғидек диккайиб турган кемирчак қулоғини эшикка тутди. «Юрак ютган лаънати!» деб ўйлади Семён залдан чиқаётиб.

Қишда Островновнинг уйидаги катта совуқ залда ҳеч ким турмас эди. Бўялган полнинг бир бурчагига ҳар йили каноп уруғи тўкишарди. Эшикнинг ёнида олма тузланган кадушка турарди. Половцев кадушканинг лабига ўтирди. Унга суҳбатлашаётганларнинг ҳар бир сўзи эшитиларди. Қиров босган деразадан ғира-шира пушти ранг ёруғлик тушиб турарди. Половцевнинг оёқлари совқотар, аммо у қимир этмай, эшик орқасидаги душманининг бўғиқ овозини нафрат билан ғижиниб тингламоқда эди. «Митингларингда гапиравериб хириллаб қолибсан, итвачча! Мен сени... Эҳ, қани энди ҳозир мумкин бўлса!»— Половцев қон томирлари тўлишган муштларини кўкрагига босар, тирноқлари қафтларига ботиб кирар эди.

Эшик орқасида:

— Мен сизга айтсам, азиз колхоз раҳбаримиз, хўжаликни эски йўриқда олиб боришимиз ярамайди! Чунончи, жавдарни олиб кўрайлик. Уни нима учун совуқ уриб нари борса десятинасига йигирма пуддан ҳосил беради, ҳатто кўп одамлар эккан уруғига яраша ҳам ҳосил ололмайди? Менинг еримда бўлса, бошоқларнинг орасидан ёриб ўтолмайсан. Баъзан биямни эгарлаб далага чиқсам, бошоқлар эгарнинг қошидан баланд келарди. Бошоқ ҳам кафтимга сиғмасди. Буларнинг ҳаммаси еримда қор тўхтатганимдан, уни суғорганимдан. Баъзи бировлар кунгабоқарни зиқналик қилиб, тагидан кесиб олади — ўтинга ярайди-ку, дейди. Табиатан ялқов бўлиб туғилиб, кўз юмилиб қолган-да! Ёзнинг куни кўрасида қий чопишга вақти йўқ. Фаҳми етмайдики, кунгабоқарнинг фақат қалпоғини кесиб, поялари қолдирилса, у қор тутади, ораларида шамол ўйнамайди, қорни жарга учириб кетолмайди. Баҳорга чиққанда бундай ер энг чуқур ҳайдалган кузги шудгордан ҳам яхши бўлиб туради. Қорни тўхтатиб турмасанг, у беҳудага эриб кетади. Сув бўлиб оқиб кетади, на одамга-ю, на ерга нафи тегади.

— Бу тўғри гап, албатта.

— Менга валинеъматимиз совет ҳоқимияти мақтов қоғозини бекорга тақдим этгани йўқ, ўртоқ Давидов! Мен ишнинг кўзини биламан. Агрономлар ҳам баъзи нарсаларда янглишиб туришади-ю, лекин уларнинг илмида ҳам кўп ҳикмат бор. Мана, чунончи, мен агрономлар журналинини олиб турардим, унда студентларга таълим берадиган ўтакетган саводхон бир одам, жавдарни совуқ урмайди, у устида қордан ёпинчиғи йўқ тақир ерда нобуд бўлади, ер чатнаб, бошоқнинг илдизларини ҳам узиб ташлайди, деб ёзган эди.

— Бу қизиқ гап экан! Мен буни эшитмаган эдим.

— Ёзганлари тўғри. Фикрига қўшиламан. Ҳатто ўзим тажриба учун синаб ҳам кўрдим. Кавлаб олиб кўраман: илдизида кичкинагина ва толадек нозик туклар титилиб узилиб кетган, ниш уриб чиққан дон ўшалар орқали ернинг қора қонини сўриб овқатланади. Дон шунинг учун овқатланишдан маҳрум бўлиб,

нобуд бўлади. Одамнинг ҳам томирини кессанг, у ҳам дунёдан ўтади-ку? Дон ҳам шундай.

— Ҳа, Яков Лукич. Бу гапинг факт. Қорни тўхта-тиш керак. Сен менга ўша агрономия журналларинг-ни бер, ўқиб кўрай.

«Сенга ярамайди! Улгуролмайсан. Умринг қис-қа!»— деб жилмаярди Половцев.

— Ёинки, шудгорда қор гўхтатиш масаласи. Иҳота керак. Мен шсх-шаббадан иҳота қилишни ҳам ўй-лаб топдим... Жарларга қарши курашиш керак, улар йил сайин минг десятинадан ортиқ еримизни олиб кетади.

— Уларнинг ҳаммаси тўғри. Сен менга шу нарса-ни айт: мол турадиган биноларни қандай қилиб иссиқ тутсак экан. Арзон ҳам бўлса-ю, қулай ҳам бўлса, а?

— Қўраларними? Буларни эплаймиз! Хотинларга четанларни суватиш керак — бу биринчидан. Бўлмаса четанларнинг оралиғини қуруқ тезак билан тўлдириш мумкин...

— Ҳа-а-а... Дорилаш масаласи қандай?

Половцев кадушкага жойлашиброқ ўтирмақчи бўлган эди. қопқоғи тагидан сирғилиб чиқиб ерга ту-шиб тарақлаб кетди. Половцев Давидовнинг:

— Нима тушиб кетди?— деб сўраганини эшитиб, тишларини гижирлатди.

— Афтидан, биров бирон нарсани ағдариб юбор-ганга ўхшайди. Қиш кунини у ерда турмаймиз, ўтин кўп кетади... Айтмоқчи, мен сизга сархил қаноп уруғини кўрсатмоқчиман. Олдириб келганман. Қишда шу зал-да гуради. Юринг.

Половцев сакраганича йўлак томонга югурди, ўз вақтида гоз ёғи билан ёглаб қўйилган эшик гижирламай сассизгина очилди, у ўзини ичкарига олди...

Давидов Яков Лукичникидан қўлтиғида бир даста журнал билан чиқди, келишининг натижаларидан мамнун, Острововнинг фойдаси тегишига яна ҳам кўп-роқ ишонган эди. «Бундай одамлар билан қишлоқни бир йилда остин-устун қилиб юборса бўлади! Лаънаги ақлли деҳқон, ўқимишли. Хўжалик билан ерга мириш-корлигини айтмайсанми! Ихтисос деб мана бунини айтса

бўлади! Макарнинг унга ола қараганини тушунмайман. Унинг колхозга катта фойда етказиши факт!» деб ўйларди у қишлоқ совети томон бораркан.

## XV БОБ

Яков Лукичнинг касофати билан Гремячийда ҳар кун кечаси мол сўя бошлашди. Қоронғи тушиши билан аллақердадир бўғиқ овоз билан бир қўй маъраб қолади, чўчқа ўлим олдидан чинқириб тинчликни бузади ёки бузоқ мўнграб қолади. Колхозга кирганлар ҳам, якка хўжаликлар ҳам молларини сўйишар эди. Хўкизлар, қўйлар, чўчқалар, ҳатто сигирларни ҳам сўйишар, насл учун олиб қолганларини ҳам бўғизлашар эди... Икки кечада Гремячийдаги шохли молларнинг ярми сўйиб юборилди. Хутор ичида итлар ичак ва қоринларини сургаб юра бошлади, ертўла ва омборлар гўштга тўлди. Матлубот жамияти дўкони бир ярим йилдан бери омборда ётган икки юз пудга яқин тузни икки кунда сотиб бўлди. «Сўявер, энди қўлимиздан кетди!», «Сўяверинглар, барибир гўшт тайёрлашга олиб қўйишади!», «Сўйиб еганинг ғанимат, колхозда гўштга оғзинг тегмайди!» деган хунук овозлар тарқалди. Сўйишга тушиб кетиб, тоза гўштхўрлик қилишди. Етти ёшдан етмиш яшаригача ҳаммаси ичбуруғ дардига йўлиқди. Уйларда овқат вақтида яхна ва қовурилган гўшт дастурхонга сиғмасди. Овқат вақтида ҳамманинг оғзи мой, ҳамма худди маъракадагидек кекиради, ҳамманинг азбаройи қорни тўйиб кетганидан кўзлари мастона сузилган.

Шчукаръ бобо биринчилар қаторида бир яшар бузоғини бўғизлади. Терисини шилиш осонроқ бўлиши учун уни кампири билан иккови харига осамиз деб кўп уринишди, беҳуда қийналишди (семириб кетган бузоқ вазмин экан), бузоқни бўксасидан кўтараман деб кампирнинг бели чиқиб кетди, шундан кейин табиб кампир бир ҳафтагача унинг белига чўян қозон иситиб босди. Шчукаръ бобо эса ўшанинг эртасига ўзи овқат қилиб, кампирининг майиб бўлиб қолганига ачинганиданми, ё очкўзликданми, овқат вақтида яхна тўш-

дан шу қадар кўп еб қўйдик, кейин бир неча кеча-кундузгача қўрадан чиқмади, қоп шимининг тугмасини солмай, эртаю кеч аёзда, омбор орқасидаги кунгабоқар поялари орасида қолиб кетди. Уша кунлари Шчукарнинг вайрона уйи олдидан ўтиб қолганлар шу манзарани кўрар эди: бобонинг телпаги полиздаги кунгабоқар поялари орасидан қимирламай кўриниб турар, сўнг кунгабоқарлар орасидан бирдан Шчукаръ бобонинг ўзи ҳам кўринар, тугмалари солинмаган шимини ушлаб олганича тор кўчага қиё ҳам боқмай, уйи томон диканглаб қолар эди. Оёгини аранг судраб босганча эшикка етиб борарди-да, бирдан зарур нарса эсига тушиб қолгандек, орқасига ўгирилиб, зинғиллаганича яна кунгабоқарлар орасига уриб кетарди. Яна поялар орасидан бобонинг папоғи диккайиб кўриниб турарди. Аёз забтига олар, шамол эса полиз бетидеги қорни тўзғитиб, бобонинг атрофига тик чўққили тепалар уйиб қўярди...

Размётнов икки кундан кейин кечқурун, мол сўйиш оммавий тус олганини билиб, Давидовнинг олди-га югуриб борди.

— Утирибсанми?

— Уқиянман.— Давидов кичкина сарғиш китобча саҳифасини очиб, ўйчанлик билан жилмайди.— Жуда қизиқ китоб экан, ошнам, оғзинг очилиб қолади!— деб кулди кемшик тишларини кўрсатиб, бармоқлари калта кучли қўлларини кериб қўйиб.

— Роман ўқиб ўтирибсанми? Ё қўшиқ китобдир. Хуторда бўлса...

— Вой тентак! Тентак! Роман эмиш! Қўшиқ китобга бало борми!— Давидов хохолаб кулганича Андрейни қаршисидаги табуретга ўтқазиб, китобни қўли билан нўқиди.— Бу Андреевнинг Ростов партия активидаги доклади-ку. Бу ўнта романга арзийдиган китоб, ошнам! Факт! Ўқишга тушиб азбаройи берилиб кетганимдан овқат ейиш ҳам эсимдан чиқибди. Савил қолгур... энди совуб қолган бўлса керак.— Давидовнинг қорамағиз юзида афсус ва ўкинч излари кўринди. У ўрнидан туриб, калта шимини ҳафсализлик билан тузатди-да, қўлини чўнтакларига суққанча ошхонага чиқиб кетди.



— Гапимга қулоқ соласанми, йўқми?— ғижиниб сўради Размётнов.

— Бўлмаса-чи! Албатта қулоқ соламан. Ҳозир.

Давидов ошхонадан сопол товоқда совуб қолган карам шўрвани олиб кириб ўтирди. У нонни бир йўла қатта тишлаб, чайнай бошлади, қип-қизил юзининг лунжларида тугундек бир нарса бориб кела бошлади, ҳорғин кўкиш кўзларини қисиб, индамай Размётновга тикилди. Карам шўрванинг юзида сап-сарик мол ёғи ялтироқ доирачалар шаклида тўнғиб қолган, сузиб юрган қалампир қизил алангадек товланар эди.

— Шўрва гўштликми?— ўсмоқчилаб сўради Андрей, тамакидан қорайган қўллари билан товоқни кўрсатиб.

Овқат тикилган Давидов базўр жилмайиб мамнуният билан бош қимирлатди.

— Гўштни қаёқдан олдинглар?

— Билмасам. Нима эди?

— Нима бўларди, хуторда молларнинг ярмини сўйиб юборишди.

— Ким?— Давидов бир бурда нонни қўлида айлантириб уни четга суриб қўйди.

— Иблислар!— Размётновнинг пешанасидаги чандиғи қизариб кетди.— Колхоз раисимиш-а! Гигант хўжалик барпо қиляпсан-а! Худди ўзингнинг колхозчиларинг сўйишяпти! Якка хўжаликлар ҳам! Ҳаммаларига худди жин теккандай! Ҳамма молларни ёппасига, ҳатто чунончи, ҳўкизларни ҳам сўйишяпти!

— Ғалати одатинг бор-да... худди митингдагидек бақирасан...— деди ғижиниб Давидов, шўрвани ичишда давом этаркан:— Сен менга молларни кимлар, нима учун сўяётганини ётиғи билан бафуржа гапириб бер.

— Нима учунлигини мен қаёқдан билай?

— Сен ҳамиша бақириб-чақиршни биласан, холос... Кўзингни юмсанг — қадрдон ўн еттинчи йил кўринади.

— Бақирмай ҳам кўр-чи!

Размётнов бошланиб кетган мол сўйиш ҳақида билган ҳамма гапларини айтиб берди. Давидов бора-бора овқатини чайнамай юта бошлади, бояғи ҳазил-

кашлигидан асар ҳам қолмади, кўзларининг атрофида қатор-қатор ажинлар пайдо бўлди, юзи ҳам бирдан қаримсиқ бўлиб қолди.

— Дарҳол бориб умумий мажлис чақир. Нагульновни... Майли, унинг олдига ўзим кирсам ҳам бўлади.

— Нега чақирамиз?

— Нега дейсанми? Мол сўйишни тақиқлаймиз! Колхоздан ҳайдаб, суд қиламиз. Бу ғоят муҳим нарса, факт! Бизга яна кулаклар тўсқинлик қилаётирлар! Хўп, ма, чеку жўна... Ҳа, айтмоқчи, хушхабарни айтай сенга.

Давидовнинг қовоғи очилиб, юзида бахтиёр табасум кўринди, лабларини зўр бериб қимтишга уринса-да, лекин қувончини яширолмади.

— Мен бугун Ленинграддан посилка олдим... Ҳа, йигитлардан посилкача олдим...— у энгашиб, каравот тагидан бир яшик олди, мамнун бўлганидан қизариб, унинг қопқоғини очди.

Яшикдан папирос қутилари, бир қути печенье, китоблар, нақш солинган ёғоч тамакидон ва пакетларга солинган ҳамда қоғозларга тургакланган яна алланималар тартибсиз ҳолда ётарди.

— Ўртоқларим эслашиб, мана шуларни юборишибди... Бу бизнинг Ленинград папирослари, ошна... Мана, кўрдингми, ҳатто шоколад ҳам бор, бошимга урамани уни? Битта-яримтанинг бола-чақасига бериш керак... Хуллас, бунда фактнинг ўзи муҳим, аммо булар эмас. Тўғрими? Энг муҳими мени эслашиб, шу нарсаларни юборишибди-ку, мана, хати ҳам бор...

Давидовнинг овози одатдан ташқари мулойим эди; Андрей ўртоқ Давидовни биринчи марта бу қадар ўзида йўқ бахтиёр кўриши эди. Унинг ҳаяжони қандай йўл биландир Размётновга ҳам кўчди. Унинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб, минғиллаб қўйди:

— Кўп яхши бўпти. Сен ажойиб йигитсан, шунинг учун ҳам юборишган-да. Бу нарсаларни олиш учун озмунча пул кетмаган бўлса керак.

— Гап бунда эмас! Ўзинг биласан-ку, шўримга қариндош-уруғим ҳам йўқ; хотиним ҳам, ҳеч кимим йўқ, факт! Шу орада лоп этиб посилка келиб қолса бўла-

дими? Таъсирли факт... Хатдаги имзоларнинг кўплигини қара.— Давидов бир қўли билан бир қути папиросни чўзиб, иккинчи қўлида бир талай имзо қўйилган хатни ушлаб турарди. Унинг қўллари қалтирарди.

Размётнов Ленинград папиросидан чекиб, сўради:

— Хўш, янги квартирангдан мамнунмисан? Уй бекаси дурустми? Кир-чирларингни нима қиляпсан? Ё онамга олиб бориб ювдирсанг бўлармиди, а? Ёки уй бекаси билан келишиб оласанми... Устингдаги кўйлагинг қатирма бўп кетибди, қилич билан ҳам чопиб бўлмайди, тер ҳидинг оқ кўпикка тушиб кетган отнинг ҳидидан ҳам баттар.

Давидов хижолатдан қизариб кетди.

— Ҳа, шунақароқ... Нагульновникида турганимда у ерда ўнгайсизроқ бўлди... Ямоғимни ўзим ямадим, кир-чирни ҳам ўзим бир амаллаб ювдим. Умуман олганда, келганимдан бери чўмилганим йўқ, буниси факт. Фуфайкам ҳам анча... бу ердаги дўконда совун йўқ экан, бу хотиндан илтимос қилган эдим, «совун беринг» дейди. Йигитларга хат ёзаман, кир совун юборишсин. Квартира чакки эмас, болалар йўқ, бемалол ўқиш мумкин, умуман...

— Онамга олиб бориб бер, ювиб беради. Ҳеч тортинма. Онам жуда очиқ кампир.

— Бу ёғини эплайман, ташвишланма, раҳмат. Колхоз учун ҳаммом қуриш керак, жуда керакли нарса! Қурамиз ҳам, факт! Хўп, бориб, мажлисни уюштир.

Размётнов чекиб бўлгач, чиқиб кетди. Давидов посылкадаги пакетчаларни бекордан-бекорга у ёқдан-бу ёққа олиб қўйиб, хўрсинди, кир бўлиб кетган сарғиш қўнғир фуфайкасининг чўзилган ёқасини тузатиб, юқорига таралган қора сочини силади-да, кийина бошлади.

Йўл-йўлакай Нагульновнинг олдига кирди. Нагульнов уни қалин қошларини чимириб, четга қараганича қарши олди.

— Молларни сўйишяпти. Хусусий мулкларига ачи нишяпти. Майда буржуй шундай саросимага тушганки, нима деб таърифлашингни билмайсан,— деб гудради у, саломлашаркан. Шу ондаёқ хотинига кескин бурилди:— Сен, Гликерья, ҳозир бетдан чиқиб тур.

Бирпас уй эгасиникида ўтира тур, мен сенинг олдингда гапиролмайман.

Маъюс қиёфали Лушка ошхонага чиқиб кетди. Тимофей Тиртиқ кулак оилалари билан кетгандан бери у сувга тушган мушукдек шумшайиб юарди. Шиншинқираган ғамгин кўзларининг ости кўкарган, бурни ҳам мурданинг бурнидек сўррайиб қолган. Хушторининг фироқи қалбига ўт солганга ўхшайди. Ўша куни, кулакларни совуқ Қутб ўлкаларига жўнатиш вақтида, у очиқ-ошкор тортинмасдан, Тимофейни кутиб, Боршчевнинг ҳовлиси атрофида кун бўйи айланган эди. Кечга яқин кулак оилалари ва қақир-қуқурлари ортилган чаналар Гремячийдан жўнай бошлаганда Лушка хунук овоз билан чинқариб ўзини қорга ташлади. Тимофей чанадан сакраб тушиб унга қараб югурмоқчи бўлган эди, аммо Фрол Тиртиқ ўшқариб уни қайтарди. Тимофей нафрат ва адоватдан оқариб кетган лабларини тишлаб, Гремячийга ўқтин-ўқтин қараганича чана орқасидан кетди.

Тимофейнинг ширин сўзлари энди шитирлаган терак япроқларининг овозидек тинди — Лушка энди уларни ортиқ эшитолмаса керак. Жувон шўрлик ҳасрат-надоматдан нега куйиб-ёнмасин! Энди ким кўзларига меҳр билан боқиб: «Бу кўк юбка сизга жуда ҳам ярашибди, Луша! Сиз буни кийсангиз, эски вақтдаги офицерларнинг хотинларидан ҳам савлатлироқ бўлиб кетасиз» дейди. Ёйинки хотинларнинг қўшиғидаги: «Яхши қол, танноз жонон. Жоним ҳуснингга қурбон» сўзларини ким айтади? Лушканинг қалбини ёлғиз Тимофейгина хушомаду самимий хира-хандонлик билан орзиқтира оларди.

Ўша кундан кейин эридан жуда ҳам кўнгли совуб қолган эди. Макар ўшанда вазминлик билан одатдан ташқари кўп гапирган эди:

— Меникида охирги кунларингни яшаб қол. Кейин упа-элик солинган бало-баттар шиша қутиларингни кўтариб, туёғингни шиқиллатиб қол. Мен сени яхши кўрганимдан шунча иснодларга чидаб келдим, энди тоқатим тоқ бўлди! Кулакнинг ўғли билан ўйнашиб юрдинг, индамадим. Ҳамма онгли колхоз аҳли олдида ўшани деб, кўз ёши қилдинг, энди заррача тоқатим

қолмади! Сен билан жаҳон революциясига етиб олишим у ёқда турсин, биратўласи бир чеккага чиқиб қолишим ҳам ҳеч гап эмас. Сен менинг елкамдаги ортиқча юксан. Мен бу юкни ирғитиб ташлайман! Тушундингми?

— Тушундим,— деб жавоб берди Лушка ва жим бўлиб қолди.

Ушанда кечқурун Давидов Макар билан жиддий гаплашган эди.

— Хотининг сени шармандаи шармисор қилди! Энди колхоз оммасининг кўзига қай юз билан қарайсан, Нагульнов?

— Сен яна эски гапни бошлаяпсан...

— Тўнгат! Тепса тебранмас!— Давидовнинг бўйни қизариб, пешанасидаги томирлари ўйнаб кетди.

— Сен билан гаплашиб бўладими, ахир?— Нагульнов хона ичида юриб, бармоқларини қирсиллатар, аста муғомбирона жилмаяр эди.— Гапдан сал янглишиб қолсам, дарров илиб олиб: «Анархист! Оғмачи!» дейсан. Менинг хотинга қандай қарашимни, бу ҳақоратларга нима сабабдан чидаб келганимни биласанми? Мен ўй-хаёлларим у билан банд эмаслигини сенга айтган эдим шекилли. Сен қўйнинг думбаси тўғрисида ҳеч ўйлаб кўрганмисан?

— Йў-ў-ўқ...— деди чўзиб Макар сўзни шартта бошқа ёққа буриб юборганидан ҳанг-манг бўлган Давидов.

— Мен бўлсам ўйлаб кўрганман: табиат қўйга думбани нима учун берган? Фойдасиз нарсага ўхшаб кўринади. Хўш, от билан ит пашшаларини думлари билан қўришади. Қўйга бўлса саккиз қадоқ ёғни ормоқлаб қўйишибди, селкиллатгани-селкиллатган, пашшасини қўрий олмайди, ёзда думбасининг дастидан исиб кетади, унга чакамуғ ёпишади...

— Думба, бало-баттар қуйруқларингга бало борми?— Давидовнинг аста жаҳли чиқа бошлади.

Аммо Нагульнов пинагини бузмай сўзида давом этди:

— Менимча, айбини бекитиш учун осиб қўйилган бўлса керак. Ноқулай, аммо на чора? Мана менга ҳам хотин, яъни хотиним бамисоли қўйга думба керак

бўлгандек керак. Менинг бутун диққат-эйтиборим жаҳон революциясида. Мен ўша жононни иштиёқ билан кутмоқдаман... Менга хотиннинг ҳеч кераги йўқ. Хотин менга шунчаки номига керак. Хотинсиз ҳам туриб бўлмайди, айбнингни беркитишинг керак... Мен бетоброқ бўлсам ҳам, қирчиллаган йигитман, иш орасида ора-чўра яраб туришим ҳам мумкин. Унинг оёғи енгил экан, бундан баттар бўлсин! Мен унга «ўлиб турган бўлсанг, майли, юравер, лекин шуни билиб қўйки, туғиб ёки касалга чалиниб келаркансан, бўйнингни суғуриб оламан!» деганман. Сен бўлсанг, ўртоқ Давидов, бу гапларни тушунмайсан. Сен бамисоли йиғма темир газга ўхшайсан. Революцияга ҳам бошқача қарайсан... Хўш, хотин кишининг гуноҳини нега менинг юзимга соласан? У менга ҳам етади, аммо кулакнинг барига ёпишиб, синфий душман учун уввос тортган экан, мен бу газандани қўрамдан ҳайдаб юбораман. Мен уни калтаклашдан ожизман. Мен янги ҳаёт сари қадам қўйяпман, қўлимни булғатишни истамайман. Сен бўлсанг дўппослардинг-а? Унда сен коммунист билан, чунончи, ўтмишдаги аллақандай амалдорнинг орасида нима фарқ қолади? Улар ҳаммаша хотинларини уришар эди. Ҳа, шундай! Йўқ, биродар, сен мен билан Лушка тўғрисида оғиз очма. Унинг таъзирини ўзим бераман, сен бу ишга суқилма. Хотин масаласи жуда жиддий нарса! Унга кўп нарса боғлиқ.— Нагульнов ширин хаёл билан жилмайди-да, завқ билан гапида давом этди:— Ҳамма чегараларни емириб бўлганимиздан кейин, энг аввал ўзим: «Қани, ғайри зотларга уйланинглар!» деб ҳайқираман. Ҳамманинг қони аралашиб кетиб ёруғ дунёда бировнинг танаси оқ, бировнинг танаси сариқ, яна бировнинг танаси эса қора бўлмайди, оқ танлилар бошқаларнинг рангларини юзларига солиб, уларни ўзларидан паст кўрадиган бемаъ依лик барҳам ейди. Ҳамманинг ёқимтой юзи қорамангиз бўлади. Ҳамма бир хил бўлади. Мен баъзан кечалари билан шуларни ҳам ўйлаб чиқаман...

— Сен ҳалиям туш кўряпсан, Макар!— деди Давидов хафа бўлиб.— Сенинг кўп томонларингга тушунмайман. Ирқий айирмачилик ҳақидаги гапинг тўғри,

қолганлари бўлса... Майшат масалаларидаги фикрларингга қўшилмайман. Майли, билганингни қил! Энди сеникида турмайман. Факт!

Давидов стол тагидан чамадонини олиб (унинг ичида бекор ётган асбоблар аста шиқирлаб кетди) йўлга тушди. Нагульнов уни янги квартирасига, боласиз колхозчи Филимоновникигача кузатиб борди. Улар Филимоновнинг қўрасига етгунча йўл бўйи экин ҳақида гапириб, оила ва майшат масалаларига бошқа тақилмадилар. Ушандан бери уларнинг орасига тушган совуқлик яна ҳам кучайган эди...

Нагульнов Давидовни бу гал ҳам четга қараб туриб қарши олди, аммо Лушка чиқиб кетгач, шаҳдамроқ гапирди.

— Газандалар молларни сўйишяпти! Еб ёрилишса ҳам майли, колхозга топширишмаса бўлгани. Менда шундай таклиф бор: шу бугуноқ мажлисда молларни сўяётганларнинг энг ашаддийларини отиш керак, деган қарор чиқарсак!

— Нима-нима?

— Отиш керак, деган қарор чиқарсак, дейман. Отиш масаласини кимдан илтимос қилиш мумкин? Халқ судининг қўлидан келмайди-а? Бўғоз сигирларни сўйганлардан иккитагинаси отиб ташланса борми, қолганлар дарров ҳушига кела қоларди! Энди жуда қаттиқ туриш керак.

Давидов кепкасини сандиққа ирғитиб, хона ичида айланиб юра бошлади. Унинг овозида норозилик ва ўйчанлик оҳанги бор эди:

— Мана сен яна оғмачилик қиляпсан... Ҳайронман сенга, Макар! Ўзинг бир ўйлаб кўр: сигир сўйгани учун отиш мумкинми, ахир? Бунақа қонунлар ҳам йўқ, факт! Марказий Ижроқўм ва Халқ Комиссарлари Советининг қарори бор эди, бу ҳақда тўғридан-тўғри шундай дейилган: икки йилга қамаш керак, еридан маҳрум қилиш мумкин, ашаддийлари ўлкадан сургун қилинсин дейилган, сен бўлсанг, отиш тўғрисида илтимос қилиш керак дейсан. Тавба, сен бир галати...

— Ғалати эмиш! Ғалати эмасман! Сен нуқул чамалаб режа тузганинг тузган. Экинни нима билан

экамиз? Нимада экамиз... колхозга кирмаганлар хўкизларини сўйиб тамомласа?

Макар Давидовга яқин бориб, қўлларини унинг кенг елкасига қўйди. Давидовнинг боши унинг энгагидан келарди, унга юқоридан қараб гапира бошлади:

— Сёма! Ҳей, бечора! Миянг нега бунча секин ишлайди?— шуни деб у бақириб юбораёзди:— Экишни эплаб ололмасак хароб бўламиз-ку, ахир! Наҳотки тушунмасанг! Газандалардан иккита-учтасини чорва учун албатта отиб ташлаш керак! Кулакларни отиб ташлаш керак! Бу ўшаларнинг иши! Юқори ҳукуматдан илтимос қилиш керак!

— Аҳмоқ!

— Мана тагин мен аҳмоқ бўлиб қолдим...— Нагульнов бошини эгди, лекин шу ондаёқ ниқталган отдек бошини дарҳол кўтариб бақира кетди:— Ҳаммасини қийратиб ташлашади! Худди граждандар уруши вақтидагидек позиция эгаллаш вақти келди, атрофидан душман бостириб келяпти, сен бўлсанг!.. Сенга ўхшаганлар жаҳон революциясини барбод қилади!.. У сенга ўхшаш зеҳни пастларнинг касофатидан рўёбга чиқмайди! У ёқда ҳамма буржуйлар ишчи халққа азоб беряпти, қизил хитойларни йўқ қилипти, барча қора танлиларни калтаклашапти, сен бўлсанг, бу ерда душманларни аяб ўтирибсан! Уят! Шармандан шармисорлик! Чет элларда буржуйлар таҳқирлаётган қон-қардош биродарларимизни ўйласак юракларимиз қон бўлади. Шу сабабдан мен газета ҳам ўқиёлмайман! Газеталарни кўрсам юрак-бағрим эзилиб кетади! Сен бўлсанг... Душманларимиз турмаларда чири-таётган қон-қардош биродарларимизни ҳеч ўйлайсанми? Сен уларга ачинмайсан!..

Давидов қаттиқ пишиллаб, қорамойдек сочларини панжаси билан тўзғитди.

— Жин урсин сени! «Ачинмайсан»нинг нимаси? Факт! Бақираверма мумкин бўлса! Узинг жиннисан, бошқаларни ҳам жинни қилмоқчисан! Мен урушда Лушканинг қуралай кўзлари учун контрларнинг таъзирини берган эканман-да. Таклиф қилаётган нарсангни биласанми? Эсингни йиғ! Отиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас! Ундан кўра оммавий иш олиб



бориб, бизнинг сиёсатимизни тушунтирсанг-чи, отиб ташлаш — оппа-осон! Сен ҳамиша шунақасан! Сал қисталанг келиб қолса, ҳаддингдан ошиб, оғиб кетасан, факт! Бу вақтгача қаёқда эдинг?

— Сен қаёқда бўлсанг, мен ҳам ўша ёқда эдим!

— Ҳамма гап шунда-да! Биз ҳаммамиз бу кампанияни қўлдан бой бериб қўйибмиз, энди отиш тўғрисида гапириб ўтирмасдан, аҳволни тузатишимиз керак! Сен дағдағангни қўй! Ишга кириш. Вой ойм-тилла-е! Тирноғи бўялган оймчадан ҳам баттарсан.

— Тирноқларим қон билан бўялган!

— Қўлқопсиз жанг қилганларнинг ҳаммасиники ҳам шундай, факт!

— Семён, мени оймтилла дейишга қандай тилинг борди?

— Омади гап-да.

— Бу сўзингни қайтиб ол,— оҳиста илтимос қилди Нагульнов.

Давидов унга индамай тикилиб туриб, кулиб юборди.

— Қайтиб олдим. Сен ўзингни босиб ол, мажлисга борамиз. Мол сўйишга қарши зўр ташвиқот олиб бориш керак!

— Мен кеча кун бўйи уйма-уй юриб, одамларни гапга кўндиришга ҳаракат қилдим.

— Бу — яхши метод. Яна бир айланиб чиқиш керак, ҳаммамиз айланиб чиқишимиз керак.

— Мана сен тагин... Мен кеча ҳар бир қўрадан чиқаётганимда: «Ҳа, кўндирдим шекилли!» деб ўйлайман. Чиқишим билан: «Чий-ий, чи-и-ий!» деган овоз эшитилиб қолади — бўғзига пичоқ тортилган бирон чўчқа чийиллаётган бўлади. Бўлмаса хусусий мулкчи газандага шунгача жаҳон революцияси билан коммунизм тўғрисида роса бир соат гапирганман! Гапирганда ҳам қандай гапирганман! Азбаройи таъсирининг зўрлигидан ўзимнинг кўзимдан ҳам бир неча марта тирқираб ёш чиқиб кетган. Йўқ, уларга ялиниб-ёлвориш эмас: «Кулакнинг гапига кирма, ярамас газанда! Ундан хусусий мулкчиликни ўрганма! Молларни сўйма, разил!» — деб калласига тушириш керак. У хаёли-

да, хўкизни сўйяпман, деб ўйлайди. Аслида эса жаҳон революциясининг яғринига пичоқ соляпти!

— Бировларни уриш керак, бировларга эса таълим бериш керак,— деб ўз гапида туриб олди Давидов.

Улар қўрага чиқишди. Ҳўл қор бўралаб ёғмоқда. Епишқоқ паға-паға қор эски қор устини қоплаб, томларда эримоқда. Қоп-қоронғи зулматда мактабга етиб боришди. Мажлисга гремачийликларнинг ярмисигина келди. Размётнов Марказий Ижроқўм ва Халқ Комиссарлари Советининг «Молларни қасдан сўйишга қарши кураш чоралари тўғрисида» деб чиқарган қарорини ўқиб берди, кейин Давидов нутқ сўзлади. Гапининг охирида масалани очиқ айтди.

— Бизда, граждaнлар, колхозга кириш ҳақида йигирма олтита ариза бор. Эртага уларни мажлисда кўрамиз, колхозга кирмасидан олдин, кулакларнинг тузоғига илиниб, молларини сўйганларни қабул қилмаймиз, факт!

— Агар колхозга кирганлар ёш молларни сўяётган бўлса, унда нима бўлади?— сўради Любишкин.

— Уларни ҳайдаймиз!

Мажлис аҳли ҳанг-манг бўлиб, ғовур кўтарилди.

— Унда колхозни тарқатиб юборинглар! Хуторда мол сўйилмаган хонадон йўқ!— деб қичқирди Боршчев.

Нагульнов унга ўшқириб, муштларини силкиди:

— Сен хап бўл, кулакнинг думи! Колхознинг ишларига суқилма. Сенсиз ҳам эплеймиз! Ўзинг уч яшар новвосингни сўймадингми?

— Ўзимнинг молимга ўзим хўжайинман!

— Мен сени эртага бир қаматиб қўяй, хўжайинлигингни ана ўша ерда қиласан!

— Жуда кескин-ку! Жуда кескин чора кўряпсизлар-ку!— дея қичқирарди кимдир хирқироқ овоз билан.

Мажлисида одам кам бўлса ҳам, қизгин бўлди. Ҳамқишлоқлар индамай тарқалишди, мактабдан чиқиб тўда-тўдаларга бўлиниб жўнаганларидан кейин, йўл-йўлакай ҳасратлашиб кетдилар.

— Нима жин уриб иккита қўйимни сўйиб юриб-

ман-а!— деб Любишкинга нолирди колхозчи Семён Куженков.— Сизлар энди бу гўшти бурунимиздан чиқазасизлар...

— Мен ҳам эчкимни сўйиб, расво бўлдим, йигитча...— оғир хўрсинди Любишкин.— Энди мажлисдагиларнинг юзига қандай қарайман? Қасофат хотин! Йўлдан оздирди лаънати! «Сўймасанг ҳам сўясан!» дейди-я. Гўшт егиси келганмиш! Ҳа, юбка кийган урғочи шайтон! Ҳозир бориб бир пўстагини қоқай!

— Ҳа, таъзирини бериш керак, таъзирини бериш керак,— деб маслаҳат берарди Любишкиннинг қудаси кекса чол Аким Бесхлебнов.— Сенга уят, қуда, сен колхоз аъзосисан-ку!

— Шуниси ёмон-да,— деб хўрсинди Любишкин қоронғида мўйловига ёпишган паға-паға қорни силкитиб қатқалоқларга қоқинаркан.

— Сен ҳам тарғил хўкизингни сўйган бўлсанг, керак, Аким бобо?— Йўтала-йўтала сўради Бесхлебновнинг қўшниси Демка Ушаков.

— Сўйдим, азизим. Сўймай бўладими? Оёғини синдириб келибди, синдириб келибди лаънати тарғил! Фалокат босиб ертўланинг томига чиқиб қолган экан, ертўлага тушиб кетиб оёғи синибди.

— Наҳорда келининг билан хивич олиб уни ертўланинг томига қараб ҳайдаётганларингни кўрганим-даёқ айтган эдим-а...

— Нима деяпсан! Нималар деяпсан, Дементий! То-вушингни ўчир!— қўрқиб кетди Аким бобо ва тим қоронғи тун зулматида кўзини пириллатиб учирганича тор кўчанинг ўртасида тўхтаб қолди.

— Юр, юр, бобо,— деб уни тинчитди Демка.— Хўш, нега ботиб кетган омондек қаққайиб қолдинг? Хўкизни ертўлага ҳайдаб киргиздинг-ку...

— Узи кирди, Дементий! Гуноҳга қолма. Уҳ, бу катта гуноҳ-а!

— Қувсану, лекин хўкизча ҳам қув эмассан. Хўкиз тилини чўзса думининг тагига етади, сен бундай қилолмасанг керак, а? «Хўкизни майиб қилсам, шубҳадан холи бўламан» деб ўйлаган бўлсанг керак-да?

Хутор устида намхуш шамол қутурарди. Анҳор устидаги тўп-тўп терак ва толлар шовилларди. Хутор-

ни зим-зиё қоронғилик босмоқда эди. Тор кўчаларда рутубатдан бўғиқ эшитилган овозлар анчагача янграб турди. Гупиллаб қор ёғмоқда. Қиш бисотида қолганларини қоқмоқда эди...

## XVI Б О Б

Давидов мажлистан Размётнов билан бирга қайтиб келмоқда эди. Қалин, ҳўл қор уриб турарди. Қоронғиликда у ер-бу ерда чироқлар милтилларди. Шамол эпкинни учириб олиб келган ит овозлари хутор бўйлаб тинмай ғамгин янграрди. Давидов Яков Лукичнинг қор тўхтатиш тўғрисидаги ҳикоясини эслаб, хўрсинди: «Йўқ, бу йил бу нарсага қўл тегмайди. Мана шу бўралаб ёғишида шудгорларга қанча қор тушиши мумкин эди! Минг афсус, факт!»

— Отхонага кириб, колхоз отларини кўрайлик,— деб таклиф қилди Размётнов.

— Бўпти.

Тор кўчага бурилишди. Ҳадемай чироқ кўринди: Лапшиновнинг отхонага мослаштирилган пичанхонасининг олдида фонарь осилиб турарди. Ҳовлига киришди, отхона эшиги олдида бостирма тагида саккизтача казак турарди.

— Бугун ким навбатчилик қиляпти?— деб сўради Размётнов.

Турганлардан бири тамакисини этигига эзғилаб ўчирди-да:

— Кондрат Майданников,— деб жавоб қилди.

Давидов қизиқиб:

— Нега бу ерда одам кўп? Бу ерда нима қиляпсизлар?— деб сўради.

— Шундай, ўртоқ Давидов... Ҳаммамиз бирга чекишиб турибмиз...

— Кечқурун хирмондан хашак олиб келган эдик.

— Чекканимиздан кейин ҳангамалашиб қолдик. Қор тинишини кутяпмиз.

Хона-хона қилиб ажратилган охурларда отлар бир маромда кавшанмоқда. Тер, от тезаги ва сийдигининг ҳиди енгил анқиб турган сершувоқ дашт пичанининг

ҳиди билан аралашиб кетган. Ҳар қайси катакнинг рўпарасидаги ёғоч қозиқларда хомут, қуюшқон ёки постромкалар осилиб турибди. Йўлакча тоза супурилиб, унга юзагина қилиб, сап-сарик қум сепиб қўйилган.

— Майданников!— деб чақирди Андрей.

— Ҳов!— деган жавоб эшитилди отхонанинг оёғидан.

Майданников айрида бир қучоқ жавдар похол олиб келмоқда эди. У эшикдан тўртинчи катакка кириб, қора отни оёғи билан тепиб турғазди-да, похолни сочиб солди.

— Қимирласанг-чи! Лаънати!— жаҳл билан қичқирди у ва мудраб ётган отга айри сопи билан ўқталди.

От чўчиб кетди, оёқлари билан тахта полни тақиллатди, пишқириб охурга чўзилди, унинг қайтадан ётиш ниятидан қайтгани кўриниб турарди. Отхона ва похол ҳиди сингиб кетган Кондрат Давидовнинг олдига келиб, муздек қадоқ қўлини чўзди.

— Хўш, қалай, ўртоқ Майданников?

— Чакки эмас, ўртоқ колхоз раиси.

— Мунча энди жуда расмий равишда «ўртоқ колхоз раиси» демасанг...— Давидов жилмайди.

— Мен ҳозир хизмат вазифаларимни бажараётирман.

— Отхонанинг олдида нега одамлар тўпланиб турибди?

— Ўзларидан сўранг!— Кондратнинг овозида зардали ўқинч оҳанги эшитилди.— Кечаси отларга хашак сола бошладик дегунча, дайдиб келиб қолишади. Халқ якка деҳқон хўжалик одатини тарк қилолмапти. Бу ўтирганлар ҳаммаси отларнинг эгалари! Келишиб: «Менинг тўригимга пичан солдингми?», «Менинг саманимга похол тўшадингми?», «Менинг биям омонми, ишқилиб?» дейишади. Нима, унинг бияси бир ёққа кетар эканми? Нима, мен уни икки буклаб оғзимга тикармидим? Ҳаммалари ёпирилишиб келишиб: «Кел, отларга хашак солишиб юборай!» деб илтимос қилишади. Ҳар ким ўзининг отига кўпроқ пичан ташлашнинг пайдан бўлади... Бошимизга бало бўлди! Бу ер-

да бекорчи одамлар юрмасин, деган қарор чиқариш керак.

— Эшитдингми?— Андрей Давидовга имо қилиб, бошини ғамгин чайқаб қўйди.

— Ҳаммасини ҳайда!— қаҳр билан буюрди Давидов.— Навбатчи билан ёрдамчиларидан бошқа ҳеч ким қолмасин! Пичанни қанчадан соляпсан? Ҳар солганингни тортиб кўряпсанми?

— Йўқ, тортаётганим йўқ. Чама билан ҳар бирига ярим пуддан соляпман.

— Ҳаммасига ҳам похол тўшаяпсанми?

— Бу нима деган гап, худо ҳақи!— Кондрат будённовча шлёмини жаҳл билан силкиди, қорамағиз бўйнига, эскирган зипунининг ёқасига юмшоқ тўпон тўкилди.— Хўжалик мудиримиз Яков Лукич Островнов бугун кечга яқин келиб: «Отларнинг тагига нишхўрдларни тўшагин», дейди. Шу ҳам иш бўлдимми? Лаънати ўзи энг тадбирли деҳқон ҳисобланади-ю, гапининг тугуруқсизлигини қара-я!

— Нима бўлди?

— Нима бўларди, Давидов! Нишхўрдларнинг ҳаммаси егуликка ярайди. Уларнинг орасида еса бўладиган майда шувоқ, бурган бор: қўйлар билан эчкилар буларнинг ҳаммасини битта қўймай пок-покиза туширади, у бўлса, отларнинг тагига тўшайсан, деб буйруқ беради! Гапига гап қайтарган эдим, «Менга ўргатишга ҳақинг йўқ!» дейди.

— Нишхўрдларни тўшама. Тўғри! Биз эртага унинг думини бураб қўямиз!— деди Давидов.

— Яна бир иш бор: қудуқнинг олдига уйилган ғарам ҳам бузилди. Бунинг нима ҳожати бор?

— Менга Яков Лукич бу ёмонроқ пичан, деган эди. У ёмон пичанни қишда едириб юбориб, яхшисини ер ҳайдаш вақтида олиб қолмоқчи.

— Хўп, ундай бўлса тўғри экан,— маъқуллади Кондрат.— Лекин нишхўрд тўғрисидаги гапни айтиб қўйинглар.

— Айтаман. Ма, Ленинград папиросидан чек... Давидов йўталди.— Менга заводдаги ўртоқларим юборишибди... Отларнинг ҳаммаси ҳам соғми?

— Раҳмат. Гугуртингизни беринг... Отларнинг

ҳаммаси туппа-тузук. Кеча кечаси Лапшиновдан ўтган йўрғамиз ётоқчилаб қолган экан, пайқаб қолдик. Бўлмаса ҳамма ишлар жойида. Лекин биттаси бор жин ургур, ҳеч ётмайди. Кечаси билан тик туриб чиқаркан. Эртага ҳаммасининг олдинги оёқларини тақалаймиз. Тойгоқда тақаларнинг тишини муз еб қўйибди. Хўп, хайр бўлмаса. Ҳаммасига похол тўшаб улгурганим йўқ.

Размётнов Давидовни кузатиб борди. Гаплаша-гаплаша бир кварталдан ўтдилар, Размётнов Давидовнинг квартирасига буриладиган муюлишда, якка хўжалик Лукашка Чебаковнинг қўраси қаршисида тўхтади-да, Давидовнинг кифтига туртиб, шивирлади:

— Уни қара!

Улардан уч қадам наридаги эшик олдида одам шарпаси қорайиб туради. Размётнов бирдан югуриб бориб, эшикнинг нарёғида турган одамни чап қўли билан ушлаб, ўнг қўли билан наган сопини чангаллади.

— Сенмисан, Лука?

— Сизмисиз, Андрей Степанович?

— Ўнг қўлидаги нима? Қани, бер-чи! Тез бўл!

— Сизмидингиз? Уртоқ Размётнов!

— Бер дейман! Тушириб қолмасимдан!..

Давидов кўзларини қисиб овоз келаётган томонга борди.

— Ундан нимани тортиб оляпсан?

— Бер, Лука! Отиб юбораман!

— Манг, ола қолинг, бунча жинингиз қўзимаса?

— У эшикнинг тағида шу нарсани кўтариб турган экан! Эҳ, лаънати! Нега кечаси пичоқ кўтариб турибсан? Сен кимни кутиб турган эдинг? Давидовними? Нега финка кўтариб турган эдинг? Контрми-сан? Қотиллик қилмоқчимидинг?

Эшик олдида турган одам қўлидаги пичоқнинг оқ тиғини Андрейдек овчининг ўткир кўзларигина кўриши мумкин эди. Шунинг учун ҳам қуролсизлантиришга ошиқди. Қуролсизлантирди ҳам. Саросимада қолган Лукашкани нафаси тиқилганича сўроқ қила бошлагач, Лукашка эшикни очиб бўшашган овоз билан шундай деди:

— Шунақа деб ўйлаётган бўлсангиз, индамай турсам бўлмас! Сиз мендан йўқ ердаги нарсаларни гумон қилаётганга ўхшайсиз, худо кўрсатмасин, Андрей Степанович! Юринглар.

— Қаёққа?

— Огилга.

— Нима қиламиз?

— Кўрасизлар, қўлимда пичоқ билан тор кўчага қараб турганимнинг сабабини тушунасизлар...

— Юр, кириб кўрайлик,— деб таклиф қилди Давидов, Лукашканинг кўрасига биринчи бўлиб кираркан.— Қаёқ томонга юриш керак?

— Менинг орқамдан юринглар.

Тахлаб қўйилган жойидан қулаб тушган тезаклар қалашиб ётган огилдаги табуретда ёқилган фонарь, унинг олдида эса қаламқошли, тўла юзли кўркам жувон — Лукашканинг хотини чўнқайиб ўтирар эди. У бегона одамларни кўраркан, кўрқа-писа ўрнидан туриб девор тагида турган икки пақир сув билан тоғорани тўсди. Унинг орқасидаги бурчакда, афтидан, ҳозиргина тўшалган тоза похолда семиз тўнғиз депсиниб турарди. У каттакон тоғорага бошини тикқанича ювиндини чапиллатиб ичмоқда эди.

— Фалокатни кўрдингларми...— Тўнғизни кўрсатиб хижолатдан сўзлари қовушмай гапирди Лукашка.— Тўнғизни ими-жимиди сўйиб олмоқчи эдик. Хотиним овқат билан алахситиб, мен эндигина ағдариб, сўймоқчи бўлиб турган ҳам эдимки, тор кўчанинг аллақаеридан ғала-ғовур овоз эшитиб қолдим. «Чиқиб қарай-чи, тагин битта-яримта билиб қолмасин», деб ўйладим. Енгим шимариглиқ, фартуқ тутган ҳолда, қўлимда пичоқ билан эшикка чиқдим. Қарасам — сизлар! Сизлар мени нима қилади деб ўйладинглар? Одам сўядиган киши енгини шимариб, фартуқ тутиб чиқар эканми?— Лукашка фартуғини еча туриб хижолат билан жилмайди ва жаҳлини босиб, хотинига қичқирди:— Ҳа, нега серрайиб турибсан, овсар? Тўнғизни ҳайдаб чиқар!

— Сен уни сўйма,— деди хижолат чекиб Размёнов.— Ҳозир мажлис бўлди, мол сўйишга рухсат йўқ.



— Мен сўймоқчи ҳам эмасман. Ҳафсаламни пир қилдинглар...

Давидов чиққанларидан кейин то квартирасига ет-гунча Андрейга тегажаклик қилиб борди:

— Колхоз раисига қилинган суиқасднинг олдини олдинг-а! Контрреволюционерни қуролсизлантирдинг! Аника жанговар экансан, факт! Хо-хо-хо!..

— Тўнғизни омон сақлаб қолдим-ку ишқилиб,— ҳазил билан жавоб қайтарди Размётнов.

## XVII БОБ

Эртасига Гремячий партиячейкасининг ёпиқ мажлисида ҳамма молларни: йирик шохли моллар билан биргаликда Гремячийдаги колхоз аъзоларига қарашли майда молларни ҳам умумлаштириш ҳақида яқдиллик билан қарор қабул қилинди. Моллардан ташқари паррандаларни ҳам умумлаштириш қарор қилинди.

Давидов бошда майда моллар билан паррандаларни умумлаштиришга қаттиқ қарши турди, аммо Нагульнов, агар колхозчиларнинг мажлисида ҳамма ҳайвонларни умумлаштириш ҳақида қарор қабул қилинмаса, у тақдирда бутун моллар, шу билан бирга паррандалар ҳам сўйилиб кетиб, кўкламги экиш барбод бўлишини айтди. Уни Размётнов қувватлади. Давидов иккиланиб туриб, кейин унинг бу фикрига қўшила қолди.

Бундан ташқари, молларни қасддан сўйишни тўхтатиш учун кучли ташвиқот кампаниясини авж олдириш, бунинг учун эса партия аъзолари ўзлари ташаббус кўрсатиб, шу куниеқ уйма-уй юришлари кераклиги тўғрисида қарор қабул қилинди, бу мажлис протоколига киритилди. Мол сўйиб қўлга тушганларга нисбатан суд чораларини қўллаш масалаларига келганда, ҳозирча уларни ҳеч кимга татбиқ қилмасликка, ташвиқот кампанияси натижаларини кутишга қарор қилинди.

— Шундай қилсак, моллар билан паррандалар сақланиб қолади. Бўлмаса баҳорга чиқиб хуторда на хў-

кизнинг маърагани, на хўрозларнинг қичқиргани эшитилмай қолади,— дерди қувониб кетган Нагульнов протоколни папкага жойларкан.

Колхоз мажлиси ҳамма молларни умумлаштириш тўғрисидаги қарорни бажону дил қабул қилди, чунки иш ҳайвонлари билан сут берадиган моллар аллақачон умумлаштирилган, қарор ёш моллар билан қўйлар ва чўчқаларга тааллуқли эди, аммо паррандалар устида қизгин мунозаралар узоқ давом этди. Айниқса, хотин-халаж эътироз билдирди. Ниҳоят, уларнинг қаршилиги синдирилди. Бу борада айниқса Нагульновнинг хизмати катта бўлди. У узун қўлини орденига босиб, ҳаяжон билан гапирди:

— Азиз опа-сингиллар! Товуқлар билан ғозларга ёпишманглар! Сиртида туropolмадинглар, сағрисида тура олармидинглар. Товуқлар ҳам колхоз бўлиб яшай қолсин. Баҳорда кубатор олдириб келамиз, у бизга курк товуқнинг ўрнини босиб, юзлаб жўжалар очиб беради. Қаршилиқ кўрсатманглар, ўргилайлар! Умумий қўрада бўлишини айтмаса, товуқлар ўзларингизники бўлади-ку. Товуқ хусусий мулк бўлмаслиги керак, қимматли холажонлар! Товуқлардан нима ҳам наф кўрардинглар! Улар барибир ҳозир тухум қилмаётган бўлса. Баҳорга бориб бошларингни ташвишдан чиқармай қўяди. У, яъни товуқ гоҳ қарасанг, полизга кириб кўчатларни чўқиб кетади, гоҳ қарасанг, қуриб кетгур аллақайси омборнинг тагида тухум қилиб келади, гоҳ қарасанг, сассиқкузан бўйнини узиб кетади... Озмунча нарсаларга гирифтор бўлиши мумкинми? Ҳар гал товуқхонага кириб, қайси бири тухум қилади-ю, қайси бири тухум қилмайди деб пайпасасаларингиз керак. Тимирскилайман деб марази товуқ битини илаштириб оласан. Юрак-бағринг дард-ҳасратдан чиқмайди. Хўш, улар колхозда қандай яшайди? Жуда ажойиб! Улар жуда яхши парвариш қилинади: уларнинг тепасига биронта хотинсиз чолни, мана чунончи Аким бобо Бесхлебновни қўйиб қўямиз, узун кун қўноқма-қўноқ чиқиб тимирскиласа тимирсклайверсин. Еп-енгил, эрмак иш, чолларга боп иш. Бу ишда чурранг ҳам тушмайди. Розилик бераверинглар, жонгичаларим!

Хотин-халаж кулди, хўрсинди, ҳасратлашди ва «муросага келди».

Мажлис тугаши биланоқ, Нагульнов ва Давидов уйма-уй айлангани чиқишди. Биринчи кварталдаёқ ҳар бир хонадонда ҳам мол сўйилганлиги маълум бўлди... Тушки овқат вақтида Шчукаръ бобоникига кириб бо-ришди.

— У активист, молларни эҳтиёт қилиш керак де-ган... Бу мол сўймайди,— деб таъкидларди Нагуль-нов Шчукарнинг қўрасига кираркан.

«Активист» оёқларини буклаб каравотда ётарди. Унинг кўйлаги пахмоқ бўлиб қолган соқолигача қай-рилиб қўйилган, оқиш қалин жун босган рангсиз, ориқ қорнига тўнкарилган олти литрлик сопол хурмача ўт-кир зиҳи билан ботиб кирган эди. Биқинларида икки-та аптека банкеси зулукдек осилиб турарди. Шчукаръ бобо кирганларга қайрилиб ҳам қарамади. Мурда-нинг кўкрагига қовуштириб қўйилгандек қўллари қал-тирар, оғриқдан ола-кула бўлиб косасидан чиқаёзган кўзлари аста-секин ғилтиллар эди. Нагульновнинг на-зариди уйдан ўлик ҳиди келаётгандек бўлди. Тўладан келган Шчукариха печка олдида турар, каравот олди-да бу атрофда банка қўйишга, чўян қозон солишга, синган суякни солиш, қон олиб дам уришга ва тўр тў-қийдиган темир сим билан аборт қилишга уста деб ном чиқарган сичқондек қоп-қора табиб кампир Ма-мичиха ғимирсиб юрар эди. У айни вақтда шўрлик Шчукаръ бобони «муолижа қилмоқда» эди.

Давидов кира солиб бақрайиб қолди: .

— Салом, бобо! Қорнингдаги нима?

— Қорrrrr-ним... оғғғғ-рияпти!.. гапини икки бў-либ аранг гапирди Шчукаръ бобо. Лекин шу ондаёқ зорланган кучук боладек ингичка овоз билан ғинши-ди:— Х-хурмачани ол! Ол дейман, алвасти. Вой, қор-ним, ёрилиб кетай деяпти! Вой, жонимга ора киринг-лар, айланайлар!

— Сабр қил! Сабр қил! Ҳозир енгил тортасан,— шивирлаб ялинарди Мамичиха кампир, терини тиш-лаб қолган хурмачанинг зиҳини зўр бериб ажратиб олишга уринаркан.

Аммо Шчукаръ бобо бирдан йиртқич ҳайвондек

хурмачага икки қўли билан ёпишди. Шундан кейин бўкириб, табиб кампирни оёғи билан тепиб юборди-да, Давидов унга ёрдамга шошилди: печь тепасида турган ўқлоғини олди-да, кампирни итариб юбориб, ўқлоғи билан хурмачанинг тагига бир урди. Хурмача чил-чил бўлиб, унинг тагидан вишиллаб ҳаво чиқди, Шчукаръ бобо кекириб юборди-да, енгил тортиб, тез-тез нафас ола бошлади, банкаларни осонгина суғуриб олди. Давидов бобонинг сопол парчалари остидаги мўматалоқ бўлиб кетган каттакон киндикли қорнига қаради-да, кулгиси қистаб қаҳқаҳадан нафаси тиқилганича, сўрига ётиб олди. Унинг ёноқларидан ёш оқмоқда, бошидан қулоқчини тушиб кетган, кўзини қора соч тутамлари тўсиб қолган эди...

Шчукаръ бобонинг жони қаттиқ экан! Мамичиха кампир синган хурмача устида йиғлаб-сиқтай бошлаши биланоқ, кўйлагини тушириб ўрнидан турди.

— Шўргиналарим қурсин!— ўкириб йиғларди кампир.—Идишгинамни синдириб қўйди, иблис! Сенга ўхшаганларни даволайман деб бор-йўғимдан ажрайман!

— Жўнаб қол, кампир! Ҳозирнинг ўзидаёқ жўнаб қол!— Шчукаръ қўли билан эшикни кўрсатди.— Сал бўлмаса ўлдира ёзган эдинг! Бу хурмачани сенинг каллангга уриб синдириш керак эди! Яхшиликча жўнаб қол, бўлмаса ўлдиришдан ҳам тоймайман! Ҳа, мен бунақа нарсалардан тап тортмайман!

— Сенга нима бўлди ўзи?—деб сўради Нагульнов, Мамичиха эшикни беркитиб чиқиб кетиши биланоқ.

— Вой, болаларим, валинеъматларим, ишонасизларми, оз бўлса хароб бўлган эдим. Икки кеча-кундуз чолворимни чангаллаганча қўрадан чиқолмай қолдим... Ичим шунақанги суриб кетдики, сира тўхтамади! Бамисоли ичагим тўғри бўп қолгандек, тиррақи ғозвачча сингари секундига ўтади...

— Ўлгундай гўшт евингми?

— Гўшт евдим...

— Бузоғингни сўйдингми?

— Бузоғимдан ажралиб қолдим... Бурнимдан чиқди...

Макар томоғини қириб бобони нафрат билан кўздан кечирди-да, тишлари орасидан гапирди:

— Сен жин урган чолнинг қорнига хурмача эмас, уч челак сув кетадиган чўян қозон солиш керак эди! Ичак-човоғингни бу еққа суғуриб олсин эди. Қолхоздан ҳайдасак, ана унда кўрасан ичинг қандай ўтишини! Нега сўйдинг?

— Фалокат босиб, Макарушка... Кампирим қўймади, кечаси қулоғингга жаврайвергандан кейин ҳеч бас келолмайсан... Шафқат қилинглари.. Уртоқ Давидов! Сиз билан ошна эдик, сиз мени колхоздан бўшатманг. Мен ҳали ҳам ўз яхшиликларим эвазига жабр кўриб...

— Бе, бунга нима деб бўларди?— Нагульнов қўл силтади.— Юр, Давидов. Ҳой, бемор. Сен милтиқ мойнига туз аралаштириб ич, мусаффо бўлиб кетсан.

Шчукаръ бобо ранжиб, лаблари титраб кетди.

— Қалака қилипсанми?

— Тўғриси айтяпман. Биз эски армияда ичимизни шундай қилиб тузатардик.

— Нима, мен пўлатданманми? Жонсиз милтиқни тозалайдиган нарсани истеъмол қилишим керакми? Ичмайман! Кунгабоқар поянинг тагида ўлсам ўлиб кетаманки, мойни ичмайман!

Эртасига ўлимдан қолган Шчукаръ бобо хутор бўйлаб ликанглаб юрар, дуч келган ҳар бир кишига, уникига Давидов билан Нагульнов меҳмон бўлиб келганини, улар кўкламги экишга асбоб-ускуналарни қандай ремонт қилиш ва колхознинг бошқа ишлари тўғрисида маслаҳат сўраганларини гапирар эди. Бобо гапининг охирида узоқ сукут сақлаб, тамаки ўраркан, хўрсиниб қўярди:

— Бошим ёстиққа етмасдан кириб келишди. Менсиз қийналиб қолишганга ўхшайди. Ҳар хил дорилар таклиф қилишди. «Даволан, бобо, худо кўрсатмасин, ўлиб қолсанг, шўримиз қурийдим!» дейишди. Худо ҳақи, шўрлари қурийдим! Лоп этиб бир гап чиқиб қолса, ячейкага чақиришади: бирон маслаҳат билан жонларига ора кираман. Кам гапираману топиб гапираман. Менинг сўзим беҳуда кетмайди!— қувноқ хира кўзларини суҳбатдошига тикканича гаплари унга қандай таъсир қилганини пайқаб турарди.

Тинчиб қолган Гремячий Лог яна безовта бўлиб қолди... Мол сўйиш тўхтади. Умумий қўраларга икки сўтка давомида турли-туман қўй ва эчкиларни ҳайдаб-сургаб олиб келишди, товуқлар қопларда ташилди. Молларнинг маъраши ва паррандаларнинг қичқириқлари хуторни тутиб кетди.

Колхозга бир юз олтмиш хўжалик кирган эди. Учта бригада ташкил қилинди. Колхоз правлениеси Яков Лукич кийим ва пойафзалга муҳтож камбағалларга кулаклардан олинган калта пўстин, этик ҳамда бошқа кийим-бошларни улашишга вакил қилди. Тахминий рўйхат қилиб кўришди. Правление ҳамманинг талабини баробар қондиришдан ожиз эканлиги маълум бўлди.

Яков Лукич кулаклардан мусодара қилинган кийим-бошларни тақсимлаётган Титокнинг қўрасида қош қорайгунгача ғала-ғовур, шовқин тинмасди. Одамлар шу ернинг ўзида, омбор олдидаги қор устидаёқ оёқ кийимларини ечиб, кулакларнинг миқти пойафзалларини кийиб кўришар, устларига бешматлар, пиджаклар, кофтлар, калта пўстинларни кийиб кўришар эди. Комиссиянинг қарори билан иш ҳақлари юзасидан устбош ёки пойафзал оладиган омадли одамлар эса омборнинг айвончасидаёқ ечинишар, хасис, титроқ табассумдан кўзлари порлаган, қорамағиз чеҳралари очилган бу одамлар мамнуният билан томоқларини қира-қира, қирқ ямоқ бўлиб кетган эски-туски кийимларини шоша-пиша юмалоқлаб, янги либос кийишар, энди яланғоч таналари кўриниб турмас эди. Бирон нарсани олишдан олдин қанча гап-сўз айтилар, маслаҳатлашишар, гумонларини айтишар, сўкинишарди... Давидов Любишкинга пиджак, чолвор ва этик беришни буюрган эди. Тунд Яков Лукич сандиқдан бир қучоқ кийим олиб, Любишкиннинг оёқлари остига ташлайди:

— Инсоф билан танлаб ол!

Атаманчи казакнинг мўйловлари титраб, қўллари қалтираб кетади... Пиджак танлайвериб қора терга ботади! Мовутни тишлаб кўради, мита ё куя емадимикан, деб ёриққа солиб кўради, қора бармоқлари билан

Ўн минутча ғижимлайди. Атрофдан иссиқ ҳовур кў- тарилади, чуғурлашишади:

— Олавер, болаларинг ҳам кияди.

— Кўзинг борми ўзи! Кўрмайпсанми — ағдарил- ган экан.

— Бекор айтибсан!

— Жонинг чиқсин!

— Олавер, Павло!

— Олма, бошқасини кийиб кўр!

Любишкиннинг юзи пишган ғиштдек қизариб кет- ган, қора мўйловини ямлаб, олазарак бўлиб, бошқа пиджакка қўл чўзади. Танлаб олади. Бинойидек тўкис пиджак! Узун қўлларини енгига тиқиб кўрса тирсаги- дан келади, елкасидаги чоклари сўкилиб кетади. Яна хижил бўлиб, ҳаяжон билан жилмайганича, уюлиб ётган уст-бошларини титкилайди. Ярмаркадаги қала- шиб ётган ўйинчоқларни кўрган ёш боладек кўзлари ўйнайди; лабларида шундай пок сабий табассуми пор- лайдики, шу пайт дароз атаманчи Любишкиннинг бошини биров оталарча силаса ҳам ярашади. Чошгоҳ- гача ҳам кийим танлаб тополмади. Чолвор билан этикни кийиб, нафаси тиқилганича, тунд Яков Лукичга шундай деди:

— Энди эртага келиб кийиб кўраман.

Қўрадан лампасли янги чолвор, ғарчиллаган этик- да чиқди, у бирданига ўн ёш яшариб кетгандек эди. Айланиш бўлса ҳам, жўрттага катта кўчага чиқди, гоҳ тамаки чекиш, гоҳ ўтган-кетганлар билан ҳангамала- шиш учун ўқтин-ўқтин тор кўчаларнинг оғзида тўхтар- ди. Мақтана-мақтана, уйига уч соат деганда етиб борди. Кечга бориб, бутун Гремячий бўйлаб шу овоза таралган эди: «Любишкинни худди ҳарбий хизматга жўнатаётгандек ясатишибди! Бугун уззукун кийим танлабди... Уйига бошдан-оёқ ясаниб келибди, чалвор- ри байрамда киядиган чалвор. Еру кўкка сифмай, худди турнадек қадам босади...»

Демка Ушаковнинг хотинчаси сандиқ тепасида ағ- райиб қолган эди, аранг четга чиқариб юборишди. Титокнинг хотини кийган бурма жун юбкани кийиб, оёғига янги чўқайни илиб, гулдор шол рўмолни ўра- ган ҳам эдики. Димканинг хотини бинойидек кўҳлиги-

на, қадди-қомати келишгангина жувон эканлиги ҳам-манинг кўзига ташлана қолди. Шўрликкина кулфат билан ўтган умри давомида бирон марта қорни тўйиб овқат емаган бўлса, биронта янги кофтани кийиб эскирмаган бўлса, колхознинг бу ғаниматларини кўриб ағрайиб қолмасинми? Яков Лукич сандиқдан бир қучоқ хотин-халаж либосини олиб ташлаганда доимий очлик ва муҳтожликдан гезарган лаблари оқариб кетмаслиги мумкинмиди? У йил сайин бола туғиб, чақалоқларни тўзиб кетган латта-путта ва парча-пурча пўстакка йўрғаклар эди. Қайғу ҳасрат ва доимий муҳтожликдан бир вақтлардаги ҳусни, сиҳат-саломатлигини йўқотган, ўзи эса бутун ёзни элакдек сузилиб кетган битта юбкада ўтказар, қишда эса ғиж-ғиж бит босиб кетган битта-ю битта кўйлагини ювганида кийгани бошқа кийими бўлмагани учун болалари билан печь устида яланғоч ўтирар эди...

— Жонгиналарим!.. Меҳрибонларим!.. Шошманлар, балки мен бу юбкани олмасман ҳам... Алиштираман дейман... Болаларимга бирон нарса олсам дейман... Мишаткага... Дуняшкага...— изтироб билан шивирларди у, сандиқ қопқоғини чангаллаганича, ёнаётган кўзларини ранг-баранг кийим-бошлардан узмай.

Бу воқеа устида тасодифан ҳозир бўлган Давидовнинг юраги орзиқиб кетди... У одамлар орасидан қислиб ўтди-да, сандиқ олдига бориб сўради:

— Сенинг нечта боланг бор, гражданка?

— Еттита...— шивирлаб жавоб берди Демканинг хотини қўрқа-писа, ширин умид билан, тик қарашга ботинолмай.

— Сенда болаларнинг кийимларидан ҳам борми?— секин сўради Давидов Яков Лукичдан.

— Бор.

— Бу хотин болалари учун нима сўраса ҳаммасини бер.

— Жуда ортиқча бўлиб кетади-ку!..

— Бу нима деганинг?.. А?..— Давидов ғазаб билан кемшик тишларини иржайтирган эди, Яков Лукич шоша-пиша сандиқ устига энгаша қолди.

Одатда сергап ва тили аччиқ Демка Ушаков қуруқшаган лабларини ялаганича нафасини қисиб, хо-



тинининг орқасида жим турарди. Аммо Давидовнинг охирги сўзларини эшитиши билан ялт этиб унга қараб қўйди... Демканинг ғилай кўзларидан пишган мевадан чиққан ширадек бирдан ёш тирқираб чиқиб кетди. У сўл қўли билан одамларни суриб-туртиб, ўнг қўли билан кўзини яширганича эшик томонга қараб югурди. Демка, айвондан сакраб тушди-ю, одамлардан кўз ёшини яшириб, уялганидан ташқари чиқиб кетди. Шудринг томчиларидек йилтираб турган тиниқ кўз ёшлари бир-бирларини қувлаганча қоп-қора кафти тагидан чиқиб юзларидан думаламоқда эди.

Кечга яқин кийим бўлишилаётган жойга Шчукаръ бобо ҳам етиб келди. У колхоз правлениеси биносига бостириб кириб, ҳаллослаганича Давидовга мурожаат қилди:

— Саломат бормисиз, ўртоқ Давидов! Хайрият, омон экансиз.

— Салом.

— Менга бланк ёзиб беринг.

— Қанақа бланк!

— Кийим олишга.

— Сенинг ниманг учун кийим бериш керак экан?— Давидовнинг олдида ўтирган Нагульнов қалин қошларини керди.— Бузоғингни сўйганинг учунми?

— Эскини эслаганнинг кўзи чиқсин, Макарушка, билдингми? Нимам учун бўлар эди? Титокнинг хўжалигини тугатаётганимизда жабрланган ким эди? Ўртоқ Давидов икковимиз эдик. Унинг бошини ёришган бўлса ҳам, бу ҳеч гап эмас, ит менинг пўстинимни нима аҳволга солди? Пўстиним оёққа пайтава қилишдан бошқага ярамай қолди! Мен Совет ҳокимияти учун жафо чекканлардан бўлсаму, менга нима учун дейсан. Титок калламни мажақ-мажақ қилиб ташласа ҳамки, пўстинимга тегмаса майли эди. Ахир пўстин кампиримники-ку, шунақами? Кампир менга пўстин учун ёруғ дунёда кўз очирмай қўйса-чи, унда нима бўлади? Ҳа, шунақа!

— Югуриб-елмаганингда пўстининг ҳам йиртилмасди.

— Нега югуриб-елмас эканман? Титокнинг ялмоғиз кампири нима ҳунар кўрсатганини эшитдингми

ўзинг, Макарушка? Итни менга олқишлатиб: «Почасидан ол! Қоп уни, Серко! Буларнинг ичида энг ашаддийси ўша!»— деб чинқирди. Мана ўртоқ Давидовнинг ўзи ҳам тасдиқлаши мумкин.

— Чол бўлсанг ҳам ғирт ёлғон гапиряпсан!

— Ўртоқ Давидов, тасдиқланг!

— Мен эслолмай турибман...

— Худо ҳақи, шундай деб чинқирди! Қўрққанга қўша кўринади, деганларидек, қўрадан қочиб қолибман. Лаънати кучук кошки ит сиёқи бўлса, йўлбарсдан ҳам баттар баҳайбат!

— Ҳеч ким сенга итни олқишлатгани йўқ, тўқиб чиқарма!

— Макарушка эсингдан чиқибди, ука! Ўзинг ўшанда қўрққанингдан рангинг оппоқ оқариб кетган эди, эсингда турармиди! Мен ўлгур ўшандаёқ: «Макар ҳозир жуфтак уриб қолади!» деб ўйлаган эдим. Ит мени қўра бўйлаб тортқилаб юргани ипидан-игнасигача эсимда! Агар ит халал бермаганда Титожни соғ қўймас эдим, худо ҳақи! Мен абжирман!

Нагульнов тиши оғригандек ижирғаниб Давидовга деди:

— Тезроқ ёзиб бера қол, жўнасин.

Аммо Шчукаръ бобо ҳар қачонгисидан кўра ҳам бу гал кўпроқ гап сотгиси келиб турар эди.

— Мен, Макарушка, ёшлигимданоқ ҳар қандай одамни муштим билан...

— Э вайсайверма, гапларингни эшитганмиз! Сенга бир челақ сув кетадиган чўян қозон берилсин, деб ёзиб берайликми? Қорнингни нима билан даволайсан?

Бу газдан қаттиқ ранжиган Шчукаръ бобо хатни индамай олди-да, хайрлашмасдан чиқиб кетди. Аммо Яков Лукичнинг қўлидан ошланган кенг қўлвор калта пўстинни олгач, терисига сиғмай кетди. Мамнуниятдан кўзлари сузилар, чақнар эди. Калта пўстиннинг бари-ни туздондан туз олаётгандек чимдиб, ҳалқобдан ҳатлаб ўтмоқчи бўлган хотинлар юбкасини кўтаргандек кўтариб, тилини танглайига уриб тақиллатганча, казакларга мақтанарди:

— Киройи калта пўстининг бўлса шундай бўлса! Бунни меҳнат-машаққат билан топдим. Ҳамма хабар-

дор: Титокнинг хўжалигини тугатаётганимизда темир қулоқчўпни кўтариб ўртоқ Давидовга ёпишиб қолса бўладими! «Ошнамнинг шўри қуриди» дедим. Шу ондаёқ жонига ора кириб, қаҳрамонларча қутқариб олдим. Мен бўлмасам — Давидовнинг куни битган экан!

— Айтишларига қараганда, сен итдан қочаман деб йиқилиб тушибсан, у чўчқанинг қулоғини юлқалагандек қулоғингни юлқалаган эмиш-ку,— деб гап қистирди эшитиб турганлардан бири.

— Елғон! Шу вақтдаги одамларга ҳам ҳайронман: кўрмасдан туриб, бичиб-тўқийверишади! Хўш, у ит-ку! Ит аҳмоқ, пасткаш, тил билмас бир махлуқ...— Шу билан Шчукаръ бобо гапни усталик билан бошқа маззуъга кўчирди.

## ХІХ БОБ

Тун...

Гремячий Логнинг шимолида қоронғилик чулғанган тепа даштлар, сойлар ва адирлардан узоқда, сидирғасига кетган ўрмонларнинг нарёғида Совет Иттифоқининг пойтахти ётади. Унинг тепасида электр чироқларидан селдек нур ёғилиб туради, уларнинг кўп қаватли уйлар устидаги ёнғин алангасидек титроқ мовий шуъласи, ярим тун осмонидаги ой ва юлдузларнинг кераксиз нурини босиб кетган.

Гремячий Логдан бир ярим минг километр узоқликдаги тошдан бино бўлган Москва тунда ҳам ухламайди: паровоз гудокларининг чўзиқ чинқириқлари янграйди, автомобиль сиреналарининг овозлари каттакон гармонь оҳангига ўшаб эшитилади, трамвайлар жингиллаб ғизиллайди, шарақлайди. Ленин Мавзолейи орқасидаги Кремль девори ортида, чароғон юксак осмонда қизил алвон байроқ совуқ шамолда ҳилпираб ўйнайди. Қуйидан чиққан оппоқ электр нурида у ловиллаб ёнади, худди отилиб чиқаётган қирмизи қондек мавжланади. Бир дақиқагина осилиб тушган вазмин байроқни боди сабо яна гир-гир айлантиради, байроқ учи гоҳ ғарбга, гоҳ шарққа бурилиб яна ҳилпирайди, қўзғолон алангасидек қип-қизил бўлиб товланади, курашга даъват этади...

- Бундан икки йил бурун Москвадаги Бутунроссия Советлар съездига борган Кондрат Майданников кечаси Қизил Майдонда бўлган эди. Ушанда у Мавзолейга, осмонда ғолибона ҳилпираб турган қизил байроққа қараб, шоша-пиша бошидан будённовкасини олганди. Хонаки мовутдан тикилган, олди очиқ зипунда узоқ вақт яланг бош ва ҳаракатсиз туриб қолган эди...

Гремячий Логни эса кечаси оғир сукунат чулғаб олади. Чор-атрофдаги оққуш паридек момик қор қоплаган тепаликлар жимир-жимир қилиб туради. Сойларни, ўнгирларни, бурганзорларни тим кўк кўланка босади. Етти қароқчи юлдузлар туркумининг думи уфққа бориб тақалаёзади. Қишлоқ совети олдидаги бир туп терак таг-тубсиз қора осмонга қора шамдек бўй чўзган. Анҳор томон оқаётган чашма суви шилдираб, сеҳргарлардек гувранади. Оқиб турган анҳор сувида дунёни ёритиб бўлган юлдузларнинг учаётганини кўрасан. Туннинг алдамчи сукунатига қулоқ солсанг дўстим, товушқоннинг дарахт ширасидан сарғайиб кетган тишлари билан новдаларни шилиб кемираётганини эшитасан. Ой ёруғида олча дарахтининг танасидаги оқиб қотиб қолган каҳрабо елим хирагина йилтирайди. Уни синдириб олиб кўр: елим парчаси пишиб узилмаган олхўридек кўкиш гард билан қопланган бўлади. Аҳён-аҳёнда бутоқлардан ях парчаси тушиб кетади, тун сукунатида унинг биллур жарангги эшитилади. Болалар «какку қушнинг кўз ёши» деб атайдиган кул ранг исирғадек бўртиқлари бор олча новдалари қимир этмайди...

Жимжитлик...

Тонг саҳарда шимол томондаги булутлар остидан эсган Москва шамоли қорни салқин қанотлари билан учуриб келгач, Гремячий Логда эрталабки ҳаёт садолари кўтарила бошлайди; тўп-тўп теракзорларда яланғоч новдалар шитирлайди, хутор яқинида қишлаб қолиб, кечаси билан хирмонларда донлаб чиққан какликлар навбатма-навбат чуғурлашадилар.

Улар тўпонхоналар олдидаги қорда хоч-шаклида тикилган каштадек саноқсиз ялтироқ изларини, похол уюмларини қолдириб, кунни юлғунзорда, жарларнинг

қумлоқ ён бағирларида ўтказгани учиб кетадилар. Бузоқлар маъраб, оналарига қараб интиладилар, умумлаштирилган хўрозлар шиддат билан қичқирадилар, хутор устида аччиқ тезак тутуни анқийди.

Хутор тун қўйнида экан, бутун Гремячийда ёлғиз Қондрат Майданниковгина бедор бўлса керак. Қўлбола тамакидан оғзи какра, калласи қадоқ тошдек зил, тамакидан кўнгли айнийди...

Ярим тун. Қондратнинг кўз олдида Москва устидаги таитанавор нур денгизи намоён бўлади, у Кремль устида, чексиз жаҳон устида шиддат ва ғазаб билан ҳилпираётган алвон байроқни кўради. Мана шу чексиз жаҳонда, Совет Иттифоқи чегарасидан ташқарида яшаётган, Қондратга ўхшаш захматкашлар кўпданкўп кўз ёши тўкмоқдалар. Болалигида бир кун марҳума онасининг уни йиғидан овутиш учун айтган сўзлари эсига тушади:

— Йиғлама, Қондрат болам, худонинг қаҳри келади. Бусиз ҳам ёруғ дунёдаги ҳамма камбағал одамлар ҳар кун йиғлаб, муҳтожликларидан худога нолиб, ҳамма бойликларни ўзларига тортиб олган бадавлатлардан шикоят қиладилар. Худойи таоло камбағалларга сабр-тоқат қилишни буюрган. Камбағаллар билан оч-юпунлар ҳадеб йиғлайверганига қаҳри келиб, уларнинг кўз ёшларини бир жойга йиғади-да, уларни туманга айлантириб кўк денгизга ташлайди, осмонни парда билан тўсиб қўяди. Ана шундан кейин йўлини йўқотиб қўйган кемалар денгизма-денгиз алашиб-улоқиб юради. Кема денгиздаги ёнар тошга урилиб, ғарқ бўлади. Ё бўлмаса худойи таоло кўз ёшларни шудрингга айлантиради. Бир кечада биздаги-ю, бегона юртлардаги ҳамма ерларга шўр шудринг тушиб, ғалла экинлар аччиқ ёшдан қақраб қолади, ер юзида катта қаҳатчилик бошланиб, ҳамма қирилиб кетади... Шунинг учун камбағаллар йиғлаши керакмас, йиғласанг ўзингнинг шўринг қурийди... уқдингми, қўзичоғим?— шуни деб гапини жиддий тугатган эди:— Худога ибодат қил, Қондратка! Сенинг илтижонг тезроқ ижобат бўлади.

— Биз камбағалмизми, ойижон? Дадам камбағалми?— сўрарди кичкина Қондрат диндор онасидан.

### — Камбағалмиз.

Кондрат эски мазҳаб усулида нақш этилган қоп-қора икона олдида тиз чўкиб ибодат қилар, серзарда худо кўз ёшимни кўриб қолмасин, деб ёшини ишқалаб артар эди.

Кондрат ётган жойида ўтмишини тўрнинг кўзларини бирма-бир кўздан кечираётгандек, хаёлидан ўтказмоқда. Насли насаби Дон казаги эди, ҳозир эса — колхозчи. Дашт йўлларидек узун ва кўпдан-кўп кечалар давомида кўпдан-кўп хаёлларни бошидан кечирди. Кондратнинг отаси ҳақиқий ҳарбий хизматда эканлигида фабрикантларнинг манфаатларини ёқлаб, ўз сотниси билан биргаликда, иш ташлаган Иваново-Вознесенск тўқимачиларини қамчи билан саваб, қилич билан чопди. Отаси ўлиб, Кондрат вояга етди ва ўз Совет ҳокимиятини, ўша Иваново-Вознесенск тўқимачиларининг ҳокимиятини фабрикантлар ҳамда уларнинг малайлари истилосидан ҳимоя қилиб, 1920 йилда оқ поляклар билан врангелчиларни чопди.

Кондрат аллақачонлароқ худога ишонмай қўйган, у бутун дунё меҳнаткашларини озодликка, ёрқин келажакка бошлаб кетаётган коммунистик партиёга ишонади. У ҳамма молларини, битта қўймай ҳамма паррандаларини колхоз қўрасига олиб бориб топширди. У, меҳнат қиладиган одамгина нон есину, далада юрсин дейди. У Совет ҳокимиятига астойдил ва абадий меҳр қўйган. Аммо, Кондрат кечалари билан ухлай олмайди... Шунинг учун ухлай олмайдики, ўз бисоти, ўз ихтиёри билан баҳридан кечган ўз молларини кўзи қиймай ачинишдек ярамас ҳисдан халос бўлмаган... Кўнглига илондек ўрнашиб олган шу ачиниш, кўксини қайғу-ҳасратга тўлдиради...

Илгарилари уззукун иш билан банд бўлувчи эди: эрталабдан ҳўкизлари, қўйлари, оти ва сигирига ем-хашак солиб, уларни суғорар, туш вақтида яна хирмондан ҳар бир чўпни эҳтиёт қилиб қучоқ-қучоқ похол ва пичан таширди, кечқурун яна саранжом-саришта қилиши керак эди. Мол қўрасига кечаси ҳам бир неча марта чиқиб хабар олар, молларнинг оёқлари

остига тўкилган хашакларни яна охирга солиб қўяр эди. Қўнгли хўжалигининг ташвишларидан қувонарди. Ҳозир эса Қондратнинг қўраси бўм-бўш, ҳувуллаб ётибди. Чиқиб хабар олай деса, биронта ҳам моли йўқ. Охурлар бўм-бўш, четан дарвоза ланг очиқ, узоқ тун давомида ҳатто хўроз овози ҳам эшитилмайди, вақт қанча бўлганини ҳам, кечаси қай маҳал бўлганини ҳам билиб бўлмайди.

Ҳасрати колхоз отхонасида навбатчилик қилган дагина унутлади. Қундузлари ҳувиллаб ётган қўрани кўрмаслик, хотинининг ғуссали кўзларига қарамаслик учун тезроқ уйдан чиқиб кетишнинг пайдан бўлади.

Мана, ҳозир ёнида ётган хотини бир текис нафас олиб ухламоқда. Печка устида Христишка типирчилаб қўяди, тотли тамшанади, уйқусираб гапиреди: «Дадажон, секинроқ!.. Эҳтиёт бўл, эҳтиёт бўл...» У болаларга хос аломат, қувноқ тушлар кўрса керак: унинг ўйин-кулгидан бошқа ташвиши йўқ. Бўш гугурт қутичага ҳам севишиб кетади. У гугурт қутичадан латта қўғирчоғига дарров чана ясайди. Чанани кечгача ўйнайди, эртаги кун унга янги эрмак совға келтириб хурсанд қилади.

Қондрат эса ўз ўйлари билан банд. Ўйлари оғушида тўрға тушган балиқдек типирчилайди... «Дастингдан қутуладиган кун борми, лаънати ҳарислик? Қачон йўқоласан, ярамас иблис?.. Нега бундай экан? Охурнинг олдидан, бировларнинг отлари ёнидан бепарво ўтиб кетавераман, аммо ўз отимнинг олдига етиб бориб, рўвағигача қора тасмадек йўл тушган сиртига, чиноқ чап қулоғига кўзим тушиши билан юрагим эзилиб кетади, шу дақиқада у менга хотинимдан ҳам азизроқ кўриниб кетади. Яккаш унга тотлироқ, серажриқроқ, майдароқ пичан солишнинг пайдан бўламан. Бошқалар ҳам шундай: ҳар ким ўзиникининг ёнида ҳасрат чекади, бировникидан — парвойи палак, бўлмаса, ахир бегона деган нарса йўқ, ҳаммаси ўзимизники-ку, ваҳоланки... молларни ҳеч ким парвариш қилгиси келмайди, улар кўпларга бегона бўлиб қолди... Кеча навбатчилик қилган Куженков отларни ўзи суғоргани олиб бормасдан бир болани юборди; бола бир отга миниб, бутун уюрни елдириб кетди. Олди ичиб, кети

ичиб бўлмай яна ҳаммасини елдирганча, отхонага олиб келди. Биронтасини койигудек бўлсанг: «Ҳе-е-е, сенга нима!» деб жеркиб ташлайди. Ҳамма бало шундаки, бу нарсалар қийинчилик билан орттирилган. Қўр-бисоти ошиб-тошиб ётганлар унча ачинмаса керак... Куженков отларни қандай суғортирганини эртага Давидовга айтиш эсимдан чиқмасин. Бу тариқа парваришда от бечора баҳорга чиқиб, молани ҳам жойидан қўзғатолмайди. Эртага эрталаб товуқларни қандай боқаётганларини ҳам кўришим керак, хотинлар, жой торлигидан еттитачаси ўлиб қолган дейишаётган эди. Эҳ, жуда қийин! Ҳозир паррандаларни йиғишининг нима ҳожати бор экан? Ҳар бир ҳовлига соат ўрнига биттадан хўроз қолдирилса ҳам бўларди... Матлубот жамияти дўкониди мол йўқ. Христиша бўлса, оёқ яланг, нима бўлса ҳам унга чўқой олиб бериш керак эди! Давидовдан сўрашга юзим чидамайди... Йўқ, бу қишни печкадан тушмай ўткази қолсин, ёзда чўқойсиз юраверса ҳам бўлади». Кондрат беш йилликни қураётган, мамлакат бошидан кечириётган муҳтожликни ўйлаб, шолча остиди муштарини сиқади-да, хаёлида ғарбдаги коммунистларга тарафдор бўлмаган баъзи ишчиларга нафрат билан гапиради: «Сизлар бизни хўжайинларингиздан олаётган яхши маош эвазига сотдинглар! Тўқ турмуш деб биздан воз кечдинглар, биродарлар!.. Нима сабабдан сизларда шу вақтгача совет ҳокимияти йўқ? Нима сабабдан сизлар бу қадар кечикиб кетдинглар? Агар ёмон кун кечирганларингизда аллақачоноқ революция қилган бўлар эдиларингиз, афтидан, пичоқ бориб устихонларингизга тақалмаганга ўхшайди; ҳамон кўзларингиз уйқуда, жўшга келмаяпсизлар, якдиллик билан эмас, тартибсиз ҳаракатга келяпсизлар... Устихонларингизга пичоқ етиб бориши бор! Жонларингиздан ўтказиб юборади!.. Ё чегарадан биз хўжалигимизни қандай машаққатлар билан тузаётганимизни кўрмаяпсизларми? Биз муҳтожликларга чидаб, ярим яланғоч ва яланг оёқ ҳолда, тишларимизни тишларимизга қўйиб ишляпмиз. Тайёрга айёр бўлиб келсаларингиз уят бўлар, биродарлар! Қани энди сизларнинг ҳаммаларингизга кўриниб турадиган ниҳоятда баланд бир устун ўрнатилса-ю,



мен ўша устуннинг тепасига чиқиб олиб, сизларни ро-са сўксам!..» Кондратни уйқу элитади. Оғзидаги че-каётган тамакиси тушиб кетиб, битта-ю битта кўйлагини куйдириб, унда каттакон қора тешик ҳосил қилади. У эти куйиб уйғонади. Ўрнидан туради; ғудраниб сў-кинганича, кўйлакни ямаб қўйиш учун, қоронғида пайпаслаб игна қидиради, бўлмаса эрталаб Анна кў-риб қолиб бунинг учун икки соат эговлайди... Игнани барибир тополмайди. Яна уйқуга кетади.

Саҳарда уйғониб, қўрага ҳожатга чиқаркан, бир-дан аломат товушни эшитади: умумлаштирилган, бит-та саройда тунайдиған хўрозлар бир йўла ҳар хил овоз билан бирданига қичқириб юборадилар. Кондрат таажжубланиб шишинқираган қовоқларини очганича, хўрозларнинг бетиним қичқириқларини икки минутча тинглаб туради-да, энг охирида кеч қолган хўроз «қуқ-қу-қув» деб наридан-бери қичқириб бўлиши би-лан уйқу аралаш жилмаяди: «Қичқиришларини қа-ра-я, қурғурларнинг! Худди духовой музиканинг ўзи. Уларнинг қўноғига яқин турадиганларнинг қулоқ-мия-лари битиб, ухлаёлмасалар ҳам керак. Илгари бўлса хуторнинг гоҳ у ёғидан, гоҳ бу ёғидан эшитиларди. Ҳеч қандай тартиби-ю, мороми йўқ эди... Вой, қурғур-эй!»— деб яна бир уйқуни олиш учун кириб кетади.

---

Эрталаб нонушта қилиб бўлгач, у паррандалар қў-расига жўнайди. Аким бобо Бесхлебнов уни ўшқириб қарши олади:

— Ҳа, нима қилиб каллаи саҳарлаб санқиб юриб-сан?

— Сен билан товуқлардан хабар олгани келдим. Аҳволинг қалай, бобо?

— Дуруст эди, энди ҳозирги кунимни ҳеч кимга раво қила кўрмасин!

— Нима бўлди?

— Товуқларга қараш тинкамни қуритди!

— Нега энди?

— Сен бу ерда бир кун ўзинг тургин, шунда била-сан! Қуриб кетгур хўрозлар уззукун уришишади, улар-

ни ҳайдайман деб оёқдан қолдим. Товуқларни айтмайсанми, ўзлари урғочи жинсидану, булар ҳам бир-бирининг тожисидан тишлаб, қўрада тепкилашиб юради! Минг лаънат бундай хизматга! Шу бугуноқ Давидовга учрашиб бўшайман, мени болариларга қўйсин.

— Улар бир-бирига эл бўлиб кетишади, бобо.

— Улар эл бўлишгунча, бобонг оёғини чўзмаса дейман. Шу ҳам эркакларга муносиб ишми? Ҳар қалай, казак деган номим бор. Туркияга қарши урушда қатнашганман. Бу ерда бўлса, товуқларга бошқўмондан қилиб қўйишибди. Вазифамни бажаришга киришганимга икки кун ҳам бўлмабди-ю, бола-бақра кўз очирмай қўйди. Уйга кетаётганимда шумтақалар олдимдан тўсиб: «Макиёнбоз чол! Макиёнбоз Аким чол!» деб жар солишади. Шу вақтгача ҳаммининг ҳурмати-га сазовор бўлиб келиб, қариган чоғимда макиёнбоз деган лақаб билан ўлиб кетаманми? Бунга асло тобим йўқ!

— Қўйсанг-чи, Аким бобо! Болалардан хафа бўласанми?

— Елғиз болаларнинг ўзлари бемаънилик қилаётган бўлса майлику-я, уларга хотин-халаждан баъзилари ҳам қўшиляпти. Кеча уйга тушлик қилгани кетаётган эдим, Донецковларнинг Настенкаси қудуқдан сув олаётган экан. «Товуқларни эплай оляпсанми, бобо?» — деб сўради. «Эпляяпман», дедим, «Қайси товуқлар тухум қияпти, бобо?» — деди. «Тухум қияпти-ю, лекин камроқ қизим», дедим. Қалмоқ байтал бирдан ҳиринглаб: «Билиб қўй, ер ҳайдаладиган вақтгача бир сават тухум қилишсин, бўлмаса макиёнларга ўзингни бостирамиз!» деса бўладими. Мендек кекса одамга бундай ҳазилларни эшитиш малол келади. Бу хизмат менга жуда уят!

Чол яна нимадир демоқчи эди, аммо четан ёнида иккита хўроз тепишиб қолиб, биттасининг тожидан тирқираб қон оқа бошлади, иккинчисининг томоғидан бир тутам пат юлиниб кетди. Аким бобо йўл-йўлакай қўлига хивич олганча, улар томон лўкиллаб кетди.

Қолхоз правлениеси эрта тонг бўлишига қарамай одам билан тўла эди. Ҳовлидаги зинапоя олдида ча-

нага қўшилган бир жуфт от районга жўнамоқчи бўлган Давидовни кутиб турарди. Лапшиновнинг эгарланган йўрғаси туёғи билан қорни титкиламоқда, унинг олдида айланиб юрган Любишкин айилни тортаётган эди. У ҳам Тубьянскойга жўнашга тайёрланмоқда, у ўша ердаги колхоз правлениеси билан триер<sup>1</sup> тўғрисида келишиб келиши керак эди.

Кондрат хонага биринчи бўлиб кирди. Столда, яқинда станицадан келган ҳисобчи катта дафтарларни кўздан кечирмоқда эди. Сўнгги вақтларда ориқлаб тунд бўлиб қолган Яков Лукич рўпарада ўтириб, ниманидир ёзмоқда эди. Шу орада нарядчи пичан ташишга тайинлаган колхозчилар ўралишиб юришарди. Учинчи бригада бошлиғи чўтир Агафон Дубцов ва Аркашка Айирбошчи бурчақда қишлоқдаги битта-ю битта темирчи Ипполит Шалий билан нима ҳақдадир гортишмоқда эдилар. Қўшни хонадан Размётновнинг қаттиқ ва қувноқ овози эшитиларди.

У ҳозиргина келган, шошиб, кула-кула Давидовга ҳикоя қилмоқда эди:

— Сахарлаб олдимга тўртта кампир кириб келди. Уларга Мишка Игнатенокнинг онаси Ульяна кампир бошлиқ бўлиб олибди. Сен уни танийсан-а? Йўқми? Бурнида сўғали бор, оғирлиги етти пуд келадиган кампир. Кириб келишди. Ульяна кампир жиғибийрон, газабидан нафаси тиқилган, ҳатто бурнидаги сўғали ҳам ликиллаб турибди. Кира солиб: «Ҳаҳ қуриб кетгур, ярамас, фалону пиставон!» деб қолса бўладими. Атрофимда Советга келган одамлар турибди, унинг бўлса, оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Мен унга дўқ қилиб: «Оғзингни чакки қилма, овозингни ўчир, бўлмаса ҳокимиятни ҳақорат қилганинг учун станицага жўнатаман. Нега захрингни сочяпсан?» дедим. У: «Кампирларни нима кўйга солмоқчисизлар? Қариган чоғимизда хўрлагани уялмайсизларми?» дейди. Гапнинг тагига аранг етиб олибман. Билсам, улар, олтмишдан ошган, меҳнатга ярамайдиган кампирларнинг ҳаммасини колхоз правлениеси баҳорда...— Размётнов кулгисини тўхтатишга тиришиб, гапини тамом

---

<sup>1</sup> Триер — ғалла тозалайдиган машина.

қилди:— Тухум очиб чиқадиган буғ машиналари етишмаётганлигидан кампирларни шу ишга тайин қилар эмиш, деган миш-миш гапларни эшитишибди. Шундан кейин жинлари қўзиб, тутақиб кетишибди. Ульяна кампир худди бўғизлангандек: «Нима-нима! Менга тухум бостирасизларми ҳали? Еруғ дунёда мен босадиган тухум йўқ! Ҳаммаларингни чопқи билан қиймалаб ташлаб, ўзимни ҳам сувга ташлайман!» деб бўкиради. Уларни аранг тинчитдим. «Ўзингни сувга ташлама, Ульяна кампир, анҳоримиздаги сув барибир сенинг фарқ бўлишинг учун камлик қилади. Булар ҳаммаси ёлгон гап, кулакларнинг иғвоси!» дедим. Ишлар шунақа, ўртоқ Давидов! Душманларимиз иғво тарқатиб, бизга тўсқинлик қиляпти. Суриштириб, бу миш-мишни қаёқдан эшитганини билиб олдим: ўтган куни Войсковойдан хуторга бир монах хотин келиб Тимофей Боршчевникида тунаган экан, у хотинларга, ҳамма товуқларни шаҳардагилар уграга солиб пишириб есинлар деб йиғиб олишяпти, кампирларга махсус фасондаги стулчалар ясаб бериб, похол тўшашади-да, уларга тухум бостиривади, қаршилиқ қилганларини стулга боғлаб қўйивади, дебди.

— Ўша монах хотин ҳозир қаерда?— қизиқиб сўради бу гапларни эшитиб турган Нагульнов.

— Ура жўнаб қолган. У ўз ишига пишиқ; иғвони тарқатади-ю, жуфтакни ростлайди.

— Бундай гап ташувчи иғвогарларни қамокқа олиб, тегишли жойга жўнатиш керак. Менинг қўлимга тушмабди-да! Бошини юбкасига чирмаб, қамчи билан бошлаб савардим... Сен тагин Совет раиссан, хуторингда ким кўрган тунаб юрибди. Шу ҳам тартиб бўлди!

— Буларнинг ҳаммасидан кўз-қулоқ бўлиб туриш осонми?

Пальтоси устидан пўстин кийиб олган Давидов столда ўтириб, колхоз мажлиси тасдиқлаган кўкламги дала ишлари планини охирги марта кўздан кечирмоқда эди; у қоғоздан бошини кўтармай:

— Бизга туҳмат қилиш — душманнинг эски усули,— деди у.— Ярамас душман бизнинг бутун қурилишимизни расво қилмоқчи. Баъзан биз унинг қўлига

козирь бериб қўямиз, чунончи парранда масаласида-гидек...

— Қандай қилиб?— Нагульновнинг бурун катак-лари керилиб кетди.

— Паррандаларни умумлаштириб.

— Нотўғри!

— Факт, тўғри! Биз чакана-чукана ишлар билан шуғулланмаслигимиз керак эди. Ҳали уруғлик материалимиз ҳам тайёрлаб қўйилган эмас, биз бўлсак, паррандалар билан овора бўлиб юрибмиз. Қандай аҳмоқлик! Ич-этимни еяпман... Райкомда уруғлик фонди учун менинг таъзириمنى беришади, факт! Бориб турган хунук факт...

— Айт-чи, паррандани нега умумлаштириш керак эмас? Мажлис рози бўлган эди-ку?

— Гап мажлисда эмас!— Давидов ижирғанди.— Нега ҳеч тушунмайсан, парранда деган — майда нарса, биз эса асосий масалани ҳал қилишимиз — колхозни мустақкамлаб, кирувчилар процентини юзга етказишимиз, экин экишимиз керак. Мен, Макар, менинг таклифим шуки, лаънати парранда масаласида биз сиёсий хато қилиб қўйдик, факт, хато қилиб қўйдик! Мен бугун кечаси колхозлар ташкил қилиш тўғрисидаги баъзи нарсаларни ўқиб, хатомиз нимадан иборат эканлигини тушундим: ахир бизда колхоз, яъни артелку, биз бўлсак коммунага қараб кетиб қолибмиз. Тўғрими? Бу сўл оғмачиликнинг ўзи, факт! Узинг мулоҳаза қилиб кўр. Агар мен сенинг ўрнингда бўлсам (бу масалани ўзинг амалга ошириб, бизни ҳам кўндирдинг) хатомга большевистик дадиллик билан иқрор бўлиб, товуқлар билан бошқа паррандаларни уй-уйларига олиб кетишларини буюрардим. Нима дединг? Хўш, борди-ю, бу ишни сен қилмасанг, қайтиб келишим биланоқ бутун масъулиятни зиммамга олиб, ўзим қиламан. Хайр, мен кетдим.

Давидов кепкасини бостириб, нафталин ҳиди уриб қолган кулак пўстинининг сербар ёқасини кўтарди-да, папкасини боғлаётди деди:

— Ҳали ҳам адаби берилмаган ҳар хил монах хотинлар санқиб бизнинг тўғримизда ифво тарқатиб, хотин-халаж, кампирларни бизга қарши қайраб юриб-

ди. Колхоз иши бўлса, ҳали ёш, ниҳоятда зарур иш. Ҳамма бизга тарафдор бўлиши керак! Кампирлар ҳам, хотин-қизлар ҳам. Колхозда хотин-қизларнинг ҳам ўз роли бор, факт!— деди-да, гурсиллатиб катта-катта қадам қўйганча, чиқиб кетди.

— Юр, Макар, товуқларни уй-уйларига жўната-миз. Давидовнинг айтган сўзлари тўғри.

Размётнов жавоб кутиб, Нагульновга узоқ тикилиб турди... Униси эса пўстинининг олди очиқ ҳолда дераза рафида қулоқчинини қўлида ўйнаб ўтирар, лаблари пичирлар эди. Шу тариқа уч минут ўтди. Макар бошини бирдан кўтарди. Размётнов унинг очиқ чеҳрасини кўрди.

— Юр. Хато қилиб қўйдик. Тўғри! Жин ургур кемшик Давидов тўғри айтяпти...— сал хижил бўлиб жилмайиб қўйди.

Давидов чанага чиқиб жойлашмоқда, унинг олдида Кондрат Майданников турар эди. Улар нима ҳақдадир қизгин гаплашмоқда эдилар. Кондрат қўлини пеш қилганча, қизишиб сўзламоқда, кучер ўтиргич остига тиқиб қўйилган дағал қамчини тузата-тузата, тизгинни қўлдан қўлга олмоқда, Давидов лабларини қимтиганча, тингламоқда эди.

Зинапоядан тушаётган Размётнов Давидовнинг шу сўзларини эшитди:

— Сен ҳовлиқма. Хотиржам бўл. Ҳаммаси ўз қўлимизда, ҳаммасини йўлга соламиз, факт! Штрафлар системасини жорий қиламиз, назорат қилишга шахсан масъулсизлар, деб бригадирларга мажбурият юклаймиз. Хўп, хайр!

Отларнинг сағрилари устида қамчи ўйнаб қарсиллади. Чана қўшқароқлари қорда кўкиш чуқур излар қолдириб, дарвозадан чиқиб кетди.

Паррандалар қўрасида юзлаб товуқлар ранг-баранг тошлардек ёйилган. Аким бобо хивич билан қўрани айланиб юрибди. Шабада унинг кўкиш соқолини ҳилпиллатади, пешанасидаги реза терни қуритади. «Макиёнбоз» ярим қоп чиқинди донни орқалаганча, товуқларни пиймаси билан ҳар томонга итариб йўл очмоқда. Бобо донни энсизгина қилиб омбордан саройгача сепиб бормоқда, оёқлари остида эса товуқлар

қайнамоқда, жон куйдириб «Қў-қў-қў» деган шошқин овозлар ҳеч тинмайди.

Гов билан ихота қилиб қўйилган хирмонда тўда-тўда ғозлар оҳак уюмларидек оқариб кўринади. У ёқдан худди қушларнинг баҳорги учиб келиш вақтида тошқин сувлардан эшитиладиган йўғон овозли ғағолаш, ғақиллаш садолари, қанотларнинг тапиллашлари эшитилади. Омбор олдида— зич давра бўлиб турган бир тўп одам турибди. Ташқаридан орқалари билан бўксаларигина кўринади. Бошлари пастга энгашган, кўзлари давра ичида оёқ остларига тикилган.

Размётнов яқин бориб, давра ичида нима бўлаётганини кўриш учун одамларнинг елкалари оша мўралади. Одамлар пишиллаб, паст овоз билан гаплашмоқда эдилар.

— Қизили қочиради.

— Бўлмаган гап! Уни қара, ҳалитдан тожиси шалпайиб қолибди!

— Войбўй, ёмон қақшатиб қолди-ку!

— Сулайиб, оғзини каппа-каппа очишини қара...

Шчукаръ бобонинг овози эшитилди:

— Тезлама! Тезлама! Ўзи ташлайди! Тезлама, ша-лоқ!.. Тезлаш бундай бўлади деб ўмганинга бир тушириб қолмай!..

Даврада, қанотларини осилтириб, иккита хўроз юрибди, биттаси тўқ қизил, иккинчисининг патлари қора қарғанинг патидек тимқора. Чўқилган тожларида қон қорайиб қотиб қолган, оёқлари остида юлқиб олинган қора ва қизил патлар. Жангари хўрозлар чарчашган. Улар донлаётган бўлиб бир-бирларидан узоқлашадилар, эриган қорни панжалари билан титкилаб, бир-бирларини эҳтиёткорона кузатадилар. Уларнинг жўрттага шундай туришлари узоққа чўзилмайди: қораси бирдан ердан сапчиб кўтарилиб, кул тепадан учган «зағча»дек парвоз қилади, қизили ҳам сапчийди. Улар ҳавода тепкилашади, яна бир марта тепишади...

Шчукаръ бобо ҳамма нарсани унутиб, томоша қилмоқда. Бурнининг учида бир томчи сув титраб силкинмоқда, лекин у буни сезмайди. Бутун диққати қизил хўрозда. Қизил хўроз енгиши керак. Шчукаръ бобо Демид Индамас билан гаров бойлашган. Ҳеч кутилма-

ганда кимнингдир қўли Шчукарни бу жиддий вазиятдан қутқариб, ҳушига келтиради. Бу қўл қўполлик билан бобонинг ёқасидан тортиб даврадан олиб чиқади. Шчукаръ орқасига ўгирилади, унинг юзи қаҳр-ғазабдан буришиб кетган, дилозорга хўроздек ҳамла қилишга тайёр. Лекин қиёфаси бирданига ўзгариб, чеҳраси очилиб, мулойим бўлиб қолади: қўл — Нагульновнинг қўли эди. Нагульнов қовоғини чимирганича, томошабинларни нари-бери суриб, хўрозларни ҳайдайди, тундлик билан дейди:

— Бекорчиликдан хўроз уриштиряпсизларми... Қани, ишга жўна ҳамманг, ялқовлар! Қиладиган ишларинг бўлмаса, отхонага бориб пичан ирғитишиб беринглар. Бориб, полизларга гўнг ташинглар. Икки киши қўрама-қўра юриб хабар берсин, хотин-халаж келиб товуқларини олиб кетсин.

— Товуқлар колхози тарқатиладиган бўлдими?— деб сўрайди хўроз уриштириш ишқибозларидан бири, тулки қулоқчинли Банник деган якка хўжалик.— Афтидан, ҳали уларнинг онги колхозга кирадиган даражада ўсмаган! Социализм бўлганда хўрозлар уришадими, ё уришмайдими?

Нагульнов савол бераётганга ўқрайиб қарайди-да, оқариб кетади.

— Ҳазилни эви билан қил! Социализм учун курашда одамларнинг гули ҳалок бўлган, сен итвачча уни мазах қиляпсанми? Ҳозироқ бу ердан йўқол, контр, бўлмаса бир тушираман, нариги дунёга сафар қилсан. Йўқол, газанда, ўлигингни чўзилтириб қўймасимдан бурун! Ҳазилни мен ҳам болайман!

У жим бўлиб қолган казаклардан узоқлашиб, паррандалар билан тўлган қўрага охирги марта қарайди-да, кўксигаги оғир хўрсинишни босиб, бошини қуйи солганча, аста-секин эшик томонга кета бошлайди.

## XX БОБ

Райкомда кўм-кўк тамаки тутуни гир айланиб кўтарилар, ёзув машинкаси тақир-туқур қилар, голланд печининг иссиғи уриб турар эди. Кундуз соат иккида бюро мажлиси бўлиши керак эди. Соқоли қирилган,



терлаб кетган, димиққанидан мовут кўйлагининг ёқасини ечиб қўйган секретарь шошиб турарди: у Давидовга стул кўрсатди-да, оппоқ биққи бўйнини қашиб олиб гапирди:

— Вақтим зиқ, швни билиб қўй, хўш, ишларинг қалай? Коллективлаштириш процентинг қандай? Юзга етай деб қолдингми? Қисқа гапир.

— Яқин қолди. Гап процентда эмас. Ички ишларимизни нима қилишимиз керак? Мен кўкламги дала ишлари планини олиб келган эдим: бир кўриб чиқасанми?

— Йўқ-йўқ!— секретарнинг кайфи учди, ва ижирганиб қовоқлари салқиган кўзларини қисиб, рўмолчаси билан пешанасидаги терни артди.— Сен бунингни район ер-сув союзига, Лупетовга олиб бор. У кўриб тасдиқлайди, менинг вақтим йўқ, окружкомдан бир ўртоқ келган, ҳозир б'оро мажлиси бўлади. Хўш, нега ўзингдан ўзинг бизга кулакларни юбординг? Бизга хўп иш орттирдинг-да... Мен сенга ўзимизнинг рус тилида гапириб: «Модомики қўлимизда бевосита директива йўқ экан, бу масалада ошиқма» девдим-ку ахир! Ҳали колхоз тузмай туриб, кулакларнинг орқасидан тушиб, уларни битиришга киришгандан кўра ёппасига коллективлаштиришни тугалласанг бўлмасмиди?! Уруғ фондини нима қилдинг? Сен райкомнинг дарҳол уруғ фонди барпо қилиш ҳақидаги директивасини олганмидинг? Нима учун бу директивани ижро қилиш учун шу вақтгача ҳеч нарса қилинмади? Мен шу бугуноқ бюрода Нагульнов икковингизнинг масалаларингизни қўйишга мажбурман. Буларни делоларингизга ёзиб қўйишни талаб қилмасам бўлмайди. Бу қандай бемазагарчилик! Кўзингни оч, Давидов! Райкомнинг энг муҳим директивасини бажармасликнинг оқибати сенинг учун ғоят кўнгилсиз бўлган ташкилий чоралар қўлланилишига сабаб бўлади! Сўнгги маълумот бўйича, сенда йиғилган уруғ фонди қанча? Ҳозир текшириб кўраман...— Секретарь стол тортмасидан графаларга бўлинган бир варақ қоғозни олиб, уни кўзларини қисганича қараб чиқди-да, бирданига бўриқиб кетди:— Ана, айтмадимми! Бир пуд ҳам қўшилмабди! Нега индамайсан?

— Гапиргани қўймаяпсан-ку, ахир! Рост, уруғ фонди билан ҳали шуғулланганимизча йўқ. Шу бугун қайтиб боришим биланоқ бошлаймиз. Шу вақтгача кунин мажлис чақириш, колхоз ташкил қилиш, правление сайлаш, бригада тузиш билан овора бўлдик, факт! Ишлар жуда кўп, дарров сен айтгандек бўлди-қўйдими: олма пиш, оғзимга туш дегандек, наридан-бери бир йўла ҳам колхоз тузиш, ҳам кулакни мусодара қилиш, ҳам уруғ фондини тўплаш мумкин эмас-ку, ахир... Биз буларнинг ҳаммасини ҳам бажарамиз, сен деломизга ёзишга ошиқмай тура тур, ёзиш қочмас.

— Ошиқмай бўларканми, округ билан ўлка кўз очирмай сиқиштиряпти-ку! Уруғ фонди биринчи февралгача барпо қилинган бўлиши керак эди, сен бўлсанг...

— Мен уни ўн бешинчи февралгача эплайман, факт! Февралда экмаймиз-ку, ахир? Бугун правление аъзоларидан бирини триер олиб келиш учун Тубянскойга жўнатдим. У ердаги колхознинг раиси Гнедих инжиқлик қиляпти, триерларинг қачон бўшайди, деб ёзган хатимизга: «Бир кунмас бир кун бўшаб қолар» деб резолюция қўйибди. Хонаки аскиябоздан ўргилдим-ку.

— Гнедихни қўй. Ўз колхозингдан гапир.

— Молларни сўйиш бошланиб кетувди, бунга қарши кампания ўтказдик. Ҳозир сўйишмаяпти. Яна сўйиб юборишмасин деб қўрқиб, яқинда парранда ва майда молларни ҳам умумлаштириш ҳақида қарор чиқарган эдик, умуман... Лекин мен бугун Нагульновга, паррандаларни эгаларига қайтариб бер, дедим.

— Нега энди?

— Майда моллар билан паррандаларни умумлаштириш хато деб ҳисоблайман, ҳозирча колхозда бунинг ҳожати йўқ.

— Колхоз мажлиси шундай қарор чиқарганмиди?

— Чиқарган.

— Нега ундай қилдинг бўлмаса?

— Паррандахоналар йўқ, колхозчиларнинг руҳи тушиб кетди, факт! Уларни икир-чикир билан нотинч

қилишнинг ҳожати йўқ... Паррандаларни умумлаштириш шартмас, биз коммуна эмас, колхоз тузямиз.

— Хўп яхши назария ўйлаб чиқарибсан! Қайтариб бериш шартмиди? Аввало, паррандага тегмасликларинг керак эди, модомики, бу ишни бошлаган экансизлар, орқага тисарилиш керак эмас эди. Сизлар сусткашлик қияпсизлар, ҳардамхаёллик қияпсизлар... Қатъий равишда ўнгланиб олишларингиз керак! Уруғ фонди барпо қилинмаган, коллективлаштириш юз процент эмас, асбоб-ускуна ремонт қилинмаган...

— Бугун темирчи билан гаплашиб қўйдик.

— Ана, кўрдингми, айтяпман-ку, суръатларингиз йўқ деб! Сизларга албатта агитколonna юбориш керак, у сизларга қандай ишлаш кераклигини ўргатиб қўяди.

— Юбор. Жуда яхши бўларди, факт!

— Лекин ошиқиш керак бўлмаган масалада эса шошқалоқлик қилибсизлар. Чек,— секретарь тамаки қутисини узатди.— Бирдан, томдан тараша тушгандек кулаклар ортилган чаналар келиб қолди. Менга ГПУ дан Захарченко телефон қилиб: «Уларни нима қиламиз? Округдан ҳеч гап йўқ. Уларга эшелон керак. Уларни нимада жўнатамиз, қаёққа жўнатамиз?» деб қолди. Қилиб қўйган ишларингни кўрдингми! Маслаҳатлашилмаган ҳам, келишилмаган ҳам...

— Уларни нима қилишим керак эди бўлмаса?

Давидовнинг жаҳли чиқиб кетди. У жиғибийрон бўлиб шошиб гапира бошласа, тили сал чучуклашар, чунки тили кемшигига тушиб қоларди-ю, шишилаб гапирар эди. Мана ҳозир ҳам дағал, баланд овоз билан ҳаяжонли равишда шишилаб гапирмоқда эди.

— Мен ўшаларни бўйнимга осиб олишим керакмиди? Улар камбағал Хопров билан хотинини ўлдиришди...

— Бу терговда исботланмади,— деб унинг гапини бўлди секретарь,— унда бошқа сабаблар бордир.

— Терговчи ёмон бўлгани учун исботланмаган. Бошқа сабаблар деганинг беҳуда гап! Бу кулакларнинг иши, факт! Улар колхоз ташкил қилишимизга турли йўллар билан тўсқинлик қилиб, тескари ташвиқот олиб боришди, биз у жин ургурларни шунинг

учун сургун қилдик. Мен ҳайронман, сен нега яккаш шунга эслайсан? Худди норози одамдек...

— Аҳмоқона гап! Оғзингга қараб гапир! Мен бундай ҳолларда ўзбошимчалик қилишга қаршиман, планли иш, планга амал қилиш ўрнига ўзбошимчалик қилишга қаршиман. Сен ўз хуторингдан кулакларни биринчи бўлиб улоқтириб ташлаб, уларни бадарға қилиш масаласида бизни ғоятда танг аҳволга солиб қўйдинг. Қолаверса, бу қандай маҳдудлик? Сен уларни ўз от-уловингга нега районгача юбординг? Нега тўппа-тўғри станцияга чиқариб, округга жўната қолмадинг?

— От-улов керак эди.

— Маҳдудлик қилипсан, дедим-ку! Хўп, бас. Сенга яқин кунлар учун топшириқ: уруғ фондини тўлатуқис жамғарасан, асбоб-ускуналарни ремонт қилдириб қўясан, юз процент коллективлаштиришга эришасан. Сенинг колхозинг мустақил бўлади. У бошқа аҳоли яшайдиган пунктлардан территориал жиҳатдан узоқ бўлгани учун, афсуски, «Гигант»га киролмайди. Округдагилар бўлса — жин урсин уларни! — ишни чалкаштириб юборишди: гоҳ «гигант»лар тузасан дейди, гоҳ майдалайсан дейди! Мияларимиз ғовлаб кетди!

Секретарь бошини чангаллаб, бир минутча индамай ўтирди-да, сўнг бошқа оҳангга гапирди:

— Бор, планингни район ер-сув союзи билан келишиб ол, кейин ошхонага бориб овқатлан, овқат қолмаган бўлса, менинг квартирамга бор, хотиним овқат беради. Шошма! Хат ёзиб бераман.

У дарҳол бир варақ қоғозга ниманидир ёзиб, Давидовга тутқазди, қоғозлардан бошини кўтармай, терга ботган совуқ қўлини узатди.

— Кейин дарҳол жўна. Яхши бор. Лекин масалаларингни бюрога қўяман. Йўқ, қўймасам ҳам бўлади. Лекин ишни жадаллаштиринглар. Бўлмаса — ташкилий чоралар кўрамай.

Давидов эшикка чиқиб, хатни очди. Қўк қалам билан йирик қилиб шу сўзлар ёзилган эди.

«Лиза! Ушбу мактубни кўрсатгувчига дарҳол, «ғинг» демай овқат беришингни қатъиян таклиф қиламан. Г. К о р ч ж и н с к и й.

— «Йўқ, бундай мандат билан борганимдан кўра, овқат емаганим афзал»,— деган қарорга келди қорни очган ғамгин Давидов хатни ўқиб кўриб, район ер-суб бўлимига жўнарган.

## XXI БОБ

Планга кўра Гремячий Логдаги баҳорда ҳайдаладиган майдон бу йил 472 гектар, шу жумладан, 110 гектари қўриқ ер бўлиши керак эди. Куздаёқ якка хўжалик тартибида — 643 гектар ер шудгор қилиб қўйилган, 210 гектарга жавдар экилган эди. Умумий экин майдонини қуйидаги тартибда ғалла ва мойли экинларга бўлиш тахмин қилинганди: буғдой — 667, жавдар — 210, арпа — 108, сули — 50, тариқ — 65, жўхори — 167, кунгабоқар — 45, каноп — 13 гектар. Жами — 1325 гектар, бунинг устига Гремячий Логнинг жанубидан Ужачина жаригача чўзилган, полиз учун ажратилган 91 гектар қумлоқ ер бор эди.

Қолхоз активларидан қирқдан ортиқ кишининг иш-тироки билан ўн иккинчи февралда бўлиб ўтган кенгайтирилган ишлаб чиқариш кенгашида уруғлик фонди барпо қилиш, дала ишларида иш нормаларини белгилаш, асбоб-ускуналарни экин экишга ремонт қилиб қўйиш ва кўкламги дала ишлари даври учун ем запасларидан махсус заҳира ажратиш масалалари қўйилди.

Давидов Яков Лукичнинг маслаҳати билан, ҳар бир гектарга ўрта ҳисобда етти пуддан, ҳаммаси бўлиб 4669 пуд уруғлик буғдой ҳозирлашни таклиф қилди. Шу он қаттиқ шовқин-сурон кўтарилди. Ҳар ким ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай қичқирар, шовқин-сурондан Титок уйининг ойналари дириллаб, жаранглар эди.

— Жуда кўп!

— Яна суриб кетмасин!

— Биз бўз тупроққа ҳеч бунчалик дон сепган эмас-миз.

— Қулгинг қистайди!

— Нари борса беш пуддан сочардик.

— Бор, беш ярим пуд де.

— Бизда десятинасига етти пуддан талаб қиладиган семиз ер бўйрача ҳам келмайди! Утлоқни ҳайдаш керак эди, бўлмаса, раҳбарларимиз нима қилмоқчи?

— Бўлмаса Панюшканинг жари бўйидаги ерларни ҳайдаш керак.

— Эҳа! Энг серўт жойларни ҳайдаймизми! Топган гапингни қара-я!

— Сизлар ғалладан гапирсанглар-чи, бу га. дега-нига неча килодан кетар экан.

— Сен килонг билан бошимизни оғритма! Пуд ёки челак билан ўлча!

— Гражданлар! Гражданлар, жим! Гражданлар, ўша...! Ҳой, жинларинг қўзидими, лаънатилар! Менга бир оғиз сўз берсанглар-чи!— бақирарди иккинчи бригада бошлиғи Любишкин.

— Ҳамма сўзни бердик, ола қол!

— Вой, лаънати хумпарлар-эй! Ҳайвоннинг ўзи-я... Игнат! Мунча энди буқага ўхшаб бўкиравермасанг? Азбаройи кучанганингдан мўматалоқ бўлиб кетибсан...

— Ўзингнинг оғзингдан қутурган итнинг оғзига ўхшаб кўпик қайнаб чиқяпти!

— Любишкинга сўз беринглар!

— Қулоқлар том битди-ку!

Мажлис аҳли бақириб-чақирмоқда эди. Ниҳоят, энг ашаддий бақироқлар хирқираб қолгач, Давидов ўз одатига хилоф равишда ғазаб билан бақирди:

— Ки-и-им сизларга ўхшаб бундай мажлис қилади?.. Бўкиришнинг нима ҳожати бор? Ҳар ким тартиб билан чиқиб гапирсин, бошқалар жим турсин, факт! Бу ерда бандитлик қилиш кетмайди. Онгли бўлиш керак!— сўнг ётиғи билан давом эттирди:— Сизлар мажлисларни уюшқоқлик билан ўтказишни ишчилар синфидан ўрганишларингиз керак. Чунончи, бизда цехдами ёки клубдами мажлис бўлиб қолса, тартиби билан ўтади, факт! Биров чиқиб гапирса, бошқалар қулоқ солади, сизлар бўлсанглар, ҳамманглар бир йўла шовқин соласизлар, ҳеч балони тушуниб бўлмайди!

— Кимки, биров гапираётганда ғиринг деса, мана бу тамба билан қоқ миясига тушураман! Тил тортмай

ўлади!— Любишкин ўрнидан туриб йўгон дуб тамбани силкиди.

— Бунақада мажлиснинг охиригача ҳаммамизни майиб қилиб қўясан-ку!— деди ўсмоқчилаб Демка Ушаков.

Мажлисадагилар кулиб юборишди, чекишиб олгандан сўнг экиш нормаси ҳақидаги масалани, жиддий муҳокама қилишга киришишди. Кейин билишса, баҳслашишнинг ҳам, бақириб-чақирининг ҳам ҳожати йўқ экан... Дастлаб Яков Лукич сўз олди ва ҳамма зиддиятларни дарҳол бартараф қилди.

— Бекордан бекорга бақириб овозларингни бўғиб ўтирибсизлар. Уртоқ Давидов нима учун етти пуддан таклиф қилдилар? Шунинг учунки бирга маслаҳатлашган эдик. Донни дорилаб триерда шопириб саралаймизми? Саралаганда чиқиндилар чиқадими. Чиқадими. Чиқинди кўп чиқиши мумкин, чунки баъзи кам ҳафсала деҳқонларнинг уруғлик донини чиқиндидан ажратолмайсан. Уруғлик донни егулик буғдой билан бирга асрайди, уни наридан-бери саралайди. Хўш, чиқинди чиқадиган бўлса, ҳайф кетмайди-ку? Паррандаларга, молларга берамиз.

Етти пудданга қарор қилишди. Гап ҳар бир плугнинг иш нормасига кўчганда иш яна чигаллашди. Бу тўғрида шу қадар пойма-пой фикрлар айтилдики, Давидов гарангсиз қолди.

— Баҳорнинг қандай келишини билмасдан туриб, ҳозирдан қанақасига плугимга иш нормаси белгилайсан?— дея қичқирарди учинчи бригада бошлиғи, чўтир ва давангир Агафон Дубцов, Давидовга ёпишиб.— Сен қор қандай эриб, ер унинг остидан қандай чиқишини биласанми, нам чиқадими ё қуруқ чиқадими? Ҳа, ернинг тагида нима бўлаётганини кўриб турибсанми?

— Ўзинг нима таклиф қиласан, Дубцов?— деб сўрарди Давидов.

— Менинг таклифим шу: бекорга қоғоз исроф қилинмасин, ҳеч нарса ёзилмасин. Экиб бўлайлик, у ёғи кейин бир гап бўлар.

— Бу нима қилганинг — ўзинг бригадирсану, онгсизлик қилиб, планга қарши чиқяпсан? План керакмас деб ўйлайсанми?

— Ҳар бир ишни олдиндан айтиб бўлмайди!— кутилмаганда Дубцовни қувватлади Яков Лукич.— Қандай қилиб норма белгилаб бўлади? Чунончи, сизнинг плугингизга уч жуфт Сақувват, ишчан хўкиз қўшилган бўлса-ю, меникига уч яшар новвослар қўшилган бўлса. Қани, хўш, сизчалик ҳайдай оламанми? Асло ҳайдаёлмайман!

Лекин шу пайт гапга Қондрат Майданников аралашди:

— Хўжалик мудиримиз Островновдан шу гап чиққанига ҳайрон бўлдик-ку! Топшириқ олмасдан қандай ишлайсан ахир? Ҳушингга келса ишлайсан, бўлмаса йўқми? Сўқа дастасидан қўлим тушмаса-ю, сен офтобрўяда орқангни қуёшга тоблаб ётсанг, кейин икковимиз бир хил ҳақ оламизми? Хомтама бўласан, Яков Лукич!

— Саломат бўл-э, Қондрат Христофорич! Сен хўкизнинг кучи билан ерни қандай тенглаштирасан? Сенинг еринг — юмшоқ бўлса, менинг ерим — заранг бўлса, сенинг пайкалинг — пастликда, меники — тепаликда бўлса. Қани билимдон бўлсанг айт-чи.

— Заранг ерга — бир топшириқ, юмшоқ ерга — бошқача топшириқ. Хўкизларни эса тенг-тенги билан қўшиш мумкин. Ишнинг кўзини билиш керак, менга гап сотмай қўя қол!

— Ушаков гапирмоқчи.

— Сўраймиз!

— Оғайнилар, менга қолса шундай дейман: молларни, ўзимиздаги одатга кўра, экиш бошланмасдан бир ой бурун сархил пичан, жўхори, арпага ўхшаган бақувват емлар билан боқсак. Лекин бир савоя борки, ем масаласи нима бўлади? Ошиқча дон ғалла мажбуриятига кетиб қолди...

— Моллар тўғрисида кейин гаплашамиз. Ҳозир гап бунинг устида эмас, факт! Ер ҳайдашда бир кунлик иш нормаси ҳақидаги масалани ҳал қилиб олишимиз керак. Заранг ерга қанча гектар, плугга қанча, сеялкага қанча гектар — шуларни белгилашимиз керак.

— Сеялкалар ҳам ҳар хил! Мен ўн бир қаторли сеялкада ўн етти қаторли сеялканинг ишини бажаролмайман.



— Факт! Ўз таклифингни айт Сиз нега ҳеч индамай ўтирибсиз, гражданин? Актив ҳисобланасизу, мен ҳали овозингизни эшитганим йўқ.

Демид Индамас Давидовга таажжуб билан қаради-да, дўриллаган овоз билан жавоб берди:

— Мен маъқуллайман.

— Нимани?

— Ер ҳайдашни, чунончи... экишни.

— Хўш?

— Вассалом.

— Шуми?

— Ҳм.

— Роса гаплашиб олдик,— Давидов жилмайди, яна нимадир деган эди, гур этиб кўтарилган қаҳқаҳадан сўзлари эшитилмай кетди.

Кейин Индамаснинг ўрнига Шчукаръ бобо чиқиб гапирди.

— Уни хуторимизда, ўртоқ Давидов, Индамас дейишади. Умри бўйи индамайди. Аҳён-аҳёнда гапириб қолади, шунинг учун хотини ҳам ташлаб кетган. Ўзи аҳмоқ казак эмас, тентакнамороқ, ёки нозикроқ қилиб айтганда, довдирнамороқ десаммикан, ё бир қайнови кам, меровроқ десаммикан. Эсимда бор, ёш болалигида мишиғини тортиб, иштончак чолиб юрарди, бирор нарсага салоҳияти борлиги ҳам сезилмасди, мана ҳозир бўлса, катта бўлиб, индамас бўлиб қолди. Золимининг замонида шу феъли учун Тубянскойнинг попи уни черковда тавба-тазарру қилишдан маҳрум этган эди. Тавба-тазарру вақтида бошига қора рўмол ташлаб (бу рўзанинг, афтидан, еттинчи ҳафтасида бўлган эди шекилли): «Ўғирлик қиласанми, фарзандим?» деб сўраб қолди. Бу индамади. «Зино қиласанми?» Индамади. «Тамаки чекасанми? Аҳли аёл билан зино қиласанми?» Тагин индамади. Аҳмоқ: «Гуноҳкорман, тақсир!» деб қўя қолса-ку, ўша заҳоти гуноҳлари соқит бўларди...

Орқа томондан:

— Овозингни ўчирсанг-чи!— деган овоз ва кулги эшитилди.

— ...Ҳозир, бир секундда тамомлайман! Хўш, у нуқул пишиллаб, ағрайганича, бақадек бақрайиб туради.

Диққинафас бўлган поппи даҳшат босиб, яккаш епит-раҳили<sup>1</sup> титрайди, шундай бўлса ҳам сўради: «Балки, сен бирон вақт яқин кишининг хотинига кўз олайтириб, унинг эшагиними, ёки ғайрий молиними тилагандирсан?» Шундан кейин инжилдаги ҳар хил гапларни айтди... Демид яна индамади. Нима ҳам дея оларди? Хўш, битта-яримтанинг хотинига кўнгли кетган тақдирда ҳам, бундан барибир бир иш чиқмас эди: унга бориб турган энг паст...

— Тамомла, бобо! Бу гапларининг ишга дахли йўқ,— жиддий амр қилди Давидов.

— Ҳозир дахли бўлади, ишнинг моҳиятига яқинлашай деб қолди. Бу гапнинг даромади эди, холос. Яна бир секунд! Гапимни бўлдингиз... Ҳаҳ, қуриб кетгур ошқовоқ! Гапираётган гапим эсимдан чиқиб қолди!.. Нима эди ўзи... ҳе, эс бўлмай... ҳа, эсладим!— Шчукаръ бобо ярғоқ бошини шапатилаб патирлаган пулемётдай сайрай кетди:— Хўш, бегона хотин масаласида Демиднинг ишлари пачава эди, эшак ёки ғайрий муқаддас ҳайвонларни тилаб нима қилади? Хўжалигида оти йўқлиги учун тилаши ҳам мумкин эди-ю, бу ҳайвонлар бизда бўлмаса-чи, ўзи уларни умри бино бўлиб кўрмаган бўлса-чи? Қани, айтинглари-чи, азиз гражданданлар, бизда эшак нима қилсин? Улар бизда азрўйи азалдан бўлган эмас! Йўлбарсми, ё эшакми, чунончи туя ҳам...

— Сен бугун овозингни ўчирасанми, йўқми?— деб сўради Нагульнов.— Бўлмаса ҳозир ҳайдаб чиқараман.

— Сен, Макарушка, Биринчи майда мактабда жаҳон революцияси ҳақида тушдан то кун ботгунгача гапиргансан. Гапиравериб зериктириб юборгансан, бир гапни ҳадеб чайнайвергансан. Мен ғужанак бўлиб сўрида ухлаб қолган эдим, гапингни бўлишга ҳам ботинмаган эдим, сен бўлсанг, менга нуқул луқма ташлайсан...

— Бобо гапини тамом қила қолсин. Вақтимиз бўлса бор,— деди ҳазил-мазах билан ҳангамани яхши кўрувчи Размётнов.

<sup>1</sup> *Епитрахил* — поплар кийимининг бўйнига солиб юриладиган қисми.

— У балки шунинг учун ҳам индамагандир, буни ҳеч ким билмайди. Поп ҳайрон бўлди. Демиднинг рӯмоли тагига бош суқиб: «Нима, соқовмисан?» деб сурштирди. Демид унга: «Йўқ, жонимга тегдинг!» деди. Уз-ўзидан маълум, шундан кейин попнинг жаҳли чиқиб, кўкариб кетди, яқинидаги кампирларга эшиттирмасдан ғазаб билан: «Нега бўлмаса, ҳе ўша сени, қоққан қозиқдек серрайиб турибсан?» деб шивирлади. Шунақа деб туриб, Демиднинг қоқ қаншарига кичкина шамдон билан тушириб қолса бўладими!

Қаҳқаҳани Демиднинг дўриллаган овози босиб кетди:

— Ёлғон айтяпсан! Ургани йўқ.

Шчукаръ бобо ғоятда ажабланиб:

— Ростдан ургани йўқми?— деди.— Хўш, барибир қўли қичишиб урмоқчи бўлган бўлса керак... Шундан кейин унинг гуноҳини соқит қилмади. Майли, граждандлар Демид индамаяпти, биз бўлсак гапирaveraмиз, бунинг бизга дахли йўқ. Гарчанд менинг сўзимга ўхшаган сўз кумушу, аммо сукут — сариқ олтин.

— Сен ўзингнинг ҳамма кумушингни олтинга алиштирсанг бўларди! Бошқаларнинг ҳам қулоғи тинчирди...— деб маслаҳат берди Нагульнов.

Кулги гоҳ ловиллаб ёнаётган қурғоқ ўтиндек гуруллар, гоҳ тинар эди. Шчукаръ бобонинг ҳикояси ишга оид гапдан ҳамманинг ҳафсаласини пир қилаётган эди, аммо Давидов юзидаги кулгини йиғиштириб сўради:

— Сен иш нормаси ҳақида нима демоқчи эдинг? Ишга кўч! Муддаога кўч.

— Менми?— Шчукаръ бобо терлаб кетган пешанасини енги билан артиб, кўзларини пириллатди.— Мен бу тўғрида ҳеч нарса демоқчи эмасдим... Мен Демид тўғрисидаги масалани ёритдим... Норманинг бунга дахли йўқ...

— Сени бу мажлисда сўзлашдан маҳрум қиламан! Асли муддаони гапириш керак, ҳангамани кейин қилса ҳам бўлади, факт!

— Ҳар бир плугга суткасига бир десятинадан,— деб таклиф қилди агровакиллардан бири — колхозчи Иван Батальшчиков.

Аммо Дубцов ғазабланиб қичқирди:

— Эсингни едингми! Тушингни хотинингга бориб айт! Суткасига бир десятина ҳайдаёлмайсан! Оқ кўпикка тушиб кетсанг ҳам эпллолмайсан.

— Мен шу вақтгача ҳайдаб келганман. Эҳтимол, сал камроқдир...

— Ҳа, сал камроқ дегин!

— Ҳар бир плугга ярим десятинадан. Заранг ер бўлса.

Узоқ мунозаралардан кейин суткасига қуйидагича ҳайдаш нормаси белгилашди: ҳар бир плугга — 0,60 гектар қаттиқ ер, 0,75 гектар юмшоқ ер.

Сеялкаларга: ўн бир қаторлилари учун —  $3\frac{1}{4}$  гектар, ўн уч қаторлилари учун — 4, ўн етти қаторлилари учун —  $4\frac{3}{4}$  гектардан.

Гремячий Логда ҳаммаси бўлиб 184 қўш ҳўкиз ва 73 та от бўлганлиги учун кўкламги экиш плани мушкул эмас эди. Бу тўғрида Яков Лукич худди шундай деди:

— Қунт билан ишласак барвақт экиб бўламыз. Баҳорда ҳар бир уловга тўрт ярим десятинадан ер тушадди. Бу енгил, биродарлар. Гапириб ўтиришнинг ҳам хожати йўқ.

— Тубянскойда ҳар бир уловга саккизтадан тушибди,— деб маълумот берди Любишкин.

— Чотлари кўпириб кетади, майли! Биз ўтган кузда қиров тушгунча ерни шудгор қилиб қўйдик, улар бўлса, Покровданоқ<sup>1</sup> хас-чўп тақсимлаш билан овора бўлиб, вақтларини ҳайф кетказишди.

Уруғлик фондининг ғалласини уч кун мобайнида тўкиб тўлдиришга қарор қилдилар. Темирчи Ипполит Шалийнинг кўнгилсиз баёнотини ҳам эшитишди. Қулоғи оғир бўлгани учун темирчи бақариб гапирар, қадок бўлиб кетган қора қўлларида ис босган мойли қулоқчинини зўр бериб эзгилаганича кўпчилик мажлис аҳлидан тортиниб сўзлар эди:

— Ҳамма нарсани ремонт қилиш мумкин. Мен тай-ёрман. Аммо лекин нима қилиб бўлса ҳам ҳаракат қи-

<sup>1</sup> Покров — октябрь ойн бошларида Биби Марям байрами.

либ, дарҳол темир топиш керак. Пflugларнинг тиш-лари билан пичоқлари учун бир парча ҳам темир йўқ. Асбоб-ускуна йўқ. Сеялкаларга эртаданоқ киришаман. Менга кўмакчи билан кўмир керак. Колхоз менга қандай ҳақ тўлайди?

Давидов иш ҳақи масаласини унга батафсил тushунтирди. Яков Лукичга темир билан кўмир олиб келиш учун эртагаёқ районга жўнашни таклиф қилди. Ем заҳираси барпо қилиш масаласини тез ҳал қилишди.

Кейин Яков Лукич сўз олди.

— Сизлар, биродарлар, қаерга нима экишни, қандай экишни батафсил муҳокама қилишларингиз, билимдон, саводхон бир одамни дала мудури қилиб сайлашларингиз керак. Тўғри, бизда колхозгача ҳам бешта агровакил бор эди, аммо уларнинг қилган ишлари кўринмайди. Бизнинг узоқ-яқин ҳамма ерларимизни яхши биладиган кекса казаклардан битта дала мудури сайлаш керак. Ерлар янгитдан тузилгунча, у бизга жуда иш беради! Менинг фикримча, ҳозир деярли бутун хуторимиз колхозга кирди. Аста-секин бўлса ҳам тўхтовсиз кириб туришибди. Якка хўжаликлардан эллик хонадонча қолди, булари ҳам эртага уйқудан кўз очганда ўзларини колхозда кўришади... Шунинг учун ҳам биз илмга амал қилиб, унинг сўзига қараб экин экишимиз керак. Мен бу гапни шунинг учун айт-япманки, чопиқ қилинадиган экинлар экишга мўлжалланаётган икки юз десятина ердан ярмисини херсонча шудгор қилсак. Шу баҳорда бир юз ўн десятина кўриқ ер очмоқчимиз, шуни херсонча шудгор қила қолайлик.

— Бунақасини асло эшитмаганмиз!

— Херсонча деганинг қанақа?

— Сен буни бизга очиқ-ёриқ айтиб бер,— деб илтимос қилди Давидов, ўзининг шу қадар сертажриба хўжалик мудирининг билимдонлигидан ичида ғурурланиб.

— Бу шундай шудгорки, уни яна иҳотали, америкача шудгор, деб ҳам аташади. Ўзи жуда аломат, ақл билан ўйлаб топилган! Чунончи, сиз бу йил чопиқ қилинадиган экин, хўш, жўхорими, ё кунгабоқарми экансиз, сиз уни ораси кенг тортилган жўякларга одатда-

гидан ярим баравар сийракроқ қилиб экасиз, ҳосилни расмана, тўғри эккандагига қараганда эллик процент кам оласиз. Жўхорининг сўталарини қайириб оласиз ёки кунгабоқарнинг қалпоқларини қирқиб оласиз, пояларини эса суғурмасдан жойида қолдирасиз. Шу кузнинг ўзидаёқ иҳота пояларининг орасига буғдой сочасиз .

— Қандай экиб бўлади? Сеялка пояларни синдириб кетиши мумкин-ку?— қизиқиб сўради, ағрайиб қулоқ солаётган Кондрат Майданников.

— Нега синдириб кетар экан? Жўяклар кенг бўлади-ку, шунинг учун у пояларга тегмайди, унинг новлари пояларнинг ёнидан ўтиб кетади, шундай қилиб, пояларнинг орасига тушган қор тўхтаб қолади. У аста-секин эрийди, ерга кўп нам беради. Баҳорга чиқиб буғдой кўтарилганда поялар суғуриб ташланади. Жуда қизиқ ўйлаб топилган. Гарчи мен ўзим бу хилда экиб кўрмаган бўлсам ҳам, бу йил тажриба қилиб кўрмоқчи эдим. Бу жуда тўғри ўйланган тадбир, хатоси йўқ.

— Офарин! Қувватлайман!— Давидов стол остида оёғи билан Нагульновни туртиб, шивирлади:— Кўрдингми? Сен бўлсанг унга доим қарши эдинг...

— Мен ҳозир ҳам қаршиман...

— Бунинг ўжарлик, факт! Хўкизга ўхшаб оёғингни тираб олгансан...

Мажлис Яков Лукичнинг таклифини қабул қилди. Шундан сўнг яна бир қанча майда-чуйда ишлар тўғрисида маслаҳатлашиб, бир қарорга келишди. Мажлис тарқала бошлади. Давидов билан Нагульнов қишлоқ советига етиб келишмаган ҳам эдики, қишлоқ советининг ҳовлисида, уларнинг қаршисидан юнгштурмча костюм кийган, чарм тужуркасининг олди очиқ, ўрта бўйли йигитча тез-тез юриб кела бошлади. У эпкин билан эсаётган шамолнинг қаршилигини енгиб, шаҳарча катак кепкасини қўли билан ушлаганича, тез яқинлашмоқда эди.

— Райондан келган одамга ўхшайди,— деди Нагульнов кўзларини қисиб.

Йигитча яқин келиб, ҳарбийларча қўлини кепкасининг козерогига тегизди.

— Сизлар қишлоқ советидан эмасмисизлар?

— Сизга ким керак эди?

— Бу ердаги ячейканинг секретари ёки Совет раиси.

— Ячейка секретари мен бўламан, бу киши — колхоз раиси.

— Жуда соз. Мен агитколоннаданман, ўртоқлар. Биз ҳозир келдик, сизларни Советда кутаётган эдик.

Қорачадан келган пучуқ йигитча Давидовнинг юзига ялт этиб қараб, савол назари билан жилмайди:

— Сен Давидов эмасмисан, ўртоқ?

— Давидовман.

— Мен сени танидим. Сен билан бундан икки ҳафта илгари округкомда учрашганмиз. Мен округдаги ёғ заводида прессчи бўлиб ишлайман.

Йигит уларнинг олдига келганда нима учун бирдан ундан хушбўй ва чучук кунгабоқар мойи ҳиди келганини Давидов шундагина тушунди: йигитнинг мой босган чарм курткасига ҳеч кўтарилмайдиган тотли хид сингиб кетган эди.

## XXII Б О Б

Қишлоқ советига яқинлашар экан, зинапояда, тепасига хоч қилиб оқ тасма тортилган энсиз казакча қора кубанка ва бурма белли ошланган қора калта пўстин кийган паст бўйли одам орқасини ўгириб турарди. Кубанкали одамнинг елкалари ниҳоятда кенг, камдан-кам учрайдиган яғриндор жуссаси билан бутун эшикни ва кесакисини тўсган эди. Қалтабақай, бақувват оёқларини кериб турган пастак бўйли бу қудратли одам дашт садақайрағочига ўхшарди. Айиқдек гавдасининг оғирлигидан кенг қўнжли ғижим этининг қийшиқ пошналари гуё зинапоя тахтасига ботиб кириб кетгандек эди.

— Бу агитколоннамизнинг командири ўртоқ Кондратько,— деди Давидовнинг ёнида келаётган йигитча. Унинг лабларидаги табассумни кўргач:— Биз уни ўзаро ҳазиллашиб «Квадратько» бобо деб ҳам атаймиз... ўзи Луганскадаги паровозсозлик заводидан. То-

карь. Ёши — отамиз тенгу, аммо ўзи жуда яхши йигит!

Шу пайт буларнинг овозини эшитган Қондратько қизил мағиз юзини Давидовга ўгирди, табассумдан қўнғир салқи мўйловлари остидаги оппоқ тишлари ярқираб кетди:

— Булар Совет ҳокимияти бўлишса керак-да? Саломатмисизлар, оғайнилар.

— Салом. ўртоқ. Мен — колхоз раисман, бу киши — партячейка секретари.

— Жуда соз! Уйга кирайлик, бўлмаса менинг йигитларим махтал бўлиб қолишди. Мен бу агитколлоннинг бошлиғи бўлганим учун ҳозир сизлар билан бир йўла гаплашиб ола қоламан. Менинг отим Қондратько, борди-ю, йигитларим, бунинг номи Квадратько десалар, сизлар уларга зинҳор-зинҳор ишона кўрманглар, чунки булар шунақанги тентак, довдирки, таърифлашга сўз тополмайман...— дерди у варанглаб йўғон овоз билан, эшикдан ёнбоши билан кираркан.

Осип Қондратько Россиянинг жанубида йигирма йилдан ортиқроқ ишлади. Дастлаб Таганрогда, кейин Дондаги Ростов-Донда, Мариуполда ва ниҳоят Луганскда ишлади, у ердан ёш Совет ҳокимиятини яғриндор елкаси билан суяш учун Қизил гвардия сафига жўнади. Руслар орасида йилларча яшаб, соф украин тилида сўзлашолмайдиган бўлиб қолди, аммо қиёфасидан, шевченкоча салқи мўйловларидан, ҳар қалай, украинлигини билиб олса бўлар эди. Донец шахтёрлари билан бирга, Ворошилов билан бирга 1918 йилда контрреволюцион қўзғолон алангалари чулғаб олган казак хуторларидан ўтиб, Царицинга қараб юрди... Кейинчалик, суҳбат вақтларида гап, узоқ ўтмиш бўлиб қолган, ўлмас таассуротлари қатнашчиларининг қалблари ва хотираларида абадий яшаётган граждандар уруши йилларига тақалгудек бўлса, Қондратько ифтихор билан секин: «Ўзимизнинг лугансклик Клементий... Ҳа, қадрдон ошна эдик, — дерди, — яна кўришиб қолсак ҳам ажаб эмас. У мени кўрса дарров танийди! Царицин яқинида оқларга қарши урушганимизда, у мен билан неча марта ҳазиллашган, «Хўш, ишлар қалай,



Кондратько? Омон бормисан, олғир бўри? дегувчи эди. «Омонман, Клементий Охримич, ҳозир ўлишга фурсат йўқ, контрлар билан қандай солишаётганимизни кўрмаяпсизми? Девдек солишяпмиз!» дердим. Агар кўришиб қолсак, у мендан ҳозир ҳам илиқ сўзини аямасди»,— ишонч билан сўзини тамомларди Кондратько.

Урушдан кейин у яна Луганскка келиб қолди, Чеканинг транспортдаги ташкилотларида ишлади, сўнг-ра уни яна заводга, партия ишига юборишди. У ўша ерда партия сафарбарлиги билан коллективлаштирилаётган қишлоққа ёрдам бериш учун жўнатилган эди. Сўнгги йилларда Кондратько яғрин ташлаб семириб кетди. 1918 йилда Царицин бўсағаларидаги жангда тўртта казак билан Врангелнинг ўз қўлидан «жасурлиги учун» олтин нақшли кумуш қилич олган кубанлик юзбоши Мамалигани чопиб ташлаган ўша Осип Кондратькони сафдошлари энди кўришса, таниёлмай қолишади. Осип кексая бошлади, юзидаги кўкиш ва бинафша томирлар бўртиб чиқди... Тез чопган от ҳорғиндан оқ кўпикка тушиб кетганидек, вақт ҳам Осипнинг соч-соқолини оқартирди; ҳатто салқин мўйловларига ҳам оқ оралади. Аммо иродаси билан кучи Осип Кондратькога хизмат қилиб турибди, меёридан ташқари тўлалигига келсак, бу ҳеч гап эмас. «Тарас Бульба тўлароқ эди, аммо ляхлар билан қандай урушарди? Ҳа, балли! Жанг қилишга тўғри келиб қолса, мен ҳали ҳам битта-яримта офицерни икки нимта қилиб ташлашга чоғим келади! Эллик ёшга кирган бўлсам нима қилибди? Менинг отам чор ҳокимияти вақтида юз йил яшаган эди, мен бўлсам ҳозир ўзимнинг жонажон ҳокимиятим замонида бир юз эллик йил яшайман!»— дейди у, ёши билан ҳамон меёридан ошиб кетаётган тўлалигига шама қилишса.

Қишлоқ Совети хонасига аввал Кондратько кирди.

— Жим бўлинглар, йигитлар! Бу киши — колхоз раиси, бу киши эса — ячейка секретари. Биз ҳозир бу ердаги ишлар қандайлигини эшитишимиз керак, шундан кейин нима қилишимиз маълум бўлади. Қани, ўтиринглар!

Агитколоннадаги ўн бештача киши гурунглашиб ўтира бошлади, икки киши қўрага чиқиб кетди — афтидан, отлардан хабар олгани бўлса керак. Нотаниш юзларни кўздан кечираркан, Давидов район ходимларидан уч кишини: агроном, иккинчи босқич мактабнинг ўқитувчиси ва врачни таниди; қолганлари округдан, баъзилари эса, қиёфаларига қараганда, ишлаб чиқариш корхоналаридан юборилган эди. Стулларни нари-бери суриб йўтала йўтала ўтиришаркан, Кондратько Давидовга шивирлади:

— Айтиб қўйгин, бизнинг отларимизга пичан солиб қўйинсин, аравакашлар узоққа кетишмасин,— қувлик билан кўзларини қисди.— Балки бизга сулидан қарашиб юборарсан?

— Фақат уруғлик сули қолган,— деб жавоб қилди Давидов, аммо шу ондаёқ ниҳоятда ўнғайсиз ҳолга тушиб, ўзидан нафратланиб кетди.

Аслида ҳали юз пуддан ортиқ емлик сули бор эди, йўқ деб жавоб берганининг сабаби шу эдики, қолган сулини кўкламги ишларнинг бошланишига кўз қорачиғидек асрамоқда эдилар; Яков Лукич ҳам қиммат баҳо донларни отларга (фақат правление отларига), шунда ҳам улар узоқ, оғир сафарга кетаётганларидагина йиғламоқдан бери бўлиб, пақирчадагина берарди.

«Мана майда хусусий мулкчилик муҳити! Мени ҳам ўз қаърига тортяпти...— деб ўйлади Давидов.— Илгари феълим кенг эди, факт! Ҳаҳ, лаънати... Ё сулини бера қолсаммикан? Йўқ, энди ноқулай».

— Бўлмаса, арпа бордир?

— Арпа ҳам йўқ.

Арпа ҳақиқатан ҳам йўқ эди, аммо Давидов гапни тушуниб жилмайиб турган Кондратькодан қизариб кетди.

— Йўқ, чиндан айтяпман — арпа йўқ.

— Сендан ажойиб хўжайин чиқар экан... Кулак чиқса ҳам ажаб эмас экан...— деди дўриллаб Кондратько, мўйловлари орасидан кулиб, аммо Давидовнинг қошларини чимираётганини кўраркан уни қучоқлади-да, ердан сал кўтариб қўйди.— Қўй, қўй! Мен ҳазиллашяпман. Йўқ бўлса, йўқ экан-да! Ўзингнинг

эҳтиётингни қил, ўз молларинг овқатсиз қолмасин... Хўп, оғайнилар, ишга кўчайлик бўлмаса! Тишларингни тишларингга қўйиб, ҳап ўтиринглар бўлмаса.— Кейин Давидов билан Нагульновга мурожаат қилди:— Биз хуторларингизга қандай бўлмасин бирон ёрдам бериш учун келдик, ишонаманки, бу сизларга маълум бўлса керак. Хўш, қани, айтинглар: ишларингиз қай аҳволда?

Давидовнинг коллективлаштиришнинг бориши ва уруғлик фондиди тўкиш ҳақидаги муфассал докладидан кейин Кондратько шундай қарорга келди:

— Ҳаммамизнинг бу ерда қолишимизга ҳожат йўқ экан,— у пишиллаганича чўнтагидан қўйин дафтарчаси билан трехверстка картани олиб, унда йўғон бармоғини юрита бошлади,— биз Тубянскойга борамиз. Назаримда, у хутор бу ердан яқинга ўхшайди, бу ерда эса сизларга тўрт йигитдан иборат бригада қолдириб кетамиз, улар сизларга ишларингизда ёрдам беришсин. Уруғлик фондиди тезроқ тўплашга келсак, мен сизларга шундай маслаҳат берардим: аввал мажлис ўтказиб, ғаллакорларга масалани тушунтиринглар, шундан кейин эса оммавий ишни бошлаб юборинглар,— деб батафсил ва ошиқмай гапирди у.

Давидов унинг нутқини, гоҳо ўзи чала тушунадиган украин тилининг айрим қийин ибораларини яхши фаҳмлай олмаса-да, унинг гапини эшитаркан, ҳузур қиларди, Кондратько уруғлик дон тўплаш кампанияси планини асосан тўғри баён қилаётганига чуқур қаноат ҳосил қилган эди. Кондратько яна боягидек ошиқмай, ҳар эҳтимолга қарши, уруғлик дон тўплаш тadbирларига қандай йўл билан бўлмасин қаршилиқ кўрсатмоқчи бўладиган ва тархашлик қиладиган хуторнинг бадавлат қисми ва якка хўжаликларга нисбатан қандай йўл тутишни уқтирди: ташвиқот колоннасининг бошқа қишлоқ советларидаги қилган ишлари тажрибасига асосланган энг самарали методларни айтди; доим юмшоқ гапирди, унинг гапларидан катталик қилиш, ақл ўргатишга майли борлиги сира ҳам сезилмас, нутқи давомида гоҳ Давидов билан, гоҳ Размётнов билан, гоҳ Нагульнов билан маслаҳатлашар эди: «Бу ишни шундай олиб бориш керак. Сиз-

лар қандай ўйлайсизлар, гремячийликлар? Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим!»

Давидов эса токаръ Кондратьконинг сертомир қиз-ғиш юзига, қувлик билан чақнаб турган чуқур кўзларига жилмайиб тикиларкан, шундай деб ўйларди: «Жуда ақлли шайтон одам экансан! Ташаббусимизни бўғиб қўймоқчи эмас, биз билан худди маслаҳатлашаётгандек гаплашади, унинг тўғри кўрсатмаларига эътироз кўрсата бошласанг, сени мулойимлик билан дарров ўз йўлига солиб олади, факт! Мен бундайларни, ўлай агар, кўп кўрганман!»

Яна бир кичкина тасодиф унинг ўртоқ Кондратькога бўлган ихлосини оширди: Кондратько жўнаб кетишдан олдин Гремячий Логда учта ўртоғи билан қолаётган бригадирни четга чақириб олди, улар орасида шундай қисқагина суҳбат бўлиб ўтди:

— Нега жакетка устидан наган тақиб олдинг? Ҳозир ечиб ташла!

— Ахир, ўртоқ Кондратько, кулакларга қарши... синфий кураш...

— Менга нималар деяпсан ўзинг? Кулаклар эмиш, хўш, кулаклар бўлса нима қилибди? Сен ташвиқот қилгани келгансан, кулаклардан қўрқар экансан, наган олиб юр, аммо уни сиртдан тақиб юрма. Уни қаранглар-а! У кишининг нагани бор эмиш! Худди ёш болага ўхшайди! Намойишкорона осиб олиб, кўз-кўз қилиб юрибди... Дарров чўнтагингга тиқ. Тагин кулакнинг думи кўриб: «Уни қаранглар, яхшилар, сизларни тўппонча билан ташвиқот қилгани келишибди!» деб юрмасин,— деди-да, тишларини тишларига қўйиб, тамом қилди:— Тентак...

Чанага чиқаётиб Давидовни чақирди-да, унинг пальтоси тугмасини ўйнаб туриб, деди:

— Менинг йигитларим ўлар-тириларига қарамай ишлашади! Ҳамма ишлар тезроқ амалга оширилиши учун ўзларинг ҳам яхши ишланглар. Мен Тубянской-да бўламан, бирон гап бўлиб қолгудек бўлса — хабар бер. У ерга етиб бориб, бугуннинг ўзидаёқ спектакль қўйишимиз керак. Менинг кулак ролида ўйнаганимни бир кўрсанг эди! Менинг жуссам шундайки, бемалол кулак бўлиб ўйнайвераман... Мана, Кондратько бобо

қариганда шу кунга тушди! Сули тўғрисидаги гапни кўнглингдан чиқариб юбор, бу иш учун кек сақлаётганим йўқ,— деб жилмайди, кенг яғрини билан чана суянчигига ясланаркан.

— Қалласи ҳам катта экан, яғрини ҳам кенг, оёқлари ҳам бақувват экан!— деб хохолади Размётнов.— Худди тракторга ўхшайди!.. Агар сўқага қўшсанг ёлғиз ўзи тортиб кетади, уч қўш ҳўкизнинг ҳам кераги бўлмай қолади. Туриб-туриб таажжубланаман: бундай ғўлабир одамлар қандай қилиб дунёга келар экан-а, сен нима дейсан, Макар?

— Сен худди Шчужарь бобога ўхшаб эзма бўлиб кетяпсан!— зарда билан қўл силтади униси.

### XXIII БОБ

Ясовул Половцев Яков Лукичникида туриб, баҳорга чиққанда исён кўтаришга астойдил тайёрланмоқда эди... Кечалари бир товуқ ўтгунча ҳужрасида ўтириб, нималарнидир ёзар, сиёҳ қалам билан қандайдир карталар чизар, ўқир эди. Баъзан Яков Лукич Половцевнинг олдига кириб қолса, у кенг пешанали калласини стол устида энгаштирганча, қимтилган лабларини қимирлатиб, пичирлаб мутолаа қилаётганини кўрарди. Баъзан эса Яков Лукич уни оғир ўй суриб ўтирган ҳолда кўриб қоларди. Бундай дақиқаларда Половцев одатда бармоқларини ўсиб кетган сийрак оқиш сочлари орасига суққанича, тирсақларига суяниб ўтирарди. Тишлашиб қолган тик жағлари гўё чандирдай бир нарсани чайнаётгандек қимирлар, кўзлари юмуқроқ бўлар эди. У отини айтиб бир неча марта чақиргандан кейингина бошини кўтарар, ҳаракатсизлигидан ваҳимали бўлган кичкина кўз қорачиқларида ғазаб чақнар эди. «Хўш, нима дейсан?»— деб сўради у вовиллагандек йўғон овоз билан. Бундай дақиқаларда Яков Лукич ундан ниҳоятда ҳайиқар, унга беихтиёр эҳтиром билан қарарди.

Хуторда, колхозда нималар бўлаётганини Половцевга айтиб туриш Яков Лукичнинг кундалик вазифаси бўлиб қолган, у ҳамма нарсани бажону дил келиб

айтар, аммо ҳар кун Половцевга янги ташвишлар келтириб, унинг ёноқларига яна ҳам чуқурроқ кўндаланг излар солар эди...

Кулақлар Гремячий Логдан сургун қилинганидан бери Половцев кечалари билан ухламай чиқарди. Унинг сассиз вазмин қадам товуши тонггача эшитиларди, Яков Лукич оёқ учида ҳужрасининг эшигига бориб, унинг тишларини гижирлатиб пўнғиллаётганини эшитар эди:

— Илдизимизга болта уришяпти! Таянчимиздан маҳрум қилишяпти... Чопиш керак! Чопиш керак! Аёвсиз чопиб ташлаш керак!

У индамай қолар, пийма кийган оёқлари билан аста-аста босиб яна юра бошларди, бармоқлари билан баданини таталаётгани, одати бўйича кўкрагини қашийётгани, яна гўнғиллаши эшитиларди:

— Чопиш керак! Чопиш керак!..— сўнгра юмшаб, хирқироқ бўғиқ товуш билан дерди:— Ё ҳар ерда ҳозир нозир, шафқатли, адолатли парвардигор!.. Мадад бер!.. У фурсат қачон келади?.. Қаҳрингни эртароқ соч, парвардигор!

Ташвишланган Яков Лукич тонгда меҳмонхона эшигига бориб тирқишига қулоғини тутди: Половцев пичирлаганича дуо ўқиб, инқиллаб тиз чўкиб, ибодат қилмоқда эди. Сўнгра чироқни ўчириб ётди, мудраб кетар экан яна ошкор: «Ҳаммасини ҳам... битта қолдирмай чопиб ташлаш керак!»— деди-да, инграб юборди.

Бир неча кундан кейин Яков Лукич дераза қопқонининг тақиллаганини эшитиб, даҳлизга чиқди.

— Ким у?

— Оч, хўжайин!

— Ким у?

— Александр Анисимович ҳузурига келган эдим...— пичирлаган овоз эшитилди эшик орқасидан.

— Қимнинг олдига? Бу ерда унақа одам йўқ.

— Қириб айтгин, мен Қорадан пакет олиб келдим.

Яков Лукич бир оз ҳаяллади-да, «нима бўлса шу!»— деб эшикни очди. Бошини қулоқчин билан чирмаб олган пастак бўйли бир одам кирди. Половцев уни ўз хонасига олиб кириб, эшикни зичлаб ёпди, меҳ-

монхонадан бир ярим соатча шошилинч бўғиқ суҳбат овози эшитилиб турди. Бу орада Яков Лукичнинг ўғли келган чопарнинг отига пичан солиб, айилни бўшатди, сўлиғини чиқарди.

Шундан кейин отлиқ чопарлар деярли ҳар куни, аммо энди ярим тунда эмас, саҳарда, кечаси соат учтўртларга яқин келадиган бўлди. Булар, афтидан, биринчисига қараганда олисроқ жойдан келишарди шекилли.

Бу кунларда Яков Лукич ғалати, икки ёқлама ҳаёт кечирарди. Эрталабдан колхоз правленийисига борар, Давидов, Нагульнов билан, дурадгорлар билан, бригадирлар билан сўзлашар эди. Моллар учун оғилхона солиш, ғалла саралаш ташвишлари, асбоб-ускуналар ремонтни бошқа нарсалар устида ўйлашга бир дақиқа ҳам вақт бермас эди. Ишчан Яков Лукич ўзи кутмаган ҳолда бирдан қалбига яқин бўлган югур-югур ва серташвиш иш шароитига тушиб қолди, фақат муҳим фарқи шундагина эдики, ҳозир у уз шахсий манфаати учун эмас, колхоз учун хутор бўйлаб юғуриб юрар, сафарга чиқар эди. Аммо у шунга ҳам хурсанд, машъум хаёллардан чалғиса, ўйламаса бўлгани эди. У ишга қизиқиб кетди, ишлагиси келар, миясида турли-туман режалар пайдо бўлар эди. У кунчаклик билан оғилхоналарни иситишга, каттакон отхона солишга киришар, умумлаштирилган омборларни кўчириш ва колхознинг янги омбори қурилишига раҳбарлик қилар, кечқурун иш кунининг ташвишларидан қутулиб, уйга қайтиш вақти етганда, уйдаги меҳмонхонада мазор устидаги йиртқич калхатдек ёлғиз ўтирган даҳшатли бадқовоқ Половцевнинг ўтирганини эслаб қолса — Яков Лукичнинг кўнгли беҳузур бўлиб кетар, ҳаракатлари сустлашиб қолар, чарчагандек вужуди бўшашиб кетар эди... У уйига қайтиб келар, овқатланишларидан олдин Половцевнинг олдига кира эди.

— Гапир,— дер эди униси, тамаки ўраб, диққат билан тинглашга шайланаркан.

Яков Лукич колхознинг бир кунлик ишларидан гапириб берарди. Половцев одатда индамай қулоқ солиб ўтирарди, фақат бир мартагина, Яков Лукич кулак-

ларнинг кийим-бошлари билан пойафзаллари камбағалларга тақсим қилиб берилганлигини айтганда, тоқати тоқ бўлиб кетди, ғазаби қўзиб, хирқироқ овоз билан пишқирди:

— Кийим-бош олганларнинг баҳорда кекирдакларини узиб ташлаймиз! Ушаларнинг ҳаммасини... бу аблаҳларнинг ҳаммасини рўйхатга ол! Эшитдингми?

— Менда рўйхати бор, Александр Анисимич.

— Ҳозир ёнингдами?

— Ёнимда.

— Бу ёққа бер!

Рўйхатни олиб, ундан диққат билан копия кўчирди, исмлар, оталарнинг исмлари, фамилиялари ва олинган буюмларни батафсил ёзиб, кийим-бош ёки пойафзал олган ҳар бир кишининг фамилияси тўғрисиغا крест қўйди.

Половцев билан гаплашиб бўлгач, Яков Лукич чиқиб овқатланар, ётишдан олдин эса яна унинг олдига кириб, эртасига нималар қилиш кераклиги тўғрисида йўл-йўриқлар олар эди. Яков Лукич худди Половцевнинг фикри билан 8 февраль куни иккинчи бригаданинг нарядчисига одамлари билан тўртта арава ажраттириб, ҳўкизлар турадиган молхонага сойдан қум олдириб келишни буюрган эди. Қумни олиб келишди. Яков Лукич молхонанинг тагини қиртишлаб тозалаб. қум сепишни буюрди. Иш охирида иккинчи бригаданинг қўрасига Давидов келди.

— Қумни нима қиляпсизлар?— деб сўради у бригада ҳўкизбоқари қилиб тайинланган Демид Индамасдан.

— Сепяпмиз.

— Нима учун?

Сукут.

— Нима учун, деяпман?

— Билмасам.

— Бу ерга қум сепишни ким буюрди?

— Хўжалик мудир.

— У нима деди ўзи?

— Озодаликка рия қилинглар, деди... Шунини ўйлаб чиқарибди, итвачча!



— Бу яхши факт. Ҳақиқатан ҳам озода бўлади, бўлмаса гўнг ҳиди димоғингни ёради, яна ҳўкизларга касал юқиши мумкин. Уларга ҳам озодалик керак, ветеринарлар шундай дейишади, факт. Сен ҳам бекорга, ҳалигидай... норози бўляпсан. Ҳозир молхонага қарасанг, ҳатто ҳавасинг келади: қум сепилган, озода, а? Нима дейсан?

Давидов Индамас билан гаплаша олмади,— Демид индамай тўпонхонага чиқиб кетди, Давидов эса ўз ҳўжалик мудирининг ташаббусини фикран маъқуллаб, тушлик қилгани жўнади.

Кечқурун унинг олдига Любишкин югуриб келиб, гижиниб сўради:

— Шу бугундан эътиборан буқаларнинг тагига похол тўшамай, қум сепамизми?

— Ҳа, қум сепамиз.

— Ахир, бу Островновингга нима бўлган? Эс... эс... эсини еганми? Бу нима деган гап? Сен ҳам-а, ўртоқ Давидов?.. Наҳотки шундай бемаъни нарсани маъқулласанг?

— Сен ҳовлиқаверма, Любишкин! Бутун гап озодагарчиликда, Островнов тўғри қилган. Тоза бўлса хавфхатарсиз бўлади: юқумли касалликлар бўлмайди.

— Бунинг нимаси озодагарчилик экан, сохти қурсин! Ҳўкиз нима устида ётиши керак, ахир? Аёз забтига олаётганини кўр! Похолда иссиққина ётади-ку, қани бориб қумга ётиб кўр-чи!

— Йўқ, сен эътирозингни қўй! Молларни эскичасига парвариш қилишдан воз кечиш керак! Биз ишларимизни илмий асосга қуришимиз керак.

— Бунинг нимаси асос экан? Эҳ!..— Любишкин қора папоғини қўнжигга қаттиқ уриб, Давидовнинг олдидан лавлагидан баттар қизариб чиқиб кетди.

Эртасига йигирма учта ҳўкиз ўрнидан туролмай қолди. Кечаси музлаган қум ҳўкиз сийдигини ўтказмай, ҳўкизлар шалтоққа ётиб яхлаб қолаверибди... Баъзилари ўринларидан турганда тошдай қотган қумга ёпишган парча-парча терилари узилиб қолди, тўртасининг яхга ёпишиб қолган думи узилиб кетди, қолганлари совуқ ўтиб, касал бўлиб қолди. Яков Лукич Половцевнинг фармойишини бажараман деб ҳаддидан

ошириб юбориб, хўжалик мудирлиги вазифасида аранг қолди. «Хўкизларини шу йўл билан яхлат! У аҳмоқлар, бу озодагарчилик учун қилинаётган экан деб ишонишади. Аммо отларга эҳтиёт бўл, ҳаммаси ҳам шу бугуноқ сафдан жой олишга шай бўлсин!»— деган эди бир кун олдин Половцев. Яков Лукич унинг топшириғини бажарди.

Эрталаб уни Давидов ўз ҳузурига чақирди; эшикнинг илгагини солиб, бошини кўтармасдан сўради:

— Бу нима қилганинг?..

— Янглишиб қолдим, қадрли ўртоқ Давидов! Ахир мен... худо ҳақи... Сочларимни юмдалаб ташлагудекман...

— Бу нима қилганинг, газанда!..— Давидов оқариб кетиб, ғазабдан ёшга тўлган кўзлари билан Яков Лукичга ялт этиб қаради.— Зараркунандачилик қил-япсанми?.. Оғилга қум сепиш мумкин эмаслигини билмасмидинг? Хўкизлар яхга ёпишиб қолиши мумкинлигини билмасмидинг?

— Мен хўкизларга... Худо ҳақи, билмасдим!

— Овозингни ўчир!.. Сендек тадбирли деҳқоннинг бу нарсани билмаслигига ишонмайман!

Яков Лукич йиғлаб юборди, бурнини қоқиб, яккаш бир гапни ғудуллаб такрорлайверди:

— Озода бўлсин деган эдим... Гўнг бўлмасин деган эдим...

Бундай бўлишини билмабман, ақлим етмабди...

— Бор, ишларингни Ушаковга топшир. Сени суд қиламиз.

— Ўртоқ Давидов!..

— Чиқ деяпман сенга!

Яков Лукич чиқиб кетгач, Давидов бўлиб ўтган ҳодисани бафуржароқ ўйлаб кўрди. Ҳозир назарида, Яков Лукични зараркунанда деб гумонсираш бемаъни эди. Островнов кулак эмас-ку, ахир. Борди-ю, битта-яримта уни баъзан шундай деб атаса, бу шахсий хусумат туфайли эди. Бир куни, Островнов хўжалик мудирлигига кўтарилганидан кўп ўтмай, Любишкин гап орасида: «Островновнинг ўзи—собик кулак!» деб қолди. Давидов ўша вақтдаёқ текшириб, Яков Лукичнинг бундан кўп йиллар илгари ҳақиқатан ҳам бадавлат

яшаганини, кейин экини битмай қолиб ўртаҳолга тушиб қолганини аниқлади. Давидов ўйлаб-ўйлаб, Яков Лукич огилхонада рўй берган бахтсиз ҳодисада айбдор эмас, молхонага ҳам қумни озодагарчилик учун, хусусан, ўзининг доимо янгиликларга интилиши туфайлигина сепдирган, деган хулосага келди. «Агар у зараркунанда бўлса, бу қадар зарбдор бўлиб ишламас эди, ахир ўзининг икки қўш ҳўкизи ҳам шикастланди-ку,—деб ўйларди Давидов.—Йўқ, Островнов—бизга содиқ колхозчи, қум ҳодисаси эса шунчаки тасодифий бир хато, факт». У Яков Лукичнинг меҳр ва фаросат билан иссиқ қўралар қурганини, пичанни тежаганини, бир куни колхознинг учта оти огриб қолганида, оқшомдан эрталабгача отхонадан кетмай отларни санчиқдан халос қилиш учун ўз қўли билан уларга ҳуқна солиб, оғзиларига каноп мойи қуйганини, кейин эса, отларнинг касалланишига сабабчи бўлган биринчи бригада отбоқари Куженковни колхоздан ҳайдашни биринчи бўлиб таклиф қилганини эслади. Куженков отларни бир ҳафта давомида нуқул жавдар похоли билан боққан экан. Давидовнинг разм солишича отларга Яков Лукич ҳамма нарсага қараганда ҳам кўпроқ парво қиларди. Шуларнинг ҳаммасини эсларкан, Давидов бирданига қўзиган ўринсиз ғазабидан хўжалик мудирини олдида ўзини уятли ва гуноҳкор ҳис қилди. У яхши бир колхозчини, ҳамқишлоқлари ҳурмат қиладиган колхоз правлениеси аъзосини шу қадар қўпол жеркиб ташлаганидан, гуноҳи эҳтиётсизликдангина иборат бўлган одамни зараркунанда деб гумон қилганидан ўнғайсизланиб кетди. «Қандай бемаъни гап!»— Давидов сочларини қўллари билан тўзғитиб, хижолат билан томоғини қириб қўйди-да, хонадан чиқди.

Яков Лукич қўлида бир боғлам калит ушлаганича ҳисобчи билан сўзлашмоқда, лаблари аламдан титрамоқда эди...

— Менга қара, Островнов... сен иш топширмай қўя қол, ишингни давом эттиравер, факт. Борди-ю, шу қилигингни яна такрорлайдиган бўлсанг... хуллас, ҳалигидай... Райондан ветеринария фельдшерини чақир, бригадирларга айт, яхда ётиб қолган ҳўкизларни нарядлардан озод қилишсин.

Яков Лукичнинг колхозга зиён етказиш учун қилган биринчи ҳаракати унинг учун хавф-хатарсиз тугади. Половцев уни навбатдаги вазифалардан вақтинча озод қилди, чунки бошқа иш билан банд эди: унинг олдига одатдагидек, кечаси янги одам келган эди. У одам аравани қайтариб юбориб, уйга кирди, Половцев уни шу ондаёқ ҳужрасига олиб кириб кетиб, ҳеч ким кирмасин, деб буюрди. Улар алламаҳалгача гаплашишди, эртасига эрталаб чиройи очилган Половцев Яков Лукични олдига чақирди.

— Бу киши, қимматли Яков Лукич, иттифоқимизнинг аъзоси, чунончи, бизнинг сафдошимиз, подпоручик, казакчасига — хорунжий, Вацлав Августович Лятевский. Илтифот қилиб, ҳурматини бажо келтир. Бу киши — менинг мезбоним, эски замон қозонида қайнаган казаклардан, аммо ҳозир колхозда хўжалик мудири... яъни — совет хизматчиси...

Подпоручик каравотдан тура келиб, Яков Лукичга каттакон оқ қўлини узатди. У ўттиз ёшлар чамасида, юзи заҳил, ўзи озгин эди. Юқорига тараб қўйилган жингалак қора сочлари қора сатин қўйлагининг тик ёқасигача тушиб турарди. Кулиб турган тўғри хатли лаблари устида сийрак жингалак мўйловлари бор эди. Чап кўзи умрбод қисик бўлиб қолган, афтидан, контузиядан кейин бўлса керак; кўзи остида куз хазонидек жонсиз териси бужмайиб, ҳаракатсиз дўмпайиб турар, қисик кўзи собиқ подпоручик Лятевскийнинг қувноқ кулунч юзи ифодасини бузмасдан, аксинча, уни кучайтириб турарди. Унинг қуралай кўзи тегажаклик қилиб им қоқиб юборадигандек, териси эса ёзилиб, чаккаси-гача нурли излар солиб таралиб кетадигандек, қувноқ подпоручикнинг ўзи эса йнгитларга хос астойдил қаҳқаҳа уриб юборадигандек туюларди... Бесўнақай кўринган кийим-боши атайлаб кийиб олингандек эди, у эгасининг чаққон ҳаракатларига халал бермас, унинг қадди-қоматининг расолигини яширолмас эди.

Половцев шу куни одатдан ташқари хурсанд бўлиб юрди, ҳатто Яков Лукич билан ҳам ширин муомала қилди. Аҳамиятсиз суҳбатни дарҳол тугатди-да, Островновга юзини ўгириб, шундай деди:

— Подпоручик Лятевский сеникида икки ҳафтача

қолади, мен шу бугун қоронғи тушиши биланоқ жұнаб кетаман. Вацлав Августовичга керак бўладиган нарсаларнинг ҳаммасини муҳайё қилиб бериб тур, унинг буйруқлари — менинг буйруқларим. Тушундингми? Шундай, азизим Яков Лукич!— Сертомир кафтини Яков Лукичнинг тиззасига қўйди-ю, маънодор қилиб таъкидлади:— Ҳадемай бошлаймиз! Яна бир озгина сабр қилинса бас. Қазакларимизга худди шундай дегин, руҳан тетик бўлиб туришсин. Хўп, энди бора қол, биз яна гаплашишимиз керак.

Одатдан ташқари бирон нарса содир бўлган бўлса керакки, Половцев Гремячий Логдан икки ҳафтага жұнаб кетмоқчи бўлиб қолибди. Яков Лукич нималигини билиб олиш иштиёқида ёнарди. У шу мақсадда, бир вақт Половцев унинг Давидов билан қилган суҳбатини эшитган залга кириб бориб, парда деворга қулоғини тутди. Девор оша, меҳмонхонадан сал-пал эшитилаётган шу гаплар қулоғига чалинди:

Л я т ь е в с к и й. Шубҳасиз, сиз Бикадоров билан алоқа боғлашингиз керак... Зоти олийлари, кўришганларингизда планларни маълум қилиб... қулай вази-ят... Бу жуда ажойиб-ку! Сальск округида... бронепоезд... Мабодо енгилсак...

П о л о в ц е в. Тссс!..

Л я т ь е в с к и й. Ишонаманки, гапимизни ҳеч ким эшитмаётган бўлса керак?

П о л о в ц е в. Лекин ҳар ҳолда... конспирация ҳар жиҳатдан пухта бўлгани дуруст...

Л я т ь е в с к и й (шундай секин гапирдики, Яков Лукич унинг гапини илғай олмай, калава учини йўқотиб қўйди). Мағлубият... албатта... Афғонистон... Уларнинг ёрдами билан ўтиб олиш...

П о л о в ц е в. Аммо воситалар... ГПУ... (шундан сўнг туташ: «ғўнг-ғўнг-ғўнг-ғўнг-ғўнг...»).

Л я т ь е в с к и й. Бир йўли шундай: чегарадан... Минск яқинида ўтиш... чап бериб... Сизни ишонтириб айтаманки, чегара соқчилари... Бош штаб бўлимида, шубҳасиз, қабул қилишади... полковник, фамилиясини биламан... шартлашилган жой... Ахир у жуда ҳам қудратли мадад-ку! Бундай ҳомийлик... Гап қарзга бериладиган маблағ устида эмас...

Половцев. Махсус... фикри қандай?

Л я т ь е в с к и й. Аминманки, генерал такрорласа керак... Ниҳоятда! Менга оғзаки айтасиз, деб буюрилган... Ниҳоятда жиддий, фойдаланиш учун... пайтни қўлдан бермай...

Овозлар пичир-пичирга ўтди, узук-юлуқ гаплардан барибир ҳеч нарса тушунолмаган Яков Лукич хўрсиниб қўйди-да, колхоз правлениесига қараб кетди. Титокнинг собиқ уйига етиб бориб, дарвоза устига қоқиб қўйилган ва устига, «Гремячий колхозни правлениеси» деб ёзилган оқ тахтага одатдагича кўз ташларкан, яна кўнглида иккиланиш пайдо бўлди. Кейин подпоручик Лятевский ва Половцевнинг «Ҳадемай бошлаймиз!» деб ишонч билан айтган сўзларини эслаб, гижинган ҳолда, ўзига жаҳл қилиб, «Тезроқ бўла қолса эди! Бўлмаса улар билан колхоз ўртасида тойғоқда қолган ҳўкиздек, бутим йириладиган бўлди!» деб ўйлади.

Кечаси Половцев отини эгарлаб, ҳамма қоғозларини хуржунга солди-да, озиқ-овқат олиб хайрлашди. Яков Лукич Половцевнинг узоқ туриб қолган оти эгарланганидан кейин деразалар олдидан туёқлари билан ерни дукиллашиб, ўйноқлаганича диконглаб ўтганини эшитди.

Янги меҳмон бесаранжом ва ҳарбийларга хос бестиҳола одам экан. Кун узун кун хушчақчақ жилмайган ҳолда уй ичида изғиб юрар, хотинлар билан ҳазиллашар, тамаки ҳидини ўлгудек ёмон кўрадиган қари кампирни ўз ҳолига қўймас, Яков Лукичнинг олдига бехосдан биров келиб қолишидан ҳайиқмай бемалол юрар эди, шунинг учун Яков Лукич унга ҳатто писанда қилиб:

— Эҳтиётроқ бўлсангиз бўларди... Биров кириб сизни кўриб қолса ҳам ажаб эмас, жаноби олийлари,— деди.

— Менинг «жаноби олийлари» эканлигим пешанамга ёзиб қўйилганми?

— Йўқ, аммо сизнинг ким эканлигингизни, қаёқдан эканлигингизни сўраб қолишлари мумкин...

— Менинг чўнтагим тўла қалбаки ҳужжат, хўжайин, борди-ю, қисталанг келиб қолса, ишонишмаса,

унда мана бу мандатни кўрсатаман... Бу ҳамма жойга ўтади!— Қўйнидан хира йилтираб турган қора маузерни олиб, ҳамон жилмайганча, дўппайган қат-қат териси орасига яширинган ҳаракатсиз кўзи билан тик қараб турарди.

Яков Лукич бир кун кечқурун правлениедан қайтиб келганида абжир подпоручикнинг хушчақчақлиги айниқса энсасини қотирди. У даҳлизда шивирлаган овозлар, бўғиқ кулги, олишиш товушларини эшитди, гугурт чаққан эди, бурчакдаги кепак яшиги орқасида Лятевскийнинг йилтираб турган ёлғиз кўзини, унинг ёнида эса хижолатдан алвондек қип-қизариб кетиб, юбкасини ва елкасига сирғилиб тушган дуррасини тузатаётган келинини кўриб қолди... Яков Лукич ёнинг демай ошхонага қараб кетаётган эди, аммо остонага етмасиданоқ орқасидан Лятевский етиб бориб, елкасига қоқди-да:

— Сен, отахон, ҳап... ўғлингни безовта қилмай қўя қол,— деб шивирлади. Биз ҳарбийлар ишни қандай қилишимизни биласанми? Жадал ва тазйиқ! Ёшликда ким гуноҳ қилмабди дейсан, кх, кхм... Мана папирос, чек... Сен ўзинг келининг билан ҳалигидай эмасмисан? Ҳа, маккор!

Яков Лукич азбаройи гангиб қолганидан папиросни олди ва уни Лятевскийнинг гугуртидан тутатиб олганидан кейингина ошхонага кирди. Униси эса мезбонга гугурт чақиб бергач, эсноғини босиб, дашном берди:

— Биров ҳожатингни чиқарса, चुнончи, гугурт чақиб берса, миннатдорчилик билдиришинг керак. Эҳ, нодон, ~~яна~~ хўжалик мудирисан-а! Илгариги вақт бўлса мен сени деншчикликка ҳам олмас эдим.

«Фалокат босиб, хўп ажойиб меҳмонга гирифтор бўлдим-да!— деб ўйлади Яков Лукич.

Лятевскийнинг сурбетлиги унга қаттиқ ботди. Уғли Семён йўқ, у наряд бўйича районга ветеринария фельдшерига кетган эди. Аммо Яков Лукич унга ҳеч нарса демасликка қарор қилди, ўзи эса келинини омборга чақириб олиб, киши билмас таъзирини берди, жувонни эгар тасмаси билан савалади; юзига эмас, белидан пастроғига ургани учун кўринадиган жойга

калтак изи тушмади. Ҳатто Семён ҳам ҳеч нарсани пайқамади. У станицадан кечаси қайтиб келди, хотини унинг олдига овқат қўйиб, ўзи сўрининг четгинасига ўтираркан, Семён таажжубланиб соддадиллик билан:

— Нега бунча меҳмонга келгандай ўтирмасанг?— деб сўради.

— Чипқон... чиқди...— Семённинг хотини қизариб кетиб, ўрнидан турди.

Шу пайт печь олдида ип эшаётган Яков Лукич ачингандек:

— Пиёз билан нон чайнаб қўйсанг, дарров сўриб олади,— деб маслаҳат берди.

Келин унга ялт этиб қаради, аммо итоаткорона жавоб берди:

— Раҳмат, отажон, ўзи тузалиб кетар.

Лятевскийга аҳён-аҳёнда пакет олиб келиб туришарди. У уларни ўқиб, дарҳол печда ёқиб ташларди. Ниҳоят, кечаси билан ичиб чиқадиган бўлди, Яков Лукичнинг келини билан энди ўйнашмас, қовоғи солиниб кетганди, Яков Лукич ёки Семёндан ўқтин-ўқтин «яримта» олиб келишларини илтимос қилиб, қўллари-га янги, шалдиरोқ червон тутқазар эди. Ичиб олгандан сўнг, унда гапни сиёсий мавзуга кўчиришга, кенг умумий хулосалар чиқаришга, воқеликка ўзича холис баҳо беришга майл туғиларди. Бир куни Яков Лукич-ни қаттиқ гараддудга солиб қўйди. Меҳмон уни ҳужрасига чақириб олиб, ароқ ичирди; беҳаёлик билан им қоқиб сўради:

— Қолхозни хароб қиляпсанми?

— Йўқ, нега энди,— айёрона таажжубланди Яков Лукич.

— Сен қандай методлар билан ишляяпсан?

— Нима деяпсиз?

— Сен қандай иш олиб боряпсан? Сен қўпоровчи-сан-ку. Хўш, нима иш қиляпсан? Отларни маргимуш билан заҳарляяпсанми, ишлаб чиқариш қурулларини бузьяпсанми, ёки бирон бошқа иш қиляпсанми?

— Менга отларга тегмасликни буюришган, ҳатто аксинча...— эътироф қилди Яков Лукич.

Сўнгги вақтларда у деярли ичмас, чунки бир стакан ароқ уни гангитиб қўйиб, дилида борини айтишга



мажбур қилар эди. Умумлаштирилган хутор хўжалигини айни бир вақтда ҳам қуриб, ҳам вайрон қилишидан эзилаётганидан ҳасрат қилгиси келарди, аммо Лятевский уни гапиртирмади, Яков Лукичга қуйиб бермасдан ароқни ўзи ичиб, сўради:

— Бўлмаса нега биз билан топишдинг, э, каллава-рам тентак? Хўш, нима учун алоқа боғладинг? Нима жин урди сени? Половцев билан менинг бошқа чорамиз йўқ, биз жонимиздан кечганмиз... Ҳа, жонимиздан кечиб кетяпмиз! Биз ё енгамиз, гарчанд, биласанми, шўртумшуқ, ғалабага умид ниҳоятда кам... бир процентнинг юздан бирича келар! Бизнинг бўлганимиз шу, коммунистларнинг таъбири билан айтсак, биз кишанларимиздан бошқа ҳеч нарса йўқотмаймиз. Сен-чи? Сен, менингча, фалокатга йўлиққан жабрдийдасан. Айшингни суриб юравермайсанми, аҳмоқ... Фараз қилайлик, мен сенга ўхшаган шўртумшуқларнинг социализм қура олишига ишонмайман, аммо ҳар қалай... Сизлар жаҳон ботқоғида сув лойқатсаларингиз ҳам гўрга эди. Қўзғолон кўтарилгудек бўлса-чи, сен қари иблисни отиб ташлашади ёки асир олиб, онгсиз шахс сифатида Архангельск губерниясига жўнатишади. Охир замон коммунизми бўлгунча у ерларда қарағай кесиб юрасан... Эҳ, ҳафтафаҳм, лақма! Менинг нима учун қўзғолон кўтаришим кераклиги маълум, мен дворянман! Отамнинг беш минг десятинага яқин экин ери, саккиз юз десятинага яқин ўрмони бор эди. Мен билан менга ўхшаганларга ўз юртини тарк этиб, аллақаяёқдаги чет элларда азоб-уқубат билан нон-насиба топиб ейиш ғоятда алам қилади. Сен-чи? Сен кимсан? Галлакор ва нонхўр! Гўнг қўнғизсан! Гражданлар урушида сен итвачча казакларни битта қўймай қириб ташлашмаган экан-да!

— Бизга кун кўрсатмай қўйишди!— эътироз билдирарди Яков Лукич.— Солиқлар билан сиқиб қўйишди, молларимизни олиб қўйишяпти, якка хўжалик бўлиб яшаш йўқ бўлди, бўлмаса ўз-ўзидан маълумки, дворянлар борми, бошқа бало-баттарлар борми, бошимизга урармидик! Мен ўла қолсам бу қалтис ишга бош қўшмасдим.

— Солиқ эмиш-а! Бошқа мамлакатлардаги деҳ-

қонлар солиқ тўламас эканми? Бундан ҳам кўпроқ тўлайди!

— Ундай эмасдир.

— Гапимга ишонавер!

— У ёқдагиларнинг қандай яшаб, нима тўлаётганини сиз қаёқдан билардингиз?

— Уша ёқда яшаганман, биламан.

— Ҳали сиз чет элдан келганмисиз?

— Сенга нима?

— Қизиқиб сўраяпман-да.

— Кўп билсанг тез қариб қоласан. Бор, яна ароқ олиб кел.

Яков Лукич ароққа Семённи юбориб, ўзи холи қолишни истаб, хирмон қилинадиган жойга чиқди-да, похол тагида икки соатча ўтириб, ўй сурди: «Лаънати Тиртиқ! Гапидан миям ғовлаб кетди. Бу нима дер экан, бизга қарши гапирармикан, деб синамоғлиқ учун ўсмоқчилаяптмикан, кейин Александр Анисимович келиши билан унга чақмоқчими... униси мени Хопровга ўхшаб чопиб ташлармикан? Ёки дилидагини айтаётганмикан? Ахир мастлик ростлик, дейдиларку. Дарҳақиқат, Половцев билан алоқа боғламай бир-икки йил колхозда тинчгина сабр қилиб турсам бўлармиди? Балки ҳокимият тепасидагилар бир йилдан кейин колхозларда иш ёмон кетаётганини пайқаб қолиб, уларни тарқатиб юборар... Унда мен яна одамларга ўхшаб кун кечириб кетаверардим... Эҳ, худоё худовандо! Бошимни қаёққа олиб қочсам экан? Энди соғ қолмайман... Ҳозир, барибир ўнгламайман... Бошни тошга урдинг нима-ю, тошни бошга урдинг нима, барибир тирик қолмайсан...»

Хирмонда четандан ошиб тушган шамол жавлон уриб юрарди. У орқа эшик олдида сочилиб ётган похолни ғарамга олиб келиб, итлар ўйиб ташлаган кавакларга урди, ғарамнинг похол зич ёпишмай ҳурпайиб турган муюшларини таради, тепасидан қуруқ қорни супуриб туширди. Шамол зўр, кучли, совуқ эди. Яков Лукич унинг қаёқдан эсаётганини пайқалоқчи бўлиб, узоқ уринди, лекин пайқай олмади. Шамол гўё ғарамнинг атрофидан айланиб навбати билан тўрт томондан ураётгандек эди. Похол орасида ша-

мол безовта қилган сичқонлар югуриб қолди. Улар чийиллашиб, ўз хилват йўлақларидан, баъзан эса тик уйилган ғарамга суяниб олган Яков Лукич елкасининг яқингинасидан ўтиб кетишарди. Яков Лукич шамолга, похолнинг шитирлашига, сичқонларнинг чийиллашига ва қудуқ ҳавозасининг гижирлашига қулоқ соларкан, мудраб кетгандек бўлди: тунги садолар унинг назарида йироқдан эшитилаётган аломат ва ҳазин музикадек туюлди. Ёшланиб турган чала юмуқ кўзлари билан юлдузли осмонга тикилди, похол ва дашт шамоли ҳидини искади, борлиқ унга гўзал ва содда бўлиб туюлди...

Ярим кечада Войсковой хуторидаги Половцевдан отлич чопар келди. Лятевский конвертига: «Ж. ошиғич» деб ёзилган хатни ўқиб, отхонада ухлаётган Яков Лукични уйғотди:

— Мана, ўқиб кўр.

Яков Лукич кўзини ишқалаб туриб, Лятевскийга ёзилган хатни олди. Қўйин дафтаридан йиртиб олинган бир варақ қоғозга баъзи ерларида «ять»<sup>1</sup> ҳарфи ва қаттиқлик белгиси қўйилиб, сиёҳ қалам билан дона-дона қилиб шу сўзлар ёзилган эди:

«Жаноб подпоручик!

Биз олган ишончлик маълумотларга қараганда, большевиклар Марказий Комитети ғаллакор аҳоли ўртасида, гўё колхозда экиш учун деб ғалла йиғаётган эмиш. Аслида эса бу ғалла чет элларга сотиш учун кетади, ғаллакорлар, шу жумладан, колхозчилар эса жуда қаттиқ очликка йўлиқадилар. Ўзининг муқаррар ҳалок бўлиши яқин қолаётганини сезган Совет ҳокимияти охириги ғаллани сотиб, Россияни батамом вайрон қилмоқда. Сиз аини вақтда ўзингиз иттифоқимизнинг вакили бўлиб турган Гремячий Лог аҳолиси ўртасида, ёлғондан уруғлик учун деб ғалла тўплашга қарши дарҳол ташвиқот бошлаб юборишингизни буюраман. Сизга ёзган мактубимнинг мазмунини Я. Л.га маълум қилиб, унга ошиғич суратда тушунтириш ишларини бошлаб юбориш вазифасини

---

<sup>1</sup> *Ять* — ҳозирги замонда қўлланилмайдиган, «е» ҳарфини ифодалайдиган ҳарф (ред.)

юкланг. Галла тўплашга қандай бўлмасин қаршилиқ кўрсатиш ниҳоятда зарур».

Эрталаб Яков Лукич правлениега кирмай, ўзи «Донни озод қилиш иттифоқи»га жалб этган Банник ва бошқа маслакдошларининг олдига кетди.

#### XXIV Б О Б

Агитколоннанинг командири Кондратько Гремячий Логда қолдирган уч кишидан иборат бригада уруғлик фондини тўплашга киришди. Кулакларнинг бўш ётган уйларидан бирини бригада штаби қилишди. Ёш агроном Ветютнев эрталабданоқ Яков Лукичнинг ёрдами билан кўкламги экиш планини ишлаб, тафсилотларини аниқлар, олдига келган казакларга қишлоқ хўжалиқ масалалари юзасидан маълумотлар берар, бошқа вақтда эса омборга келаётган уруғлик донни тозалаб-саралашни узлуксиз кўздан кечирар, онда-сонда, ўз таъбири билан айтганда «ветеринарлик қилгани», битта-яримтанинг касал бўлиб қолган сигири ёки қўйини тузатгани борарди. «Ташриф»и учун «натура» билан ҳақ олар: касал бўлиб қолган молнинг эгасиникида овқатланар, баъзан эса ҳатто ўртоқларига бир хурмача сутми ёки чўян қозончада пиширилган картошками олиб келар эди. Қолган икки киши — округдаги давлат тегирмонининг вальцовшиги Порфирий Лубно билан ёғ заводидан келган комсомол аъзоси Иван Найденов — гремячийликларни штабга чақиришар, уларнинг омбор мудирини рўйхати бўйича қанча уруғ тўкканини текширишар, қурблари ва уқувлари етганча ташвиқот қилишар эди.

Ишнинг биринчи кунлариданоқ уруғлик фондини кўп машаққатлар билан жуда кеч муддатларда тўплашга тўғри келажяги маълум бўлиб қолди. Уруғлик тўплаш суръатини жадаллаштириш мақсадида бригада билан маҳаллий ячейка биргаликда кўрган ҳамма тадбирлар кўпчилик колхозчилар ҳамда якка хўжаликларнинг катта қаршилиқларига дуч келарди. Хуторда, галла чет элларга жўнатиш учун тўпланаётганмиш, бу йил экин экилмасмиш, ҳадемай уруш

бошланармиш, деган овозалар тарқалди... Нагульнов ҳар куни мажлис чақирар, бригада ёрдамида тушунтириш ишларини олиб борар, бемаъни миш-мишларни рад этар, «советларга қарши тарғибот юргизиб қўлга тушганларни шафқатсиз жазолаймиз» деб пўписа қилар, аммо ғалла жуда сустлик билан йиғилмоқда эди. Қишлоқ советидан ёки бригада штабидан чақириб қолсалар бормаслик учун казаклар, гоҳ ўрмондан ўтин олиб келгани, гоҳ бурган олиб келгани кетиб қолар, ёки қўшниникига чиқиб хатарли кунни бирга ўтказиш мақсадида эрталабданоқ уйдан жўнаб қолиш пайдан бўлар эдилар. Хотин-халаж эса мажлисларга мутлақо келмай қўйди, уйларига қишлоқ советидан навбатчи бориб қолгудек бўлса: «Эрим уйда йўқ, мен билмайман» деган баҳона билан қутулиб колар эдилар.

Гўё кимнингдир қудратли қўли ғалла йиғишга тўғаноқ бўлиб тургандек эди...

Бригада штабида одатда шундай гаплар бўлиб турарди:

— Уруғлик ғаллани тўқдингми?

— Йўқ.

— Нима учун?

— Дон йўқ.

— Нега йўқ бўлади?

— Нега бўларди, йўқ-да... Экамани деб олиб қўйган эдим, кейин эса ошиқчасини ғалла мажбуриятига топширдим, уйда егулик ҳеч нарса қолмади. Еб қўйдик.

— Нима, экиш ниятинг ҳам йўқмиди?

— Экмоқчи эдим, нимани экамани...

Кўплар, ғалла мажбуриятига уруғлик донни ҳам топширдик, деб баҳона қилишарди. Давидов — правлениеда. Ванюшка Найденов эса — штабда ғалла тўплаш пунктининг рўйхатлари, квитанцияларини титкилаб текширишар, тархашлик қилувчининг нотўғри маълумот берганини фош қилишар, унинг қўлида экиладиган буғдой борлиги маълум бўлар эди. Бунинг учун баъзан йигирма тўққизинчи йилда янчилган ғалланинг тахминий миқдорини ҳисоблаб чиқиш, ғалла мажбурияти бўйича топширилган ғалланинг умумий миқдорини ҳисоблаб чиқиш ва қолдиғини аниқлаш ке-

рак бўларди. Аммо қўлида ғалласи қолганлиги маълум бўлган тақдирларда ҳам тархашлик қилган казак бўш келмасди:

— Баҳслашмайман, бугдойим қолган эди. Рўзғорнинг нималигини биласизлар-ку, ўртоқлар? Биз нонни ўлчамасдан еймиз, ғаллани тортмасдан ишлатамиз. Менга жон бошига ҳар ойига бир пуддан егулик бугдой қолдиришган эди, мен бўлсам, чунончи, кунига уч-тўрт қадоқдан ейман. Шунинг учун ейманки, овқатнинг мазаси йўқ. Оқибатда сарфимиз расамадидан ошиб кетади. Ғаллам йўқ, хоҳласанглар ахтараверинглар!

Ячейка мажлисида Нагульнов уруғлик дон тўкмаган тўқроқ казакларнинг уйларида тинтув ўтказишни таклиф қилган эди, аммо Давидов, Лубно, Найденов, Размётнов бунга кўнишмади. Райкомнинг уруғлик фонди тўплаш бўйича юборган директивасида ҳам тинтувлар ўтказиш қатъиян ман қилинган эди.

Бригада ва колхоз правленнесининг уч кунлик иши давомида колхоз сектори бўйича атиги 480 пуд, якка хўжалик сектори бўйича эса, бори-йўғи 35 пудгина уруғлик йиғилган эди. Колхоз активи ўз ҳиссасини тугал тўқди. Кондрат Майданников, Любишкин, Дубцов, Демид Индамас, Шчукаръ бобо, Аркашка Айирбошчи, темирчи Шалий, Андрей Размётнов ва бошқалар донни биринчи куннёқ олиб келиб топширдилар. Эртасига эрталаб Семёни билан Яков Лукичининг ўзи жамоат омборига икки чанани жой юргизиб келди. Лукич шу заҳотиёқ правлениега кириб келди. Сёмка эса чаналардан дон солинган қопларни таший бошлади. Демка Ушаков қабул қилиб тортиб олмоқда эди. Семён тўрт қопни бўшатди, бешинчи қопнинг оғзини очаётганида Ушаков унга қарчиғайдек ҳамла килди:

— Ҳали даданг шу донни экмоқчимиди?— деб Семённинг тумшуғи тагига бир сиқим донни олиб борди.

— Бу нима деганинг?— деди-ю, Семён қизариб кетди.— Кўзинг ғилайлик қилиб, бугдойни жўхори деяпсан шекилли!

— Йўқ, жўхори деяётганим йўқ! Мен ғилай-

ману, лекин кўзим сен муттаҳамникдан ўткирроқ! Даданг билан икковинг ўзларингга етгунчасанлар, яхши биламиз! Бу нима? Уруғлик буғдойми? Тумшунингни жийирма! Топ-тоза донга нимани қўшдинг, газанда?

Демка Семённинг башарасига кафтини чўзар, кафтида эса тупроқ билан ёввойи нўхат аралашган ифлос буғдой ётарди.

— Мен ҳозир одамларни чақирай...

— Бақиравермасанг-чи!— Семён қўрқиб кетди.— Янглишиб бошқа қопни олиб келганга ўхшайман. Ҳозир қайтиб бориб алмаштириб келаман... Қизиқсан-а, тавба! Мунча энди асов отдек чичанглайвермасанг? Айтдим-ку, алмаштириб келаман дедим-ку, янглишиб қолибман...

Демка у олиб келган ўн тўрт қопдан олтитасини брак қилди. Бир вақт Семён ундан бракка чиқазилган қоплардан бирини орқалатиб юборишни илтимос қилган эди, Демка гўё эшитмагандек тарози томонга ўгирилиб олди.

— Кўмаклашмайман дегин?— овози титраб сўради Семён.

— Уял! Уйингда кўтарганингда енгил бўлган нарса, ҳозир оғирлашиб қолибдими? Ўзинг кўтаравер, хумпар!

Кучаниқдан қизариб кетган Семён қопни кўндаланг кўтариб чиқиб кетди...

Шундан кейинги икки кун давомида деярли ҳеч нарса келиб тушмади. Ячейка мажлисида уйма-уй юришга қарор қилинди. Давидов ақалли бир неча гектар ерга уруғлик учун сепгани узоқ вақт ёмғирсизликка чидаган ва бултур станциянинг тажриба даласида яхши ҳосил берган, қурғоқчиликка чидамли лалми буғдойдан пландан ташқари равишда олиб келиш учун бир кун бурун қўшни райондаги селекция станциясига жўнаб кетган эди. Яков Лукич билан бригадир Агафон Дубцов селекция станциясида чет элдан олиб келинган «Калифорния» нави билан маҳаллий «Оқ дон» навини чатиштириш йўли билан егиштирилган янги нав буғдой ҳақида кўп гапиришган эди, сўнгги вақтларда кечалари билан зўр бериб агротех-

ника журналларини мутолаа қилишга киришган Давидов станцияга бориб янги буғдойдан олиб келишга аҳд қилди.

У сафардан 4 март куни қайтиб келди, бундан бир кун олдин шу воқеа содир бўлган эди: иккинчи бригадага бириктирилган Макар Нагульнов эрталабдан Любишкин билан бирга ўттизга яқин хонадонни айланиб чиқди, кечқурун қишлоқ советидан Размётнов билан секретарь кетгач, у ерга кундузи қўраларига бориб улгуролмаган хонадон эгаларини чақиртира бошлади. Бирон натижа чиқаролмай, тўрт кишига рухсат бериб юборди. «Уруғлик ғалла йўқ, давлат бера қолсин»,— дейишди улар. Нагульнов аввал яхшиликча кўндирмоқчи бўлди, кейин муштини дўлая бошлади.

— Нега ғалламиз йўқ дейсизлар? Мана, чунончи, сен, Константин Гаврилович, кузда уч юз пудча дон янчган эдинг-ку!

— Мен учун давлатга ғаллани сен топширдингми?

— Сен қанча топширдинг?

— Қанча бўларди, бир юз ўттиз пуд.

— Қолгани қани?

— Қаердалигини билмайсанми? Еб қўйдим!

— Ёлгон! Ёрилиб ўларсан — шунча ғаллани ютсанг! Оиланг олти жон, шунча ғаллани ея олармидинг? Гапни чўзмай олиб кел, бўлмаса колхоздан тирақайлатиб ҳайдаймиз!

— Колхоздан ҳайдай қолинглар, билганларингни қилинглар, худо ҳақи, ғаллам йўқ! Ҳукумат процент билан бера қолсин...

— Сен Совет ҳокимиятини соғишга ўрганиб қолибсан. Сеялка билан ўроқ машинаси оламан деб қарз олган пулингни бўнак шеркатига қайтариб бердингми? Ҳа, шуни билиб қўй! Уша пулларни жиғилдонингдан ўтказиб юбориб, энди ғалла орттириб қолишнинг ҳам пайдидан бўляпсанми?

— Ҳозир ўроқ машина ҳам, сеялка ҳам колхозга ўтиб кетган, ўзим фойдаланолганим ҳам йўқ, таъна қилмай қўя қол!

— Ғаллани олиб кел, бўлмаса ёмон қиламиз! Ёлгончиликни ҳунар қилиб олибсан! Уят!



— Агар бўлса жоним билан олиб келиб топширадидим...

Нагульнов қанча урунмасин, нечоғлик ёлвормасин, нечоғлик пўписа қилмасин, уруғлик тўқишни истамаганларни барибир чиқариб юборишга мажбур бўлди.

Улар даҳлизга чиқиб икки минутча гаплашиб туришди, сўнгра зинапоянинг гижирлагани эшитилди. Бир оздан кейин якка хўжалик Григорий Банник кириб келди. Афтидан, у ҳозиргина қишлоқ советидан чиқиб кетган колхозчилар билан бўлган суҳбатнинг нима билан тугаганини билган бўлса керак, лабларининг четларида мағрур, кибрли табассум ўйнаб турарди. Нагульнов титроқ қўллари билан столдаги рўйхатни тузатиб қўйиб, бўғиқ овоз билан гапирди:

— Ўтир, Григорий Матвейч.

— Илтифотинг учун раҳмат.

Банник оёғини бор бўйича кериб ўтирди.

— Уруғликни нима учун олиб келмаяпсан, Григорий Матвейч?

— Нима учун олиб келишим керак?

— Ахир умумий мажлис, колхозчилар ҳам, якка хўжаликлар ҳам уруғлик ғалла олиб келиб тўқишлари керак, деб қарор чиқазган эди-ку? Ғалланг бордир?

— Бўлмаса-чи, бор, албатта бор.

Нагульнов рўйхатга қаради: Банникнинг фамилияси қаршисида, «1930 йилда тахминий баҳори экин майдони» деган графада «6» рақами турарди.

— Сен бу йил олти гектарга буғдой сочмоқчи эдингми?

— Ҳа.

— Демак, қирқ икки пуд уруғинг борми?

— Ҳаммаси мукамал, эланиб сараланган, олтиндек ғалла!

— Яша шоввоз!— енгил нафас олиб уни мақтади Нагульнов.— Уни эртага жамоат омборига олиб кел. Ўз қопларингда қолдириб кетишинг ҳам мумкин. Агар якка хўжаликлар донлари аралашиб кетишини хоҳламасалар, ўз қопларида ҳам қабул қилаверамиз. Олиб келиб мудирга тортиб топширасан, у қопларга сурғуч печать босиб, сенга тилхат беради, баҳорда эса ғал-

лангни бутунлигича олиб кетаверасан. Бўлмаса кўпчилик, асраёлмай еб қўйдик, деб нолияпти. Омборда хавотирсиз сақланиб туради.

— Бу гапингни қўй, ўртоқ Нагульнов!— Банник беҳаёлик билан илжайди, оқиш мўйловларини силади.— Сенинг бу номеринг кетмайди! Мен сизларга галла бермайман.

— Нега бермас экансан?

— Ўзимнинг қўлимда турса бутроқ туради. Сизларга берсам, баҳорда қопини ҳам қайтариб ололмайман. Бизнинг ҳам кўзимиз очилиб саводли бўлиб қолганмиз, лақиллатолмайсан!

Нагульнов ёйиқ қошларини чимирди, ранги ўчинқиради.

— Совет ҳокимиятига ишонмасликка қандай ҳадинг сиғади? Унга ишонмайсанми, ҳали?!

— Ҳа, ишонмайман! Сендақалардан ёлгон-яшиқни кўп эшитганмиз!

— Қим ёлгон-яшиқ гапирган экан? Нима масалада?— Нагульновнинг ранги хийлагина оқариб, аста-секин ўрнидан тура келди.

Аммо Банник гўё сезмагандек, йирик сийрак тишларини кўрсатганча, ҳамон жимгина жилмайиб турарди, аммо шу сўзларни айтаркан, алам ва аччиқ ғазабдан овози титраб кетди:

— Галлани йиғиб, кейин уни пароходларда бегона юртларга жўнатасизларми? Партияликлар сочи калта хотинлари билан гашт қилиб юриши учун ҳаптамабиллар сотиб оласизларми? Бизнинг буғдойларимизни нималарга исроф қилишларингизни биламиз! Шу ҳам тенглик бўлдимми!

— Эсингни едингми, жин урган! Нима деб валдираяпсан?

— Гирибонингдан олишса эсингни емай ҳам кўрчи! Галла мажбуриятига бир юз ўн олти пуд топширдим! Ҳозир бўлса уруғликка олиб қўйган охирги галламни тортиб олиб... бола-чақамни... оч қолдирмоқчисизлар...

— Жим! Валдирама, газанда!— Нагульнов мушти билан столни гурсиллатиб бир урди.

Чўт ерга тушиб, сиёҳ шишаси ағанаб кетди. Қуюқ

гунафша сиёҳ йилтираганича қоғоз бетидан оқиб бориб Банникнинг ошланган пўстини барига тўкилди. Банник сиёҳни кафти билан сидириб ташлаб, ўрнидан турди. Унинг кўзлари сузилиб, бичилган лабнинг четларида кўпик пайдо бўлди, ғазабини босиб хирқиради:

— Сен менга ўшқирма! Сен хотининг Лушкага мушт дўлай, мен сенинг хотининг эмасман! Ҳозир йигирманчи йил эмас, тушундингми? Ғаллани бермайман... Хомтама бўлма!..

Нагульнов унга стол оша ташланмоқчи эди, лекин шу заҳотиёқ гандираклаб кетиб, кейин қаддини ростлаб олди.

— Сен нима деяпсан... Бу кимдан чиққан гап?.. Сен бу ерда менга нималар деяпсан, контр?.. Социализмни масхара қилган эдинг, газанда!.. Ҳозир бўлса...—у сўз тополмай, нафаси тиқилди, аммо бир амаллаб ўзини ўнглаб олди-да, қўлининг орқаси билан юзидаги ёпишқоқ терни арта туриб, шундай деди:—Менга ҳозироқ, ғаллани эртага олиб келиб топшираман, деган тилхат ёзиб берасан, сени эртагаёқ тегишли жойга жўнатаман. У ерда сенинг бу гапларни қаёқдан эшитиб келганингни дарров аниқлашади!

— Мени қазмоққа олсанг ола қол, аммо тилхат ҳам ёзмайман, ғалла ҳам топширмайман!

— Ёз, дейман!..

— Бир оз сабр қил...

— Мен сенга яхшиликча айтяпман...

Банник чиқиб кета бошлади, лекин ниҳоятда ғазаби ошиб кетди шекилли, эшик қабзасини тугаётганда, ўзини тиёлмай:

— Ҳозир уйга бораману ўша ғаллани чўчқаларга тўкаман! Сен балохўрларга қолгандан кўра ўшалар еб қўя қолсин!..— деб юборди.

— Чўчқаларга-я? Уруғлик буғдойни-я?!

Нагульнов бир сапчишда эшик олдига етиб бориб чўнтагидан наганини олди-да, дастаси билан Банникнинг чаккасига урди. Банник гандираклаб кетиб, деворга суяниб қолди, елкасини оқланган деворга ишқаганича пастга сирғилиб туша бошлади. Йиқилиб тушди. Чаккасидаги ярадан сочини шилта қилиб қора

қон сизиб чиқа бошлади. Ғазаби ошиб кетган Нагульнов уни ётган жойда оёғи билан бир неча марта тепиб, ўзини нари олди. Банник қирғоққа чиқиб қолган балиқдек, оғзини икки марта каппа-каппа очдида, сўнгра деворга тирмашиб ўрнидан тура бошлади. Энди оёққа турган ҳам эдики, қон тирқираб оқа бошлади. У қонни индамай енги билан артарди, оппоқ елкасидан бўр тўзони тўкилмоқда эди. Нагульнов графиннинг четини тишлари билан ғичирлатиб илиб қолган бемаза сувни ичмоқда эди. Ўрнидан турган Банникка қия қараб қўйиб, унинг олдига бордида, тирсақларидан омбирдай маҳкам қисиб столга томон итарди, қўлига қалам тутқизди:

— Ёз!

— Мен ёзаману, аммо прокурор бундан хабардор бўлади... Наган ўқталиб, нима ёз десанг, ёзавераман... Совет ҳокимияти замнида уриш тақиқланган... Партия ҳам бу ишингни маъқулламайди!— хирқираб минғиллади Банник, ҳолсизланиб табуретга ўтираркан.

Нагульнов унинг қаршисида туриб, наганнинг тепкисини тўғрилаб қўйди:

— Ҳа, контр, Совет ҳокимияти ҳам, партия ҳам эсингга тушиб қолдими! Сени халқ суди суд қилмайди, ҳозир мен ўзим суд қиламан. Ёзмас экансан— заррли газанда сифатида отиб ташлаб, кейин сен учун турмага тушаман, ўн йилга кетсам ҳам майли! Мен сенга Совет ҳокимиятини ҳақорат қилдириб қўймайман! Ёз: «Тилхат». Ёздингми? Ёз: Менким, қўлимда қурол билан Қизил Армияга қарши курашган собиқ актив оқғвардиячи, мамонтовчи...» ёзиб бўлдингми?.. «...ўзимнинг ВКП(б)... «ВКП катта ҳарфлар билан ёзилади, ёздингми?» ... ва Совет ҳокимиятига нисбатан ниҳоятда ҳақоратли бўлган сўзларимни қайтиб оламан, улардан кечирим сўраб, ваъда бераманки, бундан буён гарчанд мен яширин контр бўлсам ҳамки...»

— Ёзмайман! Нега мени зўрляяпсан?

— Йўқ, ёзасан! Сен нима деб ўйловдинг? Оқлардан жабр кўриб шунча яраланганман, сенинг бу гапларингга индамай кетармидим? Сен менинг кўз ўнгимда Совет ҳокимиятини таҳқирлайсану, мен индамай тураманми? Ёз, жонинг чиққур!..

Банник яна столга энгашди, қўлидаги қалам яна бир варақ қоғоз устида аста-секин йўрғалай бошлади. Нагульнов бармоғини наган тепкисидан олмай, лўнда-лўнда қилиб айтиб туриб ёздирди:

— «...ниқобланган контр бўлсам ҳамки, меҳнаткаш халқнинг кўплаб тўкилган қони эвазига барпо этилган ва барча меҳнаткашлар учун қадрдон бўлган Совет ҳоқимиятига оғзаки ҳам ёзма ҳам, ишларим билан ҳам ҳеч қандай зиён етказмайман. Уни ҳақорат қилмайман, унинг ғашига тегмайман, жаҳон революциясини сабр билан кутаман, у ўзининг жаҳон миқёсидаги душманлари бўлган бизни батамом қуритади. Яна ваъда бераманки, Совет ҳоқимиятига тўғаноқ бўлмайман ва ғаллани яширмайман. Ҳамда, эртага 1930 йил 3 март куни жамоат омборига...»

Бу вақт хонага навбатчи билан учта колхозчи кириб келди.

— Даҳлизда бирпас кутиб туринглар!— деб қичқирди Нагульнов, сўнгра юзини Банникка ўгириб, давом эттирди:— «...қирқ икки пуд уруғлик буғдой олиб келиб топшираман, деб қўл қўйдим». Қўл қўй!

Юзига қизил югурган Банник қўл қўйиб, ўрнидан турди.

— Сен бу ишинг учун жавоб берасан, Макар Нагульнов!..

— Ҳар биримиз ўз ишимиз учун жавоб берамиз, аммо эртага ғаллани олиб келмас экансан — отиб ташлайман!

Нагульнов тилхатни тахлаб, сабза ранг гимнастёркасининг кўкрак чўнтагига солди-да, наганини столга ташлаб, Банникни эшиккача кузатиб борди. У қишлоқ советида ярим кечагача қолди. Пойлоқчига ҳеч қаёққа жилмасликни буюриб, унинг ёрдами билан, уруғлик допни тўкишдан бош тортган яна учта колхозчинини бўш ётган хонага киритиб қамаб қўйди. Ярим тундан оққач, ҳорғинлик ва содир бўлган хунук воқеадан ҳолсизланган Нагульнов сочлари тўзғиган бошини кенг кафтларига қўйганча, қишлоқ совети столида ўтирган ҳолда ухлаб қолди. Саҳаргача Макар тушида байрамдагидек ясанган, даштни баҳор тошқинидек қоплаб олган оломоннинг тинмасдан ўта-

ётганини кўрди. Одамларнинг орасидаги йўлдан суворилар ўтиб борарди. Даштдаги юмшоқ ер бетини турли-туман отларнинг туёқлари босиб ўтмоқда, эскадронлар гўё тўшаб қўйилган тунука устида юриб келаётгандек, от туёқларининг гумбурлаган товуши нима учундир жаранглаб тиниқ эшитилмоқда эди. Оркестрнинг кумушдек ярқираб турган карнайлари Макарни яқингинасида бирданига «Интернационал»ни чалиб юборди, Макар худди ўнгидагидек ҳаяжонга тушиб, ўпкаси тўлаётгандек бўлди. У ўтаётган эскадроннинг охирида 1920 йили Каховка яқинидаги жангда врангелчилар чошиб ташлаган марҳум дўсти Митька Лобачни кўриб қолди, аммо таажжубланмади, аксинча, қувониб кетди, одамларни нари-бери суриб, ўтиб кетаётган эскадронга қараб интилди. «Митя, Митя! Тўхта!»— деб чақирар, аммо ўз овозини эшитмас эди у. Эгарда ўтирган Митька ўгирилиб Макарга, нотаниш, бегона одамга қарагандек тикилди-да, яна йўртиб кетди. Шу ондаёқ Макар ўзига қараб чошиб келаётган, ўша йигирманчи йили Броди яқинида поляк ўқидан ўлган собиқ вестовойи Тюлимни кўриб қолди. Тюлим ўнг қўлида Макарни отини тизгинидан ушлаганича жилмайиб, от чоптириб кетмоқда эди. Уша-ўша калласи қотмадан келган оқ оёқли оти эса бошини виқор билан юқори кўтарганича, бўйинни гижинг қилиб диконглаб кетмоқда эди...

Кўклам шамолида кечаси билан очилиб-ёпилиб турган дераза қопқоғининг ғижирлаши уйқудаги Макарга музыка бўлиб, тунука томнинг тарақлаши эса, от туёқларининг дупури бўлиб эшитилган эди... Размётнов қишлоқ советига эрталаб соат олтида келса, Нагульнов ҳали ҳам ухлаб ётган экан. Март тонгининг кўкиш нури ёритиб турган Макарни сарғиш юзида жиддий ва интизорлик табассуми қотиб қолган, ёйиқ қошлари ҳасрат чекаётгандай учиб турар эди... Размётнов Макарни турткилаб:

— Қилар ишни қилиб қўйиб, ухлаб ётибсанми?— деб ўдағайлади.— Аломат тушлар кўриб тиржаяпсанми! Банникни нега урдинг! У саҳарда уруғлик ғаллани олиб келиб топширибди-ю, ўша заҳотиёқ районга жўнаб қолибди. Олдимга Любишкин югуриб келиб,

Банник сенинг устингдан милицияга арз қилгани кетганини айтди. Энди нима деган одам бўлдинг? Давидов келса, нима дейди? Эҳ, Макар!..

Нагульнов ёмон ётганидан шишиб кетган юзини кафти билан ишқалаб, ўйчанлик билан жилмайди:

— Андрюшка! Мен ҳозир шундай туш кўрдимки!.. Жуда ҳам аломат туш!

— Сен менга тушингни гапирма! Сен менга Банникдан гапир.

— Мен бундай газанда ҳақида гапиришни ҳам хоҳламайман! Ғаллани олиб келибди дейсанми? Ҳа, демак, кор қилибди... Қирқ икки пуд уруғлик ғалла ҳазилакам нарса эмас. Агар ҳар бир контрдан наган билан бир марта уришингдаёқ қирқ икки пуддан ғалла унадиған бўлса, мен умрим бўйи тинмасдан юриб уларни уриш билангина шуғуullanардим! Уша сўзлари учун бундан ҳам қаттиқроқ дўппослашим керак эди! Ҳали ҳам икки бутини суғуриб олмаганимга севинсин!— Кўзларини ола-кула қилиб, сўзларини қаҳр билан тугатди:— У ярамас генерал Мамонтов билан апоқ-чапоқ бўлган. То Қора Денгизда пишиб олгунимизгача бизга қаршилик қилиб келди, ҳозир ҳам йўлимизга тўғаноқ бўлиб, жаҳон революциясига зиён етказишнинг пайдидан! Менга бу ерда Совет ҳокимияти билан партия ҳақида шундай сўзлар айтдики, алам қилганидан ҳар бир мўйим тик бўлиб кетди!

— Нима бўпти! Уни урмаслигинг керак эди, қамасанг дурустроқ бўларди.

— Йўқ, уни қамаш эмас, ўлдириш керак эди!— Нагульнов афсусланиб қўлларини ёзди.— Уни нега отиб қўя қолмадим-а? Ҳайронман! Ҳозир жуда ўкин-япман.

— Сени аҳмоқ десам, кўнглингга келади, аҳмоқлигининг бўлса ҳадди-чегараси йўқ! Мана Давидов келсин, бу қилгуликларинг учун роса таъзирингни беради!

— Семён келса — менинг ишимни маъқуллайди, у сенга ўхшаш мижғов эмас.

Размётнов кула-кула, букилган бармоғи билан аввал столни, кейин эса Макаرنинг пешанасини уриб кўриб:

— Овози бир хил-а?— деди ишонч билан.

Аммо Макар унинг қўлини жаҳл билан четга суриб, калта пўстинини кия бошлади. Эшикнинг қабзасини ушлаётиб, орқасига қарамай, гудуллади:

— Ҳой, доно! Бўш ётган хонадан майда буржуйларни чиқариб юбор, ғаллани шу бугуноқ олиб келиб топширсин, бўлмаса ҳозир ювиниб келиб, уларни яна қамаб қўяман.

Размётновнинг ҳайратдан кўзлари ола-кула бўлиб кетди. У қишлоқ советининг архивлари билан бултурги район қишлоқ хўжалик кўргазмасидан қолган экспонат бошоқлар сақланаётган бўш хонага қараб югурди. Эшикни очиб у ерда: Краснокутов, Антип Грач ва чуваккина Аполлон Песковатсков деган уч колхозчини кўрди. Улар эски газета комплектларини ерга ёзиб эсон-омон тунаб чиқишган эди, Размётнов кириши билан ўринларидан туришди.

— Мен, граждандар, шубҳасиз мажбурманки...— деб гап бошлаган эди, қамалганлардан бири, кекса казак Краснокутов унинг гапини шартта бўлди:

— Ортиқча гапнинг нима ҳожати бор, Андрей Степанич, гуноҳқормиз, вассалом... Чиқариб юбор, ғаллани ҳозир олиб келамиз... Биз кечаси ўзаро маслаҳатлашиб, ғаллани топширадиган бўлдик.... Яширишнинг нима ҳожати бор, буғдойни бергимиз келмаган эди...

Ҳозиргина Нагульновнинг бемулоҳаза хатти-ҳаракати учун кечирим сўрамоқчи бўлиб турган Размётнов вазиятни тушуниб, дарҳол гапни бошқа ёққа буриб юборди:

— Эсларинг энди кирибди! Ахир, сизлар колхозчисизлар-ку! Уруғликни яширишларингиз уят!

— Бизни тезроқ чиқариб юборсанг бўлди, ўтган ишга салават...— тўсдек қора соқоли орасидан ийманиб жилмайди Антип Грач.

Размётнов эшикни ланг очиб қўйиб, стол томон кетди. Ростини айтганда, шу пайт унинг кўнглидан ҳам: «Макар ҳақлими дейман? Сал сиқаштирсак — бир кунда тўкиб бўлинаркан!» деган фикр ўтди.



Давидов селекция станциясидан ўзида йўқ хурсанд, ўн икки пуд аъло нав бугдой билан қайтиб келди. Уй бекаси унинг олдига овқат қўяётиб, у йўқлигида Нагульнов Григорий Банникни урганини, учта колхозчини кечаси билан қишлоқ советига қамаб қўйганини гапириб берди. Бу овоза, афтидан, Гремячий Логга доврұқ бўлган эди. Давидов наридан-бери овқатланиб, ташвишланганича правлениега қараб кетди. У ерда уй бекасининг гапларини тасдиқлаб, тафсилотларини ҳам айтиб беришди. Нагульновнинг қилган ишига ҳар ким ҳар хил қарар: бировлар маъқуллар, бировлар қоралар, бировлар эса, босиқлик билан индамас эди. Чунончи, Любишкин жон-жаҳди билан Нагульновнинг ёнини олди, лабини буриб олган Яков Лукич эса шу қадар хафа кўринардикки, гўё Нагульновнинг дашномларини худди ўзи эшитгандек эди. Тез орада правлениега Макарниинг ўзи ҳам кириб келди. Сиртдан қараганда, у одатдагидан кўра қаҳрлироқ кўринар эди, Давидов билан босиққина кўришди, аммо унга эҳтиёт билан зимдан ташвиш аралаш қараб қўйди. Икковлари қолгандан кейин, Давидов ўзини тиёлмай, зарда билан сўради:

— Бу нима қилиқ?

— Эшитган бўлсанг, суриштириб нима қиласан...

— Сен ҳали уруғ тўплаш учун шу йўл билан ташвиқот қилишга киришдингми?

— У ҳам менга бундай разил гапларни гапирмасин-да! Мен душманнинг — оқ газандаларнинг ҳақоратига чидаб тураман деб сўз берган эмасман!

— Сен бу нарсанинг бошқаларга қандай таъсир қилишини, қандай сиёсий тус беришларини ўйлаб кўридингми?

— Унда ўйлаб ўтиришга вақт йўқ эди.

— Бу жавоб эмас, факт! Сен уни ҳокимиятни ҳақорат қилгани учун қаманинг керак эди, уришинг керак эмасди! Бу коммунистга иснод келтирадиган иш! Факт! Биз шу бугуноқ ячейкада сенинг масалангни кўямиз. Сен ўз хатти-ҳаракатинг билан бизга катта зиён келтирдиган! Биз буни қоралашимиз керак! Мен

бу тўғрида колхоз мажлисида гапираман, райкомнинг рухсатини ҳам кутиб ўтирмайман, гапнинг очиги шу! Чунки, агар биз индамасак, колхозчилар бизни сен билан якдил, бу масалага хайрихоҳ қарашар экан, деб ўйлашлари мумкин. Йўқ, оғайничалиш! Биз сенга қўшилмаслигимизни билдириб, сени қоралаймиз. Сен — коммунистсан, аммо жандармга ўхшаб иш тутибсан. Қандай шармандалик! Қаёқдаги фалокат ишларни қилиб юрибсан!

Аммо Нагульнов ҳўкиздедек оёқ тираб олди: бундай хатти-ҳаракатининг сиёсий жиҳатдан зарарли эканлигини, коммунист бундай қилмаслиги кераклигини уқтирмоқчи бўлган Давидовнинг ҳамма далилларига шундай деб жавоб берарди:

— Мен уни калтаклаб тўғри иш қилдим! Тўғриси, калтаклаганим ҳам йўқ, бир мартагина урдим, холос, кўпроқ уришим керак эди. Қўйсанг-чи! Мени тарбиялашнинг вақти ўтган, мен — партизанман, партияни ҳар қандай аблаҳларнинг ҳақоратларидан қандай мудофаа қилишим кераклигини ҳам ўзим биламан!

— Ахир, мен ҳам бу қуриб кеткур Банникни ўз одамимиз деётганим йўқ-ку! Мен, уни урмаслигинг керак эди деяпман. Партияни ҳақоратлардан бошқа йўл билан ҳимоя қилиш ҳам мумкин эди, факт! Сен ҳозир бориб ҳоврингдан туш, ўйлаб кўр, кечқурун ячейкага келиб менинг ҳақ эканлигимни айтурсан, факт.

Кечқурун, ячейка мажлиси бошланишидан олдин, қовоқ-тумшуғи осилган Макар кириб келиши билан Давидовнинг дастлаб сўраган сўзи шу бўлди:

— Ўйлаб кўрдингми?

— Ўйлаб кўрдим.

— Ҳўш?

— Итваччанинг таъзирини бермапман. Ўлдириб юбориш керак экан!

Агитколонна бригадаси батамом Давидовни ёқлаб Нагульновга қаттиқ виговор берилишига овоз берди. Андрей Размётнов бетараф қолиб, индамай ўтирди, аммо Макар кетаётиб хўмрайганича: «Ўзим-

нинг тўғри фикримда қоламан» деб ғудурлаганида, Размётнов ўрнидан сапчиб турди-да, зарда билан туфлаб, сўкинганича хонадан югуриб чиқиб кетди.

Қоронғи даҳлизда тамаки тутатаётиб Давидов гугурт шуъласида Нагульновнинг шу бугунги кун давомида унниқиб кетган юзига тикилиб туриб, муросасозлик билан деди:

— Сен, Макар, биздан бекорга хафа бўляпсан, факт!

— Хафа бўлаётганим йўқ.

— Сен эскирган партизанча усул билан ишляяпсан, ҳозир бўлса вақт бошқа, ҳужум эмас, позицион уруш кетяпти... Партизанчилик касали ҳаммада ҳам, айниқса биз флотчиларда, хўш, мана менда ҳам бор эди. Сенинг асабий касалинг бўлса ҳам, қимматли Макар, ҳар ҳолда ўзингни... тийишинг керак, а? Мана, ўринбосарларимизни кўр, агитколоннадаги комсомол Ванюшка Найденов қандай ажойиб ишлар қиляпти! Унинг кварталидан ҳаммадан кўпроқ уруғлик дон келиб тушди, деярли ҳамма топшириб бўлди. Кўринишдан унча жонсаракка ўхшамайди, сепкил башарагина йигитча, аммо ҳаммаларингдан ҳам яхши ишляяпти. Ҳайронман, хонадонма-хонадон юриб чақчақлашади, одамларга аллақандай чўпчаклар ҳам айтиб берармиш... Ундагилар ғаллани калтак емасданоқ, қамоқда ўтирмасданоқ олиб келиб топширишяпти, факт.— Давидов Найденов ҳақида гапирар экан, унинг овозида табассум ва самимият оҳанги эшитилди, Нагульновнинг кўнглида эса бу удабурон комсомолга нисбатан ҳасадга ўхшаш ҳис уйғонгандек бўлди.— Сен ақалли мароқ учун эртага бу билан уйма-уй юриб, унинг бу нарсага қандай йўллар билан эришаётганига разм сол,— деб давом эттирарди Давидов,— худо ҳақи. бунда нафсониятингга тегадиган ҳеч нарса йўқ. Биз, ошна, баъзан ёшлардан ҳам унибуни ўрганиб олсак бўлади, факт! Улар қандайдир бизга ўхшамайроқ ўсишяпти, улар печанроқ...

Нагульнов индамади. Эрталаб туриши биланоқ Ванюшка Найденовни қидириб топиб, худди гап келиб қолгандек:

— Мен бугун бўшман, бирга юриб сенга ёрдам-

лашмоқчидан, — деди. Сенинг учинчи бригаданга қанча топширилмаган уруғ қолди?

— Арзимаган нарса қолди, ўртоқ Нагульнов! Юринг, икки киши бўлсак зерикмаймиз.

Жўнашди. Найденов Макар одатланмаган тезлик билан ўрдакдек лапанглаб бормоқда эди. Кунгабоқар мойининг ҳиди анқиб турган чарм камзулининг олди очиқ, катак көпкасини қошигача бостириб кийиб олган эди. Нагульнов кеча Давидов ўзига хос бўлмаган меҳрибонлик билан Ванюшка деб атаган комсомолнинг аллақандай сабий сепкиллаб босган, кўзга ташланмайдиган юзига диққат билан кўз ташлаб қўярди. Унинг юзида кул ранг, холдор самимий кўзларими, ўсмирлардек лўппигина ва олдинга чиққан терс энгагими, ҳар қалай, ўзига тортувчи қандайдир жуда яқин бир нарса бор эди.

Собиқ «макиёнбоз» Аким бобо Бесхлебнов бутун оиласи билан нонушта қилиб ўтирганида уникига кириб боришди. Чолнинг ўзи столнинг тўрида, ёнида эса Кичик Аким лақабли қирқ яшар ўғли, унинг ўнг томонида хотини билан қариб қолган тул қайнанаси, четда бўйга етган икки қизи ўтирар, столнинг икки четини эса болалар худди пашшадек қуршаб олган

— Салом, мезбонлар!— Найденов ёғ босган көпкасини олиб, ҳурпайиб турган сочларини силади.

— Салом, ҳазиллашмаётган бўлсанглар,— деб жавоб берди жилмайиб содда ва хушмуомала Кичик Аким.

Нагульнов бу ҳазилга ёйиқ қошларини чимириб, сиполигини бузмай: «Ҳазиллашиб ўгиришга вақтимиз йўқ, нега шу вақтгача галлани олиб бориб топширмадинг?» деб жавоб берган бўларди, Ванюшка Найденов эса, мезбонларнинг чеҳраларидаги совуқ сиполик аломатини сезмагандек жилмайиб, деди:

— Ош бўлсин!

Аким столга таклиф қилмай, «раҳмат» дебгина ёки: «Аввал таом, баъдаз калом, кутиб тур» деб қўпол ҳазил билан қутулиш учун оғиз жуфтламасиданоқ Найденов гапини шоша-пиша давом эттирди:

— Безовта бўлиб нима қиласизлар! Ҳожати йўқ! Бир ҳисобда нонушта қила қолсак ҳам бўлади... Мен,

гапнинг рости, бугун ҳали овқатланганим йўқ. Уртоқ Нагульнов шу ерлик. у тўйиб чиққан бўлса керак, биз бўлсак кунора бир туз тотиб қоламиз... Бамисоли «фариштадек».

— Экмай-тикмай тўқ юаркансизлар-да? — деб кулди Аким.

— Тўқ бўлмасак ҳам, доим хушчақчақмиз,— деди-ю, Найденов Нагульновни ҳайратда қолдириб, бир лаҳзада чарм камзулини ечиб ташлади-да, столга бориб ўтирди.

Аким бобо меҳмоннинг бетакаллуфлигини кўриб, томогини қириб қўйди. Кичик Аким эса қаҳқаҳлаб кулиб юборди.

— Ҳа, ҳарбий одамнинг гапи бу! Омадинг бор экан йигит, мендан чаққонлик қилиб қолдинг, «ош бўлсин» деганингга «аввал таом, баъдаз калом, кутиб тур» демоқчи бўлиб турган эдим. Қизлар! Унга қошиқ беринглар.

Қизлардан бири ўрнидан дик этиб туриб пешгини оғзига тутганича пиқиллаб кулиб, печь тоқчасидан қошиқ олиб келди-да, уни эркакларга одатда қандай узатиш керак бўлса, шундай одоб ва таъзим билан Найденовга узатди. Стол атрофидагиларнинг димоғлари чоғ бўлди. Кичик Аким Нагульновни ҳам таклиф этган эди, аммо у рал қилиб, сандиққа ўтирди. Акимнинг оқ қошли хстини жилмайганча меҳмонга бир бўлак нон узатди, қошиқ берган қиз меҳмонхонага югуриб чиқиб озода сочиқ олиб келди-да, Найденовнинг тиззасига ёзиб қўйди. Хутордагилардан дадиллиги билан ажралиб турган йигитнинг серсепкил юзига мароқ ва мамнуният билан тикилаётган Кичик Аким шундай деди:

— Кўрдингми, ўртоқ, қизимга ёқиб қолибсан: ҳали отасига ҳам сира тоза сочиқ бермаган эди, сенга бўлса стол атрофидан жой олмасингдан буруноқ олиб келиб берди. Агар сўратсанг, ҳозироқ берамиз!

Қиз отасининг ҳазилидан қизариб кетди; юзини қўли билан яширганча столдан узоқлашди. Найденов эса ҳамманинг вақтини чоғ қилиб, ҳазиллашарди:

— У сепкилбашарага тегмаса керак. Мен қоронғи тушгандагина қизларга оғиз солишим мумкин, ўшан-

дагина чиройли бўламан, ўшандагина қизларга ёқишим мумкин.

Мева суви келтириб қўйишди. Гап-сўз тўхтади. Оғизларнинг чапиллаши билан қошиқларнинг товоқ тагини қиртиллатишигина эшитиларди. Сукунат болалардан биронтасининг қошиғи товоқ ичида пишган олмурут қидириб айлана бошлагандагина бузиларди. Шу пайт Аким бобо ўзининг қошиғини яларди-да:

— Териб ема!— деб, гуноҳ қилиб қўйган боланинг пешанасига қошиқ билан урарди.

— Уйимиз худди черковдагидек жимжит бўлиб қолди,— деб қўйди уй бекаси.

— Черков ҳам ҳамма вақт жимжит бўлавермайди,— деди тўйиб бўтқа еган ва мева суви ичган Ванюшка.— Бизда пасха арафасида қизиқ бир воқеа бўлган эди — эшитсаларингиз ичакларингиз узилади!

Уй бекаси столни сидиришдан тўхтади. Кичик Аким тамаки ўради-да, қулоқ солишга чоғланиб сўрига ўтирди, ҳатто Аким бобо ҳам кекира-кекира чўқиндию, Найденовнинг сўзларига қулоқ сола бошлади. Тоқатсизланаётгани кўриниб турган Нагульнов ўйларди: «Ғалла тўғрисида қачон гап бошлар экан? Бу ерда ишларимиз пачава бўладиганга ўхшайди! Йккала Акимни ҳам осонликча эпга келтириб бўпсан, бутун Гремячийда ўтакетган қайсари шулар. Қолаверса, Кичик Аким Қизил Армияда хизмат қилган, умуман, ўзимизнинг казак — қандай қилиб пўписа қиласан? Хусусий мулкка ҳирс қўйган, хасис, шу туфайли ғаллани олиб бориб топширмайди. Қиш куни қор сўрасанг беришга ҳам кўзи қиймайди, биламан!»

Бу орада Ванюшка Найденов вақтни ғанимат билиб, гапини давом эттирди:

— Мен асли Тацинский районида бўламан, пасха арафасида бизнинг черковда шундай бир воқеа юз берди: ибодат бўлаётган эди, диндорлар черковга йиғилган, тиқилинчдан нафас олишолмайди. Поп билан дьякон ўқиб, қироат қилишяпти, панжара олдида болалар ўйнашяпти. Слободамизда бир яшар жуда ҳам сузонғич бузоқ бор эди, сал тегиб қолсанг борми, ўртондек ташланиб, сузишнинг пайдан бўларди. Уша бузоқ панжара яқинида тинчгина ўтлаб юривди, бола

лар унинг шу қадар жигига тегишадик, у болалардан биттасини тириқтириб, етай-етай деб қолади! Бола ўзини қўрага уради, бузоқ унинг орқасидан киради, бола бўсафага югуради, бузоқ орқасидан чопади. Жилловхонада одам тирбанд эди. Бузоқ югуриб кириб боланинг орқасидан сузади. Бола жон ҳолатда бир кампирнинг оёғи тагига ўзини ташлайди. Кампир чалқанчасига йиқилиб тушиб, «Войдод, яхшилар! Вой, шўрим қуриди!..» деб бўкира бошлайди. Кампирнинг эри: «Ҳаҳ, унинг куйгур, ҳароми!..» деб боланинг яғринига қўлтиқтаёқ билан бир туширади! Бузоқ бўлса «ма-а-а!» деганича ўша чолни сузишга чоғланади. Бир ваҳима бошланиб кетадики, асти қўяверинг! Меҳробга яқин турганлар нима гаплигини билишолмайди, жилловхонада шовқин-сурон бўлаётганини эшитгач, ибодат қилишдан тўхтаб, ташвишга тушишади, бир-бирларидан: «У ёқда нега шовқин-сурон кўтаришяпти?». «У ёқда нима бўляпти ўзи?» деб сўрашади.

Завқланиб кетган Ванюшка ваҳимага тушган ҳамқишлоқларининг қандай шивирлашганларини усталик билан шундай кўрсатдики, Кичик Аким ўзини тутолмай ҳаммадан олдин кулиб юборди.

— Бузоқ роса иш кўрсатибди-да!

Ванюшка ояпоқ тишларини кўрсатганча жилмайиб, давом эттиради:

— Битта йигит ҳазиллашиб: «У ёққа тағин қутурган ит кириб қолган бўлса-я, қочиш керак!» деб қолмайдими! Ёнида турган ҳомиладор хотин қўрқиб кетиб: «Вой, мени туғмай онам ўлсин! Ҳозир ит битта-мизни ҳам қўймай қопади-ку!» деб бутун черковни бошига кўтаради. Орқадагилар олдингиларни суриб келишади. шамдонларни ағанатиб юборишади, ҳамма ёқни ис-дуд босиб кетади... Ҳамма ёқ қоп-қоронғи. Шу орада аллаким: «Ўт кетди!» деб бўкириб қолади. Ана томоша! «Қутурган ит!», «Ўт кетди!..», «Нима бўлди ўзи?..», «Қиёмат қойим!», «Нима-ним-а-а?..» «Қиёмат қойим? Хотин! Уйга чопайлик!» Ён эшикларга югуриб, ғуж бўлиб тиқилиб қолишади, қани энди биронтаси чиқолса! Шам сотадиган дўконни ағдариб юборишади, бир мириликлар сочилиб кетади, қироатчи йиқилиб тушиб бўкиради: «Талаб кетди!..» Хотин-халаж худди

қўйдек минбарга ёпирилиб чиқади, дьякон бўлса каллаларига кадило билан тушириб: «Ҳо-о-ой, эси пастлар!.. Қаёққа? Сен ярамаслар, хотин-халажнинг меҳробга яқинлашиши раво эмас, билмайсанларми!» дейди. Қишлоғимизнинг қорнига соат занжири осган семиз оқсоқоли бор эди, одамларни нари-бери сурганча эшик томонга интилиб: «Йўл беринглар! Йўл беринглар, лаънатилар! Мен слободанинг оқсоқолиман-ку, ахир!» деб жаврайди. Унга ким йўл берарди. Бу ёқда «қиёмат қойим» бўлиб турган бўлса!

Гапи қаҳқаҳалар билан бўлиниб турган Ванюшка ҳикоясини тугатди:

— Слободамизда Архип Чохов деган от ўғриси бўларди. Ҳафтасига от ўғирлаб кетарди, уни ҳеч ким қўлга туширолмасди. Архип ҳам черковга тавба қилгани келган экан. Одамлар: «Қиёмат қойим! Тамом бўлдик, биродарлар!» деб бақира бошлагандан кейин Архип деразага югуриб бориб, ойнасини синдириб сакрамоқчи бўлган эди, қараса, ташқарисида панжара. Халойиқ эшикларда минди-минди бўлиб ётибди, Архип бўлса черковни гир айланиб тўхтади-да, чапак отиб: «Мана энди қўлга тушдим! Роса қўлга тушдим!» дейди.

Қизлар, Кичик Аким ва унинг хотини силлалари қуриб, ҳиқичоқлари тутиб қолгунча кулишди. Аким бобо ҳам индамай, тишлари тушиб кетган милklarини иржайтирарди; гаранглигидан ҳикояни чала эшитган ва ҳеч нарса тушунмаган кампиргина, негадир, йиғлаб юбориб, ёшдан қизариб кетган жиққа ҳўл кўзларини арта туриб гапирди:

— Ахир қўлга тушибди-да, шўрлик! Худо кўрсатмасин-эй! Уни нима қилишибди?

— Қимни, биби?

— Уша жаҳонгаштани-да?

— Қайси жаҳонгаштани, бибижон?

— Сен айтаётган... художўй жаҳонгаштани, қўзим.

— Қанақа художўй?

— Билмасам, ўргилай... Қулоғим оғирроқ бўлиб қолган, эшитмайман, ўргилиб кетай... Яхши эшитмайман...



Кампир билан бўлган суҳбат янги қаҳқаҳаларга сабаб бўлди. Кичик Аким кулаверганидан кўзидан тирқираб чиқиб кетган ёшни артар экан, қайта-қайта сўради:

— Ҳалиги ўғри нима дебди? «Мана энди қўлга тушдим» дебдими? Сен бизга қизиқ бир ҳангама айтиб бердинг, йигит!— соддадиллик билан завқланди у, Ванюшканинг кифтига қоқиб.

Буниси эса дарров сездирмасдан жиддий тусга кириб олиб, хўрсинди:

— Тўғри, бу куладиган воқеа, лекин ҳозир ишлар шундай аҳволдаки, кулгинг ҳам келмайди... Мен бугун газета ўқиган эдим, юрагим ачишиб кетди...

— Юрагим ачишиб кетди? — яна кулгили ҳикоя эшитиш умидида сўради Аким.

— Ҳа. Шунинг учун ачишиб кетдики, капиталистик мамлакатларда одамни хўрлаб, ваҳшиёна азоблашяпти. Мен шундай бир воқеани ўқиб қолдим: Руминияда иккита комсомол аъзоси деҳқонларнинг кўзини очиб, ерни помешчиклардан тортиб олиб, ўзларингиз бўлиб олишларингиз керак, дейишаётган экан. Руминияда ғаллакорлар жуда қашшоқ яшашади...

— Қашшоқ яшашлари тўғри, биламан, полкимиз ўн еттинчи йилда румин frontiда бўлганида ўзим кўрганман,— деб тасдиқлади Аким.

— Шундай қилиб, улар Руминияда капитализмни ағдариб, Совет ҳокимияти барпо қилиш учун ташвиқот олиб боришаётган экан. Аммо уларни ваҳший жандармлар ушлаб олиб, биттасини уриб ўлдиришибди, иккинчисини бўлса қийнай бошлашибди. Кўзларини ўйиб олиб, бошидаги ҳамма сочини юлиб ташлашибди. Кейин ингичка бир темирни чўғдек қиздириб, тирноқлари остига тика бошлашибди...

— Вой қуриб кеткурлар-ей!— деб юборди Акимнинг хотини чапак чалиб.— Тирноқларининг остига-я?

— Тирноқларининг остига... «Айт, ячейкаларингда яна кимлар бор, комсомолдан воз кеч!» дейишади унга. «Айтмайман, олчоқлар, воз ҳам кечмайман!»— қаттиқ туриб жавоб беради ўша комсомол. Шундан кейин жандармлар қилич билан унинг қулоқларини, бурнини кесадилар. «Айтмайсанми?» «Йўқ,— дейди

у,— сизларнинг қонли қўлларингизда ўлсам ўламанки, аммо айтмайман! Яшасин коммунизм!» Шундан сўнг улар уни қўлидан шифтга осиб, тагидан гулхан ёқадилар...

— Қандай жаллодлар ҳам бор-а, лаънатилар! Касофатларни қара!— ғазабланди Кичик Аким.

— ...Уни ўтда ёқишади, у бўлса қон-қон йиғлаб, аммо комсомол ўртоқларидан биронтасини ҳам айтмай, ҳадеб: «Яшасин пролетар революцияси ва коммунизм!» дейди.

— Азамат экан, ўртоқларини айтмабди! Шундай бўлиш керак! Соф виждон билан ўлу, дўстларингга хиёнат қилма! Инжилда ҳам «Дўстинг учун жондан кеч...» дейилган,— Аким бобо муштини столга уриб, ҳикоячини шоширди:— Хўш, хўш, ундан кейин-чи?

— Уни қийнашади, ҳар қандай йўллар билан азоблашади, у бўлса индамайди. Эрталабдан кечгача шу аҳвол. У ҳушидан кетади. Жандармлар бўлса унга сув сепиб, яна ўз ишларига киришадилар. Ундан бу йўл билан ҳеч нарса билиб ололмасликларига кўзлари етгандан кейин, бориб унинг онасини қамоққа олади-лар ва охранкаларига олиб келадилар. «Сенинг ўғлингни нима кунга солишимизни кўриб тур!— дейишади унга.— Унга айтиб қўй, бизга бўйсунсин, бўлмаса ўлдириб, этини итларга улашамиз!» Шундан кейин онаси беҳуш бўлиб йиқилади. Ўзига келгандан кейин эса боласига югуриб, уни қучоқлайди, унинг қонга бўялган қўлларини ўпади...

Ранги оқариб кетган Ванюшка тўхтаб, кўзларини катта очганча тинглаётганларни қараб чиқди: қизларнинг оғзи очиқ, кўзларида дур-дур ёш, Акимнинг хотини пешгирига бурнини қоқиб, пиқ-пиқ йиғларкан: «Она шўрлик... болагинасини кўриб... нима аҳволга тушди экан... худойим-эй!...» деб шивирлар эди. Кичик Аким бирдан томоғини қириб халтасини олди-да, наридан-бери тамаки ўрай бошлади; фақат сандиқда ўтирган Нагульновгина сиполик билан сир бой бермас, аммо сукут вақтида унинг ҳам ёноғи учиб, лаби қийшайиб кетди...

«...Жон ўғлим! Мен учун, туққан онанг учун шу

ёвузларга бўйсун!»— дейди унга онаси, аммо у онасининг овозини эшитиб жавоб беради: «Йўқ, онажон, ўртоқларимга хиёнат қилмайман, ўзимнинг ғоям учун жон бераман, ундан кўра мени ўлимим олдидан ўп, ўпсанг, жон беришим осон бўлади...»

Ванюшка жаллод жандармлар қийнаб азоблаган румин комсомолининг қандай ҳалок бўлгани ҳақидаги ҳикоясини титроқ овоз билан тугатди. Бир минутча жимжитлик ҳукм сурди, сўнгра йиғлаётган хотин сўради:

— Шўрлик жафокаш неча ёшда экан?

— Ун еттида,— деб юборди тутилмасдан Ванюшка ва ўша заҳотиёқ катак кепкасини кийиб олди.— Ҳа, ишчилар синфининг қаҳрамони — бизнинг қимматли ўртоғимиз — румин комсомоли ҳалок бўлди. Меҳнаткашларнинг яхши кун кечиришлари учун ҳалок бўлди. Бизнинг ишимиз — уларга капитализмни ағдариб ташлашда, ишчи-деҳқон ҳоқимиятини барпо қилишда ёрдам беришдир, бунинг учун эса, колхозлар қуриш, колхоз хўжалигини мустаҳкамлаш керак. Аммо бизда ҳали ҳам шундай ғаллакорлар борки, ўзларининг онгсизликлари билан шунга ўхшаш жандармларга ёрдам бериб, колхоз қурилишига тўсқинлик қилишяпти — уруғлик ғаллани топширишмаяпти... Хўп, раҳмат, мезбонлар, нонушталарингиз учун! Энди сизларнингига нима иш важдан келганимизга кўчайлик: сизлар ҳозироқ уруғлик бугдойни олиб бориб топширишларингиз керак. Сизларнинг хонадонингиз роппа-расо етмиш етти пуд уруғлик дон топшириши керак экан. Қани, хўжайин, олиб бор!

— Ким билади дейсизлар... ўзи, ғалла ҳам йўқдеккина... — иккиланиб гап бошлаган эди бу кутулмаган даромаддан ҳанг-манг бўлиб қолган Кичик Аким, аммо хотини унга ўқрайиб қараб, гапини шартта бўлди:

— Қўйсанг-чи! Бор, қоплаб олиб бориб топшир!

— Етмиш пуд чиқмас... Ғалламиз эланмаган ҳам... — бўшашиб қаршилиқ қилди Аким.

— Олиб бориб топшир, Акимушка. Топшириш керак бўлади, тархашлик қилиб ўтиришнинг нима ҳожати бор,— деб келинини қувватлади Аким бобо.

— Биз хокисор одамлармиз, қарашиб, элашиб юборамиз,— дея қолди Ванюшка.— Ғалвирларингиз борми?

— Бор... Бир оз бузуқроқ...

— Ҳеч гап эмас! Тузатамиз! Тезроқ, тезроқ бўл, хўжайин! Биз гап билан бўлиб, сизларникида анча ҳаяллаб қолдик...

Ярим соатдан кейин Кичик Аким колхоз кўрасидан хўкиз қўшилган иккита арава олиб келмоқда, юзини сепкилдек реза тер доналари босган Ванюшка эса қизил тилладек товланиб турган, эланган, тўқ, сархил бугдой солинган қопларни тўпонхонадан омбор айво-нига ташимоқда эди.

— Ғаллани нега тўпоннинг ичида сақлаётган эдинглар? Каттагина омборларинг бор экану, ғаллани шу қадар эҳтиётсиз ташлаб қўясизларми?— деб сўрарди у Акимнинг қизларидан биридан, муғомбирона кўз қисиб.

— Дадамдан чиққан гап...— хижил бўлиб жавоб берди қиз.

Бесхлебнов етмиш етти пуд ғалласини жамоат омборига топширгани олиб кетгандан сўнг, Ванюшка ва Нагульнов уй эгалари билан хайрлашиб навбатдаги хонадонга кетишаётганида Нагульнов Ванюшканинг ҳорғин юзига қувонч аралаш ҳаяжон билан тикилиб сўради:

— Комсомол тўғрисидаги гапни ўзинг тўқидингми?

— Йўқ,— хомушлик билан жавоб берди униси,— бир вақт МОПР журналида шундай бир воқеани ўқиган эдим.

— Бугун ўқидим, дединг-ку...

— Барибир эмасми? Гап шундай воқеанинг содир бўлганида, шуниси ачинарли, ўртоқ Нагульнов.

— Хўш... юракни эзиш учун ўзингдан ҳам қўшдингми?— деб суриштирди Нагульнов.

— Бунинг аҳамияти йўқ-ку — гаши келиб қўл силтади Ванюшка ва жунжикиб чарм камзулининг тугмасини соларкан, шундай деди:— Шуниси муҳимки, кишиларнинг жаллодлар билан капиталистик тузумга нафрати кучайсин, бизнинг курашчиларимизга хайрихоҳлиги ошсин. Энг муҳими — уруғни топширтир-

дик... Мен ўзимдан ҳеч нарса қўшганим йўқ десам бўлади. Уй бекаси қайнатган мева суви жуда ширин экан! Бекор ичмадинг, ўртоқ Нагульнов!

## XXVI БОБ

10 март кечқурун Гремячий Логни туман босди, эрталабгача уйларнинг томларидан қор сувлари шариллаб оқди, жануб томондан, ўрқачсимон даштдан, элкинли илиқ намхўш шамол эсиб турди. Гремячийда баҳорни кутиб олган биринчи кечани қора шойидек туман, сукунат, баҳор нафасини келтирган еллар чулғаб олди. Эрталаб алламаҳалда ним пушти туман кўтарилиб осмон билан қуёшнинг юзи очилди, энди жанубдан кучли шамол елиб кела бошлади; йирик донатор қор эриб, шитир-шитир садо чиқарганча чўка бошлади, томлар қўнғир тусга кириб, кўча олачалпак бўлиб қолди; тушга бориб жарлар ва сойлар бўйлаб кўз ёшидек тиниқ қор сувлари мавжланиб сон-саноқсиз жилғалар ҳосил қилганча, аччиқ олча томирларини ювиб, сой бўйидаги қамишларни босиб пастликлар, теракзорлар, боғларга қараб шиддат билан оқа бошлади.

Уч кундан сўнг шамол тегадиган ҳамма тепаликлар яланғоч бўлиб қолди, ювилиб кетган ён бағирларнинг нам тупроқлари йилтиради, бўтана сув ўзининг сермавж тўлқинларида лўппи-лўппи сариқ кўпикларни, ювиб кетилган буғдой илдизларини, шудгорлардан хас-хашакни ва сув қулатган сершоҳ кийик ўтларни оқизиб борарди.

Гремячий Логдаги сой тошиб кетди. Унинг аллақердаги манбаидан қуёшда эриган юпқа мовий муз парчалари оқиб келмоқда. Улар муюлишларда ўзандан чиқиб, уруғ ташлаётган баҳайбат балиқлардек уймалашиб, қалашишарди. Сув баъзан уларни тик қирғоққа олиб келиб урар, баъзан эса сойга қуйиладиган ариққа тушиб қолган муз парчаси боғларга кетиб қолиб, дарахтлар орасида сузиб юрар, дарахт танасига тегиб қисирлар, боғдаги ёш ниҳолларни нобуд этар, олмаларни чақа қилар, олчазорлардаги майда ниҳолчаларни эгиб кетар эди.

Хутор ташқарисидаги қордан халос бўлган қора шудгор ўзига чорлаб турарди. Плуг тишлари ағдариб ташлаган офтобрўядаги семиз қора ер палахсаларидан буғ кўтариларди. Туш пайтларида дашт устида зўр ҳаловатли сукунат ҳукм сурарди. Шудгорлар тепасида қуёш, сутдек оқ буғ, эрта келган тўрғайнинг ҳаяжонлантирувчи сайраши ва учи булутсиз мовий осмонга санчилиб бораётгандек уч бурчак бўлиб сафланган қатор турналарнинг чорловчи қуриллаши. Тепаликлар устида иссиқ тафтидан кўтарилаётган титроқ ҳовур; ўлан япроғининг ўткир яшил ниши бултурги ўлик чўп танасини итариб, қуёшга қараб интилмоқда. Шамолда селгиган кузги жавдар худди оёқ учида кўтарилаётгандек япроқларини нур манбаи томон чўзмоқда. Аммо даштда ҳали жонивор кам, суғурлар билан юмронқозиқлар қиш уйқусидан уйғонмаган, жониворлар ўрмон ва жарларга қочган, аҳён-аҳёнда эски бурган орасидан дала сичқони ўтиб қолади ва жуфт-жуфт бўлиб олган какликлар кузги буғдой томонга учиб ўтади.

Гремячий Логда уруғлик фонди 15 мартгача тўлатўкис тўллаб бўлинди. Якка хўжаликлар ўз уруғларини алоҳида омборга тўкишди, унинг калити колхоз правлениесида сақланарди, колхозчилар эса олти чамоат омборини чоч қилиб тўлатишди. Ғаллани кечалари билан уч фонарь ёруғида дон тозалайдиган машинада тозалашди. Ипполит Шалийнинг темирчилик устахонасида қоронғи тушгунча дам кенг бўғзидан тинмай олов пуркар, болға тагидан олтиндек олов учқунлари сачрар, сандонда темир жаранглар эди. Шалий ғайрат қилиб, тузатиш учун олиб келинган ҳамма мола, буккер<sup>1</sup>, запашник, сеялка ва плугларни 15 мартгача ремонт қилиб берди. 16-куни кечқурун Давидов мактабда, кўпдан-кўп колхозчиларнинг орасида, уни ўзи Ленинграддан олиб келган асбоблари билан мукофотлаб, шундай нутқ сўзлади:

— Қимматли темирчимиз ўртоқ Ипполит Сидорович Шалийга, қолган ҳамма колхозчиларга намуна

---

<sup>1</sup> Плугнинг бир нави. (Ред.)

бўладиган зарбдор иши учун биз — колхоз правление-си — мазкур асбобларни тақдим этамиз.

Зарбдор темирчини тантанали мукофотлаш муносабати билан соқолини янгигина қирдириб, тоза фуфайка кийган Давидов столдан қизил алвонга териб қўйилган асбобларни қўлига олди, Андрей Размётнов эса қизариб кетган Ипполитни турта-турта саҳнага чиқарди.

— Уртоқ Шалий шу бугунги кунга ремонтни юз процент тугаллади, факт, граждандар! У ҳаммаси бўлиб эллик тўртта плуг тиши ясади, турли қатордаги ўн икки сеялкани, ўн тўртта буккерни ва ҳоказоларни шай қилиб қўйди, факт! Бизнинг биродорона совғамизни мукофот тариқасида қабул қил, қимматли ўртоғимиз, сен ҳувари, келажакда ҳам шундай зарбдорона ишла, колхозимиздаги ҳамма асбоб-ускуна доимо ўрта қўлдек бўлсин, факт! Сиз, бошқа граждандар ҳам, далада шундай зарбдорона ишлашларингиз керак, биз шундагина колхозимизнинг номини оқлаймиз, бўлмаса бугун Совет Иттифоқи олдида шармандаи шармисор бўламиз, факт!

Шу сўзларни айта туриб Давидов мукофотни уч метрлик қизил сатинга ўради-да, уни Шалийга тақдим қилди. Мамнуниятни чапак билан изҳор қилишни гремачийликлар ҳали ўрганмаган, аммо Шалий титроқ қўллари билан қизил тургакни оларкаң, мактабда шовқин кўтарилди:

— Унга берса арзийди! Қаттиқ ишлади!

— Яроқсиз нарсаларни ишга яратди!

— Асбоб-ускуналик ҳам бўлди, хотинига кўйлақлик сатин ҳам олди!

— Ипполит, ширинкомасини берасан, қора буқа!

— Уни кўтариб иргитиш керак!

— Қўйсанг-чи, хумпар! Сандоннинг олдида шунча иргитлагани ҳам етар!

Шундан кейин қичқириқлар ғала-ғовурга айланиб кетди, аммо Шчукаръ бобонинг чинқироқ овози шовқин-суронни босиб тушди.

— Нега ғиқ этмасдан турибсан?! Гапир! Жавоб берсанг-чи! Отанг кунда, онанг тўнғакми, нега мипгаймайсан!

Шчукарни қувватлаб, ҳазил аралаш ва жиддий оҳангда қичқира бошладилар:

— Унинг ўрнига Демид Индамас чиқиб гапира қолсин!

— Ипполит! Тезроқ гапир, бўлмаса йиқилиб тушасан!

— Уни қаранглар, ҳақиқатан ҳам тиззалари қалтираб кетяпти!

— Севинганингдан тилингни ютвордингми?

— Бу сенга болға уриш эмас!

Аммо ҳар қандай тантаналарни ёқтирадиган, бу гал эса мукофотлаш маросимига раҳбарлик қилаётган Андрей Размётнов шовқин-суронни босиб, ҳаяжонланаётган мажлис аҳлини тинчитди:

— Бир оз ўзларингни боссаларинг-чи! Нега бунча чуввос кўтармасаларинг! Баҳор асар қиялпими? Маданий қилиб чапак чалинглар, бўкиришнинг нима ҳожати бор! Мумкин бўлса, ҳап бўлинглар, бу одам сўз билан жавоб берсин!— Ипполитга ўгирилиб, сездирмасдан унинг биқинига мушти билан туртиб қўйди-да, шивирлади:— Кўкрагингни тўлатиб нафас ол-да, гапиравер. Мумкин бўлса, Сидорович, илмдонларга ўхшатиб, узунроқ гапир. Сен ҳозир бутун тантанамизнинг қаҳрамонисан, нутқни ҳам рисоладагидек қилиб батафсил гапиришинг керак.

Шу вақтгача иззат-икром кўрмаган, умри бино бўлиб ҳеч қачон «батафсил» нутқ сўзламаган, қилиб берган ишлари учун ҳамқишлоқларидан ширинкомга озгина ароқ олиб келган Ипполит Шалий правленининг мукофоти ва унинг тантанали вазиятда топширилишидан одатдаги руҳий мувозанатини йўқотиб қўйди. Қизил тургакни кўкрагига қаттиқ босган қўллари ҳам, темирчилик ишхонасида доимо ишонч ва қатъият билан босиб турадиган маймоқроқ оёқлари ҳам қалтирарди... Тургакни қўлидан қўймай, ўзи учун фавқулодда бўлган бу воқеа муносабати билан қизариб кетгунча ишқалаб ювган юзини ва ёшини энги билан артди-да, хирқираб гап бошлади:

— Асбоб-ускуна бизга жуда зарил, албатта... Биз миннатдормиз... Правлениега ҳам, уларнинг ҳалиги... Раҳмат, яна бир карра раҳмат! Мен бўлсам... мен те-



мирчиликсиз туролмайман... мен ҳамиша ҳам, худди ҳозиргидек — колхозчи сифатида, бажону дил... Сатин бўлса хотинимнинг бир кунига яраб қолар, албатта...— У, хотиним жонимга ора кириб қолар, деган умидда уни қидириб, тиқилинч синф хонасини гаранг-сиганча кўздан кечирди, хотинини учратолмагач, хўрсинди-да, қисқа нутқини тугатди:— Сатиндаги асбоблар учун ҳам, меҳнатларимиз учун ҳам... сиз билан, ўртоқ Давидов, колхозга раҳмат!

Шалийнинг ҳаяжонли нутқи тугаб қолаётганини кўрган Размётновнинг терга тушган темирчига жон-қолатда қилган имо-ишоралари беҳуда кетди. Темирчи уларни пайқагиси келмай таъзим қилди-да, тургакни ухлаб қолган болани кўтаргандек қўл учида кўтарганча саҳнадан тушиб кетди.

Нагульнов шоша-пиша бошидан папоғини олиб, қўлини силтади; икки балалайка билан скрипкадан иборат оркестр «Интернационал»ни бошлади.

Бригадирлардан Дубцов, Любишкин, Демка Ушakov ерни ҳайдаш ва экишга тайёр-тайёرمаслигини билиш учун ҳар кунни отда даштга чиқишарди. Даштлар бўйлаб шамолнинг қуруқ нафасларида баҳор келмоқда эди. Кунлар очилиб кетди, биринчи бригада аллақачоноқ ўз участкасидаги бўз тупроқ ерларни ҳайдашга тайёрланмоқда эди.

Агитколонна бригадаси Войсковой хуторига чақириб олинган, аммо Нагульновнинг илтимоси билан Кондратько Ванюшка Найденовни экиш вақтигача Гремячийда қолдирган эди.

Шалийни мукофотлашган кунларининг эртасига Нагульнов Лушка билан ажралишди. Лушка чет ёқада турадиган холаваччасиникига бориб жойлашди, икки кунча кўчага чиқмади, кейин Давидов билан правление олдида учрашиб қолиб, уни тўхтатди:

— Мен энди қандай яшасам экан, ўртоқ Давидов, маслаҳат беринг.

— Сўраган нарсангни қара-я! Биз ясли ташкил қилмоқчи бўлиб турибмиз, ўша ерга кира қол.

— Йўғ-э, раҳмат! Ўзим боласиз ўтдиму, энди ке-

либ-келиб бировларнинг болаларига қарайманми!  
Топган гапингизни қаранг-а!

— Хўп, бўлмаса бригадага кириб ишла.

— Мен меҳнаткаш хотин эмасман, далага чиқиб ишласам бошим айланади...

— Ойимтиллагингизни қаранг-а! Ундай бўлса ўйнаб юравер, аммо нон бермаймиз. Бизда «ишламаган — тишламайди!»

Лушка хўрсиниб чўқайининг учи билан ҳўл қумни чиза туриб, бошини қуйи солди:

— Менга ёрим Тимошка Тиртиқ Шимол ўлкасидаги Қотлас деган шаҳардан хат юборибди... Яқинда бораман, дебди.

— Бе, хомтама бўлади!— жилмайди Давидов.— Келган тақдирда ҳам ундан нарироққа жўнатиб юборамиз.

— Уни авф қилишмас экан-да?!

— Йўқ! Умидингни уз, ялқовлик ҳам қилма. Ишлаш керак, факт!— деб кескин жавоб берди Давидов. У кетмоқчи эди, аммо Лушка сал уялинқираб уни тўхтатди. У сўзларни чўзиб шу саволни бераркан, овозида беҳаё кулги оҳанги сезилди:

— Менга қаланғи-қасанғироқ бўлса ҳам биронта эр топиб беролмасмикансиз?

Давидов жаҳл билан иржайиб, тўнғиллади:

— Бундай ишлар билан шуғулланмайман! Хайр!

— Пича тўхтанг! Яна бир гапим бор!

— Хўш? Сиз менга уйланмасмидингиз?— Лушканинг овозидан тўғридан тўғри масхара қилиб тегишадгани билиниб турарди.

Энди хижолат бўлиш навбати Давидовга келди. Унинг юқорига тараб қўйган сочининг томирларигача қизариб кетди, индамай лабларини қимирлатди.

— Менга бир қаранг, ўртоқ Давидов,— давом эттирарди Лушка сохта ювошлик билан,— мен чиройли жувонман, маъшуқаликка боптаман... ўзингиз бир қаранг: кўзларим ҳам, қошларим ҳам, жуссамни кўтариб турган оёқларим ҳам, борингки, ҳамма ерим бежирим.— У яшил жун юбкасининг этагини бармоқларининг учи билан сал кўтарганча бир қўлини белига тираб, қанг-манг бўлиб қолган Давидовнинг олдида

виқор билан айланди.— Ё чаккиманми? Шунисини айтсангиз бўлади...

Давидов ғижиниб, кепкасини гардани томон сурди-да, жавоб берди:

— Бинойидек қизгинасан, бунисига шак йўқ. Оёқларинг ҳам чиройли, аммо шуниси борки... бу оёқларинг билан бўлар-бўлмас жойларга борасан, мана буниси факт!

— Оёқ ўзимники, кўнглимнинг кўчасига кириб чиқавераман! Шундай қилиб, сиздан умидимни узаврайми?

— Яхшиси, умид қилмай қўя қол.

— Менинг ҳасратимда куйиб, баримга ёпишмоқчи экан, деб ўйламанг. Сизга юрагим ачишиб: «Ёшгина эркакнинг хотинсиз, бўйдоқлигича куни ўтяпти, хотинхалаж билан иши йўқ...» деб ўйладим. Менга тикилишларингизни, кўзларингиздаги ташналикни кўриб ачиниб кетдим...

— Сен жин ургур... Хўп, майли, яхши қол! Сен билан гаплашишга вақтим йўқ.— Кейин ҳазиллашиб қўшиб қўйди:— Экинни экиб бўлайлик, ўшанда, марҳамат, собиқ флотчига ёпишиб олишинг мумкин, аммо Макардан рухсат ол, факт!

Лушка қаҳ-қаҳ уриб, орқасидан:

— Макар менга жаҳон революциясини важ қиларди, сиз бўлсангиз экишни важ қиляпсиз,— деди.— Йўқ, овора бўлманг! Менга бундақаларнинг кераги йўқ! Менга ўтдай ишқ-муҳаббат керак, шу ҳам гап бўлдимми?.. Сизларнинг ишдан қопларингиз увушиб қолибди, юрагида ўти йўқнинг менга чўти йўқ!

Давидов ҳанг-манг бўлиб жилмайганча правлениега қараб кетмоқда эди. Миясига: «Уни бир амаллаб ишга жойлаб қўйиш керак, бўлмаса жувонгина йўлдан озиб кетади. Бегойи кун-ку, ясаниб-тусаниб олибди, оғзидан чиқаётган гапларини қара...» деган ўй келган эди, дарҳол фикран қўл силтади: «Бе, жин урсин уни! Кичкина бола эмас-ку, ўзи тушуниши керак. Нима, мен хайри эҳсон қилиб мурувват кўрсатиб юрадиган буржуй хонимларданми? Ишлашни таклиф қилсам — ишлагиси йўқ, санқиб юрса юравермай-дими!»

Нагульновдан қисқагина сўради:

— Ажралишдингми?

— Мумкин бўлса савол бермасанг!— деб мингиллади Макар узун бармоқларининг тирноқларини камоли диққат билан кўздан кечираркан.

— Ўзим шунчаки...

— Мен ҳам шунчаки!

— Вой жин ургур. Сўраб ҳам бўлмас экан-да!

— Биринчи бригада чиқиб кетиши керак эди, улар бўлса пайсалга солишяпти.

— Сен Лукерьяни йўлга солиб қўйсанг бўларди, бўлмаса ёмон йўлга кириб кетади.

— Нима, мен унга попмидим? Қўйсанг-чи! Мен биринчи бригадани гапиряпман, у эртага қолмасданоқ...

— Биринчи бригада эртага чиқиб кетади... Сен, ажралдиму вассалом, деб ўйлаганмидинг? Хотинингни нега коммунистик руҳда тарбияламадинг? Нуқул иш орттириб юрасан, факт!

— Эртага ўзим биринчи бригада билан далага жўнайман... Нега бунча менга чакамуғдек ёпишиб олдинг? «Тарбиялаш керак, тарбиялаш керак!» Ўзим туриш-турмушим билан тарбия кўрмаган бўлсам, уни қандай тарбиялай? Ҳа, ажралишдим. Нима эди? Худди елимга ўхшаб ёпишиб оласан, Семён!.. Бу орада бу Банник лаънати!.. Ўзимнинг ташвишим бошимдан ошиб ётибди-ю, сен бўлсанг собиқ хотинимни ўртага олиб келиб тикасан...

Давидов энди жавоб бераман деб турган эди, правление ҳовлисида автомобиль сиренасининг овози эшитилиб қолди. Халқоб бўлиб турган қор сувини штангаси билан сидириб лопиллаганча райижроком «Форд»и кириб келди. Автомобиль эшигини очиб ундан район контроль комиссиясининг раиси Самохин тушди.

— Бу менинг ишим юзасидан...— Нагульнов ижирганиб, Давидовга жаҳл билан тикилди.— Менга қара, унга тагин хотиним тўғрисида оғзингдан гуллаб қўйма, шўримни қуритасан-а! Самохиннинг қандай одамлигини биласанми? «Нима учун ажралишдинг, нима сабабдан?» дейди. Агар коммунист хотинидан ажралишса у худди пичоқ егандек бўлади. Бу РКИ эмас,

попнинг ўзи. Бу хумкаллани ўлгудек ёмон кўраман!  
Хаҳ, лаънати Банник! Газандани ўлдириб...

Самохин хонага кириб, брезент портфелини қўй-  
масдан, саломлашмасдан, ҳазиллашиб шундай деди:

— Хўш, Нагульнов, нима иш қилиб қўйдинг? Мен  
сенинг касрингга шунча жойдан овора бўлиб келдим.  
Бу ўртоқ ким бўлди? Давидов шекилли? Салом!— На-  
гульнов билан Давидовнинг қўлини сиқиб, столга  
ўтирди.— Сен, ўртоқ Давидов, бизни ярим соатгагина  
холи қолдирсанг, мен мана бу тентак билан (Нагуль-  
новни кўрсатиб) гаплашиб олишим керак.

— Майли, гаплашинглар.

Давидов ўрнидан турди, ҳозиргина хотини билан  
ажралишганини айтмасликни илтимос қилган На-  
гульновнинг, афтидан, «бошга тушганини кўз кўрар»  
деган ўй билан бўлса керак:

— Битта контрни калтакладим, буниси тўғри, бун-  
дан бошқа иш ҳам бор, Самохин...— деб юборганини  
эшитиб, ҳайратда қолди.

— Яна нима иш эди?

— Бугун хотинимни уйдан ҳайдаб чиқардим!

— Ростданми?...— чўзиб сўради чўчиб кетган кенг  
пешана, озгин Самохин қаттиқ пишиллаб, сўнгра инда-  
май қоғозларни шалдиратиб портфелини титкилади...

## XXVII БОБ

Кечаси Яков Лукич уйқусида эшик олдидан кела-  
ётган оёқ товушларини эшитса ҳам уйғонолмади. Зўр-  
ға кўзини очиб, тахта девор кимнингдир гавдасининг  
оғирлигидан ғижирлаб кетганини, қандайдир бир ме-  
таллдан қилинган нарсанинг жаранглаб кетгандек  
бўлганини аниқ эшитди. Яков Лукич шоша-пиша де-  
раза олдига бориб, ойнадан энгашиб қаради, тонг қо-  
ронфилигида гавдали вазмин бир одамнинг ошиб  
тушганини кўрди (сакраб тушганда гурсиллаган овоз  
эшитилди). Тунда оқариб кўринган папоғидан Полов-  
цевни таниб олди. У пиджагини кифтига ташлаб печ-  
дан пиймаларини олди-да, қўрага чиқди. Половцев

отини эшикдан олиб кириб, дарвозани тамбалаган эди, Яков Лукич унинг қўлидан тизгинни олди. От яғринигача ҳўл бўлиб кетган, хириллаб гандираклар турар эди. Половцев алик олмай, шивирлаганича хириллаб сўради:

— Анови... Лятевский шу ердами?

— Ухлаяптилар. Бир бало бўлди унга... Ушандан бери зўр бериб ароқ ичадилар...

— Жин урсин! Аблаҳ... Отни ҳоритиб қўйдим шекилли...

Половцевнинг овози таниб бўлмас даражада мулоийим эди, Яков Лукич унинг товушидан зўр ташвиш тортаётгани ва ҳориб-чарчаганини сезди...

Половцев ҳужрасида этигини ечиб, хуржундан казакча лампасли кўж чолвор олиб кийди-да, ўзининг сербар бели йўрмалган жиққа ҳўл шимини қуритгани каравот тепасига осиб қўйди.

Эшик оғзида турган Яков Лукич бошлигининг имиллаб ҳаракат қилишини кузатарди: Половцев эса каравотга ўтириб тиззаларини қўли билан қучоқлади-да, яланг оёқларининг тагини иситганича бир дақиқа мудраб кетгандек қимирламай қолди. Афтидан, уни уйқу қисиб келаётгани кўриниб турар, аммо кўзларини йира-йирта очиб, маст уйқуда данг қотиб ётган Лятевскийга узоқ тикилиб турди-да, сўради:

— Кўпдан бери ичяптими?

— Уша кундан бери. Бош кўтармай ичгани ичган. Халойиқдан истиҳола қиляпман... Ҳар кун ароқ опкелишга тўғри келади... Гумонсираб қолишлари мумкин.

— Аблаҳ!— деди тишини тишига босиб, камоли нафрат билан Половцев. Сочларига оқ оралаган катта калласини чайқади-ю, яна мудраб кетди.

Аммо бир неча минутдан сўнг босиб келган мудроқдан сесканиб уйғониб кетди-да, каравотдан оёгини тушириб кўзларини очди.

— Уч суткадан бери ухлаганим йўқ... Сойлар тошяпти. Гремячий сойдан сузиб ўтдим.

Ётиб дам олсангиз бўларди, Александр Анисимич.

— Ётаман. Тамакингдан бер-чи, меники ҳўл бўлиб кетибди.

Тамакини икки марта сўриб тортгандан сўнг По-

ловцевга жон кирди. Кўзидан уйқу кетиб, овози қатъийлашди.

— Хўш, бу ерда ишлар қалай?

Яков Лукич қисқагина гапириб берди, кейин:

— Узингининг муваффақиятларингиз-чи? Яқин қолдими?— деб сўради.

— Яқин кунларда бошласак бошлаганимиз, йўқса мутлақо бошламаймиз. Эртага кечаси сен билан Войсковойга борамиз. Одамларни ўша ердан оёқлантйриш керак. Станцияга яқинроқ. Ҳозир у ерда агитколлонна бор. Ўшандан бошлаб кўрамиз. Бу сафар менга керак бўласан. Сени у ердаги казаклар танишади, сўзинг уларга далда беради.— Половцев индамай қолди, тиззасига чиқиб олган қора мушукни катта кафти билан узоқ ва мулојимлик билан силади, сўнг шивирлаб гапира бошлади, унинг овози ўзига хос бўлмаган самимий ва юмшоқ эди:— Пиш, пиш, мушукжон! Қоралигингни қара. Мушукни яхши кўраман, Лукич! От билан мушук — энг покиза махлуқ... Менинг уйда сибиъ зотидан каттакон бароқ мушугим бор эди... Ҳамиша мен билан ётарди... Жуни ҳам...— Половцев ўйчанлик билан кўзини қисиб жилмайди-да, бармоқларини қимирлатди,— оқ чипор бурул эди. Аж-жо-йиб мушук эди! Сен мушукни яхши кўрмайсанми, Лукич? Аммо итни ёмон кўраман, жиним ёқтирмайди! Биласанми, болалигимда шундай бир воқеа бўлган эди, тахминан саккиз ёшларимда бўлса керак. Бизнинг кучукчамиз бор эди, бир кун мен у билан ўйнашаётиб бирон жойини оғритиб қўйдим шекилли, у менинг бармоғимни ғарчча тишлаб, қонатиб юборди. Менга алам қилиб кетиб, хивич олдим уни савай бошладим. У қочади, мен етиб бориб зўр бериб савайман... мазза қилиб савалайман! У омборга уриб қолади, мен кетидан югураман, у зина тагига кириб кетади, мен бўлсам уни ўша ердан ҳам тортиб олиб урганим урган. Шунақанги калтаклабманки, зўридан сийиб юборди, акиллаёлмай хириллаб, ҳиқиллаб қолди. Шундан кейин мен уни қўлимга олдим...— Половцев хижолат бўлгандек, оғзининг бир чети билан гуноҳкор кишидек илжайди.— Қўлимга олдим у ачинганимдан юрагим эзилиб, ўкириб йиғлаб юбордим! Томирларим тор-

тишиб, чангак бўлиб қолдим... Онам югуриб келса, мен арава турадиган бостирма олдида кучук билан ёнма-ён оёғимни типирчилатиб ётибман... Ушандан бери итларни жиним ёқтирмайди. Аммо мушукларни ўлгудек яхши кўраман. Гўдак болаларни ҳам. Жуда яхши кўраман, ҳатто юракларим ачишиб кетади. Болаларнинг йиғисига тоқат қилолмайман, кўнглим остин-устун бўлиб кетади... Сен мушукларни яхши кўрасанми, чол, ё яхши кўрмайсанми?

Герман урушидаёқ казакларга шафқатсиз муомаласи билан ном чиқарган бу эски қари офицернинг, ўз бошлигининг, бундай оддий инсоний туйғуларни баён қилганидан, унинг ғайри оддий гапларидан ғоят ҳайратланган Яков Лукич бошини чайқаб қўйди. Половцев сукутга кетди, унинг юзи жиддийлашди, сўнгра қуруққина қилиб дангал сўради:

— Почта келганига қанча бўлди?

— Ҳозир сув тошган, сойлар тўлиб-тошиб кетган, йўл йўқ. Бир ярим ҳафтадан бери почта келмайди.

— Хутордагилар Сталиннинг мақоласи ҳақида ҳеч нарса эшитганлари йўқми?

— Қандай мақола?

— Газеталарда унинг колхозлар ҳақидаги мақоласи босилган эди.

— Йўқ, эшитганимиз йўқ. Афтидан, ўша газеталар бизга етиб келмаганга ўхшайди. Унда нима дейилган экан Александр Анисимич?

— Шунчаки бекорчи гаплар... Бунинг сенга қизиғи йўқ. Бор, чиқиб ёт. Отни уч соатчадан кейин суғорарсан. Эртага кечаси колхознинг отларидан иккитасини олиб, қош қорайиши билан Войсковойга жўнаймиз. Сен яйдоқ миниб жўнайсан, ораси яқин.

Эрталаб Половцев ланж бўлиб турган Лятевский билан узоқ гаплашди. Гаплашиб бўлишгач, Лятевский ошхонага ранги оқарган, аччиқланган ҳолда чиқди.

— Бош оғриғига ичиб оласизми?— меҳрибонлик билан сўради Яков Лукич, аммо Лятевский унинг боши оша қаёққадир тикилиб, лўнда қилиб:

— Энди ҳеч нарсанинг кераги йўқ,— деди-да, ҳужрага кириб каравотга мук тушиб ётди.



Кечаси колхоз отхонасида, Яков Лукич «Донни озод қилиш союзи»га жалб этганлардан бири — Иван Батальшчиков навбатчилик қилмоқда эди. Аммо Яков Лукич унга қаёққа, қандай иш билан кетаётганларини айтмади. «Ўзимизнинг ишимиз билан яқин орага бориб келишимиз керак»,— деб жавоб бериб қўя қолди Батальшчиковнинг саволига. Униси ҳам иккиланиб турмасдан бир жуфт энг яхши отни ечиб берди. Яков Лукич уларни орқаворат хирмон қилинадиган бостирма орқасидан олиб ўтиб чорбоққа боғлади-да, ўзи Половцевни чақиргани келди. Хужра эшигига яқинлашганда, Лятевскийнинг: «Ахир, бу бизнинг мағлубиятимиз деган гап-ку, тушунсангизчи!»— деб қичқираётганини эшитди. Унга жавобан Половцев йўғон овоз билан бир нима деб зарда қилди, бирон фалокатни сезаётгандек ташвишланган Яков Лукич эшикни секин тақиллатди.

Половцев эгарни олиб чиқди. Ташқарига чиқишди. Отларни ечишди. Елдириб кетишди. Хутордан чиққач, сойдан кечиб ўтишди. Йўл бўйи Половцев чурқ этмади, чекишни тақиқлаб, йўлдан эмас, эллик саженча четроқдан юришни буюрди.

Войсковойда уларни кутишаётган экан. Яков Лукичга таниш бўлган казакнинг уйида йигирматача казак ўтирарди. Кўпчилиги чоллар эди. Половцев ҳамма билан қўл бериб кўришди, сўнгра биттасини деразанинг олдига бошлаб бориб, беш минутча шивирлашиб гаплашди. Қолганлар эса индамай гоҳ Половцевга, гоҳ Яков Лукичга тикилар эдилар. Остона яқинида ўтирган Яков Лукич эса бегона, нотаниш казаклар ичида ётсираб, ўзини ўнғайсиз ҳис этарди...

Деразаларнинг ичкарасидан қалин шолчалар тутиб қўйилган, дераза қопқоқлари ёпиқ, қўрада уй эгасининг кўёви пойлоқчилик қилмоқда эди, аммо шунга қарамай, Половцев паст овоз билан гап бошлади:

— Хўш, жаноб казаклар, фурсат яқин қолди! Сизларнинг қуллик даврларингиз тугай деяпти, бош кўтариб чиқиш керак. Бизнинг жанговар ташкилотимиз шайланиб турибди. Индинга кечаси бошлаймиз. Сизларнинг Войсковойингизга ярим сотня сувори келади, биринчи ўқ овозини эшитишларингиз биланоқ югуриб

чиқиб ҳалиги... агитколонначиларни квартираларидан босиб олиб чиқасизлар. Биронтаси ҳам қочиб қутулмаслиги керак! Сизларнинг тўдаларингизга қўмондонлик қилишни подхорунжий Марьянга юклайман. Қоронғида ўзимизникиларни бегоналар билан адаштириб юбормаслик учун ҳужумга чиқишдан олдин пақларингизга оқ тасма тиқиб олишларингизни маслаҳат бераман. Ҳар бир кишида от, ўзида бор қурол — қиличми, винтовка ёки ов милтиғими — яна уч кунлик озиқ-овқат тахт бўлиши керак. Агитколонна билан ўз маҳаллий коммунистларингизни бартараф қилиб бўлганларингиздан кейин тўдангиз сизларга ёрдамга келадиган ярим сотняга қўшилади. Қўмондонлик ярим сотня командирига ўтади. Унинг буйруғига бўйсуниб, у бошлаган томонга қараб жўнайсизлар.— Половцев чуқур хўрсиниб, толстовкасининг белбоғидан чап қўлининг панжасини олди-да, қўлининг орқаси билан пешанасидаги терни артиб, баландроқ овоз билан давом этди:— Мен билан Гремячий Логдан ҳаммаларингизга маълум казак, менинг полкдошим, Яков Лукич Островнов келди. У гремячийликларнинг кўпчилиги биз билан бирга Донни коммунистлар асоратидан озод қилишдек улуғ мақсад сари боришга тайёр эканликларини тасдиқлайди. Гапир, Островнов!

Половцевнинг қаҳрли назари Яков Лукични табурутдан турғизиб юборди. Танаси зилдек бўлиб кетган, томоғи қуриган Яков Лукич чаққонгина ўрnidан турди, аммо гапиришга муваффақ бўлолмади: урушгача Войсковойдаги маҳалла черков мактабининг доимий мутасаддийси бўлган, черков кенгашининг аъзоси, мажлисда ҳозир бўлганлардан кексароқ бир казак ундан олдинроқ гапириб қолди. У Яков Лукич билан баробар ўрnidан туриб, унга оғиз ҳам очирмай, сўради:

— Хўш, жаноби олийлари, жаноб ясовул, сизлар анови гапни эшитганмидинглар... Бу ерда сизлар келгунингизгача орамизда бир маслаҳат бўлиб ўтган эди... Бу ерда аломат бир газета пайдо бўлиб қолди.

— Нима-нима-а? Нима деяпсан, бобо?— хирқираб сўради Половцев.

— Москвадан бир газета келди, дейман, унда бугун партия раисининг хати босилган экан...

— Секретарининг дегин!— деб луқма солди печь олдида турганлардан бири.

— Дарвоқе, бутун партиянинг секретари ўртоқ Сталиннинг хати босилган экан. Мана, ойнанинг иккинчи числосида чиққан ўша газета,— кексаларга хос овоз билан ошиқмай гапирарди чол, пиджагининг қўйин чўнтагидан пухта қилиб тўрт букланган газетани оларкан.— Сизлар келмасларингиздан сал бурунроқ ўзаро баланд овоз билан ўқиб чиқдик, хуллас... бу газета бизни сиздан ажратадиган бўлди! Биз ғаллакорларга янги турмуш йўли чиқиб қолди... Биз бу газета тўғрисидаги гапни кеча эшитган эдик, мен бугун эрталаб от миниб, кексалигимга қарамай, станицага бордим, йиғламоқдан бери бўлиб Левшова жаридан сузиб ўтдим, ҳар қалай ўтиб олдим. Станицадаги бир танишимга худони ўртага қўйиб илтижо қилдим-да, шу газетани сотиб олдим, ҳақини бердим. Ун беш сўм бердим! Кейин кўрсак, нархи ёзиб қўйилган экан — беш тийин! Хўш, пулимни кўпчиликдан ундириб беришади, ҳар бир қўрадан ярим тангадан, шундай тўхтамага келдик. Аммо газета шу пулга арзийди, ҳатто ундан қимматроқ бўлса ҳам ажаб эмас...

— Сен нималар деяпсан, бобо? Мен боғдан келсам, сен тоғдан келяпсан! Қариганда эсингни еб қўйдингми? Сенга бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси номидан гапиришга ким ваколат берди?— овози қалтираб қаҳр билан сўради Половцев.

Шундан сўнг япасқи бурунли, қизғиш мўйловли қирқ ёшлар чамасидаги пакана бир казак сўзлади; девор олдидаги тўпдан чиқди-да, унинг жиғига тегиб жаҳл билан гапирди:

— Сиз, собиқ офицер ўртоқ, бизнинг чолларимизга ўшқираверманг, уларга эски замонда роса ўшқиргансиз. Хўжайинлик қилдинглар — энди бас, ҳозир дағаллик қилмасдан гапириш керак. Совет ҳокимияти замонида бизга бундай муомалалар малол келадиган бўлиб қолган, тушундингизми? Чол ҳам тўғри айтди, ўзаро маслаҳатлашдик, «Правда» газетасида чиққан мақола муносабати билан қўзғолон кўтармасликка

аҳд қилдик. Сиз билан бизнинг йўлимиз икки томонга ажраладиган бўлди! Хуторимиздаги ҳукуматдорлар тентаклик қилиб қўйди, баъзиларни тентаклик билан зўрлаб колхозга киргизди, кўпгина ўртаҳолларни беҳуда кулакка чиқарди, бизнинг катталаримиз шу нарсани тушунишмадики, зўрлаш бўлса биттасини зўрлаш мумкин, бутун халққа бас келиб бўлмайди. Советимизнинг раиси мажлисда ўзига қарши бир оғиз сўз ҳам гапиртирмай бизни жиловлаб қўяёзган эди. Айилларимизни қаттиқ тортиб, нафас олдирмай қўйган эди, ваҳоланки, ишнинг кўзини билган одам қумда, машаққатли йўлдан кетаётганда отнинг қайишини бўшатиб қўйиб, аҳволини енгиллатишнинг пайидан бўлади... Биз бўлсак илгари, марказдан, сиқиб сувлари олинсин, деган буйруқ келгандир, деб ўйлардик; бу тарғибот коммунистларнинг Марказий Комитетидан тарқатилган бўлса керак, дердик бир-биримизга: «Шамол бўлмаса дарахтнинг боши қимирламайди» дердик. Шу сабабдан қўзғолон кўтармоқчи бўлиб, сизнинг «союз»ингизга кирган эдик, тушундингизми? Ҳозир энди Сталин халқни колхозга зўрлаб киргизган, черковларни сўрамасдан ёпиб қўйган бу маҳаллий коммунистларнинг роса таъзирини бериб, ишдан олиб ташляпти. Ғаллакорнинг кўкрагига шамол тегадиган бўлди, айили бўшатилды, хоҳласа колхозга киради, хоҳламаса якка хўжаликлигича қолаверади. Шундай қилиб, бир қарорга келдик, сиз билан яхшиликча орани очиқ қилиб қўймоқчи бўлдик. Лақмалик қилиб қўл қўйиб берган тилхатларимизни қайтариб берингу, бошингиз оққан томонга кетаверинг. Сизга ҳеч қандай зиён етказмаймиз, сабабки, ўзимиз ҳам оппоқ эмасмиз...

Половцев дераза томонга бориб орқаси билан кесакига суяниб қолди, у шу қадар оқариб кетган эдики, буни ҳамма кўрган эди, у ҳаммани кўздан кечириб қаҳрли кескин овоз билан сўради:

— Бу нима, казаклар? Хиёнатми?

— Нима десангиз деяверинг,— деб жавоб берди унга чоллардан бири,— нима деб атасангиз атайзеринг, биз ҳозир сиз кетаётган йўлдан боролмаймиз. Бизни каттаимизнинг ўзи ҳимоя қилаётган экан, четга

қочиб нима қиламиз? Мана мени сайлаш ҳуқуқидан ноўрин маҳрум қилиб, бадарға қилмоқчи бўлишди, ваҳоланки, менинг ўғлим Қизил Армияда, демак, мен ўзимнинг сайлаш ҳуқуқимни қайтариб оламан. Биз Совет ҳокимиятига қарши эмасмиз, хуторимиздаги тартибсизликларга қаршимиз, сиз бўлсангиз бизни Совет ҳокимиятига қарши қайрамоқчи эдингиз. Йўқ, бундай қилишимиз ярамайди! Яхшиликча сўраган эканмиз, тилхатларимизни қайтариб беринг.

Яна бир кекса казак ошиқмасдан чап қўли билан жингалак соқолини силаб туриб гапирди:

— Биз хато қилиб қўйдик, ўртоқ Половцев... Худо ҳозир, хато қилиб қўйдик! Биз сизга эргашиб чакки қилибмиз. Хўш, кўра-кўра пишар эканмиз, бундан бу ёғига оёғимизни билиб босадиган бўламиз... Ўтган гал тоғ-тоғ олтинлар ваъда қилганингизда ҳайрон қолган эдик: ваъдаларингиз ниҳоятда оғир эди! Сиз қўзғолон бўлиб қолса иттифоқчиларимиз бир лаҳзада қурол-яроғ билан ҳарбий ашё-анжон етказиб келади, биз коммунистларни отишдан бошқа иш қилмаймиз, деган эдингиз. Кейин мулоҳаза қилиб кўрдик, бу нима деган гап? Қурол яроғни-ку олиб келишади, бу арзон матах, аммо еримизга уларнинг ўзи ҳам ёпирилиб келади-ку? Епирилиб келгандан кейин уларни кетказолмай хуноб бўлармиз! Уларни ҳам яроғ билан рус еридан ҳайдашга тўғри келиб қоларди. Коммунистлар-ку ўзимизнинг зотимиздан, чунончи, ўз юртдошларимиз, улар бўлса алланимабало тилда гапиришишади, ҳам-малари кеккайиб юришади, нон десанг, кесак гириллатади, қўлига тушиб қолгудай бўлсанг, таъзирингни беради! Мен йигирманчи йилда чет элда бўлганман. Галиполида французларнинг тузини тотиб кўрганман. У ёқдан қочиб келишга зор бўлганман! Уларнинг но-ни татимайди! Мен кўпдан-кўп миллатларни кўрдим, аммо айтишим керакки, рус халқидан раҳмдилроғи, кўнгли юмшоқроғи йўқ. Константинополь билан Афинада портларда ишладим, инглизлар билан французларни кўриб тўйдим. Олифта кийинган газанда ёнимдан ўтиб қолса бурнини жийиради. Негаки, менинг соқолим олинмаган, тер ҳиди анқиб, кир-яғир бўлиб кетганман, у киши менга қарасалар ўхчигилари кела-

ди. У кишининг худди офицер биясига ўхшаб думларининг тагларигача қашлаб ювилган, шу билан ғурурланиб биздан ҳазар қиладилар. Уларнинг матрослари қовоқхоналарда бизларга тегажаклик қилиб, сал бир гап бўлиб қолгудек бўлса бокс билан уругвчи эди.

Аmmo бизнинг донликлар билан кубанликлар бегона юртларга кўникиб олгандан кейин уларнинг жигларини эза бошлашди!— Қазақ жилмайди, соқоллари орасидан тишлари пўлатдек йилтираб кетди.— Бизнинг забардастимиз биронта англизни русчасига тушириб қолса у чалқанчасига ағдарилиб тушади-ю, бошини чангаллаганича инқиллаб ётади. Улар руснинг муштини кўтаришолмайди, овқатни кўп ейишса ҳам ҳаммалари нимжон. Биз у иттифоқчиларнинг мирдан-сиригача биламиз! Йўқ, биз ўз ҳокимиятимиз билан ўзимиз бир амаллаб ярашиб оламиз, ташқарига овоза қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ... Тилхатларимизни яхшиликча қайтариб бераверинг!

«Ҳозир деразадан ташлаб қочса, мен худди қирғоқдаги қисқичбақадек қолиб кетаман! Хўп дардисарни орттирдим-да!.. Эҳ, онажоним, мени ёмон кунда туққан экансан! Лаънатига эргашиб нима қилардим! Шайтон йўлдан оздирди!» деб ўйларди Яков Лукич!, Половцевдан кўз узмай, скамейкада ижирганиб ўтираркан. Половцев эса дераза олдида хотиржам турар, энди унинг оқарган юзлари қаҳр ва ғазабдан кўкариб кетган эди. Пешанасидаги иккита кўндаланг йўғон томир бўртиб чиққан, қўллари яккаш дераза рафини чангаллар эди.

— Хўп, майли, жаноб казаклар, ихтиёрларингиз: бизлар билан боришни истамас экансизлар, ялиниб-ёлвормаймиз. Тилхатларингизни қайтариб беролмайман, улар ёнимда эмас, штабда. Хавотир ҳам олмай қўя қолинглар. Мен сизларни ГПУ га бориб чақармидим...

— Шундайку-я,— деб унинг фикрига қўшилди чоллардан бири.

— ...Сизлар ГПУдан эмас,— шу вақтгача бамайлихотир секин гапириб турган Половцев бирдан овози борича бақариб юборди.— биздан қўрқишларингиз керак! Биз сизларни хонин сифатида отиб ташлаймиз!..

Қани, йўл бўшатларинг! Пўшт! Четга чиқларинг!..—  
Наганини суғуриб олиб ўқталганча эшик томонга қараб юра бошлади.

Казаклар ҳанг-манг бўлиб йўл беришди. Яков Лукич эса Половцевдан олдинроқ бориб эшикни кифти билан очди-да, худди сопқондан отилган тошдек даҳлизга отилиб чиқди.

Улар қоронғида отларини ечиб олиб йўрттирганларича ҳовлидан чиқиб кетишди. Уйдан ҳаяжонли гала-говур эшитилиб турарди, ҳеч ким чиқмади, казаклардан биронтаси ҳам уларни тутиб қолишга ҳаракат қилмади...

Гремячий Логга қайтиб келиб Яков Лукич тез чопганларидан оқ кўпикка тушиб кетган отларни колхоз отхонасига қўйиб келгач, Половцев уни ҳужрасига чақирди. У калта пўстинини ҳам, папоғини ҳам ечмаган, кириб келиши биланоқ Лятевскийга отланишни буюрган эди, келишларидан олдин отлиқ чопар ташлаб кетган хатни ўқиб, печкага ташлади-да, лаш-лушларини хуржунга жойлай бошлади. Яков Лукич ҳужрага кирганда у столда ўтирган эди. Лятевский кўзларини чақнатиб, маузерини тозаламоқда, милтиқ мойи билан ёғланган мурватларини аниқ, кескин ҳаракатлар билан йиғмоқда эди, эшикнинг гижирлаганини эшитган Половцев эса кафтини бошидан олиб Яков Лукичга қаради. Яков Лукич биринчи марта ясовулнинг чуқур тушиб қизариб кетган кўзларидан тирқираб ёш оқаётганини, ёшдан ҳўл бўлган энли қаншарининг йилтираётганини кўрди...

— Шунинг учун йиғлаяпманки, ишимиз ўнгидан келмади... бу галча...— деди янгроқ овоз билан Половцев ва шахдам ҳаракат билан бошидан оқ барра папағини олиб, кўзини артди.— Донда чинакам казаклар камайиб, аблахлар, сотқинлар билан ёвузлар кўпайиб кетди... Биз ҳозир жўнаб кетамиз. Лукич, аммо қайтиб келамиз. Мана, пакет олдим... Тубянской билан менинг станицамдаги казаклар ҳам қўзғолон кўтаришдан бош тортишибди. Сталин мақоласи билан уларни ўз томонига оғдириб олди. Қани мен энди ҳозир ўша-

ни... худди ўшанинг ўзини...— Половцевнинг томоғига ғарғара келди, ёноқлари, устидаги салқи қовоқлари лип-лип уча бошлади, каттакон қўлларининг чангак бўлиб қолган бармоқларини қисаркан, бўғинларигача оқариб кетди. Хирқираб чуқур нафас олди-ю, аста-секин кафтини ёзиб, оғзининг бир чети билан илжайди.— Қ-қ-қандай одамлар-а! Аблаҳлар!.. Худонинг қаҳрига учраган аҳмоқлар!.. Улар тушунишмайдики, бу мақола — фирибгарлик ва макр-ҳийла! Лаққа ишониб ўтиришибди... ёш болалардек. Эҳ, ярамас махлуқлар! Бу аҳмоқларни қармоққа тушган лаққа балиқдек алдаб, нафаси чиқмай қолмасин деган ўй билан айилларини бўшатиброқ қўйса, булар чиппа-чин ишониб ўтиришибди. Биз кетяпмиз, Яков Лукич. Туз-намагинг, ҳамма ишларинг учун худо ёрлақасин. Мендан сенга топшириқ, колхоздан чиқма, уларга қай йўл билан бўлса ҳам зиён етказ. Бизнинг «союз»имизда бўлганларга менинг номимдан қаттиқ тайинла; биз ҳозирча чекиняпмиз. Аммо енгилган эмасмиз. Биз ҳали қайтиб келамиз, ана ўшанда, биздан ўзини олиб қочганлар, биз билан... Донни халқаро жуҳудлар ҳокимиятидан халос қилишдек... улуғ ишга хиёнат қилганлар омон қолмайди! Казак қиличи билан қонли қасос оламиз, уларга худди шундай дейсан!

— Шундай дейман,— деб шивирлади Яков Лукич.

Половцевнинг сўзи билан кўз ёшлари бағрини эзиб юборган бўлса-да, аммо ичида хавфли меҳмонлардан қутулаётганидан, бу ишларнинг ҳаммаси яхшилик билан тугаётганидан, бундан буён мол-мулки, жони омон қолишидан жуда севинарди.

— Шундай дейман,— деб такрорлади у ва ботиниб сўради!— Сизлар қаёққа кетяпсизлар, Александр Анисимич?

— Бунинг сенга нима ҳожати бор?— сергакланиб сўради Половцев.

— Ҳар эҳтимолга қарши, керак бўлиб қолсангиз ёки сизни биронта одам йўқлаб келиб қолса дейманда.

Половцев бошини чайқаб ўрнидан турди.

— Йўқ, мен буни сенга айтолмайман. Мени уч ҳафтачадан кейин кут. Хайр!— деб унга совуқ қўлини узатди.



Огини ўзи эгарлаб, жазлиқни ҳафсала билан текислади, айилни тортиб боғлади. Лятевский қўрада Яков Лукич билан хайрлашиб, унинг қўлига иккита қоғоз гутқазди.

— Яёв кетасизми?— сўради ундан Яков Лукич.

— Ҳовлингдан чиқиб олгунимча, кўчада хусусий автомобилим кутиб турибди,— ҳазиллашди сирини бой бермай подпоручик, Половцев эгарга мингач узанги қайишини ушлаб гапирди:— Хўп, князь, душман устига от сол, мен пиёда бўлса ҳам етиб оларман!

Яков Лукич меҳмонларни эшиккача кузатиб ниҳоятда енгил тортиб кетди, эшикни тамбалаб чўқиндида, Лятевский берган пулни чўнтагидан олиб, неча пул экан, деганча тонг қоронғисида роса тикилди, қалбаки эмасмикан деб қўли билан пайпаслаганча шалдиратиб кўрди.

## XXVIII БОБ

20 март куни эрталаб почтальон тошқин бўлгани учун Сталиннинг «Ютуқлардан эсанкираш» сарлавҳали мақоласи босилган газеталарни кечиктириб олиб келди. «Молот» газетасининг уч нусхаси куни билан ҳамма қўраларни айланиб чиқиб, кечқурунга борганда мой босиб бурда-бурда бўлиб кетди. Гремячий Лог бунёд бўлгандан бери газета ўз атрофига шу кундагичалик кўп газетхон тўпланган эмас эди. Уйларда, тор кўчаларда, том орқаларида, омборларнинг олдида тўп-тўп бўлиб ўқишар эди... Бир киши баланд овоз билан ўқир, қолганлари яна биронта сўз эшитилмай қолмасин, деб сукут сақлаб тинглашар эди. Мақола ҳақида ҳамма ерда қизғин баҳслар бошланди. Ҳар ким унга ўзича маъно бериб, кўпинча, ўзи истаганича тушунарди. Нагульнов ёки Давидов пайдо бўлиши билан нима учундир газетани бир-бирларига узатиб юборишар, у ҳам қўлма-қўл ўтиб оппоқ қушдек бирон кишининг кенг-ковул чўнтагига тушиб ғойиб бўлар эди.

Терисига сиғмай кетган Банник:

— Ҳа, энди колхозлар бамисоли чириган кийимдай чок-чокидан кетади!— деб ўз тахминини айтди.

Демак Ушаков унга эътироз билдириб:

— Тезаклар оқиб кетиб, салмоғи бори қолади,— деди.

— Яна, аксинча, худди шунинг тескараси бўлиб чиқмасин,— истехзо қилди Банник ва бошқа жойга бориб, ишончлироқ кишиларга: «Бўш келма, крепостнойларга озодлик тегиб қолганда фурсатдан фойдаланиб, колхоздан чиқиб ол!» — деб шипшиш учун жўнаб қолди.

— Ўртаҳол оёғини кериб турибди! Бир оёғи колхозда-ю, бир оёғини кўтарганича ҳозирнинг ўзидаёқ колхоздан ўз хўжалигига ҳатлаб ўтиш пайида,— дерди Павло Любишкин Айирбошчига, қизишиб гаплашиб турган ўртаҳол колхозчиларни кўрсатиб.

Гапнинг тагига тушуниб етмаган аёллар хотинлигига бориб, бичиб-тўқий бошладилар. Хуторда мишмишлар тарқалди:

— Колхозлар тарқатиб юборилармиш!

— Москвадан, сигирлар қайтарилсин, деб буйруқ берилибди.

— Қулақларни қайтариб олиб келиб колхозларга ёзишаётганмиш.

— Ҳақсиз қилинганларни ҳақли қилишаётганмиш.

— Тубянскойдаги церковни очишаётганмиш, у ердаги уруғлик бугдойни колхозчиларга тамадди учун улашишаётганмиш.

Зўр воқеалар яқинлашиб келмоқда эди. Буни ҳамма сезиб турарди. Кечқурун партиякейнинг ёпиқ мажлисида Давидов асабийлашиб сўзларди:

— Ўртоқ Сталиннинг мақоласи айни вақтида ёзилган. Чунончи у, Макарни қошига эмас, нақ кўзига келиб тегди! Макари ютуқлардан эсанкираб қолган эди, шу билан бирга, биз ҳам бир оз эсанкирадик... Қани, ўртоқлар, таклифларингизни айтинглар, нималарни тузатишимиз керак? Хўш, паррандаларни-ку эгаларига айни ўз вақтида қайтардик, яхши ҳамки вақтида эсимизга келгани, энди қўйларни нима қилсак экан, сигирларни-чи? Буларни нима қиламиз, бу тўғрида нима дейсизлар? Буни сиёсий нуқтаи назар-

дан амалга оширмасак, бу нарса... факт... бу нарса: «Эсинг борида қочиб қол!», «Қолхоздан қочавер!» деган сигналнинг дидини бериб қолиши мумкин. Қочишга тушиб, молларни ҳам ола кетишса, синиқ жомашов билан қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас!

Мажлисга ҳаммадан кейин келган Нагульнов ўрнидан туриб ёшланган, қон қуйилган кўзларини Давидовга тикканича гапира бошлади, шунда Давидов Макардан гупиллаб сассиқ ароқ ҳиди келаётганини сезди.

— Бу мақола сенинг қошингга эмас, кўзингга келиб тегди, дейсанми? Йўқ, кўзимга эмас, худди юрагимга келиб тегди. У ёғидан кириб бу ёғидан тешиб ўтиб кетди! Қолхоз тузаётганимизда эмас, мана ҳозир шу мақоладан кейин эсанкираб қолдим...

— Бир шиша ароқдан кейин эсанкираб қолибсанда,— деб оҳиста гап қистирди Ванюшка Найде-нов.

Размётнов илжайиб, хайрихоҳлик билан кўз қисиб қўйди. Давидов столга энгашди, Макар эса оқариб кетган бурун катаklarини керди, унинг хира босган кўзларида газаб чақнади:

— Сен тирранча, менга таълиму танбеҳ беришга ёшлик қиласан! Мен совет ҳокимияти учун жонбозлик қилиб юрганымда, партияга кирган вақтимда сенинг ҳали киндигинг ҳам тушмаган эди... Ҳа, шунақа! Бугун ичганлигим — Давидовнинг таъбири билан айтилса — факт! Бир шиша эмас, икки шиша ичдим!

— Шу билан мақтаняпсанми ҳали! Оғзингдан мазасиз-матрасиз гаплар чиқаётганидан айтувдим-а... — қовоғи солинганича гап қотди Размётнов.

Макар унга кўз қири билан қараб қўйди-ю, секинроқ гапира бошлади ва қўлини бемаъни силкитаверишдан тўхтаб, уни кўкрагига маҳкам босди-да, қизгин, пойма-пой нутқининг охиригача қўлини кўксидан олмади.

— Оғзимдан мазасиз-матрасиз гап чиқаётгани йўқ, бекор айтибсан, Андрюшка! Мен шу сабабдан ичдимки, ўртоқ Сталиннинг бу мақоласи менинг юрагимни бамисоли ўқдай тешиб ўтди, қоним қайнаб кетди... — Макарининг овози қалтираб кетди, яна ҳам се-

кинлашди.— Бу ерда ячейка секретари мен бўламан-а, шундайми? Халқ билан сизларга, гозу товукларни ҳам колхозга йиғайлик, деб тиқилинч қилган ҳам мен эдим-а, шундайми? Мен колхозга қандай ташвиқот қилган эдим? Мана бундай ташвиқот қилган эдим: биздаги ярамаслардан баъзиларининг — улар ўртаҳол ҳисобида бўлсалар ҳамки — юзларига шартга: «Колхозга кирмайсанми? Совет ҳокимиятига қарши экансан-да бўлмаса? Ун тўққизинчи йилда биз билан урушиб, қаршилиқ қилган эдинг, ҳозир ҳам қаршимисан? Ундай бўлса, мендан яхшилиқ кутмай қўя қол. Мен сен газандани шундай боплайки, ийғинг ўйнаб кетсин!» деган эдим. Шундай деганмидим? Деган эдим! Ҳатто наганим билан столни ҳам урганман. Буни инкор қилмайман! Рост, ҳаммага эмасу, кўнглида бизга хусумати зўр бўлганларга айтганман. Шунисини ҳам айтайки, мен ҳозир маст эмасман, бемаъни гапни қўйинглар, барака топкурлар! Мен бу мақолага тоқат қилолмадим, олти ойдан бери ичмаган эдим, шу мақола туфайли ичиб юбордим. Бу қандай мақола эканлигини биласизларми? Бу шундай мақолаки, уни ўртоқ Сталинимиз ёзган, мен, яъни Макар Нагульнов эса, шалоп этиб қулаганимча ер тишлаб, лойга қорилиб ётибман... Бу қандай бўлди? Ўртоқлар! Ахир мен, товуклар билан майда моллар масаласида сўллик қилдим, деб турибман-ку... Лекин оғайнилар, нима сабабдан сўлга оққан эдим? Нима учун бўйнимга Троцкийни ортяпсизлар, мени у билан қўшоқлаяпсизлар, мен у билан қўш ҳўкизманми? Сен, Давидов, мени яккаш сўл троцкийчисан, деб кўз очирмай келдинг. Мен, Троцкий биладиган илмларни билмайман, мен унга ўхшаб... Мен партияга унга ўхшаб илмдон писмиқлардай илашиб олганим йўқ, балки юрагим билан, партия учун тўккан қоним билан пайвандланганман!

— Сен масаладан четга чиқма, Макар! Ҳар бир дақиқа ғанимат бўлган шундай бир пайтда гапни кўпайтириб нима қиласан? Вақт зиқ. Таклифларингни айт, умумий хатоларимизни қандай тузатамиз, нега энди сен, Троцкийга ўхшаб, нуқул: «Мен партияда, мен билан партия...» дейсан...

— Оғзимга урма!— деб қичқирди Макар тутаяиб

ва ўнг қўлини кўкрагига яна ҳам қаттиқроқ босиб.— Троцкийнинг билан нима ишим бор! Мен ҳозир у билан таққосланишдан ор қиламан! Мен хоин эмасман, сизларни ҳам огоҳлантириб қўяй, кимки мени троцкийчи дейдиган бўлса, тумшугига соламан. Уласи қилиб ураман. Мен товуқлар масаласида сўлга оққан бўлсам, буни Троцкий учун эмас, жаҳон революциясига тезроқ етиш учун қилдим! Шу сабабдан ҳамма ишни тезроқ қилгим, хусусий мулкчи майда буржуйни қаттиқроқ қистибасга олгим келган эди. Ишқилиб, жаҳон капитализмасининг абжағини чиқаришга яна бир қадам яқин қолади-ку, деган эдим! Хўш? Нега индамайсизлар? Энди бу ёғига ўтайлик: ўртоқ Сталиннинг мақоласига қараганда, мен кимман? Мақоланинг ичида шундай деб ёзилган жойи бор,— Макар калта пўстинининг чўнтагидан «Правда»ни олди-да, очиб секин ўқий бошлади. «Бу қинғайишлар, колхоз ҳаракатини бу хилда чиновникларча декрет чиқаришдан иборат қилиб қўйиш, деҳқонларга нисбатан бундай нолайиқ дўқларнинг кимга кераги бор? Душманларимиздан бошқа ҳеч кимга! Бу қинғайишлар нимага олиб бориши мумкин? Душманларимизнинг кучайишига ва колхоз ҳаракати идеяларининг обрўсини туширишга олиб бориши мумкин. Ўзларини «сўллар» деб ҳисоблайдиган бу қинғайишларнинг авторлари, амалда ўнг оппортунизм тегирмонига сув қуяётганликлари равшан эмасми?» Мана, бундан маълум бўладики, мен ашаддий декретпараст чиновник ва автор эканман, колхозчиларнинг орасига ола солибман, ўнг оппортунистларнинг тегирмонига сув қуйиб юргизиб юборибман. Буларнинг ҳаммаси аллақаяёқдаги қирғин келгур қўю-товуқлар туфайли бўпти! Яна, колхозга зўр билан кирган бир неча собиқ оқларга пўписа қилганим туфайли бўпти. Нотўғри бу! Колхозни шунча машаққат билан туздик, мақола бўлса кейинга қайтаряпти. Мен полякларнинг устига ҳам, Врангелнинг устига ҳам эскадрон бошлаб борганман, биламан, модомики атакага чиқдингми — ярим йўлдан орқангга қайтма.

— Сен ўзинг эскадрондан илгарилаб, роса юз чақирим олислаб кетдинг-ку...— деди қовоғи солинганича, сўнгги вақтларда Давидовни қаттиқ қўллаб-қўл-

тиқлаётган Размётнов.— Сен гапингни тамом қил энди, Макар, амалий таклифга ўтиш керак! Сени Марказий Комитетнинг секретари қилиб сайлашса ўшанда ўйламасдан атакага кирарсан, ҳозир эса сен оддий жангчисан, сафни бузма! Бўлмаса жиловингни тортиб қўямиз!

— Сен гапимни бўлма, Андрей! Мен партиянинг ҳар қандай буйруғига итоат қиламан, ҳозир бўлса, жонажон партиямга қаршилиқ қилгим келганидан эмас, унга яхшилиқ тилаганимдан гапирмоқчиман! Ўртоқ Сталин, маҳаллий шароитни ҳисобга олиб ишлаш керак, деб ёзган-а, шундайми? Нега бўлмаса, сен Давидов, мақола худди сенинг кўзингга келиб тегди, дейсан? Унда очикдан-очиқ, Макар Нагульнов автор ва чиновник, деган жойи йўқ-ку? Балки, бу сўзларнинг менга мутлақо дахли йўқдир? Мабодо, ўртоқ Сталин Гремячий Логга келиб қолса, мен унга шундай дердим: «Бизнинг қимматли Осип Виссарионич! Сен бизнинг ўртақолларга пўпнса қилиб қўйилишига қарши экансан-да? Сен уларга раҳм қилиб, уларнинг бошини силаш билан унатмоқчи экансан-да? Борди-ю, ўша ўртақол ўтмишда оқ казаклардан бўлган бўлса, ҳозиргача ҳам хусусий мулкка ўлгудек ҳирс қўйган бўлса, мен унинг колхозга кириши, жаҳон революциясини аста-секин яқинлашуви учун қаерини ялашим керак? Ахир, бу ўртақол колхозга кирганида ҳамки хусусий мулкнинг баҳридан ўтолмай, ўз молини дурустроқ боқишнинг пайдани бўлади, ҳа, у шунақа!» Хўп, борди-ю, ўртоқ Сталин бу халқни кўрганидан кейин ҳам, сен қинғайишлар қилдинг, колхозчиларнинг орасига ола солдинг, деб туриб оладиган бўлса, у тақдирда мен унга тўппа-тўғри шундай дердим: «Энди уларнинг бошини шайтон қовуштира қолсин, ўртоқ Сталин, фронтма-фронт юриб, соғлигимни йўқотганлигим учун ортиқ қодир эмасман. Рухсат беринглар, Хитой чегарасига кетай, у ерда мен партияга кўпроқ керак бўламан. Гремячий Логни эса Андриюшка Размётнов коллективлаштираверсин. Унинг умуртқаси ҳам заифроқ, собиқ оқларга таъзим қилишни жуда ўрнига қўя олади, кўз ёшини ҳам тўкаверди... Ҳа, бунга ҳам моҳир!»

— Сен менинг жиғимга тегаверма, тегишни мен ҳам биламан...

— Қани, бўлди! Бугунча бас!— Давидов ўрнидан туриб Макарга яқин келди-да, ўзига хос бўлмаган овоз билан совуққина сўради:—Сталиннинг хати, ўртоқ Нагульнов, Марказий Комитетнинг йўли. Нима, сен хатга қўшилмайсанми?

— Йўқ.

— Бўлмаса хатоларингни бўйнингга оласанми? Масалан, мен ўз хатоларимни бўйнимга оламан. Фактга қарши чиқолмайсан, баъзи нарсалардан баландроқ сакролмайсан. Биз майда моллар билан бузоқларни умумлаштиришгача ўтиб, ҳаддан ошириб юборганимизга иқрор бўлибгина қолмай, бу хатоларни тузатаман ҳам. Биз коллективлаштириш процентини ошириш пайдан бўлдик, бунда райкомнинг ҳам айби бор, албатта, колхозни амалий мустаҳкамлаш бобида кам иш қилдик. Сен шунга иқрормисан, ўртоқ Нагульнов?

— Иқрорман.

— Энди нима демоқчисан бўлмаса?

— Мақола нотўғри.

Давидов бир нафас столдаги кир клеёнкани кафти билан сийпаб турди, равон ёниб турган чироқ пилигини бекордан-бекорга бураб кўрди, афтидан, ўзини босмоқчи эди-ю, босолмади.

— Ҳей, бекфаросат тентак! Шу сўзларингни бошқа жойда айтганингда партиядан ҳайдаб юборишарди! Ҳа, факт! Нима, сен эсингни едингми? Ҳозир дарҳол бу... бу оппозициянгдан кечсанг кечганинг, бўлмаса биз сени... факт! Биз сенинг шунча гапларингга роса йўл қўйиб бердик, агар бу гапларингни ростакамига айтаётган бўлсанг, марҳамат! Биз сенинг партия йўлига қарши чиқаётганингни райкомга расмий равишда хабар қиламиз.

— Хабар қилавер. Мен райкомга ўзим айтаман. Банник учун ҳам, ҳаммаси учун бир йўла жавоб бераман...

Макарнинг бўғиқ овозига қулоқ солиб туриб Давидов жим бўлиб қолди, аммо ҳануз жаҳлидан тушмай кифтини қисиб:

— Биласанми, Макар? Ҳозир бориб тўйиб ухла, кейин сен билан жиддий гаплашамиз. Бўлмаса икковимиз ҳам худди оқ новвос ҳақидаги чўпчакдаги ҳолга тушяпмиз: «Сен билан кетаётган эдикми?» — «Кетаётган эдик». «Пўстин топиб олдикми?» — «Топиб олдик». «Хўп бўлмаса, пўстинни бамаслаҳат бўлиб олайлик». — «Қандай пўстинни?» — «Ахир, биз сен билан бирга кетаётган эдикми?» — «Кетаётган эдик...» Бунинг поёнига ҳеч етиб бўлмайди. Дам, хатоларимга иқрор бўламан, дейсан, кетидан дарров, мақола нотўғри, деб қоласан. Мақолани нотўғри дейдиган бўлсанг, қайси хатоларингга иқрор бўласан? Калавангнинг учини йўқотиб қўйибсан, факт! Қолаверса, бизда қачондан бери ячейка секретарлари ячейка мажлисларига ичиб келадиган бўлган? Бу нима деган гап, Нагульнов? Бу — партия ходимига ярашмаган туноҳ! Ўзинг эски партия аъзосисан, қизил партизансан, Қизил Байроқ орденинг бору, қўққисдан шу гапни гапириб ўтирсанг-а... Мана Найденов — комсомол аъзоси, у сенинг тўғринда нима деб ўйлаши мумкин? Ундан ташқари, сенинг шундай масъулиятли дақиқада ичиб юрганнинг, қўлингга қуроли билан ўртаҳолларга дўқ қилибгина қолмасдан, ўз қинғайишларингга нисбатан большевикча муносабатда бўлмай, ҳатто партиянинг йўлига қарши чиқаётганинг район контроль комиссиясидагиларнинг қулоғига етиб қолса борми, Нагульнов, бошингга оғир ташвишлар тушади! Ячейка секретарлиги тугул, партия аъзолигида ҳам қолмайсан, шуни билиб қўй! Мен сенга гапнинг сирасини айтяпман. — Давидов сочларини гижимлаб, Макарниг нозик жойига текканини билиб жим қолди; сўнг давом эттирди: — Мақола устида мунозара уюштириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Партияни ўз йўлигга буролмайсан, у сендан зўрроқларнинг ҳам шохини қайириб бўйсундирган. Буни нега ҳеч тушунмайсан!

— У билан эракишиб нима қиласан! Бир соат оғиз кўпиртирди-ю, бир оғиз ҳам жўяли гап эшитмадик. Бориб ухласин. Бор, Макар! Уялмайсанми! Ойнага бир қарагин — ўтаканг ёрилади: башаранг кепчиб кетган, кўзинг худди қутурган итнинг кўзига ўхшайди, хўш, нима деб шу қиёфада келдинг? Бор! — Раз-



мётнов ўрнидан сапчиб турди-да, Макарнинг кифтидан ушлаб зарда билан силкиди, Макар эса бўшашиб, ҳорғин ҳаракат билан кифтидан унинг қўлини олиб қўйди-да, яна ҳам букчайиб олди...

Танг бўлиб индамай турган Давидов столни бармоғи билан чертди. Боятдан бери илжайганича Нагульновга ҳайрон бўлиб қараб турган Ванюшка Найденов:

— Ўртоқ Давидов, тугата қолайлик,— деб илтимос қилди.

— Гап шу, ўртоқлар,— деб қизишиб гапирди Давидов,— мен шундай таклиф қиламан: майда моллар билан сигирларни колхозчиларга қайтариб берайлик, иккитадан сигир топширганларни ташвиқот қилиб кўндирайлик, биттасини колхознинг умумлашган подасида қолдиришсин. Эртага эрта биланоқ мажлис чақириб, тушунтириш ишларини бошлаб юбориш керак. Ҳозир бутун эътиборни тушунтириш ишларига қаратиш керак! Мен, колхоздан чиқиш бошланиб кетмасайди, деб қўрқяпман, ахир, бугунмас эртага далага чиқай деб турибмиз-а... Мана, бутун уддабуронлигини шу ишда кўрсат, Макар! Одамларга наган билан дўқ қилмай, колхоздан чиқмасликка унат, иш мана бундай бўлади! Хўш, овозга қўямизми? Менинг таклифимни овозга қўямизми? Қим тарафдор? Сен холис қоласанми, Макар? Хўп, шундай деб ёзиб қўямиз: «Бир киши холис қолди...»

Размётнов эртаданоқ юмронқозиқларга қарши кураш очишни таклиф қилди. Бу ишга дала ишларида банд бўлмайдиган колхозчилардан бир қисмини сафарбар этиб, сув ташиб туриш учун уларга бир неча хўкизни бириктириб қўйишга ва мактаб мудири Шпиндан кемирувчиларнинг уяларига сув қўйиб ҳайдаб чиқаришда ёрдам бериш учун ўқувчиларни далага олиб чиқишини сўрашга қарор қилишди.

Давидов Макарни исканжага олсакмикан, Сталинининг мақоласига қарши чиққани учун, колхозни барпо қилиш соҳасида йўл қўйилган «сўл» хатоларнинг оқибатларини тугатишдан бош тортаётгани учун уни партиявий масъулиятга тортиш масаласини қўйсакмикан,

деб иккиланиб турарди. Аммо мажлис охирига бориб Макарнинг оппоқ оқариб кетган, чаккаларидаги қора қон томирлари бўртиб чиқиб, тер босган юзига қаради-ю, шундай қарорга келди: «Йўқ, керакмас! Ўзи тушуниб олар. Тазйиқсиз ўзи тушуниб олсин. Чалкашчи-ю, аммо ўзимизнинг одам-да! Бунинг устига, дарди ҳам бор... Тутқалоқ. Йўқ, бу ишни босди-босди қилиб қўйиш керак!»

Макар эса ўз ҳаяжонини сездирмай, мажлиснинг охиригача индамай ўтирди. Унга аҳён-аҳёнда қараб қўяётган Давидов бир мартагина Макарнинг тиззаларига мажолсизгина ташланган қўллари қаттиқ титраб кетганини пайқади...

— Нагульновни ола кет, сеникида ёта қолсин, қара, ичиб қўймасин,— деб шипшиди Давидов Размётновга. У ҳам маъқуллаб бош ирғади.

Давидов уйига ёлғиз қайтиб кетмоқда эди. Лукашка Чебаковнинг қўраси олдидаги қулаган четанда казаклар ўтиришар, у ёқдан гангур-гунгур овоз эшитилар эди. Давидов кўчанинг нариги бетидан кетмоқда эди, уларнинг рўпараларига етганда қоронғиликдан илжайиб дадил гапираётган нотаниш кишининг йўғон овозини эшитди:

— «...қанча топширма, қанча тўлама, уларга барибир камлик қилади.— Унга бошқаси: Ҳозир Совет ҳокимияти иккита қанот чиқарган: ўнг билан сўл қанот. У қачон биздан қанот қоқиб учиб кетаркан?»— деди.

Носоз қаҳқаҳа садоси кўтарилиб, туйқусдан тиниб қолди.

— Тссс!.. Давидов!— деган қўрқув аралаш шипшиш эшитилди.

Шу ондаёқ ҳалиги йўғон овознинг ўзи, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, муғомбирлик билан сўзларни чўзиб:

— Ҳа-а-а... Ёрингарчилик бўлмаганда, экинни тезроқ экиб олардик... Ер қурғаб қоляпти... Хўш, оғайнилар, бориб уйқуни урамизми? Хайр, кўришгунча!— деди.

Йўтал овози. Қадам товушлари...

Эртасига колхоздан чиқиш тўғрисида йигирма учта ариза тушди. Асосан, колхозга энг сўнг кирган, мажлисларда индамай ўтирадиган, нарядчилар билан доимо жанжаллашадиган, ишга эса истар-истамас чиқадиган ўртаҳоллар чиқиб кетди. Нагульнов худди шулар ҳақида: «Шулар ҳам колхозчими? Улар на у ёғлигу, на бу ёғлик — дарди бедаво!»— деган эди. Аслида бригадаларга тирик товон бўлганлар, ҳокимиятнинг қаҳрига учрамайлик деган андиша биланми, ёки январда бошланган колхозга интилишнинг умумий қудратли оқимига эргашиб кирганданми, ҳар қалай, шу тўфайли колхозчи бўлиб қолганларгина чиқди.

Давидов аризаларни қабул қилаётганда буларга ҳам гап уқтиришга уриниб кўрди, ўйлаб кўриш, сабр қилишни маслаҳат берди, аммо улар оёқларини тираб олгач, Давидов ниҳоят қўл силтади:

— Боринглар, граждандар, лекин эсларингда бўлсин: яна колхозга кирамиз деб келсанглар, унда сизларни олиш-олмасликни ўйлашиб кўрамиз.

— Зинҳор қайтиб олинглар демасмиз! Яна колхозсиз кун кўриб кетармиз, деб умид қиламиз... Биласанми, Давидов, илгари ҳам бир амаллаб колхозсиз кунимизни ўтказардик, очимиздан шишмасдик, ўзимизнинг молимизга ўзимиз хўжа эдик, ерни қандай ҳайдаб, қандай экишни бировлар ўргатиб турмасди, бировларга югурдаклик қилиб юрмасдик... Ҳозир ҳам бемалол колхозсиз яшаб, айшимизни қилармиз!— буралган қўнғир мийиқлари остида кулиб ҳамма учун жавоб берди кечаги колхозчи Иван Батальшчиков.

— Сизларсиз ҳам кунимиз ўтиб қолар-а! Оби дийда қилиб куйиб-пишиб ўтирмаймиз, факт! Елкамиздағ тоғ тушиб кетгандай бўлади, нолимаймиз,— деб унинг оғзига урди Давидов.

— Яхшиликча ажралишган яхши. Ол товоғим-бер товоғим, ўрта ерда син товоғим, қабилидан бўлмасин тагин. Рухсат берсанглар, бригадалардаги молларимизни олиб кетсак.

— Йўқ, бу масалани биз правлениега қўямиз. Эртагача сабр қилинглар.

— Сабр қилишга вақтимиз йўқ. Қолхозингиз троицадан<sup>1</sup> кейин дон сочар, биз далага чиқиб кетишимиз керак. Эртагача кутамиз, борди-ю, молларимизни эртагача ҳам қайтариб бермасанглар, унда ўзимиз тортиб оламиз!

Батальшчиковнинг овозида таҳдид оҳанги бор эди, шунинг учун ҳам Давидов унга жавоб бераркан, ғабдан қизариб кетди:

— Кўрай-чи, правлениенинг рухсатисиз колхоз отхонасидан бирон нарса олармикансиз! Биринчидан, бермаймиз, иккинчидан эса, олар экансан — судда жавоб берасан!

— Ўз молим учун-а?

— Улар ҳозирча колхозники.

Бу собиқ колхозчилар билан Давидов заррача ҳам ачинмасдан ажралишди, аммо Демид Индамаснинг чиқиш ҳақидаги аризаси кўнглига қатитқ ботди. Демид кечга яқин қаттиқ маст ҳолда, ҳамон индамай кириб келди. Саломлашмай, текст устидан кўндаланг қилиб «Колхоздан чиқариб юборинглар» деган сўзлар ёзилган бир парча газета қоғозни тутқазди.

Давидов Индамаснинг чўлтоқ аризасини қўлида айлантриб, бир оз ҳайрон бўлиб норози оҳангда сўради:

— Бу нима қилганинг, а?

— Кетаман, — дўриллади Индамас.

— Қаёққа? Нима учун?

— Колхоздан-да.

— Нима учун чиқяпсан? Қаёққа борасан?

Демид қўлларини кериб қўйиб, индамади.

— Бошинг оққан томонга қараб кетмоқчимисан? — деб ўзича йўйди унинг ҳаракатини Размётнов.

— Ҳа-ҳа!

— Лекин, ҳар қалай, нима учун чиқяпсан? — суриштирди. Индамасдай активист-камбағал кишининг чиқишидан ҳайратда қолган Давидов.

— Одамлар чиқишяпти... Хўш, мен ҳам чиқмоқчиман.

— Одамлар жардан пастга калла ташлашса, сен

---

<sup>1</sup> Христианларнинг баҳорги диний байрами.

ҳам калла ташлайсанми?— сўради мулоимгина жилмайиб турган Размётнов.

— Бе, эсимни ебманми, оғайни!— Индамас қаттиқ хохолади. Унинг кулгиси худди бўш бочканинг гумбурлашига ўхшарди.

— Хўп, майли, чиқсанг чиқа қол,— Давидов уҳ тортди,— сигирингни олиб кетишинг мумкин. Сен камбағал бўлганинг учун тортишиб ўтирмасдан қайтариб бера қоламиз, факт. Қайтариб берамиз-а, Размётнов?

— Қайтариб бериш керак,— деб унинг фикрига қўшилди Размётнов, аммо Демид янгроқ овоз билан яна қаҳ-қаҳлаб кўлди-да, дўриллаб шундай деди:

— Менга сигирнинг ҳожати йўқ! Уни колхозга ҳады қилдим. Мен куёв бўляпман, шекилли. Бунга нима дейсизлар? Тозаям ҳайрон бўлсанглар керак?— деди-ю, хайрлашмай чиқиб кетди.

Давидов деразадан мўралади: Индамас зинапоя олдида қимирламай турарди. Ботиб бораётган қизғиш қуёш унинг хирсдек яғринини, ёқасигача тилла ранг жингалак жун босган қудратли қўнғир бўйинини салийлик билан ёритмоқда эди. Колхоз қўрасини эриган қор суви босган, зинапоядан омборгача ҳовли саҳнчада халқоб сув ёйилиб ётарди. Зинапоядан тушиб четан девор тагидаги юмшоқ қор устидан ўтган элғиз оёқ лойли йўл пилчиллаб кетган эди. Одамлар халқобни четлаб, қозиқларни қўллари билан ушлаб, четан деворнинг таккинасидан ўтардилар. Демид гарангсиз оғир ўй суриб турарди. Кейин қалқиб кетиб, бирдан мастларга хос бепарқлик билан эран-қаран, мункайганча чайқалиб, сув кечиб тўппа-тўғри омборга қараб кета бошлади.

Уни қизиқиб томоша қилаётган Давидов, Индамаснинг айвонда турган ломни олиб дарвозага борганини кўрди.

— Бу жин урган ҳамма ёқни бузиб кунпаякун қилмоқчимасмикан?— деди дераза олдида борган Размётнов кулиб. У Индамасга ҳамиша меҳр ва хайрихоҳлик билан қарар, унинг жисмоний азаматлигига таҳсин қилар эди.

Индамас дарвозани очиб, яхлаб қолган қор уюмини лом билан шундай урдики, бир ҳамлада уч пуд кела-

диган каттакон муз палахсасини кўчириб юборди. Дарвозага муз парчалари дўлдек бориб урилди, тез орада лом билан очилган ариқчадан ҳовлидаги сув вариллаганча оқиб чиқиб кета бошлади.

— Ҳа, у колхозга албатта қайтиб келади!— деди Размётнов, Давидовнинг елкасини ушлаб, Индамасни кўрсатаркан.— Ҳовлидаги тартибсизликни кўриб, тузатиб чиқиб кетди. Демак хўжалигимиздан кўнглини узолмаган! Гапим тўғрими?

Сталиннинг мақоласи босилган газета районга етиб келгач, райком Гремячий ячейкасига, оғмачиликлар сқибатини тугатиш ҳақида батафсил, лекин мужмал ва ноаниқ дастурилъамал юборди. Буларнинг ҳаммасидан районда саросималик ҳукм сураётгани сезилиб турар, район бошлиқларидан ҳеч ким колхозларга келмас, колхоздан чиққанларнинг мол-мулкларини нима қиламиз, деб жойлардан берилган сўроқларга, на район партия комитети, на район ер-сув союзи жавоб берар эди. Марказий Комитетнинг «Колхозчилик ҳаракатида партия тутган йўлдаги қинғайишларга қарши куриш ҳақида» деб чиқарган қарори олингандан сўнггики райком типирчилаб қолди: Гремячий Логга кетма-кет, ошиғич равишда, кулак сифатида тугатилганларнинг рўйхатларини юбориш ҳақида, умумлаштирилган майда моллар билан паррандаларни колхозчиларга қайтариб бериш ҳақида, сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг рўйхатларини кўриб чиқиш ҳақида фармойишлар ёғила бошлади. Айни вақтда Нагульновни район партия комитети бюроси билан район контроль комиссиясининг 28 март эрталаб соат ўнда бўладиган қўшма мажлисига чақирган расмий билдириш қоғози олинди.

### XXX БОБ

Гремячий Логда, бир ҳафта ичида юзга яқин хўжалик колхоздан чиқиб кетди. Айниқса иккинчи бригаданинг кўпчилик аъзоси чиқиб кетди, унда ҳаммаси

бўлиб йигирма тўққиз хўжалик қолган, лекин буларнинг орасидан ҳам бир неча одам, бригадир Любишкин айтгандек, «қочишга номзод» бўлиб турган эди.

Бўлаётган воқеалар хуторни ларзага келтирди. Улар кун сайин Давидовга янги-янги ташвишлар олиб келарди. Унинг иккинчи марта, чиққанларга уловлари билан қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини ҳозир қайтариб бериш керакми ёки экиш тугагандан кейин қайтариб бериш керакми, деб юборган сўровига район ер-сув союздагилар билан район партия комитетидагилар дағдағали буйруқ билан жавоб берардилар, бу буйруқларда гремячийликлар бутун кучлари ва чоралари билан колхозни барбод бўлишдан сақлаб қолишлари, колхозчилардан мумкин қадар кўпроғини чиқариб юбормасликка, чиқиб кетганлар билан ҳисобкитобни, шунингдек уларнинг мол-мулкларини қайтариб беришни кузгача кечиктиришлари кераклиги айтилган эди.

Орадан кўп ўтмай, бир куни Гремячийга район ер бўлимининг мудир, райком бюросининг аъзоси Беглих келди. У вазият билан наридан-бери танишиб чиқиб (у шу куни бир неча қишлоқ советларини айланиб чиқишни керак эди), шундай деди:

— Ҳозир, колхоздан чиққанларга моллар билан асбоб-ускуналарни зинҳор бера кўрма. Куз келсин, у ёғини кейин кўрармиз.

— Одамлар қийноқ-қистоққа олиб қўйишмаяпти-да! — эътироз билдирмоқчи бўлди Давидов.

Кескин ва қатъий одам бўлган Беглих кулиб қўя қолди:

— Сен ҳам бўш келма. Аслида-ку қайтариб бераверишимиз керак эди-я, аммо окружкомнинг: синфий принципга амал қилиб айрим ҳоллардагина берилсин, деган кўрсатмаси бор.

— Яъни?

— Ҳе, бу нарсани «яъни» сиз ҳам тушунишинг керак. Қамбағалга берасан, ўрта ҳолга эса, кузда, деб ваъда қиласан. Тушундингми?

— Бу ҳам худди юз процент коллективлаштиришга ўхшаб қолмасмикан, Беглих? Райкомнинг: «Қандай бўлмасин, мумкин қадар тезроқ юз процентга етгунча

шиғиллатиб ҳайдайсан» деган кўрсатмаси бор эди-ку. Оқибатда эсанкираш юз берди. Ўртаҳолнинг чорвасини қайтариб бермасак, уни сиққанамиз бўлмайдими, а? У нима билан ер ҳайдаб, экин экади?

— Бу сенинг ишинг эмас. Сен якка хўжалик эмас, ўз колхозинг ҳақида ўйла. Агар молларни қайтариб берсанг, нима билан ишлайсан? Қолаверса, бу бизнинг эмас, окружкомнинг кўрсатмаси, биз эса революция солдатлари сифатида унга сўзсиз бўйсунишга мажбурмиз. Молларнинг эллик проценти якка хўжаликларга ўтиб кетса, сен планни қандай қилиб бажармоқчисан? Ҳеч қандай гап-сўз билан мунозарага ўрин йўқ! Молларга тиш-тирноғинг билан ёпишиб ол. Экиш планини бажармас экансан, қаллангни оламиз!

Тачанкага ўтираётиб деди:

— Умуман олганда аҳвол мушкул! Оғмачиликлар учун жавоб беришга, битта-яримтанинг баҳридан ўтишга тўғри келади, оғайни... Таомил шундай. Бизнинг райондагилар Нагульновни кўрарга кўзлари йўқ. У бу ерда нима балолар қилди? Аллақандай ўртаҳолни қамаб қўйибди, наган билан дўқ қилибди. Менга Самохин айтди. Устидан катта иш очган. Ҳа-а, Нагульнов катта миқёсдаги «сўлчи»лардан экан. Ҳозир қандай кўрсатма берилганини биласанми? Партиядан ҳайдаш даражасигача жазолансин, дейилган! Хўп, яхши қол. Молни, молни эҳтиёт қил!

Беглих Войсковойга жўнаб қолди. Шамол унинг тачанкаси солган изларни қуритмасданоқ, учинчи бригада бошлиғи Агафон Дубцов ҳсвлиққанча югуриб келди.

— Ўртоқ Давидов! Колхоздан чиқиб кетганлар менинг қўлимдан ҳўкизлар билан отларни олиб кетиб қолишди. Зўрлик билан олиб кетди!

— Олиб кетишди дейсанми, а?!— деб қичқирди Давидов, қизариб кетиб.

— Опкетиб қолишибди! Ҳўғизбоқарни пичанхонага қамаб қўйиб, ҳўкизларни ечиб олишибди-да, даштга ҳайдаб кетишибди. Ун саккиз қўш ҳўкиз билан етти отни. Энди нима қиламиз?

— Сен-чи? Сен ўзинг-чи, каллаварам?! Қаёқда эдинг? Нега бердинг? Сен лаънати қаёқларда... а?



▲Гафоннинг чечакдан чўтир юзи оқариб кетиб, у ҳам баланд келди:

— Мен отхона ёки молхонада тунашга мажбур эмасман! Менга ўшқирмай қўя қолинг! Борди-ю, жуда юрак ютган бўлсангиз, бориб ҳўкизларни қайтариб опкелинг! Яғринингизга гаврон билан туширарлар!

Ҳўкизларни кечга яқин даштда эгалари қўлидан тортиб олишди, улар кучли пойлоқчилар кузатчилигида ҳўкизларини ўтлатгани жўнатган эдилар. Любишкин, Агафон Дубцов ва учинчи бригададаги яна олти-та колхозчи отларга миниб, даштга югуришди. Сойлиқнинг нариги ён бағрида ўтлаб юрган ҳўкизларни кўрган Любишкин ўзининг кичкинагина отрядини иккига бўлди:

— Агафон, уч кишини олиб, сойдан от чоптириб ўтиб, ўнг томондан ўраб кел, мен бўлсам чап томондан ўраб оламан.— Любишкин тўсдек мўйловларини силаб, команда берди:— Тизгинни қўйвор!.. Елдириб, орқамдан — арррр!

Муштлашмасликнинг иложи бўлмасди: колхоздан чиққан кишилар билан бирга ҳўкизларни қўриқлаётган Любишкиннинг амакиваччаси Захар Любишкин ҳўкизларга қараб чопиб кетаётган Мишка Игнатенонинг оёғидан ушлаб олиб отдан тортиб туширди-да, уни бирпасдаёқ ерга булғалаб, ҳамма ёғини мўматалоқ қилиб юборди ва қўйлагини шилиб олди. Етиб келган Павлю Любишкин амакиваччасини от устида туриб, йўғон узун қамчи билан саваркан, қолганлар подачиларни чекинтириб, ҳўкизларни қўлга киритишди-да, отларини елдирганча хуторга қараб ҳайдаб кетишди.

Давидов молхона ва отхоналарни кечаси қулфлаб, колхозчилардан қоровуллар қўйишни буюрди.

Аммо молларни қўриқлаш учун кўрилган ҳамма чораларга қарамай, колхоздан чиққанлар икки кун ичида етти қўш ҳўкиз билан учта отни олиб кетиб қолишди. Молларни даштдаги узоқ сойларга ҳайдаб бориб, катталарнинг йўқлиги кўзга ташланиб қолмаслиги учун подачиликка ўсмирларни юборишди.

Эртадан кечгача колхоз правлениесидан ҳам, қишлоқ советидан ҳам одам аримасди. Чиққанларнинг

колхоз ерларини босиб олиш хавфи аён-ошкор бўлиб қолди.

— Ё бизга ҳозироқ ер кесиб беринглар, ё бўлмаса ўзимизнинг эски чекларимизни ҳайдай бошлаймиз!— деб Давидовга тиқилинч қилишарди улар.

— Сизларга ер ажратиб берамиз, хотиржам бўлинглар, якка хўжалик гражданлар. Эртадан бошлаймиз. Остроновга мурожаат қилинглари, бу ишга ўша бошчилик қилади, сизларга бўладиган гапни айтяпман,— деб тинчитарди уларни Давидов.

— Бизга қаердан ер ажратиб берасизлар? Қандай ер?

— Бўш бўлган ерларни.

— Бўш ер деганингиз, хутор ерларининг четида бўлса-чи, унда нима бўлади?

— Сен, ўртоқ Давидов, тентаклик қилма! Яқин орадаги ерларнинг ҳаммаси колхозга ўтиб кетди, бизга узоқдаги ерлар тегаркан-да? Молларни бермаяпсизлар, биз ҳали ўзимиз қўшга қўшилиб, сигирларимизни қўшиб экин экармиз, бунинг устига тагин узоқдаги ерлар тегадими? Эҳ, шу ҳам одил ҳукумат бўлди!

Давидов, ҳар кимга хоҳлаган жойидан ер ажратиб беролмаслигини, чунки колхознинг яхлит ерини парчалай олмаслигини, уни лахтак-лахтак чекларга қийқимлаб ташлай олмаслигини, бултур кузда ўтказилган ер тузиш режаларини бузолмаслигини уқтирди. Чиққанлар шовқин кўтариб жўнаб қолишар, бир неча минутдан кейин эса янги бир тўда кириб келиб остонадан оқ жар солар эди:

— Ер беринглар! Бу нима деган гап, ахир? Бизнинг еримизни ушлаб туришга нима ҳақларинг бор? Бизнинг экин экишимизга йўл қўймаяпсизлар-ку! Ўртоқ Сталиннинг ўзи бизнинг тўғримизда нима деб ёзган эди? Биз ҳам унга, молларимизни беришмагани беришмаган, ерларимиз, ҳамма мол-мулк, ҳуқуқларимиздан ҳам маҳрум қилишди, деб ёзишимиз мумкин. Бу ишларинг учун ундан сизлар ҳам яхши гап эшитмайсизлар!

— Яков Лукич, эртага эрталабдан уларга Рачий пруд орқасидаги ердан ажратиб бер.

— Қўриқ ерни-я?— деб қичқиришди чиққанлар.

— Бўз ер, нега энди қўриқ бўларкан? Ҳайдалган эди, лекин бундан ўн беш йилча муқаддам,— деб уқтирарди Яков Лукич.

Бирдан қизгин шовқин-сурон кўтарилиб кетарди:

— Бизга заранг ернинг кераги йўқ!

— Уни нима билан ҳайдаймиз?

— Юмшоқ ер беринглар!..

— Молларимизни беринглар, унда заранг бўлса ҳам ҳайдаб экаверамиз.

— Москвага, Сталинга илтимос билан одам жўнатамиз!

— Нега бизга кун бермайсизлар?

Хотин-халаж келиб дағдаға қилар, казаклар уларнинг ёнига тушиб, яқдиллик билан қувватлашар эди. Шовқин-суронни тийиш учун ниҳоятда кўп куч сарф қилиш керак бўларди. Одатда, Давидовнинг тоқати тоқ бўлиб қичқиарди:

— Сизларга энг яхши ерларни берайликми? Хомтама бўласизлар, Совет ҳокимияти ҳамма имтиёзларни колхозга қарши чиққанларга эмас, колхозларга беради. Қораларингни ўчириглар бу ердан!..

Баъзи жойларда якка хўжаликлар бир вақт ўзлариники бўлиб, кейин колхознинг яхлит ерига қўшилиб кетган ерларни ҳайдаб пишта бошлаган эдилар. Любишкин уларни колхоз даласидан ҳайдади, Яков Лукич эса ёғоч сажень билан даштга чиқиб, Рачий пруднинг нарёғида икки кунда якка хўжаликларга ер кесиб чек ажратиб берди.

Демка Ушаковнинг бригадаси 25 мартда қумоқ ерларни ҳайдагани чиқиб кетди. Давидов ишнинг кўзини биладиган колхозчиларни дала мудирларининг ихтиёрларига ажратиб бериб, кучларни тақсимлаб чиқди. Кўпчилик чоллар иштиёқ билан бригадаларга сеялкачи, плугчи, молаловчи бўлиб кетишди. Экинни кўлда экмайдиган бўлишди. Ҳатто мункайган чол «макиёнбоз» Аким Бесхлебнов ҳам сеялкачи бўлиб ишлаш тилагини изҳор қилди. Шчукарни Давидов колхоз правлениесининг отбоқари қилиб тайинлади. Ҳамма нарса шай эди. Бироқ икки кеча-жундуз сурункасига ёмғир ёғиб, экишга халал берди. Гремячийнинг дўнг-

ликларини, эрталаблари оқиш буғ пардаси билан қопланган шудгорларни ивитиб хамир қилиб юборди.

Қолхоздан чиқишлар тўхтади. Ишончли, мустаҳкам қисми сақланиб қолди. Ҳаммадан кейин Андрей Размётновнинг хуштори Марина Пояркова колхоздан чиқди. Уларнинг умр муросалари келишмай қолди. Марина худога сиғиниб, тақводор бўлиб қолди, бутун рўза давомида рўзаоғиз юрди, унинг учинчи ҳафтасида кун сайин тавба-тазарру билан гуноҳларини соқит қилгани Тубянской черковига бориб турди. У Андрейнинг таъналарига хокисорлик билан индамай қулоқ солар, сўкса сўз қайтармас, «тоат-ибодат»ини «мурдор» қилгиси келмас эди.

Андрей бир кун кечаси кеч келиб меҳмонхонада исчиноқ ёниб турганини кўрди. Уйлаб турмай меҳмонхонага кирди-да, чироқни олиб ёғоч мойни кафтига қуйди ва уни қотиб қолган этигига ҳафсала билан суртиб, чироқни пошнаси билан тепиб снндирди.

— Ахир, аҳмоқ одамларга неча марта, буларнинг ҳаммаси мияларни заҳарлайдиган афюн, деб айтганмиз-ку, қор қилмайди-я! Ҳамон ёғоч-тахталарга ибодат қилиб, мой ёқиб, мумни шамга ишлатиб исроф қилишяпти... Эҳ, Маришка, елканг қамчинни соғиниб қопти! Черковга қатнашинг бежиз эмасга ўхшайди...

Ҳақиқатан ҳам бежиз эмас экан: Марина, колхозда бўлиш — «худонинг иродасига қарши чиқиш» деган баҳона билан 26 мартда колхоздан чиқиш ҳақида ариза берди.

— Андрей билан бир каравотда ётиш, худонинг хоҳишига қарши эмас эканми? Ё бу ширин гуноҳми?— жилмайиб сўради Любишкин.

Марина бу гал индамади, афтидан, бир неча минутдан сўнг ювошлигидан асар қолмай, ўз оғзи билан «муқаддас тоат-ибодат»ни «мурдор» қилиб юборишидан беҳабар эди шекилли.

Ранги оқариб кетган ва аччиқланган Андрей қишлоқ советидан югуриб келди. Чандиқли пешанасидаги терни енги билан артиб, Давидов ва Яков Лукичининг олдида унга ялиниб-ёлворди:

— Мариша! Жоним! Мени хароб қилма, шарманда қилма! Хўш, нега колхоздан чиқиб кетяпсан? Мен

сен арвоҳ ургурни севмасмидим, сенга ачинмасмидим? Сигирингни бўлса қайтариб беришди... Яна нима керак? Якка хўжалик бўлиб олсанг, орамизда қандай ишқ-муҳаббат бўлиши мумкин? Паррандангни, товуқларинг, кулонкир хўрозинггача қайтариб бердик.. Кўзинг қиймай юмма-юмма ёш тўккан голланд ғозинг ҳам яна қўрангда тўрибди... Нафсингга қум тиқилгур, сенга яна нима керак? Аризангни қайтариб ол!

— Йўқ-чи, йўқ!— ғазаб билан қийиқ кўзларини қисиб қичқирди Марина.— Керакмас, илтимос ҳам қилмай қўя қол! Колхозда қолмайман! Сизларга қўшилиб гуноҳкор бўлмайман! Аравам билан запашнигимни, боронамни беринглар.

— Марина, эсингни йиғ! Бўлмаса сени ташлаб кетишимга тўғри келади.

— Арвоҳ урсин сени, сен маллавойни! Қуриб кет, шалоқ теват! Кўзларингни пириллатяпсан-а, аблаҳ! Мунча бақрайиб қолдинг? Кеча кечаси Малашка Игнатёнова билан тор кўчада турган ким эди? Сенмасмидинг? Ҳаҳ, яшамагур, итвачча! Ташласанг ташлаб кета қол, сенсиз ҳам куним ўтар! Анчадан бери оёқ олишингдан билиб юрибман!

— Мариша, ўргилай, нега бундай дейсан? Қайси Малашка билан? Мен у билан турганим йўқ! Бу ишга колхознинг нима дахли бор?— Андрей қўллари билан бошини чангаллаб, рукач қилгани далил тополмасдан индамай қолди...

— Бу лаънатига бунча ялинасан!— деб унинг ёни олди жаҳли чиққан Любишкин.— Унга ялиниб-ёлвориб ўзингни қаро ерга урма! Сен, ахир, қизил партизансан-ку, нега мунча ёлвориб қош-қовоғига қарайсан! Башарасига тушир! Кепчикдек башарасига тушир! Дарров попуги пасайиб қолади!

Юзларида қип-қизил доғлар пайдо бўлган Марина худди игна санчилгандек сапчиди-да, ҳар бирига бир одам ўтирса сиғадиган елкаларини кериб, муштлашадиган эркаклар сингари енгини шимара-шимара тўла кўкраги билан Любишкин устига бостириб кела берди.

— Сен нега бировларниг ишига суқиласан, газанда? Ҳақ чала туғилган лўливачча, ҳароми! Тумшуғинг-

га тушириб дабдала қилворайми! Бригадир экан деб сендан ҳайиқиб ўтирмайман! Сендақалардан кўпини кўрганман, нечтасини елкамдан ошириб улоқтириб ташлаганман!

— Улоқтириб ташлашни мендан кўр! Пўстагингни қоқиб қўяман...— дерди тунд йўғон овоз билан бурчакка тисарилиб, ҳар қандай хунук тасодифларга қарши тайёрланаётган Любишкин.

У Маринанинг бир куни Тубянскойдаги тегирмонда, Доннинг нарёғида турадиган бақувват бир казак билан кураш тушиб ҳозир бўлганларни қойил қолдиргани, уни йиқитиб, аччиқ бир сўз билан ерга киргизиб юборганини яхши эсларди. «Хотин кишининг устига чиқиш сенга ярашмас экан, ака!— деган эди нафасини ростлаб ўшанда у.— Кучинг билан шудинг шу бўладиган бўлса тагида инқиллаб ётаверишинг керак экан». Шунини деб, сочини, кураш вақтида сирғилиб тушган дуррасини йўл-йўлакай тузата-тузата торози томонга қараб кетган эди. Любишкин, Марина йиқитган казакнинг кийим-боши ун билан гўнгга беланиб, ўрнидан тураётганда юзлари қандай қип-қизариб оловдай ёнганини унутмаган эди, шунинг учун ҳам чап тирсагини олдинга чўзиб, огоҳлантирди:

— Пўписа қилаверма, худо ҳақи, ҳамма ёгингни дабдала қилвораман! Йўқол бу ердан!

— Мановини искаб кўрганмисан!— деб Марина этагини бир лаҳза юқори кўтариб, уни Любишкиннинг тумшуғи олдида силкиди. Ним пушти оқ тиззаси, сариеғдек сарғиш, болдек қурч бақувват танаси кўрниб кетди.

Унинг ғазаби қайнаб-тошиб кетган эди. Ҳатто ҳар балони кўрган Любишкин ҳам Маринанинг бақувват оппоқ танасидан кўзи қамашиб, тисарилди-да, ҳангманг бўлиб ғудранди:

— Эсингни едингми, арвоҳ ургур! Бу хотин эмас, айғирнинг ўзи! Қоч, минг лаънат-э сенга!..— Шунини деб у қичқириб дағдаға қилаётган Маринанинг ёнгинасидан якка кифт бўлиб сирғила-сирғила ўтиб олди-да, сўкина-сўкина тупурганича даҳлизга чиқиб кетди.

Давидов ичаги узилгудек хохолаб, ўзини столга ташлади-да, кўзларини чирт юмиб олди. Размётнов

эшикни тарақлатиб ёпди-ю, Любишкиннинг орқасидан югуриб чиқиб кетди, ёлғиз Яков Лукичгина ҳадидан ошиб кетган вахмистершанинг попугини пасайтирмоқчи бўлди:

— Нега бунча бақирмасанг? Мунчаям беор хотин экансан! Этагингни кўтарганингга бало борми? Ақалли мендек кекса одамдан истиҳола қилсанг-чи!

— Товушингни ўчир!— деб ўшқириб берди унга Марина, эшикка қараб кетаётиб.— Мен сен кексани яхши биламан! Бултурги ёз троица арафасида пичан ташиётганимизда менга нима деб таклиф қилган эдинг? Алам қилдими? Ул-э! Нотавон кўнгилга кўтир жомашов...

У қўрадан қуондек учиб чиқиб кетди. Яков Лукич хижолатдан томоқ қириб қўйди-да, таъна қилгандек бош чайқаб уни кўзи билан кузатиб қолди...

Ярим соатдан кейин эса, у Маринанинг ўз араваси шотиси орасига кириб олиб, биринчи бригада қўрасидан боронаси билан запашнигини бемалол тортиб кетаётганини кўрди. Ёмғир туфайли даладан келиб қолган Демка Ушаков унга яқинроқ ва хавфлироқ ма-софага келишга юрак бетламай, узоқдан туриб ялинди:

— Марина! Ҳой, гражданка Пояркова! Эшитяпсанми? Марина Терентьевна! Рўйхат бўйича ихтиёримда турган буюмни сенга бериб юборолмайман-ку.

— Бериб юбора оласан!

— Тушунсанг-чи, тентакча, бу умумлаштирилган асбоб-ускуна-ку! Жиннилик қилмай, мумкин бўлса жойига қайтариб олиб бориб қўй. Одаммисан, нимасан ўзинг? Нега талаб кетяпсан? Бу аблаҳлигинг учун судга кетасан! Давидовнинг хатисиз ҳеч нарса беролмайман.

— Бера оласан!— дея қисқа жавоб берарди Марина.

Ҳанг-манг бўлган Демканинг кўзлари шиграяр, қўлларини илтижо билан кўкрагига қовуштирар, терлаб бўриқиб кетган Марина эса пинагини бузмай аравачани тортиб кетмоқда, араванинг ён тахтасига ёнбошлаб қолган борона зорлангандай даранглар эди.

«Ундан аравани тортиб олиб, тилини қисқа қилиб қўйиш керак эди. Лекин қандай тортиб оласан? Унга

теккудек бўлсанг, ёруғ дунёга келганингга пушаймон қиласан!» деб ўйлади Яков Лукич, эҳтиёт шарт билан тор кўчага буриларкан.

Размётнов эртасига Маринаникидан ўз буюмларини, милтигини, патронташи, қоғозларини уйига олиб бориб қўйди. У Маринадан ажралишганидан қийналар, ўзини қаёққа қўйишни билмас, ёлғиз қолгиси келмас эди. Шу мақсад билан ҳангамалашиб, «юрагининг чигилини ёзгани» Нагульновнинг олдига кетди.

Гремячий Логга тун кириб келмоқда. Ёмғирда ювинган янги ой осмоннинг ғарб томонида ўроқдек ярқираб ётарди. Хуторни, музларни синдириб шивирлаётган жилғаларнинг сасигина бузувчи қоронғи март сукунати чулғаб олган. Андрей кечга яқин тўнгиб қолган лой оёқларини чалпиллатиб суғура-суғура ўз ўйлари билан банд ҳолда секин кетиб бормоқда. Намхуш ҳавода баҳорнинг қитиқловчи нафаси сезилмоқда. Ердан ачимтир-чучук бўй анқимоқда, ғарамлар чирик ҳид таратмоқда, боғларни хушбўй ис қоплаган, четан деворлар тагидан ниш уриб чиққан янги ўт-ўландан маст қилувчи ўткир ҳид тарқалмоқда.

Андрей туннинг анво ҳидларини ютоқиб ҳидлар, оёғи остидаги халқоб сувларда акс этган юлдузларнинг чил-чил бўлиб учқундек сочилиб кетаётганини кўрар, Маринани ўйлаб кўзларига алам ва ҳасрат ёшлари қуюлиб келаётганини сезар эди.

### XXXI БОБ

Щукаръ бобо ўзининг колхоз правленнесига доимий кучер қилиб тайинланишидан жуда мамнун бўлди. Собиқ кулақлардан мусодара қилиниб, миниш учун правление ҳузурида қолдирилган иккита айғирни унга топшираётиб Яков Лукич шундай деди:

— Уларни кўз қорачиғидек асра! Ориқлатиб қўйма, эҳтиёт қил, қаттиқ чоптирма, ҳоритиб қўйма. Мана бу Титокнинг кўк айғири — наслдор жийрон, ҳам Дон-



нинг зотдор отларидан. Уларни кўп қўшмаймиз, ҳадемай бияларга қўямиз. Сен булар учун жавобгарсан!

— Гапингни қара-я!— деб жавоб берарди Шчукаръ бобо.— Нима, мен отларни қандай парвариш қилиш кераклигини билмас эканманми? Умримда кўрган отларимнинг сон-саноғи йўқ. Менинг қўлимдан ўтган отлар баъзи одамларнинг бошидаги сочидан ҳам кўп.

Аслида эса умри бино бўлиб Шчукарнинг қўлидан бор-йўғи атиги иккитагина от ўтган эди. Улардан бирини сигирга айирбошлаган, иккинчиси билан эса шу воқеа содир бўлган эди. Уни Шчукаръ бундан йигирма йил муқаддам Войсковой хуторидан кайфи тароқ бўлиб қайтаётганида ўткинчи лўлилардан ўттиз сўлкавойга сотиб олган эди. Олди-сотди маҳалида бия юма-лоққина, бўз ранг, шалпангқулоқ, кўзида оқи бор, аммо жуда чарс эди. Шчукаръ бобо лўли билан тушгача савдолашди. Улар қирқ мартача қўл олишиб ажралишиб кетишар, яна қўл олишар эди.

— Бия эмас, олтин! Чопганида кўзингни юмсанг, ер кўринмай кетади. Қуюн! Учар қуш!— оғзидан тупук сачратиб ишонтирар ва қасам ичар эди лўли, ҳориб сулайган Шчукарнинг курткасининг баридан тортиб.

— Озиқ тишлари сира ҳам қолмабди, бир кўзи кўр, туёқлари титилиб кетган, қорни осилиб ётибди... Бунинг нимаси олтин экан, олтин эмас, тирик товон!— деб отни камситарди Шчукаръ бобо, лўлининг охириги марта яна бир сўм камайтиришини истаб; уларнинг савдолари шу бир сўм туфайли битмай турган эди.

— Тишини бошингга урасанми? Емни камроқ ейди. Лекин ўзи ёш байтал, худо урсин. Байтал эмас, тойчоқ, тиши бўлса бемаҳал касалга чалинганидан тушиб кетган. Кўзидаги оқининг сенга нима куйгулиги бор? Бу оқ эмас, хол! Туёқлари ҳам битиб кетади, мусаффо бўлиб кетади... Байталими кўкроқ, савлати йўқроқ, тўшга тортиб ҳайҳайламай, қўшга қўшиб ер ҳайдайсан-ку, тўғримми? Разм сол, қорнининг катталиги — кучи кўплигидан! Чопса ер титрайди, йиқилса ер тишлайди... Эҳ, отахон! Афтидан, ўттиз сўмингга учқур от олмоқчига ўхшайсан, тиригини ололмайсан, ўлиб қолса гўштини текинга ҳам бераверишади...

Хайриятки, лўли дуруст одам экан, қийишиб ахийри яна бир сўм камайтирди-да, савдони битириб, нўхта-нинг тизгинини Шчукарга тутқазди, ҳатто намоишкоро-на пиқирлаб, бари кенг оч кўк сюртугининг енги билан қўнғир пешанасини артди.

Тизгин Шчукарнинг қўлига ўтиши билан биянинг бояги ўйноқилигидан асар қолмади. У Шчукарнинг зўр-базўр тортқилашига хушёқмаслик билан итоат қилиб, қийшайган туёқларини аранг сурганча кетидан кета бошлади. Лўли шундагина бўрдек оппоқ зич тишларини кўрсатиб кулиб юборди-да, Шчукарнинг орқасидан қичқирди:

— Ҳой отахон! Дон казаги! Яхшилигимни эсингдан чиқарма! Бу от менга қирқ йил хизмат қилган эди, сенга ҳам шунча йил хизмат қилиб беради, лекин унга ҳафтасига бир марта ем бер, бўлмаса асов бўлиб кетади!.. Отам уни Руминиядан миниб келган экан, унга Москвадан қочиб кетаётган французлардан қолган экан. Табаррук от!

Байталини сургаб кетаётган Шчукарнинг орқасидан у яна бир нималар деб қичқирди; чодир олдида ва лўлининг оёқлари остида зағчадек қоп-қора бақироқ лўливаччалар чувиллашар, лўли хотинлар қийқириб қаҳқаҳа отишар эди. Ҳеч нарсага эътибор бермай кетаётган Шчукар бобо соддадиллик билан ўйларди. «Қандай от олганимни ўзим ҳам кўриб турибман. Пулим бўлса шуни олармидим? Лўли ҳам менга ўхшаган ҳазилкаш, хушчақчақ одам экан... Мана отли ҳам бўлдик. Якшанба куни қўшиб, хотиним билан станицадаги бозорга тушамиз».

Ҳали Тубянскойга ҳам етиб улгурмасидан от каромат кўрсата бошлади... Тасодифан орқасига қараган Шчукар ҳанг-манг бўлиб қолди: орқасидан сотиб олган семиз қориндор бияси эмас, қорни ичига тортиб, биқинлари чуқур тушиб қолган дирдов қирчанги келаетир эди. Ярим соат ўтар-ўтмас этининг ярми ҳам қолмабди. Шчукар чўқиниб, «Алҳазар, алҳазар, алҳазар!» деганича қўлидан тизгинни тушириб юборди, кайфи батамом тарқаб кетаётганини сезди-ю, тўхтаб қолди. Биянинг атрофидан айланиб, унинг ҳаддан тез ориқлашининг сабабини тушунди: биянинг беҳаё-

ларча тепага қия кўтарилган пахмоқ думи остидан вишиллаб ҳуштак чалганича бадбўй ел билан шилта тезак отилиб чиқмоқда эди. «Эҳ, ана холос!»— деб хўрсинди Шчукаръ, бошини чангаллаганча. Сўнг нўхтани қўлига ўраб олиб, бияни ўн баравар зўр куч билан сургаб кетди. Биянинг қорнидан отилиб турган «лава» то Тубянскойга етгунгача тинмади, йўлда шармандали излар қолди. Агар Шчукаръ отини тизгинидан етаклаб кетаверганида Гремячий Логга эсон-омон етиб олиши ҳам мумкин эди-ю, аммо у танишлари кўп бўлган Тубянской хуторидаги отахони турадиган биринчи қўранинг рўпарасига етиши билан сотиб олган отини миниб олишга қарор қилди. Унинг кўнглида бирдан ҳаддан ташқари мағрурлик, одатда, ҳамиша ўзига хос бўлган мақтаниб қўйиш истаги туғилди, эндиликда Шчукаръ ҳам камбағалчиликдан қутулиб ёмон бўлса ҳамки, ўз хусусий отини миниб кетаётганини кўрсатгиси қелди. «Дррр, лаънати! Сенга нуқул гижинглаш бўлса!»— деб жаҳл билан қичқирди Шчукаръ, кўз қири билан рўпарадаги уйдан таниш казак чиқиб келаётганини кўриб. Шу сўзларни айтиб нўхтани силтади-да, кўкрагини кериб қўйди. Эҳтимол, қулун вақтидалигида ўйноқлаб чичонглаган оти, ўйноқлашни мутлақо хаёлига келтирмас эди. Бия орқа оёқларини жуфтлаб бошини қўйи солганча тўхтаб қолди. «Отахоним олдидан миниб ўтай. Кўриб қўйсин!» деган ўй билан Шчукаръ бир сапчиб отнинг туртиб чиққан яғринига ётиб олди. Худди шу аснода кейинчалик Тубянскойдаги казакларнинг узоқ вақт оғзидан тушмаган ҳодиса юз берди: Шчукаръ худди ана шу жойда қулоқ эшитмаган шармандаликка учради, бу ҳақдаги ривоятлар бизнинг кунларгача ҳам етиб келди, ажаб эмаски, келажак наслга ҳам мерос бўлиб ўтса... Шчукарнинг оёқлари ердан узилиши билан, у от устида кўндаланг осилиб қолиб миниб олишга интиларкан, бия қалқиб кетиб, ичида алланарса гўлдиради-ю, турган жойида думини кўтариб йўл устига қулаб тушди. Шчукаръ қўлини чўзганча йўлдан ошиб ўтиб, йўл бўйидаги баргиз ўт устига бориб тушди. Жонҳолатда ўрнидан сапчиб турди-да, казак унинг шарманда бўлганини кўриб турганини пайқаб, бунни ўш-

қириш билан хаспұшламоқчи бұлди: «Сенга яланг шаталоқ отиш бұлса!»— деб бұкирарди у отни оёғи билан тепаркан. Бия ҳеч гап бұлмагандек ўрнидан туриб йўл бўйидаги сўлган баргизга тумшугини чўзди.

Шчукарни кузатиб турган казак ниҳоятда ҳазилкаш, хушқақчақ одам эди, у четан девордан сакраб ўтиб, Шчукарнинг олдига келди. «Саломат бормисан, Шчукаръ! От сотиб олибсан-да?»— «Сотиб олдим, сал пайқамайроқ қолибман-да, лаънати асовроқ чиқиб қолди: минаман десанг, ерга кўтариб уради. Чамаси, ҳали минилмаган, эгар урилмаганга ўхшайди». Казак кўзини қисганча биянинг атрофидан икки марта айланиб чиқди, шу орада унинг тишларига ҳам назар ташлаб олгач, жиддий оҳангда: «Ҳа, дарҳақиқат, хом экан! Лекин ўзи зотдор отга ўхшайди, тишига қараганда ёши ҳам элликдан кам эмас, зотдорлигидан ҳеч кимга бош бермаганга ўхшайди»,— деди. Ўзига нисбатан бу хайрихоҳликни кўрган Шчукаръ юрак бетлаб сўради: «Айт-чи, Игнатий Порфирич, у нима сабабдан жуда тез ориқлаб қолди экан? Етаклаб келяпману, кўзимнинг ўнгида чўп бўлиб кетяпти; ичидан худди гордан чиққандек бадбўй ҳид билан шалтоқ отилиб чиқяпти. Қела-келгунча йўлни ифлос қилиб келди!» «Сен буни кимдан сотиб олдинг? Лўлилардан эмасми?» «Ўшалардан, хуторларингизнинг яқинида манзил қуришган экан». «Хўш, от шу сабабдан ориқлаб қолганки,— деб тушунтирди отлар билан лўлиларнинг феълени яхши биладиган казак,— улар буни сенга сотишдан олдин пуфлаб шиширишган. Қариликдан ориқлаб қолган отни сотишдан олдин орқасига узун қамиш най текиб, биқини роса кўпчиб, ўзи юм-юма-лоқ қориндор бўлгунча бутун жамоалари билан навбатма-навбат пуфлашади. Уни ҳўкизнинг пуфагидек пуфлаб шиширганларидан кейин, шу заҳотиёқ қамишни суғуриб олиб, ели чиқиб кетмаслиги учун қатронга беланган латта ёки бир парча сўта текиб қўйишади. Сен ҳам шундай қилиб шиширилганини олибсан. Тиқини йўл-йўлакай тушиб қолган бўлса, биянги ориқлай бошлаган... Сен изинга қайтиб тиқинни топиб кел... Биз бирпасда яна пуфлаб шиширамиз...» «Вой қорнинг ёрилгурлар-э!»— жонҳолатда қичқирди Шчукаръ ва

дўлиларнинг манзилига қараб югурди, аммо тепаликка чиқиб сой бўйида на чодиру, на чайла қолганини кўрди. Манзилнинг ўрнида ўчмаган гулханнинг кўкиш тутини ер бағирлаб юрар, узоқдаги ёзлик йўлдан кўтарилиб чиқаётган оппоқ чангни ел тарқатиб юбормоқда эди. Лўлилар худди эртақдагидек ғойиб бўлган эди. Шчукаръ йиғлаб изига қайтди. Кўнгилчан Игнат Пөрфирьевич яна уйдан чиқиб келди. «Мен тагидан кўтариб тураман, у тагин... шўхликдан йиқилиб тушмасин, сен миниб ол»,— деб таклиф қилди у. Номус, ҳасрат ва қоратердан шалаббо бўлиб кетган Шчукаръ унинг ёрдамини қабул қилиб бир амаллаб миниб олди. Аммо ҳали у кулфатлардан тугал халос бўлмаган экан: бия бу гал йиқилиб тушмади, аммо у кишини ҳайрон қолдирадиган даражада шаталоқ отиб кетди. У худди чопаётгандагидек олдинги оёқларини олдинга ташларди-да, орқа оёқларини сағрисидан юқори кўтариб чичонглар эди. Шу тариқада у Шчукарни биринчи чорраҳагача олиб борди. Байтал шаталоқ отганда унинг бошидан қалпоғи учиб тушган эди, ичак-човоғи ағдар-тўнтар бўлиб узилиб кетай деди. «Астағфирулло! Шу зайлда кетиб бўладими!..» деб, Шчукаръ йўл-йўлакай отдан тушди. У қалпоғини олгани кетди, аммо тор кўчадан халойиқ югуриб келаётганини кўргач, изига қайтиб чарслик қилган касофат отни хутордан олиб чиқиб кетди. Ел тегирмонигача орқасидан болалар эргашиб бориб кейин орқада қолиб кетишди. Шчукаръ эса энди лўлининг «қуюндек оти»га яна минишга журъат қилмасдан узоқдаги тепалик сиртидан айланиб ўтди, аммо тепаликда етаклашга дармони етмай, бияни олдига солиб ҳайдамоқчи бўлди. Шундан кейингина маълум бўлдики, шу қадар машаққат билан харид қилган отининг иккала кўзи ҳам кўр экан. Бия тўғри ўнқир-чўнқирларга қараб кетаверар, улардан сакраб ўтмасдан йиқилиб тушар, сўнгра олдинги оёқларини мажолсиз тираб ўрнидан турарди-да, оғир хўрсиниб яна юра бошлар, юрганда ҳам одатдагидек тўғрига қараб эмас, айланиб-айланиб юриб борар эди... Бу янгиликдан ҳанг-манг бўлган Шчукаръ уни бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйгач, шу нарсани кўрди: байтал бир доира чизиб, янгисини бошлар, шу тариқа

тўхтовсиз айлана-айлана кетаверарди... Шундан кейин Шчукаръ сотиб олган отининг оғир ва узоқ умри давомида чиғириқ айлантириб, кўзи хиралашиб, қариб қолганини пайқади.

Кундуз куни хуторга кириб боришдан уялиб, байтални қош қорайгунча тепаликда ўтлатди, уни кечасигина уйига ҳайдаб кириб борди. Гупсангилек қаҳри қаттиқ хотини уни қандай қарши олгани, чуваккина Шчукарнинг нобоп хариди учун нималарга гирифтор бўлгани ўша пайтларда Шчукаръ билан дўст бўлган этикдўз Локатеевнинг таъбири билан айтганда— «ҳеч кимга маълум эмас». Шуниси маълумки, байтал тез орада қўтир бўлиб жуни тўкилиб кетди, шу кўримсиз аҳволда бир куни ярим кечаси қўрада беозоргина жон берди. Терисини эса Шчукаръ ошнаси Локатеев билан сотиб ичди.

Шчукаръ бобо Яков Лукични, умрим бино бўлгандан бери кўп отларни кўрганман, деб ишонтирмоқчи бўлса-да, Яков Лукич унинг гапига ишонмаслигини яхши билар, чунки Шчукарнинг бутун ҳаёти Яков Лукичнинг кўз ўнгида ўтган эди. Аммо Шчукаръ бобонинг қўндоқда теккан бир касали бор — мақтанолмасдан, ёлгон ишлатмасдан туrolмас эди. Ихтиёридан ташқари қандайдир бир куч унга шундай нарсаларни гапиртирардики, бу гаплардан бир неча дақиқадан кейин, иложи бўлса, бажону дил тониб юборар эди...

Хуллас, Шчукаръ бобо ҳам кучер, ҳам отбоқар бўлиб қолди. Шунини айтиб ўтиш керакки, ўзининг оддийгина вазифаларини чакки бажармас эди. Тез юришни яхши кўрадиган Нагульновга бир нарсасигина, ўқтин-ўқтин тўхтайверишигина ёқмас эди. Қўрадан чиқарчиқмас тизгинни тортарди: «Дррр, жониворлар!» «Нега тўхтатдинг?»— деб сўрарди Нагульнов. «Отлар ёзилиб олсин»,— деб жавоб берарди Шчукаръ бобо ва Нагульнов ўриндиқ остидан қамчинни суғуриб олиб айғирнинг яғринига уриб қолмагунча ҳуштак чалиб тураверар эди.

«Ҳозир подшо замони эмаски, кучер олдинда ўтириб, йўловчи орқада, юмшоқ болишда соллана-соллана кетаверса. Мана мен ҳозир кучер бўлсам ҳам, фойтунда ўртоқ Давидов билан ёнма-ён ўтираман. Баъ-

зан хумори бўлсам: «Қани, тизгинни ушлаб тур-чи, мен тамаки ўраб олай» деб илтимос қиламан. «Ба-жону дил» дейди. Тизгинни қўлига олиб баъзан бир соатгача ҳайдаб кетаверади, мен бўлсам савлат тўкиб ўтирганимча, атрофни томоша қиламан» деб мақтанарди Шчукаръ бобо казакларга. У сипо тортиб, ҳатто камгапроқ ҳам бўлиб қолди. Баҳорги аёзларга қарамай, отларнинг яқинроғида тунай деб отхонага кўчиб ўтган эди, бир ҳафтадан кейин кампири, Шчукаръ бобонинг олдига кечалари ёш жувонлар келармиш, деган баҳона билан уни эл-юртнинг кўзи олдида роса дўппослаб, қарғаб уйига олиб бориб тиқиб қўйди. Ёигитлар кампирга тегажаклик қилиб бобога бу жирканч тухматни ёғдирган эдилар, аммо у кампири билан айтишиб ўтирмай уйига кўчиб бориб, кечалари икки маҳал рашкчи рафиқасининг кузатчилигида айғирлардан хабар олиб кетар эди.

Аравага от қўшишни у шу қадар тез ўрганиб олдики, чаққонликда Гремячий ўт ўчириш командаси унинг олдига тушолмас, туриб қолиб кишнаётган айғирларни қўшгани олиб чиқиб эпга ола туриб ҳамиша йўғон овоз билан пўписа қилар эди: «Ҳо-о-ой! Мунча кишнайсан, иблис!.. У ҳам бия эмас, сенга ўхшаш очилиб турган гул!..» Отларни қўшиб бўлиб, дрогига ўтираркан, мамнуният билан гапирарди: «Хўп, бориб келсак, битта чизиқ<sup>1</sup> ишлайман. Бу турмуш менга жуда ёқяпти, оғайнилар!»

27-да Давидов, биринчи бригада ҳақиқатан ҳам кўрсатмамга хилоф равишда ерни эгат бўйлаб мола-лаётганмикин, деб уни текшириш учун бригада дала-сига бориб келмоқчи бўлди. Бу гапни унга далага сеялкани тузатгани чиқиб, бороналарнинг эгатлардан кўндалангига юрмай, узунасига юраётганини кўриб келган темирчи Ипполит Шалий айтган эди. У хуторга қайтиб келган заҳотиёқ, правлениега кирди; Давидовнинг қўлини олиб:

---

<sup>1</sup> 1930 йилда бригадирлар меҳнат кунини «чизиқ» билан қайд қилар эдилар.

— Биринчи бригада бороналарни эгат бўйлаб молалаяпти,— деди кескин.— Бу тариқа мола бостиришдан ҳеч қандай фойда йўқ. У ёққа ўзинг чиқиб бориб, буюргин, қоидага риоя қилишсин. Мен уларга буни уқтирсам, лаънати шиграй Ушаков: «Сенинг ишинг темир тоблаш билан дам босиш, бизнинг ишимизга тумшуғингни тикма, бўлмаса плуг билан бурнингни пачақлаб ташлаймиз!» дейди. Мен унга: «Дам босгани жўнашдан бурун, сен шиграйни босиб дўппослайми!» деб жавоб бердим. Ёқалашиб кетишимизга сал қолди.

Давидов Шчукаръ бобони чақирди:

— Аравани қўш!

Сабри чидамай югуриб бориб Шчукаръ бобога қарашди. Қўрадан чиқиб кетишди. Ҳаводаги булутлар ва жануби-ғарбдан эсаётган намхуш шабада ёмғирдан дарак берарди. Биринчи бригада қумлоқ ернинг энг чеккадаги участкасида ишламоқда эди. У хутордан ўн километрча келадиган адир орқасидаги Лютой пруд яқинида эди. Бригада ерни бошоқли экинлар экишга тайёрлаб ҳайдамоқда, ёмғир суви эгатлар бўйлаб пастликка уриб кетмай кафтдек қилиб текисланган ерда тўхтаб қолиши учун шудгорни ниҳоятда қунт билан молалаш зарур эди.

— Жадалла, жадалла, бобо!— деб ялинарди Давидов парча-парча қуюқ булутларга қараб қўйиб.

— Ҳали ҳам жадаллатяпман. Ана бўз от кўпикка тушай деяпти.

Ёзги йўл яқинидаги тепалик устида ўқувчи болалар ўз кекса ўқитувчилари Шпинь билан кетма-кет тизилишиб кетмоқда эдилар.

Уларнинг орқасида сувли бочкалар ортилган тўрт-тарава кетмоқда эди.

— Чурвақалар юмронқозиқ тутгани чиқибди,— деб Шчукаръ уларни қамчини билан кўрсатди.

Давидов болаларга сиполик билан жилмайиб қарарди. Арава болаларга етиб олгач, Шчукарга: «Тўхтат»,— деб илтимос қилди-да, тикилиб туриб, етти ёшлардаги малла сочли оёқ яланг бир болани чақирди:

— Бу ёққа кел-чи.

— Бориб нима қиламан?— сиполик билан сўради



бола отасининг қизил ҳошияли козероги устидаги кокардасининг ўрни ўнгиб кетган фуражкани гарданига суриб қўйиб.

— Сен қанча юмронқозиқ ўлдирдинг?

— Ўн тўртта.

— Қимнинг ўғлисан?

— Федот Демидич Ушаков бўламан.

— Қани, ёнимга чиқ, Федот Демидич, сайр қилдириб кетай. Сен ҳам чиқ,— деди Давидов дурра ўраган қизни қўли билан имлаб. Кичкинтойларни ёнига ўтқазиб, буюрди:— Ҳайда!— Сўнгра боладан:— Сен нечанчи группадасан?— деб сўради.

— Биринчида.

— Биринчидами? Ахир, бурунни қоқиб юриш керак-ку, факт.

— Қоққан билан тамом бўлмайди. Мен шамоллаганман.

— Хўш, нега қоққанинг билан тамом бўлмас экан? Бурнингни бу ёққа олиб кел-чи!— Давидов бармоқларини шимига яхшилаб артиб, хўрсиниб қўйди.— Вақт топиб колхоз правлениесига киргин, мен сенга шоколад конфет бераман. Сен ҳеч шоколад еганми-сан?

— Й-ў-ўқ...

— Колхоз правлениесига, менинг олдимга меҳмон бўлиб боргин, сийлайман.

— Менга конфетнинг кераги йўқ!

— Ҳаҳ-ҳа! Нега энди, Федот Демидич?

— Тишларим уваланиб кетяпти, пасткилари тушиб кетди, мана қаранг!— Бола пушти лабларини очди, дарҳақиқат, иккита пастки тиши йўқ эди.

— Бундан чиқдики, Федотка Демидич, ҳали кемшик экансан-да?

— Ўзинг кемшиксан?

— Ҳм... Ана холос... Кўзинг тушибди-да!

— Меники чиқару, сеники чқмаса керак? Ҳа!..

— Бекор айтибсан, оғайни! Меники ҳам чиқади, факт.

— Ёлғонни қотираркансан! Катталарнинг тиши тушса чиқмайди. Мен юқоридаги тишларим билан ҳам тишлаб оламан, худо урсин!

— Тишлаб бўлсан!

— Бармоғингни бер-чи? Ишонмайсанми?

Давидов жилмайганича кўрсаткич бармоғини чўзди-ю, уҳ-уҳлаб тортиб олди: юқориги бўғинида кўм-как тиш излари қолган эди.

— Хўп энди, Федотка, мен сенинг бармоғингни тишлаб кўрай,— деб таклиф қилди у, аммо Федотка бир оз ҳаяллаб турди-да, юриб кетаётган дрожкидан худди катта кул ранг чигирткадек сакраб тушди, бир оёқда ҳаккалаб юриб:

— Жон деб тишлар эдинг-а! Энди ҳам тишлаб кўрчи!..— деб қичқирди.

Давидов қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди, қизалоқни дрожкидан тушириб қўйиб, Федотканинг йўл устида қизариб турган қизил ҳошияли фуражкасига анчагача қараб жилмайди, қалбида аломат меҳр, кўзларида нам пайдо бўлди. «Улар учун яхши ҳаёт қуриб берамиз, факт! Ҳозир Федотка отасининг казакча картузини кийиб чопқуллаб юрибди, йигирма йилдан кейин мана шу ерни электроплуг билан ҳайдайди. Унинг бошига онам ўлганда менинг бошимга тушган кун тушмас: сингилларининг кир-чирини ювмас, ямоқ ямамас, овқат пиширмас, заводга қараб югурмас... Федоткалар бахтиёр бўлишади, факт!» деб ўйларди Давидов, майин кўкат босган бепоён даштни кўздан кечираркан. Тўрғайларнинг қўнғироқдек овозига бир дақиқагина қулоқ солди, узоқда плугчининг плугга мункайиб ёпишганча бораётганини, ҳўкизларнинг ёнгинасида эса эгат бўйлаб қоқила-қоқила кетаётган етовчини кўриб, астойдил хўрсиниб қўйди «Одам учун ҳамма оғир ишларни машина қиладиган бўлади.. Ўшанда одамлар тер ҳидини унутсалар ҳам ажаб эмас... Қани энди ўша кунларни ҳам кўрсам! Армоним қолмас эди! Ўлиб кетсанг ҳақ қандай Федотканинг ҳам эсига келмайсан. Ўлиб кетишинг турган гап, оғайни Дағдодов! Сендан зурриёт ўрнига Гремячий колхозни қолади. Колхоз коммунага айланади, қарабсанки, уни кейинчалик Путиловский слесари Семка Давидовнинг номи билан атайдиган бўлишади...» Давидов ўзининг ҳазил аралаш хаёлидан кулиб, Шчукардан сўради:

— Қачон етамиз?

— Икки марта кўз юмиб, учинчисида.

— Сизларда қанча ер бефойда ётибди — бу факдан ваҳминг келади. Яна иккита беш йилликдан кейин биз бу ерларга заводлар қуриб ташлаймиз. Ҳаммаси ўзимизники, ҳаммаси ўз қўлимизда бўлади, факт! Бир зўр бериб яна ўн йилча яшагин, қўлингга тизгин ўрнига машина рулини ушлайсан. Шиғиллатиб ҳайдайсан, кўз очирмайсан!

Щукаръ бобо хўрсиниб қўйди.

— Сал фурсат ўтиб қолди! Мен бундан қирқ йил илгари ишчи бўлганимда ҳам бошқа одам бўлиб қолармидим... Деҳқончиликда омад менга ёр бўлмади. Норасидалигимданоқ турмушим ўнгидан келмайди, ҳозиргача аҳвол шу. Умрим бино бўлибдики, тақдир шамоли мени учириб гоҳ икки буклаб кетади, гоҳ бирон нарсага олиб бориб уради, гоҳ абжағимни чиқаради...

— Нега энди? — қизиқиб сўради Давидов.

— Ҳозир ҳаммасини бир чеккадан гапириб берман. Отлар йўртиб кетаверсин, мен сенга ҳасратимни айтай. Бадқовоқ одам бўлсанг ҳамки, дардимга даво бўлиб, раҳминг келиши керак... Менинг бошимга не-не кулфатлар тушмаган. Даставвал, туғилишим билан, доя кампир раҳматлик онамга шундай деган экан: «Ўғлинг ўрта ёшга етганда генерал бўлади. Туриш-турмуши генералман деб турибди: пешанаси ҳам энсизгина, калласи ҳам чўзиққина, қорни ҳам юмалоққина, овози ҳам йўғонгина. Севин, Матрёна!» Икки ҳафтадан кейин доя айтган сўзларнинг тескарисини чиқибди... Мен «Евдокия» кунда туғилган эканман, ўша кунни товуқ сув топиб ичиши у ёқда турсин, ойимнинг сўзига қараганда, ҳатто учиб кетаётган чумчуқлар ҳам онасини кўриб яхлаб қолар экан! Мени Тубянскойга чўқинтиргани олиб боришибди. Хўш, ўзинг ўйлаб кўр, шундай совуқда ёш гўдакни сувга чўмилтириб бўладими ўзи? Сув исита бошлашибди, дьячок билан поп итти боласидек маст экан. Биттаси тоғорага қайноқ сувни қуйибди, иккинчиси бўлса қўлини ҳам тиқиб кўрмасдан, «Ё ҳазрати Исо, худонинг бандасини чўқинтиряпмиз» деганича мени бошим билан қайноқ сувга ботирибди... Терим шилиниб тушибди! Уйга олиб

желишибди, ҳамма ёғим пуфак-пуфак бўлиб қавариб ётганмик. Хўш, азбаройи оғриққа чидаёлмай, зўр бериб йиғлайверганимдан зўриқиб чуррам тушибди... Шу-шу бўлди-ю, дардга чалиниб, фалокатим аримай қолди! Сабабки, деҳқон оиласида дунёга келганман. Тўққиз ёшга киргунимгача мени итлар ҳам юлқилаган. ғоз ҳам ўласи қилиб талаган, бир марта тойчоқ ҳам ерга кўтариб уриб, ўлар ҳолатда чўзилтириб қўйган. Тўққиз ёшимдан бошлаб эса бир-бирдан хунук ҳодисалар бошимга туша бошлади. Ун ёшга қадам қўйганимда ростакам қармоққа илиниб қолдим...

— Қандай қармоққа?— Таажжубланди Шчукарнинг ҳикоясини диққат билан эшитаётган Давидов.

— Балиқ тутадиган қармоққа-да. Ўша пайтда бизнинг Гремячийда Купирь деган гаранг кекса чол бўлгувчи эди. У қишда тўр ва матраб билан каклик овларди, ёзда бўлса сойдан бери келмай, қармоқ билан балиқ тутарди. У вақтда сойимиз чуқурроқ, унда ҳатто Лапшиновнинг бир тошли тегирмони ҳам турар эди. Тўғоннинг тагида сазанлар билан каттакон чўртанлар бўлгувчи эди; бобо тол тагида қармоқ билан ўтириб еттита қармоқни ташлаб қўярди, баъзисига чувалчанг, баъзисига хамир, баъзисига эса тирик балиқчани илиб чўртан балиқ тутмоқчи бўларди. Биз, болалар, унинг қармоқларини тишимиз билан узиб кетиш пайдан бўлардик. Бобо тошдан баттар том битган гаранг, қулоғига чоптириб юборсанг ҳамки барибир эшитмасди. Биз сой бўйига йиғилиб, бобонинг яқинидаги бутанинг панасида ечинардик-да, биттамыз сувни чайқатмасдан сойга тушиб, шўнғиганимизча қармоқлари олдига сузиб бориб, энг четдаги қармоқни тишимиз билан ширт этиб узардигу, яна бутанинг тагидан чиқиб олардик. Бобо бўлса, ипни тортиб олар, қалт-қалт қилиб жаврарди: «Яна узиб кетибдими, лаънати? Эҳ, худо урган!» Буни чўртандан кўриб, қармоғидан ажраганига жиғибийрони чиқарди. У қармоқларни дўкондан оларди, бизнинг сотиб олишга пулимиз бўлмасди, шу сабабдан бобонинг ғаниматидан фойдаланардик. Шундай пайтлардан бирида мен бир қармоқ олиб чиқиб, яна биттасини узиб чиқиш пайдан бўлиб қолдим. Қарасам, бобо қармоққа чувалчанг ўтказяпти,

дарров сувга шўнғидим. Энди пайпаслаб топиб оғзимга олиб борган ҳам эдимки, бобо қармоқни бирдан тортиб юборса бўладими! Ип қўлимдан чиқиб кетиб, қармоқ юқори лабимни тешиб ўтди. Бақиринишга тушдим, оғзимга сув кириб кетяпти. Бобо бўлса қармоқни юлқиб мени тортиб олиш пайдан. Мен бўлсам, оғриқнинг зўридан типирчилаб қармоққа илашиб кетяпман, бир вақт қарасам, бобо тагимдан сават юборяпти... Хўш, шундан кейин шўнғиб чиқиб, жонҳолатда бўкирдим. Чол ҳанг-манг бўлиб қолди. Чўқинаман дейди-ю, қани қўли келишса, қўрққанидан башараси мўматалоқ бўп кетипти. Ўтакаси ёрилмаслиги ҳам мумкинмиди? Чўртан деб тортгани йигитча чиқиб қолса. Туриб-туриб бир вақт тирақайлаганича қочиб қолди-ку!.. Оёғидаги чориқлари тушиб қолаёзди! Лабимда қармоқ билан уйга кириб бордим. Отам қармоқни қийиб олиб ташлаб, кейин мени ўласи қилиб савалади. Урганнинг нима фойдаси бор? Лабим битиб кетди-ю, шундан буён мени Шчукаръ<sup>1</sup> деб чақирадиган бўлиб қолишди. Шу бемаъни лақабдан қутулолмадим-қутулолмадим... Бир йилдан кейин кўкламда ғоз болаларини ел тегирмоннинг олдига ўтлатгани олиб чиқдим. Ел тегирмон ишлаб турибди, яқинида менинг ғозчаларим ўтлаб юрибди, уларнинг тепасида калхат чарх уриб учяпти. Ғозчалар сап-сарик, ёқимтойгина, калхат улардан биронтасини илиб кетмоқчи, аммо мен уларни қўриқлаб, калхатни ҳайдаб, «ки-и-ишт!» деб қичқираман. Шу орада ўртоқларим келиб қолиб ел тегирмоннинг паррагига тирмашиб ўйнай бошладик; биттадан ҳар бир парракка ёпишамиз, у ердан икки газча юқорига кўтаради, шундан кейин қўлимизни қўйиб юбориб ерга тушиб ётиб оламиз, бўлмаса бошқа паррак тегиб кетиши мумкин. Болалар бориб турган шумтака эди! Топган ўйинларини қаранг: ким ҳаммадан баландга кўтарилса, ўша «подшо» бўлиб, бошқалар уни ел тегирмондан ғарамгача опичиб бориши керак эди. Хўш, ҳар ким ҳам «подшо» бўлгиси келади. Мен ҳам: «Ҳозир ҳаммадан баландга чиқаман! деб ўйладим, ғозчалар эсимдан ҳам чиқиб кетибди. Мени паррак кўтариб кетяпти, бир вақт қа-

---

<sup>1</sup> Бу лақаб русча «шчука» сўзидан ясалган. (Тарж.)

расам, ғозчаларнинг устида калхат айланиб илиб кетай деб турибди. Жон-поним чиқиб кетди,— ғозча учун калтак ейишим турган гап... «Болалар!— деб қичқирдим.— Қалхат! Қалхатни ҳайданглар!..» Ҳзим бўлсам парракда турганимни унутиб қўйибман... Ҳушимга келиб қарасамки, осмони фалакка чиқиб кетибман! Пастга сакрай десам ҳам юрагим дов бермайди, юқорига чиқай десам ҳам. Нима қилиш керак? Энди нима қиламан деб турсам паррак тиккага келиб тўхтади, оёғим осмонга бўлиб қапишиб қолдим. Паррак ерга оға бошлаши билан қўлимни қўйиб юбордим. Ерга қанчада учиб тушганимни билмайман, назаримда, жуда узоқ кўринди, аммо чилпарчин бўлиб тушдим. Жон-ҳолатда сапчиб туриб қарасам, билагимнинг суяги ўйнаб чиқибди. Қаттиқ оғриқ кириб, кўзимга ҳеч нарса кўринмади; калхат ғозни илиб кетганди, бу билан сира ишим ҳам бўлмади. Табиб хотин суякларимни жой-жойига солиб қўйди-ю, аммо на чора? Барибир янаги йилига тагин чиқиб кетиб, ўзимни ўроқ машинаси дабдала қилиб юборди. Петров кунидан<sup>1</sup> кейин акам билан жавдар ўргани чиқдик. Мен отларни ҳайдаяпман, акам бўлса ўрилган ғаллани ирғитиб турибди. Отларни ҳайдаяпман, уларнинг тепасида сўналар айланиб юрибди, осмондаги офтоб оппоқ оқариб, кун шундай қизиб кетганки, мен ниҳоятда лоҳас бўлиб, мудроқ босганича ўриндиқдан йиқилиб тушаёздим. Кўзимни очиб қарасам, ёнимдаги эгатда узала тушиб каттакон тувалоқ ётибди. Мен отларни тўхтатдим, акам: «Айри билан санчиб оламан!»— деди. Мен дедимки: «Акажон, мен таппа босиб, тирик ушлаб ола қолай?» «Сакра!»— деди. Ҳўш, мен сакраб тувалоқни ёнбошидан ушлаб олдим, у қочмоқчи бўлиб сапчиди. Қанотларини ёзиб, менинг калламга ура-ура сакраганича сургаб кетяпти, ўзи бўлса қўрқиб кетганидан (чамаси, ёмон қўрқиб кетган экан-да) мени шилта тезаги билан булғатиб, асов от молани сургагандек сургаб кетяпти. Нима ҳам бўлиб орқасига қайтмоқчи бўлди. Отларнинг оёқлари тагига ташланса бўлади-ми, отлар Ҳуркович эди: устимдан сакраб ўтиб пиш-

<sup>1</sup> Петров кунини — 29 июнь. Авлиё Пётр байрамин. (Ред.)

қирганларича олиб қочишди. Мен ўроқ машинасининг тагига тушиб қолдим... Акам дарров тепкини босиб, тиғларини юқорига кўтарди. Мен полканинг тагига кириб қолиб, ўроқ машина сургаб кетди, ҳали у ёққа айланади, ҳали бу ёққа айланади... Уроқ битта отнинг илигига тегиб кетиб пайини қирқиб юборди, мени бўлса таниб бўлмайдиган даражада дабдала қилди. Акам отларни бир амаллаб тўхтатиб, биттасини чиқарди-да, мени унга ўнгариб хуторга олиб келди, мен бўлсам беҳушмишман, ҳамма ёғимга тувалоқнинг тезаги билан лой чапилган, ҳароми тувалоқ бўлса учиб кетибди. Тузалиб кетдим... Ярим йилчадан кейин қўшнимизникидан келаётсам, йўлимни хуторнинг буқаси кесиб ўта бошлади. Айланиб ўтаман десам, худди қонхўр йўлбарсдек думини ўйноқлатиб мени сузмоқчи бўлиб келяпти. Мен, ўшанинг шохида жон берсам, деб ўлиб турганмидим! Қочдим, етиб олиб пастки қовурғамнинг тагидан шохи билан илганича четан девордан ошириб ташлади. Қовурғам онасини кўриб қарсиллаб кетди. Қовурғам бир икки юзта бўлса ҳам майли эди-я, беҳудага қовурғадан ажралиш алам қиларкан... Шу сабабдан чақириқ вақтида яроқсизга чиқдим. Шундан кейин ҳар хил махлуқлардан кўрган жабрларимнинг сон-саногини йўқ! Бамисоли, шайтон менга тамғасини босиб қўйгандай; қайси бир ит занжирини узиб кетмасин, лаънати қаерларда ҳаллослаб юрган бўлмасин, албатта менинг олдимга етиб келади, ё бўлмаса мен унинг рўпарасидан чиқиб қоламан. Қарабсанки, қошиб дабдала қилади, бунинг менга нима нафи бор? Ужачина жаридан кўзанлар ҳам йўлгача тириқтириб келган, даштда ёввойи тўнғизлар ҳам даф қилган. Бир марта буқанинг касофатидан калтак еб, этигимдан ажраганман. Бир кун кечаси хуторда кетаётсам До-нецковларнинг уйи рўпарасида яна олдимдан буқа чиқиб қолди. «Бу-у-у-у!..»— деганича думини ўйноқлата берди. Йўқ, тошингни тер, сенларнинг тоифангдан бир марта таъзимни еб бўлганман, деб ўйладим. Уйнинг тагидан кетяпман, буқа орқамдан югуриб қолди, мен чопа бошладим, у етай-етай деб пишқиряпти. Уйнинг кўча деразаси очиқ экан. Мен кўршапалакдек уйга учиб кирдим, қарасам, хонада ҳеч ким йўқ, одам-

ларни безовта қилмай қўя қолай, яна деразадан чиқиб кетарман, деб ўйладим. Буқа бирпас мўнграб туриб уй тагини мугузи билан титкилади-да, кетиб қолди. Мен энди деразадан кўчага сакрамоқчи бўлиб турганимда кимдир қўлимдан шартта ушлаб, яғринимга қаттиқ нарса билан тушириб қолди. Уйнинг эгаси — Донецковларнинг бобоси шовқинни эшитиб, мени ушлаб олибди. «Сен бу ёққа нега кирдинг, йигитча?» «Буқадан жон сақламоқчи эдим». «Йўқ,— деди,— биз сен буқаларни яхши биламиз. Сен келинимиз Олюткага кирганмидинг?» Шундай деб, ура бошлади, бошда ҳазиллашиб ураётган эди, кейин борган сари астойдил тушира бошлади. Ўзи ҳам ҳали бақувват чол, келинига хушомад қилиб юрарди, алам қилиб менинг озиқ тишимни уриб синдирди... Кейин: «Олюткага яна келасанми?»— деди. «Йўқ, келмайман, жонинг чиққур!— дедим.— Олюткангни бўйнингга крест қилиб осиб ол». «Хўп, этигингни еч,— деди,— бўлмаса яна дўппослайман!» Этигимни ечиб текин ташлаб кетдим. Охирги этигингдан ажраб турсанг, алам қилмайдами! Уша Олюткани беш йилгача кўрарга кўзим бўлмади юрди, аммо на чора? Шунга ўхшаш ҳодисалар кўп бўлди... Чунончи, мана бу воқеани олиб кўрайлик: сиз билан Титокнинг хўжалигини тугатгани борганимизда унинг тевати нима сабабдан келиб-келиб менинг пўстинимни бурдалаб ташлади? Аслида-ку Макаргами ё бўлмаса Любишкингами ташланиши керак эди, жин урган бутун қўрани айланиб келиб менга ёпишса бўладими! Хайриятки, ҳиқилдоғимга ёпиша олмади, кекирдагимдан икки мартагина бўғса борми, Шчукаръ бобонг дунёдан ўтарди. Йў-ў-ўқ, биз бу нарсаларни яхши биламиз. Булар ҳаммаси ёнимда тўппонча бўлмаганининг касофатидан. Худо кўрсатмасин, ёнимда тўппонча бўлса унда нима бўларди? Қирғин-барот! Тутақсам ўзимни тутолмайман. Уша пайтда тевадни ҳам, Титокнинг хотинини ҳам ўлдириб, Титокни оғзидан отиб ташлардим-қўярдим! Сунқасд содир бўлиб, Шчукарни яна турмага қамаб қўйишлари мумкин эди... Менга турманинг ҳеч ҳожати йўқ, менинг бошқа тирикчилигим ҳам бор. Ҳа... Мен шу тариқа генерал бўлдим. Агар ўша доя ҳозир кўзи очиқ бўлганда, мен уни тириклай ям-



лаб ютардим!.. Бекорчи сафсата сотмасин! Гўдакларни лақиллатмасин!.. Хўш, мана бригада қўшхонасига ҳам етиб келдик!

### XXXII Б О Б

Этигидаги қотиб қолган лойни ҳўл юлғун супурги билан тозалаётган Размётнов даҳлизданоқ Нагульнов эшигининг тирқишидан тушиб турган ёруғни кўрди. «Макар уйғоқ. Нега ухламаётган экан?» деб ўйлади Андрей, эшикни секин очаркан.

Шишасига газетадан қилинган куюк қалпоқ кийгизилган бешинчи лампа бурчакдаги стол билан очиб қўйилган китобни хира ёритиб турарди. Макаرنинг жингалак сочли боши столга диққат билан эгилган, ўнг қўлини ёноғига тираган, чап қўлининг бармоқлари эса сочини чангаллаб олган эди.

— Саломатмисан, Макар! Нега ухламайсан?

Нагульнов бошини кўтариб, норозилик билан Андрейни кўздан кечирди.

— Нимага келдинг?

— Ҳангамалашиб ўтиргани кирган эдим. Халал бермадимми?

— Халал бердингми, йўқми, барибир ўтир, энди ҳайдаб чиқарармидим.

— Нима ўқияпсан?

— Бир эрмак топдим,— Макар китобни кафти билан бекитиб, Размётновнинг оғзини пойлаганча тикилиб қолди.

— Мен Маришканикидан чиқиб кетдим. Бутунлай...— деб хўрсинди Андрей ва табуретга вазминлик билан ўтирди.

— Аллақачон шундай қилишинг керак эди.

— Нега энди?

— У йўлингда тўғаноқ эди, ҳозир шундай ҳаёт бошландики, ҳамма ошиқча нарсаларнинг баҳридан ўтишинг керак. Ҳозир биз коммунистларнинг ҳар хил бекорчи ишлар билан овора бўлмаслигимиз керак.

— Қанақа бекорчи иш? Орамизда ишқ-муҳаббат бор эди-ку.

— Бе, шуям ишқ-муҳаббат бўлди-ю! Бу ишқ-муҳаббат эмас, бўйинга осиб қўйилган кунда эди. Сен мажлис ўтказсанг, у сендан кўзини узмай, рашк қилиб ўтиради. Бу муҳаббат эмас, оғайни, дарди бедаво.

— Бундан чиқдики, сенингча, коммунистлар хотин зотига яқин йўламаслиги керак экан-да? Ип билан танғиб, бичилган ҳўкиздек юравериш керак экан-да?

— Иложи ҳам йўқ-да, сен нима деб ўйловдинг? Илгарироқ эсларини еб уйланиб қўйганлар хотинлари билан кунларини кўраверишсин, мен декрет чиқариб навқирон йигитларнинг уйланишларини тақиқлаб қўярдим. Агар у хотинининг барига ёпишиб оладиган бўлса ундан қандай революционер чиқади? Очофат пашшага бол қандай фалокат бўлса, бизга ҳам хотин шундай фалокат. Ёпишасан-қоласан. Ўзимнинг бошимдан ўтган, жуда яхши биламан! Онгимни оширай деб кечқурун китоб ўқигани ўтирасан, хотининг бўлса ётиб олади. Сен бир оз ўқиб бориб чўзиласан, хотининг орқасини ўгириб олади. Бу қилиғи сенга алам қилади, ё у билан айтишасан, ё ғижинганингча индамай чекиб ётасан, уйқунг қочиб кетади. Уйқуга тўймай, эрталаб калланг ғовлаб биронта сиёсий хато қилиб қўясан. Бу тажрибамдан ўтган! Бола кўрган одамнинг партияга мутлақо фойдаси тегмай қолади. У дарров боласини парвариш қилишга тушиб, сут ҳидига кўникади-ю, адойи тамом бўлади-қўяди! У яхши жангчи ҳам бўлмайди, дуруст ходим ҳам. Мен чор ҳокимияти вақтида ёш казакларга таълим бериб кўзим пишиб қолган; бўйдоқ йигит бўлса чеҳраси ҳам очиққина, фаросати ҳам бор, полкка ёш хотинини ташлаб келган бўлса-чи, соғинганидан сомондек сарғайиб серрайиб қолади, тўнканинг ўзи бўлади-қўяди, фаҳм-фаросатсизлигидан ҳеч нарса уқтиролмайсан. Сен унга хизмат уставини тушунтирсанг, кўрғошин соққасидек кўзларини бақрайтиб тура беради. Аблаҳ сенга тикилаётгандай бўлади-ю, аслида эса у газанданинг қорачиғи ботинида хотинини кўриб туради. Шу ҳам иш бўлди-ми? Йўқ, азиз ўртоқ, бу вақтгача кўнглингни кўчасига келганини қилишинг мумкин эди, модомики, энди сен партия-

дасан, ҳар хил бемаънилиқларни миянгдан чиқариб ташла. Жаҳон революциясидан кейин, менга деса, хотиннинг устида ўлиб қол, унда сариқ чақалик ҳам ишим бўлмайди, ҳозир эса фикри-зикринг ўша революцияда бўлиши керак.— Макар ўрнидан туриб ягриндор хушбичим кифтларини қирсиллатиб керишди-да, Размётновнинг кифтига уриб қўйиб, сезилар-сезилмас жилмайди.— Сен ҳали, унга ҳасратимни айтсаму, у ҳам ҳасратимга шерик бўлса, деб келгандирсан. «Ҳа, ёмон кунга қолибсан, Андрей, хотинсиз ёмон қийналиб қоласан. Бошингга мушкул иш тушибди, сен шўрлик қандай чидаб, қандай сабр қиласан?..»— деб айтади дегандирсан. Шундайми? Йўқ, Андрюха. Мендан нимани умид қилсанг ҳам қилки, бу нарсани зинҳор умид қила кўрма! Сен вахмистершангдан ажралишганингга ҳатто севиняпман. Аллақачоноқ унинг йўғон бўксасига тепиб ҳайдаш керак эди! Мана, чунончи, мен Лушка билан ажралишдим. Бинойидай юрибман. Менга ҳеч ким халал бермайди. Ҳозир бамисоли тигим кулақлару коммунизмнинг бошқа душманларига қарши қаратилган. Утқир найзадекман. Мана ҳатто ўзимча ўқиб, илмимни ошириш имкониятига ҳам эгаман.

— Сен нимани ўқиб ўрганяпсан? Қандай фанларни?— кесатиб совуққина сўради Размётнов.

Макар қайғусига хайрихоҳлик билдириш у ёқда турсин, ҳатто очикдан-очик севиниб, Андрейнинг фикрича, уйланиш тўғрисида куракда турмайдиган тутуриқсиз сўзларни айтди, шунинг учун унинг сўзлари кўнглига қаттиқ ботди. Андрей Макаarning жиддий ва қатъий нутқини эшитаётган маҳалда ваҳима билан ўйлаган эди: «Хайриятки, худо сузонғич сигирга мугуз ато қилмайди, ҳамма иш Макаarning измига ўтиб қолса борми, у нима ишлар қилиб қўймас эди? Шу феъл-атвори бўладиган бўлса бутун турмушимизни остин-устун қилиб юборарди! У, социализм ишидан чалғишмасин, деб бутун эркаклар синфини бичиб қўйса ҳам ажаб эмас эди!»

— Нимани ўрганялсан дейсанми?— деб қайта сўради Макар ва китобни ёпди.— Англиз тилини.

— Ни-ма-ни?

— Англиз тилини. Бу ўзи ўргатадиган китоб.

Нагульнов Андрейнинг юзида масхара аломатини кўришдан қўрқиб, унга хавотир билан тикилди, аммо Андрей бу кутилмаган нарсадан шу қадар ҳанг-манг бўлган эдики, Нагульнов унинг бақрайган-ўқрайган кўзларида ҳайратдан бошқа нарсани кўрмади.

— Хўш, сен... ўшаларнинг тилида ўқий оладиган ё гаплаша оладиган бўлиб қолдингми?

Нагульнов пинҳоний такаббурилик билан жавоб берди:

— Йўқ, ҳали гаплаша олмайман, бу тилни бирданига ўрганиб олиш қийин, аммо, қисқаси, китобдаги сўзларни тушуниб келяпман. Ўзим ҳам тўрт ойдан бери ўқияпман-да.

— Қийин эмасми?— сўлагини ютиб, Макарга ва китобга беихтиёр ҳурмат билан тикилиб сўради Размётнов.

Унинг ўқишига Размётновнинг астойдил қизиқиб қолганини кўрган Макар андишани йиғиштириб кўйиб, завқ билан гапира бошлади:

— Жуда қийин! Мен шу бир неча ой мобайнида... саккизтагина сўзни ёдладим. Аммо, аслида, бу тил ҳатто ўзимизнинг тилга хийлагина ўхшаб кетади. Уларда биздан олинган сўзлар кўп экан, аммо сўзларнинг охирларига ўзларидан дум улашибди. Биздақа чунончи, улар ҳам «пролетариат» дейди-ю, аммо думи бошқачароқ, «революция», «коммунизм» сўзлари ҳам худди шундай. Улар бу сўзлардан ғазаблангандек уларнинг охирларини шипиллаб талаффуз этадилар, аммо бу сўзлардан қочиб қутула олишармиди? Бу сўзлар ер юзи бўйлаб илдиз отди, иста-санг-истамасанг буларни тилга олишга мажбурсан.

— Ҳа-а-а... Ўқияпман дегин ҳали. Бу тил сенга нима учун даркор бўлиб қолди, Макар?— деб сўради ниҳоят Размётнов.

Нагульнов илтифот билан жилмайиб жавоб берди:

— Берган саволингни қара-я, Андрюха! Сенинг фаросатсизлигингдан ҳайрон қолади киши... Мен коммунистман-а, шундайми? Англияда ҳам Совет ҳокимияти бўлади-я? Бош ирғатаяпсан, бўлади деганингми? Бизда англизча гаплаша оладиган рус комму-

нистлари кўпми? Ҳа, балли, кам дегин. Англиз буржуйлари Ҳиндистонни, дунёнинг ярмичасини эгаллаб олиб, ҳар хил қора танли халқларга зулм қиляпти. Шу ҳам иш бўлдимми? У ерда Совет ҳокимияти барпо бўлиб қолса кўпгина англиз коммунистлари синфий душманнинг асли қанақалигини билолмай, уқувсизлик қилиб, уларнинг яхшилаб таъзирини беришолмайди. Ана ўшанда мен илтимос қилиб, уларга таълим бергани ўша ёққа жўнайман, тилларини ўрганиб олганим учун, борган заҳотимоқ муддаони айтаман-қўяман: «Сизларда революшён бўлдимми? Коммунистишёнмисизлар? Капиталистлар билан генералларни мажақлаб ташланглар, йигитлар! Биз Россияда ўн еттинчи йилда бу газандаларни соддадиллик қилиб ўз ҳолларига қўйиб берганимизда, улар кейин бизнинг пайимизни қирқишга тушган эди. Хато қилиб қўймаслик учун, ишлар олрайт бўлиши учун уларни қириб ташланглар!»—Макар бурун катакларини кериб, Размётновга имо қилиб қўйди.—Уларнинг тили менга шунинг учун даркор бўлиб қолди. Тушундингми? Мен кечалари билан мижжа қоқмай, охирги соғлиғимни йўқотсам ҳамки...—у майда, зич тишларини ғижирлатиб, гапини тугатди:—бу тилни ўрганиб оламан! Жаҳон контраси билан англиз тилида шафқатсиз гаплашаман! Газандалар ҳозирда ноқ ваҳимага тушсин! Улар Макар Нагульновдан қҳм... У улар билан ҳазиллашиб ўтирмайди! Улар Нагульновдан мурувват кутмай қўя қолишсин. «Ўз англиз ишчилар синфингиз, ҳиндилар ва бошқа мазлум миллатларнинг қонини ичганмидинг? Бировларни ишлатиб эксплуатация қилганмидинг?—Қани, деворга суяниб тур, қонхўр илон!» Бўладиган гап шу! Мен даставвал худди шу сўзларни ўрганиб оламан. Тутилмай айтадиган бўлишим керак.

Улар яна ярим соатча у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди, кейин Андрей чиқиб кетди, Нагульнов эса яна китобга тикилиб қолди. Лабларини аста-секин қимирлатиб, зўриққанидан ёйиқ қошларини чимирганича терга тушиб соат икки яримгача ўтирди. Эртасига барвақт уйғониб икки стакан сут ичди-да, колхоз отхонасига қараб кетди.

— Менга биронта чопқир от олиб чиқиб берчи,— деб илтимос қилди у отхона навбатчисидан.

Навбатчи чарчаш нима эканини билмайдиган ва чопқирлиги билан донғи кетган сағриси паст саманни олиб чиқаркан, қизиқиб сўради:

— Йўл бўлсин?

— Районга. Давидовга айтиб қўй, шу бугун кечасиёқ қайтиб келаман.

— Салт жўнайсизми?

— Ҳа, эгарни олиб чиқ.

Макар отни эгарлаб, нўхтасини чиқарди-да, бир вақт Титокники бўлган сернақш юганни олиб, оёғини чаққонлик билан мертик узангига қўйди. Саман жойидан қўзғалиб, ўйноқлаганича югуриб кетди, аммо дарвозадан чиқаётганида бирдан қоқилиб кетди-ю, чўккалаб қолди, йиқилиб тушишига оз қолди, бир амаллаб ўнгланиб олди-да, чаққонлик билан сапчиб гурди.

— Изингга қайт, бу ёмон аломат, ўртоқ Нагульнов!— деб қичқирди дарвозага қараб келаётган Шчукаръ бобо, ўзини четга олиб.

Макар унга жавоб бермай отни хутор бўйлаб ел-дирганича катта кўчага чиқиб олди. Қишлоқ совети олдида йигирма чоғлиқ хотин-халаж нима тўғрисида-дир ҳаяжон билан шовқин солиб чуғурлашмоқда эди.

— Қочинглар, ҳақкалар, бўлмаса отим билан бостириб кетаман!— деб ҳазил аралаш қичқирди Макар.

Хотин-халаж индамай, йўл берди. Нагульнов улардан узоқлашиб кетгач, ғазабдан бўғилган овозни эшитди:

— Сен лаънатининг ўзингни босиб кетишмасин! Таъзирингни еб қолмагин тагин...

---

Райком бюросининг мажлиси ўн бирда бошланди. Кун тартибида район ер бўлимининг мудирини Беглихнинг биринчи беш кунликда экишнинг бориши ҳақидаги доклады турарди. Бюро аъзоларидан ташқари район контроль комиссиясининг раиси Самохин билан район прокурори ҳам бор эди.

— Кун тартибидан ташқариги масалалар ичида сенинг масаланг ҳам кўрилади, кетиб қолма,— деб огоҳлантирди Нагульновни ташкилот бўлим мудири Хомутов.

Беглихнинг ярим соатлик докладыни чурқ этмай диққат билан тинглашди. Ер етилиб қолган бўлишига қарамай, райондаги баъзи жойларда экиш ҳали ҳам бошланмаган, баъзи қишлоқ советларида уруғлик фонди тўла-тўқис тўпланмаган. Войсковой қишлоқ советидаги собиқ колхозчилар уруғлик ғалланинг ҳаммасини деярли олиб кетиб қолганлар. Ольховатскойда колхоздан чиққанларга уруғни колхоз правлениесининг ўзи улашиб берган. Докладчи экишнинг қониқарсиз бораётгани сабаблари устида муфассал тўхтаб, ниҳоят шундай деди:

— Шубҳасизки, ўртоқлар, экишда орқада қолган эитганимизга, ростини айтсам, орқада қолиш эмас, бир жойда тўхтаб депсиниб туришимизга сабаб шуки, бир қатор қишлоқ советларида колхозлар коллективлаштиришда уйдирма рақамларнинг кетидан қувган маҳаллий ходимларнинг тазйиқлари остида бунёдга келди. Баъзи жойларда эса, ўзларингизга маълумки, колхозга ҳатто тўппонча ўқталиб мажбуран киргизишган. Ана шу омонат колхозлар ҳозирги пайтда худди сув ювиб кетган кесак девордай нураб тушмоқда, худди шу колхозларда колхозчилар далага чиқмай, чиққан тақдирда ҳам ҳафсаласизлик билан ишламоқда, сансоларлик давом этмоқда.

Райком секретари графининг шиша қопқоғини қалам билан уриб огоҳлантирди:

— Вақт тугади!

— Мен ҳозир тамомлайман, ўртоқлар! Хулосаларга тўхташга рухсат этасизлар: мен ҳали сизларга маълум қилиб ўтганимдек, район ер бўлимининг маълумотларига кўра, районда биринчи беш кунлик ичида ҳаммаси бўлиб уч юз саксон уч га ерга экин экилган. Дарҳол бутун район активини сафарбар қилиб, колхозларга юборишни зарур деб топаман. Менинг фикримча, барча чоралар билан колхозчиларни колхоздан чиқмасликка кўндириш, колхоз правлениелари билан ячейка секретарларига кун сайин колхоз-

чилар орасида тушунтириш ишларини олиб боришни юклаш ва асосий диққатни колхозчиларни масаладан хабардор қилишга... давлат колхозларга қандай имтиёзлар беришини яхшилаб тушунтиришга қаратиш керак, чунки бу нарса кўп жойларда сира ҳам тушунтирилган эмас. Кўпгина колхозчилар ҳалигача ҳам колхозларга қандай қарзлару ва яна бошқа нарсалар берилганини ҳалигача ҳам билишмайди. Бундан ташқари, шундай таклиф киргизаман: бизнинг ўз вақтида экишга киришишимизга халал бериб турган қинғайишларнинг сабабчиларини, Марказий Комитетнинг ўн бешинчи мартда чиқарган қарорига биноан ишдан олиб ташлаш тўғрисидаги масалани ошиғич суратда кўрсак. Мен буни ошиғич суратда кўриб чиқиб, уларнинг ҳаммасини қатъий партиявий жавобгарликка тортишни таклиф қиламан. Сўзим тамом.

— Беглихнинг доклади юзасидан ким гапиради?— деб сўради райком секретари ҳозир бўлганларни назардан кечириб, Нагульновнинг кўзидан кўзини жўрттага олиб қочаркан.

— Нимасини гапирамыз, масала равшан-ку,— дея хўрсинди бюро аъзоларидан бири, район милициясининг бошлиғи, сочи тақир олинган ялтироқ бошида сон-саноқсиз чандиқлари бор, ҳамиша терга тушадиган, ҳарбий қадди-қоматли, қурч гавдали киши.

— Беглихнинг хулосаларини қароримизга асос қилиб оламыз, шундайми?— сўради секретарь.

— Албатта.

— Энди Нагульнов ҳақида.— Секретарь мажлис бўтаётгандан бери илк бор Макарга қараб, унга бир неча секунд талмовсираб ёт назар билан тикилиб турди.— Сизларга маълумки, у Гремячий партиячегасида секретарь бўлиб турганида партияга қарши бир қанча оғир жиноятлар қилди. Райкомнинг кўрсатмаларига қарамай, коллективлаштириш ва уруғлик фонди тўплаш вақтида сўлчиликка йўл қўйди. У биякка хўжалик ўртаҳолни наган билан уриб, колхозчиларни қамаб қўйди. Уртоқ Самохин Гремячийга чиқиб бориб, бу ишни текширди ва Нагульновнинг



революцион қонунчиликни йўл қўйиб бўлмайдиган даражада бузганини, партиянинг йўлини зараркундларча бузганини очди. Уртоқ Самохинга сўз берамиз. Нагульновнинг жинойи фаолияти юзасидан нималарни аниқлаганини бюрога маълум қил, ўртоқ Самохин.— Секретарь салқи қовоқли кўзларини юминқираб, вазминлик билан тирсагига суяниб олди.

Нагульнов райкомга келган пайтиданоқ ишлари расво эканлигини, мурувват кутиш мумкин эмаслигини пайқаган эди. Райком секретари у билан одатдан ташқари сиполик билан кўришиб, афтидан, гапдан қочиб бўлса керак, шу ондаёқ райижроком раисига қандайдир савол билан мурожаат қилди.

— Менинг ишим қандай, Корчжинский?— юрак бетламайроқ сўради ундан Макар.

— Бюро ҳал қилади,— деб истар-истамас жавоб берди у.

3 Лекин қолганларнинг ҳаммаси ҳам Макаarning савол назари билан қараган кўзларидан кўзларини олиб қочиб, унга яқинлашмас эдилар. Унинг масаласини, афтидан, ўзаро илгарироқ ҳал қилиб қўйганга ўхшайдилар: фақат милиция бошлиғи Балабингина Макарга хайрихоҳлик билан жилмайиб, қўлларини қаттиқ сиқди:

— Нагульнов, бўшашма! Хатога йўл қўйиб, чалкаш иш қилиб қўйган бўлсанг, ишқал орттирган бўлсанг орттирибсан-да, ахир, биз сиёсий жиҳатдан унча чиниққан эмасмиз-ку. Сендан миялироқлари ҳам янглишган-ку!— У сой тошидек юм-юмалоқ қурч бошини чайқаганича, қип-қизил гирдиғум бўйнидаги терни артиб, ачингандай, қалин лабларини чапиллатди.

Макар тетиклашиб, Балабиннинг қон чакиллаб турган қизғиш юзига тикилди, бу йигит унинг миридан-сиригача билиб, унга ачиниб турганини пайқаб миннатдорчилик билан жилмаярди. «Менга қаттиқ виговор беришар, секретарликдан олиб ташлашар» деб ўйларди Макар ва Самохинга ташвиш билан тикилар эди. Эрнинг хотинидан ажрашишини жинидан ёмон кўрадиган бу калладор кичкина одам уни ҳаммадан кўпроқ безовта қилиб турарди, Самохин порт-

фелидан каттакон папка оларкан, Нагульновнинг юраги орқасига тортиб кетди. Юраги гупиллаб, миясига қон югурди, чаккалари қизариб кетди, томоғига бир нарса тиқилгандек лоҳас бўлди. У ҳамиша тутқалоғи тутишидан сал олдинроқ шу ҳолга тушар эди. «Ишқилиб ҳозир тутмасин-да!» юраги орзиқиб кетди, эран-қаран гапираётган Самохиннинг сўзларига қулоқ соларкан.

— Райком ва райККнинг топшириғига биноан мен бу ишни текшириб чиқдим. Нагульновнинг ўзини сўроқ қилиб Гремячий Логдаги унван жабр кўрган колхозчилар ва якка хўжаликлардан суриштиришиб, шунингдек гувоҳлар берган шоҳидликлар асосида мен қуйидагиларни аниқладим: ўртоқ Нагульнов, шак-шубҳасиз, партиянинг ишончини оқлай олмаган ва ўзининг хатти-ҳаракатлари билан унга каттакон зиён етказган. Чунончи, у коллективлаштириш пайтида, февраль ойида, хонадонма-хонадан юриб тўппонча ўқталиб, одамларни колхозга киришга мажбур қилган. Шундай қилиб, етти ўртаҳолни колхозга, таъбир маъзур кўрилса, «жалб этган». Бунга Нагульновнинг ўзи ҳам инкор этмайди...

— Улар ашаддий оқлар!— деди бўғилиб Нагульнов стулдан тураркан.

— Мен сенга сўз берганим йўқ. Тартибга риоя қил!— деб унинг гапини кескин бўлиб қўйди секретарь.

— ...Шундан сўнг уруғлик фондини тўплаш вақтида у бир ўртаҳол якка хўжаликни ҳушидан кетгунча наган билан урган, яна ҳозир бўлган колхозчилар ва қишлоқ совети навбатчиларининг кўзи ўнгида. У одам уруғлик фондини дарҳол олиб келиб топширишдан бош тортгани учун урган...

— Шармандалик!— деди баланд овоз билан прокурор.

Нагульнов томоғини кафти билан ишқалаб, оқариб кетди-ю, индамади.

— Яна ўша куни кечаси, худди аллақаяёқдаги становой приставга ўхшаб, ўртоқлар, учта колхозчини совуқ ҳужрага қамаб қўйиб, уларни кечаси билан чиқармаган. уруғлик донни дарҳол олиб келиб топ-

ширишдан бош тортганлари учун наган ўқталиб дўқ қилган.

— Мен уларга дўқ қилганим йўқ...

— Мен улардан эшитганкми айтяпман, ўртоқ Нагульнов, мумкин бўлса сўзимни бўлмасангиз! Яна унинг қистови билан ўртаҳол Гаев кулакка чиқарилиб, сургун қилинган, ваҳоланки, уни иқтисодий аҳволига қараганда, мутлақо кулақлар қаторига киритиб бўлмайди, бир минг тўққиз юз йигирма саккизинчи йилда батраги бўлгани учунгина унинг хўжалигини Нагульновнинг тазйиқи остида тугатишган. Аммо у қандай батрак бўлган? У, ўртоқлар, галла ўрим-йиғими вақтида бир ойга ёлланган гремачий логлик бир қиз экан. Гаевнинг ўғли бир минг тўққиз юз йигирма еттинчи йил кузда Қизил Армияга чақирилган бўлиб, жўжабирдек жон Гаев ёлғиз ўзи қўли калталиқ қилиб қолгани учунгина уни ёллаган экан. Совет қонунчилиги бу тариқа ёлланган ишчи кучидан фойдаланишни тақиқлаган эмас эди. Гаев у батрак қизни батрачком билан тузилган шартнома асосида сақлаган, ҳақини тўла-тўқис берган экан, мен бу фактни текширдим. Бундан ташқари, Нагульнов шалоқ ҳаёт кечираркан, бу эса партия аъзосига характеристика бериш учун озмунча аҳамиятга эга эмас. Нагульнов хотини билан ажрашган, тўғриси, уни уйидан ҳайдаб чиқарган, худди итдек ҳайдаб чиқарган, топган баҳонаси шуки, хотини Гремачийдаги қандайдир бир йигитнинг хушомадларига учганмиш. Хуллас, ўзига йўл очиб олиш учун ғийбатлардан фойдаланиб ҳайдаб юборган. Унинг ҳозир қандай жинсий ҳаёт кечириётганини билмайману, аммо ҳамма далиллар, ўртоқлар, очикдан-очиқ шалоқлик қилаётганидан дарак бериб турибди. Бўлмаса хотинини нимага ҳайдаб чиқаради? Нагульнов турган квартира бекаси менга айтдики, у ҳар куни уйига кеч қайтиб келармиш, қаерларда бўлиши унга маълум эмасмиш, аммо унинг қаерларда бўлиши мумкинлиги бизларга маълум-ку, ўртоқлар! Биз ёш болалар эмасмиз ва хотинини ҳайдаб чиқариб, хотин олиб, хотин қўйишни ўзига эрмак қилиб олган кишининг одатда қаерларда бўлишини биламиз... Биз биламиз! Мана, ўртоқлар,

ношуд ячейка секретари Нагульнов қисқа муддат ичида амалга оширишга улгурган мардонавор ишларнинг (ўз қораловчи нутқининг шу ерида Самохин кинояомиз илжайиб қўйди) қисқача рўйхати. Бу нималарга олиб келди ва бу хатти-ҳаракатларнинг томирлари қаерда? Бу ўринда тўғридан-тўғри айтиш керакки, бу нарса, доҳимиз ўртоқ Сталиннинг доҳиёна таъбири билан айтганда, ютуқлардан эсанкираш эмас, бу нарса — тўғридан-тўғри сўлчилик, партиянинг бош йўлига ҳужум. Нагульнов, чунончи, ўрта-ҳолларнинг хўжаликларини тугатиб, тўппонча ўқталиб уларни колхозга киргизиш билан қаноатланмай, уй паррандалари билан бутун майда ҳамда соғиландиган молларни ҳам умумлаштириш тўғрисида қарор чиқартириб, уни амалга оширган. У, баъзи колхозчиларнинг сўзларига қараганда, колхозда ҳатто Николай қонхўр замонида ҳам бўлмаган интизомни жорий қилишга уринган!

— Парранда билан моллар ҳақида райкомнинг директиваси йўқ эди,— деди оҳистагина Нагульнов.

У қаддини ростлаганича, қалтираётган чап қўлини кўкрагига босиб тикка турар эди.

— Йўқ, кечирасан!— деди тутатиб секретарь.— Райком кўрсатма берган эди. Қилгуликни қилиб қўйиб бизга тўнкама! Артель устави бор, йўрғадаги гўдак эмассанки, уни яхшилаб ўқиб ололмасанг!

— ...Гремячий колхозда ўз-ўзини танқид ва танқид бўғилмоқда,— деб давом эттирди Самохин.— Нагульнов зўравонлик қилиб, ҳеч кимга оғиз очирмайди. У тушунтириш ишлари олиб бориш ўрнига, ғаллакорларга ўшқиради, дўқ қилади, қурол ўқталади. Шунинг учун ҳам Гремячийдаги колхозда ишлар расво. Ҳозир у ерда колхоздан чиқиш оммавий тус олиб кетган, экишга эндигина киришишган, уни, муқаррар, эплашолмайди. Зиммасига бизнинг буюк қурилиш ишларимизга халал бераётган ҳар қандай бузуқ унсурлардан, турли-туман оппортунистлардан партияни тозалаш вазифаси юклатилган район контроль комиссияси Нагульновга нисбатан, шак-шубҳасиз, ўз хулосаларини чиқаради.

— Тамом қилдингизми?— сўради секретарь.

— Ҳа.

— Нагульновга сўз берамиз. Қандай қилиб шу аҳволга тушиб қолганини гапириб берсин. Гапир, Нагульнов.

Самохиннинг нутқи охирида Макарни алангадек чулғаб олган даҳшатли қаҳру ғазабдан бир зумда асар ҳам қолмади, унинг ўрнини журъатсизлик ва ваҳима ҳисси эгаллади. Гангиб қолиб: «Улар мени нима қилишмоқчи? Шунга йўл қўйиб бўладими? Хароб қилишмоқчи-я!»— бир лаҳзагина ўйлади у столга яқинлашаркан. Самохиннинг нутқи вақтида тайёрлаб қўйган аччиқ этирозларидан асар қолмади. Мияси ғовлаб кетиб, ҳатто тилига биронта бамаъни сўз ҳам келмади. Макар ғалати аҳволга тушиб қолган эди...

— Мен, ўртоқлар, революция вақтидан бери партиядаман... Қизил Армияда бўлганман...

— Буларнинг ҳаммаси бизга маълум. Муддаога кўч!— сабрсизланиб унинг сўзини бўлди секретарь.

— Мен ҳамма фронтларда оқларга қарши курашганман... Биринчи Отлиқ армияда бўлганман... Менга орден беришган...

— Бўладиган гапни гапирсанг-чи!

— Бу бўладиган гап эмасми?

— Сен бизни чалғитма, Нагульнов! Ҳозир хизматларингни пеш қилишнинг ҳожати йўқ!— унинг гапини бўлди райижроком ранси.

— Ахир, гапиришга йўл қўйсанглар-чи! Нега оғзига урасизлар!— ғазаб билан қичқирди Балабин, унинг юмалоқ сой тошидек ялтироқ қизғиш калдасининг учи бир лаҳзада кўкиш тусга кирди.

— Лўндасини гапирсин!

Нагульнов ҳамон чап қўлини кўкрагидан олмай турар, ўнг қўлини эса қақраб қолган томоғига аста олиб бормоқда эди. У оқариб борар ва базўр гапини давом эттирар эди:

— Гапиргани қўйсаларинг-чи. Мен душман эмасман-ку, менга нега бундай муомала қиласизлар? Мен армияда яраланганман... Касторная яқинида контузияланганман... Майдончадан отилган оғир снаряд-

дан...— деб индамай қолди, кўкариб кетган лаблари ютоқиб ҳаво ютарди.

Балабин шоша-пиша графиндан сув қуйиб, Макарниг юзига қарамасдан унга узатди.

Қорчжинский Макарга қараб, кўзини дарров олиб қочди: стаканни ушлаб турган Нагульновнинг қўли дағ-дағ титрарди.

Сукунат ичида стакан шишаси Макарниг тишига тараклаб урилиб жаранглаётгани аниқ эшитиларди.

— Ҳовлиқмасанг-чи, гапирсанг-чи!— деди ўкинч билан Балабин.

Қорчжинский ижирғанди. Бехосдан юраги ачишиб кетди, аммо у ўзини тутиб олди. У, Нагульнов — партия учун офат, уни ишдан олиб ташлабгина қолмасдан, партиядан ҳам ҳайдаш керак, деган фикрда эди. Ҳамма унинг бу фикрини маъқуллар, бундан Балабингина мустасно эди.

Макар стакандаги сувни бир кўтаришда ичиб, нафасини ростлаб олди-да, гапира бошлади:

— Мен Самохиннинг айтганларига иқрорман. Тўғри, мен бу ишларни қилганман. Аммо партияга ҳужум қилиш ниятида қилган эмасман. Самохин бекор айтибди. У менинг шалоқлигим ҳақида ҳам беҳудага итдек акиллади. Тўқима гаплар! Мен хотинлардан ҳазар қиламан, уларсиз ҳам ишим бошимдан ошиб ётибди...

— Хотинингни ҳам шунинг учун ҳайдаб юбордингми?— кесатиб сўради ташкилот бўлим мудирини Хомутов.

— Ҳа, шунинг учун,— деб жиддий жавоб берди Макар.— Лекин мен бу ишларнинг ҳаммасини... мен революциянинг равнақи учун қилмоқчи эдим. Балки мен хато қилиб қўйгандирман... Билмадим. Сизлар мендан кўра кўпроқ ўқигансиз. Сизлар курсларда ўқигансизлар, кўпроқ биласизлар. Менинг гуноҳим йўқ демоқчимасман. Қандай ҳукм чиқарсанглар ўзларингиз биласизлар. Лекин бир нарсани тушунишларингизни истар эдимки...— унинг яна нафаси етмай, сўзи чала қолиб, бир минутча индамай турди.— Тушунинглар, оғайнилар, мен бу ишларни партияга нис-

батан ҳеч қандай ёмон ният билан қилганим йўқ. Банникни бўлса, шу сабабдан урдимки, у партияни мазах қилиб, уруғлик донни чўчқаларга едирмоқчи бўлган эди...

— Гапир-а!— масхара қилиб луқма ташлади Самохин.

— Бор гапни айтяпман. Уша Банникни уриб ўлдирмаганимга шу маҳалгача ачинаман. Бошқа сўзим йўқ.

Қорчжинский қаддини ростлади, тагидаги кресло-си зорлангандай қирсиллаб кетди. У бу мушкул ишни тезроқ тугатиб қўя қолгиси келарди. Шоша-пиша гапира бошлади:

— Хўш, ўртоқлар, ҳамма гап равшан. Нагульновнинг ўзи иқрор бўляпти. Гарчанд у икир-чикир масалаларда ўзини оқлашга уринса ҳам, аммо бу далиллари кишини ишонтирмайди. Жазоланиши керак бўлган ҳар кимса ҳам гуноҳининг бир қисмини ўзидан соқит қилишга ёки масъулиятни бошқаларга ағдарिशга уринади. Менингча, Нагульновни колхозчилик ҳаракатида партия йўлини қасддан бузган, маиший жиҳатдан бузилган коммунист сифатида партия сафидан ҳайдаш керак! Биз Нагульновнинг эски хизматларини риоя қилиб ўтирмаймиз, бу — босиб ўтилган босқич. Биз бошқаларга ибрат бўлиши учун уни жазолашимиз керак. Партияга иснод келтиришга, уни чапгами, ўнггами буришга интиладиганларнинг ҳаммасига аёвсиз зарба берамиз. Нагульнов ва унга ўхшаганларга нисбатан ярим-ёрти чоралар кўриш билангина чекланиб бўлмайди. Биз ҳали ҳам уни шунча вақтгача талтайтириб келдик. Бултур ТОЗларни ташкил қилиш вақтидаёқ сўллик қилган, мен уни ўшандаёқ огоҳлантирган эдим. Қулоқ солмади — энди ўзидан кўрсин! Овозга қўямизми? Нагульновни партиядан чиқарилсин деганлар қўл кўтарсин! Маълумки, бюро аъзоларигина қўл кўтардилар. Хўп, тўрт кишими? Сен қаршимисан, ўртоқ Балабин?

Балабин столни муштлади. Чаккаларидаги чалкашиб кетган қора қон томирчалари бўртиб чиқди.

— Мен қарши бўлиш у ёқда турсин, қатъиян эътироз билдираман! Бу мутлақо нотўғри қарор.

— Сен ўз фикрингда қолишинг мумкин,— деди Корчжинский совуққина.

— Йўқ, сен менга гапиришга рухсат бер!

— Гапиришнинг вақти ўтди, Балабин. Нагульновни ўчириш ҳақидаги қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

— Бу — одамга нисбатан тўраларча муносабатдан бошқа нарса эмас. Қе-чи-ра-сиз, мен бу нарсани шундай ташлаб кетмайман! Мен округкомга ёзаман. Эски партия аъзосини; Қизил Байроқ орденли кишини ўчириш... Эсларингни едингларми, ўртоқлар? Бошқа жазо чоралари қуриб қолганмиди!

— Бу тўғрида мунозара қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Овозга қўйиб бўлдик-ку!

— Масалани бу йўсинда овозга қўювчиларнинг тумшуғига тушириш керак!..— Балабиннинг овози ингичкалашиб, гирдиғум бўйни шу қадар таранг бўлиб кетдики, сал тегиб кетсанг, бармоғинг остидан тирқираб қон чиқиб кетадигандек эди.

— Тумшуққа туширишмиш-а! Оғзингга қараброқ гапир,— деди сир бой бермасдан бадхоҳлик билан, ташкилот бўлим мудир Хомутов.— Сени ҳам тартибга чақириб қўйишимиз мумкин. Бу ер РУМ эмас, райком.

— Сен айтмасанг ҳам биламан! Сизлар менга нега сўз бермайсизлар?

— Чунки бу нарсани ортиқча деб ҳисоблайман!— қизишиб гапирди Корчжинский у ҳам Балабиндек қизариб кетиб, креслонинг суянчиқларини чангаллаб олди.— Бу ерда райком секретари менман. Мен сени сўзлашдан маҳрум қиламан, жуда гапиргинг келаётган бўлса,— бор, ана, зинапояга чиқиб гапиравер!

— Балабин, қизишма! Мунча тутатишмасанг? Марҳамат қилиб ўз фикрингни округкомга ёзиб юбор, бу қандай гап, ахир, масалани овозга қўйиб бўлган бўлсагу, сен тўйдан кейин ноғора қоқсанг,— милиция бошлиғига дашном берди райжроком раиси.

У Балабиннинг милиция формасидаги кўйлагининг енгидан ушлади-да, паст овоз билан бир нима деб, уни бурчакка олиб кетди.

Бу орада Балабин билан жикиллашиб зардаси



қайнаган Корчжинский салқи қовоқлари остидан жаҳл билан чақнаётган кўзларини Макарга тикиб, адоватини яширолмайд деди:

— Гап тамом, Нагульнов! Бюронинг қарори билан сен бизнинг қаторларимиздан ўчирилдинг. Сенга ўхшаганлар партиёга керак эмас. Партиё билетингми бу ерга қўйиб қўй,— деб сарғиш тук босган қўлининг қапти билан столни тапиллатиб урди.

Нагульновнинг ранги қув ўчиб кетди. Уни қалтироқ босди, эшитилар-эшитилмас қилиб:

— Мен партиё билетимни бермайман,— деди.

— Беришга мажбур қиламиз.

— Окружкомга бор, Нагульнов!— деб қичқирди Балабин бурчакдан туриб ва райижроком раиси билан гаплашаётган гапини чала қолдириб, эшикни та-рақлатиб ёпганча чиқиб кетди.

— Мен сенга партиё билетимни бермайман!..— деди яна Макар. Унинг овози қатъийлашиб, бўзариб кетган пешанаси ва ёноқлари чиқинқ юзига аста-секин ранг югура бошлади.— Мен ҳали партиёга керак бўламан... Ўзим ҳам партиёсиз яшай олмайман! Сенга бўлса бўйсунмайман!.. Мана, билетим кўкрак чўч-тагимда... Қани, олиб кўр-чи! Кекирдагингни узиб ташлайман!..

— Фожиа бошланмоқда!— прокурор кифтини қисди.— Лекин жиннилик қилма...

Макар унинг сўзларига эътибор бермай, Корчжинскийга қараганича ўй сураётгандек аста-секин гапирарди:

— Партиядан ажраб қаёққа ҳам бораман? Нима қиламан? Йўқ, партиё билетимни бермайман! Мен бунга ўзимнинг бутун умримни бағишлаганман... Бутун умримни...— деди-да, бирдан кексалардек аянчли ҳолда ҳовлиқиб, қўллари билан столни пайласлаб, шоша-пиша минғирлай бошлади:— Сен ундан кўра яхшиси мени... йигитларга буюр... бира-тўла баҳримдан ўтиб қўя қолиш керак... Бошқа йўли йўқ... Энди менга яшашнинг ҳам ҳожати йўқ, ундан ҳам маҳрум қилиб қўя қолинглар... Олапар акиллаб турганида керак эди... қариганидан кейин — қўрадан чиқариб ташлаш керак!

Макарнинг юзи бўрдан ясалган маска сингари ҳаракатсиз, фақат лабларигина титраб қимирлар эди, охирги сўзларни айтаркан, бақрайиб қолган кўзларидан эсини таниганидан бери биринчи марта дувиллаб ёш оқиб кетди. Ёшлари ёноқларини ювиб, аллақачондан бери устара тегмаган тикандек соқоллари орасида тўхтаб, кўйлагининг кўкрагига қора доғдан нақшлар солмоқда эди.

— Бас қилсанг-чи! Бу дардингга даво бўлмадику, ўртоқ!— секретарь ижирғаниб юзини буриштирди.

— Сен менга ўртоқ эмассан!— деб қичқирди Нагульнов.— Сен — бўрисан! Сизларнинг ҳамманглар ҳам заҳарли газандасизлар! Зўравон бўлиб олибсизлар! Силлиқ гапиришни ўрганиб қолибсизлар! Сен нега ж... га ўхшаб тиржаясан, Хомутов? Менинг йиғлаганимдан куляпсанми? Ҳой!.. Йигирма биринчи йили Фомин ўз бандаси билан округда изғиб юрганида сен округкомга келган эдинг-а, эсингдами? Эсингдами, итдан тарқаган?.. Келиб партия билетингни бериб, энди деҳқончилик қиламан, деган эдинг... Сен Фоминдан қўрққан эдинг! Шунинг учун ҳам партия билетингни ташлаган эдинг... кейин худди тош орасидан сирғилиб ўтган шилиқ қуртдек партияга яна суқилиб кириб олдинг!.. Энди менга қарши овоз беряпсанми? Менинг бошимга оғир кулфат тушганидан куляпсанми?

— Бўлди, Нагульнов, унақа бақираверма. Бизда яна бошқа масалалар ҳам бор,— деди ор қилмай, ҳамон қора мийиқлари остида кулиб, қорачадан келган кўркам Хомутов муросасозлик билан.

— Сизлар билан гапни тугатаман, аммо ҳақиқатни топмай қўймайман! Марказий Комитетга бораман.

— Ҳа-ҳа! Бора қол! У ерда ҳамма ишингни бир лаҳзада ҳал қилиб беришади! У ердагилар сени аллақачондан бери кутиб ўтиришибди...— деб жилмайди Хомутов.

Макар аста эшик томонга қараб кета бошлади, чаккасини кесакига уриб олиб, инграб юборди. Охирги марта қўзғалган ғазаби уни бус-бутун мажолсизлантириб қўйган эди. Эс-ҳушини йўқотиб дарвозагача етиб борди-да, қўра ёғочидан саманни ечиб олиб ни-

ма учундир тизгинидан етаклаб кета бошлади. Станцианинг даҳанасида минмоқчи эди, минолмади: тўрт мартача оёғини узангига қўйиб кўрди-ю, лекин гандираклаб, эгар қошидан қўли чиқиб кетди.

Энг четдаги уйчанинг тагида ҳали тетиккина бир чол ўтирарди. У казакча фуражкасининг олапес козерёғи остидан Макарнинг саманга минишга уринаётганини диққат билан кузатиб турарди. Кейин мамнуният билан жилмайди:

— Вой азамат-э! Офтоб найза бўйи келмасдан оёғини эплаёлмай қолибди-я! У нима муносабат билан каллаи саҳарлаб ичиб олди экан? Ё бугун байрамми?

— Байрам, Федот бобо!— деб жавоб берди унга қўшниси, четан девор тагидан мўралаб.— Бугун имон-талаб Симонлар майхоналарга солиб юриши бошлаган.

— Ўзим ҳам айтувдим-а,— деб жилмайди чол,— мазаммати йўқ, ароқдан зўр азамати йўқ, дегин! Қара, уни эгардан қоқиб туширай деяпти-я! Бўш келма, казак!

Макар тишларини ғижирлатиб, оёғининг учини узангига қўяр-қўймас эгарга қушдек қўниб олди.

### XXXIII БОБ

Шу куни эрталабдан Гремячий Логга Ярославской хуторидан йигирма учта колхоз араваси келди. Ел тегирмон олдида Банник уларга дуч келиб қолди. У кифтига нўхтани ташлаб олиб, биясини қидиргани даштга кетаётган эди. Олдинги арава олдига етиб келганда:

— Саломат бормисизлар, казак граждандар!— деди у.

— Худога шукур,— жавоб берди чўлтоқ думли отларни ҳайдаб келаётган қора соқол казак.

— Бу аравалар қаёқдан?

— Ярославдан.

— Нега отларингизнинг думи йўқ? Нега уларни бунча расво қилиб қўйдинглар?

— Дррр, так-так! Жонивор! Думини кесиб ташласа ҳамки, ҳовуридан тушмайди... Нега думи йўқ дейсанми? Фазна фойдасига кесиб кетишди. Шаҳарлик хотинлар от думи билан пашша қўришармиш... Сенда тамаки топиладими, оғайни? Бир чектир, жуда тамакидан сиқилдик-да.— Қазак бричкадан сакраб тушди.

Орқадаги аравалар ҳам тўхтади. Банник уни гапга тутганига ҳам пушаймон қилди. Истар-истамас тамаки халтасини оларкан, яна беш кишининг аравалардан тушиб йўл-йўлакай тамаки ўраш учун газета йиртиб келаётганини кўрди.

— Тамакимни соп қиласизлар-ку...— деб томоғини қирди зиқна Банник.

— Ҳозир — колхоз, биласанми? Ҳамма нарса ўртада бўлиши керак,— деди жиддият билан серсоқол ва худди ўзининг халтасидан олаётгандек бир сиқим қўлбола тамаки олди.

Чека бошлашди. Банник тамаки халтасини шошапиша чалворининг чўнтагига тикди-да, ижирғаниб, отларнинг рўвагигача тақаб қирқилган думларига ачиниб билан тикилганича илжайди. Қонга ўч баҳор пашшалари отларни чақар, тер босган қамчи изларига, хомут шилган яғирларига қўнар эди. Отлар одатларича пашшаларни ҳайдашга уриниб, думларини силкитишар, аммо чўлтоқ, шарманда думлари иш бермас эди.

— У думи билан қаёқни кўрсатяпти?— кесатиб сўради Банник.

— Қаёқни бўларди, колхозни-да. Нима, сизларда кесишмадими?

— Кесишди-ю, икки вершокдангина кесишди.

— Бу бизнинг Совет раисимиздан чиққан иш, мукофот олди. Пашша кўпайиб кетса — отлар хароб бўлади! Хўп, кетдик. Тамакинг учун раҳмат. Чекишим билан анча енгил тортдим, бўлмаса йўл-йўлакай хумордан хуноб бўлиб келаётган эдим.

— Сизлар қаёққа кетяпсизлар?

— Гремячийга.

— Бундан чиқди, бизникига экан-да? Қандай иш билан?

— Уруғлик олиб келгани.

— Бу... Бу қанақа гап?

— Райондан сизлардаги уруғлик фондини олиш-ни буюришган, тўрт юз ўттиз пуд экан. Чух!

— Ўзим ҳам билиб турувдим-а!— деб қичқириб юборди Банник. Нўхтани силкитганича хуторга қараб чопди.

Ярскойдан келаётган от-аравалар колхоз правлениясига етиб келмасданоқ ярскойликларнинг уруғлик ғаллани олиб кетгани келганини хуторнинг ярми билиб бўлган эди. Банник оёғини аямай қўрама-қўра югуриб юрди.

Аввал тор кўчаларга хотин-халаж йиғилиб, безовта қилинган каклик ғалаларидек чуғурлаша бошлашди.

— Ғалламизни олиб кетишармиш, айланай овсинлар!

— Унда нимани экамиз?

— Вой шўрим қурсин!

— Яхшилар, жамоат омборига тўкиш керакмас, дейишган эди-я...

— Эркакларимиз сўзимизга қулоқ солганда эди...

— Бориб эркакларга айтайлик, ғаллани беришмасин!

— Бе, ўзимиз ҳам бермаймиз! Юринглар, эгачилар, омборларга борамиз! Қўлларимизга калтак олиб, уларни қулфларга яқин йўлатмаймиз!

Сўнгра эркаклар ҳам пайдо бўлишди. Уларнинг орасида ҳам шу хилда гап-сўзлар бошланди. Йўлаклар ва кўчалардан чиққан одамлар — бир дунё оломон омборларга қараб юрди.

Бу орада Давидов ярскойликлар район ер-сув союзи бошқармасининг раисидан олиб келган хизмат варақасини ўқиб чиқди.

«Ўрт. Давидов,— деб ёзган эди Лупетов,— сенда узоқлик қилгани учун ғалла тайёрлаш вақтида ташиб олиб келинмаган 73 центнер бугдой бор. Сенга шу бугдойни (73 центнернинг ҳаммасини) Ярской колхозига беришингни таклиф қиламан. Уларда уруғлик материал етишмай турибди. Бу масалани Союзхлеб контораси билан келишганман».

Давидов ўқиб кўриб, ғаллани беришни буюрди.

Ярскойликлар колхоз правлениеси кўрасидан чиқиб, омборларга қараб жўнашди, аммо омборларнинг олдидаги кўчани халойиқ босган эди. Икки юзтача хотин-халаж билан казаклар араваларни ўраб олишди.

— Йўл бўлсин?

— Бизнинг ғалламизга келдингларми? Жин адаштириб кепти сенларни!

— Қайтар аравангни!

— Бермаймиз!

Демка Ушаков Давидовнинг олдига югурди. У гизиллаганича омборлар олдига етиб келди.

— Нима гап, граждандар? Нега тўпланиб турибсизлар?

— Нега бизнинг ғалламизни ярскойликларга беряпсан? Биз улар учун тўкканмидик?

— Сенга бунақа ҳуқуқни ким берди, Давидов?

— Ҳизимиз нима экамиз?

Давидов яқин орадаги омборнинг пешайвонига чиқиб, район ер-сув союзининг фармойиши билан уруғлик ғаллани эмас, ғалла тайёрлашдан қолган ғаллани бераётганини тушунтирди.

— Сизлар, граждандар, хотиржам бўлинглар. Бизнинг ғалламиз бут туради. Сизлар бекорга санқиб писта чақиб юргандан кўра далага чиқинглар. Шуни билиб қўйингларки, бригадирлар ишга чиқмаганларни ҳисобга олиб юришибди. Чиқмаган кишига штраф соламиз.

Казаклардан бир қисми кетиб қолди. Кўплар Давидовнинг сўзини эшитиб кўнгли тинчигач, далага чиқиб кетди. Омборчи ярскойликларга ғаллани тортиб бера бошлади. Давидов правлениега кетди. Ярим соатдан кейин омборларнинг олдида ҳамон пойлаб турган хотин-халажнинг кайфиятида кескин ўзгариш юз берди. Бунга Яков Лукич сабаб бўлган эди, у бир неча казакларга:

— Давидов ёлғон айтяпти! Уруғлик ғаллани олиб кетишади! Колхоз экади, якка хўжаликлар тўкканини Ярской колхозига беришади,— деди.

Хотин-халаж ғала-ғовур кўтара бошлади. Банник, Демид Индамас, Донецков бобо билан яна ўттизтача казак маслаҳатлашиб, тарозилар олдига боришди.

— Ғаллани бермаймиз!— деди ҳамманинг номи-дан Донецков.

— Сендан маслаҳат сўраётганимиз йўқ!— ғижниб деди Демка Ушаков.

Улар айтишиб қолишди. Ярскойликлар Демканинг ёнини олди. Даҳанада Банник тамаки чектирган қора соқол казак бричкада тикка туриб олиб, беш минутча роса бўраб сўкинди, кейин:

— Сизлар нега ҳукуматга итоат қилмайсизлар? Бизни нега уришасизлар? Биз иш қизиган пайтда қирқ чақирим жойга овора бўлиб келсагу, сизлар давлатнинг ғалласини бермай ўтирсанглар?— деб қичқира бошлади.— ГПУни соғинганга ўхшайсизлар! Сен итдан туққанларни Соловкига қамаш керак! Қизғанчиқ итдек, уни на ўзларингиз ейсизлар, на бировга берасизлар! Нега далага чиқмаяпсизлар? Байрам қиляпсизларми?..

— Сенинг нима ишинг бор? Соқолинг қичишяпти-ми? Тараб қўямиз!.. Бирпасда!— деб қичқирди Кичик Аким Бесхлебнов, энгларини шимариб бричка томон бораркан.

Ярскойлик серсоқол казак бричкадан сакраб тушди. У ўнгиб кетган жигар ранг кўйлагининг энгини шимариб ҳам ўтирмасдан Кичик Акимнинг жағига чапдастлик билан бир мушт урган эди, у қўлларини ел тегирмон парракларидек лопиллатганча туртуна-туртуна икки саженча жойга учиб тушди.

Муштлаш бошланиб кетди, бундай муштлаш Гремячий Логда кўпдан бери бўлмаган эди. Ярскойликларни роса дўппослашди, улар дабдала бўлиб, ғаллали қопларни ташладилару, бричкаларига чиқиб олишди-да, отларини қамчилаб, қий-чув кўтараётган хотин-халаж орасини ёриб ўтиб жўнаб қолишди.

Шундан кейин Гремячий Логда тартибсизлик бошланиб кетди. Демка Ушаковдан уруғлик ғалла турган омборларнинг калитларини тортиб олишмоқчи эди, аммо фаросатли Демка муштлаш вақтида оломон орасидан сирғилиб чиқиб, правлениега югуриб борди.

— Калитларни нима қиламиз, ўртоқ Давидов? Бизникилар ярскойликларни уришяпти, ҳозир олдинизга келиб қолишса ҳам ажаб эмас!

— Калитларни менга бер,— деди хотиржамлик билан Давидов.

У калитларни олиб, чўнтагига солди-да, омборларга қараб кетди. Бу орада хотин-халаж Андрей Размётновни қишлоқ советидан сургаб олиб чиқиб, шанғиллаб:

— Митингни оч!— деб қичқирмоқда эди.

— Аёллар! Холажонлар! Онажонлар! Меҳрибонлар! Ҳозир митинг бўлмайди! Митингбозлик қилиш эмас, экиш керак! Сизларга митинг нимага керак бўлиб қолди? Бу — солдатча сўз. Уни айтишга оғиз жуфтлашдан олдин уч йилча окопларда ўтириш керак! Урушда бўлиш, битларга ем бўлиш керак, ана ундан кейингина митинг тўғрисида оғиз очиш керак,— деб хотин-халажни тинчитмоқчи бўлди Размётнов.

Аммо улар Андрейнинг гапига қулоқ солишмас, чалворига, кўйлагининг енги ва этагига ёпишиб, тунд Андрейни мактабга қараб сургаганча шанғиллашарди:

— Окопларда ўтиришни хоҳламаймиз!

— Урушга боришни хоҳламаймиз!

— Митингни оч, бўлмаса ўзимиз очамиз!

— Мумкинмас деб бекор айтяпсан, итвачча! Сен раиссан! Сенга мумкин!

Андрей хотин-халажни итариб ташлаб, қулоқларини беркитар, уларнинг овозларини босиб тушиш учун чинқирарди:

— Жим дейман, алвастилар! Нар и турсанглар-чи! Сизларга нима вайдан митинг керак бўлиб қолди?

— Ғалла важдан! Сизлар билан ғалла тўғрисида гаплашамиз!

...Ниҳоят Размётнов:

— Мажлисни очиқ ҳисоблайман,— дейишга мажбур бўлди.

— Сўз беринг,— деди бева Екатерина Гуляшчая.

— Гапиравер, арвоҳ ургур!..

— Оғзингга қараб гапир, раис! Арвоҳ уриш мана бунақа бўлади деб бир туширайми... Сизлар кимнинг изми билан бизнинг ғалламизни талон-торож қилдирыпсизлар? Ярскойликларга берилсин, деб ким буюрди, нима ҳожати бор экан бунинг?— Екатерина Гуляшчая



қўллари бикинига тираганича букчайиб, жавоб кутди.

Андрей худди хира пашшани қувлагандек қўл силтади.

— Уртоқ Давидов сизларга ўзининг инобатли сўзларини айтди. Мен ҳам мажлисни бу бемаъниликлар учун эмас, аслида...— Андрей хўрсинди,— шунинг учун очдимки, азиз граждандлар, ҳаммамиз кучимизни тўплаб юмронқозиқ тутгани борайлик...

Андрейнинг ҳийласи натижа бермади.

— Юмронқозиғинг нимаси!

— Юмронқозиқдан бошқа ғамларимиз ҳам ошиб ётибди!

— Ғаллани беринглар!..

— Балога учрагур, сафсатабоз! Гапни юмронқозиққа буряпти! Ғалла тўғрисида ким гапиради?

— У тўғрида гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ!

— Ҳа-а-а, ҳожати йўқми? Ғалламизни қайтариб беринглар!

Екатерина Гуляшчая бошчилигидаги хотин-халаж саҳнага ёпирилиб бора бошлади. Андрей суфлёр ўтирадиган тунука будка яқинида турарди. У хотин-халажга илжайиб қараб қўяр, аммо юраги пўкилламоқда, чунки нақши мойчечак гулига ўхшаш оқ дуррали хотинларнинг орқасида уймалашиб турган казакларнинг турқи жуда жиддий эди.

— Қишин-ёзин этик кийиб юрасан, бизнинг чориқ тикишга ҳам танаворимиз йўқ!

— Комиссар бўлиб қолибсан!

— Маришканинг эрининг чалворини кийиб юрганнинг эсингдан чиқдимми?

— Шишиниб кетибди.

— Этигини ечиб олинглар, хотинлар!

Қичқириқлар тартибсиз отилган ўқ овозларидек янграй бошлади. Унлаб хотин-халаж саҳнанинг олди-гинасида тўпланишиб турарди. Андрей тинчлик ўрнатилмади уринар, аммо овози эшитилмас эди.

— Оёғидан этигини ечиб олинглар! Қани, бўла қолинглар, эгачилар!

Бир лаҳзада саҳнага бир неча қўл чўзилди. Андрейни чап оёғидан ушлаб олишди. У будкага ёпишиб

олиб, ғазабидан оқариб кетди, аммо оёғидан этигини суғуриб олиб, орқароққа улоқтиришган эди. Сонсиз-саноқсиз қўллар этикни илиб олиб, бир-бирларига узатишарди. Онда-сонда хунук кулги кўтарилди. Узоқроқдан, орқадаги қаторлардан, эркакларнинг маъқулловчи овозлари эшитилди:

— Этигини еч!

— Галифесиз юра турсин!..

— Унисини ҳам суғуриб ол!..

— Эгачилар, бўш келманглар! Адабини бер тўн-физнинг!..

Андрейнинг иккинчи этигини ҳам суғуриб олишди. У оёқларидан пайтаваларини ҳам ечиб ташлаб, қичкирди:

— Пайтаваларим ҳам керакми? Ола қолинглар! Битта-яримта дастрўмол қилар!

Бир неча йигит тез-тез юриб саҳнага яқинлашиб келмоқда эди. Улардан бири — атаманчининг ўғли, ўзи ҳам бўйдор, дурдоқ лабли давангир — якка хўжалик Ефим Трубачёв, хотин-халажни нари-бери суриб саҳнага чиқди.

— Бизга сенинг пайтаваларинг керак эмас, — дерди у илжайиб ва ҳансираб, — аммо чалворингни ечиб оламиз, раис...

— Бизга чалвор жуда керак! Қамбағаллар чалворсиз юришибди, кулакларникидан тегмай қолди, — сурбетлик билан деди ундан ёшроқ, бўйи паст, аммо шумроқ она боши йигит.

Димок деган бу йигитнинг сочлари ниҳоятда жингалак эди, унинг малланамо қўнғир жингаламўй сочларига умрбод тароқ тегмагандек, улар казакча кўҳна фуражкасининг кизаклари остидан фатила-фатила бўлиб чиқиб турарди. Димокнинг отаси герман урушида ҳалок бўлган, онаси терламадан ўлган, гўдак Димок холасининг қўлида усган эди. Қичкиналигида ноқ бировларнинг полизларидан бодиринг билан редиска, боғларидан олча билан олма ўғирлар, пайкаллардан қоп-қоп тарвуз орқалаб кетарди, балоғатга етгандан кейин эса хутордаги қизларни йўлдан урадиган бўлиб, шу қадар ёмон от билан донғи чиқдики, Гремячийдаги бўй етган қизи бор ҳар бир она ҳам

Димокка, унинг қийғирнинг гавдасидек хушбичим кичик қадди-бастига безовталанмасдан қараёлмас эди. Кўриб қолса, бир четга туфлаб жаврарди:

— Келяпти, ола кўз шайтон! Итдан туққан ҳароми хуторда изғигани изғиган...— Кейин қизига қараб гапирарди:— Хўш, мунча бақраясан? Нега деразага ёпишиб қолдинг? Ҳаромини тугиб кел-чи,— ўз қўлгиналарим билан бўғиб ўлдириб қўя қоламан! Бор, ўчоққа тезак олиб кел, сигирни арқонлаб ол, итвачча!

Димок эса йиртиқ чўқой кийган оёқларини йиртиқлардек эҳтиёт билан босиб, тишлари орасидан ҳуштак чалганича четанлар билан деворларнинг олдидан бемалол ўтиб боради, қайрилма нурли киприкларини остидан деразаларга, қўраларга тикилади, бирон ерда қиз боланинг дурраси лип этиб кўриниб қолгудек бўлса, лапашанг, ялқовнамо Димок дарҳол ўзгариб кетади: у бошини дарҳол қийғирчасига кескин ҳаракат билан буриб, қаддини ростлайди. Аммо унинг ола кўзларидан ваҳшийлик эмас, меҳр ва латофат барқ уриб туради, бу лаҳзада Димокнинг ҳатто кўзлари ҳам гўё ўз тусини ўзгартириб, июль осмонидек тип-тиниқ, мовий бўлиб қолади. «Фектюшка, нури жаҳоним! Бугун қоронғи тушиши билан қўранинг орқасидан келаман. Сен бугун қаерда ётасан?» «Вой, тантиғлик қилмасангиз-чи!»— югуриб кета туриб сир бой бермай, пинагини бузмай жавоб беради қиз.

Димок гапга тушуниб орқасидан жилмайиб қараб туради-да, жўнаб кетади.

Кунботарда жамоат омборининг олдида бадарга қилинган ошнаси Тимофей Тиртиқнинг гармонини чалади, аммо боғлар ва дарахтзорларга кўкиш кўланка чўкиши билан, одамларнинг ғала-ғовури ва молларнинг маъраши тиниши билан тор кўчадан ошиқмай Фектянинг қўрасига қараб йўл олади. Ғамгин шивирлашаётган теракар тепасида, жимжит хутор тепасида ҳам худди Димокка ўхшаган лўппи юзли, унга ўхшаган ёлғиз ой кетаётган бўлади.

Димокнинг эрмаги қизларгина эмас, у ароқни ҳам яхши кўрар, аммо ҳаммадан кўра муштлашишни яхши кўрар эди. Қаерда муштлашиш бўлса, Димок ўша жойда ҳозир. Дастлаб қўлини орқасига қилиб маҳкам

тутганича, бошини эгиб қараб туради, шундан сўнг тиззаларига титроқ киради, титроқ авжига чиқа бошлайди, кейин ўзидан зўр келаётган ғайратига чидай олмай муштлашишга тушиб кетади. Йигирма ёшигача беш-олтита тишидан ажралиб бўлган эди. Бир неча марта калтак еб, лахта-лахта қон қусган эди. Уни қизларнинг гуноҳи учун ҳам, бировларнинг мушт билан бартараф қилинадиган баҳсларига аралашганлиги учун ҳам уришар эди. Димок кўзидан ҳеч ёши аримайдиган холасининг печкасида бир ойча қон туфлаб, инқиллаб-синқиллаб ётиб олади-да, яна сайилгоҳларда пайдо бўлади, Димокнинг мовий кўзлари яна ҳам ташналик билан чақнайди, бармоқлари икки қаторли гармоннинг тугмачалари бўйлаб яна ҳам чаққонроқ югуради, аммо касалдан сўнг овозлари худди тўзиган эски гармошка дамнинг овозидек бўғиқ ва хирқироқроқ бўлиб қолади:

Димокни уриб йўлга солиш маҳол — жони мушукнинг жонидан ҳам қаттиқ эди. Уни комсомолдан ҳайдашди, безорилик қилгани ҳамда ўт қўйгани учун суд қилишди. Андрей Размётнов уни тўполон қилгани учун бир неча марта кечаси қишлоқ советининг омборига қамаб қўйган эди. Димок унга аллақачонлардан бери қаттиқ кек сақлаб юрарди, ҳозир қасос олишга қулай фурсат келди деб билиб, орани очди қилиш учун саҳнага чиққан эди...

У Андрейга борган сари яқинлашиб келмоқда эди. Унинг тиззалари қалтирар, худди ўйинга тушаётганга ўхшарди.

— Чалворинг бизга... — Димок қаттиқ хўрсинди. — Қани, еч!..

Саҳна хотин-халаж билан тўлиб бормоқда. Халойиқ Андрейни яна қуршаб олган, уни ўраб олган мустаҳкам ҳалқадан юзига ва елкасига иссиқ нафас урилмоқда эди.

— Мен — раисман! — деб қичқирди Размётнов. — Мени мазах қилиш — Совет ҳокимиятини мазах қилиш бўлади! Қоч! Ғаллани олишларингга руҳсат этмайман! Мажлисни ёпиқ деб ҳисоблайман!..

— Ўзимиз оламиз!

— Ҳо-ҳо! Елган эмиш!

- Очиб оламиз!
- Давидовга бориб унинг ҳам тотигини берамиз!
- Қани, правлениега кетдик!
- Размётновни қўйворманглар!
- Уринглар буни, йигитлар!..
- Истиҳола қилиб ўтирамизми?!
- У Сталинга қарши экан!
- Қамаб қўйиш керак!

Хотинлардан бири президиум столига ёпиб қўйилган қизил сатинни тортиб олиб, у билан Размётновнинг орқасидан бошини ўради. Размётнов сиёҳ вачанг ҳиди келиб турган алвонни олиб ташлашга уринаркан, Димок қулочини ёзмасдан оч биқинига тўширди.

Бошини бўшатиб олган, қаҳр-ғазабдан гангиб, нафаси тикилган Андрей чўнтагидан наганини суғуриб олди. Хотин-халаж қичқиришиб чет-четга қочишди, Димок, Ефим Трубачёв билан саҳнага чиққан яна иккита казак эса унинг қўлига ёпишиб, қуролсизлаштиришди.

— Халққа қараб отмоқчимидинг! Вой итвачча-е!— хурсанд бўлиб бақирди Трубачёв Размётновнинг барабанида биронта ҳам патрони йўқ, ўқланмаган наганини баланд кўтариб.

Давидов омборлар томондан эшитилаётган давомли мудҳиш ҳайқириқларни эшитаркан, беихтиёр қадамини секинлатди. Аёлларнинг чийиллаган овозлари эркакларнинг йўғон овозини босиб тушаётган эди. Куз куни илк қиров тушган ўрмонда ўз тўпи билан мўйнабоп йиртқичнинг изидан кетаётган урғочи тозининг жонҳолатда ўлар-тириларига қарамай вовиллаши умумий шовқиндан ажралиб турганидек, аёлларнинг чинқириғи ҳам ажралиб эшитилмоқда эди.

«Иккинчи бригадага одам юбориш керак эди, тағин галлани талаб кетишмасин» деб ўйлади Давидов. У уруғлик дон турган омборларнинг калитларини бирон ерга яшириш учун правлениега қайтиб кетди. Гангиб қолган Демка Ушаков дарвоза олдида турарди.

— Мен беркиниб тураман, ўртоқ Давидов, бўлмаса мени калитни бер деб қийнашлари мумкин.

— Узинг биласан. Найденов йўқми?  
— У иккинчи бригадада.  
— Бу ерда иккинчи бригададан ҳеч ким борми?  
— Кондрат Майданников бор.  
— Қани у? Бу ерда нима қилиб юрибди?  
— Уруққа келган экан. Ана ўзи ҳам югуриб кел-  
япти!

Уларнинг олдига шоша-пиша Майданников кела-  
ётган эди. Узоқданоқ қамчисини силкитиб:

— Жамоат Андрей Размётновни қамаб қўйди!—  
деб қичқирди.— Уни ертўлага қамаб, ҳозир ўзларни  
омборларга келишяпти. Сен кўринмай тур, ўртоқ Да-  
видов, яна бирон кори ҳол бўлмасин... Халойиқнинг  
авзойи жуда бузуқ!

— Мен бекинмайман! Эсингни едингми?! Ма, ка-  
литларни ол, бригадага югур, Любишкинга айтгин-  
ки, ўн бештача одамни отга миндириб дарров етиб  
келсин, бу ердаги... ғалвани кўряпсан-ку... Районни  
безовта қилмай қўя қолай, ўзимиз бартараф қила-  
миз. Сен нимада келдинг?

— Бричкада.

— Отнинг биттасини чиқариб мину, ғизилла!

— Кўз очиб-юмгунча-да!— Майданников калит-  
ларни чўнтагига солиб, тор кўчадан чопиб кетди.

Давидов ошиқмасдан омборлар олдига етиб бор-  
ди. Оломон уни кутиб, бир оз тинчиб қолган эди.  
«Келяпти, қуриб кетгур!»— асабий ҳолатда чинқирди  
қандайдир жувон Давидовни кўрсатиб. Аммо Дави-  
дов ошиқмай, ҳамманинг кўзи ўнгида тамаки чекмоқ-  
чи бўлиб намоишкорона тўхтади, елга тескари бў-  
либ ўгирилганча гугурт чақди.

— Бўл, бўл! Кейин чекарсан!

— Нариги дунёда чекиб, хуморидан чиқасан!

— Калитларни олиб келяпсанми? Ё йўқми?

— Олиб келмай нима қилади? Жонини ҳовучлаб  
келяпти.

Давидов қўлларини чўнтақларига тиқиб, тутун  
бурқситганича олдинги қаторларга яқинлашди. Унинг  
дадиллиги, хотиржамлиги халойиққа икки хил таъ-  
сир қилди: баъзилар бу хотиржамликдан Давидов-  
нинг ўз кучи ва устунлигини яхши билганини пай-

қашди, унинг вазминлиги баъзиларнинг жинини қўзғатди. Худди тулука томга ёғилган дўлдек, қичқириқлар янграй бошлади:

— Қалитларни бер!

— Қолхозни тарқатиб юбор!

— Бу ердан туёғингни шиқиллат! Сени биров чақирганмиди?

— Уруғни бер!

— Нега еримизни эктирмайсан?

Майин шабада аёлларнинг дурраларининг учларини ўйнар, омбор томларига ёпилган қамишларнинг попилтириқларини шитирлатар, даштдан сергийган ернинг чучук ҳидини ва майса-гиёҳларнинг етилмаган жувонак бўйини олиб келар эди. Тўлишаётган терак куртакларининг болдек ҳиди шу қадар бадхўр тотли эдики, Давидов гапира бошлаганида, назарида, лаблари чип-чип ёпишиб қолаётгандек, тилини танглайга тегизаркан, бол мазасини сезгандек бўлди.

— Сизлар нега Совет ҳокимиятининг фармойишларига бўйсунмай қўйдинглар, граждандар? Нима учун Ярославской колхозига ғаллани бермадинглар? Бунинг учун кўклам экин кампаниясини барбод қилувчилар сифатида суд олдида жавоб беришни ўйламадингларми? Жавоб беришларинг факт! Совет ҳокимияти бу ишларингни кечирмайди!

— Совет ҳокимиятингни қамаб қўйдик! Ертўлада бинойидек ўтирибди!— деб жавоб берди пастаккина оқсоқ казак, якка хўжалик Мирон Добродеев, Размёновнинг қамалганига шама қилиб.

Баъзи бировлар кулиб юборишди, аммо Банник олдинга чиқиб, ғазаб билан қичқирди:

— Сизлар бу ерда ўйлаб топган нарсангиз, Совет ҳукуматининг буйруғига тўғри келмайди. Макарка Нагульнов билан бирга тўқиб чиқарган Совет ҳокимиятингизга бўйсунмаймиз! Ғаллакорларга экин эктирмаслик ҳам иш бўлдимми? Бу нима деган нарса? Бу — партияни бузиш деган гап!

— Сенинг экишингга йўл қўймайпмизми?

— Йўл қўяяпсизларми бўлмаса?

— Сен жамоат омборига уруғ тўкканмидинг?

— Ҳа, тўккан эдим.

— Уларни қайтиб олдингми?  
— Ҳа, қайтиб олдим. Нима эди?  
— Бўлмаса сенинг экишингга ким тўсқин бўляпти? Нима қилиб омборларнинг олдида пашшахўрда бўлиб юрибсан?

Гапнинг бирдан ўзи учун кутилмаган томонга бурилиб кетганидан Банник бир оз хижолат бўлди, аммо ўзини ўнглаб олишга уринди:

— Мен ўзимнинг эмас, колхоздан чиққан, сизлар ғалласи билан мол-мулкини қайтариб бермаётган халойиқнинг ғамини еяпман, шундай! Менга ҳам қандай ер ажратиб бердинглар? Нима учун узоқ жойдан?

Давидов ўзини тиёлмади.

— Йўқол бу ердан! Биз сен билан кейин гаплашамиз, факт! Колхознинг ишларига тумшуғингни тиқа кўрма, шартта узиб оламиз! Сен ифвогарлик билан шуғулланаяпсан! Йўқол деяпман сенга!

Банник ғудраниб пўписа қилганича йироқлашди, унинг ўрнига хотин-халаж ёпирилиб келди. Улар бир овоздан шовқин кўтариб, Давидовга оғиз ҳам очиршмади. У Любишкинга бригадаси билан етиб келиши учун имконият бериш мақсадида вақтни чўзишга интилар, казакларнинг хайрихоҳ сукунатидан далдаланган хотин-халаж эса уни қуршаб олиб қулоқни битиргудек шовқин солмоқда эди.

Давидов атрофига алангларкан, Марина Поярковани кўриб қолди. У билагигача яланғоч бақувват қўлларини кўкрагига қовуштириб, қаншари устида туташаёзган тим қора қошларини чимирганича хотин-халаж билан нима ҳақдадир қизишиб гаплашиб турарди. Давидов унинг адоват билан назар ташлаётганини, унинг ёнида бир нарсани кутаётгандек тиржайиб, Демид Индамасга ниманидир ҳовлиқиб пичирлаётган Яков Лукични кўриб қолди.

— Қалитларни бер! Яхшиликча бер, эшитяпсанми?

Хотинлардан бири Давидовнинг елкасини ушлаб, унинг шими чўнтагига қўлини тиқди.

Давидов уни куч билан итариб юборди. Хотин тисарила бориб чалқанчасига йиқлиб тушди-да, ёлғондакасига йиғлаб:



— Вой, ўлдирди, ўлдирди! Ургилайлар, жонимга ора киринглар!..— деб қичқирди.

— Бу нима деган гап?—қалтироқ овоз билан сўради кимдир оломоннинг орқароқ қаторидан.— Мушт кўтаришга тушяптими? Қани, уни ҳам бир ниқтаб қўйинглар-чи, бурнидан қони келсин!

Давидов йиқилиб кетган хотинни кўтариб қўйиш учун энди қадам қўйган эди ҳамки, бошидан кепкасини уриб туширишди, юзига ва яғринига бир неча мушт тушди, қўлларини ушлаб олишди. Бир ижирғаниб, елкасига ёпишиб олган хотинларни тушириб юборди, аммо аёллар чинқирганларича унга ёпишиб олиб, ёқасини вайрон қилишди, кўз юмиб-очгунча чўнтакларини титкилаб ағдаришди.

— Унда калит йўқ экан!

— Калитлар қани?..

— Бе-е-е-ер! Барибир қулфларни бузиб кирамиз!

Азамат кампир — Мишка Игнатенокнинг онаси — Давидовнинг олдига пишиллаганча келиб эркакчасига сўкинди-да, унинг юзига туфурди.

— Мана сенга, динсиз иблис!

Давидовнинг ранги оқариб кетди, қўлларини бўшатиб олмоқчи бўлиб қаттиқ чиранди, аммо бўшатиб ололмади: афтидан, казаклардан бири ёрдамга етиб келган эди. Йирик қадоқли бармоқлар орқадан тирсақларини худди омбурдек қисиб олган эди. Шундан сўнг Давидов юлқинмай қўйди. У иш жиддий тус олиб, бу ердагилардан биронтаси ҳам унинг жонига ора кирмаслигини пайқаб, бошқача йўл тутишга қарор қилди.

— Омборларнинг калитлари менда эмас, гражданлар. Калитлар ҳозир...— Давидов тутилиб қолди: у, калитлар менинг қўлимда эмас, демоқчи эди, аммо, инкор этса, халойиқ Демка Ушаковга югуриб, уни топиб олажagini, унда Демка омон қолмаслигини, уни уриб ўлдиришлари мумкинлигини дарҳол фаҳмлаб қолди. «Менинг квартирамда дейман, у ерда қидириб, йўқотиб қўйибман, дейман. Бу орада Любишкин етиб келиб қолади, улар мени ўлдиргани журъат қилишолмайди. Эҳ, жин урсин буларни!» У тимдаланган ёноғидаги қонни кифти билан артаркан, индамай туриб,

сўнгра деди:— Қалитлар менинг квартирамда, аммо мен уларни сизга бермайман, қулфларни бузар экансизлар, қаттиқ жавобгарликка тортиласизлар! Шунни билиб қўйинглар, факт!

— Бизни квартирангга олиб бор! Қалитларингни ўзимиз оламыз,— деб тиқилинч қиларди Игнатенонинг онаси.

Ҳаяжонидан унинг салқиган лунжлари ва бурнидаги каттакон сўғали титрар, серажин юзидан тер қуюлар эди. У Давидовни бир туртди, Давидов ҳам жон деб квартираси томон аста-секин кета бошлади.

— Қалитлар ўша ердами ўзи? Яхшилаб эсла!— деб суриштирарди Банникнинг хотини Авдотья.

— Ўша ерда, ўша ерда, холажон!— деб гапини маъқуллатмоқчи бўларди Давидов, бошини қуйи солганича кулгисини яшириб.

Тўрт хотин унинг қўлидан ушлаб борар, бешинчиси орқасидан сўлоқмондек сўйил кўтариб кетмоқда, ўнг томонида Игнатенонинг кампири титраб-қақшаб эркакчасига қадам ташлаб борар, чап томонида эса тўптўп бўлиб олган хотин-халаж елиб кетмоқда эди. Қазаклар калит пойлаб омборларнинг олдида қолишди.

— Қўлимни қўйворинг, холажон! Қочиб кетмайман,— деб илтижо қиларди Давидов.

— Ким билади, тагин қочиб кетиб қолсанг-а.

— Йўғ-э!

— Биз билан кетавер, шунда хотиржамроқ бўламиз.

Квартирага етиб боришди; четан дарвоза билан говни ағдариб, ҳовлига ёпирилиб киришди.

— Бор, калитларни олиб чиқ. Олиб чиқмасанг, ҳозир казакларни чақирамиз, улар бирпасда бўйингинангни суғуриб олишади!

— Эҳ, холажонлар, Совет ҳокимиятини дарров эсларингдан чиқариб қўйибсизлар. Бу қилғиликларингизни у кечирмайди!

— Нима бўлса бўлар! Экин экмай кузда очимиздан шишиб ўлдик нима-ю, ҳозир жавобгарликка тортилдик нима! Бор, тезроқ бор!

Давидов ўз хонасига кирди; уни кузатиб турганларини билгани учун синчиклаб қидираётгандек бўлди.

У чамадон ва столдаги ҳамма нарсаларни ағдар-тўн-тар қилиб ташлади, ҳамма қоғозларни силкитиб кўрди, койка билан чўлоқ стол тагига ҳам кириб чиқди...

— Калитлар йўқ,— деди у зинапояга чиқиб.

— Қаёқда бўлмаса?

— Нагульновда бўлса керак.

— Ахир, у кетган-ку!

— Нима қипти! Кетган бўлса, калитларни ташлаб кетган бўлиши мумкин. Албатта ташлаб кетган бўлиши керак. Биз бугун иккинчи бригадага галла беришимиз керак эди.

Уни Нагульновнинг квартирасига бошлаб кетишди. Йўлда ура бошлашди. Бошда сал-пал турткилаб, сўкиб, кейин эса унинг нуқул кулиб ҳазиллашаётганидан жинлари қўзиб қаттиқ ура бошлашди.

— Гражданкалар! Жонажонларим! Ҳеч бўлмаса калтак билан урманглар,— деб ёлворар, яқинроғидаги хотинларни чимчиб оларди у, ўзи эса бошини эгиб зўрма- зўраки илжайар эди.

Унинг эгилган яғриндор кифтига гурсиллатиб туширишар, аммо у эса томоғини қириб, кифтларини силкитиб, оғриқ азобига қарамай ҳали ҳам ҳазиллашмоқчи бўлар эди:

— Бибижон! Гўр оғзига яқин турибсану, уришасан-а. Қани, мен ҳам сени бир марта уриб кўрай-чи, а?

— Тепса тебранмас! Тўнтак!— йиғлагудек бўлиб чинқирарди кичкина бақувват муштлари билан Давидовнинг яғринига зўр бериб ураётган ёшгина Настенка Донецкова.— Уравериб қўлларим оғриди-ю, бу ғиқ этса-я!..

Давидов бир мартагина тишларини қисиб туриб жаҳл аралаш:— Қалтак билан урманглар!— деди ва бир хотиннинг қўлидаги қурғоқ тол ёғочни олиб, тиззасига қўйганча қарсиллатиб синдириб ташлади.

Унинг қулоғини қонатиб, оғзи-бурнини дабдала қилиб юборишди, у эса дўрдайган лаблари билан ҳамон жилмаяр, олдинги тиши йўқлиги кўриниб турарди, айниқса қаттиқ ёпишаётган хотинларни секингина итариб юборар эди. Қаҳридан бурнидаги сўғали титраб турган Игнатенокнинг кампири айниқса гашига тегарди. У қаттиқ урар, ё қаншарига, ё чаккасига тушириб қо-

лишнинг пайдан бўлар, урганда ҳам бошқаларга ўхшаб эмас, қаттиқ қисилган қоқ суяк мушти билан урар эди. Давидов йўл-йўлакай унга чап бериб орқа ўғирарди. Кампир пишиллаганича хотинларни нари-бери суриб, унинг олд томонидан келиб, хирқирарди:

— Қани, бир башарасига туширай! Башарасига!  
«Ш-ш-шошма, сен чўл қурбақа,— ўзини босиб ўйларди Давидов, калтакка чап бераркан,— Любишкин кўриниши билан мен ҳам сени шунақанги туширайки, пйриллаб учиб кетгин!»

Любишкин билан отлиқлардан ҳамон дарак йўқ эди. Нагульновнинг квартирасига етиб боришди. Бу гал Давидов билан бирга хонага хотинлар ҳам киришди. Улар ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб, қоғозлар, китоблар, кийим-кечакларни сочиб ташлашди, ҳатто уй эгалариникига кириб калитларни қидиришди. Албатта, топишолмади, Давидовни зинапояга ҳайдаб чиқишди.

— Калитлар қани? Улдирамиз!

— Островновда,— деб жавоб берди Давидов омборлар олдидаги халойиқ ичида бадхоҳлик билан илжайиб турган хўжалик мудирини эслаб.

— Елғон айтяпсан! Биз ундан аллақачон суриштирганмиз! У, сенда бўлиши керак, деб айтди!..

— Гражданкалар,— Давидов ниҳоятда шишиб кетган бурнини бармоқлари билан ушлаб кўриб, оҳиста жилмайди:— Гражданкалар! Сизлар мени беҳудага урдинглар... Калитлар правлениеда. Менинг столимда турибди, факт. Энди аниқ эслаяпман.

— Нима, сен бизни калака қиляпсанми!— деб чинқириб юборди омборлар томондан етиб келган Екатерина Гуляшчая.

— Ўша ёққа олиб боринглар! Қалака қилиш нимаси? Лекин, мумкин бўлса, урманглар!

Давидов зинапоядан пастга тушди. У ташналикдан қийналар, ноиложликдан ғазабланар эди. У кўп калтак еган, аммо хотинлардан биринчи марта калтак емоқда, шунинг учун хуноб бўлар эди. «Ишқилиб, йиқилиб тушмай, йиқилсам ғазаблари ошиб кетиб, уриб ўлдирсалар ҳам ажаб эмас. Роса бемаъни ўлим бўларди-да, факт» деб ўйларди у умид билан тепалик томон-

га кўз тикиб. Аммо йўлда от туёқларидан кўтарилган тўзон кўзга чалинмас, ёпирилиб келаётган суворийлар кўринмас эди. Узоқ уфқдаги қўрғонгача чўзилиб кетган қир кимсасиз, бўм-бўш... Кўчалар ҳам шундай хувиллаб ётарди. Ҳамма омборларнинг олдига тўпланган, у ердан оломоннинг гулдураган овози эшитиларди.

Правлениега етиб боргунларича Давидовни шу қадар калтаклашдики, у йиқилиб тушай-йиқилиб тушай дерди. У энди ҳазиллашмас, теп-текис ерда ҳам қоқитиб-қоқилиб борар, борган сари бошини тез-тез чангаллаб, ранги ўчган ҳолда бўғиқ овоз билан ёлворар эди:

— Бас! Ўлдириб қўясизлар-ку... Бошимга урманглар... Менда калит йўқ! Ярим кечагача олиб юрсанглар ҳам, калит йўқ... Бермайман!..

— Ҳаҳ-ҳа-а, ярим кечагачами?!— деб шанғиллашарди ғазабланган хотинлар ва мажолсизланган Давидовга яна зулукдек ёпишиб олиб, уни тимдалашар, уришар, ҳатто тишлашар эди.

Қолхоз правлениеси қўрасидан берироқда Давидов йўлга ўтириб олди. Унинг каноп кўйлаги қонга беланган, эскириб, почаси шокила бўлиб қолган шаҳарча шимининг тиззалари йиртилган, вайрон ёқасидан санчиб сурат чекилган қорамағиз тўши кўриниб турар эди. У ҳансираб зўрға нафас олар, қиёфаси аянчли эди.

— Юр, ит-вач-ча!..— Игнатенокнинг кампири деп-синарди.

— Сиз аблаҳлар учун-ку!..— деди бирдан янгроқ овоз билан Давидов ва ғалати ёришиб кетган кўзларини атрофга югуртирди.— Сизлар учун қиляпмиз-ку!.. Сизлар мени ўлдирмоқчисизлар... Эҳ, аб-лаҳлар! Калитларни бермайман. Тушундингларми? Факт, бермайман! Хўш?

— Уни қўйинглар!..— деб қичқирди югуриб келган бир қиз.— Казаклар аллақачон қулфларни бузиб, ғаллани тақсимлашяпти!

Хотин-халаж Давидовни правлениенинг дарвозаси олдида қолдириб, омбор томон югурди.

У ўрnidан аранг туриб, қўрага кирди-да, суви илиб

қолган пақирни зинапояга олиб чиқиб, узоқ шмирди, сўнгра сувни бошидан қуя бошлади. Инқиллаб-синқиллаб юзи ва бўйнидаги қонни ювди, панжарада осиглиқ турган от ёпиққа артиниб остонага ўтирди.

Қўрада зоғ йўқ. Қаердадир безовталаниб товук қақолайди. Чуғурчуқ уясининг томида бошини баланд кўтарганича қора тўрғай сайрамоқда. Даштдан юмронқозиқларнинг чийиллаши эшитилмоқда. Қуёш бетини бинафша ранг сийрак булут увадалари қоплаган, аммо шунга қарамай ҳаво шу қадар дим эдики, ҳатто қўра ўртасидаги кул тепага ағанаётган чумчуқлар ҳам бўйинларини чўзиб, жажжи елпиғичдек ёзилган қанотларини аҳён-аҳёнда силкитиб қўйиб, жимгина ётишар эди.

Секин эшитилган от туёқларининг юмшоқ дупурини эшитиб Давидов бошини кўтарди: дарвозадан эгарлоғлиқ, сағриси паст бўз от елиб кирди. У кескин бурилиб орқа оёқлари билан ернинг чангини ўйнатди-да, қамчи теккан жойларидан қизиб турган ерга паға-паға кўпик тўкиб, пишқирганича қўрани айланди. Отхона эшиги олдида тўхтаб, остонани ҳидлади.

Нуқра нақш қилинган жимжимадор югани узилиб кетган, тизгини ерга чувалиб тушган, эгари бўйнига келиб қолган, ўмилдириғининг узилиб кетган қайишлари осилиб, қорамтир бинафша туёқларига тегиб турар эди. Унинг икки биқини кириб-чиқиб турар, пушти тумшук катакларини керар, заррин кокили ва чигал ёлига бултурги қўнғир чакамуғлар мушт-мушт ёпишиб ётар эди.

Давидов отга ҳайрон бўлиб тикиларди. Шу пайт пичанхонанинг эшиги ғичирлаб, Шчукаръ бобонинг боши кўринди. Бир оздан сўнг эшикни камоли эҳтиёткорлик билан очди-да, атрофга олазарак бўлиб аланглаб ўзи ҳам чиқиб келди.

Шчукарнинг тердан жиққа ҳўл бўлган кўйлагига пичан тўпони ёпишган, пахмоқ соқолига бош тортган ажриқ бошоқлари, қувраган чўп ва япроқлар, жумрушқанинг сариқ уруғлари илашиб қолган эди. Шчукаръ бобонинг юзи тўқ қизил тусга кирган, ниҳоятда қўрқиб кетгани авзойидан билиниб турар, чаккаларидан юзи ва соқолига тер қуюлмоқда эди...

— Ұртоқ Давидов!— ёлвориб шивирлай бошлади у, зинапояга оёқ учуда юриб яқинлашаркан.— Худо ҳақи, кўринмай тулинг! Модомики пайимизга тушишган экан, ўлдиришмасдан қўйишмайди. Сизнинг абжанингизни чиқаришибди, юзингизни таниб бўлмайди! Мен пичан орасида жон сақладим... Тоқат қилиб бўлмайдиган даражада дим, қоратерга тушиб кетдим; аммо панада жон сақладим, худо ҳақи! Бу тўс-тўполон босилгунча бирга яшириниб тура қолайлик, а? Одам ёлғиз бўлса ваҳим босар экан... Хўш, беҳудадан-беҳудага ўлиб кетишнинг нима қизиғи бор! Хотин-халажнинг аридек ғунғиллаётганини эшитинг, оғизларига тош, Нагульновни ҳам бир ёқли қилишганга ўхшайди. Келган ўшанинг оти... У бугун шу бўз отда станицага тушиб кетган эди. Дарвозадан чиқаётганида от қоқилиб кетди, мен унга ўшандаёқ: «Изингга қайт, Макар, бу ёмон аломат!» деган эдим. У билган одамнинг сўзига кирармиди? Ула қолса ҳам кирмайди! Ҳеч ўз билганидан қолмайди, мана энди ўлдириб қўйишганга ўхшайди. Агар изига қайтганида, менинг шарофатим билан жон сақлаб қолган бўларди.

— Балки у ҳозир уйдадир?— дудмалланиб сўради Давидов.

— Уйда-а? Бўлмаса нега оти ёлғиз кириб келиб, ўлик ҳидини билгандек пишқиряпти? Менга бу белгилар жуда ҳам аён! Турган гап: у райондан қайтиб келиб, омборлардаги ғаллаларни талашаётганини кўргану, бесабр юраги чидамай, уларга зид гапирган, улар уриб ўлдиришган...

Давидов индамай ўтирарди. Омборлар олдида ҳамон ғала-ғовур тинмас, араваларнинг ғижирлаши ва бричка ғилдиракларининг тарақ-туруғи эшитилар эди...

«Ғаллани олиб кетишяпти... — деб ўйлади Давидов. — Дарҳақиқат, Макарга нима бўлди экан? Наҳотки ўлдиришган бўлса? Борай-чи» деб у ўрнидан турди.

Давидовни ўзи билан пичанхонага яширинмоқчи деб ўйлаган Шчукаръ бобо типирчилаб қолди:

— Юринг, юринг, бир фалокатга йўлиқмайлик! Яна битта-яримтаси адашиб келиб бизни кўриб қолса

ажалга рўпара қилиб қўйишмасин. Бирпасда жойлашади-қўйишади! Пичанхона бўлса жуда роҳат. Пичаннинг ҳиди хушбўй, димоғингни очади, агар овқат бўлса мен у ерда бир ой ҳам ётаверардим. Лекин мени така ўз ҳолимга қўймади... Уриб ўлдираддим зараркунандани! Хотин-халаж колхозни ғарат қилиб, сизни ғалла важдан қийноққа солаётганини эшитиб қолдим; «Ҳе, бекордан-бекорга ўлиб кетмагин!» дедим ўзимга ўзим. Сиз билан икковимизгина, ўртоқ Давидов, революция бошидан бери платформада туриб, Гремячий колхозини тузганимизни, Титокнинг хўжалигини тугатганимизни хотинларнинг ҳаммаси билади-ку. Улар дастлаб кимни ўлдиришлари керак, албатта мен билан сизни-да! «Ишларимиз расво,— деб ўйладим,— бекиниш керак, бўлмаса Давидовни ўлдириб, мени ҳам соғ қўйишмайди, унда ўртоқ Давидовнинг ўлими ҳақида терговчига ким гувоҳлик беради?» Бир лаҳзада пичанга уриб яшириниб олдим, ҳатто қаттиқроқ нафас олгани ҳам қўрқиб ётибман. Бир вақт устимдан пичанни босиб биров келяпти... Келяпти-ю, яккаш тўзондан аксиради. «Шўрим қурсин!— деб ўйладим.— Мени қидиришаётганга ўхшайди, мени ўлдирмоқчи бўлиб келишаётганда ўхшайди.» У бўлса зўр бериб бостириб келяпти, мана оёғи қорнимга ҳам келиб тегди... Ётибман! Қўрққанымдан жоним чиқиб кетай деяпти-ю, қочарга иложим йўқлиги учун тавқи лаънат теккандек ётибман! Бир вақт башарамга оёқ қўйиб қолди. Қўлим билан шартта ушласам—жун босган туёқ! Тепа сочим тикка бўлиб, юрагим орқамга тортиб кетди... Қўрққанымдан нафасим чиқмай қолибди! Жундор туёқ қўлимга тушиб қолиш билан нима деб ўйлабман, «иблис!» деб. Пичанхона — зим-зиё қоронғи, ҳар қандай инсжинс қоронғини ёқтиради. «Демак,— деб ўйладим,— у ҳозир мени қитиқлашга тушиб охири ўлдирад эканда... Хотин-халаж ўлдиргани ҳам маъқул эди». Ҳа-а-а-а, жон-поним чиқиб кетди! Менинг ўрнимда юраксизроқ йигит бўлса борми, бирпаснинг ўзида ўтакаси-ю ичак-чавоғи ёрилиб, тил тортмай ўларди. Бирдан қўрқиб кетса ёрилиб кетади. Мен музлаб кетгандек бўлдим, ётавердим. Бир вақт димоғимга така ҳиди уриляпти. Титокнинг мусодара қилинган такаси пичан-



хонада туришини унутган эканман, лаънати мутлақо ёдимдан кўтарилган экан! Қарасам, ўша Титокнинг та-каси пичаннинг устида маврак қидириб, шувоқ кавшаб юрибди... Шу заҳоти дик этиб турлиму, таъзирини бе-ришга тушдим. Соқолидан сургаб роса булғаладим! «Хуторда исён кўтарилиб турган вақтда хашакнинг устида изғима, серсоқол иблис! Бекордан-бекорга тен-тираб юрма, сассиқ алвасти!» Шу қадар жаҳлим чи-қиб кетдики, уни ўша ердаёқ ўлдириб ташламоқчи бўлдим, сабабки, у ҳар қалай, ҳайвон бўлгани билан у ёқ-бу ёқни билиши, у-буга фаросати етиши, қачон хашак устида ирғишлаб санқиб юриш, қачон гумдон бў-либ тинчгина ўтиришни билиши керак... Қаёққа кетяп-сиз, ўртоқ Давидов?..

Давидов жавоб бермай, пичанхона олдидан ўтди-да, дарвоза томонга қараб кета бошлади.

— Қаёққа кетяпсиз?.. — қўрқа-писа пичирлади Шчукаръ бобо.

Қня очик ён эшикдан мўралаб, Давидовнинг, худди орқасидан кучли шамол итараётгандек, гандиракла-ганича тез-тез қадам ташлаб жамоат омборлари томон кетаётганини кўрди.

#### XXXIV БОБ

Йўл ёқасидаги қўрғонтепа усти — мозор. Унинг ша-мол ялаб кетган чўққисида бултурги явшон билан жумрушқанинг яйдоқ бутоқлари ҳасратлангандай ши-тирлайди, говтиканнинг қўнғир шохлари ерга мункай-ган, тепанинг ён бағирларини то чўққисидан этагигача даста-даста сарғиш момиқ чалов ўт босиб кетган. Қуёш, бўрон ва ёнгарчиликдан ранги ўнгиб кетган, ўксиз, кўримсиз чалов ўтлар шамол ялаб кетган қа-димий тупроқ устида сертола пояларини кўтариб ту-раркан, ҳатто қулф уриб гуллаётган турли-туман кўк-лам ўт-ўланларнинг орасида ҳам кексалардек ғамгин, мунғайиб турадилар, кузакка боргандагина ярқираб, оппоқ қировдек ярқираб жилоланадилар. Кузга бор-гандагина бошдан-оёқ кумуш совут кийган улуғвор савлатли қўрғон даштни қўриқлаётганга ўхшаб туради.

Ёзда, кечки шафақда унинг чўққисига булутлар остидан дашт бургути учиб келади. Қанотларини шапиллатганича қўрғонга қўнади-да, лапанглаб бир-икки қадам ташлагач, қайрилма тумшуғи билан елпигичдек қайирган жигар ранг қанотини, жигар ранг қуйруғини тозалай бошлайди, сўнгра бўйинини қийшайтириб, зеҳи қора қаҳрабо кўзини ҳамиша мовий осмонга тикиб, мудроқ босгандек қимир этмай қолади. Худди ноёб тошга ўхшаш ҳаракатсиз сарғиш-қўнғир бургут кечқурунги ови олдидан дам олади-да, яна ердан енгилгина кўтарилиб, парвоз қилади. Қуёш ботгунча шоҳона қанотларининг кўкиш кўланкаси даштни бир неча бор кесиб ўтади.

Муздек куз шамоллари уни қаёқларга олиб кетар экан? Кавказ тоғларининг мовий этакларигами? Ё Мугон даштигами? Ё Эронгами? Афғонистонгами?

Қиш ойлари мазор тепа оқсувсар ридосини ёпиниб ётганда ҳар куни кўкиш тонг олди қоронғилигида унинг чўққисига кўк томоқ қари тулки чиқади. У худди сарғиш-оташ ранг каррара мрамаридан тарашланган ҳайкалдек қимир этмай узоқ қотиб қолади; бинафша ранг қора қизғиш момик қуйруғини ташлаб, оғзининг атрофи қора, ингичка тумшуғини қаршидан эсаётган шамолга чўзганича туради. Бу пайтда унинг ақиқдек нам тумшуғи бир-бирига қоришиб кетган ҳидларнинг қудратли дунёсида яшайди, ютоқиб керкиган бесаранжом тумшуқ кагаклари ҳамма ёқни чулғаган чучук қор ҳидини ҳам, аёз қовжиратган эрманнинг туганмас аччиғини ҳам, яқин орадаги йўлда ётган димоқни қитиқловчи пичан иси келиб турган от тезагининг ҳидини ҳам, узоқдаги бурган босган уватга маскан қурган каклик полопонларининг илғар-илғамас ғоят ҳаяжонлантирувчи бўйини ҳам искайди.

Какликларнинг ҳиди шу қадар ўткир ва хилма-хилки, тулки уларнинг ҳидига тўйиб олиши учун қўрғондан тушиб, юлдуздек жилваланаётган қордан оёқларини суғурмай, сумалак босган хилча қорнини бурганлар оша сурганича эллик сажена жойга сирғилиб бориши керак. Шундагина унинг керик тумшуқ катакларига димоғини қитиқловчи бўй сўқими; янги қуш тезагининг чучмал иси билан қанот ҳиди келиб

урилади. Қор тегиб нам бўлган, ўтга тегиб кетган патдан явшоннинг аччиқ ҳиди билан шувоқнинг тахир иси таралади, ярмигача этга ботиб турган пат бандидан эса илиқ ва шўртак қон ҳиди анқийди...

Тупроқ тўкиб қилинган заранг қўрғоннинг тупроғини гармселлар ялайди, жануб қуёши қиздиради, жалалар ювиб кетади, қантароқ аёзлари бурдалаб ташлайди, аммо қўрғон, кўп асрлар муқаддам жангда ўлиб, иззат-икромлар билан дафн этилган қипчоқ бегининг жасади устига унинг билағузук таққан қорача хотинларининг қўллари билан, жангчилари, қариндош-уруғлари ва қулларининг қўллари билан бунёдга келтирилган пайтдан бери дашт устида доимо ҳукмрон бўлиб келади...

Қўрғон Гремячий Логдан саккиз чақиримча наридаги қир устида туради, казаклар уни азалдан Ажал қўрғони деб аташади, ривоятларга кўра, узоқ ўтмишда қўрғоннинг этагида яраланган казак ўлган эмиш, бу қадимий қўшиқда куйланган ўша казак бўлса ҳам ажаб эмасмиш:

Кескир шамшир билан чақин чақди-да,  
Явшон ўланлардан қалади гулхан.  
Чашма сувларини иситиб дарҳол  
Жароҳатларини ювди у обдон.  
«Лахта-лахта қон оққан жароҳатларим,  
Азобингиздан битди сабрим, тоқатим!..»

Нагульнов станицадан йигирма чақирим жойгача отини чоптириб келиб, пастак бўйли бўз отини Ажал қўрғонининг олдида тўхтатди. Отдан тушиб, унинг бўйнидаги кўпикни кафти билан сидириб ташлади.

Кун ҳаддан ташқари иссиқ, кўклам бошланганда бундай бўлмас эди. Қуёш ерни худди майдагидек қиздирарди. Уфқнинг мавжланиб турган гардишидан ҳовур кўтарилмоқда. Шабада йироқдаги дашт ҳовузидан ғозларнинг ғағолашини, ўрдакларнинг пойма-пой ғақиллашини, лойхўрақларнинг нолаларини олиб келмоқда.

Макар отнинг сўлиғини чиқариб юган тизгинини унинг олдинги оёғига боғлади-да, айилини бўшатиб

қўйди. От ютоқиб ўзини ёш ўтга урди, у йўл-йўла-  
кай қовжираган бултурги ажриқларни ҳам чимди-  
моқда эди.

Қўрғон устидан чуриллашиб бир тўп ола қанот суқ-  
сур учиб ўтди. Улар ҳовузга бориб пастлашди. Макар  
уларнинг парвозини беихтиёр кузатарди, суқсурларнинг  
ҳовузга тошдек шўнғиб, қамиш оролнинг олдидаги  
сувнинг тўлқинланганини кўрди. Шу ондаёқ чўчиб кет-  
ган бир гала қора қанот ғозлар тўғондан кўтарилди.  
Дашт кимсасизликдан ҳувиллаб ётарди. Макар қўрғон  
этагида узоқ ётди. Аввал у отнинг яқин орада пишқи-  
риб, сўлиғини жиринглатганча одимлаётганини эши-  
тиб турди, сўнгра от ўт-ўлани қалинроқ сойга тушиб  
кетди. Чор атрофни кеч кузда одамлар экинини йи-  
ғиб-териб олиб кетгандан кейин даштни чулғайдиган  
жимжитлик қоплаб олди.

«Уйга бориб, Андрей ва Давидов билан видолаша-  
ман-да, Польша фронтдан кийиб келган шинелимни  
кийиб, ўзимни отаман. Ҳаётда ҳеч илинжим қолмади!  
Революцияга бундан путур етмайди. Унга эргашиб  
кетаётган халойиқ озмунчами? Бир одам ортиқми,  
камми, ҳеч фарқи йўқ...— Макар мук тушиб ётганича,  
чирмашиб кетган чалов ўтларга зўр бериб тикилар-  
кан, ўзи эмас, худди бегона одамни ўйлагандек  
лоқайдлик билан ўйларди.— Давидов менинг қабрим  
устида ҳойнаҳой: «Ҳар қалай, Нагульновни партиядан  
ўчиришган бўлса ҳам, у яхши коммунист эди. Унинг  
ўз жонига қасд қилишдек хатти-ҳаракатини маъқул-  
ламаймиз, факт, аммо жаҳон контрреволюциясига қар-  
ши курашган Нагульновнинг ишини охиригача етказа-  
миз!» деса керак. Макар, Банникнинг оғзи қулоғида  
бўлиб, оқиш мўйловларини силаганича оломонни ора-  
лаб: «Биттаси оёғини чўзди, хайрият! Ит — ит қавмида  
кетди!» дейишини ниҳоятда аниқ тасаввур этди.

— Овора бўласан, қонхўр газанда! Ўзимни отмай-  
ман! Сенга ўхшаганларнинг тағларига етмагунча  
қўймайман! — деди Макар товуш чиқариб, тишларини  
ғижирлатиб ва бир нарса чаққандек сапчиб ўрнидан  
турди. Банник ҳақидаги фикр қарорини ўзгартириб  
юборди, отини кўзлари билан қидираркан: «Майли!  
Аввал ҳаммангни қийратиб, шундан кейингина ўзимни

нобуд қиламан! Менинг ўлигим устида ўйин тушолмайсишлар! Корчжинский бўлса, нима. унинг сўзи қатъий бир фикрмиди? Экинни экиб бўлайлик, округкомга бораман. Тиклашади! Улкага бораман, Москвага бораман!.. Бўлмаса, газандаларга қарши партиясиз ҳолда ҳам курашавераман!»

У атрофида ястаниб ётган оламни чақнаб кетган кўзлари билан қараб чиқди. Энди, назарида, аҳволи бундан бир неча соат бурун тасаввур қилганидагидек мушкул ва умидсиз эмасдек эди.

Шоша-пиша от кетган сой томон жўнади. Анғиздаги бурганлар орасида болалаган бўри унинг қадам товушини эшитиб қочиб чиқди. У катта бошини эгиб одамни бир лаҳзагина кузатиб турди-да, сўнг қулогини чимириб, думини қисганича лўкиллаб ўрга чопиб кетди. Ич-ичига кирган қорни остидаги эмчаклари шалвираб бормоқда эди.

Макар отга яқинлашиши билан от асовлик қилиб бошини силтади. Оёғига танғиб қўйилган тизгин узлиб кетди.

— Дррр! Васёк! Васёк! Дррр, тўхта! — паст овоз билан аврарди Макар, ўйноқлаётган отнинг орқа томонидан бориб ёли ёки узангисидан ушлаб олишга уринаркан.

Бўз от бошини чайқаганича илдамлаб борар, эгасига қиё қараб-қараб қўяр эди. Макар югурди, аммо от уни яқинига йўлатмай чичонглаб йўлдан ошиб ўтди-да, суръат билан шаталоқ отганича хуторга жўнади.

Макар сўкиниб унинг орқасидан кетаверди. Хутор яқинидаги шудгор томон уч чақиримча йўлсиз жойдан юрди. Кўрпалигича қолиб кетган пичанзордан базғалдоқлар, жуфтлашган какликлар кўтарилишар, йироқдаги сой ён бағрида тухум босган модасини қўриқлаган нар тувалоқ юрар эди. Қовишини иштиёқида ёнган нар тувалоқ ич томони оқиш-қизғиш сарғиш калта думини ёлпиғичдек ёзиб, қанотлари билан қурғоқ ер чизар, бандини пушти момик қоплаган патларини тўкар эди.

Даштда буюк яратувчилик иши намоён бўлмоқда: ўт-ўланлар бўй қўйиб ўсмоқда, паррандалар ва ҳай-

вонлар хуружга кирмоқда, одамлар тарк этган, уруғ ташланмаган шудгорларгина бугланиб кўкка қараб ётмоқда...

Макар қурғаб қолган серкесак шудгор бўйлаб кетаркан, ғазаб ўти алангаланар эди. У тез эгилиб ердан тупроқ оларди-да, уни кафтида уқаларди. Чирик ўтларнинг мўрт толалари билан аралашган қора тупроқ қуриган ва қизиган эди. Шудгор тобидан ўтиб кетмоқда эди. Бир лаҳза ҳам ҳаялламай, чимли берч ернинг юзидан уч-тўрт изли борона юргизиб, заранг заминни темир тишлар билан майдалаб ташлаш, кейин эса юмшоқ эгатлардан сеялкаларни ҳайдаб олтиндек бугдой донларини чуқур экиш керак эди.

«Кечикдик! Ерни нобуд қиламиз!— деб ўйларди Макар, ҳали тегилмаган яланғоч қоп-қора шудгорларга ичи ачишиб кўз югуртираркан.— Бир-икки кундан кейин шудгор тобидан ўтади. Ер ҳам бамисоли бияга ўхшаган: куюкканда уюрга қўймасанг, мавриди ўтгандан кейин айғирни бошига ҳам урмайди. Ерга одам ҳам керак бўлмай қолади... Бу борада биз одамлардан бошқа ҳамма нарса покиза. Ҳар қандай махлуқ ҳам, дарахт ҳам, ер ҳам урчиш мавридини билади, одамлар бўлса... биз бўлсак — энг ифлос махлуқдан ҳам расво, ифлосмиз! Экин эккани чиқмаётганларининг сабаби ҳам хусусий мулкка қўйган ҳирслари хуруж қилаётганидан... Лаънатилар! Ҳозир бориб ҳаммасини далага ҳайдайман! Битта қўймай ҳайдайман!»

У қадамини тобора тезлатар, баъзан эса югуриб кетар эди. Папоғи остидан тер қуяр, кўйлагининг елкаси қорайиб қолган, лаблари қақраган, ёноқларида эса тобора ғайри табиий қизил доғлар кўпаймоқда эди...

### XXXV БОБ

У хуторга уруғлик ғаллани тақсимлаш аини қизиган пайтда келганди. Любишкин ўз бригадаси билан ҳали ҳам далада эди. Омборларнинг олди ур-йиқит. Тарозиларга шоша-пиша донли қопларни иргитишмоқ-

да, узлуксиз от-аравалар келиб турар, казаклар билан хотин-халаж ғаллани қанорларда, қопларда, пешгирларда ташимоқда, ер бетида, омборларнинг бўсағаларида дон тўкилиб ётар эди...

Нагульнов нима гаплигини дарҳол пайқади. Ҳамқишлоқларини нари-бери суриб тарози олдига етиб олди.

Ғаллани собиқ колхозчи Иван Батальшчиков тортиб улашмоқда, унга чуваккина Аполлон Песковатсков кўмаклашмоқда эди. Омборлар олдида на Давидов, на Размётнов ва на бригадирлардан биронтаси кўринмасди. Халойиқ орасида бир лаҳзагина хўжалик мудир Яков Лукичнинг саросимали юзи лип этиб кўринди-ю, аммо у ҳам зич турган аравалар орқасига яширинди.

— Ғаллани талашга ким ижозат берди?— деб қичқирди Макар ва Батальшчиковни итариб юбориб, тарозини эгаллади.

Халойиқ индамай турарди.

— Ғаллани тортишга сени ким вакил қилди?— овозини пасайтирмай сўради Макар Батальшчиковдан.

— Жамоат...

— Давидов қани?..

— Мен унинг олдига борганим йўқ!

— Правление қани? Правление изн берганмиди?..

Тарози олдида турган Демид Индамас илжайиб, енги билан терини артди. У дўриллаб соддадиллик билан дадил:

— Биз ўзимиз, правлениесиз изн бердик. Ўзимиз оляпмиз!— деди.

— Ўзларингми?.. Ҳали шунақами?!— Нагульнов бир сапчишда омборнинг айвончасига чиқиб бориб, остонада турган йигитни мушти билан уриб йиқитдида, эшикни тарсиллатиб ёпиб, унга орқаси билан суяниб олди.— Тарқалларинг! Ғаллани бермайман! Омборга кимки суқиларкан, Совет ҳокимиятининг душмани деб эълон қиламан!..

— Ҳаҳ-ҳа!— деди истеҳзо билан, қўшниларида бирининг ғалласини бричкага ортишиб бераётган Димок.

Нагульновнинг бехосдан пайдо бўлиши кўпчилик учун кутилмаган ҳодиса бўлди. У район марказига тушиб кетгунча Гремячийда Банникни калтаклагани учун Нагульновни суд қилишармиш, уни вазифасидан олиб ташлаб, қамашса керак, деган овозалар юрарди... Макарнинг жўнаганини эрталабоқ эшитган Банник шундай деди:

— Нагульнов энди қайтиб келмайди! Прокурор менинг ўзимга айтди, унинг таъзирини беришармиш! Ҳушини йиғиб олсин Макарка! Партиядан чиқариб юборишсин, деҳқонларни дўппослаш қанақа бўлишини ўшанда билади. Ҳозир адолатсиз эски замон эмас!

Шунинг учун ҳам Макарнинг тарози олдида пайдо бўлиши шундай саросимага сабаб бўлди, нафаслари ичларига тушиб кетиб, уни ҳайрат билан кутиб олдилар. У омбор айвонига югуриб, эшикни орқаси билан бекитиб олгач, кўпчиликнинг қандай кайфиятда экани дарров маълум бўлиб қолди. Димок «Ҳаҳ-ҳа!» деб ўдағайлаганидан кейин қичқириқлар ёғила бошлади:

— Бизнинг ҳозир ўз ҳокимиятимиз бор!

— Халқ ҳокимияти!

— Уни чақиринглар, йигитлар!

— Келган томонингга туёғингни шиқиллатиб қол!

— Вой сендақа бош-лиқ-ни...

Димок чапанилардек кифтларини қимирлатиб қўйди-да, жилмайиб орқасига қараб, биринчи бўлиб омбор томон юра бошлади. Унинг орқасидан бир неча казак қўрқа-писа эргашди. Улардан бири йўл-йўлакай ердан тош кўтариб олди...

Нагульнов чолворининг чўнтагидан бамайлихотир наганини олиб, тепкисини тўғрилаб қўйди. Димок тўхтаб, саросимага тушди. Бошқалар ҳам тўхташди. Катта тош билан қуролланган одам уни қўлида айланттириб кўрди-да, бир четга иргитиб юборди. Ҳамма ҳам агар Нагульнов тепкени тўғрилаб қўйган экан, агар зарур бўлса, андиша қилиб ўтирмасдан уни босиб юборишини биларди. Макар уларнинг бу фикрини дарҳол тасдиқлади:

— Еттита газандани ўлдираман, омборга ана шундан кейин кирасизлар. Хўш, ким талабгор? Келавер! — деди.



Негадир талабгорлар чиқмас эди... Бир минутгина умуий саросима ҳукм сурди. Димок омборга яқинлашишга ботинолмай ниманидир ўйлар эди. Нагульнов наганнинг оғзини пастга тушириб:

— Тарқал!.. Ҳозироқ тарқал, бўлмаса ота бошлайман!..— деди.

У гапани тугатмаган ҳам эдики, боши тепасидан эшикка темир қозиқ келиб урилди. Димокнинг дўсти Ефим Трубачёв Макарнинг бошини мўлжаллаб отган эди, аммо тегизолмаганини кўргач, эпчиллик билан араванинг орқасига ўтиб чўнқайиб олди. Нагульнов худди жангдагидек иш кўрди: у халойиқ ичидан отилган тошга чап бериб, осмонга ўқ узди-да, шу заҳотиёқ айвончадан пастга югуриб тушди. Оломон дош беролмади: олдинги қатордагилар бир-бирларини йиқитиб қоча бошладилар, бричка ва араваларнинг шотилари ғарчиллади, казаклар йиқитиб кетган бир жувон жон аччиғида қичқирди.

Қаёқдандир пайдо бўлиб қолган Банник:

— Қочма! Унинг олти патрони қолди!— деб қочаётганларга далда бериб тўхтатарди.

Макар яна омборга қайтиб борди, аммо айвончага чиқмай, девор олдида шундай туриб олдики, қолган ҳамма омборлар ҳам унга яққол кўриниб турарди.

— Яқинлашма!— деб қичқирди у яна тарози томоч келаётган Димок, Трубачёв ва бошқаларга.— Яқинлашма, йиғитлар! Отиб ташлайман!

Омборлардан юз қадамча нарида турган оломон орқасидан Иван Батальшчиков, Атаманчуков ва колхоздан чиққанлардан яна уч киши ажралиб чиқди. Улар айёрлик билан иш кўришмоқчи эди. Уттиз қадамча жойгача келишди, Батальшчиков огоҳлантираётгандек қўлини кўтарди.

— Уртоқ Нагульнов! Шошма, тўппончангни ўқталмай тур.

— Нима дейсанлар? Тарқал, деяпман!..

— Ҳозир тарқаламиз, аммо сен беҳуда қизиққонлик қиляпсан... Биз ғаллани рухсат билан олиб кетяпмиз...

— Кимнинг рухсати билан?

— Округдан аллаким ҳам келган экан... Округ иж-рокомидан бўлса керак, ўша бизга рухсат берди.

— У қаерда бўлмаса? Давидов қаёқда? Размёт-нов-чи?

— Улар правлениеда мажлис қилишяпти.

— Ёлгон айтяпсан, аблаҳ!.. Тарозига яқин келма деяпман! Ҳой!...— Нагульнов чап қўлининг тирсагини эгиб, унга эскирганидан қора жилосини йўқотиб оқариб кетган наган тигини қўйди.

Батальшчиков қўрқмай давом этди:

— Бизга ишонмасанг, ўзинг бориб кўр, бўлмаса ҳозир уларни ўзимиз бу ерга бошлаб келамиз. Қурол ўқталиб қўрқитмай қўя қол, ўртоқ Нагульнов, бўлмаса чатоқ бўлади! Сен кимга қарши чиқяпсан! Халққа қарши чиқяпсан! Бутун хуторга қарши чиқяпсан!

— Яқинлашма! Бери кела кўрма! Сен менга ўртоқ эмассан! Сен давлатнинг ғалласини талаяпсанми, контрсан!.. Мен сизларга Совет ҳокимиятини оёқ ости қилдириб қўймайман.

Батальшчиков нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, шу пайтда омборнинг муюшидан Давидов чиқиб қолди. Қаттиқ калтак еб ҳамма ёғи тимдаланган, кўкариб, мўматалоқ бўлиб кетган ҳолда қоқила-қоқила гандираклаб келмоқда эди. Нагульнов унга кўзи тушиши билан «Ҳа-а-а-а, газанда! Лақиллатмоқчимидинг?.. Бизни урадиган бўлдингларми?!— деб хирқираб бақирганича Батальшчиковга қараб югурди.

Батальшчиков билан Атаманчуков қочишди. Нагульнов уларга икки марта ўқ узиб тегизолмади. Димок бир четда четандан калтак синдириб олмоқда, қолганлар чекинмай пўнғиллаб туришар эди.

— Совет ҳокимиятини... оёқ ости... қилдириб қўймайман!— тишларини ғижирлатиб қичқирарди Макар оломон томон қараб чопаркан.

— Ур уни!

— Биронта милтиқ ҳам бўлмади-да!— дея зорларди орқадаги қаторда Яков Лукич қарс уриб. У бемаврид ғойиб бўлган Половцевни койир эди.

— Казаклар!.. Бу мушти зўр ботирни ушланглар!..— деб қичқирарди тоқати тоқ бўлган аламзада

Марина Пояркова. У казакларнинг орқасидан итариб, чопиб келаётган Макарга рўпара қилар, Демид Индамаснинг қўлларига ёпишиб нафрат билан:

— Сен казакмисан?! Қўрқяпсанми?— деб сўрарди.

Бирдан оломон иккига бўлиниб, четга ташланди-да, Макар томонга қараб ёпирилди...

— Милиция!!!— деб қичқирарди ўтакаси ёрилай деган Настенка Донецкова.

Тепаликдан ўттизгача отлиқ ёйилиб от чоптирганича хуторга тушиб келмоқда эди. Отларининг туёқлари остида баҳор тўзони енгил тутундек кўтарилмоқда эди...

Беш минутдан сўнг бўшаб қолган майдондаги омборлар олдида Давидов билан Макаргина турар эди. От туёқларининг дупури ҳамон яқинлашиб келмоқда. Даҳанадаги ўтлоқда отлиқлар кўринишди. Олдинда Лапшиновнинг йўрғасида Павло Любишкин, унинг ўнг томонида сўйил кўтарган, ғазабидан даҳшатли бўлиб кетган чўтир Агафон Дубцов, орқада турли рангдаги отларда иккинчи ва учинчи бригада колхозчилари олдинма-кейин чопиб келишмоқда эди.

Кечқурун райондан Давидов чақирган милиционер келди. У Иван Батальшчиковни, Аполлон Песковатсковни, Ефим Трубачёвни ва колхоздан чиққан «актив»лардан яна бир қанчасини далада қамоққа олди. Игнатенокнинг кампирини уйида қамоққа олди. Уларнинг ҳаммасини гувоҳлар билан районга жўнатди... Димок қишлоқ советига ёлғиз ўзи келди.

— Учиб кепсан-да, каптар? — писанда қилиб сўради Размётнов.

Димок унга тиржайиб тикилиб қаради-да:

— Келдим. Чув тушгандан кейин бекинмачоқ ўйнашнинг ҳожати йўқ...— деб жавоб қилди.

— Чув тушгандан кейин? Размётнов қошини чимирди.

— Хўш, очко ўйнаётганингда йигирма бир чиқмаса — чув тушасан-да! Энди қаёққа борай?

— Районга.

— Милиционер қаёқда?

— Ҳозир келади, диққат бўлаверма! Халқ суди

сенга раисларни уриш қандай бўлишни кўрсатиб қўяди! Халқ суди сенга чув тушишни ўргатиб қўяди!..

— Бўлмаса-чи!— деб унинг гапини маъқуллади Димок ва эснаб туриб сўради:— Уйқум келяпти, Размётнов, милиционер келгунча мени саройга олиб кириб устимдан қулфлаб қўй, мизғиб олай. Албатта қулфлаб қўй, бўлмаса уйқусираб қочиб кетаман.

Эртасига талаб кетилган уруғлик ғаллани тўплашга киришишди. Макар Нагульнов кеча ғалла олган хонадонларга кирарди-да, бир четга қараб туриб, бошиқлик билан сўрарди:

— Ғалла олганмидинг?

— Олган эдим...

— Олиб бориб топширасанми?

— Топширишга тўғри келади...

— Олиб бор,— дерди-да, хайрлашмасдан қўрадан чиқиб кетарди. Қолхоздан чиққанлардан кўпчилиги ўзлари топширган уруғликдан ортиқроқ олиб кетган эдилар. Ғаллани оғзаки сўраб улашган эдилар. Қанча ғалла тўккансан?»— деб сўрарди сабрсизлик билан Батальшчиков. «Икки кругга етти пуддан». «Қопларингни тароизга олиб кел!»

Аслида ўша ғалла олаётган киши уруғлик фондини тўплаш вақтида етти—ўн тўрт пуд камроқ тўккан эди. Бундан ташқари, юз пудчани хотин-халаж тортмасдан пешгирлари билан халатларда ташиб кетган эди.

Кечга яқин уруғлик буғдой, бир неча пудни ҳисобга олмаганда, батамом йиғиб олинди. Йигирма пудча арпа билан бир неча қоп жўхоригина етмади. Кечқурун эса якка хўжаликларга тегишли бўлган уруғларни тугал тарқатиб бўлишди.

Гремячийдаги хутор мажлиси қоронғи тушганда бошланди. Давидов мактабга йиғилган тумонат халққа қараб гапирмоқда эди:

— Яқингинада колхоз аъзоси бўлганлар билан якка хўжаликлардан бир қисмининг кечаги чиқиши нимани билдиради, граждандлар? Бу шуни билдирадики, улар кулак унсурлар томонига оғиб кетишган! Уларнинг душманларимиз томонига оғиб кетганликлари факт. Бу сизлар учун шармандали факт, граждандлар, кеча сизлар омборлардан ғаллани қароқчилардек та-

ладинглар, бебаҳо донни тупроққа қориштирдинглар, пешгирларингизда ўғирлаб кетдинглар. Сиз, граждандар, мени хотинларга урдириш учун онгсиз одамлардек қичқирдинглар, улар мени қўлларига тушган нарсалари билан уришди, мен пинагимни бузмаганимдан кейин бир гражданка ҳатто йиғлаб ҳам юборди. Мен сени айтяпман, гражданка!— Давидов гапира бошлаган заҳотиёқ бошидаги рўмоли билан шоша-пиша юзини чирмаб девор тагида турган Настенка Донецковани кўрсатди.— Сен менинг елкамга муштлаб, аламингга чидолмай йиғлаб: «Уравериб қўлларим оғриди-ю, бу фикъ этса-чи!» демадингми!

Настенканинг ўралган юзи номусдан ловиллаб ёнмоқда эди. Мажлис аҳли унга қараб турар, у эса хижолатдан бошини кўтаролмай, оқланган деворни елкаси билан ишқалаб, яккаш кифтини қимирлатар эди.

— Айрига санчилган илондек тўлганиб қолдингми, газанда!— деб юборди сабри чидамай Демка Ушаков.

— Деворни елкаси билан ишқаб тақир қилиб юборди!— деб уни қувватлади чўтир Агафон Дубцов.

— Ликиллайверма, захча кўз! Уришни билган — мажлисдагиларнинг кўзига қарашни ҳам бил!— деб ҳайқирарди Любишкин.

Давидов қаҳр билан сўзлар эди. Аммо шу сўзларни айтар экан, ёрилган лабларида табассум кўринди:

— ...У менинг тиз чўкиб, омонлик тилаб, омборларнинг калитларини беришимни хоҳлар эди! Аммо, граждандар, биз большевиклар шундай зуваласи пишиқ одамлармизки, ким кўрган бизни ўз дидидаги қолипга сололмайди. Мени граждандар урушида юнкерлар ҳам урган, ҳеч бир иш чиқаришолмаган! Большевиклар ҳеч кимга тиз чўккан эмас, ҳеч қачон чўкмайди ҳам, факт!

— Тўғри!— деб юборган Макар Нагульновнинг ҳаяжонланган титроқ овози самимият билан янгради.

— ...Биз, граждандар, пролетариат душманларини ўзимиз тиз чўктиришга одатланганмиз. Биз уларни тиз чўктирамыз ҳам.

— Жаҳон миқёсида тиз чўктирамыз!— деб яна гапга аралашди Нагульнов.

— ...Бу ишни жаҳон миқёсида ҳам амалга оширамиз, сизлар бўлса кеча ана шу душманга оғиб, унга ёрдам бердингиз. Бундай қўзғалишга нима баҳо бериш керак, граждандлар, омборларнинг қулфларини бузиб ташладинглар, мени калтакладинглар, Размётновни бўлса аввал қўл-оёғини боғлаб ертўлага қамаб қўйдинглар, кейин қишлоқ советига олиб бориб йўлда бўйнига крест тақмоқчи бўлдинглар! Бу — тўғридан-тўғри контрреволюцион хуруж! Бизнинг колхозчимиз Михаил Игнатенонинг қамоққа олинган онаси, Размётновни олиб кетаётганларингда: «Дажжолни олиб келишяпти! Дўзахи иблисни!..» деб қичқирганича хотинларнинг ёрдамида унинг бўйнига тасмали крест тақмоқчи бўлганида, бизнинг ўртоқ Размётнов коммунистга муносиб иш тутиб, бундай таҳқирли ишдан бош тортибди! У хотин-қизларга ва дин миясини айнитиб қўйган ёмон кампирларга дангал: «Граждандлар! Мен проваслав эмасман, коммунистман! Крестларингиз билан йўқолинглар!»— дебди. Улар унга ёпишиб олишибди, тасмани тиши билан узиб ташлаб, фаол равишда қўл-оёқлари билан ўзини ҳимоя қила бошлагачгина унинг тинч қўйишибди. Бу нима деган гап, граждандлар? Бу — тўғридан-тўғри контрреволюция! Халқ суди мазкур Михаил Игнатенонинг онасига ўхшаган бадкорларни қаттиқ жазолайди.

— Мен онам учун жавобгар эмасман! Унинг ўзи ҳам гражданлик ҳуқуқига эга, ўзи жавоб бераверсин — деб қичқирди Игнатенон олдинги қатордан.

— Мен сени айтаётганим йўқ. Мен черковларни ёпишга қарши чиқиб, дод солган типларни айтаяпман. Черковларни ёпганимиз уларга ёқмаган эди, ўзлари коммунистнинг бўйнига мажбуран крест тақмоқчи бўлсалар майли эмиш! Улар ўзларининг мунофиқликларини аён-ошкор фош қилишди! Тартибсизликларни бошлаб берганлар, актив хуруж қилганлар қамоққа олинди, лекин қолганлар, кулакларнинг қармоғига илинганлар эс-ҳушларини йиғиб, хато йўлга кириб қолганларини тушуниб олишлари керак. Мен буни сизларга фактически айтаяпман... Президиумга бир номаълум гражданин хат ташлабди, унда: «Ғалла олиб кетганларнинг ҳаммаси қамоққа олинармиш,

мол-мулклари мусодара этилиб, сургун қилинармиш, шу тўғрими?»— дейилган. Йўқ, бу нотўғри, граждандар! Большевиклар ўч олмайдилар, душманларнигина шафқатсиз жазолайдилар; аммо сизларни, гарчи сизлар ғаллани талаб кетиб, бизни урган бўлсаларингиз ҳам, душман деб ҳисобламаймиз. Сизлар вақтинча адашиб, иккиланиб турган ўртаҳолларсиз, биз сизларга нисбатан маъмурий чоралар қўлламаймиз. Фактлар билан сизларнинг кўзларингизни очамиз, холос.

Мактаб ичида гурр этган босиқ овоз янгради. Давидов сўзини давом эттирарди:

— Сен ҳам, гражданкача, қўрқма, юзингни оч, гарчанд мени кеча роса муштлаган бўлсанг ҳам, сенга ҳеч ким тегмайди. Борди-ю, биз эртага экишга чиққанда сен яхши ишламасанг, шуни билиб қўйки, бошлаб таъзирингни бераман! Мен елкангга эмас, пастрофингга тушираман, унда на ўтира оласан ва на ёта оласан!

Кучсизгина кулги охирги қаторларга етиб боргунча кучли қаҳқаҳага айланди.

— ...Тархашлик қилдинглар, энди бас, граждандар! Шудгор тобидан ўтяпти, фурсат кетяпти, бекорга лақиллаб юрмасдан, ишлаш керак, факт! Экинни экиб бўлайлик — унда муштолсаларинг ҳам, кураш тушсаларинг ҳам майли... Мен масалани кўндаланг қўяман: кимки Совет ҳокимиятига тарафдор бўлса, эртага далага чиқиб кетади, кимки қарши бўлса, пистасини чақиб юриверади. Кимда-ким эртага экишга чиқмас экан, удан биз, яъни колхоз, ерини тортиб оламиз, ўзимиз экамиз!

Давидов саҳна лабидан узоқлашиб, президиум столига бориб ўтирди, графинга қўл чўзаркан, лампанинг қизғиш нуридан ёришган ним қоронғи орқа қатордан кимнингдир самимий ва таъсирли қувноқ йўғон овози эшитилди.

— Барака топ, Давидов! Одамнинг жонидек йигит экансан!.. Қўнглингда кек сақламаганингга... кекингни чиқариб ташлаганингга... халқ хижолатдан ўзини қаёққа қўйишини билмаяпти... Ич-этини еяпти... Хотинхалаж ҳам хижолатда... ахир ҳаммамиз бир жойда турамыз-ку... Кел, Давидов: ўтган ишга салавот! Бўптими?

Эртасига эрталаб колхоздан чиққанлардан эллик киши қабул қилишни сўраб ариза беришди. Якка хўжаликлар билан Гремячий колхозининг учала бригадаси ҳам саҳарлаб даштга чиқиб кетди.

Любишкин омборлар олдида соқчилар қолдиришни таклиф қилган эди, Давидов кулибгина қўя қолди: — Менингча, энди ҳожати ҳам йўқдир...

Тўрт кунда колхоз ўз чекидаги шудгорнинг ярми-часини экиб бўлди. Учинчи бригада иккинчи апрелда ер ҳайдашга ўтди. Шу вақт ичида Давидов правлениега бир мартагина келиб кетди. У меҳнатга лаёқатли одамларнинг ҳаммасини далага жўнатди, ҳатто Шчукаръ бобони ҳам отбоқарлик вазифасидан вақтинча бўшатиб, иккинчи бригадага юборди, ўзи эса тонготарда бригадалар участкаларига жўнаб, хуторга ярим тундан оғиб, қўраларда хўрозлар чақира бошлаганда қайтиб келарди.

### XXXVI БОБ

Колхоз правлениесининг ўт босган қўраси худди хутор даҳанасидаги ўтлоқ сингари жимжит эди. Туш қуёши остида омбор томининг қизғиш черепицалари қизиби хира йилтирар, аммо омборхоналарнинг сояларида ҳали босилмаган ўтларда маржондек вазмин, кўкиш шудринг қатралари илиниб турар эди. Қўранинг ўртасида туллаб, ориқлаб кетган совлиқ қўй шалтоқ оёқларини кериб турар, унинг ёнида эса худди онасига ўхшаган оқ тўқли чўккалаганича елинни туртиб эммоқда эди.

Любишкин кичкина эмизикли бияни миниб қўрага кириб келди. Сарой олдидан ўтаркан, томдан шайтондек кўм-кўк кўзларини бақрайтириб турган улоқни қамчи билан ачитиб урди-да, тўнғиллади:

— Томдан томга сапчиганинг сапчиган, лаънати! Йўқол бу ердан!

Любишкин тажанг, қовоқ-тумшуғи осилган эди. У даштдан от чоптириб келиб, уйига ҳам кирмай, тўппатўғри правлениега келган эди. Кичкина биясининг орқасидан кўримсизгина думини қийшайтириб, бўйнига тақилган қўнғироқни жиринглатганича, бақайлари йўғон, хипча оёқли қулун эргашиб чопиб келмоқда



эди. Любишкиннинг бўйига нисбатан бия шу қадар паст эдики, узайтириб қўйилган узанги қайишлари тақимидан келар, от устида икки букчайиб ўтирган суворий эртақдагидек пакана отни оёқлари билан қисиб олиб кетаётган баҳодирга ўхшарди... Зинапоядан Любишкинга қараб турган Демка Ушаков кулиб:

— Сен худди Байтулмуқаддасга эшак миниб кириб келаётган Исо алайҳиссаломга ўхшайсан... Баайни ўзисан!— деди.

— Ўзинг эшаксан!— деб гижинди Любишкин зинапояга яқинлашаркан.

— Оёқларингни йиғиштириб олсанг-чи, ерни чизиб келяпсан!

Любишкин Демкага жавоб беришни ўзига муносиб кўрмай, отдан тушиб, тизгинни панжарага ўраб боғлади-да, жаҳл билан сўради:

— Давидов шу ердами?

— Шу ерда. Ўтирибди, сени кўришга муштоқ бўлиб ўтирибди. Уч кечаю кундуздан бери туз ҳам тотмай, яккаш: «Қадрдоним Павло Любишкин қаёқда экан? Уни кўрмаганимга ёруғ дунёнинг ҳузур-ҳаловати ҳам татимаяпти!»— дейди.

— Кўп валақлай берма, йўқасам тилгинангни узиб оламан.

Демка Любишкиннинг қамчисига қараб қўйиб, индамай қолди, Любишкин бўлса оғир қадам ташлаб уйга кириб кетди.

Давидов ва Размётнов хотин-қизлар мажлисининг вакиллари билан биргаликда болалар яслилари барпо қилиш масаласини ҳозиргина муҳокама қилиб бўлган эдилар. Любишкин аёлларнинг чиқиб кетишини кутиб турди-да, кейин стол олдига борди. Яғринлари кир белбоқсиз чит кўйлагидан тер, қуёш ва чанг ҳиди келар эди...

— Мен бригаддан келдим.

Давидов қошларини қимирлатиб:

— Нима учун келдинг?— деб сўради.

— Ҳеч иш ўнгмаяпти! Менда меҳнатга лаёқатли йигирма саккиз киши қолган эди, буларни ҳам ишлагилари келмай, ишёқмаслик қилишяпти... Уларни ҳеч эшга келтиролмадим. Ҳозир менда ўн иккита плуг иш-

лаяпти. Плугчиларни ҳам амал-тақал билан йиғдим. Фақат Кондрат Майданников ҳўкиздеқ ишлаяпти, Аким Бесхлебнов, Самоха Қуженков ёки анови хирқироқ шилқим Атаманчуков билан бошқалар плугчи эмас, бошга битган бало! Кўрган одам булар плугнинг қулоғини ҳеч ушлашмаган дейди! Палапартиш ҳайдашяпти. Бир эгат юриб чеккани ўтиришади, туртиб ҳам тургизолмайсан.

— Бир кунда қанчадан ҳайдаяпсизлар?

— Майданников билан мен чорак кам биттадан, ановилар бўлса... ярим десягинадан ҳайдашяпти. Шу тариқа ҳайдайдиған бўлсақ, Покровга жўхори сепишимизга тўғри келади.

Давидов индамай қаламининг орқаси билан столни чертди-да, ўсмоқчилаб сўради:

— Сен нима учун келдинг? Кўз ёшимни артиб қўйсинлар деб келдингми?— шуни деб газаб билан кўзларини ўйнатди.

Любишкиннинг гаши келди:

— Мен кўз ёши қилиб келганим йўқ! Сен менга одам бер, плугларимни кўпайтириб бер, ҳазил-мазахни мен ҳам биламан!

— Ҳазил-мазахни биласан, факт, лекин ишни йўлга қўйишга келганда мурватинг бўшлиқ қиляпти. Бригадир эмиш! Ялқовларни эпга келтиролмаётганмишлар! Интизомни бўшаштириб, муросаи мадора қилгандан кейин эпга келтиролмайсан-да, факт!

— Интизом ўрнатиб кўр-чи!— деб баланд келди ҳаяжондан терлаб кетган Любишкин.— Бутун иш Атаманчуковдан чиқяпти. У одамларимни йўлдан уриб, колхоздан чиқишга ундаяпти, у хумпарни чиқариб юбораман десанг, орқасидан бошқаларни ҳам эргаштиради. Бу нима қилганинг, Семён Давидов, мени калака қиляпсанми ўзинг? Менга нуқул майиблар билан касалларни ортмоқлаб қўйиб, мендан иш талаб қилмоқчимисан? Шчукаръ бобони бошимга ураманми? У лаънати эзмани гўнгқарғаларни қўрқитиш учун қўриқчи ўрнига полизга қаққайтириб қўйиш керак эди, сизлар бўлсанглар, лўлига онасини ортмоқлагандек, уни менинг бригадамга тиқиб қўйдинглар! Унинг қўлидан нима иш келади? Плуг ҳайдаёлмаса, етовчилик

қилолмаса. Овози худди чумчуқни овозига ўхшайди, ҳўкизлар уни одам қаторига қўшишмайди, ундан ҳайқишмайди ҳам! Лаънати маймоқ бошвоққа ёпишиб олади-да, эгатнинг бошига етгунча ўн марта йқилади! Дам чоригининг боғичини танғийди, дам чалқанча тушиб олади-да, оёғини баланд кўтариб чуррасини ростлайди. Хотин-халаж ҳўкизларни ташлаб, кула-кула қичқириб: «Шчукарнинг чурраси тушиб кетди...» деб ғизиллаганларича югуриб келиб, Шчукарнинг чуррасини қайтадан жойлаб қўйишини томоша қилишади. Бу иш эмас, майнабозчилик-ку! Чурраси тушганлигини эътиборга олиб биз кеча уни ошпаз қилиб тайинлаган эдик, лекин унда ҳам ношудлик қилиб ишга ярамади. Тўғраб овқатга солиш учун ёғ берсам еб қўйибди, пиширган бўтқаси шўр, кўпиги олинмаган... Хўш, уни нима қилсам бўлади?— Любиш-киннинг қора мўйловлари остида лаблари ғзаб билан титраб кетди. У қамчини кўтарди, кир кўйлагининг тердан ивиб айниган қўлтиғи кўриниб кетди, у жон аччиғида шундай деди:— Мени бригадирликдан олиб ташланглар, бунга ўхшаганлар билан эракишаверишга сабри тоқатим қолмади: улар менинг оёғимга кишан бўлишди!..

— Сен ўзингни ғариб қилиб кўрсатмай қўя қол, факт! Сени қачон ишдан олиб ташлаш кераклигини яхши биламиз, ҳозир далага чиқ, кечгача ўн икки гектар ҳайдашларинг керак. Ҳайдамасанг ўзингдан кўр! Икки соатдан кейин мен бораман, текшириб кўраман. Бор.

Любишкин эшикни тарақлатиб ёпди-ю, зинапоядан югуриб тушди. Панжарага боғланган бия бошини қуйи солиб турарди. Унинг тилла ранг хол босган бинафша кўзларида қуёш акси жилоланарди. Любишкин қуёшдан қизиб кетган яйдоқ эгар устига солинган шолчани тузатиб бамайлихотир отга мина бошлади. Демка Ушаков кўзини қисиб туриб, кесатиб сўради:

— Сизларнинг бригадангиз кўп ер ҳайдадим, ўртоқ Любишкин?

— Бунинг сенга дахли йўқ...

— Дахли йўқликка йўқку-я... Сени шатакка олай, ана ундан кейин дахли бўлиб қолар!

Любишкин эгарда ўгирилиб, каттакон қора муштини бармоқлари оқариб кетгунча сиқиб писанда қилди:

— Бориб кўр-чи! Мен сен лаънати шифрайнинг кўзларингни бирпасда шундай тўғрилаб қўяйки, орқангга қараб юрадиган бўласан!

Демка энсаси қотиб тупурди:

— Вой сендақа табибни қара-ю! Аввал ўз плугчиларингни тузатсанг-чи, илдамроқ ҳайдайдиган бўлишин...

Любишкин худди атакага кетаётгандек дарвозадан отини сакратиб чиқди-да, даштга қараб чоптириб кетди. Қулуннинг бўйнидаги қўнғироқнинг жаранг-журонги тинар-тинмас Давидов зинапояга чиқиб, шошапиша Демкага:

— Мен бир неча кунга иккинчи бригадага жўнайман, сени ўринбосар қилиб қолдираман,— деди.— Яслилардан хабардор бўлиб тур, уларга ёрдамлаш, учинчи бригадага сули берма, эшитдингми? Бирон гап чиқиб қолгудек бўлса, менга югур. Тушундингми? Менга отни эгарлаб бер, Размётновга бориб айт, менга учрашсин, квартирамда бўламан.

Демка:

— Мен ҳам ўз одамларим билан қўриққа бориб, Любишкинга кўмаклашсаммикан?— деб таклиф қилган эди, Давидов гижиниб ўшқирди:

— Бўлмагур гапларни қўй! Ўзлари уйдалашлари керак! Бориб уларнинг бир таъзирларини берайки, шундан кейин яримтадан... ҳайдашмайдиган бўлади, факт! Эгарла!

Размётнов правление ихтиёридаги айғирлардан бири қўшилган дрожкида Давидовнинг квартирасига келди. Давидов уни дарвоза олдида қўлтиғида кичкина тугунча билан кутиб турарди.

— Чиқ. Бу нима, овқат олдингми дейман?— жилмайди Размётнов.

— Ич кийим.

— Қанақа ич кийим? Нимага?

— Бир жуфт ич кийим.

— Нима қиласан?

— Ҳайдасанг-чи, мунча эзма бўлмасанг! Битлаб

кетмаслик учун ич кийим олдим, тушундингми? Бригадага кетяпман, ерни ҳайдаб бўлгунларича ўша жойда бўлмоқчиман. Гапни калта қилу, ҳайда.

— Эсинг жойидами ўзи? Ҳайдаш тугаллангунча у ерда нима қиласан?

— Ер ҳайдайман.

— Правлениени ташлаб ер ҳайдагани кетасанми? Ол-ҳа, топган гапни қара-я!

Давидов ижирганиб:

— Ҳайда! Ҳайдасанг-чи!— деди.

— Қўп ҳовлиқаверма!— Размётновнинг аччиғи чиқа бошлагандек эди.— Менга бундай йўриғи билан тушунтир: у ердагиларнинг сенсиз куни ўтмайдими, а? Сен раҳбарлик қилишинг керак, плуг ҳайдашинг керакмас! Сен — колхоз раиссан...

Давидовнинг кўзлари ғазабдан чақнаб кетди:

— Ана холос!.. Менга ўргатмоқчимисан!.. Мен биринчи навбатда—коммунистман, ундан кейин... факт!.. шундан кейин колхоз раисман! Ер ҳайдаш ишлари ўлда-жўлда-ю, мен бу ерда ўтирайки?... Ҳайда, ҳайда дейман сенга!..

— Менга нима! Чух, ухлаб қолдингми, ҳароми!— Размётнов айғирни қамчи билан урди.

Арава туйқусдан қўзғалган эди, Давидов орқасига қалқиб кетиб, тирсагини қаттиқ уриб олди; филдираклар тарақлаб, мулойимгина диркиллаб арава йўлидан даштга қараб кетди.

Хутордан чиқаверишда Размётнов айғирни жой юргизиб, чандиқ пешанасини енги билан артди.

— Сен, Давидов, бемаъни иш қиляпсан! Ишларини йўлга қўйиб бериб, изингга қайт. Ер ҳайдаш — мужиза эмас, оғайни. Яхши командир сафда юриши керакмас, оқилона қўмондонлик қилиши керак, шуни билиб қўй!

— Мумкин бўлса, мисолларингни қўя тур! Мен уларни ишлашга ўргатишим керак, ўргатаман ҳам, факт! Раҳбарлик шундай бўлади! Биринчи ва учинчи бригадаларда бошоқли экинларни экиб бўлишди, бу ёқда ўпирилиш юз бериб қолди, Любишкин уддалаёлмайдиганга ўхшайди шекилли. Сен бўлсанг, ўлганнинг устига кўмгандек: «Яхши командир» ва ҳоказо ва ҳо-

казо дейсан... Хўш, мени нега лақиллатяпсан? Мени яхши командирларни кўрмаган деб ўйлаяпсанми? Мушкул ҳолга тушганда ўзи ибрат кўрсатиб бошлаб кетадиган командир — яхши командир. Мен ўзим йўл-бошчилик қилишим керак!

— Уларга биринчи бригададан иккита сўқа олиб берсанг яхши бўларди.

— Одамлар-чи? Одамларни қаёқдан оламан? Илдамроқ ҳайда, барака топкур, тезроқ!

То қирга етгунча индамай боришди. Дашт устидаги шамол ҳурпайтирган қуюқ бинафша ранг дўл булути тиккага келган қуёш юзини тўсиб турар эди. Унинг оқ қирғоқлари қордек йилтираб, тўлқинланиб турар, аммо вазмин, ҳаракатсиз қора чўққиси даҳшатли эди. Булут оралиғидан, унинг қуёш қизартирган қирғоғидан, қуёш нурлари энли елпиғичдек қия бўлиб тушиб турарди. Бепоен осмонда найзадек ингичка шуълалар ерга тушганча таралиб кетиб, қўнғир дашт уфқида ястанган узоқ тепаликларни безар, уларга ажойиб ва фусункор тус бериб, яшартириб юборар эди...

Булут кўланкасидан қоронғилашган дашт мутелик билан индамай ёмғир кутмоқда эди. Шамол йўл устида кўкиш тўзонни айлантириб учуриб юрмоқда. Шамолдан хушбўй ёмғир ҳиди келмоқда. Бир дақиқадан кейин сийрак ёмғир ёға бошлади. Йирик-йирик муздек томчилар йўл тупроғига келиб урилиб, майда-майда лой соққачаларга айланмоқда эди. Юмронқозийқлар ташвишланиб чийиллай бошладилар, беданаларнинг питпилдиғи аниқроқ эшитила бошлади, базғалдоқнинг эҳтирос тўла қичқириғи тиниб қолди. Шамол пастлаб келиб тариқ анғизини шитирлатиб ҳурпайтириб юборди. Даштни бултурги қувроқ бурганларнинг оҳу зори қоплади. Булутларнинг остида кенг ёзилган қанотлари билан ҳаво оқимини ёриб қия учган қузғун шарққа қараб сузиб кетмоқда эди. Оппоқ яшин чақнаб кетди, қузғун йўғон овоз билан қағиллаб юбориб, бирдан пастга қараб шўнғиди. Бошдан-оёқ қуёш шуъласи ёритиб юборган қарга бир секундча худди машъаладек ловиллаб кетди; унинг пат қанотлари орасидан шамол шувиллаб ўтаётгани эшитилди,

аммо ерга етишига эллик саженча қолганда қузғун тик ростланиб қанотларини силкитиб учди, шу ондаёқ қулоқларни битиргудек бўлиб момақалдироқ қарсиллади.

Қирда иккинчи бригаданинг қўшхонаси кўринди. Размётнов қияликдан қаршиларига бир киши келаётганини кўриб қолди. У нотекис жойдан юриб ўнқирчўнқирлардан сакраб-сакраб ўтар, баъзан эса кексалардек питир-питир қилиб йўрғалаб келмоқда эди. Размётнов айғирнинг бошини ўша томонга бура бориб, Шчукаръ бобони узоқданоқ таниб олди. Шчукарнинг чатоқ иш қилиб қўйгани аён-ошкор кўриниб турарди... У дрожкига етиб келди. Яланг бошидаги сочларини ёмғир қапиштириб қўйган, ҳўл соқолига, қошларига пишган сўк чаплашиб қолган эди. Шчукарнинг афти бўзариб кетган, юзида қўрқув аломати бор. «Бригадада иш чатоққа ухшайди... Тўполон чиққан!» деган тусмолдан Давидовнинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Нима гап?— деб сўради у.

— Улимдан қочиб қутулдим!— деб хўрсинди Шчукаръ.— Ўлдиришмоқчи эди...

— Ким?

— Любишкин билан ғайрийлар.

— Нима учун?

— Хархаша қилиб қолишди... Бўтқадан жанжал чиқди... Мен тили ботир одамман, ўзимни тийиб туролмадим... Любишкин бўлса, менга пичоқ кўтариб югурди... Югуруклигим жонимга ора кирмаганда, пичоқнинг тиғига санчилган бўлардим! Тил тортмай ўлган бўлардим!..

— Бор хуторга, кейин бартараф қиламиз,—деб буюрди Давидов, енгил тортиб нафас оларкан.

...Қўшхонада бундан ярим соат бурун шундай воқеа бўлиб ўтган эди: бир кун бурун бўтқани шўр қилиб қўйган Шчукаръ бобо бригадага валлакатлик қилмоқчи бўлди, кечқурун хуторга тушиб кетди-да, у ерда ётиб, эрталаб уйидан қоп ола чиқди, бригадага кета туриб, қишлоқнинг четида турадиган Краснокутовнинг хирмон қиладиган бостирмасига қараб бурилди. Ғовдан ошиб тушиб тўпон уюмининг яқинида ўғриларга ўхшаб биқиниб олди. Шчукаръ бобонинг режаси ниҳо-

ятда жўн эди: товуқ пойлаб уни таппа ушлаб калласини узиб ташламоқчи, товуқ гўшти солиб бўтқа пиширмоқчи, шу билан бригаданинг иззат-ҳурматини қозонмоқчи эди. У нафас олмай ярим соатча ётди, товуқлар бўлса худди аксига олгандай четаннинг олдида уймаллашиб юрар, тўпон уюмига яқинлашиш хаёлларига ҳам келмагандек эди. Шундан сўнг Шчукаръ бобо уларни секин-аста чақира бошлади: «Беҳ, беҳ, беҳ, беҳ!.. Жўжагиналарим! Дўндиққиналарим! Ту-ту-ту!» дея пичирлаб чақирди-да, ўзи тулкига ўхшаб тўпоннинг панасига писиб олди. Чол Краснокутов тасодифан хирмон атрофида юрган эди. У кимнингдир товуқларни авраб чақираётган овозини эшитиб, четан панасига ўтириб олди... Ҳеч нарсадан беҳабар товуқлар тўпон уюмига қараб боришди, шу пайт Краснокутов тўпон орқасидан кимнингдир қўли чиқиб чипор товуқнинг оёғидан таппа ушлаб олганини кўрди. Шчукаръ товуқни қари кузандек чаққонлик билан бўғиб қолга тикаётган эди: «Товуқбозлик қиляпсанми?» деган паст овозни эшитди ва четан орқасидан туриб келаётган Краснокутовни кўриб қолди. Шчукаръ бобо шу қадар гарангсиб қолдики, қопини тушириб юборди, бошидан қалпоғини олиб ўринсиз сўрашди: «Саломат бормисан, Афанасий Петрович!» «Худога шукур,— деб жавоб берди униси.— Товуқлар билан овуняпсанми дейман?» «Ҳа-ҳа! Ўтиб кетаётсам, чипор товуқ юрибди! Патлари шунақанги аломат ранго-рангки, ўзимни тийиб туrolмадим. Қани, ушлаб олиб яқинроқдан бир томоша қилай-чи, бу қандай аломат парранда экан дедим. Умрим бино бўлиб, бунақанги ғаройибини кўрганмасман!»

Шчукарънинг найранги ниҳоятда ўринсиз эди, Краснокутов бунга хотима бериб қўя қолди: «Ёлгон гапни қўйсанг-чи, қари алдоқчи! Товуқни қопга солиб томоша қиларканми! Очигини айт: нима сабабдан ўғирламоқчи бўлган эдинг?» Шчукаръ ҳам иқрор бўла қолди: ўз бригадасининг қўшчиларини товуқ гўшти солинган бўтқа билан сийламоқчи эканлигини айтди. Уни таажжубда қолдириб Краснокутов бир оғиз ҳам койимай, шундай маслаҳат берди: «Қўшчиларга мумкин, бу ишнинг айби йўқ. Битта товуқнинг бошини едингми,



қолингга сол, устига ҳассанг билан яна биттасини қулатиб, ола кет, бунисини эмас, ҳов анови, тухум қилмайдиган куркини... Битта товуқдан бригадага угра пишириб бўлмайди. Унисини ҳам тезроқ ушлаб дарров йўқол, бўлмаса, худо кўрсатмасин, кампирим пайқаб қолса борми, икковимизни ҳам қон қустиради!»

Ишнинг оқибатидан ғоятда мамнун бўлган Шчукаръ иккинчи товуқни ҳам ушлаб ғовдан ошиб чиқиб кетди. У икки соатда бригада қўшхонасига етиб борди. Любишкин хутордан етиб келгунча у уч челак сув кетадиган қозонда сув қайнаб турар, пишиб кетган сўк биқирлар, бурдаланган товуқ гўштининг ёғи эриб силқимоқда эди. Бўтқа ниҳоятда соз бўлди. Шчукаръ бобо фақат бир нарсадангина хавотирда эди — бўтқадан кўлмак сувнинг сассиқ ҳиди келиб туриши мумкин, чунки сувни яқин орадаги саёз ҳовуздан олиб келган, у ердаги туриб қолган сувнинг юзини сал-пал пўпанак босганди. Аммо беҳудага хавотир олган экан: ҳамма маза қилиб еб, уни роса мақтади, бригадир Любишкиннинг ўзи эса ҳатто: «Умрим бино бўлиб бундай мазали овқат еган эмасман! Сенга бутун бригададан ташаккур, бобо!»— деди.

Қозонни бирпасда бўшатиб қўйишди. Энг чаққонлари қозоннинг тагидан бурда-бурда гўштларни ола бошлади. Ана шу пайтда Шчукарънинг пазандалик шаънига умрбод путур еткизган ҳодиса рўй берди... Любишкин бир бурда гўштни олиб, уни оғзига олиб бораётган эди, бирдан ранги ўчиб ўзини орқага ташлади.

— Бу нима ўзи?— ғазаб билан сўради у Шчукардан, пишиб кетган оппоқ гўштни бармоқларининг учи билан кўтариб туриб.

— Қаноти бўлса керак,— деб хотиржам жавоб берди Шчукаръ бобо.

Любишкиннинг юзи даҳшатли ғазабдан аста бўзариб, кейин қизариб кетди.

— Қа-но-ти?... Мановини кўрсанг-чи, паз-занда!— деб бақирди у.

— Вой ўлай!— деб юборди хотинлардан бири.— Тирноғи бор-ку!..

Шчукаръ бобо аёлга ўшқириб:

— Кўзинг чиққур, лаънати! Қанотда тирноқ нима қилади? Тирноқни этагининг тагидан қидир!— деди.

У шолча устига қошиғини ирғитиб, тикилиб қаради: Любишкиннинг қалтираётган қўлида учида майда тирноқлари бор пардали мўрт суяк осилиб турарди...

— Биродарлар!— дея қичқирди ҳанг-манг бўлган Аким Бесхлебнов.— Ахир, биз қурбақа ебмиз-ку!..

Шундан сўнг кўпларнинг таъблари тирриқ бўлди: кўнгли нозик хотинлардан бири инграганича ўрнидан сапчиб туриб, оғзини кафти билан ушлаб, дала будкасининг орқасига ўтиб кетди. Кондрат Майданников Шчукаръ бобонинг камоли ҳайратдан бақрайиб қолган кўзларини кўриб чалқанчасига ётиб олди-ю, ичаги узилгудек кулиб, аранг: «Вой, ҳалқуминглар ҳаром бўлди, хотинлар!»— деди. Ҳар нарсадан ҳазар қилмайдиган казаклар уни қувватлашди: «Энди гуноҳга ботдинглар, уни соқит қилолмайсизлар!»— ясама ваҳима билан қичқирди Куженков. Уларнинг кулгисига қаҳри келган Аким Бесхлебнов ғазаб билан бўкирди: «Кулгига бало борми?! Шчукарни дўппослаш керак!..»

— Қозонга қурбақа қаёқдан тушиб қолган бўлиши мумкин?— деб суриштирарди Любишкин.

— У сувни ҳовуздан олиб келган эди, кўрмай қолган бўлса керак-да...

— Итвачча! Қариб қуюлмаган балохўр!.. Бизга нима балони едирдинг?!— Донецковларнинг келини Аниська чинқириб, уввос тортиб йиғлай бошлади:— Ахир, мен ҳозир оғир оёқман-ку, сен қуриб кеткурнинг касофатингдан чала ташлаб қўйсам нима бўлади?..

Шуни деб, товоғидаги бўтқани Шчукаръ бобога отиб қолса борми!

Шовқин-сурон кўтарилди. Хотин-халаж саросимада қолиб, қўрқиб кетган Шчукарнинг яккаш:

— Сал сабр қилинглар! Бу қурбақа эмас! Худо ҳақи, қурбақа эмас!— деб қичқирганига ҳам қарамай бараварига унинг соқолига қўл чўзишди.

— Бўлмаса бу нима?— дея тикилинч қиларди ниҳоятда ғазаби ошиб кетган Аниська Донецкова.

— Кўзларингизга шундай кўринибди! Кўзларинг-

изга хаёлот кўринган!— деб ҳийла ишлатмоқчи бўлди Шчукаръ.

Аммо Любишкин тутган «хаёлот»ининг суягини мужишдан қатъиян бош тортди. Иш шу билан босди-босди бўлиб кетиши мумкин эди-ю, аммо хотинлар жигибийронини чиқарган Шчукаръ шундай деб қичқириб юборди:

— Манжалақилар! Юбкали алвастилар! Башарамга чанг соляпсизлару, бу расмона қурбақа эмас, вустрица эканлигини билмайсизлар!

— Нима-нима-а-а-а!— деб таажжубланишди хотинлар.

— Она тилимизда лўнда қилиб, вустрица деяпман! Қурбақа — палид, вустрица бўлса, асл нарса! Менинг туғишган кумим золимнинг замонида генерал Филимоновда деншчик бўлиб хизмат қилган эди, унинг айтишига қараганда, генерал вустрицаларни ҳатто наҳорга юзталаб ютар экан! Турган жойидан чиқариб олиб еркан! Вустрица ҳали чиғаноғидан чиқмай туриб, уни вилкача билан чиқариб оларкан. Фарч этиб санчар экану — вассалом! Вустрица зорланиб чийилларкан, у бўлса оғзига тиқавераркан. Қаёқдан биласизлар, балки бу хумпар ҳам ўша вустрицанинг зотидандир? Генералларга маъқул бўлган экан, балки мен ҳам сиз лақамларга овқат лаззатли бўлсин деб солгандирман...

Шу гапдан кейин Любишкиннинг тоқати тоқ бўлиб, қўлига мис чўмични олди-ю, ўрнидан қўзғалиб, овози борича бақирди:

— Генераллар? Лаззатли бўлсин деб солдим!.. Мен қизил партизанман, сен мени аллақаёқдаги ч... генералга ўхшатиб... қурбақа гўшти билан сийламоқчимидинг?

Шчукарнинг назарида, Любишкиннинг қўлидаги чўмич пичоқ кўриниб кетди-ю, орқасига қарамай тирақайлаганича қочди...

Давидов буларнинг ҳаммасини қўшхонага келгачгина эшитди, ўзи Шчукарни жўнатиб, отларни тезроқ ҳайдашни Размётновдан илтимос қилди. Тез орада бригада қўшхонасига етиб келди. Даштда ҳамон шигалаб ёмғир ёғиб турарди. Гремячий Логдан энг чет-

даги ҳовузгача, осмоннинг ярмини ранг-баранг кама-лак ишғол қилган. Қўшхонада ҳеч ким йўқ эди. Давидов Размётнов билан хайрлашиб, яқин орадаги пайкалга кетди. Пайкал ёнида қўшдан чиқарилган ҳўкизлар ўтлаб юрар, плугчи Аким Бесхлебнов эса шийпонга боришга ҳафсаласи келмай эгатга чўзилиб, пўстинини бошигача ёпиниб олганича ёмғир томчиларининг шивир-шивири остида мудраб кетган эди. Давидов уни уйғотди:

— Нега ҳайдамаяпсан?

Аким эринибгина ўрнидан турд-да, бир эснаб, илжайди.

— Ёмғирда қўш ҳайдаб бўлмайди, ўртоқ Давидов, бун билмас экансиз-да? Ҳўкиз — трактор эмас. Бўйни сал ивидими — бўйинтуруқ этигача шилиб яғир қилиб юборади, шу билан ишдан чиқади-қолади. Ҳа, ишонаверинг, рост!— дея хотима қилди у. Давидовнинг ишонқирамай қараб турганини сезгач, унга шундай маслаҳат берди:— Ундан кўра, бориб анови жангариларни ажратиб қўйсангиз-чи. Кондрат Майданников эрталабдан бери Атаманчуковни тежаб-тергаяпти... Иккови ҳозир ҳов анови пайкалда жанжаллашяпти. Кондрат: «Ҳўкизларни чиқар»,— деса, Атаманчуков: «Менинг қўшимга тега кўрма, уриб бошингни ёрман...»— дейди. Ана, иккови ёқалашиб ҳам қолди шекилли!

Давидов омбор орқасидаги пайкалнинг этагига қараса, ҳақиқатан ҳам муштлашаётганга ўхшарди: Майданников бўйинтуруқнинг темир қулоқчўпини қиличдек ўйнатмоқда, новча Атаманчуков эса бир қўли билан уни бўйинтуруғидан четлатиб, иккинчи муштини маҳкам қисиб, орқасига қилиб гузар эди. Овозлари эшитилмасди. Шоша-пиша ўша ёққа кетаётган Давидов, узоқдан қичқирди:

— Бу нима жанжал?

— Бу қандай гап, ахир, Давидов! Ёмғир уриб турибди-ю, бу бўлса зўр бериб ҳайдайди. Бунақада ҳўкизларнинг бўйинини яғир қилиб қўяди-ку? Мен унга: «Ёмғир тингунча ҳўкизларни чиқара тур»,— десам, бўралаб сўкиб: «Сенинг ишинг бўлмасин!»— дейди. Кимнинг иши бўлиши керак бўлмаса, итвачча? А, ким-

нинг иши бўлиши керак, хирқироқ иблис?— қичқирди Майданников Атаманчуковга қараб темир қулоқчўпни ўқталар экан.

Улар, ҳар қалай, жиқиллашиб олишганга ўхшарди: Майданниковнинг қовоғи олхўридек кўм-кўк мўмата-лоқ бўлиб кетган, Атаманчуковнинг эса кўйлаги ёқа-вайрон, мўйи қирилган, лаби қонаб, дўрдайиб қолган эди.

— Колхозга зарар етказишга қўймайман!— деб қичқирарди Давидов келаётганидан дадилланган Майданников.— «Меники эмас, колхознинг ҳўкиз-лари!» дейди-я. Колхозники-ку деб, терисини ҳам шилиб олавераркансан-да? Хўкизларга тақилма, аб-лаҳ!

— Сен менга ройкорчи эмассан! Уришга ҳам ҳақ-қинг йўқ! Чистикни суғуриб олиб, шунақанги туши-райки, башарангни таниёлмай қолгин. Мен нормамни ҳайдашим керак, сен бўлсанг тўғаноқ бўласан!— деб хирилларди ранги ўчган Атаманчуков, ёқасини пайпас-лаб тугмасини солишга уринаркан.

— Емғирда қўш ҳайдаса бўладими?— сўради ун-дан Давидов, йўл-йўлакай Қондратнинг қўлидан те-мир қулоқчўпни олиб оёғи остига ташлар экан.

Атаманчуковнинг кўзлари чақнаб кетди. Ингич-ка бўйинни лиқиллатиб, заҳрини сочиб хириллади:

— Одамлар ўз ерида бундай қилмайди, лекин кол-хозда ҳайдаш керак!

— У нима деганинг?

— Нима деганим бўларди, планни бажариш керак-да! Емғир ёғяптими, ёғмаяптими, ҳайдайверишинг ке-рак. Нормангни ҳайдаб қўймасанг — Любишкин кув-уззукун эговлай бериб жонингга тегади.

— Сен бу лўттибозлигингни... Кеча, ҳаво очиғида, нормангни ҳайдаб қўйганмидинг?

— Қўлимдан келганича ҳайдадим-да!

Майданников энсаси қотиб гапирди:

— Чорак десятина ҳайдади! Хўкизларини қара! Шохига қулочинг етмайди-ю, ҳайдаган ерини ўзинг бо-риб кўрасан.— У Давидов пальтосининг ҳўл енгидан ушлаб, эгатдан бошлаб кетди, ҳовлиққанидан энтикиб-энтикиб гудулларди:—Ҳайдаган еримиз энг кам и уч

ярим вершок чуқурликда бўлсин, деган эдик-ку, бу нима? Ўзинг ўлчаб кўр!

Давидов энгашиб, юмшоқ ва ёпишқоқ ерга қўлини тикди. Эгатнинг чуқурлиги тагидаги чимгача бир ярим-икки вершокдан ортиқ келмас эди.

— Шу ҳам ер ҳайдаш бўлдимми? Бу ер ҳайдаш эмас, ер тирнаш! Бу найранги учун эрталабоқ таъзинини бермоқчи эдим-а. Пайкалларини айланиб чиққин, ҳаммасининг чуқурлиги ҳам худди шунақа.

— Қани, бери кел-чи! Сенга айтяпман!— деб чақирди Давидов, хушёқмаслик билан ҳўкизларни чиқараётган Атаманчуковни.

Атаманчуков эринчоқлик билан шошилмай унинг олдига келди.

— Бу нима қилганинг... ҳайдашинг шуми?— кемшик тишларини иржайтириб секин сўради Давидов.

— Кўнглингиз нима истайди? Саккиз вершокдан ҳайдашними?— жаҳл билан кўзини қисиб сўради Атаманчуков ва тақир бошидан фуражкасини олиб, таъзим қилди:— Қуллуқ сизга! Ўзингиз чуқурроқ ҳайдаб кўра қолинг! Оғизда ҳаммамиз ҳам бир жаҳон ишни битириб юборамизу, ишга келганда йўқмиз!

— Биз сен аблаҳни колхоздан ҳайдаб юборишни истаймиз!— қони қайнаб қичқирди Давидов.— Ҳайдаймиз ҳам!

— Кошки эди! Ўзим ҳам чиқиб кетаман! Мен қул эмасманки, сизлар учун ўлар-тириларибга қарамай ишлайверсам... Ҳали тайини йўқ нарса учун жонимни жабборга берарканман-да!— Шунини деб ҳуштак чалганича қўшхона томон кетди.

Кечқурун, бутун бригада қўшхонага йиғилгач, Давидов шундай деди:

— Бригада олдига бир масала қўяман: колхозни ва Совет ҳокимиятини алдаётган, уч ярим вершок ҳайдаш ўрнига, ерни расво қилиб, бир ярим вершокдан ҳайдаётган сохта колхозчини нима қилиш керак? Емғир ураётганда ишлаб бўлмаслигини била туриб, ҳўкизларни нобуд қилмоқчи бўлган, ҳаво очиқлигида эса нормасининг ярмисинигина бажарадиган кишини нима қилиш керак?

— Ҳайдаш керак!— деди Любишкин.

Унинг гапини хотинлар астойдил қувватлашди.

— Орангизда шундай зараркунанда колхозчи бор. Мана у!— Давидов арава шотисиди ўтирган Атаманчуковни кўрсатди. Бугун бригада жам. Масалани овозга қўяман: кимда-ким зараркунанда ва дангаса Атаманчуков ҳайдалсин деса, қўл кўтарсин!

Йигирма етти кишидан йигирма учтаси қўл кўтарди. Давидов санаб чиқиб, Атаманчуковга совуққина деди:

— Жўна. Сен энди колхозчи эмассан, факт! Бир йилдан кейин кўрамиз, агар тузалсанг, яна оламиз. Энди ўртоқлар, эшитинглар, сизларга қисқа, муҳим бир гапим бор. Сизларнинг ҳаммаларингиз ҳам ёмон ишляяпсизлар. Жуда ёмон ишляяпсизлар! Майданниковни айтмасак, ҳеч ким нормасини бажараётгани йўқ. Бу — шармандали факт, ўртоқ иккинчи бригада аъзолари! Бунақада расво бўламиз-ку. Шу зайлда ишлайдиган бўлсак, бир зумда қора тахтага тушиб, унда умрбод қолиб кетишимиз ҳеч гап эмас. Бу нарсага таг-томири билан барҳам беришимиз керак!

— Норма жуда оғир-да! Ҳўкизларнинг кучи етма-япти,— деди Аким Бесхлебнов.

— Оғир дейсанми? Ҳўкизларга-я! Бекор гап! Нега Майданников ҳўкизларининг кучи етмапти? Мен сизларнинг бригадангизда қоламан-да, Атаманчуковнинг ҳўкизларини олиб, бир кунда бир гектар, ҳатто биру чорак гектар ҳайдаш мумкинлигини амалда кўрсатаман.

— Эҳ-а, Давидов, шоввоз экансан-ку! Иштаҳанг чакки эмас,— кулиб қўйди Куженков, оқ оралаган калта соқолини тутамлаб,— Атаманчуковнинг ҳўкизлари билан ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборса бўлар! У ҳўкизлар билан бир гектарни мен ҳам ҳайдардим-да...

— Ўз ҳўкизларинг билан ҳайдолмайсанми?

— Сира-сира!

— Хўп, алишайлик бўлмаса. Сен Атаманчуковнинг ҳўкизлари билан ҳайда, мен сенинг ҳўкизларинг билан ҳайдай! Бўптими?

— Майли, бир ҳайдаб кўрайлик-чи,— ўйлаб, эҳтиёт билан жиддий жавоб берди Куженков.

...Давидов кечани нотинч ўтказди. У дала будкасида ухлади, будканинг тунука томи шамолда қалдираганиданми, ёмғирда ивиб кетиб, қуримаган пальтосининг ёқасидан тун совуғи кирганиданми, остига солиб ётган қўй тери пўстиндаги ғиж-ғиж бургалар талаганиданми, ишқилиб, тез-тез уйғониб турди.

Эрта саҳар пайтида уни Кондрат Майданников уйғотди. Кондрат бутун бригадани аллақачон уйғотган эди. Давидов будкадан сакраб тушди. Осмоннинг ғарбий чеккасида юлдузлар ғира-шира милтиллар, камондек эгилган ой кўкиш пўлат осмон совутида олтин нақшдек ҳусн тўкиб турар эди. Давидов ҳовуздан сув олиб ювинар, унинг ёнида турган Кондрат сарғиш мўйловининг учини тишлаб, афсуслангандай гапирар эди.

— Бир кунда десятинадан ошириб ҳайдаш маҳол... Сен кеча жуда катта кетдинг, ўртоқ Давидов. Тағин икковимиз уялиб қолмасак яхши эди...

— Ҳамма иш ўз қўлимизда, ҳаммаси ўзимизники! Нимадан қўрқасан, қизиқ экансан-ку!— деб далда берди унга Давидов, ўзи эса: «Шудгорда ўлсам ўламанки, ҳайдамай қўймайман! Кечаси фонарь ёқиб бўлса ҳамки биру чорак десятина ҳайдайман, бўлмаса бўлмайди. Бутун ишчи синфига иснод тегади-я...» деб ўйларди.

Давидов каноп толстовкасининг этаги билан юзини артиб бўлгунча, Кондрат ўзининг ва унинг ҳўкизларини қўшга қўшиб, чақирди:

— Қани, юр!

Плуг ғилдиракларининг ғижир-ғижир остида Кондрат Давидовга ҳўкиз билан ер ҳайдашнинг неча ўн йиллар давомида таркиб топган энг оддий қоидаларини тушунтирарди.

— Биз «Сакко» плагини энг яхши плуг деб ҳисоблаймиз. Мана, чунончи, «Аксай» плагини олайлик, плугликка у ҳам плуг, аммо «Сакко» плагини олдида ип эшолмайди! «Аксай» унақа созланган эмас. Биз ҳар қайсимиз ўз олдимизга пайкал олиб ҳайдайдиган бўлдик. Олдинига Бесхлебнов, Атаманчуков, Куженков (уларга Любишкин ҳам қўшилди) бирин-кетин ҳайдай бошлашди. Қолхоз бўлганимиздан кейин плуг-



ларни ҳам кетма-кет қўйишимиз керак, дейишди. Шундай қилдик. Қарасам, иш чатоқроқ... Олдинги плуг тўхтаसा, бошқалари ҳам тўхташи керак. Олдингиси ҳафсаласизлик билан ҳайдаётган бўлса, қолганлари ҳам чор-ночор унга эргашяпти. Кейин мен бунга қарши чиқдим: «Ё мени олдинга ўтказинглар, ё ҳар кимнинг ўзига пайкал ажратиб беринглар» дедим. Бу тахлитда ҳайдаш ярамаслигини Любишкин ҳам тушуниб қолди. Ҳеч кимнинг қилган иши кўринмайди. Далани пайкалларга бўлдик, мен улардан ажралиб кетдим, ўзиб кетдим жин ургурлардан! Ҳар бир пайкалимиз бир десятина, узунасига бир юз олтмиш, кўндалангига ўн беш сажень.

— Нима сабабдан кўндалангига ҳайдалмади?— пайкалнинг ўртасидаги очиқ ерга қараб сўради Давидов.

— Сабаби шу. Эгатнинг бошига етиб бориб, уватда ҳўкизларни қайтарасан-а? Бирданига орқага буриб юборсанг, бўйинтуруқ билан бўйинларини чақа қилиб кўясан — ҳўкиз ишдан чиқади, ишга ярамай қолади. Шунинг учун узунасига ҳайдаб бориб, кейин плугни қайириб ўн беш саженча жойдан бўш судратиб ўтасан. Трактор... трактор бирдан орқасига бурилса ғилдираклари ҳатто тагида турибоқ айланиб олади-да, яна изига қайтиб кетаверади, уч-тўрт қўш ҳўкизни шу хилда қайириб бўлармиди? Муюлишлар чала қолмаслиги учун улар худди сафдагидек чап оёқларида туриб бурилишлари керак! Ҳўкиз билан ер ҳайдаганда шунинг учун ҳам пайкални катта олиб бўлмайди. Тракторга эгат қанча узун бўлса, шунча яхши, ҳўкизлар билан бўлса узунасига бир юз олтмиш сажень суриб бораману, кейин плугим кўндаланг ландан<sup>1</sup> судралганича бўш кетади. Сизга чизиб кўрсата қолай.— Қондрат тўхтаб чистикнинг ўткир учи билан ерда чўзинчоқ катак чизди.— Мана шуни чунончи тўрт десятина дейлик. Узунасига—бир юз олтмиш, кўндалангига — олтмиш сажень. Қаранг, мана узунасига биринчи эгатни суриб кетяпман, агар мен бир десятина жойни ҳайдаётган бўлсам, ўн беш сажень жойни бекор айланиб

<sup>1</sup> Лан — майдон, ҳайдаладиган ер парчаси.

ўтишим, тўрт десятина бўлса — олтамиш сажень жойни бекор айланиб ўтишим керак. Қўл келмайди-я! Тушундингизми? Вақт кетади...

— Тушундим. Фактический исбот қилиб бердинг!

— Умрингизда ер ҳайдаб кўрганмисиз?

— Йўқ, оғайни, ҳайдаган эмасман. Плугни-ку тахминан биламан-а, лекин ишлатишни билмайман. Сен менга кўрсатгин, дарров пайқаб оламан.

— Мен ҳозир плугингизни ростлаб бераман, бир-икки топқир бирга бориб келсам, кейин ўзингиз ҳам уста бўлиб кетасиз.

Кондрат Давидовнинг плугини ростлади, чуқурлик даражасини уч ярим вершокка тўғрилаб, тагликнинг илгагини кўтариб қўйди-да, ўзи ҳам сезмай сенлашга ўтиб, йўл-йўлакай тушунтира кетди:

— Ҳайдашга тушамиз, қарайсан, борди-ю ҳўкизлар қийналаётганини кўрсанг, манови нарсани бир ярим марта бураб қўясан. Биз уни бочонка деймиз, кўрдингми, унинг занжири олинади, эгат занжири бўлса маҳкамлаб қўйилган. Бочонкани бураб қўйсанг, лемех ёнбошига сал қийшайди-да, саккиз эмас, олти дюйм кенгликда олиб кетаверади, ҳўкизларга енгил бўлади. Қани, жўнадик! Хў-ўш, қашқа! Хў-ўш!.. Бўш келма, ўртоқ Давидов!

Давидовнинг ҳўкизларини етакловчи ўспирин йигитча қамчи қарсиллатиши билан олдинги ҳўкизлар бараварига интилиб, юриб кетишди. Бир оз ҳовлиққан Давидов плугнинг қулоғини ушлади-да, лемех остидан плугнинг ялтироқ ағдарма тишига ёпишиб чиқиб келаётган қоп-қора, семиз палахса ернинг карахт балиқдек ёнбошига ағдарилаётганига тикилганича плугнинг орқасидан кетаверди.

Пайкал этагидаги уватда Майданников Давидовнинг олдига югуриб келиб, уқтирди:

— Плуг сурғалиб кетиши учун уни чап томонга ёнбошлатиброқ қўй, плугнинг ағдарма тишини тозалаб юрмаслик учун мана бундай қил, қара!— У ўнг қулоқни босиб плугни ёнбошлатди, бир палахса ер ағдарма тишга қия тақалиб ўтиб, унга ёпишиб қолган лойни бамисоли ялаб олгандек тозалаб кетди.— Мана шундай қилиш керак!— Кондрат плугни ағдариб қў-

йиб, кулди:— Бунинг ҳам техникаси бор. Агар плугни шундай ёнбошлаттирмасанг, ҳўкизлар кўндаланг лан-дан ўтгунча, ағдарма тишга ёпишган лойни чистик билан тозалашингга тўғри келади. Плугинг — ювиб қўйилгандек топ-тоза, бир маза қилай деб йўл-йўла-кай тамаки ўраб кетсанг ҳам бўлади. Ма-чи!

У ҳимариб қўйилган тамаки халтасини Давидовга узатди, тамаки ўраб, ўз ҳўкизлари томонга боши билан ишора қилди.

— Қара, хотинимнинг ғайратини! Плуг жойида, эгатдан ҳар замонда бир чиқиб кетади, хотиним бир ўзи ҳайдайверса ҳам бўларди-ю...

— Сенинг қўшингга хотининг етовчилик қиляпти-ми?— сўради Давидов.

— Ҳа. Хотиним билан ишлаш қулайроқ. Гоҳо сў-киб, пўписа қилиб қўйсанг ҳам хафа бўлмайди, бор-ди-ю хафа бўлганда ҳам кечасигача... Кечаси топишиб кетамиз, ҳар қалай, бир-биримизга бегона эмас-миз-ку...

Кондрат кулиб қўйди-да, шудгорда катта-катта қадам ташлаб лапанглаганича кетди.

Давидов биринчи қўшдаёқ нонуштагача чорак десятинача ер ҳайдади. Кўнгли тусамай бўтқадан то-тиди-ю, ҳўкизлар хашакланиб бўлиши биланоқ Кон-дратга имо қилди:

— Бошлаймизми?

— Мен тайёр. Анютка, ҳайда ҳўкизларни.

Яна неча юз йиллардан бери тош-метин бўлиб ётган заранг ер эгатма-эгат плуг тиши остидан тилиш-ланиб чиқа бошлайди, ўтларнинг чангакдек ўлик ил-дизлари осмонга тарвақайлаб қолади, ернинг чим босган юзи қийқимланиб, қора ерга қоришади. Плуг ағдарма тишининг ёнбошидаги ер тебранади, ағдарила-ди, сузиб кетаётганга ўхшайди. Қора тупроқнинг сучук ҳиди тотли ва роҳатбахш. Қуёш ҳали тикка бўлса ҳам, туллаётган шатак ҳўкизнинг жуни тердан қораймоқ-да... Кечга яқин Давидовнинг ботинка урган оёғи қат-тиқ зирқирар, бели толиқиб оғрирди. У қоқина-қоқина ўз участкасини ўлчаб чиқди-да, чангдан қорайиб, қақ-раб қолган лаблари билан жилмайиб қўйди: кунни билан бир десятинача ҳайдаган эди.

Давидов оёғини сургаб шийпонга етиб келганида Куженков мазах қилгандай кулимсираб:

— Хўш, қанча ҳайдаб ташладинг?— деб сўради.

— Чамангда қанча бўлса?

— Ярим десятинага етказолдингми?

— Йўқ, бир десятина-ю, бир лан.

Сих моланинг тиши тилиб кетган оёғига суғур мойи суркаб ўтирган Куженков инқиллаганича ўрнидан туриб, Давидовнинг пайкалини ўлчагани кетди... Ярим соатдан кейин, оқшом қоронғиси тушганда, қайтиб келиб, гулхандан нарироққа ўтирди.

— Нега индамай қолдинг, Куженков?— деб сўради Давидов.

— Оёғимга оғриқ кирди... Нима дердим, ҳайдасанг ҳайдабсан-да... Ҳа, нима бўпти!— аранг жавоб берди у ва бошига пўстинини тортганича гулхан ёнига чўзилди.

— Оғзингга уришдими? Энди акилламайсан-а?— деб хохолади Кондрат. Куженков бўлса унинг гапини сира ҳам эшитмагандай индамасди.

Давидов будқанинг тагига келиб ётди, кўзини юмди. Гулхандан чала ҳиди анқиб турарди. Юравериб зириллаган товонлари ўт бўлиб ловиллаб, болдирлари зирқираб оғрир, оёқларини қандай узатмасин қовушиб ётолмас, бошқачароқ ётгиси келаверар эди... Ерга ёнбоши тегиши биланоқ кўз ўнгидан қора палахса ер сузиб ўта бошлади: плуг тишининг оппоқ тиғи сассиз сирғаниб борар, унинг ёнбошидан эса қопқора ер шаклини ўзгартириб, лопиллаганича ўрмалаб кетаверарди... Боши сал айланаётганини ва кўнгли озаётганини сезиб, Давидов кўзини очди-да, Кондратни чақирди.

— Ухлаёлмаяпсанми?— деди Кондрат.

— Ҳа, ҳайронман, ҳадеб бошим айланяпти, плугнинг тагидан чиққан ер кўзимдан нари кетмаяпти...

— Одатда шунақа бўлади.— Кондратнинг овозидан унинг ачиниб илжаяётгани билиниб турарди.— Кунуззукун оёғингнинг тагига тикиласан, шундан бошинг айланади. Ернинг ҳиди ҳам ўткир, тоза, одамни маст қилади. Сен эртага оёғингнинг тагига унча кўп

тикилма, Давидов, кўпроқ атроф ёқларга аланглаброқ юр...

Кечаси Давидов бурга чаққанини ҳам сезмади, отларнинг кишнаганини ҳам, кечикканидан доводда тунаб қолган бир гала ёввойи ғозларнинг ғағолашини ҳам эшитмади, данг қотиб ухлаб қолди. Тонгга яқин уйғониб, пўстинига ўраниб олиб, будкага қараб келаётган Кондратга кўзи тушди.

Уйқуси ўчмаган Давидов бош кўтариб:

— Қаёққа бориб келяпсан?— деб сўради.

— Икковимизнинг ҳўкизларимизни ўтлатдим... Ҳўкизлар роса тўйди. Уларни сойга ҳайдаб қўйдим, ўтлар ҳам роса барра бўлибди-да.

Кондратнинг овози тез узоқлашиб, ўча бошлади. Давидов гапининг охирини эшитмади, яна уйқу элиптиб, бошини шабнам тушиб қолган пўстинга ташлади-да, ухлаб қолди.

Шу кунги кечқурунгача Давидов бир десятина-ю икки лан, Любишкин роппа-роса бир десятина, Куженков сал кам бир десятина ҳайдади, биринчи ўринга ҳеч кутилмаганда Антип Грач чиқиб қолди. Шу вақтгача у қолақлар тўдасида эди. Давидов масхара қилиб унга «заиф команда» деб от қўйган эди. У Титокнинг ориқлаб қолган ҳўкизлари билан ҳайдамоқда эди, тушлик вақтида — қанча ҳайдаганини айтмади, унга етовчилик қилаётган хотини овқатдан сўнг ҳўкизларга теккан олти қадоқ кунжарани этагига солиб, ўз қўшидаги ҳўкизларга едирди: Антип эса ҳатто овқатдан кейин қолган нон ушоқларини ҳам шолчадан қоқиб олди-да, ҳўкизларга ем бўлсин деб, хотинининг этагига элиптиб тўкди.

— Нима қилиб бўлса ҳамки амалламоқчисан-а, Антип!

— Амаллайман ҳам-да! Бизнинг зотимиз ишда орқада қолганлардан эмас!— писанда қилиб гапирди кўклам қуёшининг тафтидан яна ҳам қорайиб кетган Грач.

Дарҳақиқат, ишни ўринлатди, ҳайдаган ери кечқурун биру чорак десятина чиқди. Қоронғи тушганда шийпонга Кондрат Майданников ҳўкизларини ҳайдаб келди. У Давидовнинг: «Марра қанча?»— деган саво-

лига «Бир лани кам бир ярим. Бир ўрам тамаки беринглар... тушдан бери чекканим йўқ...»— деб жавоб берди-да, ҳорғин, лекин чақнаб турган кўзлари билан Давидовга тикилди.

Кечки овқатни еб бўлганларидан кейин, Давидов яқун чиқарди.

— Социалистик мусобақамиз, иккинчи бригададаги ўртоқлар, қизиб кетди! Суръатларингиз жуда яхши! Бу ишларингиз учун бригадага колхоз правлениесидан большевикча раҳмат. Упирилишдан чиқиб келяпмиз, қадрдон ўртоқлар, факт! Нормани бажариш мумкинлигини амалда исбот этилган экан, нега ҳам чиқмайлик? Энди молалашга куч берайлик! Молалаганда ҳам уч мартадан кам бўлмасин! Майданниковга эса алоҳида раҳмат, чунки у ҳақиқий ударник!

Хотинлар идиш-товоқларни ювишди, плугчилар ухлагани ётишди, ҳўкизларни ўтлагани ҳайдашди. Қондрат мудраб кетганида хотини унинг пўстини остига кириб:

— Кондраша, Давидов сени... мақтади шекилли... Ударник дегани нима? — деб сўради.

Кондрат бу сўзни кўп эшитган эди-ю, лекин маъносини тушунтириб беролмасди: «Давидовдан сўраб олиш керак эди-ю!» деб ўкиниб қўйди ичида. Лекин хотинига буни тушунтириб бермаслик, унинг олдида эътиборини тушириш яхши эмас эди, шунинг учун билганича тушунтирди:

— Ударникми? Вой, тентак хотин-эй! Ударникми? Ҳим... Уми... хўш, сенга нима деб айтсам тушунаркинсан? Мана, чунончи, винтовканинг ҳам пистон чақадиган тепкиси бўлади — уни ҳам ударник деб аташади. У, винтовканинг энг керакли жойи, у бўлмаса отолмайсан... Колхозда ҳам баайни шунинг ўзи: ударник энг керакли одам, тушундингми? Ана энди ухла, менга ёпишма!

### XXXVII БОБ

15 майгача районда бошоқли экин экиш асосан тугалланди. Гремячий Логдаги колхоз бу вақтгача экиш планини тўла-тўқис бажарди. Унинчи куни туш-

да учинчи бригада саккиз гектар ерга жўхори билан кунгабоқар экиб бўлди, Давидов шу ондаёқ экишнинг тугаллангани ҳақида район партия комитетига рапорт ёзиб, районга отлиқ чопар жўнатди.

Эртаги буғдой униб чиқиб ҳаммани қувонтирмоқда, аммо иккинчи бригаданинг участкасида майнинг дастлабки кунларида сепилган юз гектарча кубанка навли буғдой бор эди. Давидов, кечикиб экилган кубанка яхши униб чиқмас, деб хавотир олар, Любишкин ҳам шу фикрда эди, Яков Лукич эса очиқданочиқ шундай деди:

— Униб чиқмайди! Сира ҳам униб чиқмайди! Ёз бўйи экаверасизлару, чиқаверадими? Китобларда ёзлишича, Мисрда йилига икки марта экиб ҳосил олишармиш, аммо Гремячий Лог, ўртоқ Давидов, сизга Миср эмас, бу ерда экиш муддатларига ниҳоятда риоя қилиш керак!

— Хўш, нега оппортунизм тарқатяпсан?— деб ачиқланди Давидов.— Экинимиз униб чиқиши керак! Агар керак бўлиб қолса икки мартадан ҳам ҳосил оламиз. Ўз еримиз: ундан нима истасак шуни оламиз, факт!

— Гўдакларнинг гапини қияпсиз.

— Мана кўрамиз. Сен, гражданин Островнов, ўз сўзларингда ўнг оғмачиликка йўл қўйяпсан, бу эса партия учун номақбул ва зарарли қинғайиш... бу оғмачилик етарли даражада қораланган, сен буни эсингдан чиқарма.

— Мен оғмачилик тўғрисида эмас, ер тўғрисида гапиряпман. Оғмачиликларингизга фаҳмим етмайди.

Аммо Давидов кубанка буғдойининг униб чиқишига ишонса-да, хавотирдан қутулолмай, ҳар кунни правление айғирини эгарлаб, қуёш қорайтириб юборган, қақраб ётган шудгорлардан хабар олиб келарди.

Ер тез қурғаб борарди. Кўкарган дон озиқ камлигидан ниш уриб юзага чиқа олмасди. Мулойим ва зайф бўртикнинг учли ниши қуёш ҳиди келиб турган илиқ қумоқ кесаклар остида нимжон бўлиб ётар, ёруққа қараб интилар, нами кўтарилиб қотиб қолган ер бетини ёриб чиқа олмас эди. Давидов шудгорда отдан тушиб, чўккалаганича ерни чуқилаб, ниш ур-

ган нозик буғдой донини кафтига олиб кўрар, ерга кўмилган, зўр бериб қуёшга интилса-да, қарийб ўлимга маҳкум этилган миллион-миллион буғдой донларига қаттиқ ачинар эди. Ноиложликдан хуноб бўларди. Ёмғир керак эди, шунда кубанка шудгор бетини яшил бахмалдек қоплаб кетарди. Ёмғирдан эса дарак йўқ, шудгорларнинг юзини беор, жони қаттиқ, бақувват бегона ўтлар босмоқда эди.

Бир куни кечқурун Давидовнинг квартирасига чоллардан вакиллар келди.

— Биз сизнинг олдингизга бир илтимос билан келган эдик,— деди Аким бобо Макиёнбоз. У саломлашиб, кўзи билан иконани қидирар, ўшанга қараб чўқинмоқчи бўлар эди.

— Қандай илтимос билан?.. Икона йўқ, бобо, қидирмай қўя қол.

— Йўқ? Майли, ҳожати йўқ... зарарсиз... Сизга чоллардан шундай илтимос...

— Қандай илтимос?

— Иккинчи бригададаги буғдой униб чиқмайди-ганга ўхшайди-ку?

— Ҳали ҳозирча маълум эмас, бобо.

— Маълум бўлмаса ҳам, шунақа бўладиганга ўхшаб турибди.

— Хўш?

— Ёмғир керак.

— Керак.

— Ижозат берсангиз, топни чақириб, тоат-ибодат қилиб юборсак.

— Нима ҳожат?— деди Давидов қизаринқираб.

— Нимагалиги маълум-ку, худойи таоло ёмғир юборсин деймиз-да.

— Бе, шу ҳам бобо... бор, бу тўғрида бошқа гап очма.

— Нега энди гап очмас эканмиз? Буғдой бизникими, ахир?

— Колхозники.

— Хўш, биз киммиз. ахир? Биз — колхозчилармиз-ку.

— Мен — колхоз раисиман.

— Биз буни биламиз, ўртоқ. Сиз худони танимай-



сиз, биз билан туғ кўтаришиб боринг деяётганимиз йўқ, бизга ижозат беринг: биз — диндор одамлармиз.

— Йўқ, бермайман. Сизларни колхоз мажлиси юбордимми?

— Йўқ. Очигини айтсак, биз чоллар ўзимиз шундай қарорга келдик.

— Ана, кўрдингларми: сизлар озчиликсизлар, мажлис ҳам барибир ижозат бермасди. Хўжаликни попларнинг гапига қараб эмас, фанга амал қилиб бошқариш керак.

Давидов чолларнинг диний туйғуларига қаттиқ тегиб кетмаслик учун эҳтиёт билан узоқ гапирди. Боболар индашмасди. Ниҳоят, Макаар Нагульнов кириб келди. У чоллардан иборат диндорларнинг вакиллари Давидовдан ибодат қилиш учун рухсат сўрагани кетганини эшитиб югуриб келган эди.

— Шундай қилиб, мумкин эмасми?— хўрсинди ўрнидан тураётиб Аким бобо Макиёнбоз.

— Мумкин эмас, ҳожати ҳам йўқ. Ёмғир бусиз ҳам ёғаверади.

Чоллар чиқиб кетишди, уларнинг орқасидан Нагульнов ҳам даҳлизга чиқди. У Давидов хонасининг эшигини зич ёпиб, шивирлади:

— Сизлар чириган одамсизлар! Мен сизларни биламан: сизлар нуқул ўз билганингизча эскича яшашнинг пайдансизлар, учига чиққан шайтонлар. Сизларга нуқул диний байрамлар ўтказиш, икона кўтариб экинларни пайҳон қилиб, далама-дала санқиб юриш бўлса... Борди-ю, ўзбошимчалик билан поп олиб келиб далага чиқар экансизлар, ўт ўчириш командаси билан изларингдан етиб бораману, сизларни насослардан шилта-шалаббо бўлгунларингизгача сувга пишаман. Тушундиларингми? Поп ҳам қорасини кўрсатмасин. Мен у жун босган айғирнинг соч-соқолини халқ кўзи олдида қўйнинг жунини оладиган қайчи билан қиртишлаб ташлайман. Қиртишлайману, сазойи қилиб жўнатаман. Тушундингларми?— Сўнгра Давидовнинг олдига қовоғини солиб норози ҳолда кирди-ю, сандиққа ўтирди.

— Сен чоллар билан нима тўғрида шивирлашиб гаплашдинг?— шубҳаланиб сўради Давидов.

— Об-ҳаво тўғрисида гаплашдик,— кўзини лўқ қилиб туриб жавоб берди Макар.

— Ҳўш?

— Қатъий қарорга келишди — ибодат қилмайдиган бўлишди.

— Улар нима дейишди?— Давидов кулгисини яшириб орқасини ўгирди.

— Диннинг афюн эканини англадик, дейишди... Нега бунча менга ёпишавердинг, Семён? Худди қўйтиканнинг ўзисан: бир ёпишиб олсанг, қутулиб бўлмайди! Нима деддинг, нима тўғрисида гапирдинг дейсанми?.. Гапирдим-да. Сен уларга демократизм асосида муомала қилиб ялиниб-ёлворадиган! Бунақа чоллар билан мутлақо бошқача гаплашиш керак. Уларнинг ҳаммаси зарарли руҳда, бидъатга ботиб қолган. Демак, улар билан сафсата сотиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, уларга шартта гапириб ишни битириш керак.

Давидов мийиғида кулди-да, ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтади. Йўқ, Макарнинг эпга келиши маҳол экан!

У икки ҳафтача партиясиз бўлиб юрди, бу орада райкомда раҳбарлар ўзгарди. Корчжинский билан Хомутовни ишдан олиб ташлашди.

Янги райком секретари округ контроль комиссиясидан Нагульновнинг шикоят аризасини олгач, ишни иккинчи марта текшириш учун Гремячий Логга бюро аъзоларидан бирини юборди, шундан сўнг бюро ўзининг Нагульновни партиядан ўчириш ҳақидаги олдинги қарорини бекор қилди. Берилган жазо — қилинган хатога нисбатан оғирроқ деган далил билан қарорни бекор қилишди, бундан ташқари, ўз вақтида Нагульновга тақилган бир қанча айблар («ахлоқий бузуқлик», «суюқоёқлик») иккинчи марта текширишдан сўнг бекор бўлиб қолди. Макарга виговор беришди. Иш шу билан тугади.

Ячейка секретарлиги вазифасини вақтинча бажариб турган Давидов ишларни Макарга топшираётиб, сўради:

— Таъзирингни едингми? Яна қинғаясанми?

— Роса таъзиримни едим. Аммо қинғайган ким — менми, райкомми?

— Сен ҳам райком ҳам. Ҳаммадан ҳам ўтган.

— Менимча, округком ҳам қинғайишларга йўл қўйяпти.

— Қандай қинғайишларга?

— Чунончи, нима учун колхоздан чиққанларга чорвасини қайтариб бериш тақиқланган? Бу мажбурий коллективлаштириш эмасми? Шунинг ўзгинаси! Одамлар колхоздан чиқишса-ю, уларга на моли ва на асбоб-ускунасини қайтариб беришса. Албатта тирикчилиги ўтмай, чорасиз қолади, яна колхозга кириб келади. Дод деса ҳам кириб келади.

— Ахир, чорва билан асбоб-ускуна колхознинг бўлинмас фондига кирган-ку!

— Улар яна колхозга ўлганининг қунидан келиб кираётган бўлгандан кейин ундай фонднинг нима ҳолати бор? Қўлларига тутқазиб: «Мана, асбоб-ускуналарингиз билан гумдон бўлинглар» дейиш керак. Мен уларни колхознинг яқинига ҳам йўлатмасдим, сен бўлсанг ўшанақа айнамалардан юзтачасини қайтадан олдинг, улардан онгли колхозчилар чиқар деб ўйласанг керак? Хомтама бўласан! Бундай хумпарлар ўзи колхозда яшайди-ю, ўла-ўлгунча кўнгли якка хўжалик турмушида бўлади... Мен уларни биламан! Уларга чорвалари билан қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарининг берилмаганлиги — сўл оғмачилик, сен уларни колхозга қайтиб олганинг — ўнг оғмачилик. Менинг ҳам сиёсий жиҳатдан онгим ошиб кетди, энди мени йўлда қолдириб кетолмайсан!

— Сиёсий онги ошган эмиш-а! Ҳатто, колхоздан чиққанлар билан ҳар қандай ҳисоб-китобни ҳозир эмас, хўжалик йилининг охирига борибгина қила олишимиз мумкинлигини тушунмаяпсан-ку!..

— Йўқ, мен буни тушунаман.

— Эҳ, Макар, Макар! Ҳеч ҳовлиқмасдан туролмайсан. Кўпинча миянг айниб, калавлаб қоласан, факт!

Улар узоқ баҳслашишди, ниҳоят, айтишиб қолиб, **Давидов чиқиб кетди.**

Икки ҳафта ичида Гремячий Логда кўпгина ўзгаришлар юз берди: Марина Пояркова Демид Индамасни эр қилиб бутун хуторни ҳайратда қолдирди.

Демид унинг уйига кўчиб ўтди, кечаси аравага бор лаш-лушини ортди-да, уни ўзи тортиб борди, уйчасининг деразаси ва эшигини тахта билан михлаб ташлади.

«Маришка тенгини топди. Улар икковлари трактордан ҳам кўпроқ иш қилишади!»— дейишарди Гремьячийда.

Ёши улғайган хушторининг эрга тегиб кетганидан доғда қолган Андрей Размётнов аввалига сир бой бермай юрди, кейин у эса тоқати тоқ бўлиб, Давидовдан яшириқча ича бошлади. Аммо Давидов буни пайқаб қолиб, огоҳлантирди:

— Сен бу ишингни қўй, Андрей. Ярамайди.

— Қўяман. Аммо менга ўлгудек алам қияпти, Сёма! Бу манжалақи мени ташлаб ким билан топишди? Ким билан топишди, а?

— Бу унинг шахсий иши.

— Ахир менга алам қилиб кетяпти-ку?

— Алам қилсаям ичма. Мавриди эмас. Ҳадемай ўтоқ яқинлашиб келяпти.

Марина бўлса, аксига олгандек, Андрейга ўқтин-ўқтин тўқнаш келиб турар, кўриниши ҳам мамнун, бахтиёр эди.

Демид Индамас унинг кичкинагина хўжалигида хўкиздедек ишлар эди: бир неча кунда қўрадаги ҳамма биноларнинг шикаст-рехтларини тузатиб қўйди, бир кеча-кундузда бир ярим саженлик ертўла қазиди, ўн пудлик устунлар билан оочларни кифтида ташиди... Марина унинг кийим-бошини ювиб, ямаб-ясаб берди, Демиднинг ишчанлигини қўни-қўшни хотин-халажга мақтаб тугатолмас эди.

— Рўзгоримнинг жонини киргизди, эгачилар. Кучи ҳам хирсдек экан. Нимага ёпишса — боплаб ташлайди. Индамас бўлса ҳам майли... жанжал камроқ бўлади...

Маринанинг янги эридан мамнунлиги ҳақидаги миш-миш гапларни эшитган Андрей ҳасрат билан шивирларди:

— Эҳ, Мариша! Нима, мен сенга омборларингни тузатиб, ертўла қазиб беролмасмидим? Еш умримни хазон қилдинг!

Хўжалиги тугатилган Гаев сургундан Гремячийга қайтиб келди: ўлка сайлов комиссияси унинг граждандлик ҳуқуқини тиклаган эди. Болалари кўп Гаев хуторга келган заҳотиёқ Давидов колхоз правление-сига чақирди.

— Қандай яшамоқчисан, гражданин Гаев? Якка хўжалик тартибидами ёки колхозга кирасанми?

— Қарайман-да,— деб жавоб берди хўжалиги қонунсиз тугатилганидан хафа бўлгани кўнглидан чиқмаган Гаев.

— Аниқроғи-чи?

— Колхозга кирмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

— Ариза бер.

— Мол-мулким нима бўлади?

— Чорванг — колхозда, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналаринг ҳам колхозда. Аммо кийим-бошларинг-ни улашиб юборганмиз. Бу жиҳати мушкулроқ. У-бу нарсангни топиб берамиз. Қолганига пул оласан.

— Ғалламни ҳам шипириб кетган эдинглар...

— Ҳа, бу осон иш. Хўжалик мудирига бориб уч-раш, у омборчига айтса, ҳозирча еб туришингга ўн пуд ун беради.

— Колхозга ким кўринганни, қочган-қутганларни оладиган бўлди,— деб норози бўлди Макара Давидовнинг Гаевни колхозга олмоқчи бўлганини эшитиб.— Унда Давидов, бадарға муддатини тугатиб сургундан қайтиб келганларнинг ҳаммасини колхозга қабул қиламан деб, «Молот»да эълон бера қолсин...— дерди у Андрей Размётновга.

Гремячий ячейкаси экин-тикиндан кейин икки баравар ўсди: Титокнинг эшигида уч йил батраклик қилган Павло Любишкин, учинчи бригада аъзоси Нестор Лошчилин ва Демка Ушаков партия кандидатлигига қабул қилиндилар. Любишкин ва бошқалар партиёга қабул қилинадиган куни Нагульнов Қондрат Майданниковга:

— Партияга кир,— деб таклиф қилди.— Қондрат сенга жоним билан кафил бўламан. Менинг қўл остимдаги эскадронда хизмат қилгансан, ўша вақтда қандай қаҳрамон отлиқ аскар бўлсанг, ҳозир ҳам энг

кўзга кўринган колхозчисан. Хўш, қани айт-чи, партиядан нега четда турибсан? Ҳозир, афтидан, жаҳон революцияси яқинлашиб келай деб турибди, балки икковимиз яна бир эскадронда хизмат қилармиз, Совет ҳокимиятини ҳимоя қилармиз, сен бўлсанг шу пайтгача ҳам, илгаригидек, партиясизсан. Бу ишинг чакки. Кир!

Кондрат хўрсинди-да, дардини айта қолди:

— Йўқ, ўртоқ Нагульнов, ҳозирча партияга киришга виждоним йўл бермайди. Совет ҳокимиятичи қўриқлаш лозим бўлиб қолса, яна жанг қиламан, колхозда ҳам сидқидил билан ишлайвераману, лекин партияга ёзила олмайман...

— Сабаби нима?— қовоғини уйди Макар.

— Сабаби шуки, ҳозир колхозда бўлсам ҳам ўз молимга ачиниб юрибман...— Кондратнинг лаблари қалтираб кетди, у бирдан шивирлашга ўтди:— Ҳўкизларимга жоним ачияпти, уларнинг ҳолига ачиняпман... уларга яхши парвариш бўлмапти... Акимка Бесхлебнов молалашда отгинамининг бўйинини хомут билан яғир қилиб қўйибди, кўрганимдан кейин бир кечаю кундуз овқат ўтмади... Кичкинагина от бўйнига баҳайбат хомут тақиб бўладими? Мана шунинг учун киролмайман. Модомики, мулкпарастликдан қутулолганим йўқ экан, виждоним партияга киришга йўл қўймайди. Мен шундай деб ўйлайман.

— Рост гап. Қитдак сабр қил, кирмай тура тур. Биз колхоз хўжалигидаги ҳар қандай бетартибликларга қарши омонсиз кураш олиб борамиз, хомутларни ҳам мослаймиз. Агар сен хўкизларингни тушингда ҳам кўриб чиқаётган бўлсанг, унда партияга киришинг мумкин эмас. Партияга кирадиган бўлсанг мулкинга ҳеч жонинг ачимайдиган бўлиши керак. Партияга батамом мусаффо бўлиб киришинг керак, жаҳон революциясига етишишдек бирдан-бир орзу билан қанотланган бўлишинг керак. Менинг дадам ўзига тўқ эди, мени ҳам кичкиналигимда рўзғор бошқаришга ўргатган эди, лекин бу нарсага ҳирс қўймаган эдим, рўзғор мен учун бир чақалик қадри йўқ нарса эди. Мен тўқ турмушу тўрт қўш хўкизни ташлаб чиқиб, одамларнинг қўлида хизматкорлик қилдим... Шундай

қилиб, суякка сингган бу мулкпарастликдан мусаффо бўлгунча кирма...

Любишкин, Ушаков ва Лошчилин партияга кираётган эмиш, деган овоза Гремячий Логга кенг тарқалди. Казаклардан кимдир Щучукаръ бобога ҳазиллашиб шундай деди:

— Хўш, сен нега партияга киришга ариза берма-япсан? Сен активлардансан-ку, ариза бер! Сенга амал беришади, чарм портфель сотиб олиб қўлти-рингга қистириб юраверасан.

Щучукаръ ўйлаб кўриб, кечқурун қоронғи тушиши билан Нагульновнинг квартирасига борди.

— Саломатмисан, Макарушка!

— Салом. Хўш, нимага келдинг?

— Одамлар партияга киришяпти...

— Хўш?

— Хўш-хўшлайверма, ҳали қўшга қўшганингча йўқ.

— Ундан кейин-чи?

— Иннайкейин, гапим шуки, мен ҳам кирмоқчидирман. Умрим айғирларнинг кетида ўтиб кетмасин-да, ошна. Мени уларга боғлаб бериб қўйибдим!

— Муддаойинг нима?

— Сенга она тилимизда айтяпман-ку: партияга кирмоқчиман. Менга қандай амал тегишини ва бошқа гапларни билгани атайлаб келдим... Сен менга кўрсатиб берсанг: нима деб, қандай қилиб ёзай?..

— Бу нима деганинг?.. Сен ҳали одамлар партияга амал учун киради, деб ўйловдингми?

— Бизда ҳамма партиялилар амалдор.

Макар ўзини босиб, мавзунини ўзгартирди:

— Пасхада уйингга поп кирганмиди?

— Ҳа, кирган эди.

— Унга эҳсон берганмидинг?

— Ҳа, албатта. Бир жуфт тухум билан ярим қадоқча келадиган бир бўлак ёғ.

— Бундан чиқдики, сен шу маҳалгача ҳам худога ишонар экансан-да?

— Хўш, албатта, унча астойдил ишонмайману,

учиниб қолсам, ёки яна бирон кори ҳол бўлиб қолса, ёки чунончи, момақалди роқ қаттиқроқ гулдураб қолса, ўшанда ибодат қилиб худога сиғинаман.

Макар Шчукаръ бобога одоб билан муомала қилиб, уни нима учун партияга ололмасликларини яхшилаб тушунтирмоқчи эди-ю, аммо Шчукаръ билан гаплаша бошлагач, сабри тугаб, пўскалласини айтиб қўя қолди:

— Йўқол, жин урган қовоқбош! Попларга тухум эҳсон қиласан, муздан ҳўққилар ясайсан, аллақаёқдаги амалларни орзу қиласан, ўзинг бўлсанг — отларга терт қориб беролмайсан. Сенга ўхшаш бетамизни партия бошига урадимми? Нима, сен калака қиялсанми? Партияга ҳар қандай қаланғи-қасанғини олаверади деб ўйлайсанми? Сенинг ишинг — валақлаб, ёлғон-яшиқ гап сотиш. Фашимга тегмасдан тезроқ йўқол, жаҳлимни чиқарма, асабий кишиман. Саломатлигим сен билан бамайлихотир гаплашишга йўл қўймайди. Жўна дейман. Қани!

«Бемаҳалда келибман! Тушдан кейин келсам бўлар экан» деб афсусланди Шчукаръ бобо, эшикни шоша-пиша ёпиб чиқар экан.

Бутун Гремячий Логни, айниқса Гремячий қизларини ҳаяжонлантирган нарса Димокнинг ўлими бўлди.

Халқ суди ҳукм қилган Ефим Трубачёв билан Батальшичков станцияга кетаётганларида Димок ялло қилиб юрган дамларни, Гремячий Логни қўмсаб қочмоқчи бўлди, деб ёзишган эди.

Маҳкум қилинганлардан бир тўдасини олиб кетаётган милиционер Димокка уч марта: «Тўхта!» деб қичқирибди. Аммо Димок мункайганча шудгордан ўрмонга қараб қочаверибди. Буталарга ўн беш сажень қолганида милиционер чўккалабди-да, милтигини ўқталиб учинчи ўқ билан Димокни ер тишлатибди.

Кимсасиз бу йигитга холасидан бошқа куядиган ҳеч ким йўқ эди, Димокдан ишқ-муҳаббатнинг соддагина санъатидан таълим олган қизлар куйиб-пишишса ҳам, бу узоққа бормади.

«Ўтган ўтиб кетади, яра битиб кетади...» Қиз боланинг кўз ёши — тонг олдининг шабнами...



«Жимжит фасл» 1930 йилдагина биринчи марта барҳам еди. Эскича яшаб келган бурунги вақтларда бу икки ойнинг «жимжит фасл» деб аталиши бежиз эмас эди. Одамлар экин экиб бўлгач, аста-секин ўроққа тайёрланар, ўтлоқларда от-ҳўкизлар семириб кучга тўлиб юрар, казаклар эса паншахаларга соп йўнар, араваларни тузатар, лобогрейкаларини ремонт қилар эдилар. Қамдан-кам одам бўз ерга чиқиб, ерини шудгорлаб қўярди. Хуторлар оғир сукунатга чўмган. Туш пайтида жимжит кўчадан ўтиб қолсанг, ҳеч зотни учратмайсан. Казаклар ё сафарда, ё уйида, ертўлаларда дам олиб ётган бўлар, эринибгина болта чопиб ўтирган бўлар: уйқу босган хотинлар сояроқ жойга ўтириб олишиб, бит боқар эдилар. Хуторлар бўм-бўш, сув қуйгандек жимжит бўлар эди.

Колхоз ҳаётининг биринчи йилиёқ Гремячий Логдаги «жимжитлик фасли»га барҳам берилди. Буғдойлар кўтарилиши биланоқ ўтоқ бошланиб кетди.

— Уч марта ўтоқ қиламиз, колхоз далаларида биронта ҳам бегона ўт бўлмасин!— деди мажлисда Давидов.

Яков Лукич Островнов хурсанд эди. У бетиним ва жонсарақ одам бўлгани учун хўжаликнинг шу тариқа идора қилиниши, бутун хуторнинг иш билан, тинмасдан ҳаракат қилиши унга ниҳоятда ёқар эди. «Совет ҳоқимиятининг парвози баланд, кўрайлик-чи, қаерга бориб қўнар экан! Ғаллалар ҳам ўтоқ қилиняпти, ерлар шудгор қилиняпти, моллар ҳам боқияпти, ускуналар ҳам тузатиляпти... Аммо халқ ишлармикан? Хотин-халажни ғаллани ўтоқ қилишга мажбур қилиб бўлармикан? Ахир, бу кўз кўриб, қулоқ эшитмаган нарса-ку. Илгари бутун Дон Қўшини областида ғалла ўтоқ қилинмас эди. Ўтоқ қилинмай чакки қилинган экан. Ҳосил кўпроқ бўлар экан. Мен қари лақма ҳам ўтоқ қилдирсам бўларкан. Барибир хотинлар бутун ёзни бекор ўтказишарди» деб ўйларди у, илгари якка хўжалик вақтида ғалла экинларини ўтоқ қилдирмаганига ачиниб.

Давидов билан суҳбатлашганда эса шундай дерди:

— Энди ғаллага кўмилиб кетамиз, ўртоқ Давидов. Илгари бўлса, одамлар уруғни ташлаб нима униб чиқишини пойлагучи эди. Буғдой билан бирга ажриқ ҳам, бўзтикан ҳам, қорамуғ ҳам, кўктовон ҳам — балло-баттар ўт-алафлар чиққучи эди. Янчаётганинда ғалла мўл кўринарди-ю, шопирилгандан кейин тортиб кўрсанг, десятинадан қирқ икки пудми ёки ундан ҳам камроқ тушарди.

Гремячийликлар колхоз омборларидан уруғлик ғаллани талаб олиб кетганларидан кейин Давидов Островновни хўжалик мудирлиги вазифасидан олиб ташламоқчи бўлди. Давидовнинг кўнглида ёмон шубҳа туғилди... У омборлар олдидаги оломон ичида Островновни кўрганيدا чолнинг юзиди саросима асари йўқ эди, балки фурсат пойлаган кишидай билинар-билинимас заҳарханда қилиб турганини эсларди... Давидовга ўшанда, ҳар қалай, шундай туюлган эди.

У эртасигаёқ Яков Лукични ўз хонасига чақариб олиб, чет кишиларни чиқариб юборди. Улар товуш чиқармай гаплашишди.

— Сен кеча омборларнинг олдида нима қилиб юрган эдинг?

— Халойиқни шаштидан қайтариб юрган эдим, ўртоқ Давидов. Душманларга, эсларингни йиғинглар, ўзбошимчалик билан колхоз ғалласини талаб кетманглар, деб гап уқтириб юрган эдим,— дея тутилмай жавоб берди Яков Лукич.

— Хотинларга-чи... Нега сен хотинларга, омборларнинг калити Давидовда бўлиши керак, дединг?

— Нима деяпсиз! Худо сақласин! Кимга шундай дебман? Ҳеч кимга бундай деганим йўқ...

— Мени сургаб юришганида хотинларнинг ўзлари шундай дейишди...

— Ёлғон! Бориб қасам ичаман. Тухмат... Менга хусумат қилишибди.

Қатъий қарорга келган Давидов иккиланиб қолди. Бу орада сал ўтмай Яков Лукич ўтоққа тайёрланиш, умумий овқатланишга жиҳозлар тўплаш учун шундай жон куйдира бошладики, правленига шундай

хўжалик режалари тақдим эта бошладики, Давидов яна сергайрат хўжалик мудирига таҳсин қилди.

Яков Лукич правлениега бригадаларнинг дала участкаларида бир неча янги ҳовуз қазилгани тақлиф қилди. У ҳатто кўклам сувларини сойларнинг қайси ерларида тўхтатиш қулайроқ эканини ҳам белгилаб чиқди. Унинг фикрича, янги ҳовузлар шундай қазилиши керак эдики, бригадалардаги моллар ярим километрдан узоққа олиб бориб суғорилмаслиги керак эди. Давидов ҳам, правлениенинг барча аъзолари ҳам Островнов режасининг фойдали эканига таян беришга мажбур бўлдилар, чунки эски ҳовузлар мутлақо колхоз хўжалигини назарга олмасдан қазилган эди. Улар даштда тартибсиз жойлашган, баҳорда молларни бригада қўшхонасидан икки ярим-уч километрча узоққа олиб бориб суғориб келишга тўғри келарди. Кўп вақт беҳудага кетарди. Чарчаган хўкизларнинг сувлоққа бориб қайтиб келиши учун қарийб икки соат вақт кетар, бу муддат ичида бир гектардан ошиқ жойни ҳайдаб ёки молалаб қўйиш мумкин эди. Правление янги ҳовузлар қазилганга розилик берди, Яков Лукич дала ишларидаги танаффусдан фойдаланиб Давидовнинг рухсати билан тўғонлар учун ёғоч тайёрлашга киришди.

Бугина эмас: Яков Лукич ғишт пишириш учун кичкинароқ завод қуриш ҳақида тақлиф киритди ва бундай корхонанинг рентабель бўлишидан шубҳаланган Аркашка Айирбошчига каттакон отхона ва молхона қуриш учун ғиштни узоқлиги йигирма саккиз километр келадиган райондан ташиб олиб келиб, унинг устига, ҳар юз донасига тўрт сўм эллик тийиндан пул тўлагандан кўра ўз ғиштларига эга бўлишлари анчагина фойдалироқ эканини осонгина исботлаб берди. Яна шу Яков Лукичнинг ўзи учинчи бригада колхозчиларини тўғон ясаб, ҳар йили хутор яқинидаги ҳосилдор ерларни ювиб кетадиган Тентаксойни тўсишга унатди. Бу ерларда тариқ билан катта-катта шириншакар тарвузлар яхши битарди. Унинг раҳбарлигида сойни қозиқ қоқиб, шох-шабба билан тўсишди ва гўнг шиббалаб, устидан тош ботиришди, ўзанига эса илдизлар бир-бирига чирмашиб ғовак тулроқни мус-

таҳкамлаши учун терак билан тол ниҳоллари ўтқазишди. Анча-мунча ер майдони ювилиб кетишдан сақлаб қолинди.

Мана шуларнинг ҳаммаси эътибори кетган Яков Лукичнинг колхоздаги мавқеини мустаҳкамлади. Давидов хўжалик мудирини сира ҳам қўлдан чиқармаслик ва унинг чинакам битмас-туганмас ташаббускорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қарор қилди. Ҳатто Нагульнов ҳам Яков Лукичга рўйхўш берадиган бўлиб қолди.

— Руҳан бегона бўлса ҳам, уддабурон киши. Ўзимиз шундай омилкор кишиларимизни етиштиргунча Островновни хўжалик мудирлигида сақлаб турамиз. Партиямизнинг ақли зўр. Унда миллионларча ақл бор, у шунинг учун ҳам ўткир. Баъзи бир газанда ички контр инженерлар борки, нафсиламр аллақачон деворга тираб отиб юбориш керак эди, аммо уни деворга тираб отишмайди. Унга иш топшириб: «Сен ўқиган одамсан! Мана сенга пул, ёрилиб ўлгунингча е, хотинингга ипак пайпоқ олиб бериб севинтир, аммо каллангни ишлатиб жаҳон революциясининг саодати учун инженерлик ишларини бажар!» дейишади. У бажаради. Гарчанд эски турмушдан кўнглини узолмаса ҳам бажаради. Уни отиб юборганинг билан нимасини оласан? Эски шими билан, эҳтимол, жевакли соат занжири қолар. У бўлса ишлаб минг-минглик фойда келтиради. Бизнинг Островнов ҳам шундай: сойларни тўсаверсин, ҳовузлар қазийверсин. Уларнинг ҳаммасининг Совет ҳокимиятига нафи тегади, жаҳон революциясини яқинлаштиради,— деди у бир куни ячейка мажлисида.

Яков Лукичнинг ҳаёти яна бир маромга тушиб олди. У Половцевнинг орқасида турган ҳамда қўзғолонга тайёргарлик кўришга раҳбарлик қилган кучларнинг ҳаммаси бу галча муваффақиятсизликка учраганликларини тушунарди; у энди қўзғолон бўлмаслигига қатъий ишонганди, чунки фурсат қўлдан берилганда за Совет ҳокимиятига адоват билан қараяган казакларнинг кайфиятида ҳам бир оз ўзгариш юз берган эди. «Афтидан, Половцев билан Лятевский чегарадан ўтиб кетишганга ўхшайди» деб ўйларди

Яков Лукич. У Совет ҳокимиятини бир силкитиб, безовта қилишга муваффақ бўлинмаганидан қаттиқ ўкинса-да, бир нарсадан қувониб, тасалли топарди: энди Яков Лукичнинг тинч-омон яшашига ҳеч нарса таҳдид қилмас эди. Энди у Гремячий Логга келадиган участка милиционерини кўриб жони ҳалқумига келмасди, илгарилари милиционернинг қора шинелини кўриши биланоқ юраги орқасига тортиб, вужудини титроқ босгучи эди.

Ўғли билан ёлғиз қолганда кампир онаси:

— Бединларнинг ҳукуматига қачон қирон келади! Бизникилар қачон бош кўтариб чиқишади?— деб сўрарди Островновдан.

Ноўрин саволдан қаттиқ ғазабланган Яков Лукич ғижиниб жавоб берарди:

— Сизга барибир эмасми, ойижон?

— Барибир эмас-да: церковларни тақа-тақ ёпиб қўйишди, попларни кулакка чиқаришди... Шу ҳам адолат бўлдимми?

— Ёшингиз анчага бориб қолган, тоат-ибодат қилиб ўтираверинг... Бу дунёнинг ишларига аралашманг. Хўп эринмагансиз-да, ойижон!

— Офицерлар қаёққа гумдон бўлишди? Анови бир кўзи кўр саёқ кашанда қаёқларга йўқолиб кетди? Сен ҳам қизиқсан!.. Мендан фотиҳа олган эдинг, ҳозир бўлса яна шу ҳукуматнинг хизматини қилиб юрибсан!— деб вайсар эди, ўғли Яшканинг нима учун «ҳукуматни ағдаришга» кўнмаганини тушуниб ололмаган кампир.

— Эҳ, ойижон, жонимни олиб қўлимга берай дейсиз! Бу бемаъни гапларингизни қўйинг! Хўш, буларни эслаб нима қиласиз? Одамларнинг олдида оғзингиздан гуллаб қўйсангиз борми, нақ... калламдан ажрайман-а! Ахир, ўзингиз айтмовдингизми «ҳар иш худодан» деб. Айшингизни қилиб яшайвермайсизми! Пишиллаб дамингизни чиқармай тинчгина ўтирсангиз-чи... Бир бурда нонни аямасак... Худо ҳақи, сизга яна нима керак?..

Шундай суҳбатдан сўнг Яков Лукич меҳмонхонадан худди ёв қувгандек югуриб чиқиб алламаҳалгача ўзига келолмас, Семён ва хотинларга пўписа қилиб:

— Кампирдан кўзларингни узманглар, у бошимни ейди! Остона ҳатлаб биров кириб келса, кампирни дарров ҳужрага қамаб қўйинглар,— деб буюрар эди.

Кампирнинг устидан эртадан кечгача қулф солиб қўйишарди. Аммо якшанба кунлари монелик қилмай чиқариб юборишарди. У ўзига ўхшаган қариқартанг тенгқур кампирларнинг олдига бориб, йиғлаб-сиқтаб ҳасрат қиларди.

— Вой эгачилар, ўргилиб кетай, меҳрибонларим! Уйимдагилар, Яков билан хотини устимдан қулфлаб қўядиган бўлди... Фақат қоқ нон билан тамадди қиламан, қоқ нонни ҳам ёшим билан ивитиб ютаман. Илгари бизникида Яшканинг командири билан офицер ошналари турганда бачақ кунлари уйимиздагилар ёвғон карам шўрва ҳам пишириб беришарди, мева суви ҳам беришгучи эди... Ҳозир бўлса келиним ҳам, ўғлим ҳам менга шундай кун бермай қўйишдики... Вой-вой-вой!.. Шу кунларга қолдим, шўрликкиналарим: ўз туққан ўғлим ҳам бешиб кетди, нимаданлигини ўзим ҳам билмайман. Илгари, бу бедин ҳукуматни йўқ қилиш учун фотиҳа сўраб келган эди, ҳозир бўлса гапини иккита қиладиган бўлсам мени бўралаб сўкади...

...Бироқ Яков Лукичнинг онаси билан суҳбатлашгандагина кўнгилсиз кўринган осуда ҳаётига кўп ўтмай дабдурустдан путур етди...

### XXXIX БОБ

Эри қўйган хушчақчақ саёқ Лушка Нагульнова экиш вақтиданоқ далада ишлай бошлаган эди. Уни учинчи бригадага тайинлашди, у бажону дил бригада будкасига жойлашиб олди. Кундузлари Афанасий Краснокутовнинг қўшида етовчи бўлиб ишлар, кечаси эса у яшайдиган қизил дала будкасининг олдида саҳаргача балалайка овози янграр, гармоннинг баланд пардалари дўриллаб, пастки пардалари чийиллар, йигит ва қизлар ўйин тушиб, қўшиқ айтишар, мана шу кўнгилхушликка Лушка бошчилик қилар эди.

Дунё унинг учун ҳамиша ёруғ ва содда эди. Луш-

канинг беғам юзида биронта ҳам хавотир ёки ташвиш ажини йўқ эди. У ишонч ва шавқ-завқ билан ҳаёт кечирар, ҳали замон шодлик билан тўқнаш келиб қолишдан умидвордек қошларини кериб юрар эди. Қўйиб юборган кунининг эртасигаёқ Макарни эсидан чиқариб юборган. Тимофей Тиртиқ бўлса аллақаёқларда, аммо Лушка ҳаммани қўйиб ўз яқинларидан ажралганига қуярмиди? «Ундай теватларни умримда ҳали кўп кўраман!»— дерди у нафрат билан унинг бевадек бўлиб қолганлигини юзига солган хотин-халажга.

Ҳақиқатан ҳам эркаклар ошиб-тошиб ётарди. Учинчи бригададаги йигитлар билан ёш куёвлар Лушканинг висолига етиш пайдан бўлишарди. Қўшхонадаги будка олдида кечалари билан мовий ва ғира-шира ой ёруғида «краковяк» билан «пошна полькачаси»га ўйинга тушадиган казакларнинг чориқ ва этикларининг таг чармлари узилиб кетарди. Аммо кўпинча ўйинга тушиб, Лушканинг висолига етиш пайнда бўлган плугчилар, сеялкачилар билан мола бостирувчилар айтишиб, сўкишиб қолар, сўкишишлар муштлашишга айланиб кетарди. Ҳаммаси ҳам Лушка туфайли эди. Унинг висолига етиш осондеккина кўринар, чунки унинг Тимофей Тиртиқ билан шармандали алоқаси бутун хуторга маълум эди, Тимофей чор-ночор, Нагульнов эса бажону дил бўшатиб берган ўринни эгаллаш ҳар кимга ҳам манзур эди.

Агафон Дубцов Лушкани қайириб қўймоқчи эди, лекин қаттиқ панд еди.

— Мен ишни бинойидек қиляпман, ўйин тушиш, ишқ-муҳаббат боғлашни ҳеч ким тақиқлаёлмайди. Сен, Агафон амаки, жиғибийрон бўлаверма, пўстинингни ёпиниб уйқунгни уравер, борди-ю, кўзинг ўйнаб кўнгилхушлигимизга қатнашгинг келаётган бўлса, келавер. Биз чўтирларни ҳам қабул қилаверамиз. Чўтирлар ишқ-муҳаббат бобида жуда серғайрат бўлармиш!— хохолаб мазах қиларди Лушка.

Шундан сўнг Агафон Гремячийга биринчи тушишдаёқ ёрдам сўраб Давидовга мурожаат қилди:

— Аломат тартибларни жорий қиляпсиз, ўртоқ Давидов!— дерди у жаҳл билан.— Любишкиннинг

бригадасига Шчукаръ бобони, менинг бригадамга бўлса Лушка Нагульновани тиқиб қўйдингиз. Сиз уларни зараркунандачилик қилсин деб юборганми-сиз, ёки бошқа муддаойингиз борми? Бир кун кечаси чиқиб боринг, қўшхонада нималар бўлаётганини кўринг. Лушка менинг ҳамма йигитларимни йўлдан чиқариб юборди. Ҳаммани умидвор қилиб илжайди, шундан кейин уни талашиб жўжахўроздек уришишади. Кечалари билан шундай қийқиришиб ўйин тушишадики, туриб-туриб товонларига ачиниб кетасан: жонларини аямай шунақанги қаттиқ депсинишадики! Будканинг олдидаги ернинг тупроғини ўйнатиб юборишди! Ҳулкар ботиб кетса ҳамки, бизнинг қўшхонада, ярмаркадагидек, шовқин-сурон тинмайди... Мен герман урушида яраланганимда Харьковдаги госпиталда ётган эдим, тузалганимиздан кейин ҳамширалар бизни опера эшитгани олиб боришди... Ушанда ҳамма ёқ аросат бўлиб кетарди: биров хунукдан-хунук увиллаётган, биров ўйин тушаётган, биров зўр бериб скрипкасини ғийтиллатаётган. Ҳеч балони тушунолмайсан! Шунақа бир музикаки, худди гирибонингга ёпишаётгандек! Бизда ҳам шундай: бўкириб қўшиқ ҳам айтишади, тинмай музика ҳам чалишади, ўйин ҳам тушишади... Бамисоли ит тўйи! Сахаргача қутуришади, кундуз кун қандай қилиб ишлай олишарди? Юрган йўлида ухлаб, ҳўкизнинг оёғига йиқилиб тушай дейди... Сен, ўртоқ Давидов, ё бу ярамас Лушкани бригаддан йўқот, ё айтиб қўй, эрли хотинга ўхшаброқ юрсин.

— Мен сенга нимаман?— газаби ошиб кетди Давидовнинг.— Мен нима, унинг насиҳатгўйиманми?.. Ҳозир кўзимдан қорангни ўчир!.. Олдимга келиб ҳар балони гапиришади... Нима, мен унга одоб-ахлоқдан таълим берайми? Ёмон ишлаётган бўлса, бригаддан ҳайдаб юбор! Бу нима деган гап: сал гап бўлса правлениега югуриб келасизлар. «Ўртоқ Давидов, плуг синиб қолди!», «Ўртоқ Давидов, байтал оғриб қолди!» Ёинки мана шу ишни олиб кўрайлик: бир хотин суюқоёқ бўлса, сенинг фикрингча, мен унга таълим беришим керакми? Жин урсин! Плугни тузатиш керак бўлса, темирчига боринглар! Отларга бир гап бўлса,



ветеринарга учрашинлар! Қачон ўзларинг ташаббус кўрсатишни ўрганасизлар? Қачонгача сизларнинг кўлларингиздан етаклаб юраман. Бор!..

Агафон Давидовдан қаттиқ норози бўлиб чиқиб кетди. Давидов эса у кетгач, устма-уст иккита папирос чекиб, эшикни тарақлатиб ёпди-да, иллагини солиб қўйди.

Дубцовнинг гаплари Давидовни ҳаяжонлантириб юборди. У ўз вазифаларини ўзлаштириб олмаган бригадаларнинг ҳар қандай икир-чикир хўжалик масалаларини бартараф қилиб беришини сўрай бериб ғашига текканлари учун эмас, Дубцовнинг сўзларига қараганда, Лушканинг «ҳаммани умидвор қилиб, ҳаммага илжаяётгани» учун ғазаби қўзиб, ўшқириб берди.

Правление олдида тўқнаш келиб қолганда Лушка ерга қараган кўзларидаги кулгини киприклари билан яширган ҳолда: «Қаланғи-қасанғи бўлса ҳам биронта эр» толиб беришини илтимос қилган, кейин эса ўзини хотинликка таклиф қилган ўша ҳазил аралаш суҳбатдан сўнг Давидовнинг унга муносабати беихтиёр равишда ўзгариб қолган эди. Сўнгги вақтларда у ўқтин-ўқтин ўлгидек енгилтак, бефаҳм жувон бўлган Лушка ҳақида ўйлаётганини пайқаб қоладиган бўлди. Агар илгари унга ачиниб, ҳам ҳазар қилиб лоқайдлик билан қараган бўлса, ҳозир эса кўнгли мутлақо бошқача эди... Дубцовнинг Лушка устидан арз қилиб келиши Давидовнинг сўкинишига баҳона бўлди. Унинг кўнгли Лушкани тусаб қолди, бу нарса худди экишнинг энг қизғин пайтида бемаврид содир бўлди. Янги туйғунинг юзага келишига Давидовнинг қиш бўйи, Андрей Размётнов ҳазиллашиб айтганидек, «архиерейча» кун кечиргани сабаб бўлгандир, ёинки баҳор ҳамма хўжалик, сиёсий кампанияларни амалга ошириб бўлган бенуқсон Гремячий колхозни раисининг вужудини эл қатори ўз забтига олаётгандир.

Кечалари ўзидан ўзи ўқтин-ўқтин уйғониб кетар, чекар, булбулларнинг чақ-чақлаб сайрашларига қулоқ солиб туриб ижирганар, кейин деразани қарсиллатиб ёпиб, жўнгина одеялчасига бошини буркаб оларди-да, оппоқ саҳаргача сурат чекилган кенг кўк-

раги билан ёстиққа мук тушганича мижжа қоқмай тонг оттирар эди.

1930 йили эрта келган баҳор боғлар билан дарахтзорларга шунча кўп булбуллар келтирдик, улар жимжит кечаларни янгроқ садолари билан ёшларига кўтарар, кундузи ҳам тиним билмас эди. Қисқа баҳор кечалари булбулларнинг ишқ-муҳаббатдан лаззат олиши учун кифоя қилмас эди. «Икки сменалаб сайрашяпти, хумпарлар!»— деб шивирлади тонг пайтида, интизорликдан юраги орзиқаётган, уйқусизлик билан мардона курашаётган Давидов.

Лушка Нагульнова экишнинг охиригача бригадада бўлди, аммо бригада чопиладиган экинларни экиб бўлиб даладан тушиб келиши билан ўша кунидек кечқурун Давидовнинг олдига келди.

У кечки овқатни еб бўлиб ўз хонасида чўзилиб «Правда»ни ўқиб ётган эди. Даҳлизда кимдир худди сичқондек эшикни қитирлатди, сўнгра хотин кишининг:

— Қирсам мумкинми?— деган майин овози эшитилди.

— Мумкин.— Давидов койкадан сапчиб туриб, кифтига пиджагини ташлади. Лушка эшикни оҳиста ёпиб ичкарига кирди. Қора рўмоли шамол ялаб буғдой ранг тусга киритган юзини қаримсиқроқ қилиб кўрсатарди. Еноқларидаги қуёшдан қорайган қалин ва майда сепкиллар аниқроқ кўзга ташланиб турарди. Аммо соя ташлаб турган рўмоли остидаги кўзлари жилмайиб яна ҳам кучлироқ чақнамоқда эди.

— Кўриб кетгани келдим...

— Бу ёққа ўт, ўтир.

Унинг келганидан таажжубланиб қувониб кетган Давидов унга табуретка суриб қўйиб пиджагини тугмалади-да, койкага ўтирди. У ниманидир кутиб, индамас, ҳаяжонланиб, ўзини ноқулай ҳис этар эди. Лушка эса бемалол столга яқинлашиб, сезилар-сезилмас чаққон ҳаракат билан юбкасини қайтариб (ғижим бўлмаслиги учун) ўтирди.

— Аҳволинг қалай, колхоз раиси?

— Чакки эмас.

— Зерикмаяпсанми?

— Зерикишга вақт ҳам йўқ, сабаб ҳам.

— Мени ҳам қўмсамадингми?

Ҳеч вақт ўзини йўқотмайдиган Давидов қизариб, қовоғини солди. Лушка сохта ювошлик билан киприкларини туширди, лабларининг чеккаларида эса табассум ўйнар эди.

— Топган гапингни қара-я! — журъатсизланиброқ жавоб берди Давидов.

— Ростдан соғинмадингми?

— Йўғ-э, факт! Менда ишинг борми?

— Ҳа... газеталарда нима янги гаплар бор? Жаҳон революцияси ҳақида нима хабарлар бор? — Лушка тирсагига суяниб, юзига суҳбатга монанд жиддий тус берди. Гўё яқингинада лабларида кишини васвасага солувчи табассум бўлмагандек эди.

— Ҳар хил гаплар бор... Менда нима ишинг бор эди? — ўзини тийиб сўради Давидов.

Уларнинг гапларига, афтидан, уй бекаси қулоқ солиб турган бўлиши керак. Давидов худди чўғ устидан ўтиргандек эди. Унинг аҳволи тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада оғир эди. Макарнинг собиқ хотини кечалари квартирантиникига келишини уй бекаси эртагаёқ бутун Гремячийга ёйиб юборса, Давидовнинг доғ тушмаган обрўси бир пул бўлади! Ғийбатга ўч хотин-халаж тор кўчаларда, қудуқларнинг олдида тинмасдан ғийбат қилишади, эркаклар бир-бирларига тўқнаш келганда, бир нарсадан хабардордек, илжайиб ўтиб кетишади. Размётнов Лушканинг тузоғига тушган ўртоғига тегажаклик қилади, бу гап районга ҳам бориб етади, фалокат босиб, район ер-сув союзидагилар ҳам устидан иш очиб: «У экишни шунинг учун ўнинчига келибгина тугатганки, уникига хотинлар танда қўйган. Афтидан, у экишдан кўра ҳам ишқ-муҳаббат билан кўпроқ шуғулланганга ўхшайди!» дейишлари мумкин. Йигирма беш мингчиларни районларга жўнатишлари олдидан округком секретарининг айтган гаплари бежиз эмас эди-ку: «Революция авангарди — ишчилар синфининг обрўйини қишлоқда жуда ҳам юксак даражада тутиш керак. Ўзларингни ниҳоятда эҳтиёт тутинглар, ўртоқлар. Мен катта масалаларнигина айтаётганим йўқ, ҳатто

турмушдаги икир-чикир масалаларда ҳам орқа-ўнгларингга қараб иш тутинглар. Қишлоқда бир тийинлик ичиб қўйсанг, юз сўмлик сиёсий гап-сўзга қоласан...»

Давидов Лушканинг келгани ва у билан бемалол гаплашаётгани қандай оқибатларга олиб боришини бир зумда ўйлаб кўриб, терга тушиб кетди. Эътиборининг тушиб кетиш хавфи аниқ эди. Лушка эса Давидовнинг ич-этини еяётганини мутлақо сезмай бемалол ўтирарди. Шунинг учун ҳам Давидов хуноб бўлганидан бўғилиб жаҳл билан қайта сўради.

— Нима ишинг бор эди? Айтгину, чиқиб кет. Сен билан беҳуда гапларни гаплашиб ўтиришга вақтим йўқ, факт!

— Ановида менга нима деганинг эсингдами? Мен Макардан рухсат олганим йўқ, биламанки, у қаршилик қилади...

Давидов ўрнидан сапчиб туриб, қўлларини силтади:

— Вақтим йўқ! Кейин! Кейинроқ!

Шу пайтда у Лушкани гапиртирмаслик учун оғзини қўли билан беркитишга ҳам тайёр эди.

Лушка ҳам буни тушуниб, қошларини нафрат билан учирди.

— Сени қара-я! Яна... Хўп, майли. Менга қизиқроқ газетангиздан беринг. Сизда шундан бошқа ишим йўқ эди. Безовта қилганим учун кечирасиз...

Чиқиб кетди, Давидов ҳам енгил тортиб нафас олди. Аммо бир дақиқадан сўнг стол ёнида ўтираркан, сочларини чангаллаб, ўйларди: «Ўзим ҳам ўлгудек ношудман-да! Буни гап қилишса нима бўларди! Нима, менинг олдимга хотин кишининг келиши мумкин эмасми? Нима, мен монахманми? Қимнинг нима иши бор? У менга ёқади, демак, у билан мен вақт ўтказишим мумкин... Ишга зарари тегмаса бўлгани, бошқаси билан нима ишим бор! Мана энди у келмайди, факт. Унга жуда дағал муомала қилдим, аммо ўзи ҳам чўчиброқ турганимни билди... Жин урсин сени, жуда бемаъни иш бўлди-да!»

Аммо унинг хавотирлари беҳуда эди: Лушка ўз

режаларидан осонлик билан воз кечиб кетадиган одамлар тоифасидан эмас эди. Унинг режаси Давидовни қўлга киритишдан иборат эди. Дарҳақиқат, ўз умрини Гремячийдаги аллақайси бир йигитнинг умри билан боғлаши муносибмиди? Бунинг нима ҳожати бор? Ула-ўлгунча печканинг олдида куйиб, даштда, хўкизларнинг олдида, шудгорда умр ўтказиш учунми? Давидов эса яғриндор, ёқимтой содда йигит, жаҳон революциясини кутиб, иш билан совиб кетган Макарга мутлақо ўхшамайди. Тимофейга ҳам ўхшамайди... Унинг кичкинагина нуқсонни бор: тиши кемшик, шунда ҳам кўринарли жойдаги олдинги тиши кемшик, аммо Лушка хушторининг қадди-бастаи учун бу нуқсонига кўнган эди. У ўзининг ҳали ёш, аммо тажрибага бой умрида эркак кишининг қадри тиш билангина белгиланмаслигини билиб олган эди...

Эртасига қош қорайганда у яна келди, бу гал жуда ҳам ясанган, яна ҳам жозибалироқ эди. Газетани баҳона қилиб келди.

— Газетангизни олиб келдим... Яна олсам бўладими? Сизда китобдан йўқми? Менга ишқ-муҳаббат тўғрисидагидан бўлса.

— Газета олсанг ол, аммо китобдан йўқ, менинг уйим қироатхона эмас.

Лушка таклифни ҳам кутмасдан ўтирди-да, учинчи бригададаги экиш ҳақида, Гремячий Логда ташкил этилаётган сут фермасидаги кўрган тартибсизликлари ҳақида жиддий гапира бошлади. У соф кўнгиллик, соддадиллик билан Давидовга, ўз тасаввурича, унинг диққатини жалб этган нарсалар доирасига мослаша бошлади.

Давидов бошда унинг гапларига ишонқирамай қулоқ солди, аммо кейин қизиқиб кетиб, ўзининг мол фермаси очиш тўғрисидаги режаларини гапириб берди, йўл-йўлакай чет элларда сут маҳсулотларини ишлаш соҳасида эришилган энг янги техника ютуқларини сўзлади, ниҳоят, ўкингандек деди:

— Бизга бир дунё пул керак. Қўп сут берадиган сигирларнинг бузоғидан бир нечтасини сотиб олишимиз керак, наслдор буқа сақлашимиз керак... Бу иш-

ларнинг ҳаммасини мумкин қадар тезроқ амалга оширишимиз зарур. Ахир, тўғри йўлга қўйилган сут хўжалигидан катта даромад тушади-ку! Бу ишда колхоз ўз бюджетини ўнглаб олиши факт. Хўш, уларда ҳозир нима бор? Баҳорда соғилган сутни ҳам ўтказиб беролмайдиган, бир пулга қиммат эскигина сепараторча бор, холос. Биронта ҳам бидон йўқ, сутни эскича хурмаларга қуйишади. Шу ҳам иш бўлдимиз? Мана, сен уларнинг сути ачиб қоляпти деяпсан, нима учун ачиб қоляпти? Ифлос идишга қўйишса керак.

— Хурмаларни яхши қиздиришмайди, шу сабабдан ачиб қолади.

— Менам айтялман-ку, идишни ёмон тутишади, деб. Сен шу ишга ўзинг киришиб, бир тартибга келтир. Қилиниши зарур бўлган ишларни қил, правление ҳамма вақт ёрдам беради. Ахир, шу ҳам иш бўлдимиз? Идишларга қараб турилмаса, сут соғувчилар яқинда мен кўргандек соғадиган бўлсалар, сут доим ачиб қолаверади: сигирнинг олдига келиб ўтиради, елинини ювмайди, эмчаклари ифлос, гўнг ёпишган... Соғувчининг қўли ҳам ювилмаганлиги кўриниб турибди, факт. Унгача, ким билади, нима балоларни ушлаган, ифлос қўли билан сигирнинг елинига ёпишади. Бу ишга киришишга вақтим бўлмади. Лекин бир киришим бор! Сен ҳам упа-элик қўйиб ўзингга оро бергандан кўра, фермани эпга олсанг-чи, а? Сени мудира қилиб тайинлаймиз, курсга бориб, илмий асосда идора қилишни ўқиб ўрганасан, ихтисосли хотин бўлиб келасан.

— Қўйсанг-чи, менсиз ўзлари эплейверишсин,— деб хўрсинди Лушка,— у ерда мендан бошқа ҳам саришта қиладиган одамлар бор. Мудира бўлгим келмайди. Курсга ҳам боргим келмайди. Машмашаси кўп. Мен енгил-елпи ишлаб юришни, бемалол яшашни яхши кўраман, бу — осон эмас!.. Иш — аҳмоқларни яхши кўради.

— Яна бемаъни гапларни гапиряпсан! — деди ўкинч билан Давидов, аммо унга гап уқтириб ўтирмади.

Ҳадемай Лушка уйига отланиб қолди. Давидов

уни кузатиб чиқди. Қоронғи тор кўчадан боришаркан, анчагача индашмади, сўнгра Давидовнинг ташвиши нимадалигини дарров билиб ола қолган Лушка сўради:

— Бугун кубанкани кўргани бордингми?

— Бордим.

— Хўш, қалай?

— Расво! Агар шу ҳафта ичи ёмғир бўлмаса... униб чиқмас деб қўрқаман. Оббо, бу ишларнинг оқибати нима бўлишини биласанми? Мендан ибодат қилгани рухсат сўраб келган чоллар жиртак чалишади, факт! «Ҳа,— дейишади,— ибодат қилгани рухсат бермадингми, энди худо ҳам ёмғир юбормайди!» Барометр об-ҳаво ўзгариши нуқтасида тўхтаб олган экан, бунга худонинг нима дахли бор. Аммо улар ўзларининг аҳмоқона эътиқодларига ёпишиб олишади. Бало бўлди, факт! Бир чеккаси ўзимиз ҳам сал янглишиброқ қолибмиз... Полизлар билан чопиқ қилинадиган экинларнинг бир қисмининг баҳридан ўтиб, буғдойни тезроқ сепиб олсак бўлар экан, шу масалада янглишиб қолибмиз! Мелионопус масаласи ҳам шундай: мен анови бефаросат Любишкинга факт билан исботладимки, бизнинг шарт-шароитимизда бу нав ҳамма агрономик жиҳатлари билан анчагина мос келади деб...— ўз севикли мавзуига ўтиб олган Давидов яна жонланди, мароқ билан узундан-узоқ гапириш мумкин эди-ю, аммо Лушка тоқатсизланаётганини яширолмай унинг гапини бўлди:

— Ҳадеб ғалла ҳақида гапираверасанми! Кел, яхшиси бирпасгина ўтирайлик,— деб ой нурида мовий тусга кирган ариқ лабини кўрсатди.

Боришди. Лушка юбкасини сал кўтариб, эпчиллик билан:

— Пиджагингни солсанг-чи, тагин юбкам ифлос бўлиб қолмасин. Бу кишилигим...— деди.

Улар ерга тўшалган пиджакка ёнма-ён ўтиргач, мийиғида кулиб турган Давидовнинг юзига ўзининг жиддий тус олган, ғалати бўлиб очилиб кетган юзини яқин келтириб деди:

— Ғалла билан колхоз ҳақида гапираверасанми! Ҳозир бу тўғрида гаплашиш керак эмас... Теракнинг

янги очилган барглари қандай бўй таратаётганини сезяпсанми?..

...Лушкага интиқ бўлиб, у билан алоқа қилса обрўйи кетишидан хавотир олиб юрган Давидовнинг иккиланишлари ана шу билан тамом бўлди...

У ўрнидан турар экан, оёқлари остидан ариққа шувиллаганча қуруқ тупроқ тушиб кетди, Лушка ҳоригандек кўзларини юмиб, қулочларини ёзганча ҳамон чалқанча ётарди. Бир минутча индашмади. Сўнг Лушка ўрнидан туриб, қутилмаган чаққонлик билан букилган тиззаларини қучоқлаб олди-да, бирдан эшилиб, товушсиз кулиб юборди. У худди биров қитқлаётгандек куларди.

— Сен... нимага куляпсан?— ҳайрон бўлиб ранжигандек сўради Давидов.

Аммо Лушка кулгисини яна бирданига тўхтатиб, оёқларини чўзди-да, сонлари билан қорнини кафти билан силаб туриб, хирқироқ бахтиёр овоз билан ўйчан жавоб берди:

— Ҳозир шундай енгил тортиб кетдимки!..

— Пат қистирса учиб кетармидинг?— гижиниб сўради Давидов.

— Ҳе-е-е сен беҳуда... беҳуда гижиняпсан. Ҳозир қорним еп-енгил бўлиб қолгандай... Худди ичи бўшдек еп-енгил, шунга кулиб юбордим. Нима, тентак, йиғлашим керакмиди? Утир, нега туриб кетдинг?

Давидов истар-истамас ўтирди. «Энди бунини нима қилиш керак? Бу ишни бир амаллаб фактически расмийлаштиришга тўғри келади, бўлмаса Макарнинг олдида юзим шувут бўлади, умуман... Ана, оғриманган бошга олтин исирға!» деб ўйларди у, Лушканинг ой нурида кўкиш тусга кирган юзига кўз қирини ташлаб.

Лушка эса қўлини ерга тегизмай эпчиллик билан ўрнидан турди-да, жилмайиб, кўзларини сузиб:

— Мен яхши эканманми-а?— деб сўради.

— Сенга нима десам экан...

Давидов Лушканинг хипча елкасидан қучоқларкан, мужмалгина жавоб берди.



Эртасига, Гремячий Логга жала қуйиб ўтгандан кейин, Яков Лукич отланиб Қизил дубзорга чиқиб кетди. Кесилиши керак бўлган дубларга ўз қўли билан белги қўйиши керак эди, чунки эртасига бутун учинчи бригада тўғонлар учун зарур бўлган ҳамма ёғочларни тайёрлашга чиқиб кетиши зарур эди.

Яков Лукич эрталабдан жўнади. Унинг оти эҳтиёт билан тугилган думини силкитганича аста юриб борарди. Тақаси тушиб кетган олдинги оёқлари сирғанчиқ лойга тайганиб кетарди. Аммо Яков Лукич бирон марта ҳам қамчисини кўтармади: унинг ошиқадиган жойи йўқ эди. Тизгинни эгарнинг қошига ташлаб қуйиб тамаки чекар, Гремячий атрофидаги ястаниб ётган, ҳар бир жарни, ҳар бир сойи ва суғурларнинг ини ёнидаги тепалар болалигидан таниш ва қадрдон бўлган даштни томоша қилар, намдан қўзлаб юмшоқ бўлиб турган шудгорларга, жала ювиб букчайтириб кетган экинларга суқланиб қарар, афсус-надомат билан ғижиниб ўйлар эди. «Лаънати кемшик ёмғир ёғишини башорат қилган экан! Кубанка униб чиқади! Буни қара, бу лаънати ҳокимиятга худо ҳам бўлишяпти-я! Илгари яккаш экин битмас, ҳосил кам бўларди, йигирма биринчи йилдан бери бўлса ер-кўкка ғалла сиғмайди! Совет ҳокимиятини бутун табиат ҳам қўллаяпти, бунақада унга қачон завош етар экан? Йўқ, агар иттифоқчиларимиз коммунистларни қулатишимизга кўмаклашмаса, ўзимизнинг қўлимиздан ҳеч бало келмайди. Ҳеч қандай Половцевлар ҳам бас келолмайди, бир дунё ақллари бўлса ҳам. Зўрдан зўр чиқса, зўр ўзини тияди, зўрга қарши чиқиб бўларканми? Лаънати халқ ҳам айниб кетди... Биров-бировнинг устидан арз қилиб, чаққани чаққан. Ҳар бир итвачча ўзини билади, дунёни ўт олиб ўртаниб кетсинки, иши йўқ. Замона расво бўлди! Бир-икки йилдан кейин бориб нима бўлишини иблис ҳам билмаса керак... Яхши соатларда тугилган эканман шекилли, бўлмаса Половцев билан қилган ишим бундай хайриятчилик билан тугамас эди. Тумшуғимдан илина-

ёзган эдим! Худога шукурки, ҳаммасидан эсон-омон қутулиб, пок бўлиб олдим. Сабр қилиб турайлик-чи, бу ёғи нима бўлар экан. Совет ҳокимияти билан ҳозир видолашишни насиб қилмаган экан, яна бундан кўра қулайроқ пайт келиб қолар!»

Қуёш остида барг ёзган ўт-ўланларнинг совоқларида, ўзини тутиб олган буғдойларнинг нишларида майда маржондек терилган шудринг йилтилларди. Фарбдан эсаётган шабада уларни силкитар, томчилар анво рангда жилоланиб, ёмғир ҳиди келаётган меҳрибон ва муштоқ ер бағрига тўкилар эди.

Йўлдаги арава изларида ҳали тупроқ шимиб кетмаган ёмғир суви ётар, Гремячий Лог устида эса эрталабки туман тераклардан ҳам баланд кўтарилган, жилосиз кўкиш осмонда тонгга қолиб кетган, худди жала ювиб тозалагандек кумуш ойнинг ранги ўчган эди.

Ястанган нозик ой ёмғиргарчиликдан дарак бериб турарди, Яков Лукич унга қараб қўяр экан, ишонч билан: «Ҳосил мўл бўлади!» деган фикрга келди.

Дубзорга тушга яқин етиб борди. Отини тушовлаб ўтлагани қўйиб юборди-да, ўзи камаридан чоғроққина дурадгорлар болтасини олиб, ўрмон назоратчиси Гремячий колхозига ажратиб берган чекдаги дубларга белги қўя бошлади.

Олтита дубнинг ён шохини шилиб, навбатдагисига ўтди.

Ниҳоятда тик қоматли мачтабоп узун дуб пастаккина, сершоҳ қайрағочлар ва қари садалар устида мағрур қад кўтариб турарди. Унинг қоқ учидаги тўқ ялтироқ яшил барглар орасида шумшайиб қарға ини турарди. Танасининг йўғонлигига қараганда, дуб Яков Лукич билан тенгдош бўлиши керак эди, у кафтига гуфлаб, маҳкум этилган дарахтга ачиниб, ҳасрат билан тикилар эди.

Пўстини шилиб, пўстлоқдан тозаланган ёнбошига сиёҳ қалам билан «Г. Қ.» деган белги қўйди-да, дарахт шираси тирқираб чиқиб турган ҳўл пайраҳани оёғи билан тепиб юбориб, чеккани ўтирди. «Қанча йил яшаган эдинг, оғайни! Ҳеч кимнинг бийлигида эмас эдинг, мана энди ажалинг етди. Сени қулатиб,

шилишади, кўркинг бўлган шоҳу бутоқларингни болта билан бутаб ташлаб, ҳовузга олиб кетишади. Тўфонга қозиқ қилиб қоқишади...— деб ўйларди Яков Лукич, юқорига, дубнинг сершоҳ чўққисига қараркан.— То кукунга айлангунингча колхоз ҳовузида чириб ётасан. Шундан кейин баҳорда тошиб келган сув сени сойнинг аллақаяёқлардаги этагига оқишиб олиб кетади — шу билан кунинг битади, вассалом!»

Бу хаёллардан Яков Лукични бирдан қандайдир тушуниб бўлмайдиган ҳасрат ва ташвиш чулғаб олди. У беҳузур бўлиб кетди. «Сенга шафқат қилсаммикан, кесмасаммикан? Ҳамма нарса ҳам колхоз учун ҳайф кетавермасин-да...— Қувонганидан енгил тортиб кетди-да:— Яшайвер! Ўсавер! Савлат тўкиб туравер! Турмушингдан нолийдиган жойинг йўқ-ку! Солиқ, ички солиқ тўламасанг, колхозга кирмасанг... Худо қандай яратган бўлса — шундай яшайвер!» деди.

У ҳовлиқиб сапчиб ўрнидан турди-да, бир чангал лой олиб, шилинган жойни ҳафсала билан суваб қўйди. Кўнгли тинчиб, мамнун бўлган ҳолда дарахтдан йироқлашди...

Кўнгли бузилиб кетган Яков Лукич олтмиш етти дубнинг ҳаммасига белги қўйиб, отига минди-да, ўрмон ёқалаб кета бошлади.

— Яков Лукич, бир оз тўхта!— кимдир орқасидан чақирди даҳанада.

Шундан сўнг дўлана шохлари орасидан қора бара папоқ ва шинель мовутдан олди очиқ иссиқ куртка кийган бир киши чиқиб келди. Унинг юзи шамолдан унниқиб кетган, ориқлаганидан ёноқларидаги терилари тиришиб, кўзлари чуқур тушиб кетган, пўрсилдоқ оқиш лаблари устида ўсиб кетган сабза мўйловлари худди кўмир билан чизиб қўйилгандек қорайиб турар эди.

— Таниёлмаяпсанми, дейман?

Одам папоғини бошидан олди; олазарак бўлиб, ялангликка чиқди, Яков Лукич шундагина бу ноганиш одамнинг Тимофей Тиртиқ эканини пайқади.

— Қаёқдан келяпсан?..— сўради Тимофей билан учрашганидан, унинг ниҳоят даражада ориқлаб таниб

бўлмайдиган даражада ўзгариб кетганидан ҳайратда қолган Яков Лукич.

— Борса келмасдан... Сургундан... Қотласдан.

— Қочиб келдингми?

— Қочиб келдим... Яков амаки, ёнингда ҳеч нарсанг йўқми? Нонинг йўқми?

— Бор.

— Худо хайрингни берсин, бер-чи! Мен тўрт суткадан бери... ириган нордон емиш билан...— деди-да, титраб-қақшаб ютинди.

Унинг лаблари титрар, қўйнидан бир бўлак нон олаётган Яков Лукичнинг қўлини кузатиб турган кўзлари бўрининг кўзларидек чақнар эди.

У нонни шу қадар ютоқиб ея бошладики, Яков Лукич ҳатто энтикиб кетди. Ноннинг суви қочган куюк қобиғини тишлари билан узар, орасидаги юмшоғини чангак бармоқлари билан юлиб олар ва чала-чулпа чайнаб кекирдагини аранг қимирлатиб ютар эди. Охирги чайнамни тиқила-тиқила ютгачгина бошини кўтариб, ҳозиргинада бежо бўлиб турган мастона кўзини Яков Лукичга тикди.

— Оч қолибсан, йигитча...— ачиниб гапирди Яков Лукич.

— Айтяпман-ку, беш кундан бери оч қолганимдан дам ириган нордон емишларни ейман, дам бултурги итбурунни қидираман... Ориқлаб кетдим.

— Хўш, қандай қилиб бу ёққа келдинг?

— Станциядан пиёда келдим. Кечаси билан юрдим,— ҳорғинлик билан жавоб берарди Тимофей.

У охирги кучини нон ейишга сарф қилгандек ранги оқариб кетди. Тўхтовсиз ҳиқичоғи тутиб, қалтираб кетар, ижирғанар эди.

— Даданг саломатми ишқилиб? Оилаларинг омонми?— деб сўзида давом этди Яков Лукич, аммо отидан тушмади. Уқтип-ўқтин олазарак бўлиб атрофга аланглаб қўярди.

— Отам ўпкаси шамоллаб ўлди, ойим билан синглим ўша ёқда. Хуторларингизда аҳвол қалай? Лукерья Нагульнова ўша ерда яшаяптими?

— Эри билан ажрашиб кетган, йигитча...

— Ҳозир қаерда?— жонланиб сўради Тимофей.

— Холасиникида туради, овқат ёнидан.

— Менга қара, Яков амаки... Боришинг билан унга айтиб қўй, менга шу бугуноқ албатта бу ерга овқат олиб келсин. Мен жуда ҳолдан тойдим, ҳозир бормай, бир кун ётиб, ўзимни ўнглаб олишим керак. Роса чарчадим ҳам. Кечалари билан бир юз етмиш чақирим йўл юрдим, нотаниш жойда кечаси юриш қандайлигини ўзинг биласан-ку? Тусмол билан юрасан... Олиб келсин. Сал ўзимга келишим билан хуторга кириб бораман... Туғилган жойимни ўлгидек соғиндим!— деб айбдор кишидек илжайиб қўйди.

— Бундан буён қандай яшамоқчисан?— деб сўради бу учрашувдан нохушланиб ҳайратга тушган Яков Лукич.

Тимофей ғазаб билан юзини буриштириб жавоб қилди:

— Ҳали билмайсанми? Ҳозир ит кунни бошимга тушган. Сал дамимни олай, кечаси хуторга бориб милтиғимни қазиб оламан... Уни хирмон қилинадиган жойга кўмиб қўйган эдим. Ана шундан кейин ишни бошлайман! Менинг йўлим битта. Менга кун беришмаяптими, мен ҳам кун бермайман. Баъзилар мендан насибасини олади... Баъзи бировларнинг ҳушини жойига келтираман! Хўш, кузгача дубзорда умр кечириб, қиров тушиши билан Кубангами ёки бирон бошқа ёққа жўнаб қоламан. Еруғ дунё кенг, бизга ўхшаганлар ҳам минг-минг бўлса керак.

— Макарниг Лушкаси колхоз раисига айланишгандай бўлиб юрибди,— деди ботинқирамай, Лушканинг Давидов квартирасига қатнаб юрганини бир неча марта кўрган Яков Лукич.

Тимофей бута остига ётди. Меъдасидаги қаттиқ оғриқ уни йиқитди. Аммо у тўхтаб-тўхтаб бўлса ҳам гапираверди:

— Энг аввал аблаҳ Давидовни... номи ўчиб кетсин... Лушка бўлса менга вафодор... Эски севги унутилмайди... У нону туз эмас... Мен ҳамма вақт унинг дилига йўл топа оламан. Унутиб юбормагандир дейман... Нонинг билан хароб қилдинг мени, амаки, қорнимни ёриб юборай деяпти... Лушкага айтиб қўй... ёр билан нон олиб келсин... Нондан кўпроқ бўлсин!

Яков Лукич Тимофейни эртага дубзорда дарахт кесиш бошланишидан огоҳлантириб, ўрмондан чиқди-да, кубанка сепилган участкани кўздан кечириш учун иккинчи бригада даласига қараб кетди. Яқингинада кўмирдек қора шудгор бетидан ниш уриб чиққан майса экин латиф яшил йўрмадек товланиб турар эди.

Лукич хуторга кечасигина қайтиб келди. Колхоз отхонасидан уйига Тимофей Тиртиқ билан учрашувдан ҳосил бўлган мудҳиш таассурот остидан келди, эрталабдан бери шу таассурот уни тарк этмаган эди. Уйда эса бундан ҳам хунуқроқ янги бир хабар кутмоқда эди...

Даҳлиздаёқ ошхонадан югуриб чиққан келини шивирлаб уни огоҳлантирди:

— Дада, уйимизда меҳмонлар бор...

— Ким?..

-- Половцев билан анови... ғилай. Қоронғи тушиши билан кириб келишди... биз ойим билан сигир соғаётган эдик. Ҳужрада ўтиришибди. Половцев жуда маст, ановинисини тушуниб ҳам бўлмайти... Икковининг ҳам уст-бошлари жулдур-жулдур!.. Битлаб кетишибди... битлари устларидан ўрмалаб кетяпти!

...Ҳужрада уларнинг гаплашаётгани эшитилиб турарди; Лягьевский йўтала-йўтала заҳарханда билан ачитиб гапирмоқда эди:

— ...Ҳа, албатта! Сиз кимсиз, жаноби олийлари? Сиздан сўраяпман, ҳурматли жаноб Половцев. Мен айтиб беришим мумкин сизнинг кимлигингизни... Хоҳлайсизми? Марҳамат! Сиз беватан ватанпарвар, қўшинсиз саркардасиз, борди-ю, бу ташбеҳларни ҳам баландпарвоз афсона десангиз, чўнтагида бир пули йўқ қиморбозсиз.

Яков Лукич Половцевнинг дўриллаган бўғиқ овозини эшитгач, мажолсизланиб деворга суянди-да, бошини чангаллаб олди...

Эски дард янгидан бошланди.

1930—1932

*На узбекском языке*

Михаил Александрович Шолохов  
Собрание сочинений, т. 6

Перевод с издания издательства  
„Правда“, 1962 года

Редактор *М. Осимов*  
Рассом *А. Ошейко*  
Расмлар редактори *Г. Бедарев*  
Техн. редактор *Л. Парпихужаев*  
Корректор *М. Абдушукурова*

— \* —

Босмахонага берилди 10/VIII-1963 й. Босишга  
рухсат этилди 24/XII-1963й. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>  
Босма л. 12,5. Шартли босма л. 20,40.  
Нашр. л. 19,92. Индекс б/а. Тиражи 15 000.  
УзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти  
Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома 127—60

— \* —

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Мат-  
буот Давлат комитетининг Ихтисослаш-  
тирилган ҳарф терув фабрикасида тайёр-  
ланган матрицадан 3-босмахонасида босил-  
ди. Тошкент, Ленинград кўчаси, 15.  
Заказ № 335. Баҳоси 80 т.